

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

А.М. МАННАНОВ, Қ.Н. ХАИТОВ

**БОЛАЛАР ТЕРИ ВА ТАНОСИЛ
КАСАЛЛИКЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
томонидан тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик
сифатида тавсия этилган

**ТОШКЕНТ
«IQTISOD-MOLIYA»
2016**

УЎК: 616.5-053.2(075)

КБК: 57.33

M-24

Тақризчилар: **Ваисов А.Ш.** – Тошкент Тиббиёт Академиси Тери ва таносил касалликлари кафедраси профессори, Россия табиий фанлар академиясининг аъзоси.

Шомансурова Э.А. – Тошкент Педиатрия тиббиёт институти Амбулатор тиббиёти ва нур ташхисоти кафедраси мудири, профессор.

M-24 Болалар тери ва таносил касалликлари: Дарслик/ Маннанов А.М., Хайтов Қ.Н.; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. Тошкент педиатрия тиббиёт институти; Т.: «Iqtisod-Moliya», 2016. 560 б.

Дарслик тиббиёт институтларининг юқори курс талабаларига ва умумий амалиёт шифокорларига мўлжалланган. Шунингдек, дарсликдан амалиётда фаолият кўрсатаётган дерматовенерологлар, педиатрлар, терапевтлар, акушер-гинекологлар, урологлар ва клиник диагностика лабораториялари мутахассислари ҳам фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 616.5-053.2(075)

КБК: 57.33я73

ISBN 978-9943-13-601-4

© «IQTISOD-MOLIYA», 2016
© Маннанов А.М., Хайтов Қ.Н., 2016

СҮЗ БОШИ

Илм-фан тараққиёти шиддат билан илгарилаң бораётган ҳозирги кунда тиббиёт соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилмоқда. Инсон саломатлиги ва уни мухофаза қилиш борасида улкан кашфиётлар қилинмоқда, бу борада дерматовенерология фани ва унинг ривожи ҳам олдинги мэрраларни эгаллаң келмоқда. Тери ва таносил касалликларига ташхис қўйиш ва даволаш масалалари бўйича янги ноинвазив усуллар яратилмоқда, жумладан, эстетик тиббиёт йўналишининг кенг кўламда ривожланиб бориши ушбу соҳанинг ҳозирги кунда эришиб келаётган катта ютуқларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Дерматовенерология фанининг тараққиётида унинг муҳим қисми бўлган болалар дерматовенерологияси йўналиши алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, болалар организми ўзига хос анатомо-физиологик хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли уларда тери касалликлари белгиларининг ўзига хос кўринишларда кечиш ҳолати кузатилади. Бундан ташқари шундай тери касалликлари гурӯҳи мавжудки, улар фақат болалардагина учрайди. Болалар тери касалликларининг ривожланиши, намоён бўлиши, кечишида ўзига хос жиҳатлар мавжуд, буни албатта уларда кечеётган касалликларга ташхис қўйиш, даволаш чораларини белгилаш ҳамда олдини олиш ва профилактик тадбирларни белгилашда инобатга олиш муҳим бўлиб, уларга нисбатан ўзига хос бўлган ёндашиш лозим.

Маълумки, болалар касалликлари бўйича фаолият кўрсатиб келаётган мутахассислар улар қандай йўналиш эгаси бўлмасинлар албатта болаларда учрайдиган тери ва таносил касалликлари билан қундалик ҳаётларида дуч келадилар ва улардаги ушбу муаммоларни ҳал қилишга мажбур бўладилар. Болалар организмининг ўсиш вақти турли даврларга эга эканлиги уларда тери касалликлари белгиларининг ўзига хос тарзда кечишига сабабчи бўлади, бундай ҳолат дерматовенерология фанидан таълим беришда педиатрия факультетларида ўзига хос ёндашувга эга бўлишни тақозо этади, бу эса ўз навбатида умумий амалиёт педиатр шифокорларини тайёрлашда мажбурий бўлган босқичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу

дарслик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим тўғрисида»ги қарори, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш» дастурида қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида яратилди.

Дарсликнинг биринчи «Тери касалликлари» қисмида дерматовенерология фани, жумладан, ўзбек дерматовенерология фани ҳамда болалар дерматологияси тарихи кенг кўламда таърифлаб берилган. Дарсликнинг умумий қисмида терининг, шу жумладан, болалар терисининг ўзига хос хусусиятлари, тери касалликларининг умумий симптоматологияси ва уларга ташхис қўйишда қўлланиладиган махсус диагностик усуллар ҳамда тери касалликларини умумий ва маҳаллий даволаш усуллари ёритиб берилган.

Дарсликнинг махсус қисмида катталардан фарқли ўлароқ, факат болаларда учрайдиган терининг йирингли, аллергик, замбуруғли, паразитар, вирусли, пухакли, ирсий ҳамда терининг хавфсиз ўсма касалликлари этиологияси, патогенези, клиник белгилари, диагностикаси ва даволаш ҳамда профилактик усуллари ўзига хос тарзда таърифлаб берилган. Бу борада терининг бириктирувчи тўқима касалликлари, соч ва ёғ безлари касалликлари, дисхромиялар, эритемалар, ретикулёз касалликларининг болаларда ўзига хос кўринишларда кечиши ҳолатлари ҳам ёритиб берилган. Дарсликдан таносил касалликлари мавзуси алоҳида ўринни эгаллаган бўлиб, унда асосан туғма захм, қиз болалар сўзаги, сўзаксиз вульвовагинитлар, ОИТС касаллигининг болаларда ўзига хос кўринишда кечиши кенг қамровли ёритиб берилган.

ҚИСҚАРТМА СҮЗЛАР РҮЙХАТИ

ДАС	– Дорохов антисептеги
АтД	– атопик дерматит
АТФ	– аденоzinтрифосфат
ВР	– Вассерман реакцияси
ОИТВ	– одам иммун танқислиги вируси
ДДС	– диаминодифенильсулфон
ДМСО	– диметильсулфоксид
ДНК	– дезоксирибонуклеин кислотаси
ДОФА	– дигидрооксифенилаланин
ИЁР	– иммунологик ёғдуланиш реакцияси
КСЖР	– классик серологик реакция
ХКТ	– халқаро касалликлар таснифи
МСГ	– меланинни стимуллаш гормони
ОИТВ	– орттирилган иммун танқислиги вируси
ОИТС	– орттирилган иммун танқислиги синдроми
ПАСК	– параамносалицил кислота
ПЗР	– полимераз занжирли реакция
РНК	– рибонуклеин кислота
ТБЭ	– туғма буллөз эпидермолиз
ТХЧР	– трепонеманинг ҳаракатланишини чеклаш реакцияси
УБН	– ультрабинафша нурлар
ФКТ	– фотокимётерапия
ЦМВ	– цитомегаловируси
ЭА	– энтеропатик акродерматит
ЎА	– ўчоқли алопеция
ЎРК	– ўткир респиратор касаллиги
HTL VIII	– одам Т-лимфотроп вируси
HLA	– одам лейкоцитар антигени
LAV	– лимфоаденопатияга алоқадор вирус
ЛЕ	– қызил югурик ҳужайраси

I БҮЛИМ. ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Дерматовенерология фанининг ривожланиш тарихи

Дерматология инсон терисида кечаётган патологик жараёнларнинг сабаби, моҳияти, клиник ҳолати, кечиши, турли-туманлигини, шу билан бирга тери касалликларига маҳсус диагностик ва лаборатория усуллари орқали ташхис қўйиш ҳамда даволаш ва профилактик тадбирларни ишлаб чиқиши ўрганадиган фандир. Венерология эса жинсий аъзолар орқали юқадиган юқумли касалликларнинг эпидемиологиясини, клиник кўринишлари, ташхисоти, давоси ва олдини олиш чораларини ўрганадиган фандир. Дерматовенерология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи узоқ замонларга бориб тақалади. Қадим-қадим замонлардан бери тери касалликлари тўғрисидаги маълумотлар турли халқларда мавжуд бўлган қўлёзмаларда ўз аксини топган. Масалан, қадимги юноностонлик олим, файласуф ва шифокор Гиппократ ўз даврида қўплаб тери касалликлари тўғрисида маълумотлар бериб, уларни янгича номлар билан атаган. Бундай каслликлар қаторига мохов, алопеция, герпес, псориаз, эктима, петихия ва қўтирик каби касалликлар кирган. Қадимги Римлик олим Целс псориаз, трихофития, сарамас, хўппос, фурункул ва сикоз касалликлари тўғрисида ўз илмий фикрларини баён этган. Ўрта осиёлик машҳур олим Абу Али ибн Сино (980–1037) ўзининг «Тиб қонунлари» номли илмий рисоласида инсон хасталаниши мумкин бўлган барча касалликлар табиатини илмий-амалий нуқтаи назардан баён этиб берган, шу билан бирга касалликларга ташхис қўйиш, уларни олиб бориш, даволаш ва олдини олиш масалаларини кўрсатиб берган, унинг бу ўгитлари ҳозирги кунга қадар ўз моҳиятини йўқотмай келмоқда. Олим қўлга киритган ютуқлари орқали жаҳон тиббиёт илми ривожига катта ҳисса қўшган. Ибн Сино тери касалликларида асаб тизими муҳим аҳамият касб этишини ва беморларни даволашда уларнинг рухиятига эътибор берилиши лозимлигини таъкидлаб ўтган. У экзема, нейродермит, мохов, пес, ихтиоз, сўгал, қадоқ, қўтирик, битлаш, тери

лейшманиози, трофик яра, псориаз каби ўнлаб касалликларни таърифлаб, улар тўғрисида ўз фикрларини батафсил ёзиб қолдирган.

Тарихий маълумотларга қараганда XVIII аср охирлариға келиб дерматовенерология алоҳида фан сифатида шаклдана бошлади. XIX асрга келиб эса инглиз, француз, немис америка ва рус дерматология мактаблари юзага келди ва уларнинг намояндалари ўзларининг илмий ютуқлари билан дерматология фани ривожига улкан ҳисса қўшдилар.

Инглиз дерматология мактабининг асосчиси R. Willlan (1757-1812) биринчи маротаба экзема касаллигини ҳар тарафлама замонавий йўсинда таърифлаб берган. Кейинчалик эса ушбу мактаб намояндалари W. Wilson (1809-1884) ва J. Hutchinson (1812-1913) лар қизил ясси темиратки касаллигини ҳамда бошқа тери касалликларни батафсил таърифлаб берганлар, 1867 йилда эса улар Англияда илк бор дерматология журналининг юзага келишига асос солганлар.

Француз дерматология мактабининг ривожига унинг асосчиси J. Alibert (1766-1837) жуда катта ҳисса қўшган. У томонидан кўпгина тери касалликларни ўзида акс эттирган ўқув қўлланма ва атласлар яратилган. Француз дерматовенерология мактабининг яна бир йирик намояндаси E. Bazin (1807-1878) қўтирилган касаллигини қўзгатувчиси қўтирилган канаси бўлишини, паразитар замбуруғлар микоз, деб атала-диган касалликка олиб келиши мумкинлиги тўғрисида илк бор ахборот берган. У «теридаги тошмалар тери касаллиги эмас, балки организмда мавжуд бўлган хасталик белгисидир» деган фикрни баён этган. J. Alibertнинг шогирди P. Cazenove (1795-1877) илк бор 1843 йилда француз дерматология журналига асос солган.

Немис дерматология мактабининг асосчиси F. Hebra (1816-1880) ўз шогирди M. Kaposi (1837-1902) билан биргаликда кўпгина тери касалликларни таърифлаб берганлар, уларнинг таснифини яратганлар, улар биргаликда дерматология қўлланмасини, атлас китобини чоп этганлар. Улар турли шаклли экссудатив эритема, қизил ясси темиратки, пруриго, пигментли ксеродермия каби дерматозларга таъриф берганлар. Бундан ташқари F. Hebra морфологик элементлар ва уларнинг эволюцион ривожини чуқур ўрганган ҳолда кўпгина касалликларга баҳо берган.

Америка дерматология мактабининг яққол намояндаларидан бири L.A. Duhring (1845-1914) ҳисобланади, у томонидан биринчи марта герпетифор дерматит касаллиги таърифлаб берилган ва хо-

зирги кунга қадар ушбу касаллик олим номи билан номланиб келади.

Рус дерматология мактаби XVIII-XIX асрлар мобайнида ички касалликлар ва физиология фани йўналишларида олиб борилган, илғор изланишлар натижалари асосида шаклланган. Бундай мактаб номояндаларига С.Г. Забелин (1735-1802), М.Я. Мудров (1776-1831), И.Е. Дядковский (1784-1841), С.П. Боткин (1832-1889), Г.А. Захарин (1829-1897), И.М. Сеченов (1824-1905), И.И. Мечников (1845-1910), И.П. Павлов (1944-1936), А.Г. Полотебнов (1860-1907) лар мансубдирлар. Россияда илк бор тери касалликлари кафедралари 1869 йилда Москва университетида, Санкт-Петербург тиббий-жарроҳлик академиясида ташкил топди, кейинчалик эса бундай кафедралар Қозон (1872), Харков (1876) ва Киев (1883) шаҳарларида ҳам ташкил топди.

Рус дерматология мактабининг асосчиси, Санкт-Петербург дерматология мактабининг намояндаси А.Г. Полотебнов дерматология соҳасида янги йўналиш яратди, унинг фикрича теридаги патологик жараёнлар бир бутун инсон организми билан боғлиқ бўлиб, уларни ажратиб бўлмайди, унинг асосида эса асаб тизимининг бошқаруви ётади, деб таъкидлаган. А.Г. Полотебновнинг издошлари Т.П. Павлов (1860-1932), С.Т. Павлов (1897-1971) ва О.К. Шапошников (1920-1990) лар турли йиллар давомида ҳарбий-медицина академиясининг мудирлари бўлиб фаолият қўсатганлар. Т.П. Павлов экзема касаллиги бўйича физиологик ва клиник йўналишда тадқиқотлар олиб борган. С.П. Павлов пуфакли яра касаллигига илк бор акантолитик хужайраларни баён этиб берган, тери касалликлари қон томирларнинг жароҳатланишини ўрганган. О.К. Шапошников асосий тадқиқотларини васскулит, пиодермия ва куйиш касалликлари устида олиб бориб, фанга қатор янги тасниф ва таклифларни киритган. О.Н. Подвысоцкая (1884-1958) тери касалликларида физиологик ва патофизиологик изланишлар олиб борган, изланишлар натижасида касалликлар асосида асаб тизими функционал ҳолатининг бузилиши ётиши ва бундай ҳолат организмнинг бошқа тизимлари билан узвий боғлиқликда кечишини таъкидлаган.

Москва дерматология мактабининг А.С. Поспелов (1846-1919), В.В. Иванов (1873-1931), Г.И. Мещерский (1874-1936), П.С. Григорев (1879-1940), В.А. Рахманов (1901-1969), Р.С. Бабаянц (1927-1983), Н.И. Черногубов (1863-1942), М.М. Желтаков (1903-1968),

П.В. Николский (1858-1940), Л.Н. Машкиллейсон (1898-1964), А.А. Каламкарян, Н.Д. Шеклаков, Ю.К. Скрипкин, А.А. Антонев каби вакиллари дерматология фанининг кейинги ривожига ўзларининг мислсиз ҳиссаларини қўшиб келганлар.

XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб дунё фани ривожланиши натижасида тибиёт фанида ҳам улкан ўзгаришлар кузатилди, жумладан, қатор янги тери касалликлари таърифлана бошланди, уларни ўрганиш мақсадида қатор ўқув қўлланмалари, атлас ва журналлар чоп этила бошланди. Микроскопнинг кашф этилиши натижасида микробиология фани ривожланиб кетди, натижада қатор тери касалликларининг қўзғатувчилари кашф этилди ва тери касалликлари ташхисотида ва уни даволашда улкан имкониятлар яратила бошланди.

Болалар дерматологияси йўналиши бўйича масалалар С.Я. Голосковкер (1892-1961), М.Т. Брил, А.Б. Селисский, А.А. Студницин, Л.А. Штейнлухт, Ф.А. Зверкова, К.Н. Суворова ва В.Н. Гребенюк каби олимлар томонидан кенг миқёсда ўрганилди. Москва дерматовенерология мактабининг вакили, дунёга машҳур олим профессор А.А. Каламкаряннинг шогирди, Марказий дерматовенерология илмий текшириш институтининг болалар дерматологияси бўлими бошлиғи, профессор В.Н. Гребенюк болалар дерматологияси йўналиши бўйича ўз мактабини яратди. Профессор В.Н. Гребенюк ўз илмий йўналишларини болаларда атопик дерматит, ўчоқли алопеция, псориаз, қизил яssi темиратки, дюринг дерматити, мастоцитоз, склеродермия, пигментли дерматоз каби касалликларни ҳар тарафлама илмий асосда ўрганишга ва замонавий илгор даволаш усулларини яратишга қаратди. Бу ишларни амалга оширишда унинг атрофига йиғилган, ҳозирда кўзга кўринган ўқувчилари камол топди.

Ўзбек дерматовенерологиясининг тарихи

Ўзбек дерматовенерологиясининг тарихи XVIII аср охири ва XIX асрнинг бошларига тўғри келади. Тарихдан маълумки, Чор Россия империяси чегара ҳудудини кенгайтириш мақсадида 1864-1875 йилларда Туркистаннинг катта қисмини босиб олади. Ушбу ҳаракат зўравонлик характеристига эга бўлсада, маҳаллий аҳоли учун маълум бир аҳамиятга ҳам эга эди. Босиб олинган ҳудудлар аҳолиси орасида эпидемик касалликлар хавфини инобатга олган ҳолда чор ҳукуматининг ноиблари (ҳарбий бошлиқлари), ҳарбий қисм

ходимлари маҳаллий аҳолига ёрдам кўрсатиш мақсадида даволаш-профилактик муассасалар тармоғини вужудга келтиришга мажбур бўлдилар.

1912 йил Тошкент шаҳрида жойлашган касалхона қошида дастлабки тери-таносил касалликлари бўлими иш бошлади. 1918 йилнинг ноябрь ойида эса Тошкентдаги собиқ кадетлар клиникаси 100 ўринли таносил касалликлари касалхонасига айлантирилди, 1919 йилда Фарғона вилоят касалхонаси қошида таносил касалликлари бўлими, 1920 йилда Самарқандда таносил касалликлари амбулатория бўлимлари очилди.

1919 йил Туркистон Давлат университети ташкил этилди ва 17 сентябрда эса тиббиёт факультетининг биринчи Илмий Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. 1920 йилда тиббиёт факультетининг тери ва таносил касалликлари кафедраси ташкил этилди ва унинг 30 ўринли шифохонаси Тошкент округи госпитали базасида жойлашди. Унга илк бор кафедра мудири этиб тиббиёт фанлари доктори, профессор А.И. Лебедев (1888-1923) тайинланди. 1924 йил Тошкентда дастлабки 30 ўринли тери-таносил касалликлари диспансери ташкил қилинди. 1924-1930 йилларда тиббиёт фанлари доктори, профессор И.С. Милман кафедра мудири бўлиб фаолият кўрсатиб келди. Унинг ташаббуси билан 1925 йилда биринчи маротаба дерматовенерологларнинг илмий жамияти ташкил қилинди.

1931 йилда мустақил фаолият кўрсатувчи Ўрта Осиё тиббиёт институти ташкил қилинди ва унинг таркибида тери-таносил касалликлари кафедраси фаолият кўрсата бошлади, 1935 йилдан институт Тошкент тиббиёт институти, деб қайта номланди. 1931-1939 йилларда тери ва таносил касалликлари кафедрасига тиббиёт фанлари доктори, профессор А.И. Картамишев бошчилик қилди. 1932 йилда ТошМИ клиникаси қошида серологик лаборатория ташкил қилинди. 1932 йилнинг 26 марта Узбекистон дерматовенерологларининг I Республика съезди бўлиб ўтди ва шу йили 7 июнда Узбекистон Республикаси Дерматология ва венерология илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди. 1932 йилда Самарқанд Тиббиёт институти ва Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтлари қошида тери ва таносил касалликлари кафедралари очилди. 1934 йил Тошкент шаҳрида тиббиёт институтининг тери-таносил касалликлари клиникаси базасида шаҳар, 1940 йилда эса

Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансерлари ташкил қилинди.

1939-1945 йилларда тери ва таносил касалликлари кафедрасига тиббиёт фанлари доктори, Болгария фанлар академиясининг академиги Ц.А. Кристанов (1898-1974) бошчилик қилди. 1945 йилда тиббиёт фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби А.А. Аковбян (1900-1974) кафедра мудири этиб сайланди ва у кафедрани 1971 йилгача бошқарди. 1945-1965 йиллар давомида Республикада тери-таносил касалликлари диспансерлари сони 1,9 маротабага, серологик лабораториялар – 4,1 маротабага, шифокор-дерматовенерологлар сони эса 2,9 маротабага ошди. 1947 йилдан бошлаб эса мутахассислик бўйича илк бор клиник ординатура очилди.

1971-1994 йиллар мобайнида ТошМИ тери ва таносил касалликлари кафедра мудири бўлиб тиббиёт фанлари доктори, профессор У.М. Мираҳмедов (1918-1994) фаолият кўрсатди. У.М. Мираҳмедов захм касаллигига эрта ташхис қўйиш, даволашнинг янги услубларини яратиш, серодиагностиканинг янги услубларини ишлаб чиқиши ва жорий этиш бўйича кўргина ишларни амалга ошириди. 1976 йилда Ўзбекситон дерматовенерологларининг II съездидан бўлиб ўтди.

1976 йилдан бошлаб кафедрага тиббиёт фанлари доктори, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Р.А. Капкаев бошчилик қилди. 1981 йилда профессор Э.Г. Ким Ўзбекистонда биринчи бор «Чирой» эстетик жарроҳлик марказини ташкил қилди ва у Республикада тиббий косметология йўналиши ривожига асос солди.

Ушбу йиллар давомида Республикада Врачлар малакасини ошириш институти қошида тери-таносил касалликлари кафедраси фаолият кўрсатиб келди, узок йиллар кафедрага профессор А.Х. Абдуллаев бошчилик қилиб келди.

1991 йил Тошкент Давлат тиббиёт институтининг (ТошДавТИ) қайта ташкил этилиши муносабати билан I ТошМИ тери-таносил касалликлари кафедраси мудири вазифасида проф. А.Ш. Ваисов, II ТошДавТИ тери-таносил касалликлари мудири вазифасида эса проф. Р.А. Капкаевлар фаолият кўрсатиб келдилар. Профессор А.Ш. Ваисовнинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида I ТошДавТИ кафедраси қошида янги типдаги даволаш муассасаси – «Витилиго» Республика илмий-ўқув-даволаш маркази ташкил қилинди.

1998 йил январь ойидан бошлаб Ўрта Осиёда биринчи бор «Дерматология ва венерология янгиликлари» илмий амалий журналига (2004 йилдан бошлаб эса ушбу журнал «Дерматовенерология ва репродуктив саломатлик» деб номланган) асос солинди. Ушбу журнал 2008 йилдан бошлаб «Дерматовенерология ва эстетик тиббиёт» илмий-амалий журнали сифатида чиқа бошлади. Журналда нафақат тери-таносил касалликлари боғлиқ масалалар, балки эстетек тиббиётга, яъни косметологияга боғлиқ масалалар ҳам ёритиб келинмоқда. 2001 йил I ТошДавТИ кафедраси қошида магистратура бўлими очилди.

2005 йилда Тошкент Тиббиёт академияси ташкил этилиши муносабати билан тери-таносил касалликлари кафедралари қайтадан бирлаштирилди ва ҳозирги кунга қадар кафедрага профессор А.Ш. Ваисов мудирлик қилиб келмоқда.

Болалар дерматовенерологиясининг тарихи

Болалар дерматовенерологиясининг тарихи 1972 йил Тошкент шахрида Ўрта Осиё Педиатрия медицина институтининг (САМПИ) ташкил этилиши билан боғлиқ. Институт очилишининг асосий мақсади Ўрта Осиё Республикаларига юқори малакали шифокор-педиатрларни тайёрлаб беришдан иборат эди. Дастлаб институт тери ва таносил касалликлари кафедраси Тошкент шахрининг Куйбишев туманидаги (ҳозирги Мирзо Улуғбек) 100 ўринга мўлжалланган, З-сонли тери ва таносил касалликлари (болалар, замбуруғли ва поликлиник бўлимлари бўлган) диспансерида, 1989 йилдан то шу кунга қадар эса кафедра ТошПТИ шифохонасининг болалар дерматологияси бўлимида фаолият олиб бормоқда.

Кафедранинг биринчи мудири ва асосчиси бўлиб, тиббиёт фанлари доктори, профессор К.С. Сулаймонов (1923-1989) ҳисобланади. У ўз шогирдларига болаларда кечадиган патологик жараёнларни ҳар томонлама мукаммал ўрганишга алоҳида эътибор беоиш зарурлигини, ўсаётган ва шаклланаётган бола организмида кечаётган теридаги паталогик жараён ўзига хос клиник кечишга эга бўлиб, бундай ҳолатни прогноз қилиш, даволаш ва профилактик чораларни ишлаб чиқишида инобатга олиниши лозимлигини таъкидлаб ўтар эди. Профессор К.С. Сулаймоновнинг бундай ўгитлари ҳозирги кунга қадар шогирдлари томонидан илмий изланишларида қўлланиб

келинмоқда ва ўз долзарблигини ҳамда моҳиятини йўқотмай келмоқда. Ҳар томонлама чуқур олиб борилган кўп йиллик илмий изланишларнинг натижаси сифатида 1979 йилда профессор К.С. Сулайманов профессор И.И. Потоцкий билан ҳаммуаллифликда кўпгина дерматовенерологларнинг қўлларидан тушмай келаётган «Красная волчанка» номли монографияни чоп этади.

1989-2009 йиллар мобайнида кафедра мудири бўлиб ишлаб келган профессор Ҳ.К. Шодиев тери касалликлари белгилари орқали инсонлар организмида бўлиши мумкин бўлган онкологик касалликларга ташхис қўйиш усулларини яратди ва «Паранеопластик дерматозлар», деб номланадиган мавзуни дерматовенерология фанига киритди. У «Паранеопластические дерматозы», «Патогенез и лечение атопического дерматита» монографиялари ва «Тери ва таносил касалликлари» ўқув қўлланмалари муаллифи ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида 4 та докторлик ва 8 та номзодлик илмий ишлари ҳимоя қилинган.

2009 йилдан то шу кунга қадар профессор А.М. Маннанов ушбу кафедра мудири бўлиб ишлаб келмоқда. Профессор А.М. Маннанов болаларда атопик дерматит касаллигининг ўзига хос қўринишларда кечишини кўрсатиб берган, касалликнинг янги клиник ташхисот усулинни таклиф этган, болаларда атопик дерматит касаллигининг кечишида инбред мухитининг аҳамиятини кўрсатиб берган ва биринчи маротаба ушбу усулни қўллашни таклиф этган. Унинг раҳбарлигида 2 та докторлик ва 3 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Хозирги кунда кафедрада проф А.М. Маннанов, проф. М.И. Абдуллаев, проф. М.А. Юлдашев, т.ф.д., проф. Қ.Н. Хайтов, доц. У.Ш. Рихсиев, доц. М.А. Мукаррамов, т.ф.н. доц. С.М. Ходжаева, т.ф.н. асс. Н.Б. Бобобекова, асс. Д.Д. Рихсиева, асс. О.А. Бабаджанов, асс. Х.Х. Ахрапов, асс. В.Ф. Сиразитдиновалар фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

УМУМИЙ ҚИСМ

МЕЬЁР ТЕРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Терининг эмбриогенези

Гаструляция тугагандан сўнг эмбрион юзасини бир қават яssi, юпқа номукаммал эктодермал хужайралар қоплайди. Одам териси эмбриогенезнинг биринчи ойлари давомида эктодермадан ҳосил бўлган бир қаватли кубсимон эпителийдан иборат бўлса, 2-ойнинг бошларида ёки ўрталарида ана шу бир қаватли хужайраларнинг айримлари юқорига сиқиб чиқарилиб, перидерма деб аталувчи юпқа, яssi хужайралар қаватини ҳосил қиласди. Унинг остидаги базал мембрана қавати мезодермага яқин жойлашган майда эктодермал хужайралардан тузилган бўлади. Ривожланишнинг дастлабки даврларида бир хил тусдаги хужайралар бирлашиб, қаватлар ҳосил қилишидан десмосомалар шаклланади. Икки ойлик даврида тери қўл ва оёқ кафтларида 2-3 қатор, панжалараро бурмаларда, оғиз ва жинсий тешикчаларда 4-5 қатор хужайралардан тузилган бўлади. Хужайраларнинг жойлашувига қараб уларнинг шакли ва катталиги турлича бўлади. Эмбрионал тараққиётнинг иккинчи оий охирларида одам ҳомиласининг ташқи қопловчи қаватларида эпидермис ва дермани аниқ ажратиш мумкин. Эмбриогенезнинг 8-9 ҳафталарида айрим жойларда икки қаватли, айрим жойларда уч қаватли хужайралардан тузилган эпидермис ҳосил бўлади. Хужайраларнинг қайта тақсимланиши натижасида оралиқ қатлам шаклланади. Бу қават хужайралари горизонтал йуналишда узунасига жойлашиб, кучли вакуоллашган бўлади. Базал қават хужайралари призматик шаклга эга бўлиб, цитоплазмаси оқиши ва апикал қисмига жойлашган шарсимон ядролардан иборат бўлади. Унинг дерма билан бўлган чегараси сўрғичсимон тузилмалар ҳосил қилмайди ва майда тиҳсимон кўринишдаги тузилмалардан ташкил топган бўлади.

Ташқи қават узунчоқ, ядроси яssi бўлган хужайралардан иборат бўлади. Барча қатлам хужайралари ўз таркибларида гликоген моддасини тутиб, аниқ чегарага эга бўлади. Кейинги ривожланиш

даври 8 ҳафтадан 26 ҳафтагача бўлган вақт давомидан иборат бўлиб, у 3 босқичга ажратилади. Ривожланишнинг 8-11 ҳафталари давомида перидермал қават ҳужайраларининг актив митотик бўлинишлари натижасида оралиқ қават ҳужайралари шаклланади. Эмбриогенезнинг 11-ҳафтасида эпидермиснинг базал қаватига меланоцит ҳужайралари кириб келади ва уларнинг салмоғи тез ортиб кетади. Иккинчи босқичда, яъни 12-15 ҳафталар давомида перидермал ҳужайралар ташқи юзасида глобуляр ўсимталар ҳосил бўлади. Кейинги 16-26 ҳафталар давомида мугузланиш жараёнини эслатувчи перидермал ҳужайралар инволюцияси ва ядро тутувчи ўсимталарнинг узилиши кузатилади. Лекин бу жараён давомида кератогиалин ва кератин фибрillалари ҳосил бўлмайди. Ривожланишнинг 3-ойи давомида базал қават ҳужайралари митоз йўли билан кучли равишда бўлина бошлайди. Ана шу йўл билан эпидермис ўса бошлайди ва 12-ҳафталарга келганда, эпидермис 4-5 қават ҳужайралардан иборат бўлиб қолади. Шу даврдаги базал қават герминатив қават, деб юритилиб, унинг ҳужайралари зич, яхши бўялувчан цитоплазмага ва чегарага эга бўлади. Ривожланишнинг 4-ойи давомида базал қават ҳужайралари баланд призматик шаклга эга, цитоплазмаси базофил бўлиб, гликоген микдори камаяди. Юқори қаватдаги ҳужайралар полигонал шаклда бўлиб, гликоген тутувчи оксифил цитоплазмага эга бўлади. Шу билан бир вақтда юқори қават ҳужайраларида кератин моддаси тўпланади. Кератин ҳужайрада хусусий донадорликни ва юқори қават ҳужайраларида тифизликни таъминлайди.

Кератинизация жараёни асосан кўпроқ тасиротларга учрайдиган қўл-оёқ кафтлари терисида кузатилади. Шуни ҳам айтиш керакки, кафтлар териси эпидермис қаватининг қалин бўлиши эмбрионда тасиротларнинг кучайишидан олдинроқ ҳам кузатилади. Ҳомила ривожланишининг 4-5 ойларида қўл-оёқ кафтлари эпидермиси нафакат кўп қаватли (базал, тиканакли, донадор, ялтироқ ва қалин кератинлашган), балки ҳар бир қават бир-биридан аниқ ажralиб туради. Ана шу ривожланиш даврида донадор қават ҳужайралари цитоплазмасида гистокимиявий услублар ёрдамида майда, қорамтири бўялувчи кератогиалин доначаларини аниqlаш мумкин. Ялтироқ қават ҳужайралари кератогиалиннинг кимёвий ўзгаришдан ҳосил бўлган гомоген ярим суюқ модда элеидинни тутади.

Энг юқори жойлашган қават бу вақтда мугузланишнинг энг охирги маҳсулоти-кератин тутувчи, бир-бирига зич жойлашган

хужайралардан иборат бўлиб, кератин микдорининг кўпайиши билан намоён бўлади. Ҳомиладорликнинг охирги ҳафталарида ҳомила тана териси деярли ўзгармайди. У фақат дерма ҳисобига бироз қалинлашади, тери ҳосилаларининг ривожланиш жараёни сусаяди ёки бутунлай тўхтайди.

Маълум бўлишича, эпидермис ривожланишининг тезлигига иқлим ва географик шароитлар ҳам таъсир кўрсатади. Иссиқ ва қуруқ шароитли иқлимда, масалан, Марказий Осиё шароитида эпидермис қаватининг етилиши ҳолати одатдаги муддатларга қараганда 2-3 ҳафта олдин бўлади. Маълумки, эпидермисга нисбатан дерма қаватининг гистогенези бирмунча кам ўрганилган. Ҳомиланинг икки ойлик даврига қадар дермада ядро тутувчи эритроцит оролчалари, кўплаб майда қон томирлари ва мезенхима хужайралари тўплами сифатида намоён бўлади. Аморф асосий модда кўп микдорда бўлиб, унда гликоген туридаги ШИК-мусбат моддалар, муко- ва гликопротеидлар кузатилади.

Эмбрионал даврнинг 2-ҳафтаси охири ва 5-ойлари бошларида мезенхима хужайралари фибробластларига айланиб, анча вақт давомида мукаммалашган ҳолда қолади ва уч хил: дендритик ўсимталарга эга юлдузсимон хужайраларга, калта ўсимтали майда хужайраларга ва юмалоқ хужайраларга ажратади.

Шу даврга келиб, эпидермис атрофида қуюқ жойлашувчи, ингичка аргирофил толалари ҳосил бўлади. Эпидермис ва дерма орасидаги чегара нотекис контурга эга бўлади, аргирофил толалар сони эса ортиб боради ва тўр шаклидаги қўринишни ҳосил қиласади.

Ҳомиланинг 3,5-4 ойлик даврида ингичка бўлган коллаген толалар пайдо бўлиб, улар тери юзасига нисбатан параллел жойлашадилар. Бириктирувчи тўқима толалари тузилишини ва ёшга нисбатан улар хусусиятларини ўрганган Л.Д.Марцинкевич тадқиқотларига кўра, эмбрионал ҳаётнинг 6-ойларига келиб, бириктирувчи тўқима толалари аниқ коллаген ва эластик толаларга ажралади. Коллаген толалар етилишнинг асосий белгиси бўлиб, улар диаметрининг 20 нм дан 35 нм гача прогрессив катталашуви ҳисобланади. Коллаген толаларнинг кўпайиши аргирофил толалар сонининг камайишига олиб келади. Бу даврда дерма кўплаб фаол бўлган фибробластларни, лаброцитларни, меланобластларни, макрофаг ва Меркл ҳужайраларини тутади. Меркл ҳужайралари ҳажми кератиноцитларга нисбатан катта бўлиб, юмалоқ шаклга ва окиш

цитоплазмага эга бўлади. Улар ҳомиладорликнинг 2-ярмида эпидермисга яқин бўлган сўрғичли қаватида, соч ва тери безлари атрофида кузатилади. Одам ҳомиласида эластик толалар асосан ҳомиладорликнинг охирги ойларида кўпроқ бўлади.

Чақалоқларнинг териси етук ёшдагилардан маълум даражада фарқ қилади, эпидермиснинг ўсувчи қавати юпқа, донадор ва ялтироқ қаватлар эса узук-юлук, мугуз қават эса қалин бўлади. Эмбрионал даврда бошланган эпидермиснинг сўрғичлараро ўсимталаши шаклланиши 1 ёшли даврнинг охирида ҳам тугалланмайди.

Янги туғилган чақалоқларда эпидермис қаватининг ривожланиши бир текис бўлмасдан, у юз ва бўйин бурмаларида жуда юпқа кўринишда бўлади. Айрим чақалоқларда эса тери капиллярларининг кенгайишидан терининг қизариши (терининг физиологик катари) ҳолати кузатилади, лекин бундай ҳолат 2-3 кун давомида ўз-ўзидан ўтиб кетади.

Ёғ безларининг актив ҳолати натижасида улар маҳсулотининг тўпланиши кузатилиб, пешона, энса ва бошнинг сочли қисми соҳалари терисида оқиши-сариқ рангдаги бўртиб турувчи, кичик юмалоқ тузилмалар ҳосил бўлади. Тери капиллярларининг локал кенгайишини келтириб чиқаради. Бу даврда эпидермиснинг қўп қисмини асосан 3 қаватга - базалтиканакли ва мугуз қаватларга ажратиш мумкин. Донадор ва ялтироқ қаватлар факат қўл ва оёқ кафтларида шаклана бошлайди. Чақалоқ териси базал ҳужайралари цитоплазмасида микроўсимталар ҳосил бўлади, улар плазмолемманинг ультрамикроскопик инвагинацияларига айланади. Бу эса ўз навбатида дерма билан ўзаро боғланишларга олиб келади.

Дерма сўрғичли ва тўр қаватлардан иборат бўлиб, уларни бириктирувчи тўқимали асоси ва мушак толалари суст ривожланган бўлади. Эпидермис ва дерма орасидаги базал мембрана жуда ёмон шаклланган ва эластик бириктирувча тўқима тутмайдиган сийрак толалар тўридан иборат бўлади, шунинг учун ҳам чақалоқ эпидермиси хусусий дерма қаватидан осон тарзда ажралади.

Чақалоқ юзи терисида эластик толалар тўри шаклланиб, тўртинчи ойда эластик каркаснинг хусусий фарқлари пайдо бўлади. Бу каркаснинг шаклланиши 25 ёшларга борганда тугалланади. Чашлоқлар териси рангини аниқловчи қон томирлар мажмуаси қуюқ капиллярларга бой бўлади. Майда қон томирлар бир қават эндотелийдан тузилган бўлади. Ҳомилада дерманинг эластик

толалари ҳомиладорликнинг охирги ойларида пайдо бўлади. Чақалоқлар териси дерма қаватининг хусусиятларидан бири бўлиб, бу фибробластлар, семиз ҳужайралар ва макрофаглар тутувчи, лекин тўлиқ шаклланмаган бириктирувчи тўқиманинг мавжудлиги ҳисобланади.

Тери ости ёғ клетчаткаси чақалоқларда сийрак ва ёғ бўлакчаларининг кўплиги билан таърифланади. Бу ёшдаги хусусиятлардан яна бири қўнғир ёғ тўқимасининг мавжудлигидир. Бу тўқима кўкрак қафаси, кўкрак оралифи ва қон томирлар атрофида жойлашади. Чақалоқларда ёғ безлари яхши шаклланган бўлиб, она гормонлари таъсирида актив фаолиятда бўлади ва туғилиш вақтида бола танасини қоплаб турувчи сузмасимон суртма ҳосил қиласди. 1-3 ёшдаги болалар тери эпидермис қавати катталарнига нисбатан юпқа, ундаги қаватлар жойлашуви бир тартибда бўлиб, катталарнига ўхшаш бўлади, яъни базал, тиканакли, донадор, ялтироқ ва мугуз қаватлар кузатилади.

Тери анатомияси ва гистологияси

Тери одам танасини ташки томондан қоплаб турадиган аъзо бўлиб ҳисобланади. У мураккаб тузилишга эга. Катта ёшдаги одам терисининг умумий юзаси $1,5-1,6 \text{ м}^2$ ни ташкил этади. Терининг қалинлиги (тери ости ёғ қаватидан ташқари) 0,5-1 мм. Тери одам танасининг баъзи соҳаларида (офиз, бурун, орқа чиқарув тешиги, сийдик йўли ва қин) аста-секин шиллиқ қаватларга айланади. Тери рангининг кўриниши тана сатҳининг у ёки бу соҳасидаги тўқималарнинг тури, қон томирлари билан таъминланиш даражаси, теридаги маҳсус ранг берувчи модда - меланиннинг миқдорига боғлиқ. Тери сатҳида турли-туман шаклга эга бўлган майдончалар ва пушталарни кузатиш мумкин. Бу майдонча ва пушталар терининг у ёки бу соҳасида катта ёки кичик, узун ёки қисқа бўлса-да, маълум бир йўналишда тортилгандир. Бу манзара қўл ва оёқ кафтларида яхши ва сезиларли даражада кузатилади. Айниқса, қўл ва оёқ кафтларида ёнма-ён йўналишга эга бўлган дўмбоқча ва пушталар ҳар хил шаклда бўлиб, ҳар бир инсонда ҳар хил бўлади. Шунинг учун икки марта такрорланмайдиган бу чизиқчалар ва йўналишлар баъзи одамларнинг шахсини аниқлашда, яъни бир-биридан ажратишда муҳим белги бўлиб ҳисобланади.

Одам танасининг деярли барча тери соҳалари соchlар билан қопланган. Фақатгина терининг айрим жойларидан (қўл кафти, оёқ кафти, лабнинг қизил ҳошияси, закар бошчаси, катта ва кичик уятли лабларнинг ички юзларидан) соchlар чиқмайди.

Тери учта асосий қаватдан иборат: устки қават (*epidermis*) ва асл тери (*dermis, cutis propria*) ва тери ости ёғ қаватларидан (*hypoderma, tela adiposa*) иборат. Терининг устки қавати эпителий тўқимасидан ташкил топган. Эпидермис тери сатхининг турли соҳалари турлича ривожланган бўлади, шунинг учун ҳам мазкур қаватнинг қалинлиги турлича кўринишда бўлади. Қўл ва оёқ кафти соҳаларида қалин, юқори қовоқ ва жинсий олат қалпоғи териси соҳаларида эса жуда юпқа кўринишда бўлади. Тери устки қавати ҳужайралари эпидермоцитлар, деб аталади. Мазкур ҳужайраларнинг асосий қисми кератин моддасини ишлаб чиқаради ва терининг пўст ташлашида иштирок этади, шу сабабли бу ҳужайралар кератиноцитлар, деб аталади. Эпидермисда бошқа вазифаларни бажарувчи ҳужайралар ҳам бор. Буларга терига ранг берувчи меланин моддасини ишлаб чиқарувчи меланоцитларни, сезиш вазифасини бажарувчи Меркел ҳужайраларини, фагоцитоз хусусиятига эга бўлган Лангерганс ҳужайраларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Эпидермис. Тери пўсти (эпидермис) 5 қаватдан иборат тузилишга эга. Агар бу қаватларни пастдан юқорига қараб кўриб чиқадиган бўлсак, энг остки қават – базал, асосий ёки ўсуви қават бўлиб ҳисобланади.

Базал қават. Базал қават (*Stratum basale*) бир қатор тизилган, цилиндрический (призматик) ҳужайралардан иборат бўлиб, уларни бир-биридан қисқа, кўзга кўринмас ёриқсимон бўшлиқлар ажратиб туради. Бу ҳужайраларнинг тухумсимон шаклдаги ядролари хроматин моддасига бой бўлади. Шу туфайли уларнинг ядролари бошқа қаватларда жойлашган ҳужайраларнинг ядроларидан фарқли ўлароқ, тўқроқ рангда бўялади ва микроскоп остида яққол кўзга ташланиб туради. Базал қават ўсуви қават, деган номни бежиз олмаган, чунки эпидермиснинг устки қаватларида жойлашган ҳужайралар ўсуви қават ҳосиласидир, яъни тери пўстини ташкил этувчи ҳужайралар базал қават ҳужайраларининг бўлинниб кўпайиши (митоз) натижасида ҳосил бўлади.

Кератиноцитлар протоплазмасининг юқори қисмида, ядро остида меланин доначалари жойлашган. Оқ танли одамларда меланин

доначалари фақат базал қават ҳужайраларининг протоплазмаси таркибида кузатилади. Териси буғдой ранг кишиларда эса бу модда тиканаксимон қават ҳужайраларида ҳам бўлади. Қора танли инсонлар териси меланин моддасига жуда бой бўлиб, бу ирқقا мансуб одамлар терисининг ҳатто донадор қавати ҳужайраларида ҳам меланин доначалари кузатилади. Оқ танли кишилар терисининг баъзи соҳаларида (кўкрак безлари, можк халтаси - ёрғоқнинг териси, ташқи чиқарув тешиги атрофига) меланин доначаларини тиканаксимон қават ҳужайраларида ҳам учраши мумкин.

Базал қават кератиноцит ҳужайралари орасида меланоцит ҳужайралари жойлашган бўлади, ўсиқчасимон кўринишда бўлган бу ҳужайраларнинг протоплазмаси эса меланин доначалари билан тўлган бўлади. Меланоцит ҳужайралар ўз ўсиқчалари (тармоқлари) ёрдамида ёнида жойлашган кератиноцит ҳужайралар билан боғланниб туради. Аслида терига ранг берувчи модда – меланин пигменти меланоцитлар ичида ҳосил бўлиб, ўз тармоқлари орқали меланинни кератиноцитларга ўtkазиб беради. Меланин моддасининг ҳосил бўлиш жараёни мураккаб жараёндир. Меланин ДОФА - оксидаза ферменти таъсирида 3,4-дигидрооксифенилаланиндан (ДОФА) ҳосил бўлар экан. Умуман олганда меланин тирозиндан ҳосил бўлади, яъни тирозин (аминокислота) мис билан боғланган тирозиназа таъсири остида ультрабинафша нурлар ёрдамида астасекин ДОФА га айланади. ДОФА эса ўз навбатида ДОФА - оксидаза таъсирида меланинга ўтади. Бу жараённи қўйидаги шаклда тушунтириш мумкин:

ДОФА - оксидаза

↓

Тирозин (аминокислота) – ДОФА+оқсил = меланин

↑↑

Ультрабинафша Тирозиназа

нурлар + мис

Меланин пигментининг ҳосил бўлиш жараёни гипофиз безида ҳосил бўладиган, меланин моддаси ишлаб чиқарилишига ундейдиган модда (гормон) билан бошқарилади. Шунингдек, меланин ишлаб чиқариш жараёни адреналин, норадреналин, қалқонсимон без ва жинсий безлар гормонлари таъсирида идора этилади. Меланин

моддасининг кўп ёки кам миқдорда ҳосил бўлиши қуёш нурларининг фаоллигига ҳам боғлиқ. Шу туфайли серқуёш мамлакатларда яшовчи халқларнинг териси қорамтири, шимолий халқларнинг териси эса оқ рангларда бўлади. Баъзи кимёвий моддалар, масалан, фурокумарин моддалари терида ранг ҳосил бўлишини кучайтиради. Вегетатив асаб системасининг симпатик бўлимини таъсиrlаш, яъни активлаштириш - пигмент ҳосил бўлиш жараёнини кескин сусайтириб юборади, ҳатто меланин ҳосил бўлишини бутунлай тўхтатиб ҳам кўяди. Меланин моддасининг ҳосил бўлишида кўпгина витаминларнинг, жумладан, аскорбин кислотасининг ўрни муҳим ҳисобланади.

Ўсуви қаватда жойлашган Меркель ҳужайралари сон жиҳатидан кератиноцитлардан анча кам бўлса-да, улардан анчагина йирик бўлади. Бу ҳужайраларнинг цитоплазмаси жуда тиник бўлиб, улар таркибида осмиофил доначалари мавжуд бўлади. Меркель ҳужайраларига миелин моддаси бўлмаган нерв толалари жипс ҳолда уланганлиги сабабли тери пўсти сезиш хусусиятига ҳам эга бўлади.

Тиканаксимон қават. Тери пўстининг базал қавати устида жойлашган қавати тиканаксимон қават (*Stratum spinosum*), деб аталади, унда 3-8 қатор нотўғри ва кўп қиррали кератиноцит ҳужайралари мавжуд бўлади. Тиканаксимон қават кератиноцитлари бир-биридан ҳужайралараро ёриқ ва ариқчалар билан ажralиб туради. Бироқ мазкур ҳужайралар сертармоқ ва шохланган бўлиб, ана шу «тиканаксимон» шохлар ёнма-ён жойлашган ҳужайралар протоплазмаси ичига кириб кетган бўлади. Шу йўл билан ҳужайралар жипслиги таъминланади. Бу қаватнинг тиканаксимон деб ном олишининг сабаби ҳам ана шунда. Тиканаксимон қават ҳужайралари бир-бирлари билан десмосомалар ёрдамида ҳам узвий боғланган. Десмосомалар икки қўшни ҳужайра элементларидан ташкил топган бўлиб, ҳар бир десмосома ўзи рўпарасида жойлашган иккинчи ҳужайра қобигининг қаттиқлашган қисмини мужассамлаштиради. Тиканаксимон қават ҳужайралари тери пўсти юзасига яқинлашган сари ўз шаклини ўзгартириб, яссилашиб боради, яъни тиканаксимон қаватнинг пастки қаторларида жойлашган ҳужайралар кубсимон шаклда бўлса, унинг устки қаторларида эса ясси эпителий шаклида кузатилади. Тиканаксимон қават ҳужайраларининг ядролари юмалоқ ёки пуфаксимон бўлиб, хроматин моддасига бой бўлмайди. Шунинг учун мазкур қават ҳужайра ядролари бўёқларни

ўзига кам олади, бўяганда ҳам оч, рангпар бўялади. Ҳужайра цитоплазмасида кузатиладиган тонофибриллалар, деб аталувчи шохсимон ўсимталар ҳеч қачон бир ҳужайрадан иккинчисига ўтмайди, улар цитоплазма қобигида тугалланади.

Тиканаксимон қават кератиноцитлари орасида Лангерганс ҳужайралари ҳам жойлашган бўлиб, бу ҳужайраларнинг ядролари оддий бўёклар билан ёмон бўялади. Улар бир қанча шохларга бўлинадиган сертармоқ ҳужайралар бўлиб, таркибида меланин пигменти бўлмайди. Лангерганс ҳужайралари узоқ йиллар давомида нерв ҳужайраларининг махсус тури, деб ҳисобланган. Чунки улар олтин рангдаги бўёклар билан жуда яхши бўялади, ҳужайраларнинг бу хусусияти нерв ҳужайраларига кўпроқ хос. Баъзилар Лангерганс ҳужайраларини собиқ пигмент ҳужайралари ҳам деб ҳисоблашади. Кейинги текширув ва кузатувларнинг кўрсатишича, улар ҳужайралар фагоцитозида фаол иштирок этар экан. Лангерганс ҳужайраларининг тери иммунитетидаги роли муҳим ҳисобланади.

Донадор қават. Донадор қават (*Stratum granulosum*) тиканаксимон қаватнинг юқорисида жойлашган ҳужайралар бўлиб, шакл жиҳатидан аста-секин яссилашиб сезиларсиз ҳолда донадор қаватга ўтиб кетадики, бу икки қават ўртасидаги чегарани ҳамма вақт ҳам аниқлаб бўлавермайди. Умуман донадор қават 1-2 қатор ясси – ромбсимон эпителий ҳужайраларидан иборат, терининг баъзи соҳаларида (қўл ва оёқ кафти) улар 3-4 қаторни ташкил этади. Бу ҳужайралар бир-бирлари билан жипс жойлашган бўлиб, ядролари тиканаксимон қават ҳужайра ядроларига нисбатан кичик бўлади. Донадор қават ҳужайралари цитоплазмаси таркибида кератогиалин доналари мавжуд, улар анилин бўёклари билан жуда яхши бўялади. Шу туфайли микроскоп остида аниқ кўринади. Кератогиалин доначалари ўз таркибига кўра дезоксирибонуклеин кислотага (ДНК) жуда яқин. Донадор қават ҳужайралари протоплазмасида тонофибриллалар деярли учрамайди. Терининг баъзи соҳаларида (юз териси, бурмалар) донадор қават кўпинча кузатилмайди.

Тери пўстининг юқорида қайд этиб ўтилган уч қавати (асосий, тиканаксимон ва донадор қаватлар) биргаликда терининг ўсуви ёки муаллифи номи билан айтилганда Малпигий қавати, деб номланади.

Ялтироқ қават. Ялтироқ қават (*Stratum lucidum*) донадор қават устида жойлашган, у тери пўстининг 4-қавати ҳисобланади. Бу қават ядролари билан тузилишга эга бўлган кератиноцит ҳужайраларидан,

аниқроғи элеидин моддасидан тузилган. Мазкур қаватда элеидин оқсил моддасидан ташқари, гликоген ва ёғ моддалари (олеин кислота, липоидлар) ҳам бор. Элеидин қавати оддий бўяш усуллари билан бўялганда ялтироқ, тиник шишасимон чизик ҳолида кўринади, ялтироқ ёки шишасимон қават номи ана шундан олинган.

Шохсимон қават. Шохсимон ёки мугуз қават (*Stratum corneum*) тери пўстининг энг устки қавати бўлиб, бу қават ташқи муҳит билан бевосита алоқада бўлади, шу сабабли доимо ҳар хил омиллар таъсирида фаолият қўрсатади. Мугуз қават қорин соҳаси, тананинг ён юзаларида, айниқса, ташқи жинсий аъзолар териси соҳаларида жуда юпқа, кўл ва оёқ кафтида тери соҳаларида эса анча қалин, яъни жуда ривожланган кўринишларда бўлади. Шохсимон қават ҳужайраларининг сони ташқи тасиротларнинг кўп ёки камлигига ҳам боғлиқ. Терига таъсир этувчи омиллар қанчалик кўп бўлса, мугуз қават шунчалик қалинлашади. Бу ҳол физиологик гиперкератоз, деб аталади. Мугуз қават юпқа ва ядроиз шох ҳужайралар йиғиндисидан иборат бўлади. Мугузли пўстлар бир-бири билан жипс жойлашган. Шох тангачалар кератин деб аталувчи мугузли (шох) моддадан иборат бўлади.

Терининг мугузланиши кератин ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Эпидермиснинг асосий оқсили олtingугуртга бой, кератиннинг ҳосил бўлиши кўп босқичларни ўз ичига олади. Кератин тутувчи эпидермисдаги бу биологик жараён ундаги мугуз қобигининг ҳосил бўлишига қаратилган. Физик ва кимёвий хусусиятларига караб 2 хил кератин ажратилади: эпидермис мугуз қаватида учрайдиган юмшоқ кератин, соч, тирноқлардаги қаттиқ кератин.

Кератин молекуляр структураси миозинни ва коллагенни эслатувчи 3 та узун полипептид занжиридан тузилган. Кератин таркибига 18 та аминокислота кириб, уларнинг ичида ипсимон ва глобуляр структураларни дисульфид боғлари ҳисобига маҳкам тутиб турса оладиган цистин алоҳида аҳамият касб этади.

Икки жараён - эпидермис ҳужайралари ичида кератин молекуласининг синтези ва ҳужайраларнинг юқорига силжиши натижасида кузатилувчи цитоплазма ва ядро компонентларининг гидролизи кератин синтезланишида муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, эпидермисдаги ҳужайраларнинг бўлиниши асосан базал қаватда кузатилади. Бўлинишдан ҳосил бўлган икки ҳужайрадан бири ўз жойида қолиб, иккинчиси эса тиканакли қаватга

ўтади, эпидермиснинг янада юқори қаватлариға ўтиб бориши натижасида эса кератин синтезловчи кератиноцитга айланади.

Мугузланиш жараёни эпидермис ҳужайраларида маълум тартибдаги ўзгаришлар билан кечади. Ҳужайра ядросининг йўқолиши, ҳужайранинг яссиланиши ва қуриши, кератин ва мугуз қаватни ҳосил қилувчи айрим кимёвий ўзгаришлар кузатилади. Бу жараёнлар асосан базал қаватданоқ бошланиб, тиканаксимон қаватда давом этади ва донадор қаватда тугайди. Ҳужайралар эпидермиснинг юқори қаватига силжиши билан ядро ва органеллалар ҳалок бўлиб, ҳужайрадан чиқариб ташланади. Лекин тонофибриллалар аморф массада сақланиб қолади. Нормал кератинизация бир неча қатор қуриган, ўлик ҳужайралар – мугуз тангачалардан тузилган мугуз қаватнинг ҳосил бўлиши билан тугайди. Турли аъзо ва тўқималарда тузилмавий – структуравий оқсиллар ферментлар таъсирида парчаланади, эпидермисдаги кератин маҳсулотлари эса механик йўл билан чиқариб юборилади.

Кейинги йилларда инсонлар терисида ёшга қўра кечадиган биокимиёвий ўзгаришларни ўрганиш натижасида куйидагилар аниқланди: болалар терисининг барча қаватларида аминокислоталар (тирозин, трипсин, цистеин, триптофан) ҳамда оқсиллар комплексларининг кам бўлиши билан характерланади. Балоғат ёшига етиш даврида эса тери қаватлари ва унинг ҳосилалари ҳажмининг кўпайиши билан аминокислоталар ва оқсил комплексларининг бир меъёрда кўпайиши кузатилади. Дерма фибробластлари цитоплазмаси ва ядросида ҳам аминокислоталарнинг бирмунча қўп бўлиши аниқланди.

Асл тери. Асл тери (dermis, corium) бириктирувчи тўқимадан иборат бўлиб, бириктирувчи тўқима толалари орасида коллаген, эластик ва аргирофил толалар, шунингдек, силлиқ мушак толалари мавжуд бўлади. Мазкур тўқима толалари орасидаги маҳсус бир тузилишга эга бўлмаган аморф оралиқ моддалар жойлашган бўлиб, бундай моддаларнинг ичida диққатга сазовори бу гликозоамино-ликанлардир. Бошқача қилиб айтганда уларни гиалурон ва хондроитинсульфат кислоталар, дейилади. Асл тери ҳужайралари турли-туман бўлиб, улар фиброцитлар, гистиоцитлар, меланофаглар, фибробластлар, лимфоцитлардан иборат бўлади. Шунингдек, плазматик ҳужайралар, ретикуляр ва эндотелиал ҳужайралар, лейкоцитлардан тузилган. Мана шу ҳужайралар ва толаларни бир-

бири билан бириктириб умумий ягона тўқима ҳосил қилишда аморф оралиқ моддаларнинг аҳамияти катта. Асл терида шартли равишда икки қават: юзаки – сўрғичсимон қават (*Stratum papillare*) ва чуқур – тўрсимон қават (*Stratum reticulare*) фарқланади.

Дерма маълум соҳаларда тери пўстига кириб кетган, бу ҳол микроскопда сўрғични эслатади. Терининг физиологик гиперкератози кузатиладиган соҳаларида сўрғичлар яхши ривожланган, тери бурмаларида эса сўрғичлар унчалик яхши кўринмайди. Сўрғичсимон қаватда майин ва эластик, аргирофил толалар кўпроқ жойлашган. Бу ерда мукополисахаридлар ҳам тўрсимон қаватга нисбатан кўп миқдорда бўлади. Аксинча, тўрсимон қаватда етук ривожланган фибробластлар, коллаген толалари кўпроқ жойлашган бўлади. Коллаген толалар тўплами, улар орасидаги эластик толалар, турли-туман ҳужайралар қон томир капиллярлари бутун бир чигал тўрни эслатади, тўрсимон қават номи ҳам ана шундан олинган.

Тери эпидермиси ва асл терининг орасида кўзга кўринар-кўринмас юпқа парда жойлашган. Бу парда асосий мембрана (*membrana basilaris*), деб аталади. Базал пардани диққат билан кузатилганда, унда ўсуви қават ҳужайраларининг бармоқсимон ўсимталари ва аргирофил толалардан иборат чигал тўрни кўриш мумкин. Ана шу ўсимталар ва толалар йифиндиси маҳсус пардани, яъни базал мембрани ҳосил қиласи. Тери пўсти ҳужайраларини, хусусан базал қават ҳужайраларини озиқ моддалар билан таъминлаш ҳам ана шу асосий парда орқали амалга оширилади. Базал парда гисто-кимёвий тузилиши жиҳатдан хондроитин-сульфат кислота, шунингдек, липидлар ва мукополисахаридлардан тузилган. Терида кузатиладиган у ёки бу касалликларнинг шаклланиши асосий парданинг биологик ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади.

Тери ости ёғ қавати. Тери ости ёғ қавати (*hypoderma*) турлича ривожланган бўлиб, корин ва думба соҳаларида уларнинг қалинлиги бир неча сантиметргача етади. Ёғ тўқималари ўзининг майнлиги билан терини ташқи тасиротлардан ҳимоя қиласи. Мазкур қават асл тери билан узвий боғланган бўлади. Тўрсимон қават коллаген толалари қалин боғламлар ҳосил қилиб, тери ости ёғ қавати ичига кириб борган. Улар ёғ қавати бағрида кенг боғламли тўрлар ҳосил қиласи, бу боғламларнинг ичи ёғ ҳужайралари билан тўлган. Ёғ ҳужайралари шарсимон шаклга эга, уларнинг тухумсимон ядролари ҳужайра цитоплазмасининг четида жойлашган бўлади.

Янги туғилган чақалоқлар ва боғча ёшигача бўлган болаларнинг тери ости ёғ қавати юмшоқлиги ва ёғ бўлакчаларининг кўплиги билан катталарнидан фарқ қиласди. Гиподерма оғирлигининг тана оғирлигига нисбати болаларда катталарнига нисбатан 5 маротаба кўпдир. Болаларда ёғ ҳужайраларининг цитоплазмаси кўпиксимон оплок бўлиб, ядроси катта бўлади. Ёғ ҳужайралари таркибидаги стеарин ва пальмитин ёғ кислоталарининг миқдори катталарнидан кўп, олеин ёғ кислотасининг миқдори эса кам миқдорда бўлади.

Тери безлари. Тери ёғ ва тер безларига бой. Ёғ безлари (*glandulae sebaceae*) терининг барча соҳаларида жойлашган бўлиб, фақат қўл ва оёқ кафти тери соҳаларида бўлмайди. Ёғ безлари ва соч толаси ёнма-ён жойлашган, уларнинг ёғ чиқарув тешиги соч толасининг танасига очилади. Терининг маълум соҳаларидагина (лабда, закар бошчасида, кичик жинсий лабларда, кўкрак безларининг сўрғичларида) ёғ безларининг алоҳида ташқи чиқарув тешиги бўлиб, тери юзасига очилади. Битта соч толасининг атрофида 6-8 тагача ёғ безлари жойлашган бўлиши мумкин. Ёғ безлари морфологик тузилиши жиҳатидан оддий альвеоляр безлар қаторига киради, уларнинг танаси бириктирувчи тўқимали қаватдан иборат бўлиб, уларнинг ташқи қобиғи бир қатор жойлашган призматик эпителийдан ташкил топган. Альвеоляр ҳужайраларнинг марказий қисми ёғ билан тўлган. Ёғ безларининг ташқи чиқарув йўллари кўп қаватли эпителий ҳужайралари билан қопланган бўлади.

Болалар териси катталарнига нисбатан ёғ безлари билан кўпроқ таъминланган. Уларда безларнинг ҳажми ҳам каттароқ. Айниқса, юз терисида, бошнинг сочли қисмida, жинсий аъзолар соҳасида безлар жуда кўп. Болаларда ёғ безларининг фаолияти ҳам катталарнидан кучлироқ бўлганлиги сабабли уларда турли-туман яллигланиш жараёнлари кўпроқ кузатилади. Боланинг ёши катталашган сари ёғ безларининг фаолияти сусая боради, маълум бир қисми эса бужмайиб, ўз ишини бутунлай тўхтатади.

Терининг тер безлари (*glandula sudoriferae*) сони 3,5 миллионгача етади. Одам терисининг барча соҳалари тер безлари билан тўлган бўлиб, жинсий олат бошчасида, кичик уятли лабларнинг ташқи юзасидагина тер безлари учрамайди.

Тер безларининг эккрин ва апокрин каби икки хили фарқланади. Тер безларининг кўп қисми эккрин безлари ҳисобланади, яъни бу безларнинг ҳужайралари ўз фаолиятлари натижасида нобуд бўл-

майди. Апокрин безлари ҳужайраларининг маълум қисми тер ишлаб чиқаргач, нобуд бўлади. Апокрин безлари ҳажми жиҳатдан эккрин безларидан катта. Шунингдек, уларнинг тер чиқарув йўллари худди ёғ безлари сингари соч толасининг танасига очилади. Апокрин безлари маълум соҳаларда: кўлтиқ остида, орқа чиқарув тешиги атрофида, кўкрак безларининг сўргичлари атрофида, катта жинсий лабларнинг терисида жойлашган. Уларнинг иш фаолияти жинсий безлар фаолияти билан боғлиқ. Шу туфайли уларнинг фаолияти балоғат ёшига етиш даврида бошланади. Тер безлари асл терининг энг пастки қатламларида, тери ости ёғ қаватининг яқинида жойлашган бўлади, шу сабабли уларнинг тер чиқарув йўллари узун бўлиб, асл тери ва тери пўсти орқали ўтади.

Сочлар. Сочлар (pilus) турли-туман бўлиб, бола ҳали она қорнида пайтидаёқ ўсиб чиқади. Бу бирламчи соchlар, деб аталади. Бирламчи соchlар бола туғилмасданоқ ёки туғилгандан сўнг кўп ўтмасдан тушиб кетади. Сўнgra иккиламчи, яъни доимий соchlар чиқади. Доимий соchlар икки турга бўлинади: узун ва майнин соchlар. Узун соchlар кўлтиқ остида, қов соҳасида, ташқи жинсий аъзолар терисида, юз терисида чиқади, бошнинг сочли қисмида, қўл ва оёкларда кўп ўсади. Майнин соchlар балоғатга етиш даврида ўса бошлайди.

Терининг физиологик вазифалари

Тери ҳимоя, секретор, иссиқликни идора этиш, рецептор, нафас олиш ва резорбция, моддалар алманишувида иштирок этиш, чиқарув каби вазифаларни бажаради.

Ҳимоя вазифаси. Тери ўзига хос мураккаб тузилганлиги сабабли турли ташқи таъсирлардан саклайдиган тўсиқ вазифасини ўтайди. Бир-бири билан зич жойлашган шохсимон қават ҳужайралари ва ёғли-сувли қобиғ (мантия) терини қуриб қолишидан ҳимоя қиласи. Ёғли-сувли қобиқни тер ва ёғ безлари орқали тери сатҳига ажралиб чиқаётган ёғ, тер аралашмаси ҳосил қиласи.

Терининг ҳимоя вазифалари ичida унинг микроорганизмлардан ҳимоя қилиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу ҳимоя асосан, доимо янгиланиб турувчи эпителий ва тер сатҳига ажралиб чиқувчи тер ва ёғ таркибига боғлиқ. Бундан ташқари сувли-ёғли қобиғ кислотали мұхитга (РН- 5,5-6,2) эга бўлганлиги учун бу ҳам бактериостатик

тъсир қиласы (тер ва ёғ таркибидаги хлоридлар, кичик молекуляр ёғ кислоталари, гипохлоридлар, протеогликанлар ҳам бактериялар күпайишига тұсқинлик қиласы).

Оғиз шиллиқ қавати тузилиши ҳам тери тузилишига яқин бўлганлиги учун маълум бир ҳимоя вазифасини ўтайди, бу вазифа сўлак таркибидаги лизоцим ҳисобига янада кучаяди.

Терининг ҳимоя вазифаси ичида тери ва унинг остидаги тўқималарни ултрабинафша нурларидан (УБН) ҳимоя қилиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу вазифа терининг эпидермис қавати ҳужайраларида жойлашган меланин ҳисобига амалга оширилади. Меланин оқсили эпидермис ҳужайралари ядросининг устида соябон шаклида жойлашган бўлиб УБН учун тўсиқ (экран) вазифасини ўтайди. Агар бу экран бўлмаса УБН ҳужайра ядросини парчалаб ҳужайранинг нобуд бўлишига олиб келади ва турли даражадаги куйишлар келиб чиқиши мумкин. Бу ҳолат қўпроқ албинизм ва витилиго билан хасталангандар деморларда баҳор ва ёз ойларида баданнинг очиқ соҳаларида кузатилади. Шу сабабли меланин эпидермис ҳужайраларида қанчалик кўп бўлса организм қуёш нурларидан шунчалик мукаммал ҳимояланади. Болалар териси УБН га меланин миқдори кам бўлганлиги учун жуда сезгир бўлади, яни қисқа муддатда УБН ҳам болалар терисида турли даражадаги куйишларни келтириб чиқариши мумкин.

Организмда меланин моддасининг ҳосил бўлиши мураккаб жараён ҳисобланади, бу жараённинг баъзи томонлари ҳали охиригача ўрганилмаган. Пигмент моддаси фенилаланин аминокислотасининг меланоцит ҳужайрасида (меланосомада) босқичмабосқич ферментли ва ферментсиз оксидланиши ва декарбоксиланиши натижасида пайдо булади. Меланинни синтезланиши гипофиз томонидан синтезланадиган меланоцитни стимуляция қиласиган гармон (МСГ) томонидан бошқарилади. Бундан ташқари тирозиннинг диоксифенилаланинга (ДОФА) айланишида тирозиназа ферментини ва ДОФАни оксидлаб қўнғир-кора рангга киришида кислороднинг аҳамияти ҳам катта. Тирозиназа ферменти фаоллигидагиси ва рух микроэлементларининг етарли миқдорда бўлиши муҳим ўрин эгаллади.

Инсонларда иркига қараб икки хил меланин моддаси фарқланади. Биринчи тури эумеланин - кора-жигарранг, иккинчи тури феомеланин – сарғиши-жигарранг бўлади. Буларнинг асосий фарқи

қора рангли эумеланин ёруғликни барча спектрларини ютиш хусусиятига эга, феомеланин эса фақат кўзга кўринадиган спектрини (500-550 нм) ютади, шунинг учун бундай ирқдаги инсонларнинг тери ва соchlари ранги қизғиш-сарғимтириг рангда бўлади.

Болаларда эпидермис ҳали нозик, юқалиги, дерманинг эластик ва коллаген толаларининг тўлиқ морфологик шаклланмаганлиги учун тери механик, термик, химик ва радиацион таъсиrlарга онсон берилувчан бўлади. Болалар териси сатҳини биологик фаол сувли-ёғли қобиғ билан ўралганлиги терини қуриб қолишдан, исиб кетишидан, турли бегона моддаларни сўрилишидан ва микроорганизмлар таъсиридан ҳимоя қиласди. Сувли-ёғли қобиғ микроорганизмларнинг кўпайишига тўсқинлик қилувчи паст молекуляр эркин ёғ кислоталар билан тўйингани учун бу қобиғ ўзига хос «стрилизатор» вазифасини ўтайди. Болалар териси муҳити РН 6,2-6,8 га, яъни нейтрал муҳитга яқин (кattаларда эса РН 4,2-5,6), демак болалар терисининг бактериостатик хусусияти катталар терисидан анча паст бўлиб, бу етишмовчилик сувли-ёғли қобиғ фаолияти хисобидан тўлдирилади.

Секретор вазифаси. Бу вазифа кератиноцитлар, иммунитетга боғлиқ ҳужайралар, ёғ ва тер безларининг фаолияти билан боғлик.

Эпидермиснинг асосий оқсили - кератиннинг ҳосил бўлиши кератиноцитларнинг мураккаб секретор вазифаси хисобланади. Бу жараёнда эпидермиснинг барча қават ҳужайралари иштирок этиб, бу жараённинг фаоллиги гипофизар-буйрак усти бези тизими ҳолатига боғлиқ бўлади.

Терининг секретор фаолиятида тер ва ёғ безларининг аҳамияти жуда катта. Ёғ безлари таркибида ёғ кислоталари, холестерин эфирлари, алфатик алкоголь, углеводородлар, глицерин, азот ва фосфат бирикмалари тутувчи ёғни ишлаб чиқаради. Ёғ безларида суюқ ёки яrim суюқ ҳолда бўлади ва ташқарига ажралиб чиққач, тер билан аралашиб ёғли-сувли қобиғни ҳосил қиласди. Бу қобиғ бактерицид ва фуницид таъсиrl қилиш хусусиятига эга бўлиб, терини тегишли микроорганизмлардан ҳимоя қиласди, унинг юмшоқ ва майнлигини таъминлайди. Бундан ташқари ёғ безлари экскретор (ажратиш) вазифани ҳам ўтайди. Тер ёғи билан ташқарига ичакда ҳосил бўлувчи токсик ўрта молекулали пептиdlар, доривор препаратлар – йод, бром, антиприн, салицил кислотаси, эфедрин ва бошқа препаратлар ҳам ажралиб чиқади. Тери сатҳи бўйлаб ёғ

безлар бир хилда тақсимланмаган, энг кўп ёғ безлари (1cm^2 да 1000 тагача) бошнинг сочли қисмида, кўкрак, юз ва елка соҳаларида жойлашган ва шу соҳаларда уларнинг фаоллиги ҳам юқори. Ёғ безлари фаоллигига ички секреция безлари ва асаб тизими ҳолати кучли таъсир қиласди. Тестостерон ва унга яқин гармонлар ёғ безлари фаолиятини кучайтиrsa, эстрогенлар камайтиради. Шунинг учун ҳам балоғат ёшидаги йигит ва қизларда терининг ёғланиши кучаяди ва турли адаптив ўзгаришларга (ёғли себорея, хусунбузар) сабаб бўлади.

Эккрин тер безлари ажратадиган тернинг муҳити кам кислотали бўлиб, таркибида сувдан ташқари неорганик (сульфатлар, фосфатлар, натрий ва калий хлорид) ва органик (мочевина, сийдик кислотаси, аммиак, аминокислоталар, креатинин ва б.) моддалар ҳам бўлади. Тернинг кимёвий таркиби турли ички ва ташқи сабабларга қараб ўзгариб туради. Ажралиш микдори эса атроф-муҳит ҳароратига, асаб тизими ҳолатига, баданинг қисмларига, ички секреция безлари ҳолатига боғлиқ. Ўртacha инсон организмидан бир кун мобайнида 700-1000 мл тер ажралади, бу микдор ташқи ҳарорат юқори бўлганида бир неча литргача етиши мумкин. Тер доимо тинимсиз ажралиб туради ва у билан ташқарига турли доривор моддалар, микроэлементлар, турли неорганик ва органик моддалар, витаминалар, углеводлар, гармон ва ферментлар ҳам ажралиб чиқади (экскретор фаолияти). Аппокрин тер безлари бола туғилганда тўлиқ шаклланган бўлади, лекин улар фаолияти инсон балоғат ёшига етганда бошланади, климактерик ёшга етганда эса тухтайди. Шунинг учун бундай безларда касалликлар асосан жинсий фаолият кўрсатиладиган ёшда учрайди. Бу безлар асосан қўлтиқ остида, аногенетал соҳада, аёлларда кўкрак бези сўргичлари атрофида жойлашади. Ўғил ва қиз болаларда бу безлардан ажралаётган тернинг ўзига хос ҳиди бўлади. Бу безларнинг ҳам фаоллиги қондаги жинсий гармонлар микдорига, асаб тизими ҳолатига, эмоционал ҳолатга ва ҳарорат ўзгаришига боғлиқ бўлади.

Иссиқликни идора этиш вазифаси. Бадан ҳароратини мўътадил бўлиши мураккаб жараён бўлиб, бу жараён шартли марказий ва переферик бошқарув ҳисобига амалга оширилади. Тери переферик иссиқликни идора этишда қатнашади. Терининг шохсимон қавати, дерма қавати ва айниқса, тери ости ёғ қавати иссиқликни кийинчилик билан ўтказувчи тўсиқ вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари теридаги лимфа ва қон айланиши ҳолати ҳам иссиқлик алманишувида катта аҳамиятга эга. Агар бадан ҳарорати күтарилса, тери қон томирлари кенгаяди, тери сатхига қон келиши ва ташқарига иссиқлик ажралиши кучаяди. Бундан ташқари тер безлари фаолияти ҳам кучайиб, тер буғланиб ўзи билан иссиқликни олиб кетади ва тери орқали оқиб ўтаётган қон ҳароратнинг пасайишига олиб келади. Ташқи ҳарорат бадан ҳароратидан пасайганда эса бу жараённинг акси кузатилади.

Рецептор вазифаси. Асил тери ва нерв тизими онтогенез жараёнида бир эмбрионал - мезодерма қаватидан шаклланади. Шунинг учун ҳам бу тизимлар орасида жуда мураккаб функционал боғлиқлик мавжуд. Организмда бирорта аъзо тери каби кўп ва турли тузилишга эга бўлган нерв охирларига эга эмас, шунинг учун ҳам тери сатхини ўзига хос рецептор майдони, деб ҳам аташ мумкин. Улар ташқи муҳитдан турли тасиротларни қабул қиласиди, шунинг учун уларни экстрорецепторлар, деб аталади. Турли нерв охирларига эга бўлган рецепторлар турли таъсирларни қабул қилганлиги учун улар механорецепторларга, хеморецепторларга, терморецепторларга ва ноцирецепторларга (оғриқ рецепторларига) бўлинади. Морфологик жиҳатдан бу рецепторлар озод (тутамлашган) ва ўралган (капсулали) бўлиши мумкин.

Озод нерв охирлари функционал жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланиб бутун дерма қавати бўйлаб калта ва узун шохли шванн ҳужайралари билан ўралган ҳолда жойлашади. Бу рецепторларнинг манбай юмшоқ бўлмаган нерв толалари (Меркел ҳужайралари) ҳисобланади. Уларнинг шохланиш жойида қобиғи йўқолади. Озод нерв охирлари буталар ёки дарахтлар кўринишида бўлиб, қўпинча эпидермис остида жойлашади. Бу нерв охирларининг кўпчилиги юзаки, енгил тасиротларни ва оғриқни қабул қиласиди.

Капсулага ўралган нерв охирларининг (Мейсснер танаачалари) тузилиши деярли бир хил бўлиб, специфик сезгиларни қабул қиласиди ва улар кўпроқ қўл бармоқларида, кафтда, лабда, қовоқда, жинсий аъзолар терисида, сут безлари сўрғичларида, тил шиллик қаватларида, яъни тактил сезувчанлик юқори бўлган соҳаларда жойлашади.

Краузе колбалари механорецепторлар ҳисобланиб, асосан дерманинг тўрсимон қаватида жойлашади ва кўпроқ қўл бармоқлари терисида, елка, билак, товон ва тизза соҳаларида учраб, совук

тәъсирини сезади. Руффини танаачалари эса иссиқликтен сезища катта аҳамиятга эга.

Фатерпачини танаачалари асосан силлиқ тери соҳаларида кўпроқ учрайди (бармоқларда, ташқи жинсий аъзоларда, кўкрак бези сўрғичларида). Уларнинг тузилиши жуда мураккаб бўлиб, танаачани ўртасида нерв толаси жойлашади ва колбанинг ичига киргач қобиғини йўқотиб, дистал қисмида нерв тутамларидан ўрам ҳосил қиласи. Улар чуқур босимни сезища катта аҳамиятга эга. Терининг 1 см^2 сатҳига 5000 дан ортиқ сезги нерв охирлари тўғри келади, булар оғриқни, совуқни ва иссиқни сезади, алоҳида рецептор босимни ҳам қабул қиласи.

Нафас олиш ва резарбцион вазифаси. Терининг резарбцион хусусияти сувли-ёғли қобиғ микдорига ва сифатига, шоҳсимон қаватнинг мустаҳкамлигига боғлиқ. Физиологик гиперкератоз ҳисобига кўл ва оёқ кафтлари терисининг резорбцион фаолияти кам бўлади. Баданинг тер ва ёғ безлари кўп жойлашган қисмларида бу хусусият яхши ривожланган бўлиб, ёғда ва сувда эрувчи дори воситалари, фенол бирикмалари, резорцин, салицил ва борат кислоталари ва уларнинг бирикмалари яхши сўрилади. Тери яллиғланган пайтда унинг резорбцион фаолияти кучаяди, шу сабабли маҳаллий ишлатиладиган дори воситалари концентрацияси терапевтик дозадан ошмаслиги лозим. Терининг нафас олишдаги иштироки жуда сезиларсиз, тери организм учун керак бўлган кислороднинг фақат $1/180$ қисмини олишда, ажралаётган углеводороднинг эса $1/90$ қисмини ажратишда катнашади холос.

Терининг моддалар алманишувидағи иштироки. Терининг бу фаолияти унинг депо (йиғиш, асраш) хусусияти билан боғлиқ. Терида асосан углеводлар, холестерин, йод, бром, аминокислоталар, ўт кислоталари ва липидларнинг перекисли оксидланиши натижасида ҳосил булган турли шлаклар тўпланади. Шунинг учун ҳам модда алмашинувининг бузилиши билан кечадиган касалликларда, айникса, қандли диабет ва жигар касалликларида асосий касаллик симптомлари пайдо бўлишидан анча олдин терида қичишиш, сарғайиш каби белгилар пайдо бўлади. Терида бундай моддаларнинг йиғилишида терининг бириктирувчи тўқималари, тери ёғ қаватлари гидрофоблигининг аҳамияти катта. Бундан ташқари шоҳсимон қаватга ташқаридан шимилган турли кимёвий бирикмалар терида бир неча ҳафталар давомида сакланиши мумкин.

Д витамини эпидермис қаватининг мальпигий ва базал қаватларида кечадиган мураккаб биокимиявий жараён натижасида ҳосил бўлади. Д витамини организмда 7-Дигидрохолестеринг УБН (290-320нм) таъсир килганда фотоизомерик ўзгаришга учраб D_3 провитаминига айланади. Бу бирикмадан қайта фотоизомерик ёки термик изомерик ўзгариш ҳисобига D_3 витамини ҳосил бўлади. Сўнг теридан қонга ўтади, у ерда б-глобулинлар билан бирикиб жигарга боради.

Д витамини биосинтезига асосан иккита фактор таъсир қиласи. Биринчидан, D_3 провитаминининг синтез бўлиш микдори УБН доzasiga боғиқ. Иккинчидан, меланин 7-дигидрохолекальциферол билан ультрабинафша фотони учун конкуриент ҳисобланади. Шунинг учун D_3 провитамини маълум бир вақтда, маълум бир доза УБН таъсирида оқишроқ рангли терида кўпроқ микдорда пайдо бўлади. Одам организмининг Д витаминига бўлган эҳтиёжи икки кўринишда қондирилади. Биринчиси терида синтезланадиган D_3 витамин (холекальцеферол) кўринишида, иккинчиси озиқ-овқатлар ёки дори моддалари таркибидаги D_2 витамини (ўсимликлар ҳосилласи эргокальцеферол) ҳисобига. Иккала қўринишдаги D_3 витамин қон плазмасида оқсилга боғланган ҳолда тегишли жойларга етказилади.

Терининг патогистологик ўзгаришлари

Терида кечаётган патологик ҳолатлар эпидермис қаватининг анатомик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, у турли хил кўринишларда намоён бўлади. Эпидермис қаватида кузатиладиган яллиғланишлар З хил кўринишда кечади. Биринчи хил яллиғланишлар – серозли яллиғланишлар ҳужайралар ичи шиши ёки вакуол дегенерацияси, деб аталади. Ҳужайралар ичи шишида терининг малпигий қавати ҳужайралари протоплазмасида вакуолалар шаклланади, ҳужайра ядрои атрофида ёки унга яқин жойлашган ҳолатларида вакуолалар ҳужайралар ядросини четга суради. Натижада ҳужайра ядролари деформацияланади ҳамда уларда пикноз ҳолати вужудга келади. Кейинчалик шишли суюқлик ҳужайрани эритади ва уни нобуд бўлишига олиб келади. Агарда вакуолалар ҳужайра ядрои ичиди пайдо бўлса, ундей ҳолатда ядронинг шишиб кетиши ва кейинчалик эса ичи суюқликка тўлган катта пуфак кўринишини олади, бундай ҳолатларда ядро таркибида ядрочалар сақланиб қолиши мумкин.

Иккинчи хил серозли яллиғланишлар спонгиоз ёки ҳужайралараро шиш, деб аталади. Бундай ҳолатларда шишли суюқлик малпигий қават ҳужайралараро соҳаларининг кенгайишига, натижада эса ҳужайралар орасидаги боғлиқликнинг йўқолишига, ҳужайраларнинг ўзида шиш пайдо бўлишига ҳамда эпитеал пуфакчаларнинг шаклланишига олиб келади.

Учинчи хил серозли яллиғланишлар некробиотик, дегенератив ўзгаришлар натижасида ҳосил бўладиган яллиғланишлар бўлиб, уларни балонланадиган дегенерация, деб аталади. Эпидермис ҳужайраларида кечётган чуқур ўзгаришлар, улар орасидаги кўприкчаларнинг бузилиши ҳолати кейинчалик бундай ҳужайраларни серозли-фибринозли таркибдан иборат бўлган шарсимон пуфаклар таркибида эркин ҳолатда сузуб юришига олиб келади.

Териининг эпидермис қаватида кечадиган серозли яллиғланиш ҳолатларидан ташқари қатор бошқа патологик ўзгаришлар ҳам кузатилади. Тери эпидермиси тиканаксимон қавати ҳужайраларининг кучли бўлинниб кўпайиши натижасида дерма қаватига чуқур ботиб кириши ҳолати акантоз, деб аталади. Акантоз ҳолати кўпинча псориаз ва экзема касалликларида кузатилади.

Эпидермис ҳужайраларининг базал қават соҳасида акантоз ҳолатига учраши ва шунинг ҳисобига дерманинг сўрғичсимон бириктирувчи тўқимасининг чўзилиб кетиш ҳолати папилломатоз, деб аталади.

Ҳужайралараро кўприкчалар мустаҳкамлиги ва боғлиқлигининг бузилиши натижасида эпидермис қаватининг кўчиш ҳолати кузатилади, бундай ҳолат акантолизис, деб аталади. Акантолизис жараёни асосан пуфакли яра касаллигига кузатилади.

Эпидермис қавати ҳужайралари шохланиш ҳолатининг бузилишига дискератоз, деб аталади. Дискератоз ҳолати гиперкератоз (эпидермис шох қаватининг қалинлашиши) ёки паракератоз (эпидермис шох қаватида ядролари таёқчасимон кўринишда бўялган ҳужайраларнинг кузатилиши), деб аталади, бу вақтда донадор, ялтироқ қаватлар кузатилмайди. Эпидермис донадор қаватининг қалинлашиб кетишига гранулёз, деб аталади.

Болалар терисининг ўзига хос хусусиятлари

Болалар териси жуда ҳам нозик ва юпқа тузилишга эга бўлиб, эпидермис қаватидаги ҳужайралар кетма-кетлиги кам (масалан, тиканаксимон қават 2-3 қатор ҳужайралардан ташкил топган),

хужайралар ҳажми эса кичик бўлади. Болалар териси қўпинча жароҳатланишга мойил бўлиб, ҳужайралараро десмосомали боғлиқликлар яхши ривожланмаган бўлади, терининг шоҳсимон қавати фақатгина болалар қўл кафти ва оёқ кафти юзаларида гина тўлиқ шаклланган бўлиб, бошқа соҳаларда эса физиологик паракератоз қўринишида бўлади, бундай ҳолат эса қўпинча қипиқланишга мойилликни юзага келтиради. Болаларда эпидермис ва дерма қаватлари ўртасидаги боғлиқлик етарли даражада мустаҳкам бўлмайди, дерманинг сўрғичсимон қисми яхши ривожланмаган бўлади. Дерма билан эпидермис ўртасидаги чегара соҳаси тўғри чизик шаклида бўлиб, улар соҳасида жойлашган ҳужайралар атрофидаги тўқима суюқлиги пуфаклар ҳосил бўлишига олиб келади.

Янги туғилган чақолоқлар териси орқали турли хил моддалар жуда осон сўрилади, булар қаторига бор кислотасини киритиш мумкин, бу кислота кейинчалик жигарга заҳарли таъсир қўрсатади, шунинг учун ҳам болаларни маҳаллий даволашда ушбу ҳолатни инобатга олиш лозим. Болаларда ёғ безлари катталарга нисбатан қўп бўлиб, яхши фаолият қўрсатади, кейинчалик улар фаоллиги сусяйиб бориб, балоғат ёшига етганда тўхтайди. Тер безлари яхши ривожланган бўлади, аммо эккрин тер безларининг чиқарув йўллари тўғри шаклда очилади, уларнинг бундай хусусияти тер безларига турли таъсир этувчи моддаларнинг киришини енгиллаштиради. Апокрин тер безлари балоғат ёшига етгунга қадар фаолият қўрсатмайди.

Дерма қаватининг толалари ва қон томир тўрлари яхши ривожланмаган бўлиб, қисман шаклланмаган ҳужайралар кузтилади. Қон томир капиллярлари ингичка ва ёрилувчан бўлади. Тери ости ёғ қаватида палмитин кислотаси қўп миқдорда бўлади, совуқ қотганда эса палмитин кислотасининг кристаллари чўкиши кузатилади ва натижада тери реактивлиги ҳолати ўзгаради.

Болалар терисининг иммун тизими етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли ҳарорат бошқаруви жараёни такомиллашмаган бўлади. Болалар териси суюқликни жуда осон йўқатади, шу сабабли турли тери касалликларида касаллик тошма элементлари рангиз қўринишида бўлади, ранг деярли йўқолади, бундай ҳолат вақтинчалик алдовчан бўлади. Сув миқдорининг қайта тикланиши натижасида эса тошма элементлари аввалги ҳолатларида яна қайта намоён бўлади.

ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ УМУМИЙ СИМПТОМАТИКАСИ

Болалар организими ўзига хос анатомо-физиологик хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли уларда тери касалликлари белгиларининг ўзига хос кўринишда кечиши кузатилади. Болаликнинг хомила, чилла, кўкрак эмиш, кичик, ўрта, мактаб ёшидаги ҳамда балоғат ёшидаги даврлари фарқ қилинади. Юқорида санаб ўтилган даврларни болаларда тери касалликларининг ривожланишида, кўринишида, кечишида ўзига хос томонлари борки, буни албатта касалликларни олдини олишда ва даволашда ҳисобга олиш зарур.

Болаларда ҳам катталар сингари тери касалликлари субъектив симптомлар билан бирга кечади, лекин қичишиш ҳолатидан болалар (айниқса, мактаб ёшигача ва кичик мактаб ёшидаги болалар) ўзларини тийиб туролмайдилар натижада бундай ҳолат касаллик симптомларини кучайтиради, ўчоқларнинг иккиласми инфекциялар билан асоратланиш даражасини оширади. Сурункали қичишиш билан кечадиган касалликларда болалар терисида, кўплаб тилинган ва шилинган юзалар пайдо бўлади, тирноклар юзаси ялтираб юпқа тортади, баъзида эса нотекс кўриниш олади.

Тери ва таносил касалликлари ташхисоти тери ва шиллиқ қаватларда кузатиладиган тошмаларга асосланади. Мазкур тошмалар дерматовенерология фанининг алифбоси бўлиб ҳисобланади, бу алифбодаги ҳар бир ҳарф морфологик элементлардир. Тошмаларнинг тури, сони, ранги, шакли, характеристики, жойлашиш тартиби, кўп учрайдиган соҳаларини таърифлаш у ёки бу дерматологик касалликларга ташхис қўйишига имкон беради. Касалликларга ташхис қўйишида жами ўн саккизта тошма элементлари (саккизта бирламчи ва ўнта иккиласми) фойдаланилади ва таъриф этилади. Турли сабаблар таъсири натижасида юзага келадиган теридаги бирламчи ўзгаришлар бирламчи тошмалар, деб аталади. Бирламчи морфологик тошмалар терида бирламчи пайдо бўлиши билан бирга иккиласми тошмаларнинг шаклланишига ҳам сабабчи бўлади. Масалан, соғлом терига қичитқи (крапива) ўти тегса қаварчиқ пайдо бўлади. Қайнок сув билан куйганда эса терида қизариш ва пуфаклар

хосил бўлади. Терига сил таёқчаси кирганда дўмбоқча, стафилококк ёки стрептококк микроблари таъсирида эса пустулалар пайдо бўлади. Шундай қилиб, бу тошмалар пайдо бўлгунга қадар терида ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмас экан.

Иккиламчи морфологик тошмалар бирламчи тошмалар пайдо бўлгандан сўнг уларнинг ривожланиши (эволюцияси) оқибатида ёки асорати тарзида юзага келади. Масалан, пуфакча ўрнида шилинишни (эрозия), шилинишдан кейин қора-қўтири, чукур пустула (йирингча) ёрилгач ўрнида ярани, эритемадан кейин эса унинг ўрнида қипикланиш ҳосил бўлишини бунга мисол қилиб қўрсатиш мумкин. Куйиш натижасида ҳосил бўлган пуфакнинг ёрилишидан эрозия, унинг юзасидаги намнинг парланиб ҳужайрали элементларни бир-бирига ёпишишидан қора қўтири ҳосил бўлади, қора қўтири тушиб кетгач эса ўрнида пигментация қолади. Демак, биргина пуфакча ёки пуфак тошмаси эволюцияси натижасида учта иккиламчи тошмалар пайдо бўлар экан. Силсимон дўмбоқча некрозга учраб, ярага, яра эса битиш жараёнида чандиққа айланади. Демак, яра ва чандиқ иккиламчи тошма элементлари экан. Шундай қилиб, иккиламчи морфологик тошма элементлари касалликнинг кечиши жараёнини (зўрайиши ёки сусайишини) акс эттиради.

Бирламчи морфологик тошмалар

Бирламчи морфологик элементлар инфильтратив ва экссудатив турларга бўлинади. Бирламчи инфильтратив тошмаларга доғ (macula), тугунча (papula), дўмбоқча (tuberculum), тугун (nodus), экссудатив тошмаларга эса пуфакча (vesicula), пуфак (bulla), йирингча (pustula), қаварчиқ (urtica) лар киради.

Доғ (macula) - тери рангининг чегараланган кўринишда ўзгаришига доғ, деб аталади, улар чегараси аниқ, тери сатҳидан кўтарилимаган бўлиб, бунда терининг қаттиқ-юмшоқлиги ўзгармайди. Доғлар келиб чиқиши сабабига кўра томирли, геморрагик ва пигментли бўлади. Доғлар яллиғланган (розеола, эритема) ва яллиғланмаган (пес доғлари, норлар, сепкил) кўринишларда бўлади.

Томирли доғлар дерманинг асл қисмида жойлашиб, сўрғич-симон қават томирларининг кенгайишидан ҳосил бўлади, улар одатда бармоқ билан босиб кўрилганда йўқолиб сўнг яна пайдо бўлади. Тошмалар яллиғланадиган ва яллиғланмайдиган бўлиши

мумкин. Катталиги бармоқ тирноғидек келадиган пушти ранг доғлар розеолалар, кафт ҳажми ва ундан катта булган доғлар эса эритемалар дейилади.

Геморрагик доғлар қон томир деворлари ўтказувчанигининг ошиши туфайли келиб чиқади. Бундай доғлар бармоқ билан босиб кўрилганда йўқолиб кетмайди. Геморрагик доғлар аллергик васкулит ва баъзи инфекцион касалликларда кузатилади. Катталиги қараб геморрагик доғлар қуидагича хилларга: петехиялар (нуқтадек келадиган доғлар), пурпуралар (тирноқдек келадиган доғлар), вибецесслар (йирик чизиксимон доғлар), экхимозлар (нотўғри шаклдаги йирик доғлар) ва гематомаларга (томирлар ёрилганда қон қуилиши) бўлинади. Одатда геморрагик доғларнинг ранги ўзгарувчан бўлади, дастлаб бинафша, қизғиш-қўкимтири, яшил, сўнгра эса сарғиш-қўнғир рангларда бўлиб, бора-бора йўқолиб кетади. Бундай рангдаги ўзгаришларнинг сабаби гемоглабиннинг гемоседерин ва гематоидин кўринишдаги ҳолатга ўтишига боғлиқ.

Пигментли доғлар эпидермиснинг базал қаватида ишлаб чиқариладиган меланин пигмент моддасининг кўп миқдорда ҳосил бўлиши (пигментли доғлар) ёки терида унинг етарлича даражада тўпланмаслиги сабабли (депигментли доғлар) пайдо булади. Пигментли доғлар туғма (холлар) ва орттирилган (сепкиллар, холазма, лентиго) кўринишда бўлади. Депигментланган доғлар ҳам худди шундай кўринишда бўлади. Туғма доғларга альбинизм, орттирилган депигментланган доғларга эса витилиго, лейкодермалар киради.

Тугунча (papula) - хўжайраларнинг бўлиниб кўпайиши натижасида ҳосил бўладиган, тери сатҳидан кўтарилиб турадиган, бўшлиқсиз тошма элементи бўлиб, шакли думалоқ, овал, полигонал, ўткир учли, киндиксимон, конуссимон, ясси, консистенциясига кўра юмшоқ, қаттиқ, эластик, рангига кўра эса пушти ранг, қизил, кўкиш-қизил ва қўнғир рангларда бўлади. Катталиги жихатидан уларнинг ҳажми милиар (супурги уруғи катталигида), лентикуляр (тўғноғич боши катталигида), нуммуляр (тангалар катталигида), плакчали (бир-бири билан қўшилиб катта ҳажм ҳосил қилиши) кўринишларда бўлади. Папулалар жойлашишига кўра эпидермал, дермал ва эпидермодермал кўринишларда бўлади. Тугунчали тошмалар вақт ўтиши билан сўрила бошлайди, юзаси қипиқланади

ва охир-оқибатда эса ўзидан кейин иккиламчи доғлар қолдириб йўқолиб кетади.

Дўмбоқча (*tuberculum*) – яллиғланиш маддасининг шаклланиши натижасида ҳосил бўладиган, эпидермал ва эпидермодермал кўринишларда жойлашадиган, тери сатҳидан кўтарилиб турадиган тошма элементи бўлиб, ранги кўкиш аралаш сарғиш, қўнғир қизил рангларда, шакли ярим шарсимон кўринишда, консистенцияси эса юмшоқ ёки қаттиқ бўлади. Дўмбоқчали тошма элементи ривожланиши давомида марказий қисми некрозга учрайди, натижада яра ҳосил бўлади, яра усти қора қўтири қобиғ билан қопланади вақт ўтиши билан бу қобиғ тушиб кетиб ўрнида чандик ҳосил бўлади. Айрим вақтларда дўмбоқчаларда яра ҳосил бўлмасдан сўрилиб кетиши ҳам мумкин, у ҳолларда дўмбоқчалар ўрнида чандиқли кемтиклик, яъни атрофия ҳосил бўлади. Дўмбоқли тошмалардан сўнг чандиқли ва доғли ўзгаришлар қолади.

Тугун (*nodus*) - терининг чуқур қаватларида ҳосил бўладиган, ўткир яллиғланиш кўринишида бўлган, инфильтратив тошма элементи бўлиб, тери сатҳидан кўтарилиб туради. Тугунли тошмалар нўхатдан то грек ёнғоғи катталигигача (1-5 см) ҳажмда бўлиб, унинг асоси гиподермада жойлашади. Тугунлар ҳар доим ҳам тери сатҳидан бўртиб чиқавермайди, аммо пайпаслаб кўрилганда эса қўлга яхши билинади. Тугунли тошмалар марказий қисмидан ёрилиб ярага айланади ва кейинчалик ўрнида чандик ҳосил бўлади, ярага айланмасдан сўрилиб кетадиган ҳолатларда эса улар ўзидан сўнг атрофияли чандиқлар қолдиради.

Пуфакча (*vesicula*) - таркибида сероз ёки қонли суюқлик сақлайдиган, диаметри 0,5 см. гача бўлган бўшлиқли тошма эдементи, 3 қисмдан – қобиқ, бўшлиғ ва асосдан иборат бўлади. Пуфакчали тошмалар ёрилиб эрозияларга айланishi ёки серозли ва қонли қобиғлар билан қопланиши мумкин, кейинчалик эса бу қобиғлар қуриб тушиб кетиб, улар ўрнида иккиламчи доғлар қолади.

Пуфак (*bulla*) - эпидермис ва унинг тагида суюқлик тўпланиши натижасида ҳосил бўладиган бўшлиқли элемент бўлиб, нўхат, ёнғоқ, товук тухуми катталигигача ва ундан ҳам катта ҳажмларда бўлади. Пуфакли тошмалар мугуз қават остида (субкорнеал), тиканаксимон қават бағрида (интраэпидермал) ва асл терида (субэпидермал) жойлашиши мумкин. Пуфакли тошмалар ёрилиб эрозияларга, эрозиялар битиб улар ўрнида иккиламчи доғлар қолади, кейинчалик

бу доғлар йўқолиб тери ўз аслига келади. Айрим ҳолатларда (чуқур жойлашган ҳолатларда) пуфаклар яраларга айланади ва ўзидан кейин иккиламчи чандиқлар қолдиради.

Йириңчча (pustula) – экссудатив бўшлиқли тошма элементи бўлиб, таркибида йириңгли суюқлик сақлайди. Йириңчалар яssi конуссимон ва шарсимон шаклда бўлиб, атрофида яллиғланиш ҳалқаси бўлади. Жойлашишига кўра йириңчали тошмалар юзаки ва чуқур ва фолликулали бўлади. Кўпгина ҳолатларда йириңчалар марказида тук ва соч толалалари кузатилади. Йириңчали тошмалар йириңгли қобиғ билан қопланади, уларни қуриб тушиб кетиши натижасида иккиламчи доғлар пайдо бўлади. Агарда йириңчали тошмалар чуқур бўлса ва улар таркибиға соч, тукли толалар жалб этилган бўлса, у ҳолда улар ўрнида чандиқлар қолади.

Қаварчиқ (urtica) – бирдан пайдо бўлиб, тезда йўқолиб кетишга мойил бўлган, тери сатхидан кўтарилиб турадиган, терининг дерма қавати сўрғичсимон қатламининг ўткир шишиши ҳисобига ҳосил бўладиган бўшлиқли тошма элементидир.

Қаварчиқ тошма элементи пушти, қизил рангда бўлиб, четлари оқ ёки оч пушти рангли ҳошия билан ўралган кўринишда бўлади, ўзидан кейин эса ҳеч қандай из қолдирмай йўқолиб кетади.

Иккиламчи морфологик тошмалар

Иккиламчи тошма элементлари бирламчи морфологик тошмаларнинг динамик ривожи жараёнида ёки унинг асорати сифатида пайдо бўлади ва ушбу тошма элементларига: пигментли доғлар (pigmentatio), қипик (squama), қобиғ (crusta), шилиниш (erosio), ёрилиш (fissura), тирналиш (excoriatio), яра (ulcus), чандиқ (cicatrix), яғирланиш (lichenificatio), ўсиш (vegetationes) ва бошқалар киради.

Пигментли доғлар (pigmentatio) – иккиламчи доғлар гиперпигментли ва гипопигментли бўлади. Гиперпигментли доғлар кўпинча бирламчи (тугунча, пуфакча, пуфак, йириңчча) ва иккиламчи (ёриқ, эрозия) тошмаларнинг ўрнида меланин пигменти тўпланиши натижасида ҳосил бўлади.

Гипопигментли доғлар эса қипиқланувчи доғлар ва тугунчаларнинг сўрилиши натижасида пайдо бўлади. Бундай доғлар сохта доғ ёки лейкодерма, деб аталади (кепаксимон темираткида, спориазда).

Қипик (squama) – тери сатҳидан кўчиб тушадиган, ғоваклашган мугуз қаватнинг тангачасимон ҳужайраларири. Ранги оқимтири, сарғиш, кулранг, жигарранг бўлиши мумкин. Катталигига қараб унсимон, кепаксимон, тангачасимон ва баргсимон бўлади.

Қобиғ (crusta) – бўшлиқли бирламчи тошма элементлари пардасининг ва улардан ажралиб чиқкан суюқликнинг қуриши натижасида ҳосил бўлади. Бирламчи тошма элементи таркибий қисмининг характеристига қараб қобиғлар серозли, йириングли, геморрагик бўлади. Шу сабабли уларнинг ранги сариқ, яшил, қизил, қора рангларда бўлиши мумкин.

Шилиниш (erosio) – терининг юзаки кўринишдаги нуқсони бўлиб, асосан пуфакча, пуфак ва йирингча пардаларининг йиртилиши натижасида уларнинг ўрнида ҳосил бўладиган иккиламчи морфологик элементдир. Эрозияларда кузатиладиган тери нуқсонлиги чукурлиги эпидермисдан пастга ўтмайди, ана шу сабабли бу тошма чандиқсиз битади ва улар ўрнида аксарият ҳолатларда иккиламчи доғлар қолади.

Ёриқ (rhagis) – терининг чизиқсимон кўринишдаги нуқсони бўлиб, бундай нуқсон қўпинча тери эластиклигининг йўқолиши натижасида ҳосил бўлади. Ёриқлар юзаки ва чукур бўлиши мумкин, улар чукурлиги эпидермис ва дермагача кириб бориши мумкин. Шунинг учун юзаки ёриқлар изсиз, чукур ёриқлар эса чандиқланиш йўли билан битади.

Тирналиш (excoriatio) – қашланиш ва бошқа жароҳатлар оқибатида тери бутунлигининг бузилишига тирналиш, дейилади. Терининг тирналган жойлари юзаки (эпидермисда) ва чукур (дермада) бўлиши мумкин. Юзаки тирналишлар ўзидан кейин доғлар, чукур тирналишлар эса чандиқлар қолдиради.

Яра (ulcus) – теридаги чукур нуқсон бўлиб, баъзан яра чукурлиги тери ости ёғ қаватигача, мушакларгача ва ҳатто суякларгача етиб бориши мумкин. Яралар бирламчи тошма элементлари (дўмбоқча, тугун, чукур йиринг) тўқималарининг емирилиши натижасида ҳосил бўлади. Яралар шакли ҳар хил – чегарали, текис ёки нотекс, силлиқ ёки йиртилган кўринишларда бўлади. Яралар барча ҳолларда чандиқланиш йўли билан битади.

Чандиқ (cicatrix) – бириктирувчи тўқима элементларидан иборат бўлган тузилма бўлиб, у теридаги чукур нуқсонларнинг битиши натижасида ҳосил бўлади. Чандиқнинг ҳосил бўлиши ўша

соҳада жойлашган тер ва ёғ безлари, соч толалари, томирлар ва эластик толаларнинг нобуд бўлиши билан шаклланади. Гипертрофик ва атрофик чандиклар фарқланади.

Яғирланиш (*lichenificatio*) – тери рангининг ўзгариши, тузилишининг бузилиши, қалинлашиши, дағаллашишига яғирланиш – лихенификация, дейилади. Кўпинча яғирланиш бурмалар соҳасида (тирсак, тизза, чов, бўйин) кузатилиб, қичишиш билан кечади.

Ўсиш (*vegetatio*) – терининг кўпинча яллиғланиши оқибатида эпидермис тиканаксимон қаватининг ҳамда дерманинг сўрғичсимон қисмининг ўсиши натижасида шаклланади. Улар асосан яллиғланган инфильтрат ва яралар соҳаларида пайдо бўлиб, гулкарамни ёки хўроз тожини эслатадиган кўринишда бўлади. Вегетация қуруқ, қаттиқ, юмшок, ранги эса пушти қизил, қизил рангли қонашга ва шилинишга мойил бўлади. Тери тошмалари фақат бир турдаги бирламчи тошма элементларидан иборат бўлса, бундай тошмалар мономорф тошмалар, деб аталади. Агарда тошмалар турли-туман кўринишда бўлган бирламчи тошма элементларидан иборат бўлса, у ҳолда бундай тошмалар полиморф тошмалар, деб номланади. Агар тошмалар бир вақтнинг ўзида бирламчи ва иккиламчи морфологик тошма элементларидан ташкил топган бўлса, бундай ҳолат соҳта полиморфизм, деб аталади.

ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИГА ТАШХИС ҚҮЙИЛИШИДА ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН МАХСУС ДИАГНОСТИК УСУЛЛАР

Тери сезгиригини аниклаш. Тери сезгирилиги 3 хил йўсинда: тактил сезгиригини, оғриқни ва ҳароратни сезиш усулларини аниклаш орқали амалга оширилади. Терининг тактил сезгирилиги тери юзаси бўйлаб пахта бўлагининг юргизилиши орқали аникланади ва терининг сезиш ҳолати рецепциясига баҳо берилади. Оғриқни сезиш ҳолати рецепцияси тери юзасига игна ёки ўткир предметни юзаки санчиш орқали аникланади. Ҳароратни сезиш ҳолати рецепцияси эса вақти-вақти билан тери сатҳига иссиқ ва совуқ сув билан тўлдирилган найчали идишларни ёки қиздирилган ва совутилган темир бўлакларини текказиш орқали аникланади. Мохов касаллигига тери сезгиригининг бузилиш ҳолатини аниклаш касалликнинг клиник турларини ажратишда, заарланиш даражасига баҳо беришда ва касаллик ташхисини тасдиқлашда катта аҳамият касб этади. Масалан, тери сезгиригини касалликнинг лепраматоз турида бузилиши туберкулоид турига нисбатан кечроқ бошланади. Аввалига тактил ва оғриқни сезиш қобилияти кучайиб, кейинчалик эса унинг пасайиши ва бутунлай йўқолиши кузатилади. Беморлар термик таъсирларни (иссиқ ва совуқ) умуман сезмай қоладилар, натижада уларда турли даражадаги бўлган куйиб қолиш ҳолатлари кузатилади.

Пайпаслаш орқали текшириш усули. Пайпаслаш орқали текшириш усули теридағи патологик ўчоқлар тарқоқлигини, инфильтратлар ҳолатини, уларнинг юза-чуқур жойлашганлигини, қаттиқ-юмшоқлигини (эластиклиги), сатҳининг ҳолати ва бошқа кўринишлари аникланади. Пайпаслаш усули бармоқлар ва панжа юзалари орқали амалга оширилади.

Терини қиртишлаб текшириш усули. Бу усул орқали касалланган тери ўчоқларидаги қипиқланиш ҳолати ва терининг юза жойлашган қон томир капиллярларининг мўртлиги ҳолати аникланади. Қиртишлаб усули буюм ойнаси, тиббий пичоқча ва бармоқ тирноқлари ёрдамида амалга оширилади. Қиртишлаб усули амалиётда қубус (псориаз) касаллигини парапсориаз касаллиги

белгилари билан такқосланганда қўл келади. Тугунчали тошма элементлари қиртишлаб текширилганда стеарин доғи, терминал парда ва қонли шудринг каби белгилар кузатилса, у ҳолда бу тошмалар псориаз касаллигига алоқадор бўлади. Аксинча, тошмаларда яширин қипикланиш аломатларининг кузатилиши эса бу тошмаларнинг парапсориаз касаллигига дахлдорлигини кўрсатади. Захм касаллигининг тугунчали тошмалар билан кечадиган турида ҳам псориаз касаллиги сингари қиртишлаш усули ўтказилганда аввалига стеарин доғи белгиси кузатилади холос, лекин терминал парда ва қонли шудринг белгиларининг ҳосил бўлмаслиги бу касалликларни бир-биридан фарқлашга асос бўлади. Қиртишлаш усулини ўтказиш натижасида қизил югурук (эритеатоз) касаллиги ўчоқларидағи фолликуляр гиперкератоз соҳасида оғриқ ҳосил бўлиши ҳолати кузатилади (Бенъе белгиси). Қипикларнинг кўчирилиши натижасида эса пошнасимон кўринишда бўлган ўсимталар (аёллар пошнаси ёки Мешерский белгиси) кузатилади. Юқорида кўрсатилган белгилар асосида касалликларга хос бўлган ташхислар тасдиқланади.

Мушак-соч ёки «ғоз териси» рефлекси. Тери сатҳи бўйлаб совуқ нарсани ёки эфир билан намланган пахта бўлагининг енгил юргизилиши натижасида мушак-соч рефлекси пайдо қилинади. Бу вактда тери юзаси бўйлаб соч толалари тикка бўлиб кўтарилиши ҳолати кузатилади. Соғлом кишиларда бундай ҳолат асосан 5-10 сония давом этиб, кейинчалик эса изсиз йўқолиб кетади. Бу рефлекс симпатик нерв системаси вазифасининг бузилиши тўғрисида ахборот бериб, касалликларни бир-биридан фарқлашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, рефлекс кўринишнинг кучайиши тарқоқ ва диффуз нейродермит касалликларида кузатилиб, аксинча балиқ тангаси, Гебри қичимаси каби касалликларда эса бу кўринишнинг пасайиши ёки бутунлай бўлмаслиги ҳолати кузатилади. Шуни таъкидлаш лозимки, ёш болаларда бу рефлекс суст ҳолатда бўлиши ёки рўй бермаслиги мумкин, чунки уларда ҳали мушак ва соч толалари тузилиши етарли даражада ривожланмаган бўлади.

Терининг совуққа сезувчанлигини аниқлаш усули эшакем касаллиги диагностикасида қўлланилади. Эшакемнинг совуқдан келиб чиқадиган турида бу синов мусбат натижа беради. Сон, елка ёки думба соҳасига муз парчаси қўйилганда соғлом бола терисининг

муз қўйилган жойи оқаради, атрофи қизариб эритема ҳолати шаклланади. Орадан 15-30 сония ўтар-ўтмас эритема ўз-ўзидан йўқолади. Совуқдан ривожланадиганган эшакем касаллигига дучор бўлган беморлар терисида эса муз қўйилган жойда қаварчиқ ҳосил бўлади, атрофида сохта-қаварчиқ (псевдоподия) кузатилади.

Дермографизм. Терининг нерв-томир тузилмасининг ташки меҳаник тасиротларга нисбатан бўлган жавоб жараёни дермографизм усули орқали аниқланади. Дермографизм усули кўкрак, курак оралиғи, билак ва сон соҳаларидаги тери сатҳига ёғоч шпател, тўмтоқ нарса ёки болғача дастасини юргизиш билан текширилади. Бундай текшириш соғлом одам терисида ўтказилганда 15-20 сониядан сўнг йўналиш бўйлаб қизил рангли из ҳосил бўлади, тахминан 25-40 сониядан кейин эса бу из кенгайиб бориб ўртасида оқиши қаварчиқли йўл кузатилади. Бундай кўриниш ҳолати 2-3 дақиқалардан кейин ўз-ўзидан изсиз йўқолиб кетади. Дермографизмнинг бундай кўринишини меъёр дермографизм, деб аталади.

Дермографизм ҳолати эшакем, гўш ва қубус касалликларининг ўсиб борувчи босқичларида қизил кўринишида намоён бўлиб, асаб тизимининг кучли кўзғалишидан далолат беради. Нейродермит, қичима касалликларида эса бу усул оқ дермографизм кўринишида намоён бўлиб, тери қон томирларининг торайишидан дарак беради. Эшакем касаллигига дермографизм ҳолати аниқланганда ўтказилган йўналишлар ўрнида қизил, бўртма кўринишида йўл ҳосил бўлади, кейинчалик эса бу йўл қаварчиқ кўринишига айланади. Бундай кўриниш 30-50 дақиқагача давом этиши мумкин. Дермографизмнинг бундай тури алоҳида кўринишида бўлган эшакем дермографизми деб аталади.

Дермографизм усулини аниқлаш айниқса, ёш болаларда қасалликка ташхис қўйишида катта аҳамият касб этади, чунки болалар тери нерв-томир тузилмалари ташки тасиротларга турли хил жавоб беради. Бу усул орқали нафақат тери нерв-томирлари тузилмасининг жавоб жараёни, балки даволаш режаларини тузишда қандай дори моддаларининг берилиши лозимлиги ёки аксинча уларни белгилаш мумкин эмаслигини кўрсатиб беради. Масалан, қизил дермографизмда беморларга кальций дори воситалари белгиланади, аксинча оқ дермографизмда эса улар тақиқланади.

Диаскопия (витропрессия). Турли тери касалликларида тери юзаларида ҳосил бўладиган тошмаларининг, яширинча кечадиган

ҳолатларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Буюм ёки соат ойнаси ёрдамида заарланган ўчоқларни босиб кўриш орқали диаскопия усули ўтказилади. Масалан, захм касаллигига доғли (розеолали) тошмаларни буюм ойначаси билан босиб кўрилганда тошмаларнинг пушти-қизил ранги йўқолиб, ойнча олингандан кейин эса тошмалар қайтадан ўз рангига киради. Геморрагик вакулит касаллигидаги геморрагик доғлар аса буюм ойнаси билан босиб кўрилганда аксинча йўқолмайди. Юқоридаги кўринишларга сабаб қон томирли доғлар буюм ойначаси билан босиб кўрилганда шу соҳадаги томирлар ичидағи қон ҳайдалади ва доғли тошмалар рангизланади, иккинчи ҳолатда эса геморрагик доғларнинг рангизланиши кузатилмайди, чунки бу доғлар қон томирлар бузилиши ва қон қуйилиши натижасида вужудга қелади, шунинг учун тошмалар ранги босиб кўрилганда ҳам ўзгармайди. Диаскопия усули сил югуригига ташхис қўйища ҳам муҳим ўрин тутади, бу вактда сил касаллигининг думбоқчали тошмалари таркибидағи қон томирлардан ҳайдалиши ҳолати кузатилиб, улар пушти-қизил рангдан тўқ сариқ рангга киради (олма сарифи белгиси).

Мугуз қаватини ойдинлаштириш усули. Айрим тери касалликларида тери ости қаватларидағи патологик ўзгаришлар тери юзаси орқали аниқ кузатилмайди, шу сабабли тошмалар сатҳини ойдинлаштириш максадида тошмалар юзаси қипикклардан, мугуз қавати ҳужайраларидан пахта, кунгабоқар ёғи ёки вазелин каби моддалар суртиб тозаланади ва ойдинлаштирилади. Масалан, қизил ясси темиратки касаллигига донадор қаватнинг ўзига хос бўлган кўринишда ўсиб кетиши ва унинг тўрсимон кўриниш шакли асосида намоён бўлиши «Уикхем белгиси» деб аталади. Мугуз қават кўринишини кузатиш шу усул орқали амалга оширилади. Қизил ясси темиратки касаллигига хос бўлган бу белгига асосланиб эса касаллик ташхиси тасдиқланади.

Алангаланиш жараёни. Бу жараён орқали тери қон томирларининг функционал ҳолатига баҳо берилади. Бунинг учун беморга никотин кислотаси таблеткаси ичиш учун буюрилади ёки дори воситасининг 1 %ли эритмаси вена томири ичига юборилади. Дори таъсирида тери қон томирларининг кенгайиши ва яллиғланган кўринишда бўлган қон томирли доғларнинг ҳосил бўлиши кузатилади. Уларнинг намоён бўлиш даражасига қараб «алангаланиш» жараёнига баҳо берилади.

Никольский белгиси. Терининг тиканаксимон қаватида жойлашган хужайралар оралиғидаги меъёр боғлиқликнинг бузилиши Никольский усули орқали аниқланади. Бундай тери касалликларидан бири чин пулфакли яра касаллиги ҳисобланади, касалликда ҳосил бўлган пулфакчалар шу боғлиқликнинг бузилиши (акантолизис) натижасида вужудга келади. Никольский белгиси 2 хил усул ёрдамида аниқланади: 1) пулфак қобиги тортилганда қобиқ фақат пулфак соҳасида эмас, балки соғлом тери юзасидан ҳам кўчади; 2) пулфакка яқин бўлган соғлом тери юзаси бармоқ ёки ўтмас буюм билан қаттиқ ишқаланса, бир оздан кейин пулфакли тошма атрофидаги тери шох қаватининг кўтарилиши ҳамда кўчиши ҳолати кузатилади. Никольский белгисининг бошқа турларидан бири Асбо-Ганзен белгиси ва Н.Д. Шеклаков таклиф этган «нок феномени» белгилариридир. Асл пулфакча касаллигига пулфакчали тошмалар уст тарафидан бармоқ билан босилса, пулфакчали тошма таркибидаги суюқлик соғлом тери соҳаси эпидермис қавати остига сиза бошлайди натижада пулфакча ҳажми катталашади (Асбо-Ганзен белгиси). Таркибидаги суюқликнинг оғирлиги ҳисобига пулфакчанинг асос қисми чўзилиб нок шаклини олишида («нок феномени» белгиси) ҳам эпидермис асос қисми кўчиши ҳолати кузатилади.

Зондли синов усули. Бу усул тошма элементларининг қаттиқ ва юмшоқлигини (эластиклигини) ва оғриқнинг вужудга келиши ҳолатини аниқлашга асосланган.

Тери сили касаллигига дўмбоқчали тошмалар устига ўтмас зонд кўйилганда у ўз оғирлиги билан тошма ичиға чўкиши ҳолати кузатилади.

Бундай ҳолатнинг вужудга келишига тошмалар таркибидаги коллаген ва эластик толаларнинг тузилишда бузилишлар вужудга келиши ва юмшоқликнинг ҳосил бўлиши сабаб бўлади. Бу ўтмас зонднинг чўкиш жараёни, деб аталади. Агарда зонд бир оз куч билан янада босила, у ҳолда оғриқнинг кучайиши ва қон кўйилиши ҳолати кузатилади. Ўтмас зонд олингандан кейин ҳам узоқ вақт давомида чукурча ҳолати сақланиб қолаверади (Поспелов белгиси).

Терининг изоморф ёки тошма кўринишидаги реакцияси. Айрим касалликларда соғлом тери сатҳида ташқи тасиротлар натижасидан шу касалликларга хос бўлган кўринищда янги тошмалар терининг реакцияси тариқасида пайдо бўлади. Терининг бундай кўринищдаги жавоби унинг изоморф ёки тошма кўринишидаги реак-

цияси, деб аталади. Ташқи тасиротлардан сўнг реакцияси ўша захоти, бир неча соат ўтгач, ҳатто бир қанча кунлардан кейин ҳам кузатилиши мумкин. Будай қўринишлар bemor организмининг сезувчанлиги қандай даражада эканлигидан далолат беради. Масалан, болалар гўши, нейродермит ва айниқса, эшакем касаллигига ташқи тасиротлардан кейин (тирналиш, ишқаланиш, қичишиш) шу соҳаларда янги тошмаларнинг тезда пайдо бўлиши бунга мисол бўла олади. Аксинча қубус ва қизил ясси темиратки касалликларида эса изоморф жараёнининг қўриниши бир неча соат ва кунлардан кейин кузатилади (Кёбнер белгиси). Бу жараён орқали қубус касаллиги босқичларининг кечиши ҳолатини ҳам фарқлаш мумкин. Игна билан йўналтирилган изли сатҳда бир неча кундан кейин янги тугунчали тошмаларнинг пайдо бўлиши қубуснинг кучайиб борувчи (прогрессив) босқичи эканлигидан далолат беради, бундай қўриниш эса касалликнинг касалхона (стационар) ва тузалиш (регрессив) босқичларида бўлмайди.

Бальцер усули. Бу усул йоднинг 5 %ли спиртли эритмасини, анилин бўёқларини суртиш орқали бажарилади. Ранг-баранг темиратки касаллигидаги (сариқ-жигарранг, пушти рангли) доғли тошмалар ғовак тузилишга эга бўлганлиги, сатҳлари кепаксимон қипиқлар билан қопланганлиги сабабли юқоридаги эритмалар суртилганда улар ғовак тери соҳасига кўпроқ тўпланади ва тўқ рангли тусни олади (атрофидаги соғлом терига нисбатан). Касалликка хос бўлган бундай белгини аниклаш Бальцер усули, деб аталади.

Ёғдуланиш усули. Бу усул қисқа тўлқинли ультрабинафша нурларини ойна орқали ўтказиб (Вуд чирофи) заарланган тери ўчокларига тушириш орқали бажарилади. Люменисцент чирофи нурлари ўчокларда ўзига хос бўлган ёғдуланиш қўринишида намоён бўлади ва шунга асосланиб касаллик белгилари таққосланади ҳамда ташхис тасдиқланади. Масалан, микроспория касаллигига бошнинг сочли қисмидаги ўчокларининг ёритилиши натижасида сарғимтиришил ёки қўкиш-яшил қўринишдаги ёғдуланиш кузатилади. Кепаксимон темиратки касаллигига эса доғли тошмалар тўқ жигарранг ёки қизил-сарғиш ранглар ҳосил қилиб ёғдуланади.

Терининг аллергологик синов усуллари. Аллергологик синов усуллари тери орасига турли хил моддаларни суртиш, томизиши ҳамда томизиб тилиш йўллари орқали амалга оширилади ва касалликлар ташхиси аникланади:

а) Туберкулин билан синов ўтказиш усули – Манту ва Пирке реакциялари орқали амалга оширилади ва тери касаллигига ташхис қўйилишда катта аҳамият касб этади. Бу усул 1 %, 6 % ёки 10 %ли туберкулин эритмасини билак тери соҳасига томизиб, устидан тилиш ёки тери орасига юбориш тарзида амалга оширилади. Жараённинг кўринарли бўлишига асосланган ҳолда касаллик ташхиси аниқланади ва тасдиқланади.

б) Лепромин билан синов ўтказиш. Бу усул мохов касаллиги билан хасталангандан бемор тўқимасидан тайёрланган, катта микдордаги Ганзен таёқчаларидан ташкил топган лепроминдан 0,1 мл ҳажмда билак соҳаси тери остига юбориш орқали амалга оширилади. 24-28 соат ўтгандан сўнг лепромин юборилган ерда қизариш, шиш каби ўзгаришлар кузатилади (эрта жавоб реакцияси), кейинчалик эса тахминан 2-4 ҳафталардан сўнг шу ерда катталиги 1-2 см диаметрли дўмбоқчали тошма элементлари пайдо бўлади ва кейинчалик у ярага айланади (кеч жавоб реакцияси).

в) Калий йодид билан ўтказиладиган синов усули Яддасон усули деб аталади. Бу усул асосан Дюорингнинг герпетифор дерматит касаллигига ташхис қўйилишда кўлланилади ва 2 хил йўл билан амалга оширилади:

- касаллик белгиларидан холи бўлган тери юзасига 50% ли калий йодид малҳами 2x2 см катталикда суртилади ва мармар бўлакчasi билан ёпилади, устидан эса қофоз қўйиб боғланади. Агарда 24-48 соат ўтгандан сўнг шу ерда қизариш, шиш ва пуфакчали тошмалар пайдо бўлиши кўзатилса, синов мусбат, деб баҳоланади.

- агарда бу тери синови усули манфий натижада берса, у ҳолда bemorga 2 %ли калий йодид эритмасидан кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал 2-3 кун давомида ичиш белгиланади. Бу вақтда янги тошмалар тошиши ўчоқлар ҳажмининг катталашиши ва қичишиш алломатларининг зўрайиши кузатилса, у ҳолда жараён мусбатлиги тасдиқланади.

Тер ажралиш даражасини аниқлаш усули. Бундай усуллар ичида энг қулайи калориметрия усулидир. Бу усул маҳсус асбоб ва ускуналар талаб этмайди. Бу усулга биноан бўялган тер томчилари сонига қараб тер безлари фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш мумкин: терининг танлаб олинган соҳасига 10% ли канакунжут мойи қўшилган йоднинг 1,5% ли эритмаси суртилади. Мойланган тери сатхи қуригач, крахмал кукуни билан упаланади. Натижада тер

безларидан ажралаётган тер томчилари қўнғир рангга бўялади. Ҳосил бўлган қора нуқталарнинг жойлашган ўрни ва сонига қараб ишлаб турган тер безлари тўғрисида маълум холосага келинади.

Иммунофлюоресцент усули. Ҳозирга вақтга келиб иммунофлюоресцент усули энг сезгир ва маҳсус усул мақомини олган бўлиб, асосан флюоресцент бўёқлари билан нишонланган антиген ва антителолар ўртасидаги жараёнларни кузатишга асосланади. Флюоресцентланган антителолар ўзига хос бўлган антигенларга жавоб бериши ҳолати люменисцент микроскопи орқали кузатилади. Масалан, бу усул асл пуфакли яра касаллигини бошқа пуфакли касалликлардан таққослашда муҳим ўрин тутади. Асл пуфакли яра касаллигида эпидермис ҳужайраларо бўшлиғида қаттиқ ёпишган ҳолатда иммуноглобулинларнинг G тури кузатилади. Иммуноглобулин G нинг бундай жойлашиши эса бошқа пуфакчали касалликларда кузатилмайди. Дюрингнинг герпетифор дерматит касаллигида эса эпидермис билан дерма оралиғида ёки дерманинг сўрғичсимон қисмида иммуноглобулинларнинг A тури жойлашганлиги кузатилади. Бундай кўриниш факат шу касаллик учунгина хос бўлади.

Бактериоскопия текшириш усули. Тери касалликларига ташхис қўйишида касалликни чақирувчи сабабларни бактериоскопия усули орқали аниқлаш муҳим ўрин тутади. Касаллик сабабларини аниқлаш мақсадида касалланган ўчоклардан қазғоқ, қобик, соч толалари, тирноқ қириндилари, бўшлиқли тошмалардан эса тошмалар таркиbidаги суюқлик ва улардан ажралаётган оқмалар таркиби текширилади. Бундай текшириш усуллари терининг йирингли, замбуруғли, паразитар ҳамда таносил касалликларига ташхис қўйишида алоҳида ўрин тутади.

Цитологик текширув усуллари. Бу усул шилинишлар тубидан, яралардан ва янги пайдо бўлган пуфакчали, пуфакли тошмалардан суртма тайёрлаб текширишга асосланган. Цитологик текширув усулининг аҳамияти саратон касаллигига ва пуфакчали касалликларга ташхис қўйишида муҳим ҳисобланди. Маълумки, асл пуфакли яра касаллигида эпидермисда акантоз эа акантолизис ҳолати кузатилади, бу ҳужайралар эса суртма ҳолатида олиниб текширилганда улар Романовский-Гимза бўёғи билан яхши бўялади. Улар кичик ҳажмли, тўқ бўялиши, катта ядроси ва унинг таркибида

2-3 та ядрочалар бўлиши ҳамда цитоплазмасининг турли хил рангларда бўялиши билан ажралиб туради.

Гистологик текширув усули. Гистологик текширув усули қасалликка ташхис қўйишда бошқа диагностик усуллар ва клиник кузатишлар ёрдам бермаган ҳолларда қўлланилади. Бу усул тери ёки шиллик қаватларнинг заараланган ўчоғларидан тирик тўқима бўлакчасини қирқиб олиб текширишга асосланади. Бунинг учун асосан янги тошма танланади, 2-3 мм катталикда бўлган тошма олдин новокаин эритмаси билан оғриқсизлантирилади, сўнг тери бўлакчasi қирқиб олинади, олинган жойга эса 1-2-3 баҳия чок қўйилиб тикилади. Биопсия олиш усулининг бошқа хили «панч-биопсия», деб аталади, бу усул маҳсус асбобда бажарилиб тери юзасидан 3 мм қалинликда терини (олдин оғриқсизлантирилади) шилиб олишдан иборат, сўнг олинган жой боғлаб қўйиш натижасида битиб кетади. Биопсиянинг бошқа тури ўткир пичоқча ёки писка ёрдамида бажарилади, бунда юзаси оғриқсизлантирилган тери бўлакчаси қирқиб олинади.

ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Умумий даволаш усуллари

Тери касалликлари билан хасталанган бемор болаларни даволаш жараёнида умумий даво чораларининг олиб борилиши муҳим ўрин тутади. Тери касалликларини умумий даволаш принциплари беморларда дерматозларнинг кечишига, оғирлик даражасига, асорати, салбий шикоятларига ҳамда беморларнинг умумий ҳолатларини инобатга олган ҳолда олиб борилади. Умумий даволаш чораларининг ўтказилишида албатта бемор болалар организмининг катталарнидан фарқланишини, улар организмининг ўзига хос бўлган физиологик хусусиятлари ва патологик ҳолатларини инобатга олиш муҳим ҳисобланади.

Бемор болаларда умумий даво чораларининг ўтказилиши касалликни сабабини, патогенезини инобатга олган ҳолда, bemor бола организми фаолиятини меъёрлаштиришга ва уни ҳимоя қилиш кучларини тикланишига қаратилиши лозим. Бу йўсинда давонинг ўтказилиши албатта bemor болалар ота-оналаридан сўров натижалари асосида олинган маълумотларга, клиник кузатувлар ва лаборатор текширувларга асосланган ҳолда олиб борилади. Умумий даво чоралари тинчлантирувчи, антигистамин, десенсибилизацияловчи, жадалловчи, умумий организм ҳолатини меъёрлаштирувчи, витамин, гормонал дори воситаларини bemor болаларга белгилаш билан ўтказилади.

Тинчлантирувчи ёки асаб тизимиға таъсир этувчи даво воситалари. Маълумки, турли хил қўринишда бўлган дерматозлар билан хасталанган bemor болаларда касаллик асосан қичишиш, ачишиш, тиришиш, оғриқ каби салбий шикоятлар билан кечади, натижада bemor болалар умумий аҳволи ўзгаради, уларда безовталик, хархаша, уйқусизлик, йиғлаш каби белгилар намоён бўлади. Бундай ҳолат аксарият bemor болаларда касалликнинг кечишини оғирлаштиради ёки сурункали қайталама ҳамда торпид қўринишларда кечишига сабаб бўлади.

Шу нуқтаи назардан bemor болалар асаб тизимиға таъсир этувчи ёки тинчлантирувчи дори воситаларини тавсия этиш мақсадга

мувофиқ ҳисобланади. Тинчлантирувчи дори воситалари бемор болалар асаб тизимиға, унинг руҳий ҳолатига таъсир этиб, улар ҳолатини меъёрлаштиради. Тинчлантирувчи дори воситалари сифатида кенг кўламда бром препаратлари, ўсимликлардан тайёрланган дори воситалари (валериана, пустирник ва ҳ.к.), транквлизаторлар ва нейролептиклар қўлланилади.

Бром дори воситаларидан калий бром, натрий бром, бромкамфоралар бемор болалар ёшига қараб белгиланади. Калий ва натрий бром препаратлари 1 ёшгача бўлган болаларга 0,05 г; 2 ёшгача 0,15 г; 3-4 ёшгача 0,2 г; 5-6 ёшгача 0,25 г; 7-9 ёшгача 0,3 г ва 10-14 ёшгача бўлган болаларга эса 0,4-0,5 г дан 1-2 ҳафта давомида белгиланади. Бромкамфора эса 0,05-0,25 г дан бемор болалар ёшига қараб таблетка кўринишида белгиланади.

Касалликнинг уйқусизлик ва безовталик билан кечишида бемор болаларга барбитуратлар, жумладан, кўпинча фенобарбитал тавсия этилади. Валериана ва пустирник дори воситалари димлама тарзида 1 чой, дисерт ёки ош қошиқдан кунига 3-4 маҳалдан бемор болаларлар ёшига қараб белгиланади.

Ўткир, давомли қичишиш ва асабийлашиш, уйқусизлик ҳамда безовталаниш билан кечадиган тери касалликларида бемор болаларга мепротан (андаксин, мепробамат), хлордиазепоксид (элениум), оксазепам (тазепам), диазепам (седуксен) каби дори воситалари белгиланади.

Мепротан дори воситаси беморларга 3 ёшдан кейин қўлланилади, препарат 3-8 ёшгача 0,1 г, 8-14 ёшгача 0,2 г дан кунига 1-2 марта 3-4 ҳафта давомида белгиланади. Хлордиазепоксид дори воситаси 2,5-5 мг дан кунига 1-2 марта, оксазепам (0,01 г донада) 1/4- 1/2 донада кунига 1-2 маҳалдан, диазепам 1 кг тана оғирлигига 0,3-0,5 мг дан кунига 1 марта юборилади, таблетка кўринишида эса (0,005 г донада) 1-3 маҳалдан кунига белгиланади. Аминазин дори воситаси 1 кг тана вазнига 1-1,5 мг дан кунига 3 маҳал 7-10 кун давомида белгиланади.

Турли дерматозлар билан хасталан бемор болаларда кузатиладиган вегетатив дистония, руҳий лат ейишлар ҳамда руҳий қўзғалишларда (тавсия этилишига қарши бўлган ва бўлмаган ҳолатларни инобатга олган ҳолда) психотерапия ёки суггестив даво усуслари, яъни гипноз, шартли рефлекторли уйқу ва электр уйқу каби даво усуслари қўлланилади.

Десенсибилизацияловчи даво воситалари. Ушбу дори воситаларини бемор болаларга белгиланишига сабаб кўпинча болалар аллергик касалликлар, хусусан терининг аллергик касалликлари билан хасталанадилар. Бундан ташқари кўргина тери касалликлари кечиши асосида аллергик касаллик муҳим ўрин тутади (псориаз, қизил яssi темиратки, Дюринг дерматити вакулит ва эритема касалликлари ва ҳ.к.). Шу сабабли бу касалликларни умумий даволашда, бемор болалар организмининг сезувчанлик ҳолатини пасайтирувчи, яъни гипосенсибилизацияловчи дори воситалари тавсия этилади. Бундай ҳолатларда аввало касалликка сабаб бўлувчи аллергенлар аниқланади ва улар четлаштирилади, агарда аллергенларни аниқлаш имкони бўлмаси, бўлиши мумкин бўлган салбий тасиротлар (овқат маҳсулотлари, дори истеъмоллари, ҳар хил тасиротлар) бартараф этилади. Болаларда аллергик касалликларни умумий даволашда десенсибилизацияловчи даво воситаларидан кенг тарзда кальций препаратлари (хлорид, глюконат, глицерофосфат, пантотенат, лактат) қўлланилади. Бундай таъсир кучига эга дори воситаларидан яна натрий тиосульфат, салицилатлар (натрий салицилат, ацетилсалицил кислоталари) кенг кўламда қўлланилади. Ушбу дори воситалари аллергик касалликларда кузатиладиган қон томирларида диапедез ҳолатига тўсқинлик қиласи, яъни қон томирлар ўтказувчанигини камайтиради, натижада аллергик жараённинг давом этишига тўсқинлик қиласи.

Кальций препарати дори воситалари бемор болаларга эритма, кукун, таблетка кўринишида ҳамда вена ичига (10 %ли эритма сифатида) беморлар ёшини инобатга олган ҳолатда юбориш тавсия этилади. Тиосульфат натрийнинг 10 %-20 %ли эритмалари асосан катта ёшдаги болаларга тавсия этилади, дори воситаси 2-6 мл дан кунига 1 маҳалдан вена ичига юборилади, даво курси 10-15 кунни ташкил этади.

Салицилат дори воситаларидан натрий салицилатнинг 3 %ли эритмаси 1 чой, дисерт, ош қошиқдан кунига 3 маҳал овқатдан сўнг белгиланади. Ацетилсалицил кислотаси эса болаларни ҳар 1 ёшига кунига 0,1 г дан белгиланади. Ичишга эса дори воситаси 0,1-0,3 г дан кунига 3 маҳалдан 2-4 ҳафта давомида тавсия этилади.

Бундан ташқари десенсибилизацияловчи таъсир этиш кучига мис, темир, аскорбин кислотаси, рутин ва витамин дори воситалари

ҳам эга бўлиб, умумий даво воситаларининг тавсия этилишида кенг кўламда қўлланилади.

Десенсибилизацияловчи дори воситаси сифатида аутогемотерапия усули ҳам қўлланилади, бу усул асосан катта ёшдаги болаларда ўтказилади. Бунинг учун bemor болалар мушак орасига 2-6 мл микдорида аутоқон 2-3 кунда 1 марта юборилади. Даволаниш давомида бундай юборилишлар 6-10 тани ташкил этади. Десенсибилизацияловчи дори воситаси сифатида асосан кичик ёшдаги bemor болаларга натив қон зардоби вена ичига юборилиши тавсия этилади. Зардоб ҳар 1 кг тана вазнига 5 мл дан белгиланади ва 2-3 кунда 1 марта вена ичига юборилади.

Болаларда айрим тери касалликларини, жумладан, терининг йирингли касалликларини даволашда специфик ва носпецифик десенсибилизацияловчи дори воситалари қўлланилади. Специфик даво сифатида стафилакоккли анатоксин, стафилакоккли антифагин, стафилакоккли ва стрептококкли зардобрлар қўлланилади ва улар мушак орасига, тери остига юборилиши тарзида қўлланилади. Staфилакоккли анатоксин курак соҳаси тери остига ёки мушак орасига болалар ёшига қараб 0,3-1,5 мл дан ҳафтасига 2 маҳалдан юборилади, даво курси 7-8 тани ташкил этади. Staфилакоккли зардоб (1 мл да 1 миллиард ўлдирилган микроблардан иборат) тери остига ёки мушак орасига ҳафтасига 2 маҳалдан 0,2 мл дан бошлаб юборилади, дори воситасининг умумий микдори 1 мл гача етказилади, даво курси 8-12 юборилишни ташкил этади.

Агарда тери касаллиги билан хасталанган bemor болаларда касалликка олиб келувчи омил (аллерген) бўлмаса ёки уни аниқлашнинг иложи бўлмаса носпецифик даво тавсия этилади. Буларга пироген дори воситалари, гаммаглубулин, гистоглубулин, аутоқон ёки плазма қўйишлар киради.

Гистаминга қарши даво воситалари. Аллергик касалликларида кузатиладиган антиген-антитела қарама-қаршилигига вужудга келадиган гистамин ва у сингари бўлган оралиқ моддаларнинг (ацетилхолин, серотонин, брадикинин ва ҳ.к.) вужудга келиши организмнинг сенсибилизация ҳолатини ошириб юборади. Ана шундай жараёнга барҳам бериш мақсадида аллергик касалликлар билан хасталанган bemor болаларга гистаминга қарши дори воситалари тавсия этилади. Ушбу дори воситалари эритема, шиш, қичишиш каби яллигланиш белгиларини камайтиради. Бундан

ташқари гистаминга қарши дори воситалари МНС фаолиятини пасайтириш, bemорларни тинчлантириш, уйқуга киришни яхшилаш, қўзғалувчанликни бартараф этиш хусусиятларига ҳам эга. Антигистамин дори воситалари bemор болаларга эритма, таблетка тарзида ичишга ва эритма тарзида мушак орасига ва вена ичига юборилади. Димедрол дори воситаси таблетка, кукун тарзида bemор болаларга 1 ёшгача 0,002-0,005 г; 2-5 ёшгача 0,005-0,015 г; 6-12 ёшгача 0,015-0,03 г дан кунига 2-3 маҳалдан ичишга тавсия этилади. Даво курсининг давомийлиги 7-10 кунни ташкил этади. Димедролнинг 1 %ли эритмаси bemор болалар ёшига қараб 0,15-1 мл ҳажмда мушак орасига ёки вена ичига юборилади. Пиполфен дори воситаси 6 ёшгача 0,008-0,01 г ҳажмда, 7 ёшдан катта bemор болаларга эса 0,012-0,015 г дан овқатдан сўнг кунига 2-3 маҳалдан тавсия этилади. Дори воситасининг 2,5 %ли эритмаси 0,25-1 мл катталиқда мушак орасига, болалар ёшига қараб белгиланади. Супрастин дори воситаси таблетка тарзида 0,025 г дан ичишга, 2 %ли эритма тарзида эса 0,5-1,0 мл дан мушак орасига юборилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, димедрол, супрастин дори воситалари седатив ва ухлатувчан таъсир кучларига эга, шунинг учун ҳам кейинги пайтларда бундай салбий таъсир кучига эга бўлмаган дори воситаларидан фенкарол (0,01 г), перитол (0,001 г) каби дори воситалари кенг қўлланиб келинмоқда.

Биологик фаол дори воситалари. Тери касаллиги билан хасталанган bemор болаларда ичак микробиозининг бузилиши, яъни дисбактериоз ҳолатларида биологик фаол дори воситаларини қўллаш тавсия этилади. Ушбу дори воситаларидан кенг қўламда лактобактерин, бифидумбактеринлар қўлланилади ва улар кўпинча В ва С витаминлари билан биргаликда тавсия этилади. Лактобактерин дори воситаси 6 ойгача 1-2 дозада, 6 ойдан 1 ёшгача 2-3 дозада, 1-3 ёшгача 3-4 дозада ва 3 ёшдан катта бўлган bemор болаларга эса 3-4 дозадан тавсия этилади. Даво курси 10-20 кунни ташкил этади. Бифидумбактерин 6 ойлик болаларга 1 дозадан кунига 3 маҳалдан тавсия этилади, 3 ёшдан катта болаларга эса 3-5 дозада белгиланади. Даво курси давомийлиги 2 хафтани ташкил этади. Бификол ва колибактерин дори воситалари асосан 6 ойликда сўнг bemор болаларга тавсия этилади. Бификол 6 ойликдан 3 ёшгача кунига 1-3 дозада 1-2 мартадан, 3 ёшдан катта bemорларга эса 2-5 дозадан тавсия этилади. Даво курси 3-6 хафтани ташкил этади.

Колибактерин 6 ойликдан 1 ёшгача 4 дозада, 1 ёшдан кейин эса 6-8 дозада кунига 2 мартадан берилади. Даво курсининг давомийлиги 3 ҳафтадан 2 ойни ташкил этади.

Витамин даво воситалари. Витамин дори воситалари биологик хусусиятларига қўра оксидланиш-қайталаниш ва модда алмашиниш жараёнларини меъёrlаштириш хусусиятига эга бўлганлиги учун тери касалликларида кенг кўламда қўлланилади.

А витамини (ретинол) асосан шохланиш жараёнининг бузилиши билан кечадиган дерматозларда қўлланилади. Ретинол ёш бола организмида оқсиллар, ёғлар, углеводларнинг ҳазм қилинишини кучайтиради ва оксидланиш-қайталаниш жараёнларини жадаллаштиради. Дори воситаси кунига 5000-10000 МЕ дан бемор ёшига қараб белгиланади (ёки 5-20 томчидан кунига 3 маҳалдан овқат вактида тавсия этилади). Даво курси бир неча ойларни ташкил этади.

Е витамини (токоферол) организмда хужайра модда алмашинувига ижобий таъсир этади, ўсиш жараёнини жадаллаштиради ҳамда А витамини фаоллигини ошириш вазифасини ҳам ўтайди. Эрта ёшдаги болаларда ушбу витаминнинг етишмаслиги натижасида тери ости ёғ қаватида модда алмашинувининг бузилиши кузатилади. Е витамини 1 мл да 50, 100 ва 300 мг тарзида бўлган 5 %, 10 %, 30 %ли токоферол ацетатини ёғли эритмаси кўринишида, 100-200 мг дан эса капсула тарзида тавсия этилади. Препарат 3 ёшгача бўлган бемор болаларга 5-10 мг, 4-7 ёшгача 20-50 мг ва 7 ёшдан катта бўлган болаларга 50-100 мг кунига берилади.

В гурух витамин дори воситалари тўқималарда оксидланиш-қайталаниш жараёнларини яхшилаш, аллергияга қарши, қичишишга қарши таъсир этиш хусусиятларига эга бўлиб, гормон дори воситаларининг токсик таъсир этиш ҳолатларини камайтиради. Ушбу гурух дори воситаларидан В1, В2, В5, В6, В12 ва В15 лар кенг қўлланилади.

В1 витамини (тиамин) терида кечадиган яллиғланиш жараёнини камайтиришда иштирок этади, препарат 1 ёшгача 0,5 мг; 1-1,5 ёшгача 0,8 мг; 1,5-2 ёшгача 0,9 мг; 3-4 ёшгача 1,1 мг; 5-6 ёшгача 1,2 мг; 7-10 ёшгача 1,4 мг; 11-13 ёшгача 1,7 мг дан кукун сифатида кунига ичишга тавсия этилади.

В2 витамини (рибофлавин) тери касалликларида кузатиладиган терининг қизиши, ёриқларнинг ҳосил бўлиши, лаб ва тилларнинг куриши, себорея ҳолатларида кенг кўламда тавсия этилади. Дори

воситаси кукун ёки таблетка шаклида ичишга бемор болалар ёшига қараб 0,002-0,005 г дан 0,01 г гача катталикда тавсия этилади. В2 витаминининг 1 %ли эритмаси мушак орасига ёки тери остига 0,5-1 мл белгиланади. Даво курси 10-15 юборишни ташкил этади.

В5 витамины (пантотенат кальций) ёғ, оқсил, углевод ва минерал моддалар алмашинувида фаол иштирок этиб, эпителиал хужайралар фаолиятининг меъёрий ишлашида катта аҳамият касб этади. Дори воситаси 1-3 ёшгача 0,05-0,1 г, 3-14 ёшгача 0,1--0,2 г дан кунига 2 маҳалдан ичишга ёки 20 %ли эритмаси 0,5-1 мл дан т/о ва вена ичига кунига 1 маҳалдан тавсия этилади. Даво курси 20-25 юборишни ташкил этади.

В6 витамины (пиридоксин) бемор болаларда кузатиладиган себорея, хейлит, глоссит, конъюнктивит каби ҳолатларни тиклашда, юқори даражада қўзғалувчанликда, ошқозон-ичак тизими бузилишларида ва камқонлик ҳолатларида тавсия этилди. Витамин В6 дори воситаси кукун ҳолида ичишга, болалар ёшига қараб кунига 0,003-0,03 г дан 2 маҳалдан, 1 %ли эритмаси эса 0,5-1 мл дан мушак орасига ҳар куни 1 маҳалдан тавсия этилади. Даво курси 0,5-2 ойни ташкил этади.

В12 витамины (цианкобалмин) ҳам оксидланиш-қайталаниш жараёнининг меъёрда ишлашини бошқаришда, бола организмининг ўсишида, унинг курашиш қобилиятининг ошишида қон ишлаб чиқарилишининг нормал кечишида муҳим аҳамият касб этади. Каротин моддасининг А витаминига ўтишини ва унинг терида етарли даражада бўлишини таъминлаб беради. Дори воситаси асосан мушак орасига эритма тарзида, болалар ёшига қараб 15-100 мг дан 2-3 кунда 1 маҳалдан тавсия этилади. Даво курси 10-15 юборишни ташкил этади.

В15 витамины (пангамат кальций) дори воситаси тўқималарда оксидланиш жараёнини яхшилайди, дезинтоксиялаш хусусиятига эга, ёғ моддалари алмашинувини меъёрлаштиради. Препарат 3 ёшгача бўлган болаларга 50 мг; 3-7 ёшгача 100 мг; 7-14 ёшгача 150 мг дан кунига тавсия этилади. Даво курси 20-30 кунни ташкил этади.

С витамины (аскорбин кислота) тўқималарда оксидланиш-қайталаниш жараёни бошқарувида иштирок этиб, десенсибилизацияловчи ва детоксикацияловчи таъсир кўрсатади, организмнинг курашиш қобилиятини кўтаришда фаол иштирок этади, қон айланиш жараёнини яхшилайди. Дори воситаси болаларга кукун ёки

таблетка тарзида ичишга тавсия этилади. Препарат 5 ёшгача 0,05 г дан, 10 ёшгача 0,1-015 г дан кунига 2 маҳалдан берилади. Даво курси 20-30 кунни ташкил этади. Дори воситасини 5 %ли эритмаси 2-5 мл дан мушак орасига ёки 5-10 мл дан вена ичига юборилади.

Р витамини (рутин) асосан тери бутунлигининг бузилиши ҳамда қон томир капиллярлари ўтказувчанлигининг ошиб кетиши кузатиладиган дерматозларда тавсия этилади. Препарат кўпгана ҳолатларда аскорбин кислотаси билан биргаликда - аскорутин кўринишида берилади. Рутин моддаси 3 ёшгача бўлган bemор болаларга 0,02 г; 5 ёшгача 0,03 г; 10 ёшгача 0,04 г дан кунига 2 маҳалдан белгиланади.

Н витамини (биотин) терининг озиқланиши ва меъёрида фаолият кўрсатиши учун фойдали ҳисобланади. Дори воситаси болалар ёшини инобатга олган ҳолда кунига 10-15 мг дан 3-4 ҳафта давомида тавсия этилади.

К витаминининг (викасол) организмда етишмаслиги натижасида қон ивишининг бузилиши, натижада эса қон кетиши ва қон қуилиши каби ҳолатлар кузатилади. Препарат асосан токсик ва аллергик ваккулит касалликларида bemорларга тавсия этилади. К витамини 1 ёшгача бўлган bemор болаларга 0,002-0,005 г; 2 ёшгача 0,006 г; 3-4 ёшгача 0,008 г; 5-9 ёшгача 0,01 г; 10-14 ёшгача 0,015 г дан 3-4 кун давомида ичишга тавсия этилади.

Д витамини (калциферол) ражитга қарши қўлланиладиган дори воситаси бўлиб, яллиғланиш жараёнларига қарши таъсир этиш хусусиятига эга, препарат соchlарнинг ўсишини яхшилайди, ортиқча ёғ ва тер ажралишини олдини олади. Маълумки, Д витаминининг асосий вазифаси организмда Ca ва P микроэлементлари алмашинувини бошқаради, унинг етишмаслиги ражит касаллиги ривожига сабабчи бўлади. Препарат болаларга кунига 5000-10000 МЕ дан 2-3 маҳал 1-2 ой давомида ичиш тавсия этилади.

Антибиотиклар. Ушбу дори воситалари болаларда кузатиладиган инфекцион ва ноинфекцион табиатга эга бўлган турли дерматозларни умумий даволашда кенг қўлланилади. Бундай касалликларга терининг йирингли, замбуруғли, сил касалликлари, венерик касалликлари, терининг тўқима касалликлари, пушти ранг, қизил яssi темиратки касалликлари киради. Антибиотиклар икки хил таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, булар кенг ва тор қамровлиларга бўлинади. Антибиотиклар синфиға мансуб бўлган

пенициллин дори воситаси ва унинг аналоглари (бензилпенициллин, феноксиметилпенициллин, бициллин 1,3,5) асосан стафилококклар, стрептококклар, гонококклар, рангиз трепонемалар, пневмакокклар, сибир яраси, газли гангерена каби микроорганизмларга ўлдирувчан таъсир кўрсатади. Ярим сунъий антибиотиклар захира антибиотиклари ҳисобланиб, асосан бензилпенициллинга чидамли бўлган касаллик қўзғатувчи микроорганизмларга таъсир кўрсатади. Хозирда антибиотиклар намояндаси бўлган дори воситаларидан макролидлар (эритромицин, олеандомицин, синтомицин, левомицин, стрептомицинлар) заарли таъсирлари камроқ бўлганлиги учун амалиётда тери касалликларини даволашда кўпроқ қўлланилиб келинмоқда.

Умумий даво воситалари сифатида антибиотиклардан тетрациклин гуруҳига мансуб дори воситалари ҳам қўлланилади. Буларга тетрациклин, хлортетрациклин, окситетрациклин, морфоциклин, метациклин, доксоциклинлар киради. Ушбу дори воситаларининг самарали таъсиридан ташқари салбий таъсири ҳам мавжуд бўлиб, узоқ ва катта миқдорда қўлланганда ҳамда ёш болаларга тавсия этилганда салбий асоратлар келтириб чиқариши мумкин. Бундай асоратлар дисспептик ҳамда жигардаги ўзгаришлар кўринишида бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам ушбу дори воситаларини 5 ёшгача бўлган бемор болаларга кўпинча тавсия этилмайди.

Антибиотикларнинг яна бир вакили цефалоспоринлар бўлиб, улар қаторига цепорин, цефалоспорин С, цефалотин, цефалексин ва бошқалар киради. Бу дори воситалари ичишга, мушак орасига ва вена ичига юборишга мўлжалланган.

Грамманфий бактерияларга таъсир этувчи антибиотикларга полимиксин киради. Улар асосан болаларда тери касалликларини маҳаллий даволаш мақсадида кўпроқ тавсия этилади. Масалан, грамицидин дори воситаси граммусбат бактерия ва коккларга ўлдирувчан таъсир этиб, асосан маҳаллий спиртли эритмалар сифатида қўлланилади.

Сульфаниламид дори воситалари кам асорат берувчан хусусиятга эга бўлиб, антибиотиклар билан биргаликда тавсия этилади. Ушбу дори воситаларининг намояндалари сульфадемизин, норсультазол, этазол, сульфапиридазин ва сульфаленлар бўлиб, улар янги туғилган чақолоқларга, туғилгандан сўнг биринчи ойларда бемор болаларга тавсия этилмайди.

Сульфон дори воситалари бўлмиш диаминодефенилсульфон-ДДС, авлосульфон, дапсонлар мохов касаллигини даволашда ҳамда Дюрингнинг герпетифор дерматити касаллигини даволашда қўлланилади.

Жадалловчи дори воситалари. Бемор болалар иммун тизимини жадаллаш мақсадида специфик даво сифатида гаммаглобулин, гистоглобулин дори воситалари қўлланилади.

Гаммаглобулин дори воситасининг таъсир этиш механизми шундан иборатки, препарат ўз таркибида антителоларни сақлайди, шу хусусияти билан антигенлар микдорини камайтиради ҳамда антиген-антитело жараёнининг кечишини пасайтиради. Препарат тери касаллиги билан хасталанган bemor болалар 1 кг тана вазни оғирлигига 5 АЕ дан белгиланади ва 3-4 кунда 1 марта тери остига юборилади. Даво курси 5-10 юборишни ташкил этади. Тери остига дори воситаси 1 АЕ бошлаб юборилади ва ҳар келгуси юборилиш, яъни 3-5 кунда 0,5 АЕ дан қўшиб борилади. Даво курси 8-10 юборишни ташкил этади.

Гистоглобулин дори воситаси ҳам худди гаммаглобулин сингари таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, асосан аллергик касалликларни даволашда кенг кўламда қўлланилади. Препарат тери орасига ёки тери остига юборилади. Дори воситаси 0,1 мл дан ҳафтасига 2 марта тери остига юборилади, жами дори воситаси ҳажмини бу вақтда 1-2 мл гача етказилади. Даво курси 10-20 юборилишни ташкил этади.

Пироген даво асосан bemor тана ҳароратининг кўтарилиши ҳисобига иммун кучларини жадаллашга қаратилган бўлиб, уларга мансуб бўлган дори воситаларидан кўпинча пирогенал, продигиазонлар қўлланилади. Пирогенал дори воситаси 3 ёшдан катта бўлган bemor болаларга тавсия этилади. Препарат мушак орасига 5 МПД дан бошлаб белгиланади, кейингилари ҳар 3 кунда 1 марта ўтказилиб, дозаси 5-10 МПД дан ошириб борилади, умумий даво курси 40 МПД дан 100 МПД гачани ташкил этади. Продиагозон 2 ёшдан катта бўлган bemor болаларга тавсия этилади. Дори воситаси ҳафтасига 2 маҳал мушак орасига юборилади. Препаратнинг бошланғич дозаси 2-10 мкг ни, даво курси эса 8-10 тани ташкил этади. Дори воситасининг даво курси давомидаги микдорини 2-3 ёшгача 10-20 мкг га, 3-8 ёшгача 15-50 мкг га, 8 ёшдан кейин эса 15-100 мкг гача етказилади.

Гормонал даво воситалари. Тери касаллиги билан хасталанган бемор болаларни комплекс умумий даволашда гормон дори воситаларининг қўлланилиши алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, гормон дори воситалари яллиғланишга қарши ва аллергик ҳолатларга қарши таъсир этиш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли турли дерматозларни даволашда қўлланиувчи восита бўлиб ҳисобланади. Лекин бу дори воситаларининг (гипофиз ва буйрак усти бези гормонлари) қўлланилиши ўзига хос бўлган талабларга риоя қилинишини талаб қиласди. Болаларда ушбу дори воситалари айрим ҳолатларда касалликни даволовчи восита сифатида қисқа муддатларга, айрим ҳолатларда эса маҳсус белгиланган тизим асосида узоқ муддатларга мўлжалланиб белгиланади, албатта бу вақтда бемор организмининг ҳолати, йўлдош касалликлар билан хасталанганлиги, ушбу дори воситаларини қўллаш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган вазиятлар инобатга олиниши лозим. Масалан, буйрак усти бези гормонини тавсия этишдан олдин беморлар бир кунлик сийдигида 17-кетостероидлар, 17-гидроксистероидлар ва оксистероидлар миқдорининг аниқланиши муҳим бўлади, чунки ушбу моддалар оқали бемор буйрак аъзоси фаолиятига баҳо берилади. Бемор болаларга гормон дори воситалари тавсия этилгандан сўнг уларнинг иштаҳаси, тана оғирлиги, артериал қон босими, сийиш жараёни текшириб турилиши лозим. Албатта қон ва сийдикда қанд миқдорини, қонда калий, кальций, натрий миқдорини ва протромбин кўсаткичлари ва индексини, қоннинг ивиш ҳолатини ҳамда сийдикда хлоридлар ва мочевина миқдорини назорат қилиб туриш зарур.

Қалқонсимон бези гормони, организмда барча модда алмаси-нуви жараёнларини оширади, ўсиш ва ривожланиш жараёнини яхшилайди, организмдан натрий ва хлор моддасининг чиқиб кетиши сабабли тўқималарда шиши ҳолатини камайтиради. Териодин бемор болаларга 5 кунлик цикл тариқасида, 5 кунлик таннафус билан 1 ой давомида белгиланади. Териодин 1 ёшгача 0,005 г; 1-3 ёшгача 0,01 г; 4-5 ёшгача 0,02 г; 6-10 ёшгача 0,025 г; 11-14 ёшгача эса 0,03-0,05 г дан кунига 2 маҳалдан тавсия этилади.

Буйрак усти бези гормонларидан табиий, деб баҳоланадиган гидрокортизон, кортизонлар ва сунъий, деб ҳисобланадиган преднезалон, преднезон, триамциналон ва дексаметазонлар оқсил, ёғ, углевод ва менераллар алмашинувига таъсир этади. Айрим

ҳолатларда гормон дори воситаларининг узоқ вақт берилиши сабабли турли кўринишдаги асоратлар вужудга келади. Масалан, гидрокортизон ва кортизон дори воситаларининг узоқ вақт қабул қилиниши натижасида бемор болалар организмида кўп микдорда калий моддаси сийдик орқали чиқиб кетади, натижада эса тўқималарда натрий моддаси ушланиб қолиб, шишларнинг вужудга келишига, яллиғланиш жараёнининг кучайишига ҳамда мушаклар фаолиятининг сусайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бундай асоратларнинг олдини олиш мақсадида гормон дори воситаси истеъмол қилиниши билан бир вақтнинг ўзида беморларга калий хлорид, калий ацетат ва оратат калий каби калий препаратлари тавсия этилади. Бундай асоратларнинг олдини олиш мақсадида овқат маҳсулотларида ош тузи, яъни натрий хлор микдори чекланади, оқсилга ва витаминга бой маҳсулотлар тавсия этилади ва асосан сунъий гормон воситалари (дексаметазон, триамциналон)дан фойдаланиш тавсия этилади. Преднезалон bemор болаларга 1 кг тана вазнига 0,5-1 мг дан белгиланади ва болаларга қисқа муддат давомида тавсия этилади, терапевтик самарага эришилгандан кейин эса унинг кунлик дозаси пасайтириб борилади.

Анаболик гормон воситалари организмда оқсил ва ферментлар синтезини жадаллайди, тўқималар нафас олишини кучайтиради, қон зардобида оқсиллар микдорини оширади, айниқса, альбуминлар микдорини, эритропоэзни кучайтиради, иштаҳани яхшилайди, кайфиятни кўтаради, bemорлар тана оғирлигини оширади, тананинг ўсишини таъминлайди, кальций моддасининг суякларга бориб тўпланишига сабабчи бўлади. Бундан ташқари анаболик гормон дори воситалари яллиғланиш жараёнларига ҳам қарши таъсир этиш хусусиятига эга. Узоқ вақт глюкокортикоид дори воситалари истеъмол қилинганда ҳам улар тавсия этилиши мақсадга мувофиқдир.

Неробол (метандростенолон) 2 ёшгача бўлган bemор болаларга ҳар 1 кг тана вазнига 0,05-0,1 мг дан; 2-5 ёшгача умумий кундалик дори воситаси 0,001-0,002 г; 6-14 ёшгача эса 0,003-0,005 г қилиб белгиланади ва 2-3 маҳалдан ичишга тавсия этилади.

Метиландростендиол 1-1,5 мг да 1 кг тана оғирлигига белгиланади ва кундалик дозаси 50 мг ошмаслиги тавсия этилади. Дори воситаси таблетка бўлиб, тил остига қўйиб узоқ вақт сўрилгунча ушлаб турилади.

Ретаболил 5-25 мг катталиқда мушак орасига кунига 1 маҳалдан белгиланади, даво курси эса 3-4 ҳафтани ташкил этади.

Анаболик гормонларнинг терапевтик самараси 10 кунлардан кейин сезилади, кейинчалик эса 3 ҳафта давомида уларнинг дозаси секин-асталик билан камайтириб борилади.

Маҳаллий даволаш усуллари

Тери касалликларига аниқ ташхис кўйилгандан кейин беморга умумий даво билан бирга маҳаллий даво чоралари белгиланади. Бу билан касалликнинг ташқи, кўринарли белгилари даволаниб, bemornинг шикоят қилиши камайтирилади. Маҳаллий даво бундай сифатлари билан bemор организмига умумий таъсир ҳам ўтказади.

Даво чораларини ўтказишида албатта, касалликни келтириб чиқарувчи сабабларни, касалликнинг асл моҳиятини, bemор организмни ҳолатини хисобга олиш зарур. Теридаги касаллик белгилари қанчалик ўткир ва кўринарли кечса, қўлланиладиган маҳаллий даволаш усуллари шунчалик енгил тарзда ўтказилиши лозим. Шу мақсадда даволаш жараёни бошида дори воситалари концентрацияси камроқ қўлланилади, кейинчалик эса улар астасекин ошириб борилади. Даволаш вақтида терининг рецептор тузилмалари дори моддалари таъсирига ўрганиб қолишини хисобга олган ҳолда даво таъсирининг фойдали бўлиши учун фақат дори моддалари турини эмас, балки уларнинг концентрациясини ҳам ўзгартириб туриш лозим. Масалан, салицил кислотасининг 2 %ли суртмаси терига тикловчи (кератопластик) ва 2 %дан ортиқ бўлган концентрацияда тери шох қаватини юмшатувчи, қипиқланишни камайтирувчи (кератолитик) ва 10-20 %ли концентрацияларда эса куйдирувчи таъсир кўрсатади. Маҳаллий даво ўтказишида албатта касаллик белгилари жойлашган ерларни хисобга олиш жуда катта амалий аҳамиятга эга. Чунки тананинг турли жойлари турлича сезиш қобилиятига эга. Масалан, юз, бўйин, жинсий аъзолар, қўл ва оёклар букилиш қисмларининг тери сезгирилги бошнинг соч, қўл ва оёқларнинг панжа ва оёқ кафти юзаларидаги тери сезгирилигидан кучли. Бундан ташқари бу ҳолатнинг хисобга олиниши шу тери сатҳларида жойлашган ўчоқларда дори моддаларининг қандай шаклларда қўлланилиши лозимлигини ҳам кўрсатиб беради. Масалан, бошинг сочли қисмидаги ўчоқларга қоришмалар

(пасталар) ишлатилмайди, чунки улар сочларнинг бир-бирига ва териға ёпишиб қолишига сабаб бўлади. Бу вақтда малҳамлар ёки ёғли эритмалар қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий даво чораларини теридағи клиник белгилар бутунлай тузалиб кетгунга кадар давом эттириш керак, даволаш чораларини охирига етказмаслик касалликни бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтишига ёки қайталанишига сабаб бўлади. Масалан, қийилиш касаллиги охиригача даволанмаса қайталаниши ёки қўтириш касаллигига даволангандан сўнг дерматит холатининг кузатилиши бунга яққол мисол бўла олади. Дори моддаларини қўллашда улар таъсири кўзланган мақсадга мувофиқ бўлиши лозим, бу вақтда дори воситалари таъсири юзаки, чуқур, ҳимояланиш мақсадида, яллиғланишга, қичишишга қарши ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Маҳаллий даво чораларини ўтказишида албатта касалланган тери ўчоқлари юзасини қобиклардан, қазфоқлардан тозалаш лозим, чунки малҳамларни қўллашда булар халақит беради. Шу мақсадда қўпинча ўсимлик ёғларидан ёки улар шимдирилган пахтадан, иссиқ сув, совунли сув ва вазелин моддаларидан фойдаланилади.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий даволаш қуидаги усуллар ёрдамида бажарилади.

Упали сепмалар. Упали сепмалар ўсимлик ва минерал моддалардан иборат бўлган кукунлардан таркиб топган бўлиб, улар гигроскопик тузилишга эга бўлганлиги сабабли суюқ моддаларни ўзига тортиб олиш на терини қуритиш хусусиятига эга бўлади. Минерал моддалардан ташкил топган упали сепмаларга рух оксиди (*Zincum oxydatum*), талк (*Talcus*) ва оқ лой (*Bolus alba*), ўсимликлардан ташкил топган упали сепмаларга эса крахмал (*Amylum Tritici*) ва унинг хиллари киради. Упали сепмалар оғзи кенг шиша идишларда сақланади, уларнинг оғзи дока билан беркитилган бўлиб, шу идишлардан ёки пахта бўлаги ёрдамида тери сатҳига сепилади. Айрим вақтларда масалан, ўткир яллиғланиш билан кечадиган касалликларда (эшакем ва дерматит) упали сепмалар бутун тана сатҳига сепилиб, чойшаб билан ёпиб қўйилади.

Упали сепмалар суюқликни буғлаш ҳусусиятига эга бўлганлиги учун тери сатҳлари музлайди, капилляр қон томирлари тораяди, натижада ўткир яллиғланиш белгилари бўлган қизариш, шиш, ҳароратнинг кўтарилиши, ачишиш ва қичишиш каби аломатлар

камаяди. Упали сепмаларнинг бундай таъсир кучига эга бўлиши уларнинг ўткир яллиғланиш билан кечадиган тери касалликларида (дерматит, эшакеми, дори аллергияси) кенг қўлланилишига асос бўлади. Упали сепмаларни намланиб турган тери юзасига сепиб бўлмайди, чунки улар ажралаётган суюқлик билан аралашиб, заарли қоришмалар ҳосил қиласди, бундай ҳолат эса ўз-ўзидан теридаги ўзгаришларни кучайтиради ва салбий ҳолатларга олиб келади. Упали сепмаларнинг терини қуритиб юбориш эҳтимолини ҳисобга олиб, кўпинча кейинчалик юмшатувчи кремлар суртилади. Упали сепмаларнинг тери сатҳини ташқи таъсирлардан – терлардан, сийдик таъсиридан ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўлганлиги учун ёш болаларда учрайдиган қийилиш, йирингли касалликларни олдини олиш мақсадида кўпроқ ишлатилади. Упали сепмалар таъсирини кучайтириш мақсадида турли дори моддаларини ишлатиш мумкин. Масалан, дезинфекцияловчи таъсир этиш учун дерматол (3-5 %), ксероформ (5-10 %), юмшатиш учун танин (1 %), қичишишни камайитириш учун эса ментол (0,5-1 %), анестезин (5-10 %) дори моддалари кукунидан фойдаланилади.

Рецептлар:

Rp: Dermatoli 50,0	D.S. упали сепма
Rp: Talcı 50.0	D.S. упали сепма
Rp: Acidi Borici 3.0	Boli alba
Talcı veneti aa 30.0 M.f. pulv	D.S. упали сепма

Ҳўллагичлар. Дори моддаларининг сувдаги эритмалари ўткир яллиғланиш, шиш, қизариш ҳамда намланиш билан кечадиган касалликларда (экзема, дерматит ва қийилиш) ҳўллагичлар, қуритувчи ҳўлланган боғламлар, иситувчи компресслар ва буғлатишлар шаклида қўлланилади.

Ҳўллагичлар совук суюқликка ҳўлланган 4-5 қаватли мато, ёки дока бўлиб, у бир-оз сиқилиб сўнг касалланган жойга 15-20 дақиқа қўйиш билан амалга оширилади. Ҳўллагич ўзининг совук ҳолдаги таъсири билан касал жойдаги қон томирларини торайтиради, иссиқликни, қизиш, қичишиш ва шиш ҳолатларини камайтиради, суюқликнинг буғланишига сабабчи бўлади. Касалланган юза билан ҳўлланган мато ёки дока ўртасидаги ҳарорат фарқини сақлаб туриш мақсадида ҳўллагичлар ҳар 15-20 дақиқада алмаштирилиб турилади. Бу жараён 1-1,5 соат давомида олиб борилади. Ҳўллагичлар сифатида кўргошин суви (2 %), танин эритмаси (1 %) бор кислотаси

эритмаси (2-3 %), кумуш нитрат эритмаси (0,25-5 %), резорцин эритмаси (1-2 %), фурациллин эритмалари (1:5000) ва бошқалар ишлатилади.

Куритувчи хўлланган боғламлар - худди хўллагичлар сингари таъсир кучига эга бўлиб, асосан ярим ўткир яллиғланиш билан кечадиган касалликларда қўлланилади. Куритувчи хўлланган боғламлар касалланган тери сатҳига 4-5 қаватдан иборат бўлган мато ёки докани эритмалар билан хўлланган ҳолатда қўйилади. Устидан эса гигроскопик пахта қўйиб боғланади. Уларнинг таъсири хўллагичларга қараганда узоқроқ бўлганлиги сабабли таркибидаги суюқликни буғланиши секин бўлиб, терини совитади ва яллиғланиш ҳолатини камайтиради. хўлланган боғламлар ҳар 3-4 соатда қуришини ҳисобга олган ҳолда алмаштириб турилади.

Иситувчи ёки дерматологик компресслар - асосан сурункали яллиғланиш билан кечадиган дерматологик касалликларда қўлланилади, улар хўллагич ва қуритувчи хўлланган боғламлардан касалланган ўчоқларга компресснинг хўлланган ҳолатида таъсир этиши билан фарқ қиласи. Иситувчи компресслар ўчоқларга мато ва докаларни 10-12 қават қилиб химралган, совуқ эритмалар билан хўлланган, қаттиқ сиқилган ҳолатда қўйилади. Устидан эса ёғли қофоз ёки клеёнка қўйилиб боғланади. Дерматологик компресслар ҳар 3-6-8-10 соатда bemor аҳволини ҳисобга олган ҳолда алмаштириб турилади. Бу вақтда иситувчи компресслар касал жойларга таъсир этиб оғриқ, таранглик ва қичишишни камайтиради, ўчоқларни қобиқ ва қазғоқлардан тозалайди, шилингн, тирналган юзаларнинг тикланишига сабабчи бўлади. Гиперемия ҳолатини келтириб чиқариб, маддаларни сўрилишига олиб келади.

Буғланиш усули - сурункали тери касалликларида маҳаллий яллиғланишни қўзғатиб, маддаларнинг сўрилиши ва йўқолиши максадида қўлланилади. Бунинг учун пахта ёки дока бўлагини қайноқ сувга шимдирилиб (пинцетлар ёрдамида ушлаб) касалланган ўчоққа, bemor чидаши мумкин бўлган ҳарорат даражасида 3-5 дақиқа давомида қўйилади. Буғланиш кунига 1-2 марта, 15-20 дақиқа давомида олиб борилади. Рецептлар:

Rp: Sol. acidi tannin 1%/2% - 200.0

D.S. Хўллагич

Rp: Sol Acidi borici 2%-200.0

D.S. Хўллагич

Rp: Aquae plumbi

Sol Acidi borici 3% aa 100.0

M.D.S.Хўллагич

Rp: So1. Rezorcini 2% - 200,0

D.S.Хўллагич.

Чайқатгичли аралашмалар ёки суюқ сепмалар. Чайқатгичли аралашмалар кукунсимон шаклдаги дори моддаларининг сувдаги, ёғлардаги аралашмаси бўлиб, тери касалликларини даволашда ўзига хос ўрин тутади. Бу усулнинг асосий моҳияти шундан иборатки, чайқатгичли аралашмалар таркиби тери юзаларига сурилгандан кейин суюқ қисми буғланиб, кукунсимон қисми эса тери сатҳида бир текисда тақсимланади ва ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам чайқатгичли аралашмаларнинг суюқ сепмалар, деб аталиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Кукунсимон моддалар рух оксиди (*Zinci oxidati*), талк (*Talc veneti*) ва крахмал (*Amyli tritici*) шаклида ишлатилади. Суюқ сепмалар асосан терининг ўткир яллиғланиши билан кечадиган касалликларда (экзема, дерматит) қўлланилади. Улар тери сатҳига юзаки таъсир кўрсатиб, ўчоқлардаги оғриқ, кизиш, ачишиш, қичишишни камайтиради, терини қуритади. Бу усул ишлатилиши жиҳатидан қулай бўлиб, кўзланган мақсадга тез эришилади ва боғловчи материалларни талаб қилмайди. Суюқ сепмалар ишлатишдан олдин яхшилаб чайқатиб олинади, сўнг пахта бўлаги ёки қўл панжаси ёрдамида заарланган тери юзаларига суртилади. Суюқ сепмалар асосан суртмалар ва ёғли моддалар ишлатиб бўлмайдиган ҳолатларда ишлатилади. Суюқ сепмалар таркиби глицерин моддаси қўшилиши натижасида унинг ёпишқоқлик хусусияти кўтарилиб, кукунсимон модда қисми тери сатҳида бирдай тарқаб ёпишиб қолади. Кўзланган натижага тез эришиш максадида эса суюқ сепмалар таркиби спирт эритмаси қўшилади, бу вақтда суюқлик қисми тез буғланиб, тери сатҳи курийди.

Чайқатгичли аралашмалар таркибидаги кукунсимон модда билан суюқлик ўртасидаги нисбатни кўзланадиган мақсадга мувофиқ ўзгартирилиб турилади. Масалан, тери сатҳларига совук таъсир ўtkазиш лозим бўлган ҳолатларда суюқ модда миқдори кукунсимон моддага нисбатан кўпроқ олинади (40-60 %). Тери сатҳларида ҳимоя қилиш пардаларини ҳосил қилиш керак бўлганда эса, аксинча суюқ модда миқдори камайтириб олинади (20-30%).

Суюқ сепмалар таркибиға олтингугурт, ихтиол, ментол, дерматол каби дори моддаларини қўшиб, бу билан улар таъсирини кучайтириш мумкин. Тери сатҳларидаги суюқ сепмалар иссиқ сув ёки ўсимлик ёғи билан хўлланган пахта бўлаклари ёрдамида тозаланади. Рецептлар:

Rp: Zinci oxidati

Talci veneti

Amyli tritici aa 30.0

Aq. destillatae ad 200.0

M.D.S. Чайқатгичли аралашма.

Rp: Zinci oxidati

Talci veneti

Glycerini aa 30.0

Aq. destillatae ad 200.0

M.D.S. Чайқатгичли аралашма.

Rp: Zinci oxidati

Talci veneti 40.0

Spiritus aethylici 70% 20.0

Aq. destillatae ad 200.0

M.D.S. Чайқатгичли аралашма.

Rp: Mentholi 2.0

Zinci oxidati

Talci veneti aa 30.0

Glycerini 20.0

Aq. destillatae ad 200.0

M.D.S. Чайқатгичли аралашма.

Қоришмалар (пасталар). Ёғли ва кукусимон моддаларнинг бир хил нисбатда бўлган аралашмаси қоришмалар ёки пасталар, деб аталади. Қоришмалар сепмалар ва чайқатгичли аралашмалардан таркибида ёғ моддаси борлиги ва терига чуқурроқ таъсир этиш хусусияти билан фарқ қиласи. Ёғ моддалари сифатида пахта (o1. Gassipi), кунгабоқар (o1.Helianti), шафтоли (o1.Persicorum) ёғлари ҳамда вазелин ва ланолинлар (Lanolini) ишлатилади Қоришмалар таркиби рух оксиди, талк ва крахмал моддаларидан таркиб топган бўлиб, кукунли қисми ғовак ва ўтказувчан хусусиятга эга бўлганлиги суюқ моддаларнинг буғланишига сабабчи бўлади. Қоришмаларнинг бундай хусусияти тери сатҳларининг совишига, қуришига ва яллиғланиш даражасини камайишига олиб келади.

Қоришмалар қобиғ ҳосил қилиб, тери сатхини ташқи таъсирлардан, ишқаланишлардан ҳимоя қиласи таркибидаги ёғ моддалари миқдорининг оширилиши натижасида эса тери сатхи юмшайди, қобиғ ва қазғоқлардан тозаланади. Қоришмалар ичида рух мойи қоришимаси алоҳида ўрин тутади. Қоришмаларнинг турларидан яна бири бу Лассар пастаси бўлиб ҳисобланади. У рух қоришимасидан таркибида салицил кислотаси (1%) бўлиши билан фарқланади. У юмшоқ қоришма кўринишида қўлланилади. Тери ўчоқларидағи яллиғланиш жараёнини камайтириш, ҳимоялаш ҳамда тозалаш мақсадларида қоришмалар таркибига салицил кислотаси (1-2%), олтингугурт (5-10%), нафталин (10-20%), ихтиол (5-10%) дерматол (5-10%) каби дори моддаларининг кукунлари қўшилади. Қоришмалар терининг эпидермис қаватининг ўткир, ярим ўткир сурункали ва шилиниш ҳолатлари билан кечадиган касалликларида кенг қўлланилади. Намланган, пилчиллаган ўчоқли тери сатҳларига ва сочли қисмларига қоришмалар деярли ишлатилмайди. Қоришмалар ёғоч шпател ёрдамида тери сатҳига юпқа қилиб суртилади, юмшоқ пасталар эса дока ёки матога суртилиб, кейин боғлаб қўйилади. Тери сатҳларини қоришмалар қолдигидан ҳар 3-5 кунда ўсимлик мойи, вазелин ёрдамида тозалаб турилади.

Рецептлар:

Rp: Zinci oxydati

Talci veneti

Amyli tritici aa 10.0

Vaselini 30.0

M.D.S. Рухли қоришка.

Rp: Acidi salicylici 2.0

Zinci oxydati Talci veneti

Amyli tritici 50.0

Vaselini 100.0

M.D.S. Лассар қоришимаси

Rp: Anaesthesia 3.0

Naphtalani

Zinci oxydati

Talci veneti aa 10.0

Ol. Persicorum

Aq. destillatae aa 30.0

M.D.S. Қоришка

Малҳамлар. Таркибидаги бир ёки бир нечта дори моддаларини тутадиган, асосини ўсимлик, ҳайвон ва минерал ёғлари ташкил этадиган бирикмалар малҳамлар, деб аталади. Малҳамлар тери сатҳларининг ҳар хил механик, кимёвий ва атмосфера таъсирларидан ҳимоя қилиш, қичишиш ҳолатини камайтириш, тери сатҳларини юмшатиш, дори моддаларига нисбатан ўтказувчанлик воситаси сифатида, теридаги патологик жараёнларни даволаш, унинг фаолиятини тиклаш, сўрилувчанликни амалга ошириш ва иккиламчи қопламалардан тозалаш мақсадларида қўлланилади. Малҳамлар қоришималардан тери сатҳларига чукур таъсир кўрсатиши билан фарқланади, шунинг учун ҳам улар асосан ўртacha ўткир кечадиган касалликларда кўпроқ қўлланилади.

Малҳамлар таркибига киравчи дори моддалари касаллик белгиларига қараб танлаб олинади ва ишлатилади. Малҳамлар таркибидаги ёғ моддалари тери сатҳини герметик қоплаганлиги сабабли иссиқлик ўтказувчанлик хусусияти камаяди, натижада тери қизий бошлайди, қизаради. Малҳам остида буғланмай йифилган сув эса тери эпидермис қаватига кириб уни қўзгайди, бу вақтда малҳам таркибидаги дори моддалари тери таркибига кириб сингийди ва ўз таъсирини ўтказади. Малҳамлар таркибидаги бўлган ёғ моддалари тери қатламларига кириб бориб уни юмшатади, аксинча кўп ювилган пайтларда эса улар микдори камайиб йўқолади, тери қурий бошлайди, шохланади, дағал бўлиб колади. Натижада тери ўз сезгирлигини йукотади. Ўсимлик мойлари сифатида пахта (ol. Gassipi), кунгабоқар (ol. helianti), ёнғоқ (ol. Arachidis), кунжут (ol.cannabis), шафтоли (ol. persicorum), бодом (ol.Amygdalarum), какао (ol.Cacao) мойлари ишлатилади. Ҳайвон мойлари сифатида эса таркибидаги А, Д витаминалари, йод ва фосфор моддалари тутадиган балиқ ёғи (ol.jecoris Aselli) кўпроқ қўлланилади. Минерал ёғлар асосан нефтни қайта ишлаш орқали олиниб, уларга вазелин ёғи (vaselini), сарик ва оқ вазелин ҳамда саноат ёғлари киради. Минерал ёғлар тери сатҳига сўрилмаслиги, безовта қилмаслиги ҳамда терига тикловчи (кератопластик) ва яраларининг битишига сабаб бўлувчи таъсир этиши билан ажралиб туради. Вазелин моддаси малҳамлар асосини ташкил этади, унинг камчилиги шундан иборатки, у дори моддаларининг терига ўтишига қаршилик қиласи. Ланолин мойсимон тузилишга эга бўлиб малҳамлар асосини ташкил қиласи. У мол терисини ошлаш натижасида олинади.

Ланолин таркиби гидрофиллик хусусиятга эга бўлганлиги учун тери сатҳини совутади, яллиғланишни камайтиради. Шунинг учун ҳам асосан совутувчи малҳамлар тайёрлашда кўпроқ ишлатилади.

Болалар дерматологияси амалиётида асосан малҳамлар сифатида «болалар креми» ва «озиклантирувчи крем» лардан фойдаланилади.

Малҳамлар кўзланган мақсадга қараб ҳар хил усулларда суртилади. Улар таъсири юзаки бўлиши учун аввал дока ёки матога суртилиб, сўнг касалланган жойга ёпиштириб кўйилади. Касалланган жойга чуқурроқ таъсир этиши, уларни қобиқ, қазғоқлардан тозалаш ҳамда маддаларнинг сўрилишига эришиш мақсадида эса малҳамлар ўчоқларга суртилиб, сўнг боғлаб кўйилади. Малҳамлар таъсирини янада ошириш мақсадида малҳам суртилгандан сўнг устки тарафидан клеёнка ёки компресс қофози билан боғлаб кўйилади. Бу вақтда малҳамлар компресс усулида таъсир кўрсатади, натижада ўчоқлардаги қобиғ, қазғоқларни юмшатади, маддаларнинг эса сўрилишга сабабчи бўлади. Масалан, бу усул кубус касаллигига маддаланган жойларни, қадоқ касаллигини, эпидермофития касаллигининг қипикланиш (сквамоз) билан кечадиган турларини даволашда кўлланилади. Малҳамлар кунига 1-2 марта тери ўчоқларига юпқа қилиб суртилиб, яхши таъсир этиши учун боғлаб кўйилади. Айрим касалликларда (кўтири, турли рангли темиратки) эса малҳамлар тери сатҳига очиқ ҳолда боғламсиз суртилади.

Рецептлар:

Rp: Acidi Salicylici 2.0

Vaselini ad 100.0

M.D.S. Малҳам

Rp: Ung Dermatoli 5% - 100.0

Acidi borici 1.0

D.S. Малҳам

Rp: Sulfur praecipitati 2.5

Naphtalani 10.0

Anaesthesini 5.0

Lanolini Vaselini ss 50.0

M.D.S. Малҳам

Эмульсияли линиментлар. Линиментлар суюқ малҳамлар бўлиб, улар кўпинча эмульсиялар шаклида тайёрланади. Эмульсиялар бир суюқликни иккинчиси билан қўшилганда аралашмай қолиши асосида тайёрланади. Тургун ҳолдаги эмульсияларни тайёрлаш учун

эса эмульгаторлардан фойдаланилади. Эмульгаторлар суюқликларни бўлакчаларга бўлиб, аралашишига йўл бермайди.

Дерматологияда сувдаги ёғ ва аксинча ёғдаги сув кўринишида бўлган эмульсиялар ишлатилади. Биринчи хилида сув дисперсли мухит вазифасини ўтаса, иккинчи хилида эса дисперсия фазасини ўтайди. Эмульсиянинг ёғли сувдаги хилини қўлланишида тери сатҳидаги сув буғланиб ҳарорат пасаяди ва у музлатувчи таъсир кўрсатади. Эмульсиянинг сувнинг ёғдаги ҳили эса тери сатҳига қопловчи, ёғловчи, юмшатувчи ҳамда бу таркибга киравчи дори моддаларининг терига ўтишига сабабчи бўлади. Совутувчи малҳамлар ҳам эмульсиялар тарзида таъсир кўрсатади. Масалан, ланолин сувнинг ёғдаги эмульсияси кўринишида бўлиб, дори моддларни терининг чукур қатламларига ўтишига ёрдам беради. Ўткир яллиғланиш билан кечадиган тери касалликларида (ўткир экзема, дерматит) аввал музлатувчи сўнг эса қуритувчи таъсирга эга бўлган, ёғнинг сувдаги 3:2:1 нисбатларидағи кўринишида бўлган эмульсиялар қўлланилади. ҳўлланиш ҳолати йўқолгандан кейин эса, аксинча эмульсияларнинг ёғнинг сувдаги ҳиллари қўлланилади.

Рецептлар:

Rp: Lanolini 20.0

Vaselini 8.0

Ol.Ricini 4.0

Aq. destillatae ad 40.0

M.D.S. Совутувчи эмульсияли суртма (сувдаги ёғ)

Rp: Lanolini 5.0

Vaselini 2.0

Ol.Ricini 1.0

Aq. destillatae ad 10.0

M.D.S. Совутувчи эмульсияли суртма (ёғдаги сув)

Эритмалар. Тери касалликларини даволашда микроблар, замбуруғлар ва қичишиш ҳолатига қарши таъсир кучига эга бўлган эритмалар қўлланилади. Улар сувли ва спиртли кўринишларда бўлади. Спиртли эритмаларга йод димламаси, салицил, бор кислотаси, резорцин, анилин бўёқлари киради. 50-70 даражали спирт эритмаси асосан терига қўзғатувчи, қуритувчи ва ва юмшатувчи таъсир кўрсатади.

Лаклар. Тери сатҳига сўрилгандан кейин таркибидаги учувчан моддалар юпқа парда ҳосил қиласидиган суюқликлар лаклар, деб

аталади. Таркибига киравчи учувчан моддалар, масалан, эфир, спиртлар йўқолганидан кейин лаклар тери сатҳига ёпишиб бу сатҳни ташқи муҳитдан ҳимоя қиласи. Лакнинг тери сатҳига герметик ва босим тарзида чукур таъсир этишига унинг таркиби сабабчи бўлади. Лаклар дори моддаларининг терига яхши сингишига, инфильтратларнинг сўрилишига олиб келади. Лаклар асоси коллодий ва турли тозалагич моддалар – салицил, сут, бор, бензой кислоталари, резорцин, гризофулвин ҳамда кератолитик дори моддаларидан иборат. Лаклар асосан чегаралангандан - гиперкератоз, маддаланадиган кўринишларда кечадиган тери касалликларида (қубус, қадоқланиш, эпидермофития) ишлатилади.

Рецептлар:

Rp: Acidi salicylici

Acidi lactici aa 3.0

Collodii elastici 14.0

M.D.S. Лак, суртиш учун.

Rp: Resorcini 2.0

Collodii ad 20.0

M.D.S. Лак, суртиш учун.

Елимлар. Елимлар рух оксиди, желатин, глицерин ва таркибидаги сув моддалари сақлайдиган дорилар сифатида ишлатилади. Елимлар яра сатҳини ташқи таассуротлардан ҳимоя қилиб, тўқима озиқланниши (трофикасини), қон айланиш ҳолатини яхшилайди, шиш, қичишиш каби аломатларни йўқотади, грануляцион тўқималар, қийин битадиган яраларнинг битишига ёрдам беради. Бундай елимлар ичидаги рух желатини ҳимоялаш елими алоҳида ўрин тутади.

Рецепт:

Rp: Zinci oxydati

Jelatinae aa 250.0

Glicerini 60.0

aq. destillarae ad 120.0

M.D.S. Елим, бойлаш учун

Совунлар. Совун сув билан қўшилганда эркин кўринишда бўлган ишқор ажралиб, теридан ажралаётган ёғларни эритади (эмультгирия қиласи). Натижада тери сатҳи кирлардан, микроорганизмлардан, тер ва мойли моддалардан тозаланади. Шундай қилиб, совунлар терини тозаловчи, ёғсизлантирувчи каби таъсирга эга. Болалар дерматологияси амалиётида совунларни кўзғатувчан

таъсирларнинг олдини олиш максадида улар таркибида ёғ моддалари миқдори орттирилган ҳолатларда ишлатилади. Масалан, тухумли, ланолинли, болалар совуни ва бошқалар. Юқорида кўрсатиб ўтилган маҳаллий даволашларда ишлатиладиган дori воситаларининг турлари ўз таркиби, тузилиши, таъсир этишига кўра терида бўлаётган ўзгаришларга ўзига хос кўринишда таъсир кўрсатади. Таъсир этиш хусусиятига қараб бу дori воситалари бир неча гурухларга: яллиғланишга қарши, қичишишни сусайтирувчи, тозаловчи, кератопластик, кератолитик, замбуруғ ва паразитларга қарши ҳамда куйдирувчиларга бўлинади.

Упали сепмалар, ҳўллаб-қуригичлар, чайқатгичли аралашмалар ва қоришмалар терида бўлаётган ўзгаришларга, яллиғланишларга таъсир этади. Ментол, тимол, карбол кислотаси, уксусли эритмалар, хлоралгидрат ва антигистамин дori моддалари эритмалар, малҳамлар шаклида қўлланиб, турли тери касалликларида қичишиш ҳолатини сусайтирувчи таъсир кўрсатади. Олтингугурт, салицил кислотаси ва кортикостероид малҳамлари яллиғланиш ҳолатини ҳамда қичишишни камайтирувчи таъсирга эга.

Тозаловчи ва паразитларга қарши йод, спирт, бор кислотаси, резорцин, тимол, анилин бўёклари, антибиотиклар, сульфаниламид дori моддалари, дерматол, ксероформ, водород пероксида ва бензил-бензоат каби моддалар қўлланилади.

Кератопластик моддаларга салицил кислотаси, олтингугурт, ихтиол, нафталан, АСД-3 фракцияси каби дori моддалари кириб, улар кучсиз кўринишларда (2-3-5 %) тери тузилишини тикловчи сифатида таъсир кўрсатади. Бу моддалар асосан сурункали касалликларни даволашда малҳам ва қоришмалар шаклида қўлланилади. Кератолитик дori моддалари эса аксинча, тери шоҳ қаватини юмшатиш, қипиқланишни камайтириш мақсадида қўлланилиб, асосан гиперкератоз (шоҳ қавати қалинлашиши), паракератоз (дона-дор қават атрофияси), кубус, парапсориаз, ихтиоз, қадоқ ва қўтириш касалликларини даволашда ишлатилади. Паразитар касалликларни даволашда олтингугурт, қатрон, симоб суртмалари (3-5 %), қоришимали чайқатгичлар, замбуруғли касалликларга қарши йод, спирт, салицил кислоталари эритмалари ишлатилади. Тери ўсимтларини куйдириш мақсадида салицил, резорцин, сут, сирка, азот кислоталарининг юқори концентрациядаги турлари ҳамда протаргол, подофиллин ва кумуш нитратлар эритмалари қўлланилади.

МАХСУС ҚИСМ

ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Янги туғилган болалар чақалоқлик (чилла) даври – инсон ҳаётининг илк даври бўлиб, ушбу давр киндик узилиши заҳотиёқ бошланади. Чилла даврида бола организмидаги барча аъзо ва тўқималарнинг ташқи муҳит шароитларига мослашиши юзага келади. Чилла даврининг давомийлиги ўртача 28 кунни ташкил этади. Боланинг ҳомиладорлик даврида тўлиқ ривожланганлиги унинг вазни, бўй узунлиги, функционал белгилари ва танасининг пропорцияларига қараб баҳо берилади. Соғлом туғилган ўғил болаларнинг ўртача вазни 3400-3600 граммни, қиз болаларники эса 3200-3400 граммни ташкил этади.

Бола ҳаётининг илк давридан унинг ташқи муҳит ҳаёт тарзига мослашиши кузатилади, шу сабабли унда ўзига хос бўлган физиологик ва баъзан эса патологик ўзгаришлар юзага келади.

Янги туғилган болалар чилла даври физиологик сариқлиги. Физиологик сариқлик ҳолати янги туғилган чақалоқларнинг деярли 80 %да улар ҳаётининг 2-3 ёки 4-6-кунларидан бошлаб кузатилади. Тери соҳаларининг сарғайиши дастлаб юз, курак соҳаларида кузатилади, кейинчалик эса жараён қўл, оёқ ва баданинг бошқа соҳаларига тарқала бошлайди. Сарғимтирилик даражаси турлича кўринишда намоён бўлади, енгил сарғимтириликдан кучли даражадаги кўринишга 2-3 кундан сўнг этади, кейинчалик эса астасекин жараён сусайиб боради ва тахминан 7-10 кунларга бориб умуман йўқолиб кетади. Физиологик сарғимтирилик ҳолатининг кузатилиши янги туғилган чақалоқларни плацентар кислород билан таъминланишдан ўпка орқали кислород билан таъминланишга ўтиши ва жигарда мавжуд бўлган глюкуронилтрансфераза ферментининг етишмаслиги сабабли вужудга келади. Бу вақтда фетал гемоглобиннинг парчаланиши ва билирубин микдорининг юқори даражада бўлиш ҳолати кузатилади. Физиологик сариқликда ҳеч қандай даво чоралари олиб борилмайди. Агарда сариқлик ҳолати 10

кундан ортиқ бўлган вақт давомида кузатилса, бундай ҳолатларда жигар фаолиятининг бошқа сабабларга кўра сусайиши, деб баҳоланади.

Юмшоқ соchlар (lanugo). Янги туғилган чақалоқлар терисининг барча соҳалари, айниқса, курак, бел, елка юзалари юмшоқ ва майин соchlар билан қопланган бўлади, бундай ҳолат эмбрионал ривожланиш даврининг 6-ойларидан бошланади. Ушбу юмшоқ соchlар бола ҳаётининг биринчи ҳафтасидаёқ тўкила бошлайди. Чала туғилган болаларда эса lanugo ҳолати кўринарли даражада намоён бўлади. Тўкилиб тушган бирламчи соchlар ўрнида кейинчалик иккимичи (доимий) соchlар ўсиб чиқади. Бошнинг сочли қисмида – узун, қош ва киприкларда-калта, бадан, қўл ва оёқларида эса майин соchlар кузатилади. Янги туғилган чақалоқлар бош қисмларида соchlар юмшоқ бўлиб, улар сони турлича кўринишда бўлади: кўп сонли, узун ёки кам сонли. Лекин бундай ҳолат бола ҳаётининг кейинги даврларида мавжуд бўлувчи соchlар характеристини (қалин, сийрак, тўқ рангли бўлишини) белгиламайди. Доимий соchlар характеристини болалар бир ёшлик даврида бўлганларида аниклаш мумкин.

Ёғли ихтиоз (Ichthyosis sebacea). Баъзан янги туғилган чақалоқларда улар ҳаётининг 2-3 кунларида ёғ безларидан кўп микдорда секрет ажralиб чиқиши ва тезда қотиб қолиши ҳолати кузатилади. Натижада болалар тери сатҳи юмшоқ, духобасимон, майин бўлиш ўрнига аксинча қалин, қуруқ, қаттиқ ва қўнгир тусни олади. Ушбу ҳолат патологик ахамиятга эга бўлмасдан, уни ёғли ихтиоз ёки ихтиозсимон тери қуриши, деб аталади. Бундай ҳолатни шу даврда кузатилувчи тугма ихтиоз касллигидан фарқлай билиш лозим. Ёғли ихтиозда болаларнинг умумий аҳволи ўзгармайди, жараён 6-7 кунлардан сўнг катта микдорда пластинкасимон қипиқланиш кўринишини олади ва кейинчалик эса барча белгилар ўтиб кетади. Тери ҳолатини тез вақт ичida нормаллаштириш мақсадида болалар илиқ совунли ванналарди чўмилтирилади, ланолинли кремларни суртиш тавсия этилади.

Пластинкасимон қипиқланиш. Пластинкасимон қипиқланиш ҳолати ёғли ихтиоздан алоҳида бўлган кўринишда ҳам юзага келиши мумкин. Ушбу ҳолат физиологик қипиқланишнинг кучайган шакли ҳолида намоён бўлади. Кепаксимон қипиқланиш 1-2 кун ичida йирик пластинкали қипиқланишга алмашинади, 2 ҳафталар давомида эса катта микдорда мугуз қаватнинг кўчиши ҳолати

(desquamation lamellosa) кузатилади. Даволаш мақсадида болалар кунига 2-3 маротаба илиқ ванналарда чўмилтирилади, сўнгра эса ланолин ёки болалар кремини суртиш тавсия этилади. Қипиклар тўла кўчиб тушгандан сўнг болалар териси соғайиб, нормал терига айланади.

Ёғли кисталар (milia). Ёғли кисталар ёғ безларининг гиперсекрецияси туфайли секретнинг қотиб қолиши оқибатида юзага келади. Чақалоқларда ёғ безларининг сони катталарга нисбатан 4-8 баробар кўп бўлиб, улар ҳажмининг кичиклиги, бир бўлмачали бўлиши ва юзаки жойлашганлиги билан фарқланади. Секретор бўлмачаларнинг атрофияси ҳолати ва йўқолиб кетиши болалар ҳаётининг 1 ёшлик даври охирларида юз беради. 2 ёшдан бошлаб эса ёғ безлари суст фаолият кўрсатади, факатгина балоғат ёшига етганда эса улар яна ўз фаолиятини кучайтиради.

Ёғли кисталар ўз вақтида туғилган чақалоқларнинг деярли ярмида кузатилиб, оқиш ёки бироз сарғимтири, нуқтасимон (диаметри 1 мм гача) кўринишларда, юзнинг ёнок, пешона, бурун, бурун-офиз бурмалари, бошнинг энса ва баъзи ҳолатларда эса жинсий олат териси соҳаларида жойлашган тугунчалар кўринишида намоён бўлади. Тошмалар кам ёки кўп сонли бўлиб, асосан гуруҳлашишга мойил бўлади. Гистологик кўрувларда тошмалар таркибида мугуз пластинкаларни тутувчи майдага эпидермал кисталар кузатилади. Тошмалар тахминан 1,5-2 ҳафта давомида сақланиб туради ва кейинчалик эса ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Баъзи болаларда кисталар атрофида гиперемия халқаси кўринишида кучсиз яллигланиш белгилари кузатилади. Бундай тошмалар чақалоқлар ҳуснбузари, деб ҳам номланади. Уларнинг ҳосил бўлишида она организмидан болага ўтадиган жинсий гормонларнинг аҳамияти катта, деб ҳисобланади. Бундай ҳолатларда даво чоралари олиб борилмайди.

Телеангийктазиялар. Нотўғри шаклдаги, ноаниқ чегарали, оч пушти рангли доғлар ёки чизиклар кўринишидаги тери қон томир капиллярларининг кенгайиши телеангийктазиялар, деб номланади. Телеангийктазиялар кўпинча бошнинг сочли қисми энса соҳасида, қовоқлар, бурун усти териси ва юқори лаб соҳаларида жойлашади. Чақалоқлар йиғлаган вақтларда улар тери сатҳидан бироз кўтарилади, бармоқ билан босиб кўрилганда эса йўқолиб, сўнг яна ҳосил бўлади. Янги туғилган чақалоқларда телеангийктазия ҳолати

физиологик ҳолат бўлиб, улар эмбрионал қон томирларинингrudimentar қолдиқлари бўлиб ҳисобланади. Улар 50 % янги туғилган чақолоқларда кузатилиб, кейинчалик эса ҳеч қандай давосиз ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Қовоқлар соҳасидаги телеангиэктазиялар 1-йилнинг охирларида, бурун устидаги телеангиэктазиялар 2-йилнинг бошларида, энса соҳасида телеангиэктазиялар эса тахминан 1 ёш 6 ойлик вақт давомида йўқолиб кетади.

Кўк ёки мўғул доғлари. Мўғул доғи терининг пигментли заарланиши кўринишида намоён бўлувчи, ўз-ўзидан регрессга учровчи физиологик ҳолатдир. Кўк доғлар қора танлиларда, америка ҳиндуларида, шарқ ва кавказ мамлакатларига мансуб оиласларда туғилган чақалоқларнинг 90% дан ортиғида, оқ танлиларнинг эса 5% да кузатилади. Кўк доғлар кулранг-кўкимтири ёки кўк рангда бўлиб, нотўғри шаклда, ноаниқ чегарали бўлади ва тери сатҳидан кўтарилилмайди. Доғлар кам ёки кўп сонли бўлиб, уларнинг диаметри 10 см гача етиши мумкин. Тошмалар кўпинча бел-думғаза, думба, курак соҳаларида жойлашади, баъзан эса юз соҳаларида ҳам кузатилиши мумкин. Тошмалар бармоқ билан босиб кўрилганда йўқолмайди. Доғларнинг ранги дерманинг чуқур қаватларидаги меланоцитларда жойлашган меланин пигментининг микдорига боғлиқ бўлади. Гистологик текширувлар натижасида дермадаги коллаген толаларининг оралиғида майда дисперс меланин пигментини таркибида тутувчи узунчоқ меланоцитларнинг тўпламлари кузатилади. Бундай заарланиш эмбрионал ривожланиш даврида баъзи меланоцит ҳужайралари неврал пластинкадан чиқиб дермо-эпидермал тўсиқдан миграция қила олмаганлиги оқибатида юзага келади.

Кўк доғлар аста-секин очариб, бола ҳаётининг биринчи йилларидан бошлаб то 5-6 ёшгача ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Лекин баъзи ҳолатларда доғлар болалик даврининг охиригача ҳам сақланиб қолиши мумкин.

Ўз-ўзидан ўтиб кетувчи шишлар. Янги туғилган чақолоқлар ҳаётининг биринчи кунларида улар танасининг айrim қисмларида шишлар ҳосил бўлишига мойиллик ҳолати кузатилади. Шишлар аввал жинсий аъзолар соҳаларида кузатилиб, кейинчалик эса қовуқ усти, қориннинг пастки қисми ва тананинг пастки ярмига тарқалади. Заарланган соҳаларнинг ҳажми кичик бўлса, шишлар тез орада орқага қайтиб, бир неча кун ичида йўқолиб кетади. Танага кенг

тарқалған шишилар эса узоқ вақт (2-3 ҳафта) давомида сақланиб туради.

Бундай шишиларнинг ҳосил бўлиш патогенези мураккаб бўлиб, сабаби турлича тушунтирилади. Шишилар - эмбрионал даврда юзага келган сон соҳаларининг сиқилиши ёки туғруқ йўллари орқали ўтаётгандан ҳосил бўлган сиқилишлар оқибатида вужудга келадиган физиологик ҳолатdir. Баъзан шишилар юрак-қон томир, сийдик ажратиш тизимидағи патологик ўзгаришлар, эмбрионал даврдаги инфекциялар, совуқ қотишлар сабабли ҳам юзага келиши мумкин. Ушбу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда уларнинг аниқ сабабини ўз вақтида аниқлаш ва фарқлаш лозим.

Янги туғилган чақалоқлар лимфангиэктатик шиши. Лимфангиэктатик шиш патологик аҳамиятга эга бўлмаган вақтинчалик физиологик ҳолат бўлиб, қўл ва оёқ кафтларининг хамирсимон консистенция кўринишидаги шиши ҳисобланади. Тананинг бошқа соҳалари эса заарланмайди ва жараён ривожланмайди, бир неча ҳафта ёки ойлардан сўнг бундай шишилар ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Ушбу ҳолат асосида лимфа суюқлигини лимфатик тирқишлиарда тўпланиб қолиши ва лимфатик капиллярларнинг ўсиб кетиши ҳолатлари ётади. Туғма лимфангиэктатик шишиларни туғма филоёқлиликдан фарқлаш лозим. Лимфангиэкттик шишда асосан лимфатик қон томирлари ва бириктирувчи тўқималарнинг аномалиялари кузатилади ва bemорларнинг умумий ахволи ўзгармайди. Филоёқлиликда эса асосан тананинг пастки қисми заарланиб, консерватив даво чоралари кам самара беради. Даволаш асосан жарроҳлик йўли билан амалга оширилади.

Токсик (аллергик) эритема. Токсик эритема 20-30% янги туғилган чақалоқларда кузатилувчи ҳолат бўлиб, чақолоқлар ҳаётининг 2-4 кунларида юзага келади. Токсик эритема болаларда ўз вақтида ёки чала туғилиш ҳолатидан, уларни туғилиш вақтидаги вазнларидан қатъий назар кузатилади. Тери соҳаларида жараён тезда сўрилиб кетадиган, эритематоз доғлар асосида жойлашган полиморф, айлана шаклидаги, оч сариқ ёки оқиш рангдаги тугунчалар ёки қаварчиқлар кўринишида намоён бўлади. Баъзан фақатгина қизил рангли доғлар кузатилади. Доғлар ҳажми 1-3 см бўлиб, шакли нотекис, қизил ранги атроф терисидан енгил ажралиб туради. Тошмалар бир-бирига қўшилиши мумкин. Бармоқ билан босиб кўрилганда эритема очлашиб, остидаги тўқималар бироз

қаттиқлашгандек бўлади. Тошмалар бола баданининг олдинги ва орқа соҳаларида, баъзида эса юз тери соҳаларида жойлашади. Кўл ва оёқ кафтлари, шиллиқ қаватлар заарланмайди. Заарланиш ўчоқларидан олинган биоптатда доимо ўзига хос бўлган эозинофиллардан ташкил топган инфильтратлар аниқланади. Касаллик бир неча соатдан бир неча кунгача давом этади, оқибати яхши кечади, қичишиш ҳолати эса кузатилмайди, кейинчалик эса тошмалар қипиқланиш ва пигментациясиз сўрилиб кетади. Юз соҳасида жараён кўп сонли тошмалар кўринишида ва конъюнктивит ҳолати билан кечса, у ҳолда токсик эритема қизамиқ касаллиги билан таққосланади. Токсик эритеманинг келиб чиқиши сабаблари ва патогенези охиригача ўрганилмаган. Ушбу ҳолатга норма ва патология чегарасида турувчи, секин таъсир этувчи аллергик реакция сифатида қаралади. Даво чоралари олиб борилмайди, лекин тошмалар кўп сонли бўлган ҳолатларда эса глюконат кальций, димедрол, маҳаллий – пуфакчали ва йирингчали тошмалар юзасига 1 %ли бриллиант кўки эритмасини суртиш тавсия этилади.

Омфалит. Меъёрий ҳолатда болаларда киндик найининг мумлашган қолдиғи бола ҳаётининг 1-ҳафтаси охирида узилиб тушади. Унинг ўрнида қолган киндик жароҳати эпителизацияланади, грануляцияланади ва бола ҳаётининг 2-ҳафтаси охири ва 3-ҳафтасининг бошларида эса чандикланиб битиб кетади. Киндик найининг қолдиғи ва киндик жароҳати стафилококк, стрептококк, ичак таёқчаси, кўк йиринг ва дифтерия таёқчалари билан зарарланган ҳолатларда эса унинг битиши секинлашади.

Катарал омфалитда (сувланувчан киндик) киндик жароҳатининг ёмон битиши, сувланиши, сероз ёки серозли-йирингли суюқликнинг ажралиб чиқиши, қатқалоқлар ҳосил қилиши, эрозияланиши, қонаши, шиши ва қизариши каби ўзгаришлар кузатилади. Катарал омфалит нисбатан енгил яллиғланадиган жараён бўлиб, унинг кечишида беморларнинг умумий аҳволи ўзгармайди, тана ҳарорати меъёрида, иштаҳаси яхши сакланган бўлади. Баъзан киндик жароҳатидан ажралаётган йирингли суюқлик бурмалар оралиғида йиғилади ва бундай ўзгариш киндик пиореяси, деб номланади. Киндик жароҳатининг узоқ вақт давомида битиши оқибатида унинг асоси яраланади ва тубида ҳосил бўлган грануляциялар киндик фунгуси, деб номланувчи қўзиқоринсимон ўсма ҳосил қиласи. Киндик соҳасидаги ҳар бир, ҳатто енгил яллиғланиш жараёни ҳам

албатта ўзига шифокор эътиборини тортиб, ўз вақтида самарали даволаш ўтказилишини талаб қиласи. Чунки бола организмида химоя воситаларининг сустлашиши, микроорганизм вирулент-лигининг ошиши ва патологик жараённинг кенгайиб тарқалиши, баъзида эса сепсис ҳолати кузатилиши мумкин.

Яллиғланиш жараённинг киндик атрофидаги тери ва тери ости ёғ қаватига тарқалиши омфалитнинг ривожланишига олиб келади. Заарланган терида шиш, гиперемия ва инфильтрацияланиш ҳолати кузатилиб, киндик жароҳатидан нурсимон тарзда чиқсан кўк ингичка чизиқларни, кенгайган юзаки веналарни кўриш мумкин бўлади. Кўпинча кўк чизиқлар ёнида қизил чизиқлар (лимфангит, кенгайган артериялар) ҳам кузатилади. Беморларнинг умумий ахволи ўрта оғирликда ёки оғир кечади, бу эса безовталаниш, тана вазнининг камайиши, юзаки нафас олиш, тана ҳароратининг кўтарилиши ($37,2\text{--}37,5^{\circ}\text{C}$) каби ҳолатлар кўринишида намоён бўлади. Касалликнинг сепсис ёки перитонит ҳолатига ўтиш хавфи мавжуд бўлади. Киндик жароҳатининг стрептококклар томонидан заарланиши эса киндик сарамасининг ривожланишига олиб келади. Киндикнинг энг хавфли жароҳати бу киндик гангренаси хисобланади. Бунда киндик атроф тери юзаси, унинг остидаги тўқималар, қорин девори ва ичакларнинг заарланиши ва парчаланиши ҳолати кузатилади ва касаллик ўлим ҳолати билан якун топиши мумкин.

Даволаши. Катарал омфалитда ҳар куни киндик жароҳатини 3 % водород пероксида эритмаси билан ювиб, қуритиб, ультрабинафша нурлар билан нурлантириб турилади. Маҳаллий 1-2 %ли бриллиант кўкининг спиртли эритмаси, 2-5 %ли кумуш нитрат эритмаси ёки 5 %ли калий перманганат эритмалари билан артиш тавсия этилади. Киндик фунгусида грануляциялар ляпис қаламчаси билан куйдирилади ёки жарроҳлик йўли билан даволанади. Касаллик оғир кечадиган ҳолатларда маҳаллий давонинг ўзи кифоя қилмайди ва қўшимча умумий даво чоралари тавсия этилади. Беморларга антибактериал даво ўтказилади, стафилококка қарши бўлган дори воситаларидан гамма-глобулин ёки полиглобулинлар белгиланади. Бемор болалар оналарига А, С, В гурухи ва РР витаминлари тавсия этилади.

Профилактикаси. Туғруқхонада бола туғилган заҳотиёқ профилактик чоралар олиб борилиши лозим. Киндик найининг қолдиғи

ҳар куни 3 %ли водород пероксида ва 5% калий перманганат эритмалари билан артиб турилади, йоднинг 5 %ли спиртли эритмаси ёки 1 %ли анилин бўёқлари эритмалари суртилади.

Тери ости ёғ қаватининг ўчоқли некрози (адипонекроз) чақалоқлар ҳаётининг 1-2 ҳафталарида юзага келади. Адипонекроз белгилари кўпинча тўла тўғилган болаларда кузатилади. Касалликни келиб чиқишида болага туғруқ вақтида тиббий анжомлар ёки акушерлик манипуляциялари ўтказилиши жараёнида етказиладиган жароҳатлар сабаб бўлади. Ҳозирги вақтда касалликка тери ости ёғ қавати, яъни ёғли тўқималарининг эссеңциал касаллиги, деб қараляпти. Янги туғилган чақалоқлар тери ости ёғ қаватининг кимиёвий таркиби катта ёшдаги болаларнидан ҳамда катталарнидан фарқ қиласди, унинг таркибида пальмитин ва стеарин ёғ кислоталарининг миқдори кўп ва олеин ёғ кислоталарининг миқдори эса кам бўлади. Шунинг учун уларда кўпинча тери ости ёғ қавати ретикуло-гистиоцитар тўқималарининг функционал ўзгаришлари кузатилади.

Жароҳатланиш асосан бел, думба, елка, бош соҳаларида ва кам ҳолатларда эса қўл, оёқ ва юз соҳаларида кузатилади. Тери ости ёғ қаватида қаттиқ, чегараланган инфильтрат ёки тугунлар ҳосил бўлиб, уларнинг қалинлиги 1-2 см, диаметри 1-2 см дан 4-5 см гача, баъзан эса ёш болалар кафти катталигигача бўлади. Инфильтратлар устидаги тери соҳалари оддий тери рангидаги ёки сиёх ранг-қизил рангда бўлиб, кейинчалик уларнинг ранги очаради. Инфильтратлар оралиғидаги тери сатҳлари ўзгармайди. Баъзида инфильтратлар пайпаслаб кўрилганда бироз оғриқ кузатилади, кейинчалик улар юмшоқлашади ва марказий қисмидан ёрилиб оқиш қатиқсимон суюқликнинг ажралиши кузатилади. Гистологик текширувларда тери ости ёғ қаватининг тарқоқ некрози, реактив яллигланиши, эпителиал ва гигант ҳужайраларнинг аниқланиши кузатилади. Беморларнинг умумий аҳволи ўзгаришсиз бўлади. Касаллик яхши окибатли кечади. Инфильтратлар 3-5 ойлардан сўнг ўз-ўзидан изсиз сўрилиб кетади. Камдан-кам ҳолатларда иккиламчи инфекцияларнинг қўшилиши ва кальцификация ҳолати кузатилади. Айрим bemorларда жараён тузалгандан сўнг чандиқлар қолиши мумкин.

Касаллик янги туғилган чақалоқлар тери ости ёғ қаватининг абсцесси билан таққосланади. Бундай ҳолатларда bemorларнинг умумий аҳволи оғир бўлиб, инфильтратлар устидаги тери соҳаси

қизарган, ўчоқлар устидаги маҳаллий ҳарорат баланд, аниқ флюктуация ҳолати кузатилади, жаррохлик муолажалари ўтказилгандан сўнг эса чандиқли ўзгаришлар қолади. Бундан ташқари касалликни склерема ва склередемалардан фарқлаш лозим. Ушбу ҳолатларда жараён тезда тарқалиб, терининг диффуз каттиқлашиши (айниқса, склеремада), чакак ва бўғим соҳаларининг ҳаракатсиз бўлиб қолиши кузатилади.

Даво чоралари олиб борилмайди. Жараённинг сўрилишини таъминлаш мақсадида иссиқ муолажалар ўтказилади. Пахта билан қуруқ боғламлар, соллюкс, УВЧ қўлланилади. Беморларга 1-2 ой давомида ичишга Е витамини, 2-3 ҳафта давомида эса преднизолон дори воситаси (1 кг тана вазнига 1 мг дан) буюрилади.

Склередема – шиш ҳолатининг ўзига хос шакли бўлиб, бунда жароҳатланган тўқималарнинг қаттиқлашиши кузатилади. Склередема чақалоқ ҳаётининг 2-4 кунларидан бошлаб, кўпинча чала туғилган ва нимжон бўлган гўдакларда кузатилади.

Касалликнинг этиологияси ва патогенези охиригача ўрганилмаган. Касалликнинг келиб чиқишида гўдакларнинг узоқ вақт паст ҳароратли мухитда қолиб кетиши ва совуқ қотиши сабаб бўлади. Шунингдек, чақалоқларнинг шиш ҳолатларга мойиллиги ва тери ости ёғ қавати кимёвий таркибининг ўзига хослиги ҳам мухим аҳамият касб этади. Склередема касаллигининг юзага келишида организмда сув алмашинувининг нерв системаси орқали бошқарилишининг ўзгариши, капилляр қон томирлари деворларининг юқори ўтказувчанлиги, чала туғилган гўдакларда эса тери ва тери ости ёғ қавати гистологик тузилишининг якунига етмаганлиги каби омиллар мухим аҳамият касб этади. Склередема касаллигини ривожланишига юқумли касалликлар, септик ҳолат, етарли бўлмаган озиқланишлар, ўпка ателектази, юракнинг туғма нуқсонлари каби патологик ҳолатлар таъсир кўрсатади. Касалликнинг оқибати хавфли бўлиб, уни натижалари ўтказилаётган даво муолажаларининг жадаллиги ва самарасига боғлиқ бўлади.

Заарланган тери соҳалари пайпаслаб кўрилганда тери ва тери ости ёғ қаватининг хамирсимон кўринишдаги соҳаларининг тез орада қаттиқлашиши кузатилади. Тери соҳаларининг заарланиши болдири ёки сон соҳаларидан бошланиб, кейинчалик оёқ кафти, қовуқ, жинсий аъзолар ва тананинг бошқа соҳаларига тезда тарқалади. Касалликни оғир кечадиган ҳолларида тана тери

соҳалари тўлиқ патологик жараёнга жалб этилади, беморларнинг умумий аҳволи оғирлашади, уларда холсизлик, гипотермия, брадикардия, иштаҳанинг сустлашиши каби ҳолатлар кузатилади. Касалликнинг таққослов ташхиси склерема ва адипонекроз каби касалликлар билан ўтказилади.

Даволаи. Энг аввало bemor болаларни эҳтиёткорлик билан кувезга жойлаштириб, иссиқ ванналар (39°C), соллюкс, резинали иситгичлар ёрдамида аста-секин иситиш лозим. Юракка таъсир этувчи дори воситалари фақатгина ичишга буюрилади, чунки тери остига юбориладиган дори воситалари сўрилмай қолиши мумкин. Гемотрансфузиялар (25-30 мл дан кунора), гамма-глобулин, аевит инъекциялари (0,1 мл дан кунига 2 маҳал мушак орасига) яхши самара беради. Даволаш жараёнида антибиотиклар (пенициллин, ампиокс) ва кортикостероид дори воситаларидан преднизолон (1 кг тана вазнига суткасига 1-2 мг миқдорида) қўлланилади. Тери ва тери ости ёғ қаватининг қаттиқлашиши ва шиши камайганда преднизолон миқдори аввал камайтирилиб, кейин эса умуман бекор қилинади. Профилактик чораларни ўтказиш мақсадида янги туғилган чақалоқларни совук қотишдан сақлаш лозим, агарда ушбу ҳолат рўй берган бўлса, мушак орасига аевит 0,1 мл дан кунига 2 маҳал 5-7 кун давомида юбориш ва bemor гўдакларни иситиш тавсия этилади.

Склерема касаллиги чала туғилган, нимжон гўдакларда сувсизланиш ва ориқлашиш оқибатида кузатиладиган ўта оғир касаллик бўлиб ҳисобланади.

Касалликнинг этиологияси ва патогенези номаълум. Склередема касаллигининг юзага келишига сабабчи бўлган барча омиллар сувсиз склерема касаллигининг ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этиди, лекин инфекцион омилларнинг таъсири бу касалликда кўпроқ бўлиши қайд этилади. Склерема касаллиги чақалоқлар ҳаётининг 3-4 кунларидан ривожланиб, юз, болдир ва тананинг орқа соҳаларида тери ва тери ости ёғ қаватининг тарқоқ қаттиқлашиши кўринишида кечади. Касаллик оғир кечадиган ҳолатларида, жараён тез орада бадан, кўл, думба ва сон соҳаларига тарқалади. Заарланган ўчоқлар кўкимтири ёки бироз сарғимтири тусда бўлиб, атрофияланади. Пайпаслаб кўрилганда ўчоқлар совук, қаттиқлашган бўлиб, бурмалар ҳосил қилмайди, бармоқ билан босиб кўрилганда эса склередемадан фарқли ўлароқ бармоқ излари қолмайди. Касаллик белгилари билан қўл ва оёқ кафтлари, moyяк, жинсий олат

соҳалари заарланмайди. Беморлар қўл ва оёқларида ҳаракат чекланади, гипертонус ҳолати кузатилади. Юз соҳалари ниқобсимон бўлган кўринишда ўзгаради, пастки жағлар ҳаракатсизланади. Склерема ва склередема касалликларини бир вақтнинг ўзида ҳам кузатиш мумкин, бундай ҳолатларда уларни бир-биридан фарқлаш қийинчилик туғдиради.

Касалликни даволаш ва профилактика чоралари ўтказиш худди склередемадагидек олиб борилади. Касалликнинг оқибати жуда ҳам жиддий бўлиб, склередемага нисбатан оғирроқ кечади ва касаллик кўпинча ўлим билан якунланиши мумкин.

Бичилиш. Бичилиш ишқаланишга ва тирналишга мойил бўлган тери соҳаларининг чегаралангандан яллиғланиши бўлиб, кўпинча иккиласми инфекциялар билан асоратланади.

Касаллик вужудга келишида янги туғилган чақалоқлар қарамоғининг нотўғрилиги, уларни кам чўмилтириш, улар ҳолатини узоқ вақт ўзгартирмаслик, иссиқ хоналарда қалин чойшаблар билан ўраб-чирмаш, кийим-бош ва чойшабларини ишқорий ва айниқса, синтетик кир ювиш воситалари билан ювиш, қўпол, терини заарловчи тагликлардан фойдаланиш, сийдик ва ахлат билан мацерацияланиши (айниқса, диспепсик ўзгаришлар) оқибатида юзага келади. Бичилишлар бир тарафдан себореяли дерматит касаллиги билан, бошқа тарафдан эса баъзи бир инфекцион касалликлар билан (стрептодермия, микозлар) боғлиқликда бўлиши мумкин.

Касаллик белгилари асосан табиий бурмалар, бўйин, қўлтиқ ости, қулоқ супраси орқа соҳалари, чов, сон бурмалари, жинсий аъзолар ва думба соҳаларида жойлашади. Заарланиш жараёнининг интенсивлигига кўра бичилишлар З даражага бўлинади: I даражада – енгил, заарланган ўчоқларнинг бироз қизариши ва тери бутунлигининг бузилмаганлиги билан характерланади; II даражада – ўрта оғирликда, яққол қизаришлар ва эрозиялар кузатилади; III даражада – оғир, яққол қизариш, эрозияларнинг бир-бирига қўшилиши оқибатида кучли сувланиш ва юзаки яраланиш ҳолатлари кузатилади.

Бичилишларни даволашда энг аввало уларни келтириб чиқарадиган сабабларни йўқотиш, чақалоқлар қарамоғини яхшилаш, санитария ва гигиена қоидаларга риоя қилиш лозим. Чақалоқларни ҳар бир пешоб ва ахлат келганидан сўнг ювинтириш лозим. Кийимларини тез-тез, чойшабларини эса ҳар соатда алмаштириб

туриш керак. Беморларга калий перманганат эритмаси билан ванналар (сув ҳарорати 36-37°C) қилиш, маҳаллий эса ҳаво ванналарини ўтказиш тавсия этилади. I даражали бичилишларда талк-дерматол (3-5 %), рух оксиди, оқ лойдан тайёрланган упалар сепиш ва ўсимлик ёғини суртиш буюрилади. II даражали бичилишларда индифферент чайқатмалар (сувли ёки ёғли), 1-3 % кумуш нитрат эритмасини суртиш ва сунгра эса талк-рух оксиди упаларини сепиш орқали даволанади. III даражали бичилишларни даволашда эса аввал 2-3 кун давомида маҳаллий совуқ ҳолдаги 0,5 % резорцин, 0,25 % кумуш нитрат эритмалари билан намлаш, сўнгра анилин бўёқлари билан ишлов берилади ва Лассар ёки рух пасталарини суртиш тавсия этилади. III-даражали бичилишларни «очик усул» билан даволаш ҳам яхши самара беради. Ўткир яллигланиш ва сувланиш белгилари камайганидан сўнг ультрабинафша нурлари билан даволаш тавсия этилади.

Касаллик профилактикаси. Янги туғилган чақалоқларга қаровчи тиббиёт ходимлари ва оналар билан доимий сухбатлар ўтказиб туриш лозим. Бу борада касаллик сабабларини, бола ҳаётининг биринчи кунларидан мухим рол ўйновчи санитария-гигиена коидаларини, диспесик ҳолатларнинг олдини олувчи рационал озиқлантиришлар ва кун тартибларини тушунтириш лозим.

Себореяли дерматит чақалоқлар ҳаётининг 1-2 ҳафталари охирларида, баъзан 1-ойлари охирларида, камдан-кам ҳолатларда эса 3 ойлик даврларида юзага келади. Касалликнинг енгил, ўрта оғир ва оғир шаклларда кечиши қайд этилади. Касалликни енгил шаклида патологик жараён думба соҳаларида қизариш ва енгил маддаланиш кўринишида бошланиб, бир неча кун давомида тананинг пастки қисми табиий бурмаларга (чов, сон) ва кам ҳолларда эса тананинг юқори қисми табиий бурамаларига (бўйин, қўлтиқ ости, кулоқ супраси орқа соҳаси) тарқалади. Ўчоқларнинг атрофида усти кепаксимон қипиқлар билан қопланган лентикуляр ва нуммуляр характерга эга, тарқоқ ҳолдаги доғли-тугунчали тошмалар кузатилади. Беморларнинг умумий ахволи ўзгаришсиз бўлади, баъзан bemор болаларда диспесик ўзгаришлар: қусиши ва ич кетиши ҳолатлари кузатилади.

Касалликнинг ўрта оғирликдаги шаклида барча табиий бурмалarda қизариш, маддаланиш, мацерацияланиш ва атрофида эса қипиқланиш ҳолатлари кузатилади. Тез орада қизариш ва

қипиқланиш ҳолати беморларнинг бадан соҳаларига, кўл ва оёқларига тарқалади. Кўпинча бемор чақалоқларда бошнинг сочли қисми заарланади, маддаланган ва қизарган ўчоқлар асосида қалин қипиқ ва қатқалоқлар жойлашиши қайд этилади. Беморларнинг умумий аҳволи ўзгаради, уларда диспепсик ўзгаришлар кузатилади: тез-тез қусиш ва ич кетиши (суткасига 3-4 мартағача) ҳолатлари безовта қиласиди. Чақалоқларда нотинчлик, уйқунинг бузилиши, иштаҳани сустлашиши каби ҳолатлар кузатилиб, катарал отит белгилари намоён бўлади.

Себореяли дерматит касаллигининг оғир шаклида эса тери соҳаларининг кенг қамровли (2/3 қисми) заарланиши, қизариши, маддаланиши, кепаксимон кўринишдаги қипилар билан қопланиши кузатилади. Бошнинг сочли қисмларида қизариш-маддаланиш асосида қалин қатқалоқлар ҳосил бўлади. Барча ҳолларда bemорларнинг умумий аҳволи оғир бўлиб, безовталик, уйқунинг нотинчлиги, анорексия, диспепсик ўзгаришлар, қахексия, гипохром камқонлик ҳолатлари кузатилади. Касаллик пневмония, отит каби касалликлари билан асоратланади. Коннинг биокимёвий таркиби таҳлил қилинганда bemорлар қонида диспротеинемия ҳолати кузатилиб, умумий оқсил, альбуминлар миқдорининг камайиши, глобулинлар миқдорининг эса ошиши ҳолати қайд этилади. Себореяли дерматит касаллигининг ушбу клиник шаклиниң кечиши ва белгилари қўпинча дескаматив эритродермия касаллиги белгиларига ўхшашиб бўлади. Лекин касалликнинг клиник кечишини кузатиш тўғри ташхис қўйишга асос бўлади, чунки умумий клиник белгилар ва лаборатор ўзгаришлар дескаматив эритродермия касаллигига нисбатан камроқ намоён бўлиб, тез вақт давомида нормаллашади.

Даволаи. Касалликнинг оғир ва ўрта оғир шакларида комплекс даво чоралари ўтказилиши лозим. Бу борада қисқа курсли (5-7-10 кунлик) антибиотикларни қўллаш, плазма, албумин, глюкоза ва аскорбин кислоталарини қўйиш, гамма-глобулин, В гурӯҳ витаминаларини (B1,B6,B12) мушак орасига юбориш, С ва B2 витаминаларини ичиш, фермент дори воситаларини (пепсинли хлорид кислотаси, ошқозон шираси, панкреатин) қўллаш тавсия этилади. Себореяли дерматит касаллигининг енгил шакларида маҳаллий давонинг ўзини қўллаш етарли бўлади. Маҳаллий анилин бўёқларининг 1-2 %ли сувли ёки спиртли эритмалари, нафталан

малҳами, гормонал қрем ва малҳамлар суртилади. Беморларнинг умумий аҳволи ва теридаги патологик жараёнлар яхшилангач, барча bemorlarغا 10-15 кун давомида УБН билан билан муолажа ўтказилиши тавсия этилади. Бу тадбирларни ўтказилиши билан бир пайтда албатта, чақалоқлар она сути билан озиқлантирилишлари лозим.

Лейнер-Муссунинг дескваматив эритродермияси. Ушбу касалликка илк бор 1905 йилда француз педиатри Moussous ва 1907 йилда эса Австрия педиатри Leiner лар томонидан таъриф берилган.

Хозирги вақтгача касаллик себореяли дерматитнинг камдан-кам учровчи тарқоқ ва оғир шакли сифатида қараб келинмоқда. Лекин касалликнинг тез ривожланиши, теридаги патологик жараённинг ўткир яллигланиш кўринишида бўлиши, диспептик ўзгаришларнинг кўринарли даражаларда бўлиши, касалликнинг асоратли ва йўлдош касалликлар иштироқида кечиши ҳамда токсик-септик ҳолатларнинг юзага келиши бундай фикрларнинг аксини кўрсатади, бу эса дескваматив эритродермия касаллиги алоҳида касаллик эканлигини исботлайди.

Дескваматив эритродермия касаллигининг ривожланишида йирингли ва ачитқили инфекцияларни сенсибилизацияловчи омил мухим аҳамият касб этади. Беморларда оқсил, углевод, ёғ, витамин ва минерал моддалар алмашинувининг бузилиши ҳолати қайд этилади. Она сути таркибида, bemorlar қони ва сийдигида биотин витамин моддасининг микдори камлиги аниқланади, даво чораларини ўтказилишида эса ушбу витаминни қўллаш яхши самара беради. Гистологик ва биокимёвий изланишлар натижасида bemorlar ингичка ичак ворсинкаларининг атрофияси ва фибрози, ишқорий фосфатаза ва глюкозидаза ферментлари фаоллигининг сустлиги кузатилади. Ушбу омилни ёғ-оқсил алмашинувига, ёғларнинг ичакларда сўрилишига, ошқозон ости безидаги липаза ва амилаза ферментлари фаоллигининг сусайишига таъсир этади, қон зардобида эса Е витамин микдорининг ҳам камайишига ва охироқибатда эса терида дескваматив эритродермия касаллигининг юзага келишига сабабчи бўлади.

Касаллик белгилари чақалоқлар туғилганидан сўнг 1 ойликдан 3 ойликкача бўлган давр давомида кузатилади, bemor болалар терисининг барча соҳаларида қизариш, маддаланиш ва қипиқланиш ҳолатлари кузатилади. Жараён аввал думба, чов бурмалари

соҳаларидан бошланиб, тез орада тананинг барча бошқа соҳаларига тарқалади. Бошнинг сочли қисми, пешона ва қовоқларда оқишсарғимтири тусли, ёғли қатқалоқлар ҳосил бўлади, бемор болаларнинг юзи никобсимон кўринишда бўлади. Бошнинг тепа ва чакка соҳаларида қатқалоқларнинг кўчиши ва соchlарнинг тўкилиши bemорларни вактинчалик калликка олиб келади. Тананинг пастки соҳаларидаги бурмаларда шиш, гиперемия, мацерацияланиш, сувланиш каби ҳолатлар кузатилади. Уларнинг марказида узоқ вақт давомида битмайдиган чукур ёриқлар ҳосил бўлади. Баъзи bemорлар тирноқларида кўндаланг жойлашган чизиқлар пайдо бўлади.

Теридаги патологик жараённинг тарқоқ кўринишда кечиши ва оғир диспептик ўзгаришларнинг бўлиши, гипотрофия, анемия, гипоалбуминемия, диспротеинемияларни кузатилиши ҳисобига bemорларнинг умумий аҳволи оғирлашади. Кўпинча иккиламчи асоратланишлар ва йулдош касалликлар (отит, пневмония, абсцесс, флегмона, лимфаденит, йирингли конъюнктивит, блефарит, кўз шох пардаси ксерози, пиелонефрит) қўшилиши кузатилади. Беморларда эрта даврларданоқ рапит касаллиги ривожланади. Овқат ҳазм қилиш тизимидағи ўзгаришлар ҳисобига bemорларда суткасига 3-7 марта қусиши, 4-10 марта ич кетиши ҳолатлари кузатилади, натижада бу ўзгаришлар оқибатида III даражали гипотрофия ҳолати вужудга келади.

Лейнернинг дескваматив эритродермия касаллигини туғма ихтиоз, Риттернинг эксфолиатив дерматити, себореяли дерматит касалликлари билан таққослаш лозим. Туғма ихтиоз белгилари bemорларда туғилган заҳотиёқ намоён бўлиб, уларда турли аномалиялар, кўл ва оёқ кафтларида кератодермиялар кузатилади. Риттернинг эксфолиатив дерматитида кенг қамровли эрозиялар ва «мусбат» Никольский белгилари қайд этилади. Себореяли дерматит касаллигининг кечиши эса бироз енгил бўлиб, клиник ва лаборатор белгилар секин-аста ривожланади.

Касалликни авж олган босқичида инфекция ўчоқлариiga қарши курашиш мақсадида рационал антибактериал даво чораларини ўтказиши зарур ҳисобланади. Беморларга бензилпенициллиннинг натрийли тузи 100000 ТБ дан (1кг тана оғирлигига) кунига, ҳар 4 соатда, шунингдек, ярим синтетик антибиотиклардан ампиокс, линкомицин, цефалоспоринларни 10-15 кун давомида юбориш тавсия этилади. Организмнинг умумий ҳимоя воситаларини кучайтириш мақсадида

гемотрансфузиялар, γ -глобулин, полиглобулин, альбуминлар буюрилади.

Энг оғир ҳолларда токсикоз ва эксиқоз ҳолатини камайтириш учун регидратацион даво (вена ичиға 5-10 % глюкоза, гемодез, 5 % альбумин юбориши) чоралари олиб борилади. Оғир токсиқо-септиқ ҳолатларда эса глюкокортикоид даво воситаларидан преднизолон ёки урбазонлар 0,5-1,0 мг тана вазнига нисбатан қунига берилади, 10-12 кун давомида қўлланилади, уларнинг микдори олинган ижобий самара даражасига қараб аста-секин камайтирилиб борилади ва кейинчалик эса умуман бекор қилинади..

Беморларга қўшимча витаминлар, фермент дори воситалари, эубиотиклар ва пробиотиклар тавсия этилади. Бемор чақалоқларни она сути билан озиқлантириш муҳим аҳамият касб этади. маҳаллий дезинфекцияловчи ва кератолитик дори воситалари, айникса, анилин бўёқлари суртилади, антибактериал ва гормонал малҳамлар қўлланилади. Касаллик оқибати жиддий бўлиб, оғир даражада кечадиган ҳолатларда ўлим ҳолати кузатилади.

Болаларда Лейнернинг дескваматив эритродермия касаллигини олдини олиш антенатал даврдаёқ бошланиши лозим, ҳомиладор аёлларни оқсил, ёғ, минерал тузлар, витаминларга бой бўлган таомлар билан озиқлантириш ҳомиладорликнинг яхши кечиши ва бола организмининг соғлом ривожланишига таъсир кўрсатади. Ҳомиладорлик даврида аёлларга 1 ой давомида (1,5-ойлик танаффуслар билан) генdevit, унdevit поливитамин препаратларини қунига 2-3 мартадан ичиш тавсия этилади.

ТЕРИНИНГ ЙИРИНГЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Умумий маълумотлар

Терининг йирингли касалликлари тери касалликлари орасида энг кўп тарқалган касаллик бўлиб, учраш частотаси бўйича катталарда ҳам болаларда ҳам биринчи ўринда туради ва улар дерматозларнинг 25-60 %ни ташкил этади. Касалликнинг вужудга келишида асосий ўринни стафилококклар, стрептококклар эгаллайди. Бундан ташқари терининг йирингли касалликлари замбуруғлар, гонококклар, вулгар протейлар, пневмококлар, ичак таёқчаси ва бошқа микроорганизмлар таъсирида ҳам вужудга келиши мумкин. Пиодермия касаллигининг у ёки бу клиник шаклининг келиб чиқишида нафақат қўзғатувчи мироорганизмлар патогенлиги ва вирулентлиги, балки штаммлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Пиодермия касалликларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ташқи (экзоген) ва ички (эндоген) омилларга боғлиқ. Ташқи омилларга терининг ифлосланиши, ҳар хил кўзга кўринмас тасиротлар (майда шикастлар), терининг ишқаланиши ва шилиниши, терининг совуқ олиши ёки ҳаддан ташқари исиб кетиши мисол бўла олади. Айниқса, катта ёшдаги инсонларга хос касбга алоқадор ифлосланишлар: бензин, керосин, ёғловчи суюқликлар, оҳак, бўёқ ва лаклар пиодермия касаллигига энг кўп сабаб бўладиган омиллардир. Ёш болаларни ҳаддан ташқари ўраб- chirмаш, совуқ олдириш, ювинтириш қоидаларига риоя қиласлик ҳамда янги туғилган чақалоқлар киндик ярасининг узоқ муддат битмаслиги, тер ва ёғ безлари фаолиятининг бузилиши, терлаш ҳолатлари шундай касалликларнинг вужудга келишида сабабчи омил бўлиб ҳисобланади.

Пиодермия касаллигининг ривожланишида ички омиллардан гиповитаминос ҳолати, ошқозон-ичак фаолиятининг издан чиқиши, модда алмашинувининг бузилиши, стероид дори воситалари ва иммунодепрессантларни узоқ муддат қабул қилиш ҳолатлари сабабчи бўлади. Йирингли коккларга нисбатан инсон организми иммунитети қисқа муддат давом этади, кўпинча эса унинг акси аллергик жараёнлар рўёбга чиқиши мумкин. Шуни таъкидлаб ўтиш

лозимки, болаларда пиодермия касаллигининг келиб чиқишида улар терисининг анатомо-физиологик хусусиятлари алоҳида ўрин тутади. Бу борада болалар териси физиологик хусусиятларининг ҳали яхши такомиллашмаганлиги ва ривожланмаганлиги, улар териси ҳимоя воситаларининг заифлиги, тери қатламларининг нозиклиги, юпқалиги, абсорбция ҳолатининг юқори бўлиши ҳамда осмотик ҳолатининг нотурғунлиги каби ҳолатлар касаллик келиб чиқишида муҳим ўрин тутади. Пиодермия касаллигининг ягона, кўпчилик эътироф этадиган таснифи йўқ. Ҳозирги кунда пиодермия касаллигини асосан уларни қўзғатувчи сабабларига қараб стафилококкли, стрептококкли ва аралаш турларга бўлинади. Касалликни жойлашиш ҳолати бўйича эса юзаки ва чуқур, кечиши бўйича ўткир ва сурункали турлари тафовут этилади. Страфилококкли пиодермия касаллигига касаллик белгилари асосан чуқур жойлашиб, соч фолликулалари ва ёғ безлари атрофида йирингли тошмалар кўринишида бўлади. Яллиғланиш жараёни йирингли ва йирингли-некротик табиатга эга бўлиб, чуқур ўзгаришлар билан кечади. Асосий тошма элементлари йиринг ва йирингчалардан иборат бўлиб, улар ярим айлана шаклида, пардаси қалин, ичи қуюқ ва сарғимтир-яшил рангли йиринг билан тўлган пуфаклар кўринишида бўлади. Страфилодермияларда кузатиладиган тошма элементлари тери қатламларида чуқур жойлашганлиги ва тери ҳосилаларининг жараёнга жалб этилинганлиги учун улардан кейин иккиламчи чандиқлар ёки чандиқли кемтиклар қолади. Баъзан страфилодермиялар терининг юзаки қаватларини заарлаши мумкин, бундай ҳолатларда эса тери ҳосилаларининг заарланиши кузатилмайди. Страфилодермиялар бемор организмининг умумий ҳолатига ҳам таъсир этиб, умумий ҳароратнинг кўтарилиши, ҳолсизлик каби белгиларни яққол намоён этади. Касаллик қўпинча сепсис ҳолати билан асоратланади. Болаларда эса касаллик белгилари асосан юзаки жойлашиб, юзаки йирингчалар кўринишида намоён бўлади ва жараёнга соч фолликулалари ва ёғ безлари жалб этилмайди.

Стрептококкли пиодермияларда касаллик белгилари юзаки жойлашган бўлиб, йирингли ўчоқлар тез катталашишга, атроф тери соҳаларига тарқалишга мойил бўлади. Стрептодермияларда кузатиладиган йирингли пуфак ва пуфакчалар тери сатҳи бўйлаб тез тарқалишга мойил бўлганлиги сабабли халқ орасида бу касаллик сачратки, деган ном билан юритилади. Стрептодермияларнинг

асосий клиник белгиси сероз йириングли суюқлик билан тўлган пуфаклар шаклида намоён бўлади. Жараёнга соч-ёғ безлари фолликулалари, тер безлари жалб этилмайди. Тошма элементлари ясси шаклли, ингичка деворли, бурушқоқ кўринишда, таркибида эса йириングли экссудат тутувчи юзаки йирингчалар шаклида (фликтена) намоён бўлади. Тошмалар юзаки бўлиб, эпидермис соҳасида жойлашганлари учун улардан кейин иккиламчи доғланишлар қолади.

Стафилококкли пиодермиялар

Стафилококкли пиодермиялар ичида кўп тарқалган касаллик турларига остеофолликулит (соch ва ёғ безлари чиқарув йўлининг яллиғланиши), фолликулит (сизлоғич), фрункул (чиқон), карбункул (хўппос), гидраденит (сувли чиқон), сикоз (йириングли ҳуснбузар) каби касалликлар киради.

Болаларда эса янги туғилган чақолоқлар эпидемик чилла яраси, кўп сонли болалар сохта чиқони (псевдофурункуллёз), ёш болалар сув чиқони (перипорит), Риттернинг эксфолиатив дерматити, янги туғилган чақолоқлар буллёз импетигоси каби турлари кўп кузатилади.

Остеофолликулит. Соch толалари чиқарув қисмининг юзаки йириングли яллиғланиши остеофолликулит, деб аталади. Соch фолликулаларининг йириングли яллиғланиши ёғ безлари чиқарув йўлининг ҳам яллиғланишига олиб келади. Соch толалари атрофидаги йирингчалар тариқ ва тўғноғич катталигида бўлиб, яллиғланган ингичқа қизил рангли ҳошия билан ўралган бўлади. Жараён бироз оғриқ билан кечиши мумкин, улар чегараланган, айrim вақтларда эса тарқоқ кўринишларда кечади. Бир неча кунлар ўтгандан кейин эса соch толалари атрофидаги йирингчалар йирингчали қатқалоқларга айланади ва кейинчалик иккиламчи доғлар ҳосил қилиб йўқолиб кетади.

Фолликулит (сизлоғич). Соch толаси қинининг 2/3 қисмининг йириングли яллиғланиши фолликулит, деб аталади. Дастлаб терида пушти ёки қизил рангли, оғрийдиган тугунчалар пайдо бўлади, улар кейинчалик тезда чуқур йирингчаларга (пустулалар) айланади. Одатда йирингчаларнинг ўрта қисмида соch толаси кўриниб туради. Тахминан 5-6 кунлар ўтгандан кейин йирингчалар қуриб, устки

қисми йирингли қатқалоқ билан қопланади ва кўпинча улар ўрнида чандиқчалар қолади.

Фурункул (чиқон). Соч толаси ва унинг атроф биритиравчи тўқимасининг йирингли-некротик яллиғланиши фурункул, яъни чиқон, деб аталади. Касалликни қўзғатувчиси тилла ранг стафилококк бўлиб, айрим ҳолларда оқ рангли стафилакокклар ҳам ҳисобланади. Касалликнинг вужудга келишига микротравмалар, кийимлар билан ишқаланишлар, қашланишлар каби ҳолатлар омилкор бўлиб ҳисобланади, бундай ҳолатлар эса инфекцияларнинг кириши учун кириш деворларини ҳосил қиласди. Касаллик асосан ошқозон-ичак тракти, қандли диабет, асаб ва эндокрин касалликлари, сурункали алькоголизм, анемия ва гиповитаминон касалликлари билан хасталанганди, доимий совуқ қотиш ва иссиқ таъсирида бўлган инсонларда кузатилади, бунга сабаб ушбу гурӯҳ инсонларда иммун-химоя тизими сусайган бўлади. Одатда чиқон фолликулит ёки остеофолликулитлардан кейин бошланади. Фурункул касаллигини кечишида 3 та босқич тафовут этилади: инфильтрация, йирингли-некротик яра ва чандиқланиш босқичлари. Дастрлаб соч фолликуласи атрофида тўқ қизил рангли, оғрувчан, қаттиқ инфильтрат ҳосил бўлади. Инфильтрат аста-секин катталашиб, атроф тўқимага тарқалади, қаттиқ тугун шаклини олади, унинг ҳажми катталаша бошлайди, чуқурлашади ва оғриқ ҳолати кузатилади. Касалликнинг бундай кўриниши фурункулнинг дастрлабки, яъни инфильтрация босқичи, деб баҳоланади. Инфильтрат ҳажми тахминан 2-3 диаметрга етиб, ўртасида йирингли-яллиғланиш-ўзак ҳосил бўлади, унинг устида эса йирингча кузатилади, касалликнинг бундай кўринишдаги кечиши касалликнинг 2 босқичли йирингли-яллиғланиш босқичи, деб аталади. Бу вақтга келиб беморлар аҳволи оғирлашади, тана ҳарорати $37-39^{\circ}$ гача етиб, уларда интоксикация ҳолати кузатилади. Кейинчалик эса йирингча қобиги ёрилиб унинг таркибидан йирингли ёки қон аралаш йирингли ажратма ажрала бошлайди. Йирингли ўзакни олиб ташлангандан кейин эса улар ўрнида чуқрлик қолади, бу чуқрлик кейинчалик грануляцион тўқима билан тўлади, тахминан 2-3 кунлардан кейин улар ўрнида чандиқ ҳосил бўлади ва касаллик тугалланади. Умуман олганда фурункул жараёнининг кечиши тахминан 7-10 кун давом этади.

Карбонкул (хўппос). Карбонкул бир неча соч толаларининг йирингли-некротик яллиғланиши бўлиб, жараён дерма ва гиподерманинг чуқур соҳаларининг жалб этилиши билан кечади. Касалликни тилларанг стафилококклар чақиради, жараён асосан бўйин, орқа тана ва бел соҳаларида кузатилади. Карбонкул жараёнининг бошланишида аввал ўчоқларда бир нечта йирингли тугунчалар ҳосил бўлади, кейинчалик улар бир-бири билан қўшилишиб битти катта инфильтратга айланади. Инфильтратлар ҳажми болалар кафти ҳажмида, ҳаттоқи ундан ҳам катта ҳажмларда бўлади, қизил кўкимтири тус олади, улар сатҳи таранглашади ва оғриқ кузатилади. Касалликнинг бундай қўринишда кечиши унинг инфильтратли босқичи, деб аталади ва у тахминан 8-12 кун давом этади. Кейинчалик инфильтратни тешилиши натижасида унинг ўрнида бир нечта тешиклар ҳосил бўлиб, улардан кўкиш рангли, йирингли-некротик ва қонли-йирингли ажратмалар ажралади. Улар ўрнида чуқур, катта ҳажмдаги чуқур яралар ҳосил бўлади, касалликнинг бу босқичи йирингли-яллиғланиш босқичи, деб номланиб, тахминан 2-3 ҳафта давом этади. Кейинчалик яралар ўрни қўпол чандиқлар ҳосил қилиб битиб кетади.

Гидраденит (сувли чипқон). Гидраденит апокрин тер безларининг йирингли яллиғланиши бўлиб ҳисобланади. Касаллик белгилари эркак ва аёлларда балоғат ёшига етгандан сўнг кузатилиб, асосан қўлтиқ ости соҳаларида бир томонлама, чов соҳаларида, кўкрак бези сўрғичлари атрофида, катта жинсий лаблар, ёрғоқ ва анал соҳаси атрофларида кузатилади. Ўчоқларда дастлаб тери остида катталиги нўхатдек келадиган оғрикли тугунлар (ёки тугунлар) пайдо бўлади, уларда кузатиладиган кучли оғриқ натижасида bemорлар ҳаракати чегараланади. Сўнгра тугунлар катталашиб ҳажми ёнғоқ катталигига бўлади. Тугунлар устидаги тери яллиғланиб юпқалашади, ранги қизил, тўқ қизил, кўкимтири қизил тусни олади ва ниҳоят тугун ёрилади ва ундан кўп микдорда нохуш ҳидли йиринг ажралиб чиқади. Тугунлар ёрилгандан кейин ўчоқлардаги таранглик, оғриқ камаяди, бир неча кунлардан сўнг яралар чандиқ ҳосил қилиб битиб кетади. Касалликнинг кечиши умумий аҳволнинг ўзгариши, тана ҳароратининг кўтарилиши, кучли оғриқ ва ҳаракатнинг чегараланиши қўринишларида кечади. Баъзан сувли чипқон тугуни ёрилмаслиги ҳам мумкин. Бу вақтда бошланган

даво натижасида тугун юмшаб кичрая бошлайди ва кейинчалик эса сўрилиб кетади.

Сикоз (йирингли хуснбузар). Сикоз терининг сурункали-қайталама кечадиган стафилококкли касаллиги бўлиб, асосан эркакларда кузатилади. Касалликнинг вужудга келишида нейроэндокрин тизимидағи ўзгариш ҳолати алоҳида ўрин тутади. Сикоз касаллигининг бошланишида соқол-мўйлаб олиниши жараёнида вужудга келадиган микротравмалар, юқори лаб ва бурун соҳаларидағи шамоллашдан сўнг кузатиладиган ишқаланишлар ва бошқа тирналишлар муҳим ўрин тутади. Бошқача қилиб айтганда стафилококкли инфекция таъсирига нисбатан организмда юқори сезувчанлик ҳолати вужудга келади. Дастрлаб, беморларнинг соқол ва мўйлаб ҳамда бошнинг сочи қисмларида, айрим ҳолларда эса қўлтиқ ости ва қов соҳаларида остеофолликулит ва фолликулитли тошмалар пайдо бўлади. Тошмалар атрофида қаттиқ инфильтратлар вужудга келади, кейинчалик эса улар ранги қизил кўкимтирирангда бўлган плакчаларга айланади, оғриқ, ачишиш безовта қиласи. Ўчоклар ҳажми аста-секин катталаша боради ва йиринглардан иборат ўрамани ташкил этади. Бу ўрама қобиғи кейинчалик ёрилади ва сатҳи йиринглар билан ёпишган қобиғлар билан қопланади. Ўчоклардаги соч толалари, туклар юлиб кўрилганда уларнинг илдиз қисмида йиринг билан қопланган муфталар кузатилади. Касаллик сурункали-қайталама кўринишида кечиб, беморлар руҳиятини сезиларли даражада заарлайди, уларда қичишиш, оғриқ каби салбий ҳолатлар кейинчалик безовталиқ, хархаша ва тажанглик каби аломатларни юзага келтиради.

Эпидемик чилла яра. Янги туғилган чақолоқлар юқумли касаллиги бирдан тери соҳаларида йирингли тошмалар тошиши ва тарқалиши кўринишида намоён бўлади. Касаллик қўзғатувчиси бўлиб тилларанг стафилококк ҳисобланади. Касаллик асосан туғруқхоналарда кузатилади. Тиббий ходимларнинг санитария-гиgiene қоидаларига риоя қилмасликлари, шахсий гигиена талабларига эътибор бўлмаслиги оқибатида касаллик ривожланади. Инфекция ўрта тиббий ходим хизматчилари томонидан улар қарамоғида бўлган, янги туғилган чақолоқларни биридан иккинчисига тарқатилади, натижада қисқа вақт ичida эпидемиологик ноxуш ҳолат вужудга келади. Касаллик тарқатувчиси бўлиб инфекцияни

ташиб юрувчи тиббий ходимлар ва чақолоқларнинг оналари ҳам ҳисобланади.

Патологик жараён чақолоқлар тери соҳаларида серозли-сариқ суюқлик сақлайдиган нўхат ёки олча катталигида бўлган пуфакчали тошмалар тарзида бошланади, бир неча соат вақт ўтгандан сўнг эса бундай тошмалар ҳажми катталаша бошлайди, улар такиби йирингли тус олади. Натижада bemор болалар аҳволи ўзгаради, безовталана бошлайдилар, уларнинг тана ҳароратлари кўтарилади. Вақт ўтиши билан йирингли пуфаклар ҳажми катталашади, қобиғи йиртилиб тўқ қизил рангли, ҳўлланган, қичиидиган эрозияларни ҳосил қиласи. Касаллик ўчоқлари асосан қорин, кўкрак, бел, думба ва қўл-оёқ тери соҳаларида кузатилади. Жараён айрим пайтларда оғиз, бурун, кўз ва жинсий аъзолар шиллиқ қаватларига ҳам тарқалиши мумкин. Заиф ва чала туғилган чақолоқларда эса касаллик белгилари тез тарқалишга мойил бўлиб, уларда ҳароратнинг юқори даражада кўтарилиши, уйқунинг бузилиши, безовталаниш, иштаҳанинг йўқолиши, лейкоцитоз, ЭЧЖ юқори даражага кўтарилиш ҳолатлари кузатилади. Бундай ҳолатларда bemорлар кўпинча зотилжам, отит каби касалликлар билан асоратланади. Касаллик ўхтин-ўхтин қўзғалиш билан кечади, агарда жараён асоратсиз кечса, ўртacha 3-5 ҳафта давом этади.

Юқумли чилла яра касаллигини захм пуфакчаларидан фарқлай билиш лозим. Захм касаллигига пуфакчали тошмалар асосан қўл ва оёқ кафти соҳаларида жойлашган бўлиб, пуфакли тошмаларнинг остида қаттиқ мадда кузатилади. Пуфакли тошмалар қобиғи қийин ёрилувчан, серозли, айрим ҳолларда эса қонли кўринишда бўлиб, улар таркибида касаллик қўзғатувчиси рангиз трепонемалар топилади, бундан ташқари bemорларда туғма захмнинг бошқа белгиларини ҳам кузатиш мумкин бўлади.

Кўп сонли болалар сохта чипқони (псевдофурункулёз). Янги туғилган чақалоқлар, эрта болалик давридаги болалар эккрин тер безларининг чиқарув йўлларига ёки уларнинг ўрамаларига инфекция кириб қолиши натижасида кўп сонли болалар сохта чипқони касаллиги кузатилади. Касалликнинг вужудга келишида чақолоқ болаларни тоза тутмаслик, иссиқ ўраш, тагликни вақтида алмаштираслик, нотўғри ёки ёмон овқатлантириш ҳолатлари сабабчи бўлиб ҳисобланади. Касаллик эккрин тер безларининг йирингли яллиғланиши билан ўтади. Бу касалликда ёғ безлари ва соч

толаси яллиғланиш жараёнига жалб этилмайди, шунинг учун ҳам бу касалликнинг номи «сохта чипқон», деб аталади. Тошмалар асосан бошнинг энса, бўйин териси соҳаларида, қўл ва оёқларда ҳамда думба соҳаларида кўпроқ жойлашади. Агарда эккрин тер безларининг чиқарув соҳаларида йирингли-яллиқланиш ҳолати кузатилса, у ҳолда ўчоқларда юзаки йирингчалар (перипоритлар) пайдо бўлади, кейинчалик улар тезда қобиғ ҳосил қилиб, қуриб изсиз йўқолиб кетади. Агарда йиринглаш жараёни без ўрамаларини ёки асосий без йўлларини жалб этган бўлса, у ҳолда ўчоқларда нўхат, ўрмон ёнгоғи катталигидаги кўплаб тугун ва тугунчалар ҳосил бўлади. Тугунлар қаттиқ инфильтратланган, кескин чегаралган қизил-кўкимтири рангли кўринишларда бўлади. Тез орада бу тугунлар юмшайди ва ўртасидан ёрилиб, суюқ қон аралаш йиринг ажралиб чиқади ва жараён чандик ҳосил қилиб битиб кетади. Касалликнинг кечиши жараёнида бемор болалар ахволи оғир бўлмайди, тана ҳарорати кўтариilmайди.

Сохта чипқон касаллигининг асл чипқон касаллигидан фарқи шундаки, касалликда «некротик ўзак» кузатилмайди. Перипоритлардан фарқи бу касалликда тер безларининг чиқарув тешигигина йирингли яллиғланади, шу сабабли у енгилроқ кечади. Фрункулёз касаллигидан сохта чипқон касаллигининг фарқи шундаки, бу касалликда тошмаларнинг кўп бўлмаслиги, ўткир яллиғланиш кўринишида кечиши, некротик ўзакнинг мавжудлиги ва марказида соч толаларининг кузатилиши қайд этилади. Фрункулёз касаллигига гўдак болаларнинг ҳарорати $38\text{-}39^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши, bemorlar иштаҳасининг йўқолиши, ориқлай бошлиши, диспепсия ва гипотрофия ҳолатлари кузатилади. Гўдакларнинг жигар ва талоғи катталашиши мумкин. Қонда анемия, лейкоцитоз, ЭЧТ ошади ва соатига 30-40 мм га етади. Сийикда оқсил, лейкоцитлар, эритроцитлар ва цилиндрлар топилади. Қисқаси сепсис ҳолати кузатилади, шу сабабли тез даво чоралари ўтказишни талаб қиласи.

Ёш болалар сув чипқони (перипоритлар) чақалоқ ҳаётининг 3-5-кунларида ривожланади. Касаллик белгилари бошнинг сочили қисмида, бурмалар соҳасида, қўл ва оёқларда пайдо бўлиб, асосан йирингчалардан иборат бўлади. Тошмалар атрофидаги терида яллиғланиш белгилари кўзга ташланади. Йирингчалар кўп сонли бўлиб, улар кетма-кет пайдо бўлади. Янгилари пайдо бўлиши билан бир қаторда эскилари қуриб қотаверади. Қатқалоқлар остида бир

вақтнинг ўзида эпителийланиш жараёни кузатилади. Гистологик жиҳатдан сув чипқонида эккрин тер безларининг оғзида яллиғланиш кузатилганлиги туфайли бу касаллик перипорит ҳам дейилади. Мазкур дерматоз асоратсиз кечганда ўрта ҳисобда 3-10 кун давом этади, умумий ҳароратнинг унча юқори бўлмаган кўтарилиши (субфебрилитет) билан ўтади. Баъзи болаларда оғир кечиши мумкин. Бундай ҳолларда тер безларининг атрофини мадда боғлайди, безнинг барча қисмлари заарланиб, йирингли ўчоқлар шаклланади. Жараён ҳам чуқур тўқималарда, ҳам тери сатҳи бўйлаб тарқалиши мумкин. Страфилококклар гематоген ва лимфоген йўллар билан тарқалиб, ички аъзоларни, сув тизимини заарлайди. Натижада септикопиемия ҳолати ривожланади. Сув чипқони пневмония, отит ва камқонлик (нормохром ва гипохром) каби асоратларни қолдиради. Перипоритлар янги туғилган чақалоқларда кузатиладиган страфилодермияларнинг энг кўп учрайдиган хили бўлиб, улар барча страфилодермияларга нисбатан 33% ни ташкил этади.

Риттернинг эксфолиатив дерматити. Касаллик илк бор пра-
галик шифокор-педиатр Риттер фон Риттерсгайн томонидан 1878
йилда таърифланган. Тилларанг страфилакокклар касалликнинг
кўзғатувчиси бўлиб ҳисобланади. Риттер дерматити билан янги
туғилган чақалоқлар чилла яраси ўртасида узвий боғлиқлик
борлигини айrim муаллифлар қайд этиб ўтадилар. Касалликнинг
дастлабки белгилари янги туғилган чақалоқларда оғиз атрофида
кўринарли қизариш билан бошланади, кейинчалик жараён тезда
бўйин, киндик, жинсий аъзолар ва анал атрофи соҳаларига туша
бошлади. Бундай қизариш асосида катта, таранг гумбазли пуфаклар
ҳосил бўлади, кейинчалик бу пуфаклар ёрилиб, ўзидан кейин кенг
қамровли эрозия юзаларини ташкил қиласи. Тери кучсиз механик
тасиротлар натижасида кўчиб туша бошлади. Ёрилиб кўчган
эрозияли ўчоқлар чети эпидермис қисмини пинцепт ёрдамида
тортилганда, соғлом тери юзаларининг кўчиш ҳолати кузатилади
(Никольский мусбат белгиси). Кўчиб тушаётган тери пилакчалари
баргни эслатгани учун у баргсимон кўчадиган дерматит номини
олган. Тугруқхоналарда юқумли яра эпидемик тус олган пайтларда
Риттер дерматитига энг заиф чақалоқлар чалиниб қоладилар.
Чақалоқларнинг ёши билан касалликнинг кечиши ўртасида маълум
боғланиш бор: дерматит чақалоқлар ҳаётининг 3-5-кунларида
бошланса, оғир ўтади. Ҳаётининг 3-ҳафтасида Риттер касаллигига
чалинган чақалоқларда эса касаллик нисбатан енгил ўтади.

Касалликнинг кечиши З босқич кўринишида намоён бўлади: эритемали, эксфолиатив (баргсимон) ва регенератив босқичларида. Эритемали кўринишида касалликнинг кечиши тарқоқ, қизариш, шиш ва пуфакли тошмаларнинг пайдо бўлиши билан бошланади, эпидермис қаватида ва унинг остида пайдо бўлган экссудат эпидермиснинг қипиқланишига ва уни кўчишига сабабчи бўлади. Иккиламчи босқичида эса ҳосил бўлган эрозиялар атрофга кенгайишга ва қўшилишга мойил бўлади. Касалликнинг бу босқичдаги кечиши жуда оғир бўлиб, bemor болалар худди қайноқ сувда куйиб қолган ҳолатни эслатади. Беморларда тана ҳароратининг кўтарилиши, диспептик бузилишлар, анемия, гипотрофия, лейкоцитоз, юқори ЭЧЖ ва озиб кетиш ҳолатлари кузатилади. Баъзи болаларда пиелонефрит ривожланиши мумкин. Риттер дерматитида шиллик қаватлар кандидози, пневмония, тери остида йирингли ўчоқлар пайдо бўлиши, отит, йирингли конъюнктивит каби асоратлар кузатилади. Касалликнинг оғир ва асоратлар билан кечиши чақалоқларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Касалликнинг учинчи босқичида эса қизариш, шиш ва атрофга тарқалиш ҳолатлари тўхтайди, эрозия соҳалари эпитилизацияланади. Касалликнинг кечиши тахминан 10-14 кунлар давом этади.

Янги туғилган чақолоқлар буллёз импетигоси. Буллёз импетиго касаллигини чақолоқлик даврида кузатиладиган эпидемик чилла яра касаллигининг енгил шакли, деб қаралади. Касаллик тана тери соҳаларида, оёқ ва қўл соҳаларида катталиги нўхат катталигидан олхўри катталигигача бўлган, таркибида сероз ёки серозлийиринг тутган, қобиғлари таранг кўринишида бўлган алоҳида жойлашадиган пуфакли тошмалар тошиши билан кечади. Тошмалар катталашишга ва атроф тери соҳаларига тарқалишга мойил бўлади. Пуфакли тошмалар ёрилиб, сатҳи юзаки қатқалоқлар билан қопланади, кейинчалик эса бу қатқалоқлар қуриб тушиб кетади ва улар ўрнида вақтинчалик пигментли доғлар қолади. Касаллик кўп ҳолларда яхши кечади, bemor болалар умумий аҳволи ўзгармайди.

Стрептококкли пиодермиялар

Стрептодермия касаллигининг энг кўп учрайдиган клиник шакларига импетиго (ширинча), бўшлиқли импетиго (офиз бичилиши), интэртригиноз стрептодермия, вулгар эктима (кўзяра), оддий темираткилар киради.

Стрептококкли импетиго (ширинча) тери нинг энг кўп тарқалган йирингли касаллиги бўлиб, бу касалликда тери соҳаларида дастлаб яллиғланган доғли тошмалар тарзида пайдо бўлади, улар сатҳида бир неча соатлар ўтгандан сўнг эса тўғноғич катталигида бўлган юмшоқ қобиғли пуфакчалар (флектеналар) пайдо бўлади. Пуфакчаларнинг атрофи қизариб, ҳажми катталашиб боради. Флектеналар қобиғи бурушқоқ ва ёрилувчан бўлиб, улар таркибида йирингли ёки қонли суюқлик кузатилади, кейинчалик улар юпқа қалинликдаги қатқалоққа айланади. Қатқалоқлар кейинчалик кўчиб тушиб кетади ва улар ўрнида иккиламчи доғланиш кузатилади, атрофия ёки чандиқлар эса ҳосил бўлмайди. Флектеналар асосан тери сатҳига алоҳида-алоҳида бўлиб тошади, лекин улар атрофга кенгайишга ва қўшилишга мойил бўлади, бундай ҳолатларда улар ҳалқасимон шаклни олади. Тошмалар кўпинча тананинг очиқ тери соҳаларига тошади, баъзан тошмалар беморлар юзини бутунлай қоплаб олиши мумкин, натижада улардан йирингли-сероз суюқлик ажралиб туриши кузатилади, касалликнинг «ширинча» номи ана шундан келиб чиққан. Касаллик давомийлиги ўртача 2-3 ҳафтани ташкил этади, bemorlarning umumiy axvoli deyrali ўзгармайди.

Бўшлиқли импетиго (офиз бичилиши). Стрептодермия касаллигининг клиник шаклларидан бири бу бўшлиқли импетигодир. Касаллик белгилари асосан оғиз бурчаги, бурун қаноти соҳаларида ёки кўзнинг ташқи бурчаклари соҳаларида кузатилади. Оғиз бурчаги соҳасида дастлаб юмшоқ қобиғли пуфакча пайдо бўлади, кейинчалик у ёрилиб, чуқур бўлмаган ёриқни ҳосил қиласди. Ўчоқлар сатҳи қизил-сарғиш қатқалоқлар билан қопланади. Жараён ачишиш, оғриқ ва қичишиш каби аломатлар билан кечади. Бемор болалар тишларида кариэнсинг мавжудлиги, ринит ва конъюнктивит касалликларининг кузатилиши, болаларнинг лаб бурчаги соҳасини доимий равишда ялашлари натижасида эса касаллик узоқ вақт давом этиб, ёрикларнинг битиши қийинлашади. Умумий сочиқлардан, идишлардан фодаланилганда ва ўпишганда касаллик соғлом инсонларга юқиб қолиши мумкин. Бўшлиқли импетиго касаллиги оғиз бурчаги кандидози ва иккиламчи захмнинг эрозияли тугунчалари билан тафовут этилади.

Интертригиноз стрептодермия. Интертригиноз ёки оралиқ стрептодермия касаллиги катталарда қўлтиқ ости, қорин, чов-сон, думба, кулоқ орти ва кўкрак бези соҳалари оралиғларида

кузатилади. Болаларда эса жараён асосан семиз, терлайдиган, диатез ва диабет касалликлари билан хасталанган bemорларда намоён бўлади. Касаллик бурамалар соҳаларига дон ёки тўғноғич катталигига бўлган кўп миқдордаги флексиналарнинг тошиши кўринишида бошланади. Кейинчалик флексеналар бир-бирлари билан қўшилишиб катта ҳажмдаги сатҳи ҳўлланадиган, қизил рангли эрозияларни ҳосил қиласи, ўчоқлар четлари тугмачалар кўринишида бўлиб, улар соҳасида эпидермиснинг кўчган қисми кўтарилиб туриши кузатилади. Ўчоқлар атрофига алоҳида жойлашган йирингли тошмалар кузатилади. Бурамалар тубида чуқур ёриклар пайдо бўлади натижада bemорларни оғриқ, ҳаракатни чегараланиши, қичишиш каби аломатлар безовта қиласи. Касаллик узоқ вақт салбий шикоятлар асосида кечади. Оралиқ стрептодермия касаллиги бурмалар кандидози касаллигидан фарқланади, бу касалликда пуфакчалар таркибида суюқлик ва ҳосил бўлган қатқалоқлар сариқ рангда бўлмайди ва ўчоқлар таркибида ачитқили замбуруғлар топилиши касалликка тўғри ташхис кўйишга асос бўлади.

Вулгар эктима (кўзяра). Вулгар эктима касаллиги стрептодермияларнинг чуқур дермал нофолликуляр яраси бўлиб ҳисобланади. Дастреб касаллик белгиси пуфакча ёки фолликула олди соҳасида йирингчалар пайдо бўлиши шаклида бошланади. Кейинчалик улар сатҳида қат-қат кўринишли қатқалоқ билан қопланади. Касалликда кузатиладиган пуфакчалар (флексеналар) тери пўсти остида жойлашган бўлиб, яллиғланиш жараёни бутун дерма соҳасини эгаллаб олади. Пуфакча ва йирингчаларни қоплайдиган қатқалоқлар очилганидан сўнг чуқур яра ҳосил бўлади. Бу яранинг туби тери ости ёғ қаватигача етади, шунинг учун ҳам бу ярани «кўзяра» деб аталади. Яранинг шакли айлана ёки овалсимон, четлари маддалашган бўлиб, тубидан шиллиқли-йиринг ажралиб туради, баъзан эса қонайди. Кўзяранинг чипқондан фарқи шундаки, яра чуқур жойлашган бўлишига қарамасдан деярли оғримайди, ичида ўзаги бўлмайди. Кўзяра ширинчадан секин ривожланиши, яранинг туби йирингдан тозалангач, чандикланиши билан ажралиб туради. Ширинчада эса жараён ўткир кечади, яра ва чандиклар ҳосил бўлмайди. Захм касаллигига захм яраларнинг чети қаттиқ, асосида тўпланаган маддаларнинг ҳам қаттиқ бўлиши уларни вулгар эктимадан фарқлашга асос бўлади. Қолаверса захмга хос бошқа белгилар ва серологик жараёнлар натижалари уни кўзярадан фарқлашда ёрдам беради.

Оддий темиратки. Оддий темиратки касаллиги стрептодермиянинг қуруқ клиник кўринишдаги шакли бўлиб, бунда пуфакча ва йирингчали тошмалар бўлмайди ва намланиш кузатилмайди. Касаллик белгилари асосан мактабгача ва мактаб ёшда бўлган болаларда учрайди. Кўпинча bemor болаларнинг юз, ёноқ, пастки жағ териси соҳаларида яллиғланмайдиган оқиш доғлар пайдо бўлади. Бундай доғлар бадан, қўл ва оёқ тери соҳаларида ҳам кузатилади. Доғлар айланана ва овал шаклида бўлиб, катталиги нўхатдек, баъзан эса тангалар катталигига бўлади. Ўчоқлар четлари чегараланган, оқимтири, қизғиши ёки кулранг, доғларнинг барчаси майда қипиқлар билан қопланган бўлади. Айниқса, бундай доғлар териси қорамтири бўлган болаларда яққол кўриниб туради. Оддий темиратки касаллиги кўпинча баҳор ва куз ойларида пайдо бўлиб, даволанмаса ҳам ўз-ўзидан йўқолиб кетади, бироқ яна пайдо бўлади. Қипиқлар билан қопланган ва яллиғланмайдиган бу доғлар кепаксимон темираткини ҳам эслатади, аммо улардан фарқли ўлароқ, Балцер синамасининг жавоби манфий бўлиб, ўчоқларда замбуруғларнинг топилмаслиги касалликнинг аниқ табиатини аниқлашга ёрдам беради. Касаллик белгилари даволанган сўнг худди витилиго касаллигини эслатадиган кўринишда бўлган иккиламчи оқиш доғлар шаклини олади. Қипиқлардан тозаланган бундай оқ доғлар bemorларнинг ва уларнинг ота-оналарини жуда ташвишга солади. Бироқ касалликнинг фаслга алоқадор кечиши, ўзига хос жойлашганлиги ва кейинчалик йўқолиб кетиши уни витилиго касаллигидан фарқлашга ёрдам беради.

Аралаш пиодермиялар

Аралаш пиодермиялар бир вақтнинг ўзида келтириб чиқарувчи сабабларига кўра стафилакоккли ва стрептококкли бўлади. Ушбу гурӯҳ касалликлари юза ва чуқур кўринишларда кечади. Юза кўринишларда кечадиган касалликларга вулгар импетиго, чуқур кўринишларда кечадиган касалликларга эса сурункали ярали ва ярали-ўсувчан пиодермиялар, шанкрсимон пиодермиялар ва пиоген гранулемалар киради.

Вулгар импетиго касаллиги асосан болаларда учрайди, касалликка олиб келувчи омиллар турли-туман бўлиб, ҳар хил микротравмалар, тери соҳаларининг сўлак ва кўз ёшлари билан

ишиқалиниши натижасида юзага келади. Тошма элементлари асосан оғиз, бурун ва кўз атрофи тери соҳаларида жойлашади. Касаллик-нинг клиник белгилари дастлаб, вулгар импетиго ёки фликтена кўринишларида бошланади, кейинчалик стафилококкли инфекция-нинг қўшилиши натижасида улар таркибидаги суюқлик лойқаланади ва йириングли тус олади, тошмалар бир-бирлари билан қўшилишга мойил бўлади. Кейинчалик тошма элементлари қалин, сариқ ёки яшил-сариқ ранг кўринишларида бўлган қобиғлар билан қопланади. Тахминан 1-2 ҳафталардан сўнг ўчоқлар юзаларидағи йириングли қобиғлар қуриб тушиб кетади ва уларнинг ўрнида иккиламчи вақтинчалик доғланишлар кузатилади.

Сурункали ярали ва ярали-ўсувчан пиодермия касаллиги асосан иммун тизими сусайган, ички аъзолар томонидан сурункали касалликлари мавжуд бўлган, асаб ва эндокрин тизими фаолияти бузилган катта ёшдаги беморларда учрайди. Касаллик дастлаб стрептококкли эктима, кўзяра ёки чуқур инфильтратлар кўринишида бошланади, кейинчалик улар некрозланиб яраларга айланади. Яралар хажми катта, чегаралари қаттиқлашган, йиртилган ва нотекс кўринишларда, тублари эса ғадир-будур кўринишдаги йириングли таркибдан ташкил топган бўлади. Бундай ярали ўчоқлар атрофида чуқур йириングли тошмаларни кузатиш мумкин бўлади. Инфильтратлар тубида бир-бири билан туташиб кетган йириングли бўшлиқлар кузатилади. Қобиғлар остида яралар ривожи давом этиб, атрофга тарқала бошлайди, уларнинг кўриниши ҳар ҳил шаклларда бўлади. Бундай ўчоқлар атрофида янги йириングли тошмалар кузатилади, улар ўз навбатида йириングли-ярали кўриниш олади. Беморларни умумий ҳолсизлик, камқонлик, уйқусизлик ва ўчоқларда кузатиладиган оғриқлар безовта қиласи. Касаллик сурункали кўринишда узоқ ой ва йиллар давом этади, жараён ўчоқлар ўрнида чандиклар ҳосил бўлиши билан якунланади. Бундай яралар юзасида айrim ҳолларда тўқималарнинг сўгалсимон кўринишда бўлган ўсиб кетиши ҳолати кузатилади, натижада жараён бутун яралар юзасини эгаллайди. Касалликнинг бундай кўринишларда кечиш ҳолати ярали-ўсувчан пиодермия, деб баҳоланади.

Шанкрсимон пиодермия касаллиги белгилари асосан жинсий аъзолар соҳаларида, айrim ҳолларда эса юз, қовоқ ва лаб соҳаларида жойлашади. Касаллик белгилари дастлаб, думалоқ ёки овал кўринишларда бўлган эрозия ва яралар шаклида намоён бўлади.

Бундай ўчоқлар чегаралари ҳалқасимон кўринишида бўлиб тери сатҳидан кўтарилиб турди, яралар туви тўққизил рангда инфильтралланган бўлади, улар кўпинча йирингли таркибдан иборат бўлади. Ярали ўчоқлар сони асосан ягона бўлиб, камдан-кам ҳолларда эса улар кўп сонли кўринишларда бўлади. Шанкрсимон пиодермия белгилари ўхашлиги жихатидан захм ярасини эслатганлиги сабабли у билан таққосланади. Бундай ўхашлик кўпинча ташхис қўйилишида қийинчиликлар тугдиради, шунинг учун ҳам бундай ҳолатларда серологик текширувлар асосий ҳал қилувчи ўрин тутади.

Терининг йирингли касалликларини даволаш

Терининг йирингли касалликларини даволашда антибиотиклар, сульфаниламид дори воситалари кенг кўламда қўлланилади. Антибиотиклардан пенициллин, тетрациклин гурухлари кўпроқ наф беради. Таъсир муддати узайтирилган сульфаниламилардан (сульфадиметоксин, сульфомонометоксинлар) йирингли тошмаларнинг тезроқ сўрилиб кетиши мақсадида фойдалинади. Юқумли яра, сохта чипқон каби сепсисга сабаб бўлувчи пиодермияларни даволашда қон препаратлари ёки унинг зардбларини қўйиш, шунингдек, полиглюкин, гемодез каби суюқликларнинг томчилаб қўйилиши касалликларда интоксикация жараёнини пасайтиришга сабабчи бўлади. Сурункали қайталаниб турдиган пиодермияларда даволашда специфик иммун даво воситалари (стафилококка қарши вакцина, анатоксин, антифагин) яхши самара беради. Пиодермия айrim турларида (айниқса, чипқон, сув чипқони) ҳамда кечиккан турларида жарроҳлик усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Терининг йирингли касалликларини маҳаллий даволашда терида кузатиладиган жараёнларнинг табиатига, уларни турларига қараб даволашда турлича ёндашиш лозим. Жумладан, сувланиб, йирингли суюқликлар билан намланган ҳолларида яллиғланиш ўчоқларини бактерицид суюқликлар (резорцин, риванол, Алибур суюқлиги, калий перманганат) билан ювиб тозалаш зарур. Сўнгра антибиотикли малҳамлар суртиш мумкин. Пуфаклар жойлашган соҳаларда эса дастлаб пуфаклар ёриб, яллиғланиш суюқлиги чиқарилади. Кейин Кастелляни эритмаси ёки метилен кўки эритмалари билан ишлов берилади. Ҳали ёрилмаган тугунлар ва

маддалар ихтиол, нафталан малҳамлари ёрдамида юмшатилиб, мадданинг сўрилиши учун имконият яратилади. Терининг сезувчанлиги ошиши билан кечадиган пиодермияларда эса таркибида антибиотиклар сақлайдиган стероид малҳамларни (гиоксизон, лоринден С) қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Янги туғилган чақалоқларда кузатиладиган пиодермияларни даволаш муҳим ва масъулиятли вазифадир. Чақалоқларни бошқа болалардан ажратилган ҳолда алоҳида хоналарда даволаш лозим. Касалликнинг оғир шаклларини даволаш зудлик билан олиб борилиши (айниқса, стафилодермияларни) ва даволаш жараёни комплекс тарзда олиб борилиши лозим. Касалликни қўзғатувчи микроорганизмларга қарши курашиш билан биргаликда гўдак болалар организмининг қаршилик кўрсатиш қобилиятини оширувчи дori воситаларини қўллаш ўлим хавфининг олдини олиш имконини беради. Шунингдек, функционал ўзгаришларга қарши кураш ва моддалар алмашинуvida кузатиладиган нуқсонларни тўлдириш касаллик ва унинг асоратларини тезда бартараф этишга ёрдам беради. Пиодермияларга дучор бўлган чақалоқларни она сути билан озиқлантириш (оналарини эса оқсил, углевод, ёғ, витамин ва микроэлементларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан боқиш) даволашнинг асосий талабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Беморларга антибиотик дori воситалари буюрилганда касаллик қўзғатган микроорганизм турларини ва аниқланган штаммларининг антибиотикларга нисбатан сезувчанлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Кейинги вақтларда пенициллин ва тетрациклин гуруҳларига нисбатан чидамлилиги юқори бўлган стафилококклар штаммларининг қўпайиб бориши кузатилмоқда. Аммо оғир ва асоратлар билан кечаётган пиодермияларда бактериологик текширув натижаларини кутмасдан ўша заҳотиёқ яrim синтетик пенициллинлар гуруҳини (метициллин, оксациллин, диклоксациллин) қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай даво тадбирларининг ўтказилиши bemor чақалоқлар аҳволини енгиллаштириш билан бирга ривожланиши мумкин бўлган сепсис ҳолатини олдини олиш имконини беради. Жумладан, Риттернинг эксфолиатив дерматити касаллигига пенициллин дori воситаларининг юборилиши «эпидермалитик» токсинлар ҳосил бўлиши жараёнини тўхтатади. Бемор чақалоқларга антибиотиклар мушак остига, лозим бўлса томир ичига юборилади.

Умумий таъсирга кучига эга бўлган, организмнинг қаршилик кўрсатиши қобилиятини оширувчи дори воситаларидан γ -глобулин, стафилококка қарши гаммаглобулинлар ва полиглобулинлар bemорларни даволашда яхши наф беради. Дори воситаларининг даво курси мобайнида 2-3 марта юборилиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Страфилококка қарши плазма воситасини юбориш (ҳар 1 кг тана оғирлигига 5-8 мл дан 3-5 марта 2-3 кунлик танаффус билан) қондаги стафилококкларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Токсикоз ҳолатига қарши курашда 5-20% ли глюкоза, гемодез, альбумин, плазма, полиглюкин каби суюқ дори воситалари кутилган натижаларни беради. Маълумки, антибиотикларни узоқ муддат давомида қўллаш натижасида ичакларнинг заарланиши, дисбактериоз ҳолати келиб чиқиши мумкин. Бу ҳол соҳта чипқон ва Риттернинг эксколиатив дерматити касалликларига дучор бўлган гўдак болаларда кўпроқ кузатилади. Бифидумбактерин, лактобактерин каби ферментли дори воситалари эса ана шу дисбактериоз ҳолатини даволашда кенг қўлланилади. Лактобактерин 6 ойгача бўлган болаларда суткасига 1-2 дозадан, бифидумбактерин эса 3 дозадан берилади (доривор модданинг суткалик микдори 2-3 га бўлиб берилади). Даво курсининг давомийлиги 2 ҳафтани ташкил этади. Маҳаллий даво индивидуал олиб борилиши лозим. Перипоритларда йирингли пуфаклар тоза игна ёрдамида очилиб, сўнгра анилин бўёқлари билан ишлов берилади. Айниқса, Кастелляни суюқлиги, метилен кўки каби эритмалар кенг кўламда қўлланилади. Ўчоқлардаги жараён қурий бошлагач, рух оксидининг талк аралашмаси (5-10%) упа кўринишида сепилади. Соҳта чипқон элементлари эса ўткир тиббий пичоқча (скалпел) ёрдамида қирқиб очилади. Очилган чипқон ўчоқларига спиртли, дезинфекцияловчи эритмаларни суртиш эпителийланиш жараёнини тезлаштиради.

Физиотерапевтик усуллардан ультраюқори частотали электр майдони билан даволаш (6-8 даво сеанси) йирингли ўчоқларнинг сўрилишига сабаб бўлади. Касаллик тузалиш арафасида ультрабинафша нурлари билан нурлантириш (15-20 сеанс) йирингли ўчоқларнинг асоратсиз битишига ва чақалоқ организми умумий ҳолатининг яхшиланишига олиб келади.

ТЕРИНИНГ АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРИ

Дерматитлар

Терининг ўткир яллиғланишига дерматит, деб аталади. Дерматит касаллиги механиқ, физик, кимёвий ва биологик омиллар таъсири натижасида вужудга келиб, ташқи ва ички манбаларнинг салбий таъсири натижасида шакланади. Агар оддий дерматитларнинг ҳосил бўлишига ташқи манбалар сабаб бўлса, аллергик дерматитларнинг шаклланишида эса ички манбаларнинг ҳам аҳамияти катта бўлади. Жумладан, овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари (гепатит, гастрит, энтероколит ва бошқалар) аллергик дерматитларнинг ривожланишини тезлаштириб юборади. Мазкур касалликларга ҳали дучор бўлмаган bemорларда, айниқса, ёш болаларда ичаклардаги сўрилиш жараённинг сусайиши муҳим патогенетик роль ўйнайди. Шунингдек, асаб тизими ва ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши, модда алмашинувидаги ўзгаришлар ва иммунологик бузилишлар ҳам маълум аҳамият касб этади.

Дерматитларнинг 3 хил клиник шакллари тафовут этилади, булар оддий (артифициал) контакт, контакт аллергик ва токсикодермиялардан иборат бўлиб, уларнинг бундай кўринишда тафовут этилиши амалиётда катта аҳамият касб этади.

Оддий (артифициал) дерматитларда терининг заарланиши фақатгина ташқи тасиротлар таъсир этган жойдагина кузатилади. Теридағи патологик жараённинг кўринарли даражада кечиши ва уни давомийлиги таъсир этаётган аллергеннинг кучи ва таъсир этиш вактига боғлиқ бўлади. Таъсир этаётган омил таъсири четлатилса жараён кечиши орқага қайтади. Яллиғланишга сабаб бўлган омилларнинг таъсир даражасига қараб заарланган соҳа терисида қизариш ва шиш пайдо бўлиши (эрitemатоз дерматит) ёки тери қизарган жойда пуфакча ва пуфаклар юзага келиши мумкин (буллёз дерматит). Шунингдек, яллиғланиш жараёни яра пайдо бўлиши ва терининг нобуд бўлиши (некроз) билан кечиши ҳам мумкин (некротик дерматит). Бошқача қилиб айтганда, оддий дерматитда

яллиғланиш жараёни одатда ўткир ўтади. Бироқ ёш болаларда оддий дерматитлар кийим-кечак ва пойабзалларнинг, паст ва юқори ҳароратнинг узоқ вақт давомида таъсир этиши натижасида ҳам шаклланади. Бундай оддий дерматитлар одатда сурункали кечади. Сурункали давом этадиган оддий дерматитларда ҳам терининг қизариши, шишиши ва сувчираши, пуфакча, пуфак, шилиниш ва эрозия каби белгилар пайдо бўлади. Аниқ йифилган анамнез, терига таъсир этган омилларни аниқлаш ҳамда клиник кўринишларга асосланган ҳолда оддий дерматитни аллергик сурункали дерматитлардан ажратиш мумкин.

Аллергик дерматит бу организмнинг маълум бир аллерген таъсирига нисбатан бўлган юқори сезувчанлиги тарзида намоён бўлади. Бу вақтда аллерген тери соҳаларининг чекланган соҳасига таъсир этса ҳам бутун организмнинг сезувчанлиги ҳолати ошиши кузатилади. Натижада жараён нафақат аллерген таъсир этган тери соҳасида, балки ундан узоқда бўлган тери соҳаларида ҳам давом этади. Аллергик жараённинг кўринарли бўлиши аллергенни таъсир этиш вақтига ва унинг кучига боғлиқ бўлмайди. Бундай дерматитларнинг клиник белгилари асл полиморфизм билан таърифланади, яллиғланиш жараёни яллиғланган доғ (эритема), пуфакчалар, тугунчалар ва сувчираган соҳалар шаклланиши билан ўтади. Терининг яллиғланишига сабаб бўлган омилнинг турига қараб тошмаларнинг тури ва табиати турлича бўлиши мумкин. Масалан, овқат маҳсулотларининг сенсибилизацияси натижасида шаклланган аллергик дерматитларда кўпинча пушти рангли эритемалар ва пуфакчалар пайдо бўлса, доривор моддалардан пайдо бўлган аллергик дерматитларда эса йирик-йирик пуфаклар ва геморрагик доғлар кўп кузатилади. Умуман олганда аллергик дерматитларнинг икки тури тафовут этилади: контакт аллергик дерматитлар ва токсик аллергик дерматитлар. Контакт аллергик дерматитлар аллергенларнинг терига бевосита таъсир этиши натижасида юзага чиқади. Бунда терининг сезувчанлигини оширувчи моддалар бевосита терининг аллергик яллиғланишига олиб келади. Токсик аллергик дерматитлар аллергенларнинг bemor организмига нафас олиш ва ҳазм йўллари орқали таъсири натижасида, шунингдек, турли-туман кимёвий моддаларни томир ичига ва мушак орасига юбориш оқибатида шаклланади. Токсик аллергик дерматитлар токсидермиялар, деб ҳам аталади.

Токсикодермия бу теридан бошқа йўллар орқали кирган аллерген моддаларига нисбатан организмнинг нафақат юқори сезувчанлик (сенсибилизация) ҳолати, балки заҳарланиш (интоксикация) ҳолати билан намоён бўлишидир. Кўпинча бундай манзара дори воситаларига нисбатан организмнинг жавоб реакцияси жараёни натижасида вужудга келади. Клиник жиҳатидан токсикодермия касаллиги эритема, тугунчали ёки тугунчали-пуфакчали ҳамда пуфакли тошмалар кўринишида намоён бўлади. Кўпинча бундай тошмаларнинг нафақат тери соҳаларига, балки шиллик қаватларга ҳам тарқалиши кузатилади. Айрим ҳолларда токсикодермиялар қандай дори воситаларининг заҳарли таъсиридан сўнг пайдо бўлганлигини аниқлаш мумкин, масалан йод ва бром дори воситалари таъсиридан сўнг тери соҳаларида уларга хос бўлган хуснбузарсимон тошмалар тарзида, ўсимталар ёки тугунлар тарзида намоён бўлади, сульфаниламид дори воситаларидан сўнг эса жараён тўққизил, қўнғирсимон чегараланган ўчоқлар тарзида намоён бўлади. Токсикодермия касаллигининг ўзига хос бўлган клиник шаклларидан бири Лайелланинг токсико-аллергик пуфакли эпидермал некролизи ҳисобланади. Касаллик бирдан тери ва шиллик қаватларда катта ҳажмдаги, тўққизил яллиғланган ўчоқларнинг пайдо бўлиши ҳамда улар асосида эса пуфакли тошмаларнинг кузатилиши билан бошланади.

Пуфакли тошмаларни ёрилиши пўсти тез кўчадиган эрозияларнинг ҳосил бўлишига олиб келади, уларнинг сатҳи ҳўлланиб турувчан бўлиб, Никольский белгиси мусбат кўринишида бўлади. Беморларнинг умумий аҳволи оғир бўлади, уларда ҳолсизлик, бадан қақшashi, дармонсизлик, иштаҳанинг пасайиши, тана ҳароратларинг септик 39° - 40° даражагача кўтарилиши, юрак ва буйрак фаолиятларининг бузилиши кабилар кузатилади.

Давоси. Оддий дерматитларни даволашда дастлаб яллиғланишга сабаб бўлган омилнинг таъсирини тўхтатиш лозим. Сўнгра яллиғланишга қарши ташқи маҳаллий даво чоралари қўлланилади. Бунда яллиғланиш белгилари ҳисобга олиниши зарур (пуфакларни очиб яллиғланиш суюқлигини чиқариб юбориш), бактерицид эритмалар (калий перманганат, риванол) билан ювиш лозим, кейин эса рух, ихтиол ва шунга ўхшаш бошқа антисептик малҳамлар суртилади. Терининг сувчираган соҳалари кумуш нитрат ёки

танин эритмалари билан намланади, ўчоқларга стероид малҳамлари қўлланилади.

Аллергик дерматитларни даволашда ҳам сенсибилизацияга сабаб бўлган аллергенни аниқлаб, уни бартараф этиш даволашдаги биринчи талаб ҳисобланади. Чуқур интоксикация ҳолати билан кечеётган токсiderмияларда ошқозон ва ичак аъзоларини ювиш, сийдик ҳайдовчи моддаларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Шундан сўнг сезувчанликни сусайтирадиган ва яллиғланишга қарши дори-дармонлар, жумладан, антигистамин моддалари (димедрол, тавегил, задитен), кальций препаратлари (кальций хлорид, кальций глюконат) ва витаминалар (аскорбин кислота, рутин) қўлланилади. Маҳаллий даволашда кортикостероид малҳамлари (преднизолон, фторокорт, лоринден ва ҳоказо) яхши наф беради. Аллергик дерматитларнинг оғир формаларида эса глюкокортикоид дори воситалари тавсия этилади. Кўринарли оғир интоксия ҳолати кузатилганда эса гемотрансфузия қилинади, плазма ёки қон препаратлари қуишлиши тавсия этилади. Иккиламчи пиоген инфекциялари қўшилганда эса антибиотиклар қўлланилади.

Токсикодермия билан хасталанган бемор болаларни даволаш чоралари касалхона шароитида, алоҳида интенсив палаталарда, индивидуал ҳолда олиб борилиши лозим. Бемор болаларга глюкокортикоид гормон дори воситалари (преднизалон, урбазон, полькарталон, дексаметазон) 1 кг тана оғирлигига 0,001 дан 0,003 мг миқдорида (преднозалон дори воситасига нисбатан) белгиланади, одатда дори воситаси мушак орасига ёки вена қон томири ичига юборилади.

Агарда жараён тарқоқ кўринишда, ички паренхиматоз аъзоларнинг заарланиши ва оғриқ билан кечадиган бўлса, ундаи ҳолатларда наркотик аналгетиклар (промедол, омнопон) тавсия этилади, дори воситалари болаларнинг ҳар бир ёшига нисбатан 1 мг дан олган ҳолда қўлланилади. Иккиламчи инфекциялар билан асоратланиш ҳамда сепсис ҳолатларини олдини олиш мақсадида bemорларга кенг қамровли антибиотиклар (эритромицин, олеандомицин, линкомицин, кефзол, цепорин, цефазолин, ципролет, сисперс) ёки яримсинтетик пенициллин дори воситалари (метациклин, оксациллин, ампиокс) тавсия этилади.

Бундан ташқари бемор болаларга гемодез, 5 %ли глюкоза эритмаси, гамма-глобулин, аскорбин кислотаси, пиридоксин, пантотенат кальций, рибофлавин мононуклеотид, антигистамин, юрак, анаболик дори воситалари қўлланилади. Касалликни оғир даражадаги кечадиган ҳолатларида эса вена ичиға томчилаб электролитлар (Рингер эритмаси, глюкоза эритмаси), альбумин, протеаз ингибиторлари (контрикал, трасилол, цалол) қўйилади. Беморларга қон ёки қон зардобларини қўйиш, кўп суюқлиқ ичиш, оқсилга бой суюқ овқатларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Маҳаллий даво чоралари ўчоқлардаги пуфакли тошмаларни ёриш, кейинчалик уларни анилин бўёқлари билан ишлов бериш ҳамда гормонал малҳамларни (преднезалон, гидрокортизон, флюцинар, фторокорт, лакакортен, адвантан, дермовайт, лакатоп) қўллаш билан олиб борилади. Шиллик қаватлардаги ўчоқларни бура дори воситасининг глицин билан аралашмаси, 1 %ли пиоктинин эритмаси билан ишлов берилади.

Кўз шиллик қаватлари заарланганда эса гидрокортизон томчиси қўллаш тавсия этилади.

Экзема

Экема касаллиги – терининг аллергик касаллиги бўлиб, бошлиниши ўткир, кейинчалик эса сурункали-қайталама кечадиган тошма элементлари полиморфизм кўринишида намоён бўлади. Экзема сўзи юонча «есцео» сўзидан олинган бўлиб, «қайнаш», деган маънени англатади. Касалликнинг келиб чиқишида асаб, эндокрин тизимлари, модда алмашинуви ва иммун механизmlар фаолиятининг бузилиши ҳамда касалликка нисбатан бўлган ирсий мойиллик каби омилларнинг бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Экзема жараёни юқорида қайд этилган этиологик омиллар натижасида ҳамда экзоген факторлар таъсирида ривожланади. Экзоген таассуротлар сифатида касалликнинг вужудга келишида кимиёвий, физик, механик, биологик, бактериал, косметологик омиллар ҳам асосий ўрин тутади. Экзема касаллиги бошида организмни аллергик сезувчанлиги (реактивлиги) моноволент кўринишида намоён бўлади, кейинчалик эса организмнинг турли тасиротлар ва аллергенларга нисбатан сезувчанлик ҳолати орта бориши қайд этилади, бошқача қилиб айтганда поливалент

күринишидаги сезувчанлик ҳолати юзага келади. Шундай қилиб, экзема касаллиги асосида аллергик жараённинг аста-секин ривожланиб бориш ҳолати ётади, бундай ҳолат эса ўз-ўзидан касалликнинг табиатини, унинг кечиши белгилаб беради. Экзема касаллиги кечиши кўп ҳолларда йил фаслларига боғлиқ кўринишда кечади, масалан, хақиқий экзема касаллиги баҳор ойларида қўзгалса, унинг микробли тури эса куз ойларида қўзғайди.

Болаларда экзема касаллигининг вужудга келиши ва шаклланишида юқорида келтирилган омиллардан ташқари касалликка бўлган ирсий мойиллик ҳолати ҳам катта ўрин тутади. Бундан ташқари ҳомила даври, туғилиш жараённинг патологик кўринишларида, туғруқнинг асоратли кечиши, эрта кўкракдан ажратиш, қўшимча овқатларнинг эрта берилиши, гижжа инфекциялари, турли кўринишда бўлган ўчоқли инфекцияларнинг мавжудлиги болаларда аллергик жараённинг аввалига ўткир, кейинчалик эса секин-аста ривожланиши асосида экзема касаллиги тошмаларининг намоён бўлишига ва касалликнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Экзема касаллигининг табиатини тушуниш учун албатта, экзема жараённинг кечиши босқичларини тафовут этиш лозим. Экзема касаллиги ривожида қуидаги босқичлар кузатилади: эритемали - тугунчали - пуфакчали- йирингчали - сувчираш - қатқалокли - қипиқли - тикланиш босқичлари. Юқорида саналган босқичларнинг навбатма-навбат ўтиши шарт эмас. Касалликнинг турига ва даво чораларига боғлиқ ҳолда у ёки бу босқичлар кузатилмаслиги ҳам мумкин.

Экзема касаллигининг ягона қабул қилинган классификацияси йўқ. Касалликнинг кечиши бўйича ўткир, яrim ўткир ва сурункали ҳиллари тафовут этилади. Клиник турлари бўйича ҳақиқий ёки идиопатик (пруригиноз, дисгидротик), микробли (нуммуляр варикоз, сикозсимон, кўкрак бези сўрғичи экземаси), себорейяли, касбга алоқадор ва болалар экземалари тафовут этилади.

Чин экзема касаллиги гўдакларда ҳаётларининг 3-6 ойликларидан бошланади, патологик жараён юз тери соҳаси, ёноқларда асосан симметрик ҳолатда жойлашади. Ўчоқларда тўққизил рангли эритема, унинг асосида эса серозли тугунчалар, пуфакчалар кузатилади, улар эса ўз навбатида тезда ёрилишга ва касалликка хос бўлган эрозияларнинг хосил бўлишига сабаб бўлади.

Бундай кўринишда бўлган ўзгаришлар «сероз қудуқлари» деб номланади. Жараённи кечишида бурун-лаб учбурчаги соҳасида касаллик белгилари кузатилмайди. Кейинчалик бундай серозли ўчоқлар бир-бири билан қўшилишиб, катта ҳажмдаги хўлланиб турувчи ўчоқларни ҳосил қиласди, улар сатҳи қобиғлар билан қопланиб туради. Кейинчалик жараён тана тери соҳаларига, думба, қўл ва оёқларга тарқалиши мумкин. Жараён қичишиш, безовталаниш, уйқусизлик, иштаҳанинг бузилиши ҳамда умумий аҳволнинг ўзгариши билан кечади.

Себореяли экзема касаллиги ўчоқлари тананинг юқори қисмида, кўпинча бошнинг сочли қисми, қулоқ супраси ва унинг атрофида, юз териси, кўкрак ва елка соҳаларида жойлашади. Касалланган ўчоқларда думалоқ овал кўринишида бўлган, сатҳи пушти қизил-сариқ рангли қазғоқ ва қипиқлардан иборат ўчоқлар кузатилади. Бошнинг сочли соҳаларида жойлашган ўчоқларда кучли қазғоқланиш, қипиқланиш кузатилиб, қулоқ супраси ва орти соҳаларида ва бурамаларда сероз-йирингли экссудациядан иборат ёрилишлар кузатилади. Беморларни кўпинча қичишиш безовта қиласди, жараён ярим ўткир кўринишда кечади.

Микробли экзема чин экзема касаллигидан келиб чиқиши сабаби, кечиши ҳамда клиник кўриниши билан фарқланади. Касалликни юзага келишида стафилококкли, стрептококкли, патоген замбуруғлар алоҳида ўрин тутади. Ушбу микроорганизмлар ва уларнинг токсинларига нисбатан bemor организми тери орқали маҳаллий жавоб реакциясини беради ва касаллик белгилари намоён бўлади. Касаллик белгилари дастлаб, йирингли тошмалар сифатида пайдо бўлиб, кейинчалик унинг қашланиши натижасида ўрнида микробли экзема касаллигига хос бўлган касаллик ўчиши шакланади. Касалликнинг патологик ўчоқлари асосан асиметрик кўринишда бўлиб, асосан болдир, қўл кафти орти тери соҳаларида жойлашади. Ўчоқлар аниқ чегарали кўринишда бўлиб, атроф тери соҳаларига кенгайишга мойил бўлади, ўчоқлар соҳасида қизариш, тугунчали, пуфакчали, йирингчали тошмалар кузатилади, улар сатҳи серозли-йирингли экссудат ва ва қатқалоқлардан иборат бўлади. Касаллик ярим ўткир кўришда кечади.

Давоси. Экзема касаллигини даволаш жараёнини ўтказишда дастлаб касалликка олиб келувчи омилларни четлаш, bemорларга қулай шарт-шароит яратиш ҳамда тўғри овқатланишни

ташкыллаштириш лозим. Беморларни овқатланиш жараёнида цитрус маҳсулотлари, тухум, балиқ, асал, шоколод, қўзиқорин ва гўштли маҳсулотларни истеъмол қилишлари тақиқланади. Болаларда касалликни даволашдан олдин уларга алиментар даво белгиланади, сут маҳсулотлари ўрнига уларни ўрнини босадиган сутли-ўсимликлардан иборат овқат маҳсулотлари тавсия этилади. Бемор болаларга бериладиган суюқлик, туз ва углеводлар миқдори 20 %гача камайтирилади, чунки ушбу маҳсулотлар тўқималарда суюқликни тўпланишига, натижада эса яллиғланиш жараёнининг кучайишига сабабчи бўлади.

Экзема касаллиги билан хасталанган bemor болаларни комплекс даволаш жараёни дастлаб уларга тинчлантирувчи дори воситаларини тавсия этиш билан олиб борилади. Бу борада бром препаратлари валериана, череда, дўлана дамламалари, транквилизатор ва нейролептик (амизил, тазепам, назепам, андаксан, мепробамат) дори воситалари тавсия этилади.

Бемор болалар организмида кальций микроэлементи миқдорининг камайиб кетиши, уларда қон томирлар ўтказувчанлик ҳолатининг ошиб кетиши комплекс доволашда гипосенсиблизацияловчи таъсир кучига эга бўлган кальций дори воситаларини тавсия этишга олиб келади. Ушбу дори воситалари айниқса, экзема касаллигининг сувчираган босқичида кўп фойда беради. Шуни таъкидлаш лозимки, кальций препаратларини симпатикотонияда, оқ дермографизмда, қабзиятга мойиллик бўлган ҳолатларда бериб бўлмайди. Гипосенсиблизацияловчи дори воситаларидан глюконат кальций, лактат, глицерофосфат кальций, натрий салицилат, тиосульфат натрий препаратларини bemor болалар ёшига қараб ичишга, мушак орасига ёки вена ичиша юбориш тавсия этилади.

Антигистамин дори воситалари (фенкарол, супрастин, перитол, тавегил, пиполfen, димедрол) bemor болаларга уларнинг ёшини инобатга олган ҳолда кичик муҳлатларга белгиланади. Ушбу дори воситаларини ичишга, эритма шаклида мушак орасига юбориш тавсия этилади. Дори воситаларини белгилаш муддати 10 кундан ошиб кетмаслиги назорат қилиниши лозим.

Экзема касаллигини даволашда витамин (B_1 , B_2 , B_6 , B_{12} , B_{15} , E, K, C, фолиев, никотин, оратат кислоталари, пангамат ва пантотенат кальций) дори воситалари кенг кўламда қўлланилади. Ичак микробиоценози ҳолатини, ҳазм жараёнини меъёрлаштириш

мақсадида бемор болаларга фермент дори воситалари (бифидумбактерин, лактобактерин, хилак-форте, панзинорм, креон, дюфалак, ацедин-пепсин) тавсия этилади. Касалликни йирингли асоратланадиган кўринишларда кечишида ёки микробли экземада умумий даволашда кенг қамровли антибиотикларни (эритромицин, ампициллин, оксациклин, тетрациклин) қўллаш тавсия этилади.

Экзема касаллигини комплекс даволашда иммун тизими фаолиятини меъёрлаштирадиган дори воситалари, иммуномодулятор ва иммуностимуляторлар (иммуномодулин, тимален, тимопоетин, нуклеанат натий, глицерам) тавсия этилади. Агарда касалликнинг кечиши оғир, даво чораларига чидамли кўринишда кечса, эритродермия ҳолатларига ўтадиган бўлса, глюокортикоид дори воситалари (преднезалон, дексаметазон, урбазон) bemор болалар ёшига, тана оғирлигига нисбатан белгиланган ҳолда ичишга, мушак орасига ёки вена ичига юбориш тавсия этилади. Албатта кортикостероид дори воситаларини тавсия этилганда bemорларга калий препаратларини (калий оратат, калий пангамат, аммоний хлорид) қўллаш лозим. Касалликнинг ўткир босқичларида яллиғланиш жараёнини ва экссудацияни камайтириш мақсадида эса сийдик ҳайдовчи дори воситалари (фуросемид, лазикс) тавсия этилади.

Болаларда экзема касаллигининг маҳаллий давоси тери патологик жараёнининг яллиғланиш даражасига, кечиш босқичига ва тарқалганлигига қараб босқичма-босқич олиб борилади. Агарда жараён ўткир яллиғланиш, хўлланиш билан кечадиган бўлса, у ҳолда маҳаллий ҳўллаб қуритгувчи дори воситалари (1-2 %ли амидопирин, 0,25 %ли цинк сульфат, 1-2 %ли танин эритмалари) қўлланилади. Кўкрак эмиш даврида бўлган bemор болаларга эса бундай ҳолатларда дамланган қора чой эритмаси, мойчечак ва олтой илдизидан тайёрланган эритмаларини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Касаллик белгилари бироз пасайиб, хўлланиш белгилари йўқолгандан кейин эса сувли чайқатгичлар, қоришмалар глюокортикоид крем ва малҳамлар (адвантан, дермавайт, лакотоп, лакокартен, лоринден А, оксикорт, гиаксизон) тавсия этилади. Касаллик ўчоқлари сувли анилин бўёқлари (пиоктинин, фукурцин, Кастилляни суюқлиги) билан ишлов берилади. Ўткир яллиғланиш жараёни йўқолгандан кейин ўчоқлардаги қазғоқ ва қипикланишлардан тозалаш мақсадида кератолитик малҳамлар (5-10

%оли АСД пастаси, нафталан, ихтиол, олтингугурт малҳамлари) қўлланилади.

Экзема касаллиги билан хасталанган бемор болаларга касалликнинг яширин босқичларида санатор-курорт шароитларида (Пятигорск, Иссиқкўл, Чорток, Тошкент минерал суви) даволанишлари маслаҳат берилади.

Нейродермит

Нейродермит тушунчаси тиббиёт фанига 1891 йилда француз олимлари Брок ва Жакелар томонидан киритилган. Улар нейродермит ибораси орқали кучли қичишиш билан кечадиган тери неврозини тушунганлар. Хорижий адабиётларда нейродермит термини атопик дерматит сўзи билан алмаштирилди. Улар бу билан мазкур аллергик дерматознинг асосида ирсий мойиллик ҳолати ётишини таъкидладилар. Россия тиббий адабиётларида эса олимлар нейродерматозлар сўзини аллергик дерматозлар термини билан алмаштириб, бу грухга кирадиган касалликлар негизида аллергия ҳолати ётганлигини тушунтиromoқчи бўладилар. Ҳақиқатан ҳам нейродермит, қичима (строфулюс ва катталар қичимаси), эшакем каби дерматозлар патогенезида аллерген-антитело жараёни муҳим аҳамият касб этади.

Болаларда нейродермит касаллиги асосан чилла даврида экссудатив диатез замирида, шунингдек, экзема жараёни асосида ҳам ривожланиши мумкин. Маълумки, янги туғилган чақолоқлар чилла даври ирсий аномалиялар ҳолати, деб ҳисобланади, шу муносабат билан бу вақтда бир неча турдаги касалликлар шаклланиши мумкин, деб қайд этилади. Нейродермит касаллиги асосан ота-оналарида аллергик касалликлар кузатиладиган болаларда кўпроқ учрайди. Касалликнинг ривожланиши заминида нотўғри овқатланиш (болани бир томонлама ёки сифатсиз бокиш, сунъий овқатлантириш), модда алмашинувининг бузилиши, ички аъзолар ва ички секреция безлари фаолиятининг издан чиқиши каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўзгаришлар ўз навбатида касалликни нафақат шаклланишига, балки унинг узоқ муддат давомида кечишига, оғирлашишига олиб келади. Атроф-муҳит таъсири, ундаги нокулай омиллар, ҳар хил заҳарланишлар, сув ва ҳаво таркибидаги салбий ўзгаришлар, шунингдек, бошқа экологик

омиллар ҳам касалликни кечишини кучайтиради ҳамда йил фасллариға қараб уни тез-тез қўзиб туришига сабаб бўлади.

Олий асаб тизими фаолиятининг бузилиши касаллик асосида ётадиган ҳам этиологик ва патогенетик омил бўлиб ҳисобланади. Касалликка дучор бўлган бемор болалар ота-оналарининг маълум қисмида турли кўринишларда бўлган нейроген ўзгаришлар, асаб тизими касалликлари, локал қўзғалиш ва сусайиш каби жараёнлар ўртасида мувозанатнинг бузилиши каби ҳолатлар аниқланади. Касалликнинг сурункали кечиши, кучли қичишиш хуружлари билан ўтиши, уйқусизлик каби нохуш ҳолатлар ўз навбатида бемор бола асаб системасини ишдан чиқишига олиб келади. Бундай нейроген ўзгаришлар ўз навбатида нейродермит жараёнини чуқурлаштириб, касалликнинг кечиш даражасини эса оғирлаштиради. Демак, ҳосил бўлган узлуксиз патологик ҳалқа ҳам ирсий, ҳам орттирилган омиллар йиғиндисидан ташкил топади, шу боисдан касаллик нейродермит ёки тери неврози, деб номланади.

Нейродермит касаллигининг чегараланган клиник шаклларида аллергик тошмалар ва қичишиш каби салбий ҳолатлар касалликнинг асосий ўчоқларидан бошқа соҳаларда ҳам кузатилиши мумкин. Беморларнинг маълум қисмида турли дори васиталариға ва антибиотикларга, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлариға нисбатан юқори сезувчанлик ҳолати кузатилади. Касаллик кўпинча бошқа аллергик касалликлар билан (астма, ринит, эшакем) биргаликда ҳам кечиши мумкин. Турли иммунологик ва аллергик текширув кўрсаткичлари (Кумбс, Кунс реакциялари, ПГАР, аллергик синовлар) нейродермит касаллигига дучор бўлган bemорларда ўта мусбат даражаларда бўлади.

Шундай қилиб, нейродермит касаллиги марказий нерв системасининг функционал ўзгаришлари, эндокрин безлар фаолиятидаги бузилишлари ва аллергия ҳолатининг намоён бўлиши билан кечадиган касаллик бўлиб, бу ўзгаришларнинг вужудга келишида ирсий ва орттирилган омиллар сабабчи бўлиб хизмат қиласи.

Нейродермит касаллигининг асосий клиник белгиси яғирланиш ҳолати бўлиб, у ўткир яллиғланиш белгиларисиз кечадиган эритематоз доғлар сатҳида шакланади. Бирламчи тошма элементларидан эпидермал тугунчали тошмалар кузатилади ва ташки кўриниши жиҳатидан улар соғлом теридан унчалик фарқ

қилмайди. Тугунчали тошма элементлари кейинчалик бир-бири билан қўшилиши натижасида ўчоқлардаги тери сатҳи маддалашади ва пигментацияланиш ҳолати кузатилади. Касаллик ўчоқларида кузатиладиган қаттиқ қичишишлар натижасида эса кўплаб қашланмана ва тилинишлар ҳосил бўлади, заарланган соҳалардаги тери куруқ бўлиб, уларнинг юза сатҳи аста-секин кўчиб тушишга мойил бўлади. Табиий бурмалар соҳасида шаклланган маддали ўчоқларда эса йўл-йўл кўринища бўлган ёриклар пайдо бўлиши кузатилади. Яғирланган ўчоқлар кўпинча кўл тирсаги, тизза букилмаларида, юз, бўйин, кўл ва оёқларнинг букилувчи юзларида жойлашади. Заарланган соҳаларда қичишиш ҳолати кузатилади, жараён вақти-вақти билан зўрайиб турди, беморларда оқ дермографизм, соч-мушак рефлекслари мусбат кўринишларда бўлади. Нейродермит касаллиги билан хасталанган беморларда гипокортицизм белгилари (гиперпигментация, гипотония, адинамия, аллергик реакциялар, ошқозон ширасининг суст ажралиши, гипогликемия, диурезнинг камайиши, ориқлаш, дармонсизлик) кўринарли даражада намоён бўлади. Клиник нуқтаи назардан нейродермит касаллигининг тарқалган ва чегараланган турлари тафовут этилади.

Тарқалган нейродермит клиник турининг тошма элементлари асосан терининг юз, бошнинг сочли қисми, тана, кўл ва оёқ соҳаларида кузатилади. Бемор болалар териси куруқ кўринища бўлиб, улар сатҳида бир нечта яғирланган ўчоқлар кузатилади. Касаллик кечишида кўринарли даражадаги оқ дермографизм ва гипокортицизм белгилари кузатилади. Тарқалган нейродермит касаллиги белгилари кўпинча ёз фаслида сусайиб, қиш фасли давомида эса кучаяди, касаллик бошқа аллергик касалликлар билан биргаликда ҳам кечади. Терининг заарланган соҳаларида йирингли тошмаларни, ҳатто экзема касаллигига хос бўлган тошма элементларини кузатиш мумкин. Баъзан касалланган ўчоқларда бир оз сувчираш ва қизариш каби белгилар ҳам кузатилади.

Чегараланган нейродермитда яғирланган касаллик ўчоғи кўпинча ягона бўлиб улар асосан бўйин, энса, соннинг ички юзлари, думба оралиғи бурмаси, жинсий аъзолар соҳалари, катта бўғимлар букув соҳаларида жойлашади. Касаллик белгилари локал кўринишга эга бўлиб, қаттиқ қичишиш билан кечади, қичишиш жараёнининг интенсивлиги асосан кечки пайтлари ва тунда зўраяди. Дастворлаб терининг қичиидиган соҳаларида тошма элементлари

кузатилмайди, кейинчалик эса қашланиш натижасида ушбу соҳаларда аста-секин тугунчалар пайдо бўлади, улар деярли барча ҳолларда қаттиқ, баъзан эса қаттиқроқ бўлиб, усти кепаксимон қипиклар билан копланган бўлади. Касалликнинг ривожланиш жараёнида папулали тошмалар бир-бири билан қўшилиб, турли шакл ва ҳажмдаги пилакчаларни ҳосил қиласди. Нейродермит касаллигига кузатиладиган пилакчали ўчоқлар ранги оч пушти рангдан то қорамтири қизғиш ранггача бўлиб, улар юзаси ясси, қўпинча айланана ва овал шаклларни олади. Пилакчалар ҳосил бўлиш жараёнининг зўрайиши натижасида тери манзараси ўзгаради, яъни касалланган ўчоқларнинг сатҳи нотекис ва ғадир-будур қўринишида бўлади, тери пушталари эса яққол кўзга ташлана бошлайди, тери ранги сарғиш ранг тусини олади. Касалликда кузатиладиган яғирланиш (лихенизация) жараёни мана шу йўсинда шаклланади. Чегараланган нейродермит касаллиги ўчоқларида одатда уч хил қўринишига эга бўлган ҳудудларни кузатиш мумкин, булар марказий, яъни яллиғланиш шаклланган ҳудуд, ўрта ёки тугунчалар тўплана бошлайдиган ҳудуд ва ташқи, яъни тери гиперпигментацияга учрайдиган ҳудудлардир. Мазкур клиник белгиларнинг кузатилишида уларнинг тафовут этилиши bemorga ташхис қўйиш жараёнини осонлаштиради.

Давоси. Нейродермит касаллигининг давоси комплекс ҳолда олиб борилиши лозим. Касалликни даволаш жараёнида асосий ўринни марказий асаб тизими фаолиятини меъёрлаштирувчи дори воситаларининг (бром препаратлари, триоксазин, элениум, седуксен, мепротан, мепробомат) тавсия этилиши билан олиб борилади. Даво ўтказилиши жараёнида антигистамин дори воситалари (фенкарол, перитол, димедрол, пипольфен, дипразин, супрастин, диазолин, задитен) ҳам кенг кўламда қўлланилади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу дори воситаларини танлаб, навбат билан қўллаш bemorларда қичишиш жараёнининг камайишига олиб келади, бундан ташқари аллергик тошмаларнинг пайдо бўлиш ҳолатини олдини олади, шунингдек, бошқа қўшилиб келадиган аллергик касалликларнинг кечиши ҳолатини енгиллаштиради. Касалликни даволашда витамин дори воситалари (асосан В, А, Е гурух витаминалари, никотин кислотаси) қўлланилиши касалликда кузатиладиган яғирланиш жараёнининг сўрилишини тезлаштиради

ҳамда маълум бир даражада сенсибилизация ҳолатини ҳам пасайтиради.

Юқорида қайд этиб ўтилган даво усуллари наф бермаган ҳолатларда эса нейродермит касаллигини даволашда глюкокортикоид дори воситалари тавсия этилади, ушбу дори воситалари касалликни оғирлик даражасига, bemor ёши ва тана оғирлигини инобатга олган ҳолда, қабул қилинган тизим (схема) асосида тавсия этилади. Нейродермит касаллигини даволашда гипноз, электр кучлари ёрдамида ухлатиш муолажаларини ўтказиш мухим бўлиб ҳисобланади. Электр кучлари ёрдамида ухлатишни гипноз билан бирга қўллаш ва шу муолажа жараёнида глюкокортикоид дори воситаларининг кам микдорда тавсия этилиши, bemorларда қичишиш жараёнининг сезиларли даражада камайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида bemornинг тинчланишига ёрдам бериб, касаллик белгиларининг орқага қайтишини тезлаштиради.

Нейродермит касаллиги билан хасталangan bemorларга серово-дородли, кремнийли сувларда чўмилиш, буйрак усти бези соҳаларига диатермия токларини қўллаш, очик ҳавода сайр қилиш тавсия этилади, бу эса ўз навбатида даволаш самарадорлигини оширади. Bemorларга турли шифобахш ўсимликлар қўшилган сувларда чўмилиш, сўнgra эса терига озиқлантирувчи кремларни суртиш, bemorларда тери қуруқлиги ҳолатининг камайишига ва охир-оқибатда эса йўқолишига катта ёрдам беради.

Касалликни маҳаллий даволашда нафталан, қатрон, олtingугурт, ихтиол ва АСД суюқлигидан тайёрланган малҳамлар суртилади. Аллергик тошма элементларига эса кортикостероид малҳамларни (синалар, целестодерм, локакортен, лоринден, преднизолон) қўллаш яхши наф беради. Патологик ўчоқларда йиринглаш ҳолати кузатилганда эса анилин бўёқлари билан ишлов бериш ва оксикорт, гиоксизон малҳамларини қўллаш тавсия этилади.

Эшакем

Эшакем (urticaria) терининг аллергик касаллиги бўлиб, унинг табиатини мавжуд токсико-аллергик ҳолат белгилаб беради. Касалликнинг вужудга келишида озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан организмда вужудга келадиган аллергик ҳолат мухим рол ўйнайди. Шунингдек, чегаралangan йирингли, ўчоқли инфек-

цияларнинг мавжудлиги (тонзиллит, отит, гайморит, пиелонефрит), гижжа инфекциялари билан заарланиш, овқат ҳазм қилиш аъзоларидаги кузатиладиган касалликлар (гепатит, гастрит, энтерит, колит) эшакем касаллигининг вужудга келишига сабаб бўлади. Дори-дармон воситаларининг пала-партиш, мақсадсиз қўлланилиши ҳам касалликка олиб келиши мумкин.

Эшакем касаллигининг патогенези асосида антиген-антитела жараёни муҳим рол ўйнайди. Организмнинг секин ёки тўсатдан тез кўринишда бўлган сезувчанлк ҳолатининг ошишига турли аллерген табиатига эга омиллар (микробли, озиқ-овқат, дори моддалари, гижжа) сабабчи бўлади. Бундай экзоген ва эндоген табиатига эга аллергенлар ўз навбатида қон таркиби ва тўқималарда кўп микдорда гистамин ёки гистаминсимон моддаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Ортиқча микдорда ҳосил бўлган моддалар кейинчалик тўқималарга токсик жиҳатдан таъсир этади, натижада қон томир ва капиллярларни кенгайтиради, уларнинг ўтказувчанлигини оширади ва ниҳоят аллергик, кўринарли даражадаги яллиғланиш ҳолатини келтириб чиқаради. Касаликда кузатиладиган қаварчиқли (*urtica*) тошма элементларининг ҳосил бўлиши негизида ана шу гистамин жараёни ётади ва муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари касалликнинг авж олишига ва сурункали тус олишига бошқа биологик актив моддалар ҳам (серотонин, ацетилхолин, брадикинин) таъсир этади.

Эшакем касаллигини келтириб чиқарувчи омиллар ичида вегетатив асаб тизимининг ўрнини унинг маркази бўлмиш гипоталамус фаолиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Бунга эшакем касаллигининг холинергик тури мисол бўла олади. Эшакем касаллигининг холинергик турида ацетилхолин моддаси худди гистамин каби қон томир ва капиллярлар реакциясини юзага чиқариб, аллергик табиатига эга яллиғланиш жараёнини шакллантиради.

Ҳомиладор аёлларда кузатиладиган токсикоз ҳолати, совукқа ёки қуёш нурларига сезувчанлик ҳолатининг ошиши, шунингдек, турли хил хавфли ўсмалар, қон касалликлари сурункали эшакем касаллигини ривожланишига сабабчи омил бўлиб хизмат қиласи. Эшакем касаллигини келтириб чиқарадиган сабаблар ичида организм ирсий хусусиятларининг тутган ўрнига катта эътибор бериш лозим. Болаларда эшакем касаллигининг тўртта клиник

турлари тафовут этилади, яъни ўткир, Квинке шиши, сурункали қайталама ва турғун тугунчасимон сурункали эшакемлар.

Ўткир эшакемда қаварчиқли тошмалар бирдан, жуда қисқа вақт ичида пайдо бўлиб, тери сатҳидан бўртган кўринишида намоён бўлади. Тошмаларнинг тошиши bemорлар умумий тана ҳароратининг кўтарилиши, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши ҳамда турли невротик белгилар намоён бўлиши билан кечади. Қаварчиқли тошмалар терининг исталган соҳаларида пайдо бўлиб, тез муддат ичида ўз-ўзидан изсиз йўқолиб кетиши мумкин, тошмаларнинг йўқолиши bemорларда кузатиладиган бошқа нохуш белгиларининг сусайиши билан ҳам кечади.

Квинке шиши клиник тури чегараланган тери соҳаларда, аммо ҳажм жиҳатидан катта бўлган қаварчиқли тошмаларнинг пайдо бўлиши билан таърифланади. Эшакем касаллиги кечишига бундай ҳолатларда баҳайбат эшакем, деб ном берилган. Касаллик белгилари асосан юз териси соҳасида, бурун-томоқ ва жинсий аъзолар соҳаларида кўпроқ учрайди. Бундай ҳолатларда тери соҳалари қизариб катталашиши, таранглашиши, ўчоқларда босиб кўрилганда эса қаттиқ оғриқни бўлиши, бир оз қичишиш ва ачишиш ҳолатлари кузатилади. Баҳайбат эшакем белгиларининг кекирдак ёки томоқ соҳаларида жойлашиши жуда хавфли бўлиб ҳисобланади, чунки бундай ҳолатларда томоқ-ҳалқум соҳасида нафас бўғилиш, яъни асфиксия ҳолати кузатилади.

Сурункали қайталама эшакем касаллиги бир неча йиллар мобайнида давом этади. Касалликнинг бу клиник тури тошмалари гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқолиб туриши билан кечиб, bemорларни кўпинча ҳолдан тойиши ҳолатлари кузатилади. Беморларда касалликнинг қўзғалиши тана ҳароратининг субфебрил даражада ошиши, ошқозон-ичак тизими фаолиятида бузилишларни пайдо бўлиши, артралгия, бош оғриғи, дармонсизлик каби нохуш белгиларининг кузатилиши билан намоён бўлади.

Турғун тугунчасимон эшакеми касаллиги одатда сурункали кечиб, қашланишдан сўнг пайдо бўлади, аникроғи қаварчиқли эшакем тугунчали эшакем кўринишига ўтади.

Бу пайтда пайдо бўлган тугунчали тошмалар қаттиқ, баъзан эса юмшоқ консистенцияларда бўлиб, яллиғланиш билан кечади. Кўпинча тугунчали тошмалар қаварчиқли тошмалар ўрнида пайдо бўлиб, қаварчиқли тошмаларнинг шакли ва ҳажмини такрорлайди.

Болалар қичимаси

Болалар қичимаси (строфулюс) касаллиги терининг аллергик касалликлар туркимиға кириб, касаллик асосан болалар ҳаётининг дастлабки 3-5 ойларидан 4 ёшгача бўлган давр оралиғида кўпроқ учрайди. Болалар қичимаси касаллигининг ривожланишида болалар организмини озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан бўлган салбий жавоб реакцияси, яъни аллергия ҳолати асосий ўрин тутади. Сенсибилизация ҳолати bemor болалар организмидаги кўпинча сигир сутига, балиқ маҳсулатларига, цитрус меваларига, қўзиқорин, қулупнай ва турли ширинлик маҳсулотлари таъсирига нисбатан ривожланади.

Болалар эмлаш даврида қўлланиладиган зардобрлар, касалликлар туфайли тавсия этиладиган дори воситаларини, жумладан, антибиотикларни, сульфаниламидларни қўллаш ҳам қичима касаллига олиб келиши мумкин. Болалар қичимаси касаллиги ривожланишида ҳазм қилиш аъзолари томонидан кузатиладиган касалликлар ёки улар фаолиятининг бузилиши ҳолатлари (аутоинтоксикация ва аутосенсибилизациялар) муҳим патогенетик аҳамият касб этади.

Қаварчиқли тошмалар касалликнинг дастлабки клиник белгиси бўлиб хисобланади. Бундай тошмалар ўртасида кейинчалик тугунчалар пайдо бўлади, уларнинг ҳажми тариқ катталигига бўлиб, кучли қичишиш билан кечади. Касалликнинг бундай кўринишда кечиши строфулюс, деб ном олган. Строфулюснинг бошқа клиник тури борки, уларда тугунчалар учидаги пуфакчалар ҳосил бўлади, касалликнинг бундай кўринишда кечиши пуфакчали қичима, деб аталади. Қичишиш оқибатида қашланмали излар вужудга келади ва улар геморрагик қатқалоқлар билан қопланади. Болалар қичимаси касаллиги кўпинча сурункали кечади, касалликнинг бундай кўринишда кечишига овқатланиш тартибининг бузилиши, турли касалликлар туфайли антибиотик ва бошқа дори воситаларини узоқ муддат давомида қўллаш каби омилллар сабаб бўлади. Болалар қичимаси касаллиги кейинчалик строфулюс ва нейродермит касаллигига ўтиши мумкин, ўсмир ёшидаги болаларда эса болалар қичимаси касаллиги катталар қичимасига ҳам айланиши мумкин. Строфулюс касаллигини эшакем касаллигидан фарқлашда дермографизм усули катта ёрдам беради. Болалар қичима

касаллигига чалинган бемор тери соҳасига тўмтоқ таёқчанинг юргизилиши оқ чизиқни, яъни оқ дермографизмнинг пайдо бўлишига олиб келади. Эшакем касаллигига эса тўмтоқ таёқча юргизилган жойларда тери қавариб, бўртиб чиқади, қичишиш шиш пайдо бўлади. Дермографизмни бундай кўринишда бўлиши эшакем дермографизми, деб аталади. Бундан ташқари строфулюс касаллигига чалинган беморларда товон ва қорин рефлекслари пасайган, тери юзлари эса қуруқ бўлади, беморларда кўринарли лимфоаденопатия ҳолати кузатилади. Қон таркибида эозинофилия, лимфоцитоз ҳолатлари ҳамда ЭЧТ кўрсаткичларининг ошиши ҳолати кузатилади.

Эшакем ва қичима касалликларини даволаш жараёнида овқат парҳезига амал қилиш муҳим аҳамиятга касб этади. Беморларга асосан гипоаллерген парҳез буюрилади, овқат ҳазм қилиш аъзоларининг ишини яхшилаш мақсадида рибофлавин, кальций пантотенат, аскорбин ва никотин кислоталари, шунингдек, пиридоксин каби дори воситалари тавсия этилади. Антигистамин дори воситалари ҳам (тавегил, задитен, фенкорол, перитол, супрастин) қўллаш яхши фойда қиласди. Қон томирлар ўтказувчанлигини сусайтириш ва капиллярлар ишини меъёрлаштириш мақсадида эшакем касаллигига кўпинча кальций препаратлари (кальций глюконат, кальций хлорид, кальций глицерофосфат) ва аскорутин дори воситалари буюрилади. Строфулюс касаллигига кузатиладиган терининг қуруқлиги ва оқ дермографизм ҳолатлари туфайли кальций препаратлари тавсия этилмайди. Қичима касаллигини даволашда тинчлантирувчи дори воситалари ва транквилизаторларни қўллаш кўпроқ наф беради. Сурункали эшакем касаллигига ёки строфулюс касаллигининг оғир кўринишда кечадиган ҳолатларида кортикостероидлар билан анаболик стероидлар тавсия этилади.

Махаллий қўлланиладиган дори воситаларининг нафи камроқ бўлади. Кўпинча эшакем касаллигини даволашда ментол суви суртиш билан кифоя қилинади холос. Қичима касаллигига эса нафтalan ва рух малҳамлари (2-3%), стероид малҳамлар (преднизолон, флуцинар, фторокорт) суртилади. Физиотерапевтик даво усуллари (диатермия, фонофорез, ультрабинафша нурлар) қичима касаллигига яхши натижалар беради.

Атопик дерматит

Атопик дерматит (АтД) касаллиги болаларда учрайдиган тери касалликлари орасида энг кўп тарқалган хасталик бўлиб, касаллик билан жами болаларнинг 3-10 % қисми хасталанади. Болалар тери касалликлари умумий структурасида эса АтД касаллигининг тутган ўрни ўртача 20% ни ташкил этади. Скрипкин Ю.К. ва ҳаммуаллифлари (1995) маълумотларига кўра АтД билан хасталаниш ахолининг ҳар 1000 тадан 15 тасини ташкил этади. Кейинги ўн йилликларда касаллик учраш даражасини 2-3 маротабага ошганлиги қайд этилмоқда. «Атопия» ибораси A. Соса а R. Сооса лар томонидан илк марта 1923 йилда киритилган бўлиб, кейинчалик 1933 йилда Ф. Wise ва M. Sulsberger лар «Атопия» касалликлари ичидан тери орқали намоён бўладиган касалликлар гурухини ажратиб олиб, уни «Атопик дерматит», деб номлашни таклиф қилганлар. «Атопия» ибораси ўзгача, мос келмайдиган, ғаройиб ва ўз ўрнига эга эмас деган маъноларни англаатади. Атопия атамаси асосида аллергик, юқори сезувчанлик хусусиятига нисбатан бўлган ирсий мойиллик ҳолати тушунилади.

АтД касаллиги асосида ирсий мухитнинг аҳамияти мухим ҳисобланади. Касаллик билан хасталаниш учун жавобгар бўлган ген 11-хромосоманинг узун елкасидаги 11q13 қисмида жойлашган бўлиб, D11 S97 маркери билан узвий боғланганлиги аниқланган. Агарда асосий ген касалликнинг вужудга келишида асосий ўринни эгалласа, қолган генлар эса генетик ҳолат асосини ташкил этади. Атопия касаллигига аллергенларга нисбатан иммун реакциясининг хусусийлиги HLA-D II-класс генлари иштирокида амалга ошади. Иккинчи эксонли DR B1 гени Т-лимфоцит хужайра рецепторлари билан антигенлар ўртасидаги боғлиқликни белгилайди. Натижада Т-лимфоцитлари вазифасининг фаоллашиши ҳамда IgE – антителоларининг ажралиш жараёни кузатилади. Атопия касаллигига аллергенлар репрессор-генларига таъсир этиб уларнинг вазифасини сусайтиради ёки тухтатиб қўяди, бундай ҳолат кейинчалик рецептор йўли орқали депрессор (доминант) генларига таъсир этиш билан кечади, натижада аллергиянинг агресив антителоларини, Е-иммуноглобулинининг синтез қилинишига, биологик фаол моддалар ва фаол пептидларнинг ажралишига сабаб бўлади. АтД касаллигига, организмнинг иммун жавобида ирсий бузилишлар олдиндан

дастурланган бўлиб, жавоб жараёни асосан тери орқали намоён бўлади. Иммунологик ҳолатнинг бузилиши Т-хелпер системасининг 2-тури (Th2) фаолиятининг ошиб кетиши билан кечади, у эса ўз навбатида Е иммуноглобулинларини юқори даражада ажралиб чиқишига олиб келади. Е- иммуноглобулинни атроф-муҳитдан организмга таъсир этадиган антигенларга нисбатан йўналтирилган бўлиб, унинг синтезланиши 5q гени орқали бошқарилиб туради ва у турли хил аллергенлар учун жавобгар бўлган II –клас HLA антигенлари билан узвий боғлиқликда бўлади.

Агарда АтД касаллиги асосида касалликка ирсий мойиллик ҳолатини ётиши маълум бўлса ҳам бундай ҳолатнинг генетик ўтиш йўллари ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган. Айрим муаллифлар касалликка нисбатан бўлган ирсий мойиллик ҳолати асосида доминант ўтиш йўли ётади, десалар, бошқалар эса рецисив ҳолат ётади деб ҳисоблайдилар, учинчи гуруҳ олимлар эса касаллик асосида мультифакториал табиатга эга бўлган наслланиш ҳолати ётади, деб ҳисоблайдилар. Агарда АтД касаллигининг учраши ота-оналарнинг иккисида қайд этилса, уларнинг фарзандларини касалланиш эҳтимоли 40-60% ни ташкил этади, агарда ота-оналарнинг иккисида ҳам бир хил нишонда бўлган аъзолар касалланган бўлса (тери, нафас йўллари, ошқозон-ичак йўллари) у ҳолда касалланишга нисбатан бўлган мойиллик 60-80 % атрофида бўлади, агарда АтД касаллиги билан ота-оналардан бири хасталанган бўлса, у ҳолда бу кўрсаткич 20-40 %ни, агарда яқин қариндош-уруғлари орасида касалликнинг учраши ҳолати кузатилса, бу кўрсаткичнинг 5-10 % атрофида бўлиши қайд этилади. Ҳозирги вақтга келиб АтД касаллиги мультифакториал табиатга эга касаллик эканлиги маълум бўлиб, касалликни полиген кўринишидаги мойиллик ҳолати асосини генларнинг аддитив ҳамда турли хил кўринишларда бўлган ташқи муҳит компонентларининг биргаликдаги таъсири ташкил этади. Мультифакториал табиатга эга АтД касаллигига генларнинг аддитив таъсири асосида битта бош ген асосий таъсир кўрсатади ва касаллик намоён бўлади. Бу вақтда ташқи муҳит омиллари эса уларни юзага чиқишини таъминлайди.

Болаларда АтД касаллиги эрта гўдаклик даврларидан бошланиб, сурункали-қайталама, болалар ёши даврларига хос бўлган динамика кўринишида кечади, касаллик белгилари яширин

холатдан то яққол кўринадиган белгилар сифатида намоён бўлади. Касаллик белгилари кўпинча бола туғилгандан сўнг 60 % ҳолатларда биринчи ярим йилликда, 90 % ҳолатларда эса 1 ёшгача бўлган вақт мобайнида намоён бўлади. Касаллик ташхиси Hanifin J.M., Rajka G., (1980) лар томонидан 3 та даврга: гўдаклик (0-2), болалик (2-12) ва ўсмирилик ҳамда катталар (12-23) даврларига бўлинади. Касалликка ташхис қўйиш 4 та асосий мезонлар орқали амалга оширилади: қичишиш аломатларини бўлиши, касаллик белгиларининг ўзига хос кўринишда бўлиши ва жойлашиши, касалликнинг сурункали-қайталама кўринишида кечиши ва албатта шахсий ва оиласвий анамнезида атопик касалликларнинг мавжудлигининг қайд этилиши асосида олиб борилади. АтД касаллигини бундай кўринишда кечишини акс эттириш мақсадида В.Н. Гребенюк ва А.М. Маннановлар (1987) томонидан таклиф этилган 5 клиник шакллари орқали ифодаланади: экссудатив, эритемато-сквамоз, эритемато-сквамоз турининг лихенификация-сига мойил шакли, лихеноид ва пруригиноз шакллари кўринишида.

АтД касаллигининг шаклланишида, ривожланишида турли хил преморбид омиллар (ҳомиладорлик даврининг кечиши, интранатал гипоксия, туғилиш жараёнининг асоратланиши каби ҳолатлар) таъсир кўрсатади. Гўдаклик ва эрта болалик даврларида касалликнинг вужудга келишида ва қайталанишида овқатланиш жараёнининг бузилиши, сунъий овқатланиш, профилактик эмлашлар, дори моддаларининг турли касалликлар туфайли истеъмол қилиниши каби ҳолатлар сабабчи бўлса, болалик даврининг охири ва ўсмирилик-катталик босқичлари ёшидаги болаларда эса касалликнинг кечишида нафас аллергенлари таъсири, руҳий юкламалар, чарчаш, кундалик тартибининг бузилиши каби ҳолатлар устун келади. Бу вақтда иккиламчи инфекция аломатларининг қўшилиши эса касалликни асоратли кечишига сабабчи бўлади.

Атопик дерматит касаллигининг кечиши болалар ёшига боғлиқ бўлган ҳолдаги узлуксизликда кечиши билан ажралиб туради. Бола туғилгандан сўнг дастлаб, касалликнинг намоён бўлиши овқат маҳсулотларига сезувчанлик ҳолатининг юқори бўлиши, кейинчалик эса улар аҳамияти камайиб, нафас аллергенларига, дори воситаларига бўлган сезувчанлик ҳолатининг ошиши билан

намоён бўлади ва касаллик белгилари кейинчалик ўзгарувчан кўринишида сурункали - қайталама кечади. Бошқача қилиб айтганда моновалент сезувчанлик поливалент сезувчанлик ҳолатида бўлади. Касалликнинг кечиши йил фаслларига боғлиқ бўлиб, унинг хуруж қилиши кўпинча йилнинг куз ва қиш фаслларига тўғри келиши кузатилади. Касалликнинг кечиши ОРВИ, аллергик ринит, астмоидли бронхит, овқат аллергияси, сурункали тонзиллит, пиодермия, гижжа инфекцияси, кариэс, рахит, анемия, гипотрофия, тимомегалия каби касалликлар билан бирга кечади.

Касаллик белгиларини дастлаб пайдо бўлиши ва жойлашиши деярли 89,3% bemорларда асосан юз соҳасидан бошланади. Беморларда ёнок, пешона ва даҳан соҳаларида ўчоқларнинг жойлашиши кузатилади. Кўпгина ҳолатларда касалликнинг асосий морфологик белгиларининг жойлашиши дастлаб буйин, билак, болдир соҳаларида, тирсак ва тизза букламларида жойлашиши қайд этилади. Ўчоқларда касаллик белгилари қизариш, бироз шиш ва хўлланиш билан кечади. Деярли барча bemорларда касалликнинг кечиши қичишиш, безовталиқ ва уйқу жараёнининг бузилиши каби салбий ҳолатлар кўринишида намоён бўлади.

Касалликнинг гўдаклик босқичи одатда bemор болалар ҳаётининг 7-8 ҳафталаридан бошланади, тери соҳалари экссудацияга мойил бўлиб, оғир ёки ўртacha оғирликдаги яллиғланишлар содир бўлади. Касаллик кўпинча юз, лунж ва пешона соҳаларида маҳаллийлашади, бурун ва лаб соҳалари тошмалардан холи бўлиб, баъзан жараён оёқ, қўл ва думбанинг ташқи томонини қамраб олиши мумкин. Дастлаб тошмалар эритематоз шишли ва эритематосквамоз ўчоқли, папуловезикулали, фасод боғлаш ва пўстлоқлар кўринишида намоён бўлади. Вакт ўтиши билан эса экссудатив ҳолат камаяди ва касалликнинг яғирланувчи ва пруригиноз клиник кўринишлари кучайиб боради. Тахминан бир ярим йилдан сўнг тирсак ва тизза ости букув соҳаларида, панжаларда касалликка хос бўлган тошмаларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Асосан bemор болалар ҳаётининг иккинчи йилида инфильтратив, лихеноид, сквамоз ўзгаришлар рўй беради, экскориациялар, яллиғланган фолликуляр папулалар пайдо бўлади. Иккинчи йилнинг охирида эса теридаги касаллик белгилари

спонтан равиша ёки даволаш натижаларида йўқолади ёки касаллик ўзининг иккинчи босқичига ўтади.

Болалик босқичи яғирланиш ҳолатининг шакланиши, тошмаларнинг бурмаларда маҳаллийлашиши билан таърифланади. Экссудатив ҳодисалар эса кузатилмайди, тери соҳалари қуруқлашади. Ушбу босқичнинг асосий тошма элементлари бўлган папулалар қўшилишга ва яғирланган ўчоқларни ҳосил қилишга мойил бўлади. Бемор болаларнинг бир қисмида «атопик юз» ҳолати шаклланади, яъни терининг ранги хира, кулранг бўлади, периорбитал гиперпигментация ҳолати, пастки қовоқ соҳаларида қўшимча бурмалар (Денье-Морган) чизигининг ривожланиши кузатилади. Терининг эритемато-сквамоз кўринишдаги кечиши асосида кўз, лаб атрофларида ва бурун тешиклари соҳасида кўпинча ёриқларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Бу даврда патологик жараён кўпинча тирсак ва тизза ости бурмаларида, билак ва болдир бўғимлари соҳаларида, панжаларнинг орқа томонида, елка соҳасида, бўйиннинг орқа тарафида ва тананинг ён томонларида маҳаллийлашади.

Ўсмирлик босқичи тошмаларнинг маҳаллийлашиш ҳолатининг ўзгариши билан таърифланади. Ўчоқларда лихенификация ва инфильтрация кўринарли даражада намоён бўлади, экскориацияланиш ҳолатлари кўпаяди. Кўпгина bemorларда «атопик юз» белгилари кузатилади. Ўчоқлар асосан тирсак ва тиззаларнинг букув соҳаларида, бўйинда маҳаллийлашади, қуруқ, инфильтрацияланган ва лихенификацияланган тери фонида қичишадиган папулалар жойлашади. Юзнинг (пешона, лунж, лаб, кўз атрофи) ўзига хос кўринишда касалланиши ҳолати кузатилади, касаллик белгилари болалик босқичидан фарқли ўлароқ, анча тарқоқ кўринишда кечади ва тери юзаларининг кўпроқ кўчиши ҳолати кузатилади.

У ёки бу белгилар ва морфологик тошмаларнинг кўринишига қараб касалликнинг қуйидаги: экссудатив, эритемато-сквамоз, эритемато-сквамоз хилининг лихенификация ҳолатига мойил, яғирланиш ва пруригиноз каби клиник шакллари фарқланади.

Экссудатив тури. АтД касаллигининг экссудатив тури гўдак болаларда 2 ойликдан 1 ёшгacha бўлган даврда кузатилади. Касалликнинг бу тури кўпинча юз, ёноқ, даҳан, қулоқ супраси, кўл билаги, болдир соҳаларида жойлашган бўлиб, қизариш, шиш

ҳолати асосида тугунчали, пұфакчали тошмалар тошиши ва кейинчалик эса ҳұлланиш каби белгилар күринишида кечади. Бу ёшда касалликнинг кечишига асосан овқатланиш жараёни бузилиши салбий таъсир қилиши асосий үрин тутди.

Касалликнинг эритемато-сквамоз тури бемор болаларда 2,5 ёшгача булған даврда кузатилади ва терининг юз, бүйин, құл, оёқларнинг букув соҳаларида, қурак ва күкрак соҳаларида қизариш, қипикланиш, тилиниш каби үзгаришлар билан ифодаланади. Касалликни болаликнинг бу даврида кечишига профилактик әмлашлар, интеркуррент касалликлари, турли касаликлар бүйича даволаниш өткіза берилген дори моддалари ва ниҳоят овқатланиш жараёнининг салбий таъсир этиши мұхим үрин тутади.

Эритемато-сквамоз турининг лихенификациясига мойил ҳили 2 ёшдан то 7 ёшгача бўлған даврни ташкил этди. Касалликни бу клиник тури аввалги клиник туридаги каби күринишиларда бўлсада, аммо ўчоқларда тугунчали тошмаларнинг бўлиши, уларнинг бир-бири билан қўшилиб маддаланишга мойиллиги билан ажралиб туриши кузатилди. Жараённинг кечишида қичишиш суръати ўртacha ва юқори фаолликда бўлиб, безовталаниш, уйқусизлик ва ҳаяжонланиш ҳолатлари кузатилди.

Лихеноид клиник тури бемор болаларда 7 ёшдан 12 ёшгача бўлған даврларда кузатилиб, ўчоқларнинг бўйин, құл-оёқ буқламлари юзасида, кўз, оғиз атрофлари соҳаларида жойлашиши қайд этилади, ўчоқларда тугунчали тошмаларнинг кузатилиши, тилиниш, ёрилиш, маддаланиш ҳолатлари кўринарли даражада намоён бўлади ва касалликнинг кечишида кўпинча хеилит белгилари кузатилади. Қичишиш жараёни ўртacha ва кучли күринишиларда бўлиб, переферик лимфа тугунларининг сезиларли даражада катталashiши, безовталаниш ҳамда уйқусизлик каби ҳолатлар қайд этилади.

Касалликнинг пруригиноз клиник тури факат 1,0 % бемор болаларда кузатилиб, асосан құл ва оёқларнинг ташқи ёзув соҳаларида, бўйин ва қурак соҳаларида тугунчали тошмаларнинг тошиши, катталashiши ва уларнинг кучли қичишиши ҳамда безовталаниш айломатлари билан кечиши кузатилади.

АтД касаллигини болалар ҳаётининг турли даврларида, турлича оғирликда, клиник ва морфологик жиҳатдан хилма-хил

бўлган кўринишида кечиши, касалликни бемор болалар ёшига боғлиқ ҳолда, ўзига хос бўлган динамик кўринишида кечади, деган фикрни яна бир бор тасдиқлади.

Атопик дерматит касаллигининг ташхис мезонлари

Асосий (базисли) мезонлари:

1. Қичишиш.
2. Ўчоқларининг ўзига хос кўринишида жойлашиши ва типик морфологияси.
3. Сурункали-қайталама кўринишида кечиши.
4. Шахсий ва оиласвий анамнезида атопик касалликларнинг мавжудлиги.

Ёрдамчи ёки кам хос бўлган мезонлари:

1. Ксероз.
2. Ихтиоз.
3. Тери соҳасига таъсир этиш тестига нисбатан зудлик билан жавоб бериш (I- турдаги).
4. Қон зардобида Jg E лар миқдорининг кўплиги.
5. Касалликнинг болалик давридан бошланиши.
6. Терининг турли инфекцияларга таъсирчанлиги.
7. Қўл панжалари соҳасининг носпецифик дерматитга мойиллик ҳолати.
8. Сўргичлар соҳасидаги экзема.
9. Хеилит.
10. Қайталовчи конъюнктивит.
11. Денни-Морган инфраорбитал бурмаси.
12. Кератоконус.
13. Олд субқапсуляр катаракта.
14. Орбиталарнинг қорайиши.
15. Юз рангпарлиги ва юз эритемаси.
16. Пешона питириазиси.
17. Бўйиннинг олд қисми бурмаси.
18. Терлаганда қичишиш.
19. Интерларантлик (жун ва аралаштирувчиларни қўтара олмаслик).
20. Перефолликуляр аксентуация.
21. Овқатга нисбатан юқори сезувчанлик.
22. Касаллик жараёнига эмоционал ҳамда атроф-мухит омилларининг таъсири.

23. Оқ дермографизм ва секин оқариш.

Атопик дерматит касаллиги гўдаклик даври учун экссудатив, болалик даври учун эритемато-сквамоз ва эритемато-сквамоз шаклининг лихенификацияга ўтиш ҳолатлари, ўсмирлик, балофатга этиш босқичлари учун эса касалликнинг яғирланиш ва пруригосимон шакллари хос бўлади.

Мазкур дерматознинг клиник манзарасини ва касаллик босқичларини болалар ёшига нисбатан олганда хилма-хиллигини қайд этиш билан бирга, баъзи бир ҳолларда клиник-морфологик кўринишларнинг турли варианtlари хилма-хил кўринишдаги уйғунликда келиши мумкинлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, атопик дерматит касаллигига ташхис қўйиш кетма-кетлик қоидасига биноан амалга оширилади. Касаллик диагностикасига нисбатан бундай ёндашиш атопик дерматит касаллигининг ҳақиқий манзарасини тафовут этишда катта аҳамият касб этади.

Атопик дерматит касаллигига ташхис қўйиш тизими

Ташхис	Касаллик босқичлари	Клиник шакллари	Кечишиш фаоллиги	Оғирлик даражаси
Атопик дерматит	Гўдаклик босқичи (0-2 ёш) Болалик босқичи (2-12 ёш) Ўсмирлик-етилиш босқичи (12 ёшдан кейин)	Экссудатив шакли Эритемато-сквамоз шакли Эритемато-сквамоз лихенификацияга мойил шакли Яғирланиш шакли Прургиноз шакли	I даражада II даражада III даражада	Енгил Ўртча Оғир

АтД касаллигини даволаш комплекс тарзда олиб борилиб, асосан касалликнинг патогенези асосида ётган турли хил механизmlарга қаратилиши лозим. Даво чораларининг белгиланишида касалликнинг клиник кўринишига, оғирлик даражасига, иммунологик жиҳатидан реактивлик ҳолатларини инобатга олиш лозим. Ўз вақтида тўлақонликда ўтказилган муолажа касалликнинг тузалиши ҳамда оғир ва асоратли кўринишларга ўтишини олдини олиш имконини беради.

Болаларда АтД касаллигини даволашда аввало эътибор гипоаллергик, элеминацион парҳез қилишга асосланиши лозим. Бу борада

овқатлар таркибидан аллергик ҳолатга олиб келувчи маҳсулотлар чекланиши керак. Түғри белгиланган пархез даво чоралари носпецифик десенсибилловчи таъсир кўрсатади ва организмни овқат аллергенларига нисбатан толерантлигини оширади.

Касалликни даволашда асосий ўринни албатта дори воситалари ташкил этади. Касалликни патогенетик механизми асосида аллергия ҳолати муҳим ўрин тутишини инобатга олган ҳолда, асосан антигистамин дори воситаларининг биринчи ва иккинчи авлоди; мембрана стабиллаштирувчи дори воситалари; овқат ҳазм қилиш жараёнини меъёрлаштирадиган дори воситалари; асаб тизими фаолияти бошқарувини яхшилайдиган дори воситалари ҳамда иммуномодуляторлар белгиланади.

АтД касаллиги билан хасталанган бемор болаларга охирги пайтларда замоновий антигистамин дори воситаларидан фенкарол, перитол, ларотадин, астемизол, уетиразин, эбостан, зиртеклар белгиланиши лозим, деб топилади. Чунки ушбу дори воситалари узок вакт таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, марказий асаб тизимида таъсир этмаслиги билан ажралиб туради.

Десенсибилаштирувчи дори воситаларидан кальций препаратлари (глюконат кальций, холорид кальций), тиосульфат натрий дори воситалари ичиш ва томир орқали юборилиши асосида белгиланади.

Овқат ҳазм қилиш жараёни фаолиятининг бузилиши АтД касаллигининг кечишида алоҳида ўрин тутганлиги сабабли касалликни комплекс даволашда аллерген субстанциясига эга моддаларни майдалаш, ичак дисбактериози ҳолатини яхшилаш ҳамда нейтраллаш мақсадида фестал, дигестал, мезем-форте, панкреатин, креон, хилак-форте, лактобактерин, бифидумбактерин каби дори воситалари белгиланади.

АтД касаллиги билан хасталанган бемор болалар иммун тизимида вужудга келадиган носозликларни коррекциялаш мақсадида иммун тизимини модуллаштирадиган дори воситалари белгиланади. Бундай йўл тутилиши уч йўналишда: иммун тизими фаолиятини тиклаш, иммун тизими фаолиятини кўтариш ҳамда иммун тизими фаолиятини пасайтириш тарзида олиб борилади. Бундай дори воситаларига иммуномодулин, тактивин, тималин, диуцифон, нуклеинат натрий, левамизол, изопринозин ва бошқалар киради. Беморларда аллергик ҳолат жараёнига таъсир этиш

мақсадида витамин дори воситаларидан ҳам кенг кўламда фойдаланилади. Бу борада В-гуруҳига мансуб дори воситалари (В1, В2, В5, В6, В12, В15), А ҳамда С витаминлари алоҳида ўрин тутади.

Атопик дерматит касаллигини даволашда бир вақтнинг ўзида маҳаллий даво чоралари ўтказилиши лозим. маҳаллий даво воситалари тери ўчокларидағи яллиғланиш жарайинин камайтириш, қичишишни камайтириш, жароҳатланган эпителий ҳужайраларни ҳамда терини баръерлик фаолиятини тиклашдан иборат бўлади. Бу боради экссудация мавжуд ҳолатларда ҳўллаб қуритиш, эритематоз эритемато-сквамоз ҳолатларида, керотологик малҳамлар, лихеноид кўринишда кечадиган ҳолатларда сўрдирувчи дори воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу борада танин, фурациллин, риванол, кумуш нитрат эритмалари, анилин бўёклари, 1-2 %ли салицил, бор кислоталари малҳамлари, фенистил-гел, актовегин, солкосерил малҳамларидан фойдаланилади. Ҳозирги кунга келиб болаларда АтД касаллигини маҳаллий даволашда адвантан, лакотоп, элаком, элидел каби дори воситаларидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

ТЕРИНИНГ ПРОЛИФЕРАТИВ КАСАЛЛИКЛАРИ

Псориаз

Псориаз (синонимлари: тангачали темиратки, қипиқли темиратки, қичимали темиратки, гулафшин) касаллиги болаларда учрайдиган тери касалликлари орасида атопик дерматит касаллигидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди ва болалар тери касалликлари структурасида унинг учраш даражаси 1 %дан 8 %ни, касалхонага ётқизилған бемор болалар ичидә эса касалликнинг учраш даражаси 8 %дан 22 %ни ташкил этади. Охирги йилларда болалар орасида, айниқса, мактаб ва мактабгача ёшда бўлган болалар ўртасида псориаз касаллигининг учраш ҳолатининг ортиб бориши кузатилмоқда, айниқса, унинг оғир ҳамда асоратли клиник шаклларининг учраши қайд этилмоқда. Болаларда псориаз касаллиги катталарга нисбатан ўзига хос кўринишда кечиши билан фарқ қиласи.

Касалликнинг патогенези асосида невроген, эндокрин, иммун жараёнларини, моддалар алмашинуви ҳолатларининг бузилиши, ирсий, вирусли, инфекцион-аллергик омиллар, микроциркуляция ҳолатининг бузилиши каби омиллар асосий ўрин тутади. Касаллик билан хасталаниш 50 %дан ортиқ ҳолатларда 10 ёшгача бўлган болаларда қайд этилади. Касаллик билан қиз болалар кўпроқ хасталанадилар.

Псориаз касаллиги асосида 24,3 %дан 89 % гача ҳолатларда касалликка нисбатан бўлган ирсий мойиллик ҳолати ётиши қайд этилади. Агар оилаларда ота-оналардан бирини псориаз касаллиги билан хасталанганлиги қайд этилса, у ҳолда ушбу оиладаги болаларда касалликнинг вужудга келиши 8% ни, агарда касаллик билан хасталаниш иккала ота-онада ҳам қайд этилса, у ҳолда оиладаги болаларнинг псориаз касаллиги билан хасталанишлари ҳолати 41 %гачани ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, касалликка бўлган ирсий мойиллик ҳолатининг рўёбга чиқишида атроф-мухит омилларининг таъсир этиши муҳим ўрин тутади. Бундай омилларга овқат маҳсулотлари, облигат аллергенларнинг салбий таъсирлари, ЛОР аъзоларида мавжуд бўлган бактериал касаллик ўчоқлари, БЦЖ ревакцинация ҳолатлари,

Манту синамалари, руҳий травмалар ва шамоллаш касалликлари кабилар киради.

Касалликнинг юзага чиқишида стресс кўринишидаги таъсир этувчи омиллар сифатида инфекцион касалликлар (ангина, ОРЗ, сувчечак, қизамиқ, қизилча ва ҳ.к. лар) 48 % ҳолатларда, руҳий-эмоционал кечинмалар (боғча ва мактаблардаги носозликлар, келишмовчиликлар, кучли қўрқув, яқинларнинг вафоти ва ҳ.к. лар) 25 % ҳолатларда, жисмоний толиқишлиар (кучли инсолиция, совук қотиш, травмалар ва ҳ.к. лар) 15,8 %-17,9 % ҳолатларда аҳамият касб этади. Касалликнинг учраш даражаси паст ҳарорат ва юқори намлик мавжуд бўлган шароитларда юқори бўлади. Касалликни кечишида йил фаслларига боғлиқлик ҳолати муҳим аҳамият касб этади.

Болаларда псориаз касаллигининг кечишида психосоматик бузилишлар алоҳида ўрин тутади. Псориаз касаллиги билан хасталанган bemor болаларда психоэмоционал сфера ҳолатининг бузилиши, маҳсус кўринишидаги характеристиологик ўзгаришлар (безовталиқ, эмоционал турғунсизлик, касалликнинг ривожланиб бориши, тарқалиши ва кечиш даражасининг оғирлашиши натижасида пайдо бўладиган истериод-турғунсизлик ҳолати) шаклланади. Беморларда кузатиладиган асабий ва руҳий ҳолатлар ўз ўрнида қатор биокимёвий ва иммунологик ўзгаришларнинг юзага келишига ва псориаз касаллигининг ривожланишига сабабчи бўлади. Бунда ўзгаришлар 25 % bemорларда нормал ҳаёт тарзининг пасайишига, 40 % bemорларда касаллик кечишини уларнинг қандай кийинишларига ва 36 % bemорларда уйқунинг бузилишига сабабчи бўлади.

Псориаз касаллиги патогенезида вирусларнинг тутган ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бунга сабаб эпидермал соҳаларда «майда заррачалар», деб аталадиган таркибий қисмларнинг аниқланиши асос қилиб олинади. Бундай заррачаларни псориаз касаллиги тошмалари таркибида ва уларнинг атрофидаги тўқима суюқлигига ҳам топилиши касаллик асосида вирусларнинг аҳамияти бор, деган назариянинг туғилишига сабаб бўлган. Лекин ушбу назария ҳозирги кунгача ўз тасдиғини топмаган бўлса ҳам унинг аҳамиятини назардан қолдирмаслик лозим.

Псориаз касаллигига соғлом тери ва касаллик ўчоқларида микроциркуляция ҳолатининг бузилиши кузатилади. Кон зардоби ва эритроцит хужайлари мемранаси таркибида фосфолипидлар миқдорининг юқори даражада бўлиши псориаз касаллиги билан

хасталанган беморларда яллигланиш жараёнларининг ошишига ва натижада микроциркуляция жараёнининг бузилишига олиб келади.

Псориаз касаллиги патогенезида ёғ моддалари алмашинувининг бузилиши, яъни гиперхолестеринемиянинг 50 % ҳолатларда кузатилиши қайд этилади. Бу эса ўз навбатида псориаз касаллигининг кечишида метаболитик ўзгаришларнинг аҳамияти мухим эканлигини кўрсатади.

Касаллик патогенезида кератинизация жараёнининг ирсий ҳолатга боғлиқликда бузилиши мухим ўрин тутади. Бундай ҳолат гиперпролиферация жараёни натижасида кератиноцитларнинг дифференцировкаси бузилишига олиб келади.

Псориаз касаллиги асосида иммун тизими ҳолатининг бузилиши алоҳида ўрин тутади. Бундай ҳолат беморлар ҳужайра иммун тизимининг Th1-цитокин йўналиши бўйича ноадекват кўринишдаги фаоллашиши натижасида яллигланиш жараёнини вужудга келтириши билан намоён бўлади. Беморлар иммун тизимининг жавоб реакцияси эпидермис қаватининг антигенсезувчан ҳужайралари фаоллашиши билан бошланади. Бу ҳужайралар илк бор псориаз касаллигининг тошмалари ва унинг атрофида, эпидермис ва дерма қаватларида пайдо бўлади ва улар Т-лимфоцитлар орқали стимуляцияланади. Лимфоцит ҳужайраларининг 90 % Т-лимфоцитлардан иборат бўлиб улар дерманинг юқори қаватларида, 10% ни эса В-лимфоцитлар ташкил этиб, асосан дерманинг чукур қаватларида жойлашади.

Болаларда псориаз касаллиги кечишида Т-лимфоцитлар умумий миқдорини, Т-лимфоцит супрессор ҳужайралари пасайишини, ИРИ индексини миқдорининг эса ошиши қайд этилади.

Ўтказилган гистокимёвий ва электрон микроскопик текширувлар псориазга дучор бўлган болалар организмида ўзига хос ўзгаришларни аниқлади. Болаларда экссудация жараёни кучли ривожланган бўлиб, ҳужайралар алтерацияси ҳолати яққол қўзга ташланади. Эпидермис ҳужайраларидаги кузатиладиган гликоген ва нуклеопротеидлар миқдорининг ошиши катта ёшдаги инсонларга нисбатан таққосланганда кам ривожланган бўлади. Коллаген толаларнинг ўзгаришлари эса касалликнинг ўтрок (стационар) босқичида нисбатан сезиларли ривожланган бўлиб, кератоз жараёни устунроқ кечади.

Касалликнинг асосий тошма элементи бўлиб тугунчали тошмалар ҳисобланади, улар тариқ ёки мош катталигига бўлиб, атрофидаги тери соҳаси бир оз қизарган, яъни ўткир яллиғланиш ҳошияси билан ўралган бўлади. Тугунчалар аста-секин катталашиб боришга мойил бўлади, кейинчалик эса улар ловия, ўрик данаги катталигидаги ҳажмларда бўлади. Айрим ҳолатларда эса папулали тошмалар бир-бири билан қўшилишиб плакчалар шаклини олади.

Касаллик ўз ривожланиш жараёнининг маълум даврини ўтгач, тошма элементларининг кўпайиши ва ҳажм жиҳатидан катталashiши тўхтайди. Тугунчалар устини оппоқ кумушсимон тангачалар қоплаб олади, атроф теридаги яллиғланиш белгилари йўқолади. Псориатик тошмаларнинг камайиши ва сўрилиши уларнинг марказий қисмидан бошланади. Бундай ҳолларда ҳалқасимон, яrim ҳалқасимон тугунчалар кузатилиб, улар географик харитани эслатиши мумкин.

Болаларда псориаз касаллигининг клиник кечиши ўзига хос жиҳатлари билан ажralиб туради. Касалликнинг болаларда катталарга нисбатан оғир кўринишларда кечишига сабаб bemор болалар асаб тизими псориаз касаллигига нисбатан кенг кўламда, тартибсиз ноадекват жавоб қайтаради, натижада касаллик ўчоқларида псориатик жараёни шиш ва экссудатив яллиғланиш кўринишларида кечиб, жараённинг барча тери соҳаларига тарқалишига ҳатто бўғимларни ҳам жароҳатланишига олиб келади.

Болаларда псориаз касаллигининг илк белгилари турлича кўринишларда намоён бўлади. Уларда жараён аниқ чегараланган, қипиқланиш кўчган ҳолатида, асосан бурамаларда жойлашадиган, тирналган эритематоз ўчоқлар кўринишида намоён бўлади. Кейинчалик ўчоқларда инфильтрация ҳолати ривожланиб, улар тугунчалар шаклига айланади. Болаларда псориатик жараён кўпинча тарқоқ (80 %), кам ҳолатларда эса чегараланган ҳолатдаги кўринишларда (15 %-20 %) кечади. Кўпинча касалликнинг бирламчи тошмалари бошнинг сочли соҳаларида, кам ҳолатларда эса тана ва оёқ-қўл тери соҳаларида пайдо бўлади. Мактаб ёшигача бўлган bemор болаларда касаллик белгилари асосан юз тери соҳаларида, жинсий аъзолар атрофи соҳаларида, бошнинг сочли қисми соҳаларида, кам ҳолатларда эса оёқ ва қўллар ёзув тери соҳаларда жойлашиши қайд этилади. Ўчоқларда жараён кўринарли экссудатив компонент билан кечади. Кўпинча тугунча ва плакчали тошмалар

сатҳида серозли экссудация ҳолати, қипик ва қобиқланишнинг усмасуст жойлашиши ҳолатлари кузатилади, айрим ҳолатларда эса уларнинг кўриниши геморрагик тус олади. Мактаб ёшидаги бемор болаларда касаллик белгилари пушти-қизил рангли, чегаралари аниқ чегараланган, сатҳи сийрак кумуш ранг оқиш қобиғлар билан қопланган тугунчалар кўринишида намоён бўлади. Тахминан бу ёшдаги бемор болаларнинг 1/3 қисмида тошмалар майда «томчилар» кўринишида намоён бўлади. Томчисимон кўринишидаги бундай тошмалар бирдан пайдо бўлиб, тезда тана, қўл ва оёқ тери соҳаларига тарқалишга мойил бўлиб, улар асосан инфекция ва вирусли касалликлар асосида вужудга келади. Бемор болаларда кенг ҳажмда бўлган плакчали тошмалар жуда кам учрайди. Касаллик асосан қичиши ҳолати билан кечади.

Псориаз касаллигининг асосий клиник белгиси бўлган тугунчали тошмалар ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай ҳолат псориатик учликда ўз ифодасини топган. Ушбу учлик белгиси тугунчали тошмаларни буюм ойнаси ёрдамида қиртишлаш усули орқали аниқланади. Агарда тугунчали тошма буюм ойнаси ёрдамида қиртишланса, тошма сатҳидаги қипик ва қазгоқнинг енгил кўчиб тушиши кузатилади, бундай ҳолат стеарин доғи белгиси, деб аталади. Бу белгининг асосий сабаби гиперкератоз ҳолатидир. Тугунчали тошма сатҳи бўйлаб қиртишлашни давом эттирилганда мугуз хужайралари қатлами остида силлиқ, ялтироқ, юпқа сатҳ кўринишида парда пайдо бўлади. Бу эпидермис ва дерма ўртасидаги мавжуд бўлган базал мембраннынинг кўриниши асосида вужудга келади. Шунинг учун бу белгини оралиқ парда ёки терминал парда белгиси, деб аталади. Тугунчали тошма элементи бўйлаб янада қиртишлашни давом эттирилганда майда нуқтасимон кўринишида бўлган қонталашиш ҳолати кузатилади. Бундай ҳолат қиртишлаш оқибатида кўчирилган базал мембрана остидаги дерманинг сўрғичсимон қаватида жойлашган капиллярлар бутунлигининг бузилиши натижасида қон кетиши орқали вужудга келади. Бундай кўринищдаги белги қонли шудринг белгиси, деб аталади.

Юқорида қайд этилган, касалликка хос бўлган учлик белгиси фақат псориаз касаллиги учун хос бўлган диагностик белги бўлиб, псориатик папулаларни бошқа касалликларда кузатиладиган тугунчалардан фарқ қилишда ёрдам беради. Аммо гўдак ёшдаги bemор болаларда касаллик белгилари ўзига хос кўринишда

бўлганлиги ва суст ривожланганлиги сабабли ушбу учлик белгисини кузатиш имкони бўлмайди. Агарда касаллик белгилари табий бурмалар (қўлтиқ остида, чов-сон бурмасида) соҳасида жойлашган ҳолларда стеарин доғи белгиси кузатилмайди.

Псориаз касаллигининг кечишида прогрессив (қўзғалиш), стационар (сусайган) ва регрессив (тузалиш) босқичлари тафовут этилади. Касалликнинг прогрессив босқичида янги тошма элементлари пайдо бўлиши, уларнинг тартибсиз жойлашиши, атрофга қараб кенгайиб катталashiши ҳолатлари кузатилади. Тугунчали тошма элементлари ранги қизил рангда бўлиб, атрофларида ўткир яллиғланиш ҳошияси кузатилади. Тошмалар сатҳида оқ кумиш рангидан бўлган қипик ва қобиғлар кузатилади. Жараён қичишиш билан кечади, bemорлар безовталаради, уларда уйқусизлик, асабийлашиш, иштаҳанинг бузилиши каби салбий ҳолатлар кузатилади. Беморлар соғлом тери соҳаларига ўткир буюм билан таъсир этилса (игна санчилса) ёки қашланилса тахминан 3-7 кунлардан сўнг янги тугунчали тошмаларнинг пайдо бўлиши кузатилади, касалликка хос бўлган бундай белги Кебнер белгиси, деб аталади.

Касалликнинг стационар босқичида янги тугунчали тошмалар пайдо бўлмайди, эскилари эса атрофга қараб катталашидан тўхтайди. Тошма элементлари ранги нисбатан пушти қизил рангга киради, кўпинча кумушсимон қипиклар билан қопланган, ҳажми катта тугунчали тошмалар ва «навбатчи пилакчалар» кузатилади. Шунингдек, касалликнинг бу босқичида ривожланишдан тўхтаган папулалар атрофида мугуз қават ҳисобига ҳосил бўлган бурмачаларни, яъни Вороновнинг сохта атрофик бурмачалари кузатилади. Касалликни ушбу босқичида bemорларни салбий ҳолат – қичишиш безовта қилмайди ва псoriатик учлик белгиси ушбу босқич учун хос бўлмайди. Стационар босқичи узок муддат, баъзан бир неча ойлаб давом этиши мумкин. Касалликнинг бу босқичи асосан катта ёшдаги bemор инсонларда учрайди, ёш болаларга бундай ҳолат хос бўлмайди.

Псориаз касаллигининг регрессив ёки тузалиш босқичида эса psoriatic тошма элементларининг сўрилиши, яссиланиши натижасида улар сатҳида кумушсимон қипикланиш, қазғоқланиш ҳолатининг кучайиши кузатилади ва улар кўчиб туша бошлайди. Шунинг учун папулали тошмаларнинг ранги пушти, оч пушти

рангда бўлади, улар атрофидаги терида ўткир яллиғланиш ҳошияси белгилари кузатилмайди. Беморларни қичишиш безовта қилмайди, Кебнер белгиси эса манфий бўлади. Сўрилиб кетган тугунчали тошмалар ўрнида иккиламчи гиперпигментли ёки гипопигментли доғлар кузатилади, кўпинча иккиламчи лейкодерма ҳолати кузатилади. Шу билан касаллик тузалиб, ремиссия ҳолатига ўтади.

Касалликнинг юқорида қайд этилган клиник шаклларидан ташқари экссудатив, пустулёз, бўғирлар, тирноқлар, оёқ-қўл кафти псoriази ва psoriatic эритродермия каби атипик клиник шакллари тафовут этилади.

Пустулёз псoriаз (Цумбуш ва Барбер кўринишидаги псoriаз) касаллиги мустақил равишда илк бор ёки иккиламчи вулгар псoriаздан кейин бошланиши мумкин. Касаллик ўткир бошланади, bemorlarning умумий аҳволи ўзгариши, ҳароратнинг кўтарилиши, холсизлик, лейкоцитоз каби аломатлар билан кечади. Тери соҳаларида тарқоқ кўринишида бўлган эритематоз, эритематозшишли ўчоқлар ҳосил бўлади, кейинчалик улар бутун тери соҳаларига тарқалиб ҳар хил шаклларда бўлган тўққизил рангли ўчоқларни ҳосил қиласди. Шундай асосда кейинчалик йириングли тошмалар пайдо бўлади, улар сатҳи сариқ йириングли қобиглар билан қопланган бўлади. Касаллик оғир кўринишида кечади, ҳаттоқи ўлим билан тугаши мумкин.

Касалликнинг psoriatic эритродермия клиник шакли асосан ташқи муҳит шароитларининг салбий таъсири, даво чораларининг нотўғри ўтказилиши, ҳар хил дори воситаларининг истеъмол қилиниши, аллергик ҳолатлар, иммун тизимининг сусайиши натижасида ва стресс ҳолатлар оқибатида вужудга келиши мумкин. Аммо кўпгина ҳолатларда касалликнинг асл сабабини аниқлаш имкони бўлмайди. Касалликнинг кечиши бутун тана тери соҳаларининг ёппасига тўққизил ранга кириши, таранглашиши, шиши ва инфильтралланиши кўринишида бошланади. Тери сатҳларида кучли кўринишида бўлган қипикланиш, қазғоқланиш кузатилади, жараён кучли қичишиш безовталаниш, тери соҳаларининг қизиши, тиришиши, ачишиши каби салбий ҳолатлар билан кечади. Беморларда соchlарнинг тушиши, лимфа тугунларининг катталашиши, йириングли паронихиялар ва улар асосида тирноқлар тузилишининг бузилиши каби ҳолатлар кузатилади. Ўз вактида ўтказилган интенсив даво усуслари

натижасида ижобий натижага эришилади, айрим ҳолатларда эса касаллик прогнози ёмон оқибатлар билан тугайди.

Касалликнинг бўғинли шакли псориаз касаллиги тошмалари билан биргаликда ёки тошмаларсиз мустақил равишда кечиши мумкин. Артропатик псориаз бўғинларнинг деформацияланиши, шиши, уларда оғриқлар бўлиши ва оғриқ сабабли харакатнинг чегараланиши каби белгилар билан кечади. Бўғинларнинг хасталаниши асосан кичик бўғинларда симметрик ҳолда кечиб, жараён асосан қўл бармоқлари бўғинларида кузатилади, кейинчалик эса жараён катта бўғинларга, ҳатто умуртқа поғонасига ҳам ўтади. Бўғинлардаги ўзгаришлар натижасида чиқишилар, контрактуралар ва анкилоз ҳолатлари кузатилади, bemorлар кўпинча ногирон бўлиб қоладилар. Псориаз касаллигининг артропатик клиник шакли болаларда кам ҳолатларда учрайди. Псориаз касаллигининг ушбу клиник шакли ревматоид артрит, ревматизм, ювенил ревматод артритларидан ревматологик текширув натижаларининг маҳфий бўлиши, касалликнинг ўткир кечмаслиги ва юрак хасталанмаслиги билан фарқ қилинади.

Тирноқларнинг касалланиши псориаз тошмалари билан биргаликда ёки мустақил равишда кузатилади. Тирноқ пластинкалари касалланиши ангишvana ботиқлиги кўринишида (нуқтали дистрофия), қуш тирноғи кўринишида, ўсувчан ва ингичкаланиш кўринишида (онихогрифоз) ва тирноқ пластинкаларининг атрофияланиши (онихолизис) кўринишларида кечади. Псориаз касаллиги билан хасталанган bemorларнинг 25% да тирноқ пластинкалари касалланиши кузатилади.

Давоси. Псориаз касаллиги билан хасталанган bemor болаларни даволашда ҳар бир bemor бола организмининг умумий ҳолатидан келиб чиқиб индивудал тарзда, касаллик босқичлари, клиник шакллари, тарқалганлиги ва йўлдош касалликларининг мавжудлигини инобатга олган ҳолда олиб борилиши лозим. Бундай давонинг ўтказилишида даво воситалари таркибига седатив, антигистамин, десенсиблизацияловчи, гепатотроп, витамин, иммуномодулятор, гормонал дори воситалари ва маҳаллий малҳамлар қўлланилади. Даво чораларининг ўтказилиши нафақат мавжуд касалликнинг қўзғалиши ҳолатини даволашга, балки касалликнинг қўзғалиш частотасини камайтиришга, ремиссия ҳолати давомийлигини узайтирилишига, асоратларнинг олдини

олишга ва реабилитация ҳолатининг амалга оширилишига қаратилиши керак. Касалликни даволаш икки хил – базисли ва симптоматик даволашдан иборат бўлади. Бундан ташқари маҳаллий давонинг ўтказилиши ҳам катта аҳамият касб этади.

Псориаз касаллиги билан хасталанган bemор болаларга даво чораларининг ўтказилиши уларга гипоаллергик, элиминацион пархезни тавсия этиш, овқат маҳсулотлари таркибидан ёғ, углеводларга бой маҳсулотларни чеклаш белгиланади. Bемор болаларга фитонцидлар (чеснок, гаримдори, пиёз), қизил рангли маҳсулотлар (томат, кетчуп, қизил мевалар), тухум, асал, шоколад, думба ёғи, қотирма гўштлар, цитрус мевалари, аччиқ, тузламали каби маҳсулотлар берилиши тақиқланади. Bемор болаларга бериладиган овқатлар оддий, витаминаларга бой, ёғсиз, қуён, индюк гўштларидан тайёрланган овқат маҳсулотларидан иборат бўлиши керак.

Псориаз касаллиги асосида аллергик ҳолатнинг тутган ўрни муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли bemорларга кўп ҳолатларда гипосенсибилизацияловчи таъсир этиш мақсадида кальций дори воситалари (кальций хлорид, глюконат кальций, кальций лактат), заҳарсизлантирувчи ва сийдик ҳайдовчи таъсир этиш хусусиятига эга натрий, калий, магний дори воситалари (натрий тиосульфат, калий хлорид, аспарагинат калий ва магний), буйрак усти бези фаолиятини жадаллаштирувчи ва зарарсизлантирувчи, яллиғланишга қарши дори воситалари қўлланилади. Касалликнинг ўткир қичишиш билан кечишида хужайралар H₁- рецепторларини блоклайдиган дори воситаларидан антигистамин дори воситалари (фекарол, перитол, супрастин, диазолин, димедрол, дипразин, кетотифен, циметидин) қўлланилади. Болаларда касалликнинг кечишида марказий асаб тизими фаолиятининг функционал равища бузилиши, вегитатив неврозлар қайд этилади, шу сабабли bemорларга уларни тинчлантирувчи, асаб тизимини меъёrlаштирувчи дори воситалари (натрий бром, калий бром, аммоний бром) ҳамда ўсимликлардан тайёрланган дори воситалари (валериана илдизи, ялпиз, каби ўтлардан тайёрланган димламалар) тавсия этилади. Бу дори воситалари bemорларда марказий асаб тизими томонида кузатиладиган безовталикни камайтиради, уйқусизликни бартараф этади.

Гепатоцитлар фаолиятини нормаллаштириш мақсадида болаларда касликни даволашда гепатопректор дори воситаларидан липой

кислотаси ва карсил дори воситаларидан кенг кўламда фойдаланилади. Бундан ташқари гепатопротектор ва мембранастабиллаштирувчи хусусиятга эга бўлган эссенциал фосфолипидлар (эссенциал форте, эссенциал Н форте, эссливер форте) тавсия этилади. Болаларда псориаз касаллигининг кечишида метаболитик ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли уларга бир вақтнинг ўзида фермент (панкреатин, фестал, мезим форте) ва витаминалар (A,C,B₁, B₆, B₁₂, PP, фолат кислотаси) тавсия этилади.

Микроэлементалар оқсиллар, гормонлар, витаминалар ва ферментлар билан боғлиқ ҳолда инсон организмидаги муҳим биологик вазифаларни бажаради, шу сабабли улар углевод, ёғ ва оқсил моддалари алмашинувига фаол таъсир этади. Псориаз касаллигидаги ёғ алмашинувининг бузилиши ҳолати кузатилганлиги сабабли липотроп дори воситалари (метионин, цистеин, липокайн) кўлланилади. Беморларни комплекс даволаш жараёнида иммун тизимини меъёрлаштириш мақсадида иммуномодуляторлар (левамизол, тактивин, тималин, иммуномодулин), иммуностимуляторлар (продигиазон, пирогенал) ва пурин ҳамда пиrimидин ҳосилалари (метилурацил, пентоксил) тавсия этилади. Касалликнинг оғир клиник кўринишларида, асоратли кечишида гормон дори воситалари (преднезалан, дексаметазон, полкарталон, пресоцил) bemor болалар ёши вазни ва ушбу дори воситаларини тавсия этиш мумкин ёки мумкин эмаслигига қараб олиб борилади, ушбу дори воситаларининг салбий таъсирини олдини олиш мақсадида, албатта калий препаратларини (калий оратат, калий пангамат, панангин, аммоний хлорид) бир вақтнинг ўзида тавсия этилиши кўзда тутилиши лозим.

Псориаз касаллигининг умумий давоси албатта маҳаллий даво чораларини ўтказиш билан биргаликда олиб борилади. Касалликни кўзғалиш даврида тери жараёнига кучсиз таъсир этадиган, индеферент крем ва малҳамлар (Унна креми, болалар креми, борат малҳами) белгиланиши мақсаддага мувофиқ бўлиб ҳисбланади. Псориаз касаллигини сусайган ҳолатларида ёки стационар босқичларида тошмаларнинг сўрилиши жараёнини тезлаштириш мақсадида олtingугурт, салицил кислотаси малҳамлари, нафталан, ихтиоллардан тайёрланган малҳамлар тавсия этилади. Уларнинг миқдори касалликда кузатиладиган жараённинг кечишига қараб аста-секинлик билан 2-5-10-20 % ва ундан ҳам кўпроқ ошириб борилади. Касалликни маҳаллий даволаш албатта глюкокортикоид

(дермовайт, адвантан, элаком, преднизалон, фторокорт, флюцинар, лоринден, целестодерм ва х.к.) малҳамларининг қўлланилиши билан олиб борилади. Бундан ташқари болаларда касалликни маҳаллий даволашда таркибида А, Е, Д витаминларини тутадиган крем ва малҳамлар кенг қўлланилади. Бу дори воситалари bemor болалар тери шохланишини яхшилайди, регенерация жараёнини эса стимуллайди. Псориаз касаллигининг сусайган ҳолатларида, стационар босқичларида даволаш масканларида даволанишлар (куёш нурлари, денгиз ва қўлларда чўмилиш, сероводород ҳовузларидан фойдаланиш) даволаш самарасини оширади, касалликни яширин даврининг узайишига ва қайталаниш муддатининг қисқаришига олиб келади.

Қизил ясси темиратки

Қизил ясси темиратки касаллиги сурункали касаллик бўлиб, тери ва шиллик қаватларда мономорф тугунчали (папулали) тошмаларнинг пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Дерматологик касалликлар ичида ушбу касаллик билан хасталаниш 1 %ни ташкил этади. Касаллик билан асосан катта ёшдаги инсонлар ва кам ҳолатларда эса болалар хасталанади. Касалликнинг келиб чиқиши сабаби асосида инфекцион ва вирусли омиллар, нейроген ҳолат, модда алмашинуви жараёнини бузилиши ҳамда касалликка нисбатан бўлган ирсий мойиллик ҳолатларининг аҳамияти муҳим эканлиги қайд этилади. Кўпинча касалликнинг келиб чиқишида стресс ҳолатлари ҳамда асаб тизими фаолиятининг бузилиши каби ҳолатлар муҳим ўрин тутади. Касаллик асосида инфекцион ва вирусли ҳолатнинг мавжудлиги ушбу ҳолатларга нисбатан ўтказилган даво чораларининг самарали бўлиши билан ҳам тасдиқланади. Қизил ясси темиратки касаллиги билан хасталангандеморларда қандли диабет, семизлик ва оқсил алмашинувининг бузилиши каби касалликларнинг вужудга келиши касаллик асосида гормонал ҳамда моддалар алмашинуви ҳолатларининг бузилиши ётишидан далолат беради.

Қизил ясси темиратки касаллигига тошмалар мономорф тугунчалар шаклида намоён бўлади. Тугунчалар ясси ҳамда полигонал кўринишда, сатҳлари эса ялтироқ бўлиб, тўққизил ёки гулсафсар рангда бўлади, марказий қисмида эса нуқтасимон ботиқлик кузатилади. Уларнинг катталиги тариқ, тўғноғич боши

катталигига бўлиб, айрим ҳолатларда улар ҳажми катталашиб бирбири билан қўшилишга ва плакчалар ҳосил қилишга, айрим ҳолатларда эса турли шаклли ўчоқларни ҳосил қилишга мойил бўлади. Касаллик тошмалари асосан қўл ва оёқларнинг букув соҳаларига, баданга, жинсий аъзолар соҳасига ҳамда шиллиқ қаватларга тошиши кўринишида намоён бўлади. Жараённинг кечиши касалликни қўзғалиш даврида қичишиш билан кечади. Тугунчали тошмалар ёки плакчали ўчоқлар юзасида қўнғир ранг кўринишдаги нуқталарнинг чизиқсимон тўрлар орқали кўриниши кузатилади. Бундай ҳолатни ўчоқлар юзасига ўсимлик мойи суртиб кузатилса, ушбу ҳолат яққол кўринади. Тошмаларнинг бундай кўринишда бўлиши донадор қаватнинг гипертрофияси ва уни эпидермиснинг шохсимон қавати орқали яққол кўриниб туриши билан изоҳланади. Касалликка хос бўлган бундай белги Уикхем тўри белгиси, деб аталади. Қизил яssi темиратки касаллигига хос бўлган Уикхем тўри белгисини тери эпидермис қаватининг йўқ соҳаларида, жумладан, шиллиқ қаватларда яққол кузатиш мумкин.

Қизил яssi темиратки касаллигининг кечишида З та босқич – ривожланувчан (прогрессив), касалхона (стационар) ва тузалиш (регрессив) босқичлари тафовут этилади. Касаллик сурункали кечиб, бир неча ой ва йиллар давом этиши мумкин. Касалликнинг кечишида тирноқ пластинкаларининг заарланиши ҳам кузатилади. Дастроб, тирноқ пластинкалари ранги лойқа ранг тусини олади ва деформацияга учрайди, аввалига тирноқларнинг бўйламасига қалинлашиши кузатилади, кейинчалик эса гиперкератотик йўллар ҳосил бўлади.

Болаларда қизил яssi темиратки касаллигининг кечиши улар терисининг гидрофиллик хусусиятга эгалиги ва қон томирлар билан кўп микдорда таъминланганлиги сабабли экссудатив кўринишда бўлади. Шунинг учун ҳам уларда тошма элементлари тўққизил ёки гулсафсар рангига бўлиб, тугунчали тошмалар сатҳида пуфакчали ёки пуфакли тошмалар кузатилади. Касалликнинг бундай кўринишда кечиши пуфакчали ёки пуфакли клиник шакллари, деб номланади. Бундан ташқари болаларда касалликни сўгалсимон, атрофик, ўткир учли, ҳалқасимон ва монилиформ кўринишдаги атипик клиник шакллари ҳам тафовут этилади.

Касаллик ташхиси касалликни клиник белгилари ҳамда гистологик текширувлар натижаларига асосан қўйилади. Қизил яssi

темиратки касаллигини қичимали темиратки ва захм касаллиги билан таққосланади. Қичимали темиратки касаллигига тугунчали тошма элементлари ранги қизил рангда бўлиб, тошмалар атрофида ўткир яллиғланиш ҳошияси кузатилади. Тошмалар сатҳида оқ кумуш рангига бўлган қипиқ ва қобиғлар билан қопланган бўлади. Псориатик учлик белгиси кузатилади. Тошмалар асосан қўл ва оёқларнинг ёзув соҳаларига тошади. Қичимали темиратки касаллигига тугунчали тошмалар асосан юзасининг қипиқ билан қопланганлиги ва псориатик учлик уни мазкур касалликдан ажратишда ёрдам беради.

Захм касаллигига эса тугунчали тошмалар ўзига хос кўриниши билан ажралиб туради, тошмалар сатҳида қипиқланиш Биет ёқаси кўринишида бўлади, Уикхем белгиси кузатилмайди, серологик жараёнлар мусбат кўринишда бўлади. Қизил ясси темираткига хос яна бир белги – бу қичишиш белгисидир. Касалликнинг барча даврларида bemorlarни қичишиш безовта қиласди, баъзан жуда кучли қичишиш пайдо бўлиб, bemorlar ўз баданини тимдалаб ташлайдилар. Бундай белги захм ва қичимали темиратки касалликларига хос бўлмайди.

Қизил ясси темиратки касаллигини даволашда дастлаб даво чораларини сурункали инфекция ўчоқларини даволашга қаратиш лозим, омилкор бўлган сабабларни, жумладан, неврологик, модда алмашинуви ва иммунологик бузилиш ҳолатларини меъёрга келтириш зарур. Касалликнинг прогрессив босқичида bemor болаларга антибиотик дори воситалари уларни ёшига ва тана оғирлигига нисбатан олган ҳолда тавсия этилади. Антибиотиклардан макролидлар ва тетрациклин каби дори воситалари яхши натижа беради ва улар bemor болаларга 7-12 кунлар давомида белгиланади. Шунингдек, bemor болаларни даволашда тинчлантирувчи (бром валериана, триоксазин, сибазон), антигистамин (димедрол, фенкарол, тавегил, перитол), витамин (B1, B12, B15, C, никотин кислотаси), десенсиблизацияловчи (кальций глюконат, тиосульфат натрий, кальций хлорид), иммуномодулятор (тимален, иммуномудулин, тактивин) каби дори воситалари тавсия этилади. Кучли қичишиш билан кечадиган, невротик ҳолатларда эса bemorларга бром ва валериана эритмалари ҳамда кичик транквилизаторлар (тазепам, азафен, мебикар, рудотел) тавсия этилади. Касалликнинг кечиши тарқоқ, эритродермик ҳолатга мойил бўладиган кўринишларда

кечса, ундей ҳолатларда беморларга глюокортикоид дори воситаларини (преднезалон, дексаметазон, урбазон), анаболитик дори воситалари билан биргаликда (калий оратат, метилурацил, фитин) тавсия этилади. Кейинги йилларда касалликни даволашда гипноз, игна билан даволаш усууллари кенг қўлланимокда.

Касалликка маҳаллий даво чораларининг ўтказилиши, касалликни қандай кўринишда, зўриқишида ва оғирликда кечишига қараб олиб борилади. Касалликда қичишиш ҳолати зўрайган пайтларда глюокортикоид малҳамлар (целестодерм, лоринден, оксикорт, фторокорд, дермовайт) тавсия этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Касалликни кечиши жараёни сусайган пайтларида эса сўрилиш жараёни тезлаштирувчи малҳамлар (нафталан, ихтиол, олтингутурт) белгилаш лозим. Бемор болаларни даволашда, айниқса, мактаб ёшидаги болаларни даволашда электр ёрдамида ухлатиш (электросон) ёки уни гипноз билан биргаликда ўтказилиши тавсия этилади, гидрокортизон билан фонофорез қилиш, УВЧ билан даволаш усууллари ўтказилиши самарали натижалар беради. Касалликни сўгалсимон клиник турларини эса суюқ азот, датермокоагуляция усууллари орқали даволаш тавсия этилади ва Букки нурларидан фойдаланилади.

Парапсориаз

Парапсориаз касаллиги атамасини биринчи маротаба 1902 йилда тиббиётга олим Брок киритган. Касаллик табиатига кўра псориаз касаллигига ўхшаш бўлганлиги учун ҳам шундай номланган. Парапсориаз касаллигининг клиник жиҳатдан 3 хил тури тафовут этилади: томчисимон, плакчали ва лихеноид турлари. Улар ичida асосий ўринни томчисимон клиник тури ташкил этиб, ушбу тур билан кўпинча болалар хасталанадилар. Касалликни келиб чиқиши асосида инфекция ҳамда токсик ҳолатнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Бемор болаларда турли хил ўчоқли инфекциялар мавжудлиги (сурункали ангина, гайморит, франтит, ларингит, паротит) ҳолати қайд этилади.

Томчисимон парапсориаз касаллиги 3 хил ўткир, ярим ўткир ва сурункали клиник кўринишларда кечади. Улар ичida касалликни сурункали клиник кечиши кўпроқ қайд этилади. Касалликнинг ушбу клиник шаклида тошмалар пушти, тўқ қизил рангли тугунчалар

кўринишида, асосан бемор танасининг ён тери соҳаларида, қўл ва оёқ соҳаларида намоён бўлади. Беморларнинг умумий аҳволи ўзгармайди, уларни салбий шикоятлар безовта қилмайди. Тошмалар бошнинг сочли соҳаларида, юз тери соҳаларида ва қўл-оёқ кафт юзаларида учрамайди. Тугунчали тошмалар тариқ, тўғноғич боши катталикларида бўлиб, улар қаттиқ таркибли, силлиқ юзали бўлади. Тошма юзалари қиртишлаб кўрилганда улар юзасида кепаксимон қипикланиш кузатилади, агарда қиртишлаш қаттиқроқ давом эттирилса у ҳолда майда нуқтали қон қуйилиши кузатилади (пурпул белгиси). Вақт ўтиши билан эса тошма элементларининг сўрилиши ва орқага қайтиш жараёни кузатилади, бу вақтда тошмалар юзасида нозик кўринишида қипикланиш кузатилади, ушбу қипиклар кўчирилса, худди «булутча» кўринишида бутунлай кўчиб тушади. Тугунчали тошмалар ўрнида кейинчалик иккиламчи лейкодерма қолади. Томчисимон парапсориаз касаллигининг ўткир клиник кечишида касаллик белгилари тўсатдан бошланади, тошмалар полиморф кўринишида, тўғноғич катталигида бўлиб, уларнинг марказий қисми қонталашади, кейинчалик эса улар ўрнида қорақўтири, қонталашган пўстлоқлар кузатилади. Айрим вақтларда тошмалар худди чечак касаллиги йиринглари кўринишида ёки пушти қизил тугунчалар кўринишида намоён бўлади. Касалликнинг ушбу клиник турида шиллик қаватларда ва жинсий аъзолар соҳаларида тошма элементларини оқиш, пушти қизил тугунчали тошмалар тарзида кузатиш мумкин. Беморлар умумий аҳволининг ўзгариши кузатилади, уларни тана ҳароратини кўтарилиши, холсизлик, перефериқ лимфа тугунларининг катталashiши кузатилади. Касаллик узоқ вақт қайталама кечиши тошмалар ўрнида муҳрланган кўринишида чечак касаллигида кузатиладиган чандиклар қолиши мумкин. Парапсориаз касаллигининг ўткир ости кўринишида ҳам касалликнинг худди сурункали кўринишида кузатиладиган қонталашган тугунчали тошмалар кузатилади.

Касалликка ташхис қўйишида иккиламчи тугунчали захм касаллиги билан таққосланади, бу вақтда bemorlarни Вассерман реакцияси текширилади, пушти ранг темиратки касаллиги билан таққослаш ташхиси ўтказилганда «она» доғи тошмаларининг аникланишига, қизил яssi темиратки касаллиги тошмалари билан таққослагандан эса тугунчали тошма элементларининг яssi, ялтироқ марказий қисмидаги нуқтасимон ботиқликка, гурухланишга

мойиллиги ва жараённинг қичишиш билан кечиши ҳолатларига эътибор бериш лозим. Парапсориаз касаллигининг ўткир кечиши ҳолатларида касаллик белгиларини сувчечак касаллиги билан таққослаш лозим. Маълумки, сувчечак касаллигида bemorларнинг умумий ҳолати ўзгариши, тана ҳароратининг юқори бўлиши, тошма элементларининг юз тери соҳаларида ва бошнинг сочли соҳаларида кузатилиши, жараённинг қичишиши билан кечиши ва тезда тузалиши каби кўринишларда кечиши парапсориаз касаллигини ушбу касалликдан ажратади.

Касалликка даво чораларининг ўтказилиши билан бир вақтнинг ўзида bemorларда мавжуд бўлган инфекция ўчоқларини даволаш лозим. Шу мақсадда bemor болаларга кенг қамровли антибиотик дори воситалари тавсия этилади. Касалликни комплекс даволашда кальций препаратлари (хлорид ва глюконат кальций), антигистамин дори воситалари (фенкарол, перитол, супрастин, диазолин), витаминалар (А, Е ва Д₂, рибофлавин, фолат ва никотин кислоталари, пантотенат кальций) белгиланади. Касалликнинг ўткир ва тарқоқ кўринишда кечадиган ҳолатларида bemorларга глюкокортикоид дори воситалари bemor болалар 1 кг тана оғирлигига нисбатан белгиланиб, 10-14 кун мобайнида тавсия этилади. маҳаллий даво кортикостероид малҳамларининг тавсия этилиши билан олиб борилади.

ТЕРИНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Умумий маълумотлар

Терининг замбуруғли касалликлари учраш частотаси бўйча терининг йирингли касалликларидан кейинги иккинчи ўринда туради. Замбуруғлар тузилиши жиҳатидан тубан ўсимликлар туркумига мансуб бўлиб, ўсимликлардан таркибида хлорофилл моддасининг йўқлиги билан фарқланади. Замбуруғлар табиатда кенг тақалган бўлиб, асосан ҳавода, тупроқда, сув ҳавзаларида, ўсимликлар, ҳайвонлар ва ниҳоят инсонлар орасида учрайди. Ҳозирга вақтга келиб замбуруғларнинг 150000 дан ортиқ тури маълум бўлиб, уларнинг асосий қисми табиатда сапрофит ҳолатда учрайди. Касаллик чақирадиган патоген замбуруғлар асосан анаэроб муҳитда, яъни кислород йўқ шароитда яшайди ва фаолият кўрсатади. Замбуруғлар ҳаёти учун азот, углевод ва минерал моддалар зарур бўлиб, улар учун қулай муҳит шароити pH=6-6,4 ни, мўътадил ҳарорат эса 22-37⁰ ни ташкил этади. Замбуруғлар думалоқ, чўзинчоқ, найсимон, шохсимон шаклларга эга бўлиб, улар таналарининг, яъни мицелияларининг узунлиги 4-5 ммк дан 60-70 ммк гачани ташкил этади. Замбуруғли касалликларнинг вужудга келишида ташқи ва ички муҳит шароитлари муҳим роль ўйнайди. Замбуруғларларнинг яшаши, кўпайиши ва фаолият кўрсатиши учун уларга қулай ва нокулай шароитлар ўз таъсирини кўрсатади. Уларга қулай бўлган шароитларга паст ҳарорат, қоронғулик, намлик ва кислородсиз муҳит, нокулай бўлган шароитларга эса қуруқ сатҳ, ёруғлик, кислородли муҳит ва юқори ҳарорат киради. Замбуруғлар асосан ўртасидан бўлиниб ёки куртакланиб қўпаяди. Улар сунъий экиш майдонларида ўзига хос бўлган колониялар ҳосил қилиш хусусиятига эга.

Дерматомикозларнинг шаклланиш жараёни замбуруғларнинг касаллик қўзғатиши даражасига ва макроорганизмнинг иммунобиологик хусусиятларига, беморлар ёшига, жинсига ва улар эндокрин безларининг ҳолатига боғлиқ. Бунда эпидермис ва дерма қаватининг сўрилиш хусусиятининг кучайиши, кўп терлаш, терининг ўзига хос

кимёвий таркиби мұхим роль ўйнайды. Замбуруғли касалликларнинг болалар ўртасида, айниқса, мактаб ёшидаги болаларда учраш ҳолати болаларда тери эпидермис ва соч хужайралари таркибіда кератинин маоддасининг етарли даражада эмаслиги, терининг сув-әф ҳимоя қавати pH мұхитининг ишқорлы ёки мұйтадил даврга ўтиши замбуруғларнинг фаоллашишига ва вирулентлик даражасининг кучайишига олиб келади. Айниқса, сурункали ва юқумли касалликлар билан хасталанган, заифлашган болаларда дерматомикозлар күпроқ учрайди. Касаллик манбаи бўлиб bemor инсон ёки bemor ҳайвонлар ҳисобланади, улардан соғлом инсонларга касаллик түғридан түғри майший алоқалар натижасида ёки билвосита, яъни bemorлар истеъмолида бўлган буюмлар (кийим-кечак, идишлар, ўйинчоқлар ва ҳ.к.) орқали юқади. Касаллик юққандан сўнг касалликнинг клиник белгилари тери, соч, тирноклар ва шиллиқ қаватларда намоён бўлади ва ривожланади.

Ҳозирги кунда терининг замбуруғли касалликларини ўрганишда 1978 йилда Н.Д. Шеклаков тамонидан таклиф этилган классификациядан фойдаланиб келинмоқда, ушбу классификацияга асосан забруғли касалликлар қуидагича синфланади: Кератомикозлар - бу турдаги замбуруғлар асосан эпидермиснинг мугуз қаватини заарлайди. Мазкур гурухга кепаксимон темиратки ва тугунли трихоспория касалликлари киради. Дерматофитиялар - буларга трихофития, микроспория эпидермофития, рубромикоз ва фавус (каллик) касалликлари киради. Бу касалликларни чақирувчи замбуруғлар патоген замбуруғлар бўлиб, уларни дерматофитлар, деб аталади. Ушбу замбуруғлар тери эпидермис қаватини, асл терини, яъни дермани ва тери ортиқларини (соchlарни ва тирнокларни) заарлайди. Кандидозларни -, яъни ачитқили замбуруғ касалликларини *candida albicans* синфига мансуб бўлган замбуруғлар қўзғатади, касалликда тери, шиллиқ қаватлари, тирноқ пластинкалари ва ички аъзолар заарланади. Кандадомикозлар юзаки (тери, шиллиқ қаватлар, кандидозли онихия ва паранихиялар) ва системли (висцерал) қўринишларда кечади. Бундан ташқари болаларда кузатиладиган сурункали тарқоқ гранулёматози ҳамда кандидамикилар (иккиламчи аллергик тошмалар) қўринишида намоён бўлади. Чуқур микозлар - тери ва шиллиқ қаватларни ҳамда ички аъзоларни чуқур йирингли ва некротик ўзгаришлар тарзида

кечади. Уларга бластомикоз, гистоплазмоз, хромомикоз, актиномикоз, кокцидиозлар киради.

Кератомикозлар

Кепаксимон ёки ранг-баранг темиратки касалликнинг қўзғатувчиси *Phtyrosporum orbiculare* бўлиб, касалликда фақат эпидермиснинг шох қавати заарланади, шунинг учун ҳам яллиғланниш белгилари кузатилмайди. Касаллик тери соҳаларида яллиғланмаган пушти, сариқ, жигарранг, тўқ- қўнғир ранг кўринишида бўлган, худди сутнинг кофе билан аралашмаси рангини эслатиб турадиган тошмалар тошиши билан намоён бўлади. Доғли тошманинг устки юзаси одатда кепаксимон қипиқлар билан қопланган бўлганлиги учун ушбу касаллик кепаксимон темиратки, деб ном олган. Тошмалар кўкрак, бўйин, елканинг юқори қисми, кураклар ўртасида ҳамда бўкса ва қорин тери соҳаларида жойлашади. Кепаксимон темиратки касаллигининг келиб чиқишига асосан шахсий гигиена ҳолатларига риоя қиласлик, кўп терлаш ва сунъий матолардан тикилган кийимларни узоқ вакт давомида кийиб юриш каби ҳолатлар сабабчи бўлади. Касаллик ойлаб ва йиллаб давом этиши мумкин. Субъектив беморларни ҳеч нарса безовта қилмайди, баъзан эса енгил қичишиш ҳолати кузатилиши мумкин. Касаллик белгилари беморларда баҳор ва куз фасллари пайдо бўлиб, қишининг совуғи ва ёзнинг жазирама иссиғида эса йўқолиб кетади. Офтобда тобланган ёки маҳаллий даво чораларини олган беморларда қипиқланиш ҳолати кузатилмайди ва ўчоқларда ҳосил бўлган доғларнинг ўрнида ранги оқариб кетган депигментациялар пайдо бўлади (сохта лейкодерма). Бундай ҳол витилиго (пес) касаллиги белгиларини эслатади. Бироқ йодли синов усули (Бальцер синови) орқали кепаксимон темираткани витилиго касаллигидан ажратиш мумкин бўлади, яъни ғоваклашган шох қават ҳужайралари йоднинг спиртли эритмаси суртилганда бўёқларни ўзига кўп қабул қилиб олади, натижада эса заарланган тери соҳаларида доғли тошмалар тўқ рангларга бўялади. Захм лейкодермасидан кепаксимон темиратки касаллиги «тирноқ билан уриш» синамасининг (Бенъе белгисининг) мусбат натижаси билан, яъни заарланган ўчоқларда яширин қипиқланиш жараёни кетаётганлиги билан фарқланади. Доғли соҳалар люминесцент лампаси (ВУД лампаси) орқали ёғдулантирилганда доғли тошмалар юзаси қўнғир рангда товланади.

Ранг-баранг темиратки касаллигини даволашда замбуруғларга қарши дори воситалари қўлланилади. маҳаллий даволашда 2-5 %ли салицил кислотасининг спиртли эритмаси, 10-20 %ли олтингугурт малҳами, нитрофунгин, Андриасян суюқлиги, «Тербезил», «Ламизил», «Низорал» ва «Орунгал» малҳамларини суртиш самарали наф беради. Фунгицид эритмалар билан фунгицид малҳамларни навбатма-навбат қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, касалликни даволашда 3-7 кун мобайнида аввал 60% ли гипосульфат натрий эритмасини, кейин эса 6% ли ош тузи кислотаси эритмаларини кетма-кет (Демъянович усули) суриш (болаларга эса 40 % ва 4 %ли эритмалар тарзида) орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Эритразма касаллиги сапрофит замбуруғлар қўзғатадиган терининг замбуруғли касаллиги бўлиб, касаллик ўчоқлари асосан чов, қўлтиқ ости соҳаларида, аёлларда эса сут безлари бурамалари, сон соҳаларида сарғиш-жигарранг ёки пушти-қизил ранг ўчоқлар тарзида пайдо бўлади ва касалликда асосан эпидермиснинг мугуз қавати заарланади. Касаллик асосан эркакларда ва уларнинг тери бурмаларида қўпроқ учрайди. Касаллик қўзғатувчиси *Corynebacterium minutissimum* замбуруғи фақат эпидермис қаватида жойлашади, тирноқ ва соchlарни эса заарламайди. Касалликка олиб келувчи омиллар патогенезида организмнинг индивидуал хусусиятлари, қўп терлаш, тернинг кимёвий таркиби, ҳавонинг намлиги, юқори ҳарорат каби ҳолатлар мухим аҳамият касб этади. Касаллик майший алоқалар (сочик, чойшаб, ҳаммом жихозлари) ҳамда жинсий алоқалар орқали ҳам юқиши мумкин.

Чов соҳаси, қўлтиқ ости соҳаларида, аёлларда эса сут безлари бурамалари соҳаларида кескин ажralиб турадиган, яллиғланмаган, оч-жигарранг ёки қизил-жигарранг тусли доғлар кузатилади, баъзан бу доғлар оёқ панжаси ораларида ҳам учрайди. Бундай доғли тошмалар бир-бирлари билан қўшилишиб четлари тутгача кўринишда бўлган катта-кичик ўчоқларни ҳосил қиласди. Ўчоқлар юзаси сал пўст ташлайди. Доғлар усти силлиқ ва майнин кепакланувчи қатқалоқлар билан ёпилган ҳолда бўлади. Баъзидаги ўчоқлар атрофида озгина кўтарилиб турувчи ҳошиялар кузатилади, маркази эса оқариб, қўнғирранг кўринишида пигментацияланади. Болаларда эритразма касаллиги кам ҳолларда учрайди. Кўп терлайдиган, семиз ва ўзига қарамайдиган инсонларда касаллик тез-

тез қўзғалиб туради, одатда субъектив шикоятлар бўлмайди, лекин баъзида енгил қичишиш кузатилади. Касаллик ёз фаслларида юзага келиши мумкин, кучли терлаш ва терига керакли даражада қаралмаслик ўчоқлар устида енгил яллиғланишларнинг вужудга келишига сабабчи бўлади

Касалликка ташхис касалликнинг клиник кўриниши ва лаборатория натижаларига асосланиб қўйилади. Люминесцент лампа орқали текширилганда касаллик ўчоқлари ғишт ранг, қизил бўлиб товланади, чунки касаллик қўзғатувчи замбуруғ ҳаёт фаолияти давомида сувда эрувчи порфирин ишлаб чиқаради. Эритразмани чов эпидермофитияси, себореяли экзема, псoriasis, рубромикоз каби касалликлари билан таққослаб фарқланади. Чов эпидермофитиясида ўчоқлар чегаралари бироз кўтарилиган, эпидермис сатҳи ишқаланган ҳолда бўлади, ўчоқлар атрофида ҳошиялар жойлашади, ўчоқлардаги пуфакчаларнинг яллиғланиши ва қичишиш кузатилади. Чов-сон бурмаларида жойлашган рубромикоз касаллиги эритразмадан ўчоқлар четидаги яллиғланган ҳошиянинг узилиб-узилиб жойлашганлиги билан, кўпинча оёқ кафтлари териси ва тирноқларнинг биргаликда заарланганлиги ва турли даражадаги қичишишларнинг кузатилиши билан фарқланади. Ранг-баранг темираткидан эритразма касаллиги ўчоқлар жойлашуви ва улар ўчоқларининг ранги билан фарқланади.

Худди кепаксимон темиратки каби касалликни даволашда қипиқларни туширадиган ва дезинфекцияловчи дори воситалари тавсия этилади. Давонинг ўтказилиши худди ранг-баранг темираткидек олиб борилади, лекин дорилар кам концентрацияда қўлланилади, чунки эритразма касаллиги ўчоқлари тананинг пастки бурма соҳаларида жойлашганлиги учун шундай қилинади. Касалликни даволашда 5 %ли эритромицин малҳамини қўллаш кўпроқ терапевтик натижа беради. Бу вақтда давони двомийлиги 12-18 кунни ташкил этади. Касалликни тарқоқ кўринишларда бўлганлигига bemorlararga 1 г миқдорида эритромицин дори воситасини ичиш тавсия қилинади, маҳаллий эса 2 %ли йод эритмаси ва нитрофунгин эритмалари қўллаш тавсия этилади.

Касалликни олдини олишда шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, ич кийим, пойафзалларни дизенфекциялаш, кўп терлаш ҳолатини олдини олиш каби тадбирлар муҳим ҳисобланади. 2 %ли салицил спирти билан артиб туриш ва 5-10 %ли борат кислатаси

упалари билан упалаш касалликни олди олишнинг гарови бўлиб ҳисобланади.

Дерматофитиялар

Эпидермофития касаллиги юқумли замбуруғли касаллик бўлиб, касаллик билан силлиқ тери соҳалари, тирноқ пластинкалари зарарланади. Касалликнинг 2 та клиник тури: оёқ кафти эпидермофитияси ва катта бурамалар (чов соҳаси) эпидермофитиялари тафовут этилади.

Чов эпидермофитиясини қўзғатувчиси *Epidermophton inguinale* Sabourand (*E.floccosum*) бўлиб ҳисобланади. Касаллик асосан жамоат ҳаммомларида, юваниш хоналарида, суаналарда, сув ҳавзалари қирғоқларида умумий юваниш жиҳозлари ва бюмлари орқали (тоғора, мочалка, чойшаб, ич кийими, сочиқ, термометрлар) юқади. Касаллик ривожланишига чов-сон катта бурмаларининг терлаши ҳолати сабабчи бўлади. Айниқса, семиз одамларда ва қандли диабет билан хасталанган беморларда, нам боғламлар билан боғланган терида кўп кузатилади. Кўпинча касаллик билан эркаклар хасталанади, болалар ва ўслиринларда эса касаллик кам кузатилади.

Касалликда одатда чов соҳасини (сон-мояқ бурмалари), сон ички юзалари, қов соҳаси, қўлтиқ ости бурмаларининг заарланиши кузатилади. Баъзида патологик жараён кўкрак, қорин соҳасига, сут безлари ости соҳаларига тарқалади. Касаллик белгилари аввалига соннинг ички юзаларида катталиги тангадек келадиган пушти қизил рангли доғларнинг пайдо бўлиши билан бошланади, уларнинг чегаралари аниқ бўлиб, тери сатхидан бироз кўтарилиб туради. Тошмалар юзасида майда пуфакчалар, йирингчалар бўлиб, марказида кепаксимон тангачалар кузатилади. Доғли тошмалар йирик ўчоқларни ҳосил қилиб, бир-бири билан қўшилишга мойил бўлади. Улар атрофга қараб кенгайиб бориб, ўртаси эса оқара бошлайди ва ҳалқасимон шаклни ҳосил қиласи. Беморни қичишиш, ачишиш ва оғриқ каби салбий ҳолатлар безовта қиласи. Касаллик бошланишида ўткир кечади, кейинчалик эса сурункали тус олади. Касалликнинг ўзига хос бўлган клиник манзарасини ўчоқлардан олинган қириндиларда замбуруғ мицелийларини, озиқа муҳитларида эса уларга хос бўлган замбуруғлар культурасини аниқлаш орқали ташхис қўйиш муҳим роль ўйнайди. Чов эпидермофитияси руброфития, терининг катта бурмалари кандидози, эритразма,

бичилиш, терининг катта бурмалари экземаларидан таққослаб фарқланади. Касалликни даволашда агар жараён ўткир кечса, яллиғланиш кучли бўлса ўчоқларга 0,25 %ли кумуш нитрати, 1- 2 %ли резорцин, 2 %ли борат кислотаси эритмалари ва бошқа совуқ хўллаб-қуригичлар (примочкалар) қўйилади. Заарланган ўчоқларга 1-2 %ли йодли димламаси, 3-5 % олtingугурт, қорамой малҳамлари, бундан ташқари эса фунгидцид дори воситаларидан нитрофунгин, микосептин, амиказол, Вилькинсон малҳамлари қўллаш тавсия этилади. Касалликнинг ўткир ва тарқалган кўринишларда кечиши ҳолатларида беморларга умумий даво чоралари (антигистамин, десенсибилловчи препаратлар) қўлланиши тақозо этилади. Касалликни олдини олишда терлашга қарши курашиш, моддалар алмашинувини коррекциялаш, умумий ишлатиладиган предметларни яхшилаб дезинфекциялаш зарур.

Оёқ кафти эпидермофитияси касаллигини *Trichophiton interdigitale mentogrophytes* замбуруғи қўзғатади. Касалликнинг асосан ҳаммоларда, ювениш хоналарида, сув ҳавзаларида, спорт залларида юқиши қайд этилади. Касаллик қўзғатувчи замбуруғлар шахсий гигиена қоидаларига риоя қиласлиқ, бирорларнинг оёқ кийимларини кийиш орқали юқади. Касаллик қўзғатувчи замбуруғлар оёқ панжаси юзларига, бармоқлараро соҳаларга ва бемор тирнокларига юқиши натижасида бир неча кунлардан сўнг касаллик белгилари юзага чиқади. Оёқ кафти эпидермофитиясини келиб чиқишида ва авж олиб боришида бемор организмининг индивидуал хусусиятлари, жумладан, оёқ панжасининг кўп терлаши, тери кимёвий таркибининг бузилиши, организмнинг умумий ҳолати, асаб тизимининг функционал ҳолати кабилар катта аҳамият касб этади. Узоқ вақт беморларни резина пойафзалларда юришлари натижасида оёқ томирлари тонусининг бузилиши, натижада эпидермис қаватига замбуруғларнинг тушишига, унинг яхлитлигининг бузилишига (бичилиш, микротравма, ишқаланиш) имкон яратилади. Касалликнинг қуйидаги клиник шакллари тафовут қилинади: сквамоз, интертригиноз, дисгидротик ва тирноклар эпидермофитияси турлари. Сквамознинг клиник шакли оёқ панжалари, товоң соҳалари оралиғидаги бурмалар терисида, пластинкасимон пўст ташлашлар билан намоён бўлади. Бу соҳалар териси оч рангли кўринишда бўлиб, юзаси оқиш кулранг қипиклар билан қопланади. Қипиклар вакти-вакти билан тўкилиб туради.

Бемор ҳеч нарса сезмаслиги ҳам мумкин, бироз қичишиш кузатилади. Сквамоз клиник шаклидан дисгидротик клиник шаклига ўтиб кетиш эҳтимоли бор. Интертригиноз шаклида касаллик белгилари 4- ва 5-, 4- ва 3- бармоқлар орасидаги тери юзаларининг пўст ташлаши, хўлланиши, ёрилиши билан кузатилади. Бармоқлар оралиғида пуфакчалар пайдо бўлиб, ёрилиб шилиниш ҳолати вужудга келади. Жараён бармоқлар орасидаги бурмалардан оёқ кафти терисига тарқалади. Беморларни интенсив қичишиш ва эрозиялар ҳисобига оғриқлар безовта қиласди. Дисгидротик клиник шакли оёқ панжасининг ён юзаларида, оёқ кафти гумбази соҳаларида пуфакчали ва пуфакли тошмалар пайдо бўлиши билан кечади. Улар баъзан юза ва чуқур жойлашади. Кўпинча майда пуфакчалар қўшилиб пуфакларни ҳосил қиласди, пуфаклар ёрилиб эрозияларни ҳосил қиласди. Баъзи пуфакчалар қуриб, қора кўтири билан қопланади. Субъектив bemорларни кучли қичишиш ва оғриқ безовта қиласди. Касаллик узоқ давом этади ва тез-тез баҳор ва ёз ойларида қайталаниб туради. Тирноқлар эпидермофитияси (они-хомикоз) бош ва жимжилок бармоқ тирноқларининг заарланиши кўринишида намоён бўлади. Касаллик белгилари тирноқларининг эркин қисмларида, четларида ва тирноқ пластинкаси юзаларида сариқ доғлар пайдо бўлиш билан бошланади, кейинчалик тирноқлар хиралаша бошлайди, қалинлашади, мўртлашади ва уваланадиган бўлиб қолади. Оёқ кафти эпидермофитияси билан оғриган bemорларнинг 20-30 %да тирноқ пластинкалари заарланади. Оёқ кафти эпидермофития касаллигининг ташхиси клиник кўринишлар ва лаборатория текширувларига асосланиб қўйилади. Шундан сўнг эса даво чоралари ўтказилади. ёқ кафти эпидермофития касаллигини даволашда албатта касалликни клиник шаклларини инобатга олган ҳолда олиб бориш муҳим. Касалликнинг сквамоз шаклини даволаш учун 2 %ли йод димламаси ва Вилькинсон малҳамларидан фойдаланилади. Даствор сода-совунли ванналар қабул қилинади, кейин эса 5 %ли салицил, 10 %ли олтингугурт маҳамларини суртиб бойлаб қўйилади. Оёқ панжасининг интертригиноз шаклида эса бармоқ оралиқларига 2 %ли йод димламаси, нитрофунгин эритмаси ва фунгицид малҳамлари суртилади. Дисгидротик клиник шаклида эса маҳаллий даво билан бирга умумий даво чоралари ҳам ўтказилади. Касалликнинг ўткир даврида 0,25 %ли кумуш нитрат, 1 %ли резорцин эритмаларини, 1:1000 нисбатида риванол, 1 %ли рух

сульфат эритмаси, 1:1000 нисбатида фурациллин, 2 %ли борат кислотаси эритмаларидан фойдаланилади, совук примочкалар қилинади. Касалликнинг барча шаклларини даволашда «Ламизил», «Орунгал», «Низорал» каби маҳалий препаратлар катта самара беради. Оёқ кафти эпидермофития касаллигини олдини олиш мақсадида инсонларга гигиена қоидалариға амал қилиш, пайпоқларни тез-тез алмаштириб туриш, оёқ кафти юзаларини 3% ли формалин эритмаси билан артиб туриш тавсия этилади.

Рубромикоз касаллигини *Trichophyton rubrum* замбуруғи күзғатади. Касалликнинг бу тури факат инсонларда кузатилади. Касаллик соғлом инсонларга асосан руброфития билан хасталанган беморлар билан узоқ вақт давомида яқин майший алоқаларда бўлиш ва уларнинг буюмларидан (мочалка, пемза, қайчи, пойафзал ва бошқалардан) фойдаланиш орқали, ҳаммом, душ, бассейнларга борилган пайтларда юқтириш мумкин. Руброфития касаллиги билан оила аъзолари хасталангандилари сабабли ҳам кўп ҳолларда оилавий инфекция, деб аталади. Касаллик клиник белгилари асосан қўл-оёқ кафтлари, оёқ бармоқлари оралиғи, чов ва қўлтиқ ости соҳа бурмалари заарланади. Айниқса, йирик бурмалар териси соҳалари кўпроқ касалликка жалб этилади. Қўл-оёқ кафт териси юзалари қурийди, дағаллашади, эгатчалари бор жойлар эса қипиқсимон тангачалар билан қопланади. Натижада қўл ва оёқ кафтлари худди ун сепиб қўйгандек кепакланиб туради. Жараён эпидермофитиядан фарқли ўлароқ, оёқ панжаси ва бармоқларнинг устки ҳамда ён юзалариға ҳам ўтади. Оёқ панжасининг касалланиши қўпинча қичишиш билан кечади. Оёқ бармоқлари ораси қуруқлашиб кепакланади, касалликда оёқ кафтининг барча бармоқлари орасидаги бурмалар, шунингдек, тирноқлар заарланади. Қўл-оёқ тирноқлари сарғайиб, хираклашади ҳамда қалин тортиб уваланиб туради ва қўпинча учидан кўчади. Кўчган тирноқ кир-кулранг тусга киради. Силлиқ тери юзаларида касаллик ўчоқларининг чети кўтарилиб турадиган, унсимон тангалар билан қопланади. Баъзан, шаклан фестонларга ўхшайдиган пўстчалар билан қопланган қизил доғлар, ҳалқалар кўринишида бўлади. Доғлар устида майда, қизил рангдаги тугунчалар бўлиб, уларнинг юзаси қора қўтирилганда қопланади. Касаллик сурункали кечиб вақти- вақти билан, айниқса, иссиқ кунларда қайталаниб туради. Касалликнинг давоси қўл ва оёқ кафтлари териси юзалариға керотолитик ва фунгицид

эритмаларидан иборат дори воситаларини қўллаш оқали олиб борилади. Бунинг учун 2 %ли йод димламаси, нитрофунгин, Кастеллани суюқликларини, микосептин, микозолин, ламизил малҳамларидан фойдаланади. Касалликни олдини олишда эпидермофития касаллигини одини олиш сингари шахсий ва ижтимоий гигиена қоидаларига риоя этиш лозим.

Трихофития касаллиги дерматомикозлар ичида энг кенг тарқалган, юқумли касаллик тури ҳисобланиб, унинг келиб чиқишига *Trichopyton* туркумига кирувчи замбуруғлар сабабчи бўлади. Трихофития касаллигининг уч хил клиник шакллари тафовут этилади: юзаки, сурункали ва йириングли-яллиғланиш билан кечадиган ёки зоофил трихофитиялар. Юзаки ҳамда сурункали трихофития касаллиги билан факат одамлар касалланганлари учун ҳам уларни антропофил замбуруғлар, деб аталади. Антрофил замбуруғлари нафақат тери, балки тери ҳосилаларини ва соchlарни ҳам заарлайди. Соч толалари заарланиши ички томондан кузатилганлиги учун бундай ҳолат *Trichophyton endothrix*, деб аталади. Бу гурух замбуруғларга *Tr. Violaceum* ва *Tr. Tosurans* лар киради.

Касалликни йириングли-яллиғланиш кўринишида кечадиган чуқур клиник турини чақиравчи замбуруғлар ҳам ҳайвонларда (сичқонлар, каламушлар, қуёнлар, денгиз чўчқалари, сигир, бузоқлар, отлар ва ҳ.к.) ва ҳам инсонларда касалликни чақирганликлари учун уларни зоантрофил замбуруғлар, деб аталади. Касалликнинг бу клиник турида соч толаларининг заарланиши сиртқи томондан кузатилганлиги сабабли уларни *Trichophyton ectothrix*, деб аталади. Айрим ҳолларда эса замбуруғ спораларининг занжирлари соч кутикуласида (пардасида) ҳам кузатилади. Бу гурух замбуруғларига *Tr. Gypseum* ва *Tr. verrucosum* лар киради. Сочларнинг заарланиши майда ўчоқли ва йирик ўчоқли кўринишларда бўлади. Агарда касалликнинг кечиши соchlарда майда ўчоқлар кўринишида бўлса, у ҳолда касаллик манбаи уй ва дала сичқонлари ҳамда денгиз каламушлари бўлиб ҳисобланади. Агарда йирик ўчоқли кўринишида бўлса, касаллик манбаи бўлиб йирик уй ҳайвонлари, яъни сигир, бузоқ, отлар ҳисобланади. Касалликнинг бундай кўринишларда кечишини баҳолай олиш касалликка тўғри ташхис қўйиш, тўғри даво ўтказиш ҳамда касалликка қарши бўлган профилактик тадбирларни белгилаш имконини яратади.

Замбууруғ билан заарланган соч толалари, қипиқлар, тирнокларнинг емирилган зарралари соғлом одам терисига бевосита контакт ёки беморлар фойдаланган кундалик жихоз ва буюмлар (бош кийими, тароқ, ич кийими, чойшаб, қўлқоплар ва х.к.) орқали юқади. Касалликнинг ривожланишига эпидермиснинг мугуз қатлами жароҳатланиши, юқори тана ҳарорати, атроф-муҳитнинг юқори намгарчилиги, эндокрин бузилишлар, организмнинг умумий ва иммун реактивлигининг пасайиши каби ҳолатлар сабаб бўлади.

Юзаки трихофития касаллиги билан асосан болалар касалланади, касалликнинг бу тури кўпинча 4-15 ёшгача бўлган болаларда учрайди. Балоғат даврига келиб, касалликларнинг бу тури ички секрецияси безлари фаолиятининг ўзгариши туфайли ўз-ўзидан йўқолиб кетади, айrim ҳолларда агарда даволанмаса, касаллик кексалик давригача ҳам давом этиши мумкин.

Силлиқ тери юзаки трихофития касаллигининг белгиларини тери соҳаларининг, асосан юз, бўйин, тана, елка ва тананинг бошқа исталган ерларида кузатиш мумкин. Даствор терида четлари сал кўтарилилган, оч қизил рангли, думалоқ, яллигланган доғли ўчоклар пайдо бўлади. Доғли ўчоклар четлари аниқ, тери сатҳидан бироз кўтарилилган бўлиб, маркази бироз ясси, қипиқлар билан қопланган кўринишида бўлади. Касалланган ўчоклар четлари майда тугунча ва пуфакчалардан ва қатқалоклардан иборат бўлади. Ўчоклар ўсиб бир бирига қўшилиб, турли шаклларни ҳосил қилиши мумкин. Беморларда салбий бироз қичишиш кузатилади.

Тирноклар трихофитияси 2-3 % bemорларда учрайди. Тирнок пластинкалари заарланиши уларнинг эркин қисмидан бошланади ва бир неча ойлардан кейин бутун тирнок пластинкасини эгаллайди. Аввалига тирнок пластинкалари қалинлашиб, хира тортади, яъни кулранг тус олади ва тирнок пластинкаси остида гиперкератоз ҳолати кузатилади. Кейинчалик тирноклар қалинлашади, мўртлашади, енгил увалана бошлайди, уларнинг ранги қўнғир рангга киради ва тирнок ости гиперкератози кузатилади. Бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча тирнок пластинкалар касалланиши мумкин. Касаллик сурункали, узоқ йиллар давом этиши мумкин.

Соч соҳаси юзаки трихофитиясининг клиник кечиши бошнинг сочли қисми соҳасида катталиги олча катталигидек келадиган бир нечта ўчоклари пайдо бўлиши билан бошланади, ушбу соҳалардаги касаллик ўчоклари тери юзаси пўст ташлаб қазғоқ ва қипикланади,

уларда соchlарнинг сийраклашиши кузатилади. Заарланган ўчоқларда соchlар мўртлашиб, тери сатҳидан 1-3 мм баландликда қора нуқталар ташкил этиб синиши кузатилади. Синган соchlар ўз рангини йўқотади, хиралашади ва бироз йўғон тортади. Касаллик ўчоғидаги тери пўстлари орасидан илмоққа ўхшаш соch бўлакларинг кўриш мумкин бўлади. Соch соҳаси юзаки трихофития касаллиги ёш болаларда асосан узоқ давом этади, агарда касалликни болаларда ўз вақтида даволанмаса, касаллик bemор бола баданинг бошқа тукли қисмларига тарқалиб кетиши мумкин.

Сурункали трихофития касаллиги bemорларда ёш болалик даврларидан юзаки трихофития кўринишида кечиб, йиллар ўтиши билан катталар сурункали трихофития шаклини олади. Касалликнинг бундай кўринишда кечиши асосан балофат ёшига етган қизлар болаларда ва аёлларда кузатилади. Ички секреция безлари фаолиятида, хусусан, тухумдонларда бирор бир иллат бўлган аёлларда касаллик белгилари сурункали тус олади ва йиллаб давом этади. Касаллик белгилари билан силлиқ тери, бошнинг сочли қисми ва тирноқлар заарланиши билан кечади. Кўпинча касаллик ўчоқлари бошнинг энса ва чакка соҳаларида ҳар хил катталика бўлган, бироз қипикланиб турадиган ўчоқлар тарзида пайдо бўлади. Ўчоқлар соҳасида соchlарнинг заарланиб тагидан синиши ҳолати кузатилади ва қора нуқталар ҳосил қиласи. Бундан ташқари бу соҳаларда бироз тери пўст ташлаб турадиган кичикроқ заарланиш ўчоқлар, яъни комедонлар кузатилади, жойларда сочсиз атрофияга учраган ўчоқлар ҳам учрайди. Касаллик bemорларда узоқ вақт кечади, бундай ҳолат эса ёш болалар учун касаллик манбаи бўлиб хизмат қиласи. Силлиқ тери соҳаларида, яъни болдир, билак, тирсак, думба, юз соҳаларида бир-бирига қўшилишга мойил бўлган, ҳар хил катталика, қипикланиб турадиган, чегаралари ноаниқ бинафша ранг ўчоқлар ҳосил бўлади. Оёқ-қўл кафтлари мугуз қавати соҳалари бироз қалинлашади ва яллиғланиш белгиларисиз пўст ташлаб турувчи касаллик ўчоқлари пайдо бўлади. Йирингли-яллиғланиш билан кечадиган ёки чуқур трихофития касаллиги асосан ҳайвонлардан юқади. Касаллик ўчоқлари болаларда кўпинча бошнинг соch қисмларида, катталарда эса соқол-мўйловли соҳаларда жойлашади ва заарлайди.

Бошнинг сочли қисмида алоҳида катта ҳажмда бўлган, аниқ ажралиб турадиган, яллиғланган ва маддалашган, сатҳи кўп

микдорда йиринглар ва қатқалоқлар билан қопланган ўчоклар кузатилади. Ўчоклар пайпаслаб кўрилганда хамирга ўхшаш юмшоқ кўринишда бўлиб, улардан йиринг ажралиб туради. Ўчоклардан қатқалоқларни олиб ташланганда йирингли яллиғланган соч фолликулаларини кўриш мумкин. Бу ўчоклардан моғор ҳиди келиб туради, кўл билан босилганда эса фолликулали тешиклардан йирингли томчилари ажралиб туради бундай кўриниш асалари уясига ўхшаб кетганлиги учун асалари уяси белгиси ёки Kerion Celci белгиси, деб номланади. Ўчокларда соч толалари таг-туги билан йиринглаб кетганлиги сабабли соchlар тўкилиб кетади ва касаллик кўринарли даражада яллиғланиш аломатлари билан кечади. Беморларда тана ҳарорати кўтарилиши, бош оғриши, шунингдек, бўйин ва энса соҳаларида лимфа тугунлари катталashiши, кўнгил айнаши, лоҳаслик каби ҳолатлар кузатилиши мумкин.

Силлиқ тери соҳаларида трихофитиянинг йирингли-яллиғланиш билан кечадиган клиник шаклида, дастлаб катта, думалоқ шаклли, инфильтратланган плакчали ўчоқ ҳосил бўлиб, у атрофдаги соғлом теридан ажралиб туради. Ўчоқ юзаларини фолликуляр кўринишда бўлган йирингчалар, пластинкасимон қипиқлар ва йирингли қатқалоқлар билан қопланиши кузатилади. Инфильтралланган плакчали ўчоқлар атрофга қараб катталашиб боради. Беморларни ўчоқларда оғриқ, ҳаракатнинг чегараланиши ва тана ҳароратининг кўтарилиши каби салбий шикоятлар безовта қилиши мумкин.

Микроспория дерматофитиялар гурухига мансуб бўлиб, касаллик билан қўпроқ мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар касалланади. Микроспория касаллигига фақат силлиқ тери соҳалари ва бошнинг сочли қисми заарланади, тирноқлар эса заарланмайди. Худди трихофития сингари микроспориянинг ҳам қўзғатувчиси 2 хил: антрофил ва зоантрофил замбуруғлардан иборат бўлади. Антрофил замбуруғлари фақат инсонларда паразитлик қилиб, асосан тери ва тери ҳосилаларини заарлайди, уларга *Microsporium ferrugineum* (зангдор микроспориуми) ва *Microsporium Oudouini* (Одуэн микроспориуми) лар киради. Зоантрофил замбуруғларига эса *Microsporium lanosum* (момик ёки мушуксимон) ва *Microsporium canis* (кучуксимон) лар киради. Касаллик соғлом инсонларга микроспория касаллиги билан хасталанган bemорлар билан контактда бўлинганда ёки bemор истеъмолида бўлган буюмлар орқали юқади. Ушбу касаллик турлари ичida энг юқумлиси бўлиб

зангдор микроспориум замбуруғи чақирадиган хили ҳисобланади. Касалликнинг зоантрофил (ёки момик) хили билан хасталаниш асосан уй ҳайвонлари бўлмиш кучук ва мушуклар билан контактда бўлинганда кузатилади. Касалликнинг юқишига гиповитаминос, иммун бузилишлар, микротравмалар, юқори намгарчилик ва ҳавонинг юқори ҳарорати, сурункали касалликлар (сурункали тонзиллит, ЎРК) туфайли организм реактивлигининг пасайиб кетиши, шахсий гигиена қоидаларига амал қиласлик имкон яратиб беради. Болаларда кузатиладиган микроспориянинг икки хил клиник тури мавжуд.

Силлиқ тери микроспориясида юз, лунж, қўл, оёқлар, бадан силлиқ тери соҳаларида думалоқ овал шаклида, қизғиши кўринишда бўлган, яққол ажралиб турадиган ўчоқлар кузатилади. Ўчоғлар сатҳи кумушсимон қобиғлар билан қопланган бўлиб, маркази бироз очроқ рангда, яссироқ, четлари эса кўтарилиб турадиган ҳалқа шаклига ўхшаш бўлади. Заарланган ўчоқлар чегараларида пуфакчали тошмалар кузатилади, улар сатҳлари қобиғ ва қазғоқлар билан қопланиб турди, бу манзара силлиқ тери трихофитиясига жуда ўхшаб кетади. Заарланган ўчоқлар доира шаклидаги кўринишга эга бўлиб, улар бир доира ичida янгисининг пайдо бўлиши билан, яъни ҳалқа ичida ҳалқа кўринишида (ирис шаклида) намоён бўлади. Заарланган ўчоқлардан олинган тери қириндиси текширилганда эса замбуруғ мицелияларини ва уларнинг айrim сигментларини кузатиш мумкин бўлади.

Бошнинг сочли қисми микроспориясининг клиник белгилари уни пайдо қиладиган замбуруғларнинг турларига боғлиқ. Агар касалликнинг клиник белгилари зоофил замбуруғлар томонидан юзага келган бўлса, у ҳолда бошнинг сочли қисмида 1 та ёки 2 та ўчоқлар ҳосил бўлади. Ўчоқлар айланана ёки овал шаклларида бўлиб, улар соҳасидаги барча соч толаларининг тери сатҳидан 5-8 мм баландликда синиши ҳолати кузатилади. Касалланган ўчоқлардаги соchlар юлинганда осонликча юлинади. Бошнинг сочли қисми микроспорияси билан хасталangan ўчоқларда тери қалин унсимон қипиқлар билан қопланган бўлади. Агар касалликни антропофил замбуруғлари келтириб чиқарган бўлса, у ҳолда микроспориянинг клиник манзараси юзаки трихофитияга жуда ҳам ўхшашиб кетади. Бироқ ўчоқларида соchlарнинг юқори баландликда синиши ҳолати кузатилсада, лекин ҳамма соchlарнинг заарланмаганлиги ҳамда

уларни оқимтири рангда бўлиши касалликни аниқ табиатини аниқлашга ёрдам беради. Айниқса, касаллик ўчоқлари Вуд чироғи ёрдамида ёғдуланиш усули орқали текширилганда, заарланган ўчоқларнинг яшил ранг кўринишда ёғдуланиши ҳолати касалликка тўғри ташхис қўйиш имконини беради. Микроспория касаллигига аниқ ташхис қўйишда ўчоқлардан олинган таркибий қисмларни сунъий экиш майдонларида экиб ўстириш (културал текширув) усули ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фавус ёки кал касаллиги терининг замбуруғ касаллиги бўлиб, касалликни Achorion Schonleinii замбуруғи чақиради. Касалликда асосан бошнинг сочли қисми, силлиқ тери соҳалари ва тирноқлар заарланади. Касаллик бевосита бемор инсонлардан ёки улар истеъмолида бўлган буюмлар (ички кийимлар, тароқ ва бошқа буюмлар) орқали юқади. Ҳайвонларни ушбу замбуруғ заарламайди. Фавуснинг юқишида организмнинг умумий ҳолати қандай бўлиши катта аҳамият касб этади. Касалликнинг ривожланишига эндокрин касалликлари, иммунтанқислик, гиповитаминос ҳолатлари, сурункали касалликлар мавжуд бўлиши, интоксиация ҳолатлари, микротравмалар имкон яратиб беради. Мактабгача ва мактаб ёшдаги болаларда, сурункали ўчоқли инфекциялар билан хасталangan инсонларда бу касалликка нисбатан кўпроқ мойиллик ҳолати кузатилади. Фавус трихофития ва микроспория касалликларига қараганда инсонларга камроқ юқади.

Касаллик юққандан сўнг 2-3 ҳафта вақт ўтгач беморлар бошининг сочли қисмларида, силлиқ тери соҳаларида, тирноқларда ва ички аъзоларда фавус касаллиги белгилари кузатилади. Тери соҳаларида фавус касаллигига хос бўлган, яъни типик (скутуляр) ва нохос, яъни атипик клиник шаллари (сквамоз, импетигиноз, йирингли-инфилтралланган, алопеедли, грануламтоз) фарқланади. Касалликнинг типик кўринишда кечиши ҳолатларида тери соҳаларида замбуруғ тушган жойларда соч толалари атрофида эритематоз, енгил қипиқланувчи доғлар пайдо бўлади, кейинчалик эса бу доғлар марказида инфильтрат ва сарик рангли пустулалар ҳосил бўлади. Касалланган ўчоқлар диаметри атрофга қараб катталаша бошлайди ва улар ўлчами 1-3 см гача ва ундан ҳам катта ҳажмларга етади. Шу тариқа бу микозга хос бўлган тошма элементлари, яъни скутулалар ҳосил бўлади. Бир-бирига қўшилиб бундай скутулалар кир-кулранг, сарик, баъзида эса яшил ва сарғиш

тусли пўстлоқларни ҳосил қиласи. Скутулалардан «сичқон» ҳиди келади.

Бошнинг сочли қисмидаги фавуснинг клиник манзараси ўзига хос кўринишда намоён бўлади, яъни фавус қалқончалари ёки скутулалари ва ундан кейин қолган чандиклар (атрофияланган жойлар) ҳамда заарланган соchlар кузатилади. Фавус касаллигининг скутуласи бошнинг сочли қисмига тушганидан кейин жараён соч халтачаси оғзи қисмida (фолликул) кўпайиб, ликопчасимон сариқ рангли, қуруқ қора- қўтирип пўст билан қопланади. Скутула марказидан соч чиқиб туриши кузатилади. Аввалига скутулалар катталиги тўғноғич бошидек келса, кейинчалик эса улар катталашиб диаметри 1,5 см гача етади ва ундан ҳам ортиқ бўлиши кузатилади. Скутулалар олиб ташлангандан кейин эса уларнинг ўрнида ботик, оч пушти рангли юза қолади. Агарда скутулалар узоқ вақт турадиган бўлса, у ҳолда улар унинг атрофида атрофик чандиклар пайдо бўлади ва бу жойлардан соchlар ўсмай қолиши кузатилади. Скутулалар кўпинча тўп-тўп бўлиб жойлашади, улардан ўзига хос бўлган қўланса ҳид келиб туради. Скутулалар аста-секин қуриб увалана бошлайди ва тўзғиб соchlарни қоплаб олади. Замбуруғ билан заарланган соchlар одатдаги рангини, майнинлиги ва жилвасини йўқотади, хира тортиб, мўрт бўлиб қолади ва уларни тери сатхидан юза кўринишда синиши кузатилади ва улардан ҳам қўланса ҳид келиб туради. Фавус касаллигига ўз вақтида даво чоралари ўтказилмайдиган бўлса, у ҳолда касаллик йиллаб давом этиши мумкин. Атрофик чандиклар мавжуд бўлган жойларда соchlар толалари нобуд бўлиб, улардан соchlар бошқа чиқмайди. Фавус касаллиги бошнинг сочли қисмини бутунлай заарлаши мумкин, бундай ҳолларда фақат четларидагина жиякка ўхшаб ўсадиган соchlар сақланиб қолади холос. Achorion Schonleinii замбуруғи билан заарланган соч толаларини микроскоп остида кўрилганда уларнинг ичида замбуруғ мицелияларининг кўндаланг тўсиқлар билан сегментларга бўлинган иплари кўриниб туради, соч толалари танасида ҳаво пуфакчалари ва нақшдор шаклдаги кичикроқ бўлган споралар тўплами жойлашади.

Фавус касаллигига силлиқ териининг заарланиши ҳолати бошнинг сочли қисмларини заарланишига нисбатан бирмунча кам учрайди. Силлиқ тери соҳаларининг заарланиши уларда катталиги ясмикдек келадиган, думалоқ шаклли, кепаксимон пўстчалар билан

қопланган, қизғиши пушти доғлар ёки ликопсимон күринишида бўлган типик сариқ скутулалар пайдо бўлиши күринишида кечади. Кўл ва оёқ тирноқлари фавуси иккиламчи тартибда вужудга келади ва асосан катталарда кузатилади. Болаларда эса фавуснинг асосан импетигиноз шакли кўпроқ кузатилади.

Давоси. Дерматофитияларга мансуб бўлган замбуруғли касалликларни даволаш умумий ва маҳаллий усусларни қўллаш орқали олиб борилади. Умумий давода қўлланиладиган дори воситалари ичидаги гризофульвин препарати кенг қўлланилади. Гризофульвин фунгистатик таъсир этиши қобилиятига эга бўлган антибиотик бўлиб, у таблетка кўринишида 0,125 дан ишлаб чиқарилади. Дори воситасини овқат вақтида ёки балиқ мойи билан ичиш тавсия этилади. Гризофульвин дори воситаси билан даво қўйидаги тартибда олиб борилади: трихофития касаллигига ҳар 1 кг тана оғирлигига 15 мг дан, микроспорияда эса 22 мг дан тавсия этилади. Бу миқдорда дори моддасининг истеъмол қилиниши беморларда лаборатория текширувларидан сўнг олинадиган биринчи манфий жавобгача қўлланилади. Сўнгра эса дори воситасини кунора 2 ҳафта давомида тавсия этилади. Шундан сўнг гризофульвин дори воситаси ҳафтасига 2 марта берилади. Дори воситаси лаборатория текширувларидан олинадиган 3 манфий жавобгача берилади, шундан сўнг эса тўхтатилади.

Маҳаллий даво албатта умумий даво билан биргаликда олиб борилади. Дастлаб заарланган тери соҳалари бактерицид таъсир этиши хусусиятига эга бўлган эритмалар ёрдамида тозаланади, терининг сочли қисмларидаги соchlар устара ёрдамида олинади. Сўнгра ўчоқларга эрталаб 2-5% ли йод димламасининг спиртли эритмаси, кечқурун эса 10-20% ли олтингугурт малҳами суртилади. Мазкур маҳаллий даво усули 1 ҳафта давом этади, ҳафта охирида эса замбуруғли ўчоқлар совунланиб, илиқ сувда ювиб тозаланади ва уларда лаборатория текширувлари ўтказилади. Иккинчи ҳафта давомида яна йод димламаси ва малҳам суртилиши такрорланади, сўнгра ўчоқлардан лаборатория усувлари орқали замбуруғларга текширувлар ўтказилади. Бу йўсиндаги маҳаллий даво 3 марта манфий жавоб олингунча давом эттирилади ва шундан сўнг bemorлар касалликдан тузалган ва атрофдагилар учун хавфсиз, деб хисобланадилар.

Кандидозлар

Тери соҳалари, шиллиқ қаватлар, тирноқ пластинкалари ва ички аъзоларнинг ачитқили замбуруғлар синфига мансуб *Candida albicans* замбуруғлар билан заарланиши кандидозлар, деб аталади. Маълумки, ачитқили замбуруғлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, улар асосан сапрофит ҳолида учрайди, ташқи муҳит шароити ўзгариши натижасида айрим ҳолларда патоген кўринишга ўтиб кетиши мумкин. Бу гурӯҳ замбуруғлар асосан куртакланиб кўпаядир, споралар ҳосил қилмайди шунинг учун ҳам уларни сохта ёки псевдомицелиялар, деб аталади. Ачитқисимон замбуруғлар табиатда мева ва сабзавотлар таркибида, ишлаб чиқариш маҳсулотлари бўлмиш қандолат маҳсулотларида катта миқдорда учрайди. Шунингдек, соғлом инсонлар тери ва шиллиқ қаватларида ҳамда ошқозон-ичак йўлининг шиллиқ қаватида ҳам кўп миқдорда безарар, яъни сапрофит ҳолатларида учрайди. Маълум бир ташқи ва ички муҳитнинг ўзгариши оқибатида бундай кўринишдаги сапрофит замбуруғлар патоген хусусиятини намоён этиб, кандидоз касаллигининг шаклланишига сабаб бўлади.

Кандидозлар ривожланишида атроф-муҳит шароитининг таъсири катта аҳамият касб этади, бу борада намлик даражасининг ўзгариши, ҳароратнинг кўтарилиши кабилар муҳим ўрин тутади. Бу эса ўз навбатида, терининг сув-липид мантиясининг ўзгаришига, юпқалашишига, натижада тер-ёғ қатлами ўтказувчанлигининг ошиб кетишига, ўз навбатида эса ачитқили замбуруғларнинг тери бағрига киришига қулай шароит яратиб беради. Турли хил жароҳатлар, механик тасиротлар, тор кийимларни кийиш, гўдак болаларни ортиқча ўраб-йўргаклаш каби ҳаракатлар натижасида тери ва шиллиқ қаватлар бутунлигини бузилиши ҳолати кузатилади, замбуруғларнинг қайта-қайта тушиши, сенсибилизация ҳолатини юзага келтиради. Озиқланиш жараёни режимининг бузилиши, бир томонлама овқатланиш, ачитқили замбуруғларга бой овқат маҳсулотларининг ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиниши кандидозли замбуруғларнинг ўз патогенлик хусусиятини намоён этишларига сабабчи бўлади.

Кандидозлар ривожланишида эндоген омилларнинг аҳамияти ҳам ниҳоятда катта бўлиб, уларга моддалар алмашинувининг бузилиши (қанд касаллиги, ёғ босиши, диспротеинемия), қон

касалликлари (камқонлик, оққонлик), нейроэндокрин тизими фаолиятининг бузилиши ҳолатлари (кўп терлаш, Иценко-Кушинг синдроми, микседема, тиреотоксикоз), гиповитаминозлар (айниқса, рибофлавин ва пиридоксин етишмаслиги) ва дисбактериоз ҳолатларини киритиш мумкин.

Кўкрак эмиш давридаги гўдак болаларда кузатиладиган кандидозли касалликларнинг ривожланишида қон таркибидаги фунгистаза ферменти фаоллигининг камайиши ҳолати ҳам муҳим ўрин тутади. Мазкур фермент ачитқили замбуруғлар ҳаётий фаолиятларини кескин сусайтиради. Болаларда сўлак ажралиш жараёнининг етишмовчилиги, айниқса, сўлак таркибидаги лизоцим моддасининг замбуруғларга қарши фаоллигининг пасайиши шиллиқ қаватлар кандидози касаллигининг ривожланишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Антибиотиклар, глюкокортикоидлар ва иммунодепрессив дори воситаларининг кенг кўламда узоқ вақт давомида қўлланиши болалар ўртасида кандидозли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлади, жумладан, ички аъзолар кандидозини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Кандидозларни асосан икки гурухга юзаки (тери ва шиллиқ қаватлар кандидози, кандидозли онихиялар ва – паронихиялар) ва системли ёки висцерал кандидозларга бўлиб ўрганилади. Бундан ташқари болаларда сурункали тарқоқ гранулёматоз кандидози ҳамда кандидамикидлар тафовут этилади.

Юзаки кандидозлар (тери ва шиллиқ қаватлар кандидози, кандидозли онихиялар ва паронихиялар) кўпинча тери бурмалари соҳасидан бошланади. Каслликда ўчоқларда дастлаб эритематоз доғлар пайдо бўлади, кейинчалик улар сатҳида пуфакчалар, кулранг тугунчалар, йирингчалар ҳосил бўлади. Бурмалар соҳасида иккала тери юзасининг бир-бирига ишқаланиши натижасида экссудатив тошма элементлари ёрилиб, уларнинг ўрнида эрозиялар пайдо бўлади. Кандидозли эрозияларнинг юзаси кўпинча силлиқ, ялтироқ, оқимтири парда билан қопланган бўлади. Юзаки кандидознинг мана шундай оралиқ клиник шакли интертригиноз кандидоз, деб аталади. Яллиғланган ўчоқларининг тери бурмалари атрофидаги силлиқ тери бўйлаб тарқалиши ҳолати эса силлиқ тери кандидози, деб аталади. Силлиқ терида кузатиладиган тошмаларнинг характерига қараб эритематоз ва везикулёз турлари тафовут этилади. Силлиқ тери кандидозининг эритематоз клиник шаклида яллиғланган ўчоқларда

намланган эрозиялар, қипиқлар ва қатқалоқлар кўпроқ кузатилади. Кандидомикозларнинг везикулёз клиник шаклида эса пардаси шалвираган кўп сонли майда пуфакчалар, тутунчалар касалликнинг асосий белгилари бўлиб ҳисобланади.

Шиллиқ қаватлар кандидози янги туғилган гўдаклар ва кўкрак ёшидаги гўдак болаларга хос касаллик бўлиб, асосан оғиз шиллиқ қаватлари кўпроқ заарланади. Бунда тарқалган эритема тил, милк, юмшоқ ва қаттиқ танглай соҳаларидағи ўчоқли эритемаларнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Яллиғланган деярли барча ўчоқли соҳалар устини оқимтирилган парда қоплаб олади, улар жуда осон кўчади, пардалар кўчириб ташланганда сўнг эса улар ўрнида сербар ва нам эрозияли ўчоқлар кўзга ташланади. Мазкур ўчоқларда оғриқлар кузатилади, ютинганда, сўрилганда тил харакатини қийинлаштиради. Оғиз бурчаклари кандидози ва кандидозли хейлитлар ҳам юзаки кандидозлар гуруҳига киради, улар алоҳида ҳолда учраши ҳам мумкин ёки оғиз шиллиқ пардаси кандидози билан биргаликда кечиши мумкин. Касаллик белгилари лабларнинг ёрилиши, қизил ҳошиянинт устки қисмини кўчиб тушиши билан кечади. Оғиз бурчаклари серозли-йирингли қатқалоқлар билан қопланади ёки оқимтирилган парча остида ёриклар кузатилиши билан кечади. Лабларнинг бир-бири билан яқинлашадиган соҳаларида терининг яққол қизариши ҳолати кузатилади (Клейн чизифи). Бундан ташқари бу жойда нуқтасимон эрозиялар ҳам ҳосил бўлиб, уларнинг атрофида кўча бошлаган эпителийдан ташкил топган ҳошия кўриниб туради.

Жинсий аъзоларнинг ачитқисимон замбуруғлар билан зарарланиши ҳоллари ҳам кўп учраб туради, буларга кандидозли вульвовагинит, баланит ва баланопоститлар, қиз болаларда эса вульвит ва вульвовагинитларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ўғил болаларда учрайдиган баланит ва баланопоститлар аксарият ҳолларда уретритлар билан бирга кузатилади.

Қиз болаларда касалликнинг кечиши қин даҳлизи ва қиннинг қизариши, шиши билан кечади. Бемор болаларни ачишиш, қичишиш, оғриқ каби ноҳуш ҳолатлар безовта қилади. Мазкур соҳалардаги эрозиялар шиллиқ қаватларнинг барча қисмларини эгаллайди, сийдик чиқариш жараёни оғриқ билан кечади. Закар бошчаси ва закар қалпоқчаси яллиғланганда кузатиладиган эритематоз ўчоқлар серозли, сероз-геморрагик суюкликлар билан

қопланади. Уларнинг куриши натижасида ҳосил бўладиган қатқалоқлар, қипиқлар ачишиш ва оғриқ каби сезгилар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Тирноқлар атрофи ва тирноқлар кандидози. Ачитқили замбуруғлар чақирадиган патологик ҳолатлар тирноқларнинг заарланиши билан ҳам намоён бўлади, бундай ҳолат тирноқлар атрофи (паронихия) ёки тирноқ пластинкаларининг (онихия) заарланиши билан кечади. Касаллик асосан кўпроқ аёлларда кузатилади. Тирноқларнинг заарланиши тирноқ атрофидаги юмшоқ ҳошияни қизариши, шиши билан бошланади, айрим ҳолларда эса тирноқ ости соҳасидан йиринг ажралиши кузатилади ва тирноқ эти йўқолади. Кейинчалик жараён тирноқ ҳошияси атрофига тарқала бошлайди, bemорларда оғриқ кузатилади. Одатда яллиғланишнинг пасайиши билан жараён бутун тирноқ пластинкаларини эгаллайди, улар тўқ қўнғир рангга киради. Тирноқ пластинкалари юпқалашади, уваланади, уларда кўндаланг йўлли синишлар пайдо бўлади, айрим ҳолларда тирноқ пластинкалари бутунлай кўчиб тушади. Касаллик одатда қўл бармоқларида кузатилади, асосан III ва IV бармоқлар зарарланади.

Кандидамикидлар кандидоз касаллигига иккиласми аллергик тошмалар сифатида намоён бўлади. Кандидамикидлар bemорлар организмининг гиперэргик сенсибилизацияланган ҳолатларида пайдо бўладиган иккиласми аллергик тошмалардир. Кандидамикидларнинг иккинчи номи левурид, деб аталиб, французча ачитки маъносини англатади. Кандидамикидларнинг вужудга келишига кандидозли касалликларни нотўғри даволашлар сабаб бўлади. Бундай ҳолатлар бир вақтнинг ўзида bemорларни глюкокортикоидлар билан ҳам маҳаллий ва умумий даволаганда, антибиотикларни кўп миқдорда пала- partiш қўллаганда, терини безовталанишига олиб келувчи маҳаллий дори воситаларини қўллаганда кузатилади. Левуридлар тери соҳаларида бирдан эритемато-сквамоз кўринишида пайдо бўладиган ўчоқлар бўлиб, айрим ҳолларда ушбу соҳаларда пуфакчали, тугунчали тошмалар ҳам ҳосил бўлиши кузатилади. Жараён атроф тери соҳаларига тарқалишга мойил бўлади, bemорларнинг умумий ҳолатлари бузилади, уларни ҳарорат кўтарилиши, дармонсизлик, бош оғрифи, кўнгил айниши каби нохуш белгилар безовта қиласи, асосий ўчоқлардаги яллиғланиш белгилари кучаяди. Касаллик ташхиси

ўчоқларда ачитқили замбуруғларнинг топилишига асосан қўйилади. Ачитқили замбуруғ касаллигини тўғри даволаш левуридларнинг йўқолиб кетишига олиб келади.

Болаларда учрайдиган сурункали тарқоқ гранулёматоз кандидози илк гўдаклик даврида оғиз бўшлиғидан бошланади, касалликнинг дастлабки белгилари кўпинча оғиз бўшлиғида сутли оғиз кўринишида намоён бўлади. Оғиз шиллик қавати кандидозини нотўғри даволаш, жумладан, антибиотикларни, сульфаниламидларни ва гормонал дори воситаларини нотўғри қўллаш касалликни сурункали ва тарқалган тус олишига сабаб бўлади. Турли инфекцион касалликлар бўйича ўтказилган даволашлар эса касалликнинг авж олишига ва тарқалиб кетишига олиб келади. Касаллик белгилари bemor болалар оғиз шиллик қаватларидан бошланиб, лунж, қаттиқ, юмшоқ танглай, тил, милк ва лаб соҳаларини эгаллайди. Жараён кейинчалик юз тери соҳасига (бурун, ёноқ, пешона тери соҳаларига), бошнинг сочли қисмига, тана, қўл ва оёқ тери соҳаларига тарқалади. Ушбу соҳаларда қизарган, инфильтралланган ва қипиқланган доғли ўчоқлар пайдо бўлади, кейинчалик улар четлари нотекис бўлган ўсимтасимон, гранулланган ўчоқларга айланади. Ўчоқлар сатҳи қобиглар билан қопланган бўлиб, улар кўчирилганда ўрнида вегетация ва гиперкератоз ҳолатлари кузатилади. Бемор болаларда тирноқ ҳошиялари ҳам заарланиши кузатилади, улар инфильтралланган, йўғонлашган, деформацияланган ва кулранг кўринишида бўлади. Тарқалган кандидознинг кечиши сурункали тус олиб, bemornинг умумий ахволи оғирлашади. Камқонлик, ҳарорат кўтарилиши, найсимон сужклар остеопорози, қайталанувчи бронхит, ўпка яллиғланиши, ич кетиши каби хасталиклар қўшилади. Тирноқ остида ва тирноқлар ўрнида тошмаларнинг кўпайиши авж олади. Натижада тирноқлар шаклини ўзгартириб, қалинлашади, синувчан, мўрт бўлади. Касаллик белгиларининг тузалиши оқибатида ўчоқлар ўрнида атрофияли чандиқлар, бошнинг сочли қисмларидағи ўчоқлар ўрнида эса каллик аломатлари кузатилади. Касалликни ўз вақтида аниқлаб, ачитқисимон замбуруғларга қарши даво ўтказиш юқорида санаб ўтилган нохуш белги ва ҳодисаларни бартараф этиш имконини беради.

Давоси. Кандидозли касалликларни даволашда мавжуд барча патогенетик омилларни ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Тегишли текширувлар натижасида аниқланган патогенетик омилларга (айник-

са эндоген сабаблар) қарши чораларни қўллаш даво самарадорлигини оширади. Кандидозларга чалинган болаларни сабзавот, хўл мева ва витаминларга бой маҳсулотлар билан озиқлантириш даво қоидаларининг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Тарқоқ ва турғун кўринишда кечадиган кандидозли касалликларни даволашда ачитқили замбуруғларга қарши қўлланиладиган нистатин ва леворин дори воситалари тавсия этилади. Ушбу дори воситалари 2 ёшгача бўлган болаларга 1 кг тана оғирлигига 1мг дан кунига 3-4 қабул қилиш шарти билан белгиланади. 2-6 ёшгача бўлган болаларга дори воситаси миқдори 1 кг тана вазнига 6-8 мгдан, 6-8 ёшгача 8-10 мг дан кунига 3-4 марта қабул қилиш шарти билан белгиланади. Даво муддати 7-10 кунни ташкил этади. Низорал 2 ёшгача 15-20 кг тана вазнига эга бўлган bemor болаларга кунига 25-30 мг дан, 6 ёшгача 20-30 кг тана вазнига эга бўлган болаларга 50 мг дан ва 6 ёшдан кейин 30-40 кг тана вазнига эга бўлган bemor болаларга кунига 100 мг дан белгиланади. Амфиглюкамин 200000-500000 ЕД дан кунига 2 маҳалдан овқатдан сўнг белгиланади. Даво муддати 10-14 кунни ташкил этади. Ушбу дори воситаси bemor болаларга уларнинг ёшига нисбатан белгиланади. 2 ёшгача бўлган болаларга 25000 ЕД дан, 2-6 ёшгача 100000 ЕД дан, 6-9 ёшгача 150000 Ед дан ва 8-15 ёшгача 200000 ЕД дан тавсия этилади.

Даво чораларининг ўтказилишида В гурухи витаминалари, аскорбин кислотаси, рутин ва болаларга эса А витаминалар тавсия этилади. Сурункали кандидозли касалликлар даволаш билан биргаликда комплекс ҳолда бир қаторда иммун тизими фаолиятини яхшиловчи даво чоралари (гамма-глобулин, кандидовакцина, қон қуиши), витаминалар ва микроэлементлар (мис, рух, темир) қўлланилади. Кандидамикидларни даволашда эса антигистаминга қарши дори воситалари ва ва кальций тузлари препаратлари қўлланилади.

Силлиқ тери ва шиллиқ қават кандидозларини маҳаллий даволашда тетраборат натрийнинг 5-10% ли глицеринли эритмаси, гидрокарбонат натрийнинг 2-5% ли эритмаси, мис сульфат ва рух сульфатнинг 0,25-0,5% ли эритмалари, шунингдек, Люголь эритмаси билан даволаш кутилган клиник натижалар беради. Малҳамлардан декаминнинг 0,5-1% ли, нитрофуриленнинг 0,05-1% ли эритмалари, шунингдек, нистатин, леворин, амфотериции, микогептин ва канестенларни қўллаш юқори самара беради. Оғиз шиллиқ қавати, бодомча безлари ва томоқ соҳалари заарланганда декамин қанди ва

леворин таблеткаларини тил тагига ташлаб, сўриш тавсия этилади. Болаларда тери ва шиллиқ қаватларни ювиб тозалаш ва ингаляция (пуркаш) қилиш мақсадида леворин дори воситаси аэрозол кўринишида қўлланилади. Бундай даво чоралари кунига 2-3 мартадан 10-15 кун давомида ўтказилади. Вульвовагинит кандидозини даволашда қин соҳасига леворин таблеткасини юбориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, кумуш нитрат ва натрий гидрокарбонатларнинг 2% ли эритмаси билан қин, қин даҳлизи соҳалари артилади, сўнгра леворин ёки нистатин эритмалири ёрдамида ювилади. Кандидозли ўчоқларнинг ўткир яллиғланиш белгилари (сувлашган эрозия ўчоқлари) билан кечганда дастлаб, танин ёки кумуш нитрат эритмалири билан намланиб, сўнгра фукурчин ёки Кастеллни суюқликлари суртиш тавсия этилади. Бу тадбирлар ёрдамида ўткир яллиғланиш белгилари йўқолишига эришилгач, ачитқисимон замбуруғларнинг ўзига қарши даво чоралари ўтказилади.

Болаларда кандидозли касалликларни олдини олишда ҳомиладор ва эмизувланиш аёлларда, болалар муассасалари, тугруқхоналар, болалар касалхоналари хизматчиларида ачитқили замбуруғ ўчоқларини аниқлаш ва уларни даволаш мухим ўрин тутади.

ТЕРИНИНГ ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРИ

Ҳайвон паразитлари томонидан қўзғатиладиган тери касалликлари дерматозоонозлар, деб аталади. Ҳайвон паразитларидан бит, бурга, тахтакана, қўтиришканаси, чивин ва пашшалар, шунингдек, лейшманиялар туркумига кирувчи паразитлар терини заарлаб, турли патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ушбу касалликлардан болалар орасида кўп учрайдиган қўтириш ва битлаш касалликлари алоҳида аҳамият касб этади. Улар асосан атроф-муҳит, ҳайвонлар орасида кенг тарқалган бўлиб, ахолининг барча табақалари, жумладан, болалар ҳам ушбу касалликлар билан заарланиши мумкин. Дерматозоонозларга чалинган bemorлар билан бевосита алоқада бўлиш натижасида касалликни қўзғатувчи мазкур майда жониворлар соғлом инсон териси ичига кириб олади ва маҳсус яшаш даврлари қонуниятларига мувофиқ паразитлик қиласади. Кана ва битлар bemorлар кийим ва тўшакларидан бошқа одамлар фойдаланганда, шунингдек, уларнинг буюм ва асбоблари ишлатилганда соғлом кишиларга ўтиши мумкин.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда шахсий гигиена қоидаларига мунтазам риоя қиласлиқ, болалар муассасаларида тиббий профилактик кўрикларнинг сифатсиз ўтказилиши, баъзи жойларда эса умуман ўтказилмаслиги болалар орасида дерматозооноз касалликларининг кенг тарқалишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари болалар боғчалари, мактаблар, маҳалла ва қишлоқларда, айниқса, аҳоли зич жойлашган уйларда профилактик дезинфекция ишларининг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, турар жойларда ахлатларнинг ўз вақтида олиб кетилмаслиги ва натижада ўша худудларда чивин, пашша ва каламушларнинг кўпайиб кетиши ҳолатлари ҳам дерматозооноз касалликларининг аҳоли орасида кўпайишига шароит яратади. Кана ва битларнинг ёппасига кенг кўламда тарқалишида экологик ва иқлим омилларининг ҳам роли катта.

Маълум муҳит шароити бу паразитларнинг биологик активлигига таъсир этиб, уларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Қўтириш

Қўтириш паразитар касаллик бўлиб, касалликни *Akarus skabiei* ёки *Sarcoptes hominis* канаси келтириб чиқаради. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмайдиган одамлар орасида касаллик кенг тарқалган бўлиб, касаллик bemor одамлар билан яқин алоқада бўлиш орқали (бевосита) ёки майший турмуш тарзи алоқалари, яъни буюмлар орқали (бильвосита) юқиши мумкин. Касалликни жинсий алоқа орқали ҳам юқтириш мумкин. Қўтириш касаллиги билан асосан ёш ва мактаб ёшидаги болалар кўпроқ хасталанади. Қўтириш канаси 0,25-0,35 мм катталиқда бўлиб, кана думалоқ овал шаклида бўлиб, тошбақа қўринишини эслатади. Қўтириш канасининг урғочиси тери эпидермиси мугуз қавати остига кириб 5-10 мм га эга бўлган қўтириш йўлларини ҳосил қиласди ва 50 тагача тухум кўяди. Тухумлардан чиқкан личинкалардан кейинчалик қўтириш каналари ҳосил бўлади ва улар 2-2,5 ойгача яшайди.

Касалликни инкубацион даври 8-12 кундан иборат бўлиб, бу муддат ўтгандан сўнг қўтириш канаси терига кирган жойда майда пуфакчалар ҳосил бўлади. Касалликнинг асосий белгиларидан бири қичишиш бўлиб, унинг кучайиши асосан тунда, айниқса, bemorлар ўринларига ётганларида бошланади. Бунинг сабаби bemorлар ётганларида таналарини кўрпа ёки одеялалар билан ёпадилар, натижасида тана ва тери ҳарорати $0,5-1^{\circ}\text{C}$ даражага ортади, бундай ҳолат қўтириш каналари фаоллигининг ошиб кетишига ва рефлектор қичишиш ҳолатининг кучайишига сабабчи бўлади. Кейинчалик жуфт-жуфт жойлашган, тугунчали-пуфакчали тошмалар пайдо бўла бошлайди. Қўтириш йўллари ёнма-ён жойлашиб, қора нуқталар қўринишида бўлади. Тошмаларнинг бундай қўринишда бўлиши қўтириш канасининг кириш ва чиқиш қисмлари бўлиши билан боғлиқ. Қўтириш йўллари ва қичишиш натижасида тирналишлар ҳосил бўлади. Касаллик тошмалари асосан терининг қўл бармоқлари бурмалари орасида, гавданинг ён соҳаларида, қўлтиқ ости, сут бези ареолалари атрофларида, қорин ва киндик атрофи соҳаларида, думба, сон, жинсий аъзолар атрофларида жойлашади. Баъзи ҳолларда қўл тирсаги тери юзаларида қуруқ қатқалоқлар, қипиқлардан иборат учбурчак қўринишидаги ҳолатни учратиш мумкин (Гарчиков-Арди белгиси). Қўтириш касаллиги тошмалари, яъни пуфакчалари ўрнида 1 мм гача келадиган геморагик қонли қатқалоқлар ҳосил бўлади.

Кучли қичишиш ҳисобига тирналишлар ҳосил бўлиб, жараён пиодермия билан асоратланади, бундай ҳолат кўпинча касалликка тўғри ташхис қўйиш қийинчилик туғдиради. Бундай ҳолатларда қичишиш аломатлари ва тошмаларнинг ўзига хос бўлган кўринишларда жойлашиши ташхис қўйишида ёрдам беради. Қўтирилган касаллиги баъзи ҳолатларда микробли экзема касаллиги билан асоратланиши мумкин, бундай ҳолатларда ўчоқлар аниқ чегарали бўлиб, юзаларида йириングли қора қўтирилганда намланиш ҳолати кузатилади.

Охирги пайтларда қўтирилган касаллигининг клиник белгиларини яққол кўринарсиз кечиш ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда. Касалликнинг бундай клиник шакли тўлиқ даволанмаган инсонларда учрайди. Бундай беморлар қунт билан объектив тарзда кузатилганда уларда кам микдорда жуфт-жуфт бўлиб жойлашадиган тугунчали, пуфакчали тошмалар аниқланади. Ёш болаларда қўтирилган касаллиги ўзига хос клиник кўринишга эга бўлиб, гўдак ёшдаги болаларда тошмалар ўзига хос бўлган соҳалардан ташқари қўл кафти, сон оралиғи думба ва товон соҳаларида ҳам жойлашиши кузатилади. Ҳосил булган пуфакчалар тез йиринглаб жараён тарқоқ тус олади. Айниқса, касаллик белгилари қорин соҳаларида кузатилиб, улар тугунчали тошмалар тарзида намоён бўлади.

Касалликнинг носпецефик клиник турларидан бири бу Норвегия қўтирилган касаллиги бўлиб, касаллик асосан системли касалликлар, онкологик касалликлар (қизил югурик) билан хасталанган беморларда, узоқ вақт цитостатик дори воситалари ва глюокортикоидларни қабул қилган инсонларда кузатилади. Касаллик қичишишсиз кечиб, тери юзалари кенг тарқалган эретематоз доғлар, қалин қатқалоқлар билан қопланган бўлади. Ана шу қатқалоқлар оралиғида қўтирилган канаси жойлашган бўлади. Касаллик асосан бадан, қўл ва оёқ тери соҳаларини, юз ва бошнинг сочли қисмларини эритродермия кўринишида заарлайди.

Касаллик ташхиси тунда кучаядиган қичишиш ҳолатига, тошмаларни ўзига хос бўлган кўринишда, яъни тугунча ва пуфакчаларнинг жуфт-жуфт бўлиб жойлашиши ва қўтирилганда ўчоқларни асосан олиб борилади. Айниқса, ёш болаларда касаллик ташхисоти бир оз қийинлик туғдиради. Лекин болалар ота-оналарида ва қариндош уруғлари орасида касалликнинг аниқланиши ташхис қўйишида ёрдам беради. Касалликнинг иккиламчи инфекция, яъни

пиодермия билан асоратланиши касаллик ташхисотида қийинчилик туғдиради. Құтири касаллигига ташхис қўйиш учун касалланган ўчоклардан қўтири канасини игна билан олиб, микроскоп остида текширилади. Касалликка ташхис қўйишида йодли синамадан фойдаланилади, бунинг учун қўтири йўллари мугузли қипиклардан ташкил топганлиги учун, ўзига йодни шимиб олиб яққол намоён қиласиди. Қўтири касаллигига экспресс усул орқали ташхис қўйиш учун 40 % ли сут кислотасидан фойдаланилади. Бунинг учун сут кислотаси қўтири касаллиги тошмалари юзасига томизилади ва 5 дақиқадан сўнг ажралган қипиклар юзалари маҳсус қошиқча ёрдамида қонагунча қирила бошлайди, олинган материал сут кислотаси бўлган буюм ойначасига ёпгич ёпиб, микроскопда кўрилади.

Қўтири касаллигини болалар қичимаси касаллиги билан такқослов ташхисоти ўтказилади. Болалар қичимаси касаллиги асосан 2-7 ёшлардаги болалар орасида учраб, касаллик асосан болаларда овқат маҳсулотларига нисбатан юқори сезувчанлик ҳолати сифатида намоён бўлади. Касаллик кечиши учун доимий қичишиш ҳолати ва касалликнинг сурункали-қайталама шаклда кечиши хос бўлади. Тошма элементлари асосан қўл ва оёқларнинг ёзув соҳаларида кузатилиб, улар тугунча устида пуфакча (серопапула) кўринишида бўлади ва тошмалар юзаларида серозли-қонли қашламалар кузатилади. Болалар қичимаси касаллиги учун оқ дермаграфизм ҳолати хос бўлиб, баъзан тери ости лимфо тугунларининг катталashiши (пруригиноз бубонлар) кузатилади.

Касалликнинг даво чоралари асосан мугуз қаватини кўчириб, қўтири йўллари орқали қўтири канасига таъсир этувчи дори воситаларидан фойдаланишдан иборат. Дори воситаларини кўллашдан аввал беморларга иссиқ душ қабул қилиш тавсия этилади, яъни механик равишда қўтири каналаридан халос қилинади. Касаллик асоратланган ёки экзематизацияланган кўринишиларда бўлса, у ҳолда иссиқ душ қабул қилиш тавсия этилмайди. Даволаниш вақтида ҳам ювениш тавсия қилинмайди. Қўтири канасига қарши дори воситалари тана, қўл ва оёқ тери соҳаларига бир текис қилиб суртилади. Даво воситалари сифатида бензилбензоатнинг 20% ли совунли-сувлси эмульсияси, болалар учун эса 10 % ли эмульсияси қўлланилади. Эмульсия 10 минут давомида кунига 2 маротаба 3 кун давомида сурилади, 4-кун эрталаб беморга

чўмилиш тавсия этилади, шундан сўнг тоза кийим кийилади ва чойшаблар алмаштирилади. Дори воситаси томонидан ҳосил бўлувчи дерматитнинг олдини олиш мақсадида bemorlarга десенсебилизацияловчи ва антигистамин дори воситалари тавсия қилинади. Кўтири касаллигини даволаш учун 33% ли олтингугурт малҳами (болалар учун эса 10%, 20% ли малҳами) қўлланилади, дори воситасини 5 кун давомида кунига 2 маҳалдан суртиш тавсия этилади. Касалликни даволашда самарали восита сифатида спрегал (эсдепаметрин) аэрозолидан фойдаланилади, препарат фақат 1 маротаба қўлланиладиган дори воситаси бўлиб, 8-10 кун давомида, агар касаллик белгилари сақланадиган бўлса, у ҳолда аэразол қайтадан қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари қўтири касаллигини даволашда замонавий дори воситаларидан пвермектин 200 мкг/кг ичиш учун тавсия қилинади. Дори воситаси 1 маротаба ҳафтасига 2 кун тавсия қилинади.

Касалликни олдини олиш учун bemorlar билан контактда бўлган инсонларни текшириш ва профилактик ишларни олиб бориш лозим. Аниқланган bemorlarга зудлик билан маҳсус маълумотнома тўлдирилади. Уй шароитида мавжуд бўлган кийим кечаклар, ўрин-кўрпа жилдлари ва чойшаблар ювиш воситалари ёрдамида қайнатилади, қайнатиб ювиш мумкин бўлмаган кийимлар эса А-ПАР аэрозоль ёрдамида дезинфекция қилинади.

Битлаш

Битлаш паразитар касаллик бўлиб, инсонлар терисида 3 хил турдаги битлар паразитлик қилиши маълум, булар соч, кийим ва чов битларидир. Соч бити (*Pediculus capitis*) bemor инсондан соғлом инсонга бош киймларни кийиш, тароқ ва рўмоллар орқали ўтади. Бош битининг урғочиси 150 яқин тухумларини соч толаларига хитин воситаси ёрдамида ёпишириради. Бит тухумлари оқиш тусда бўлиб, оддий кўз орқали аниқ кўриш мумкин. Тахминан 5-6 кунлардан сўнг бу тухумлардан битлар пайдо бўлади, 3 ҳафталардан сўнг эса уларнинг ўзлари тухум қўя бошлайдилар. Бошнинг сочли қисмидан ташқари соч битлари қош, киприқ, соқол ва мўйлаб тукларида ҳам топилиши мумкин. Битларнинг тишлиши ва улар сўлагидаги ферментларнинг таъсири натижасида қаттиқ қичишиш ҳолати юзага келади, баъзан эса иккиламчи пиококкли инфекциялар билан

асоратланиш кузатилади. Касаллик белгиларининг тарқоқ ҳолда жойлашганлиги сабабли бошнинг сочли қисмларида йирингли қатқалоқлар ҳосил бўлади, соchlар бир-бирига ёпишади, бўйин лимфа тугунлари катталашиши кузатилади. Касаллик ташхиси бит ва унинг тухумлари топилиши орқали тасдиқланади.

Кийим бити (*Pediculus corporis, seu vestimenti*) соч битига нисбатан каттароқ бўлиб, асосан кийимлар чокида учрайди ва қон билан озиқланади. Кийим битининг тухумлари кийим бурмалари ва чокларида, узун ва майин соchlарда бўлади. Бит чақиши ҳисобига кучли қичишиш ва чизиқли экскореацияларни ҳосил қиласди ва пиодермия билан асоратланади. Терининг заарланиш соҳалари асосан кийимларнинг терига тегиши жойларида кузатилади (бўйин, курак, бел соҳаларида), касалликнинг сурункали ва узоқ вақт давомида кечиши беморлар терисини қуруқлашишига, қипиқлашишига, қалинлашишига ва яғирли пигментация чандикларининг ҳосил бўлишига олиб келади.

Чов бити (*Pediculus pubis*) чов соҳаларида, жинсий аъзолар ва анус атрофи соҳаларида паразитлик қиласди. Чов бити касаллиги болаларда кузатилмайди. Касалликни баъзи ҳолатларда кўкрак, қорин, сон, қўлтиқ ости соҳалари, қош ва киприк соҳаларида кузатиш мумкин. Чов битида bemорларни субъектив кучли қичишиш безовта қиласди. Баъзан ўчоқлар юзаларида катталиги 0,5-1 см ли, босиб кўрилганда йўқолмайдиган геморагик доғлар ҳосил бўлади. Доғлар оч-кўкимтири ва кулранг бўлиб, битнинг сўлак таркибидаги ферментларнинг гемоглабинга таъсири натижасида ҳосил бўлади. Касаллик асосан жинсий алоқа орқали юқади.

Соч битини даволашда бензилбензоатни 10% ва 20% ли суспензиясидан фойдаланилади (катталарда 20%, болаларда 10%), бунинг учун суспензия бошнинг сочли қисми тери юзасига суртилади, кейин рўмол билан боғлаб қўйилади, тахминан 30 дақиқадан сўнг бош ювиб ташланади. Соч битини даволашда Ниттифор эритмаси ва Антибит шампунларидан ҳам фойдалинади.

Битлашни олдини олиш мақсадида, асосан аҳолининг моддий фаровонлиги ва санитария маданиятини оширишга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этишни амалга ошириш лозим. Шахсий гигиенага риоя қилиш, ички кийим-кечак, ўрин-кўрпа жилдлари ва буюмлар ювиб, дазмоллаб турилиши, ҳар

ҳафтада алмаштирилиши лозим. Тасодифий жинсий алоқалардан сақланиш зарур.

Тери лейшманиози

Пашшахўрда ёки Тери лейшманиози касаллиги терининг паразитар касалликлари туркумига кириб, унинг 50 дан ортиқ синонимлари мавжуд. Касалликни кенг қўлланиладиган синонимларига Боровский касаллиги, тери лейшманиози, қўқон яраси, ашхобод яраси, афғон яраси, пендинка ва ҳоказолар киради. Пашшахўрда ёки тери лейшманиози касаллигини қўзғатувчиси *Leischmania tropica* 1898 йил Тошкент шаҳрида П. Ф. Боровский томонидан топилган, кейинчалик эса унга Боровский касаллиги, деб ном берилган. Пашшахўрда касаллиги сурункали кечадиган касаллик бўлиб, асосан тропик ва субтропик иқлим шароитли мамлакатларда, кавказорти (Озарбайжон) ва Ўрта Осиё мамлакатларида (Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон Республикаларида) учрайди. Тери лейшманиози касаллиги Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг жанубий туманларида, Бухоро вилоятининг чўл худудларида ва Фарғона водийсида кўпроқ кузатилади.

Касалликни қўзғатувчи лейшманиялар тухумсимон шаклда бўлиб, узунлиги 2-5 мкм, эни эса 1,5-4 мкм ни ташкил этади. Протоплазмасида иккита ядро мавжуд бўлиб, бири катта ва овалсимон, иккинчиси эса кичик ва таёқчасимон шаклларда бўлади. Шунинг учун ҳам касалликни қўзғатувчисини Боровский танаchalари, деб аталади. Боровский танаchalарини қонда, макрофаглар таркибида ва касалланган тери ўчоқларида кўп микдорда топилади. Тўқима суюклигидан олинган материаллар Романовский-Гимза усули билан бўялганда ва микроскоп остида кузатилганда лейшманияларнинг протоплазмаси оч-ҳаворанг, катта ядроси қизил ёки қизил-бинафша, кичик ядроси эса тўқ бинафша рангларда бўялади.

Касалликнинг 2 хил клиник тури тафовут қилинади булар: ўт-кир-некрозланадиган, қишлоқ ёки ҳайвон тури ва кеч-некрозланадиган, шаҳар ёки одам турлариdir. Касалликнинг ўткир-некрозланадиган, қишлоқ ёки ҳайвон турини *Leischmania tropica major*, кеч-некрозланадиган, шаҳар ёки одам турини эса *Leischmania tropica minor* лар қўзғатади. Касалликни қишлоқ турида касаллик манбаи бўлиб кемирувчи ҳайвонлар (чўл сичқонлари, каламушлар,

юмронқозиқлар), шаҳар турида эса бемор инсонлар бўлиб ҳисобланади. Касалликни ташиб юрувчи ёки юқтиувчиси бўлиб *Phlebotomus* синифига мансуб исқабтопар чивинлар ҳисобланади. Бемор ҳайвон ёки bemor инсонларни чивинлар чаққанда уларнинг сўлакларида сўрилган қон билан бирга касалликни қўзғатувчиси лейшманияларни олиб юрадилар. Агарда бундай чивинлар кейинчалик соғлом инсонларни чақса, у ҳолда сўлаклари орқали Боровский касаллиги танаачаларини юқтирадилар. Шу учун ҳам бундай касалликни ташувчиси «пашшахўрда» деб номланган.

Касалликнинг қишлоқ турида инкубацион давр тахминан 10-40 кун давом этади, бу давр тугагандан сўнг, чивин чаққан тери соҳасида тўқ-қизил кўкимтири рангли, ўткир яллиғланган, ҳамирсимон консистенцияли, оғрийдиган инфильтрат ҳосил бўлади. Тахминан 1-2 ойлар, болаларда эса 2-3 ҳафталар ўтгандан кейин ушбу инфильтратлар ёрилиб чуқур яраларга айланади. Яранинг четлари ва туби нотекис, йирингли суюқлик ва некротик масса билан қопланган бўлади. Яранинг тубида ҳамирсимон мадда кузатилади, атрофига эса лимфа томирларининг яллиғланиши натижасида лимфангит ҳолати кузатилади. Болаларда кўпинча пашшахўрда касаллигида ҳосил бўлган яралар иккиламчи йирингли кокклар билан асоратланади, ўчоқларда яллиғланиш жараёни чуқурлашади, абцесс, флегмона ва сарамас каби асоратлар кузатилади, уларда кучли оғриқ кузатилади. Вақт ўтиши билан пашшахўрда касаллиги яралари йиринг ва некротик массалардан тозаланиб, ўртасидан чандиқлана бошлайди ва касаллик 5-6-ойларга бориб чандиқланиш жараёни тугайди.

Касалликнинг шаҳар ёки антропоноз турининг инкубацион даври узоқ давом этиб, тахминан ўртача 6-8 ойлардан 1 йилгача ва ундан ортиқ вақт давом этади, касалликни секин ва кеч ривож олиши унга йил яраси, деб ном беришга асос бўлади. Чивин чаққан тери соҳасида тўқ-қизил рангли, секин-аста ёнғоқ ҳажмигача катталашиб борувчи дўмбоқча ҳосил бўлади. Дўмбоқчалар усти қалин қобиг билан қопланган бўлиб, уларни кўчиши натижасида нотўғри, ҳошиясимон, инфильтралланган, ҳамирсимон чегарали, гранулланган тубли қўнғир-сариқ ранг қобиг билан қопланган яралар ҳосил бўлади. Яраларнинг юзаси катта бўлишига қарамасдан унчалик чуқур бўлмайди, шунинг учун ҳам яралар битиши натижасида пайдо бўладиган чандиқлар юзаки ва юпқа кўринишида

бўлади. Яралар асосидаги ҳосил бўлган инфильтрат уларни тери сатҳидан кўтариб туради, кейинчалик бир неча ойлардан сўнг ушбу яралар ўрнида чандиқланиш кузатилади. Касалликнинг яна бир клиник кўриниши бу унга хос бўлган лифангитлардир. Лимфангитлар бу пашшахўрда касаллиги яралари атрофидаги лимфа қон томирларининг худди арқон қаттиқлиги кўринишида тери сатҳидан бўртиб кўриниб туришидир. Лимфа қон томирларининг бундай кўринишида намоён бўлиши кўпинча тугунлар кўринишида ҳам бўлиб, бундай кўриниши касалликнинг асосан қишлоқ клиник турида кузатилади. Кейинчалик тугунли лимфа қон томирлари ёрилиб улар яраларга айланади. Айрим ҳолларда чандиқ ва чандиқлар атрофида эса тўқ қизил-кўкиш ёки сариқ-қизил рангли майда дўмбоқчалар ҳосил бўлади, уларнинг кўриниши худди қизил югурик касаллигидаги люпомаларни эслатади. Касалликнинг бундай кўриниши “тери лейшманиозининг силсимон хили” деб ҳам аталади.

Болаларда пашшахўрда касаллигининг учинчи тури, яъни туберкулоид тури ҳам кузатилади. Бошқача қилиб айтганда касалликнинг бу тури металейшманиоз, дўмбоқчали лейшманиоз, люпоид лейшманиоз, деб ҳам аталади. Касалликнинг бу тури болалар ва ўсмирларда катта ёшдаги кишиларга нисбатан кўпроқ учрайди ва у 6-8 % ҳалокатларда кузатилади. Металейшманиоз турининг клиник кечиши асосан юз тери соҳаларида кузатилиб, дастлаб майда тугунчалар шаклида пайдо бўлади, кейинчалик улар қаттиқ ёки хамирсимон қаттиқликка эга бўлиб, пашшахўрда касаллиги яраларидан қолган чандиқлар атрофида пайдо бўлади. Улар кўпинча яра ёки чандиқларни ҳалқасимон, ярим ҳалқасимон шаклларда ўраб олади, улар сарғиш-қорамтири рангда бўлиб, атроф тери соҳаларида ўткир яллигланиш белгилари кузатилмайди. Шунга ўхшашибўлар чандиқнинг ўзида ҳам ҳосил бўлиши мумкин, аксарият ҳолларда улар юзаки, юпқа чандиқлар сатҳида кузатилади. Мазкур элементлар тери силида кузатиладиган дўмбоқчаларга жуда ўхшашибўлар. Ҳатто *lupus vulgaris* касаллигига кузатиладиган «олма мағзи» белгиси ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳам пашшахўрданинг бу тури туберкулоид номини олган. Бироқ тери силида кузатиладиган дўмбоқчалардан фарқ ўлароқ металейшманиоз дўмбоқчалари бир неча йиллар давомида сақланади, баъзан эса ҳатто 15-20 йилгача сақланиши мумкин.

Пашшахўрданинг қишлоқ ва шаҳар турларини бир-биридан фарқлаш

№	Кўрсаткичлар	Шаҳар тури	Қишлоқ тури
1	Кўзғатувчиси	L. tropica minor	L. tropica major
2	Инкубацион даври	Ўртча 2-6 ой, 1 йилгача	2-5 ҳафта
3	Инфекция ўчоғи	Лейшманиозга чалинган бемор кишилар	Кемирувчилар ва бемор кишилар
4	Касалликнинг дастлабки белгилари	Кичик тугунча (лейшманиома)	Ўткир яллиғланиш белгилари яққол намоён бўлган мадда (инфильтрат)
5	Ривожланиш жараёни	Лейшманиоманинг ривожланиши секин, дастлаб эрозия бўлади. сўнгра чақаланади, ин-фильтрат секин сўрилади	Маддалаган ўчоқ тез ярага айланади, кучли оғриқ билан кечади
6	Ярани таърифлаш	Яра туби донадор, зардобсимон йиринг билан қопланган, тез куриб қатқалоқланади	Яра туби нотекис, кулранг сарғимтирик некротик чиқинди билан қопланган, йиринг кўп миқдорда ажралади
7	Ярага айланиш муддати	3-8 ой	2-4 ҳафта
8	Лимфангит ва лимфаденитлар	Камдан-кам ҳолларда кузатилади	Кўп учрайди, оғир кечади, лимфа томирлари бўйлаб тугунчалар пайдо бўлади, ярага айланади.
9	Тошма элементларининг терида жойлашган соҳалари	Кўпинча юз терисида, қўл-оёқларда камроқ кузатилади	Кўпинча икки оёқ терисида, юзда кам кузатилади.
10	Фаслга алокадорлиги	Йилнинг барча фаслларида кузатилади	Ёз ва куз пайтлари кузатилади, беморлар дастлаб июль-октябрь ойларида мурожаат этадилар
11	Кечиши	Сурункали, ойлаб кечади	Ўткир, бир неча ҳафта давом этади
12	Асоратлар бериши	Пиококклар билан кам асоратланади	Сарамас, йирингли яралар каби асоратлари кўп кузатилади
13	Географик тарқалган жойлари	Аксарият ҳолларда шаҳар ахолиси орасида учрайди.	Кўпинча қишлоқларда, чўл ва адирларда

Касалликнинг металейшманиоз клиник турининг ривожланиши кўпроқ қуёш нурларининг таъсири билан боғланади, шунинг учун ҳам касаллик белгиларининг юз терисида кўпроқ жойлашиши сабабини ушбу ҳолат билан тушунтирилади. Металейшманиоз дўмбоқчалари тўлиқ етилмаган лейшманиомалар бўлиб, айрим муаллифларнинг фикрича, улар макроорганизмнинг қаршилик кўрсатиши натижасида типик лейшманиомага айланмаган ва сурункали тус олган касалликнинг клиник тури ҳисобланади.

Тери лейшманиози касаллигини сурункали кечадиган йирингли касалликлар яраларидан, захм гуммасидан ва тери силидан фарқ қилиш лозим. Касаллик ташхиси анамнестик ва эпидемиологик сўровлар, клиник маълумотларга асосланган ҳолда қўйилади ва бактериоскопик текширув натижаларига (Боровский танаачаларининг тўқима суюқлигига топилиши) асосан эса касаллик ташхиси тасдиқланади. Касаллик ташхиси ноаниқ бўлган ҳолларда эса Монтенегро синови натижалари ёрдам беради, яъни лейшманин билан терига қўйилган аллергик синов мусбат натижаларига асосан қўйилади.

Пашшахўрда касаллигини даволашда антибиотик дори воситаларидан (мономицин, метациклин, доксоциллин, рифампицин) кенг кўламда фойдаланилади. Мономицин ҳар 1 кг тана оғирлигига 20000-25 000 ТБ дан кунига 2 мартадан мушак орасига 10-12 кун давомида юборилади. Мономицин дори воситасини ичишга эса ҳар 1 кг тана оғирлигига 50000 ТБ дан тавсия этилади. Кейинги йилларда касалликни даволашда метациклин дори воситасидан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Дори воситаси 0,3 г дан кунига 2 мартаба 10-12 кун давомида берилади. Рифампицин 0,3 г дан кунига 2-3 маҳалдан, овқатдан 30-40 дақиқа олдин ичишга тавсия этилади, болаларга эса 1 кг тана оғирлигига 7,5-10 мг дан куни 2 маҳалдан тавсия этилади. Доксоциллин 0,1 ёки 0,3 г дан кунига 2 маҳал овқатдан кейин тавсия этилади, даво курси 10-15 кунни ташкил этади. Маҳаллий даво чоралари акрихиннинг 1% ли эритмасини новокаин билан аралаштириб яра атрофига ковлаб юборилиш орқали олиб борилади. Шунингдек, яраларга 5% ли мономицин ёки 3% ли метациклин малҳамларини қўллаш тавсия этилади.

Пашшахўрданинг олдини олишда комплекс ташкилий тадбирлар ўтказилиши, яъни касаллик вужудга келган ҳудудларда карантин ўрнатилиши лозим. Ушбу ҳудудларда касаллик манбаи бўлган

кемирувчи ҳайвонлар ва уларнинг инларини бузиб ташлаб заҳарлаш, ёмғирдан кейин пайдо бўладиган кўлмак сувлар, қамишзор ва зовурларни кўмиб ташлаш лозим. Бундай ишлар олиб борилиши натижасида касаллик манбанинг олдини олиш имконига эришилади. Касалликнинг ўчоғли ҳудудларида яшовчи аҳолига бу касаллик ҳақида, уни олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Аҳолини касалликдан муҳофаза қилиш мақсадида уларга пашشاҳоналар тутиш, кечқурунлари чивинларни ҳайдаш мақсадида уларни ҳайдаш хусусиятига бўлган дори воситаларини қўллаш тавсия этилади. Бу тадбирларнинг тўлақонликда ўтказилиши касалликни олдини олиш ва унинг камайишига сабабчи бўлади. Тери лейшманиози касаллиги билан хасталангандан сўнг (ёки даволангандан сўнг) bemорларда доимий иммунитет қолади.

Мохов

Мохов касаллиги сурункали қайталама кечадиган инфекцион табиатга эга касаллик бўлиб, асосан тери, шиллиқ қаватлар ва асаб тизимининг заарланиши кўринишида кечади. Касалликни қўзғатувчи Ганзен таёқчasi бўлиб, уни биринчи марта 1871 йилда норвегиялик олим G. Hansen топган. Ганзен таёқчasi қапсула ва споралар ҳосил қилмайди, аммо L- шаклини ва донадор шаклларни ҳосил қилиш хусусиятига эга. У кислоталар ва ишқорлар таъсирига чидамли бўлиб, грамманфий ҳисобланади, Цил-Нелсон усули бўйича қизил рангга бўялади. Касаллик асосан ҳаво-томчи йўллари, юқори нафас йўллари, шиллиқ қаватлари, заарланган тери юзалари орқали юқади. Касалликни қон сўрувчи ҳашоратлар чақиши орқали ҳам юқади деган фикрлар мажуд. Касалликка айниқса, ёш болалар берилувчан бўлиб, кўпинча 5-14 ёшлар оралиғида учрайди. Касалликнинг вужудга келишига инсонлар яшаш шароитларининг социал-иктисодий жиҳатидан паст даражада бўлиши, турли сурункали касалликлар билан хасталангандилари ҳамда тери юзаларининг тез-тез жароҳатланиб туриши асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирга кунга келиб ХССТ ахборотига кўра дунёда 15 млн. дан ортиқ мохов билан касалланган bemорлар қайд этилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда аҳоли турмуш шароитларининг юқори даражага кўтарилганлиги, иқтисодий

жиҳатдан барқарорлиги, эпидемиологик ва даволаш-профилактик чораларнинг ўз вақтида тўғри олиб борилиши ҳамда туғрукхоналарда БЦЖ эмлашларини тўлақонлик билан ўтказилиб борилиши сабабли мохов касаллиги сифатида бўтуналай йўқ қилинган.

Мохов касаллиги юққандан кейин ўтадиган вақт, яъни инкубацион даврнинг давомийлиги аниқ бўлмайди, унинг вақти бир неча ойдан бир неча йилларгача ҳатто 20-30 йилларгача давом этиши мумкин. Мохов касаллигининг 3 та клиник турлари тафовут этилади: моховнинг моховсимон ёки оғир тури; моховнинг силсимон ёки енгил тури ва моховнинг таққосланмайдиган ёки ноаниқ тури.

Моховнинг моховсимон тури. Касалликнинг ушбу турида дастлаб, кўп микдорда юз, тана, қўл ва оёқ тери соҳаларига тўқ қизил ёки кўкимтир рангда бўлган эритематоз доғлар тошади. Кейинчалик ушбу доғлар инфильтралланиб тугунчалар шаклини олади, айrim жойларда эса улар плакчалар шаклида ҳам бўлади, бундай кўринишдаги тошмаларни лепромалар, деб номланади. Лепромалар асосан юзнинг пешона, кўз қовоғи усти соҳаси, яъни қошлар соҳасида, бурун, ёноқ, юқори ва пастки лаб, даҳан, қулоқ супраси ва қулоқ ёстиқчалари ҳамда қўл ва оёқ тери соҳаларининг ёзувчи сатҳларида жойлашади. Лепромалар жойлашган худудларда уларнинг инфильтратив таъсири натижасида қош, киприқ, мўйлаб ва соколларнинг тўкилиши ҳолати кузатилади. Беморлар юз соҳаси шакли ўзгаради, улар бадбашара кўринишни, яъни “шер юзи” кўринишини олади, юз соҳаси мимикаси ўзгаради, кўз қовоқларининг юмилиш жараёни эса бузилади.

Терида кузатиладиган патологик жараён bemorларда марказий асаб тизими фаолиятининг бузилиши билан кечади, bemorлар асабийлашиб, ҳар хил рухий ва невротик ҳолатларга тушиб қоладилар. Переферик асаб тизими фаолиятининг бузилиши натижасида дастлаб bemorларда трофик жараёнлар, оғриқ ва ҳароратни сезиш ҳолатларининг кучайиши ҳолати кузатилади. Патологик ўчоқларда ёғ ва тер ажралиши ҳолатлари кучли даражада намоён бўлади, шу сабабли лепромалар ёғланган кўринишда ялтираб туради. Кейинчалик жойлардаги неврит ва полиневрит каби ўзгаришлар натижасида чукур тропик бузилишлар юзага келади, касалланган ўчоқларда оғриқни, тактил сезувчанликни, ҳароратни

сезиш қобилияти пасаяди ва охир-оқибатда бутунлай йўқолади. Трофик ўзгаришлар кейинчалик лепромалар жойлашган ҳудудларда чуқур, чегаралари нотўғри, қайрилган ва тери сатҳидан қўтарилиб турадиган кўринишда, туби ғадир-будур, серозли-йирингли қобиғлар билан қопланиб турадиган яралар пайдо бўлади. Бази ҳолларда яралар ичкарига қараб чуқурлашиши ҳам мумкин, натижада суюклар, мушаклар ҳамда пайларнинг емирилиши, кемирилиши ва тузилишининг бузилишига олиб келади. Бундай кўринишдаги бузилишлар кўпинча қўл ва оёқ панжалари бармоқларида кузатилиб, уларнинг тўмтоқланишига, узилиб тушиб кетишига, мутиляцияланишига олиб келади, натижада қўл бармоқлари “куш панжаси”, оёқ кафти юзалари эса “от туёғи” кўринишини эслатадиган шаклларга киради. Яралар ўрнида кейинчалик қўпол, деформацияланган чандиқлар ҳосил бўлади. Айрим ҳолатларда лепромалар яра ҳолига ўтмасдан сўрилиб кетиши ва ўзидан кейин эса атрофик чандиқлар қолдириши мумкин.

Мохов касаллигига шиллик қаватларнинг заарланиши асосан юқори нафас йўллари, оғиз ва кўз шиллик қаватларида кузатилади. Бурун шиллик қаватларининг мохов касаллигидаги заарланиши эритематоз инфильтрациялар шаклида кечиб, қонли ажратмалар, ҳамда серозли-қонли қобиқлар билан қопланган кўринишларда намоён бўлади. Кейинчалик эса бундай инфильтралланишлар яралар ҳосил бўлишига, бурун шиллик қавати тоғай ва суюқ қисмларининг деформацияланишига олиб келади. Худди шу каби ўзгаришлар оғиз, томоқ шиллик қаватларида, тилда ҳатто оғиз бойламларида ҳам кузатилади, натижада товушнинг бўғиқли чиқиши, ҳатто бутунлай йўқолиши (афония) ҳолатлари кузатилади. Кўз шиллик қаватлари заарланиши натижасида эса конъюнктивит, ирит, кератитлар каби ўзгаришлар вужудга келади, натижада беморлар кўз шиллик қаватлари яллиғланади, яраланади ва кўз шоҳ қаватининг чандиқланиши ҳолати юзага келади, бунинг оқибатида bemорлар кўриш қобилияти пасади ёки улар бутунлай кўр бўлиб қоладилар.

Касаллик туфайли вужудга келадиган переферик неврит каби ўзгаришлар мушак, суюкларда атрофик ўзгаришларга олиб келади, масалан кўз олмасини ҳаракатга келтирувчи мушаклардаги атрофик ўзгаришлар натижасида кўз олмасининг намланиб туриши, қовоқлар билан ёпилиб-очилиб туриши ҳолатлари бузилади ва шилпиклиқ (логофталм) вужудга келади.

Мохов касаллигига кузатиладиган ўзгаришлар ички аъзоларда ҳам ўз аксини топади, бундай ўзгаришлар асосан паренхиматоз аъзолар томонидан кузатилади. Эндокрин тизими фаолиятининг бузилиши натижасиада жинсий аъзолар томонидан бепуштлик, эрта климакснинг вужудга келиши, эрта қариш каби ҳолатлар кузатилади.

Моховнинг силсимон тури. Моховнинг силсимон тури унинг моховсимон турига нисбатан анча енгил кўринишда кечади. Касалликнинг ушбу турида асосан тери ва периферик нерв толалари зарарланади. Тери соҳаларида аниқ кўринишли, думалоқ овал шаклида бўлган, депигментланган ёки қизил-қўнғир рангдаги доғли тошмалар кузатилади, уларнинг чегаралари ҳалқа сингари теридан кўтарилиб туради, таркиби эса лихеноид тугунчалар ва дўмбоқчалардан ташкил топади. Ушбу ўчоқларнинг марказий қисми яssi ва чукурлашган бўлиб, оч ранг кўринишида бўлади. Кейинчалик ўчоқлар депигментланади ва улар ўрнида чандиклар қолади.

Моховнинг силсимон турида оғриқ ва ҳароратни сезиш қобилиягининг йўқолиши эрта, тактил сезиш қобилиягининг йўқолиши эса кечроқ намоён бўлади. Оғриқ ва ҳароратни сезиш қобилиягининг эрта йўқолиши беморларни тез-тез куйиб қолишлирага, ҳар хил жароҳатлар олишиларига сабабчи бўлади. Ички аъзолар тарафидан ва эндокрин тизими тарафидан кузатиладиган ўзгаришлар эса касалликни моховсимон турига қараганда нисбатан кам кузатилади ва енгилроқ кечади.

Моховнинг таққосланмайдиган тури. Моховнинг таққосланмайдиган тури асосан болаларда учрайди. Бемор болалар умумий аҳволлари кучсиз даражада ўзгариши кузатилади. Терида кузатиладиган патологик ўзгаришлар тўқ қизил рангли доғлар кўринишида бўлиб, уларнинг чегаралари ноаниқ бўлади. Касалликнинг клиник кўриниши моховнинг силсимон тури кўриниши ўхшаш бўлади, аммо касалликнинг бу туридаги трофик ўзгаришлар ва сезгириликнинг бузилиши каби ҳолатлар кўринарли даражада намоён бўлиши мумкин. Касалликка хос бўлган синамалар айrim ҳолатларда мусбат, айrim ҳолатларда эса манфий кўринишларда бўлади.

Мохов касаллигининг ташхиси сезувчанлик ҳолатининг тошма элементлари бор худудларда йўқолиши, нерв толаларининг йўғонлашиши, шиллик қаватлардан олинган суртмаларда, тўқима

суюқликларида Ганзен таёқчаларининг топилиши асосида қўйилади. Касалликка ташхис қўйилиши қийин бўлган ҳолатларда ёки таққосланмайдиган клиник турларида серологик текширувлар ўтказилади, бу жараёнлар комплементни боғлаб олувчи жараёнлар ва Колмер жараёнларидан иборат бўлади.

Мохов касаллигига ташхис қўйишда лепромин синовидан (Митсуда синамаси) фойдаланилади. Бу усулда қўл билаги букув соҳаси тери орасига, мохов билан заарарланган тўқима таркибидан тайёрланган, кўп миқдорда Ганзен таёқчаларини сақлайдиган суюқликдан, яъни 0,1 мл лепромин суюқлигидан юборилади. Синамада кузатиладиган жараён эрта ёки кеч бўлиши мумкин. Агар 24-48 соатдан кейин лепромин юборилган жойда қизариш ва шиш ҳолати кузатилса жараён эрта мусбат деб, агар 2-4 ҳафтадан кейин жойларда 1-1,5 см катталикда дўмбоқчаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ярага айланиши ҳолати кузатилса у ҳолда жараён кеч мусбат жараён, деб баҳоланади.

Мохов касаллигига ташхис қўйишда ҳамда касалликни тери лейшманиози, тери сили ва захм касалликлари билан таққослов ташхиси ўтказилишида Минор синамасининг тутган ўрни ва амалий аҳамияти жуда катта. Ушбу синаманинг ўтказилиши учун бемор соғлом тери соҳасига йод эритмаси суртилади ва устига юпқа қилиб крахмал моддаси кукуни сепилади ва беморни мажбуран терлаши учун қуруқ иссиқ ҳаволи хонага киритилади ёки ичишга иссиқ чой берилади, маълум вақт ўтгандан кейин тери соҳаси кузатувдан ўтказилади. Агарда йод билан крахмал аралашмаси тўқ кўк рангга кирмаса у ҳолда бу жараён мусбат деб баҳоланади ва мохов касаллиги ташхиси тасдиқланади, чунки мохов касаллигига тер безларининг тер ажратиш хусусиятлари бузилган бўлади.

Мохов касаллигининг давоси умумийликдан ташқари беморларга уларни индивидул ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Касалликни даволашда асосий ўринни сульфон дори воситалари эгаллайди, бу дори воситаларига ДДС ва уни аналоглари авлосульфон, дапсон, сульфетронлар киради.

Ҳозирги кунда мохов касаллигини даволашда диуцифон дори воситасидан кенг тарзда фойдаланилади, бу дори воситасининг самарадорлиги ДДС га нисбатан 4-5 баравар ортиқ бўлиб, салбий асоратлари деярли кузатилмайди. Диуцифон препаратининг

устунлиги яна шундаки, дори воситаси мохов касаллигининг барча турларида самарали таъсир этганлиги учун кенг қўлланилади.

Мохов касаллигини даволашда тиомочевина ва унинг маҳсулотлари бўлган сиба-1906 ва этоксид дори воситалари қўлланилади. Этилмеркаптан гуруҳидан бўлган бу дори воситаси ҳам моховни даволашда қўлланилади, унинг хусусияти шундан иборатки, солфон дори воситаларини моховга қарши таъсир этиш самарадорлигини оширади. Даво чораларининг ўтказилишида шунингдек, чаулмугрол препаратлари ҳам қўлланилади, улар сульфон дори воситалари билан биргаликда даволашда тавсия этилади.

Мохов касаллигига кузатиладиган иммун танқислиги ҳолатини инобатга олган ҳолда, маҳсус даво чоралари билан бир вақтда иммуномодулятор дори воситалари (метилурацил, пентоксил, иммуномодулин, тимален, нуклеинат натрий, левамизол) тавсия этилади. Беморларга витаминларга, оқсилиларга бой, кучли калорияга эга бўлган овқат маҳсулотлари тавсия этилади.

Мохов касаллигини олдини олиш мақсадида ҳомиладор bemor оналардан туғилган чақолоқлар туғруқхонанинг ўзидаёқ оналаридан ажратиладилар ва оналари билан яқин алоқада бўлишлари тақиқланади, чунки мохов касаллиги билан хасталанган bemor оналардан туғилганларида бундай болалар соғлом туғиладилар. Мохов касаллиги аниқланган ҳудудларда bemорлар атрофдаги инсонлардан ажратиладилар ва улар маҳсус санатория тарзидаги даволаш масканларида, яъни лепрозорияларда даволанишлари тавсия этилади. Аҳоли ўртасида БЦЖ вакцинация қилиш тадбири ўтказилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мохов касаллиги билан хасталанишнинг олдини олишда аҳолини моддий, маънавий ҳамда иқтисодий жиҳатдан барқарор турмуш шароитлари даражасини ошириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

ТЕРИНИНГ ВИРУСЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Тери касалликлари орасида терининг вирусли касалликлари алоҳида ўрин эгаллаб, уларнинг учраш даражаси катталарда 3-4 %ни, болаларда эса 9,5 %ни ташкил этади. Терининг вирусли касалликлари туркумига оддий учук, белбоғли учук, сўгаллар, юқумли моллюскалар, ўткир учли кондиломалар киради. Касалликни қўзғатувчи вируслар организмга тери, шиллик қаватлар, заарланган буюм ва жиҳозлар орқали ҳамда ҳаво томчи йўллари орқали тушади ва касаллик белгиларини намоён қиласди. Касаллик юққандан сўнг то клиник белгилари намоён бўлгунга қадар бўлган инкубацион давр бир неча кунлардан 2-3 ҳафтани ташкил этади.

Вирусли касалликлар гарчи бемор ҳомиладор онадан ҳомилага ҳомиладорлик даврида ўтган бўлсада, касаллик белгилари бола туғилгандан сўнг бола ҳаётининг биринчи кунларида намоён бўлмайди, чунки она қонидан болага вирусга қарши антителолар ўтади, натижада бола организмида пассив иммунитет ҳосил бўлади, бола туғилгандан сўнг тахминан 2 йил мобайнида ҳосил бўлган иммунитет кучсизланиши сабабли кейинчалик вирусли касаллик ривожлана бошлайди.

Оддий учук

Оддий учук (*herpes simplex*) ёки оддий пуфакчали темиратки вирусли касалликлар орасида нисбатан кўп учрайдиган касаллик бўлиб, унинг қўзғатувчиси морфологик жиҳатидан ўхшаш бўлган 4 та вируслар ҳисобланади. Буларга оддий вирус герпеси (ОВГ), белбоғсимон темиратки вируси (*Varicella Zoster*), Эпштейн-Барр вируси ва цетомегаловирус (ЦМВ) лар киради. Оддий герпес вирусининг 2 та серотипи мавжуд бўлиб, улар ОВГ-1 ва ОВГ-2 деб номланади. Оддий учук вируси барча инсонлар организмида улар ҳаётининг 18 ойларидан бошлаб контакт орқали юзага келади. Организм илк маротаба контакт ва нафас йўллари орқали тушган вируслар нерв ганглиялари орқали ҳужайраларга ўтади ва улар таркибида узок вақт латент ҳолатида сақланиб туради. ОВГ-1 билан

хасталанганда тери соҳаларида касаллик белгилари асосан оғиз, лаб ва кўз атрофи соҳаларида тошмалар тошиши тарзида, ОВГ-2 билан хасталанган беморларда эса касаллик белгилари асосан генитал соҳаларида ҳосил бўлиши тарзида кечади.

Оддий учук касаллиги тошмалари асосан табий тешиклар атрофига, бурун қанотлари, оғиз бурчаклари ва жинсий аъзолар соҳаларига тошади. Касаллик ўчоқлари соҳаларида дастлаб қизариш аломати кузатилади, сўнг эса диаметри 1-3 мм катталиқда бўлган пуфакчали тошмалар пайдо бўлади. Ҳар бир касаллик ўчоқлари юзаларида 2 тадан 10 тагача бўлган гурухланган кўринишида бўлган пуфакчалар кузатилади. Пуфакчалар таркиби аввал тиниқ экссудатдан иборат бўлиб, 2-3 кун ўтгандан кейин эса улар таркиби лойқаланади. Баъзан пуфакчалар бир-бирига қўшилиши ҳисобига 1-1,5 см диаметрли пуфаклар ҳосил бўлади. Кейинчалик ўша соҳаларда қора қўтирилганда қобиғлар ҳосил бўлади, тахминан 5-6 кунлардан сўнг улар туша бошлайди ва улар ўрнида дағаллашиш ҳолати кузатилади. Ўчоқлар юзаларида бир оз оғриқ, шиш ва ачишиш каби ҳолатлар кузатилади. Беморларнинг умумий аҳволлари ўзгармайди, лекин баъзан тана ҳароратининг кўтарилиши, ҳолсизлик, мушакларда оғриқлар кузатилиши мумкин. Касалликнинг давомийлиги 1-1,5 ҳафтани ташкил этади.

Оддий учук касаллигининг бир неча: абортив, шишсимон, диссеминациялланган, миграцияланувчи (ўрмаловчи), гемморагик (некротик), эрозив-ярали ва тез-тез қайталаниб турувчи клиник шакллари тафовут этилади.

Абортив клиник шакли асосан мугузланиш кучли бўлган тери соҳаларида юзаки тугунчалар ҳосил бўлиши билан намоён бўлади. Касалликни шиш билан кечувчи шакли асосан тери ости ёғ қавати кам ривожланган соҳаларда ҳосил бўлади (лаб, қовок) ва жараён шиш пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Белбоғсимон клиник шакли асосан юз, бадан, қўл ва оёқ соҳаларида нерв йўллари бўйлаб жароҳатланиш тарзида кечади. Касалликнинг кўчиб юрувчи (миграцияланувчи) шаклида эса қайталаниб турувчи тошмаларни жойлашишини ўзгартириб туриши кўринишида намоён бўлади. Гемморагик клиник шакли пуфакчалар таркибида геморрагик суюқлик бўлиши билан ажralиб туради.

Ўткир герпетик стоматитли шакли пуфакчали тошмаларнинг лаб шиллиқ қаватлари, лунж, танглай соҳаларида пайдо бўлиши билан

намоён бўлади. Ўчоқларда бир оз шиш ва қизариш ҳолатлари кузатилади, шиллиқ қават юзаларида эса гурухлашган пуфакчалар ҳосил бўлиб, улар тез кунлар ичида ёрилади ва эрозиялар ҳосил бўлади, 2-4 кунлардан сўнг эса ушбу эрозиялар юзаларида фибриноз парда ҳосил бўлади. Беморлар оғриқ, ҳамда сўлак ажралишининг кучайишига шикоят қиласидилар. Тахминан 6-14 кун ўтгандан сўнг эса эрозиялар эпителизацияланадилар.

Оддий учукнинг тез-тез қайталанувчи турида жараён асосан юз (лунж, лаб атрофларида), кўз атрофлари ва жинсий аъзолар соҳаларида кузатилади. Касалликнинг йилига 1-3 баъзан эса ойига 5 маротабагача қайталаниши кузатилади. Аёлларда касалликнинг қайталаниши асосан менструация вақтида кузатилади (генитал герпес). Касалликни кечишида тошмалар билан бирга продромал ҳолат ҳам кузатилади, касаллик ўчоқларида bemorлар бир оз қизиш, ачишиш ва қичишиш каби салбий ҳолатларга шикоят қиласидилар.

Жинсий аъзолар юзаларида ҳосил бўладиган оддий учук касаллиги қаттиқ шанкр билан таққосланади. Оддий учук касаллигига кузатиладиган тошмалар алоҳида бир-бирига қўшилган полицуклик кўринишдаги эрозиялардан иборат бўлиб, яллиғланган тери юзаларида инфильтратлар ҳосил қиласидилар. Шиллиқ қаватлардаги оддий учук белгилари кўп шаклли экссудатив эритема касаллигидан, йил фаслларига боғлиқ бўлмаган ҳолда кечиши, шиллиқ қават соҳаларида пуфакчалар ёрилиб, юзаларида фибриноз плёнка ҳосил қилиши билан ажралиб туради.

Оддий учук касаллигининг ташхисотида цитологик текширув усусларидан фойдаланилади, текширув жараёни пуфакчалар пайдо бўлгандан 2-3 кун ўтгандан кейин ўтказилади. Романовский Гимза усули билан бўялганда 3-4 ядроли, базофил цитоплазмали гигант ҳужайралар аниқланади, ҳужайра ядролари бир-бирига яқин ва баъзан устма-уст жойлашади. Оддий учук ДНК сига сезувчан бўлган ПСЖ реакция ҳам ўтказилади. Оддий учук касаллигини даволашда вирусга қарши дори воситалари тавсия этилади. Бинофтон дори воситасидан 150 мг дан кунига 5-7 кун давомида белгиланади. Ацикловир 0,2 г дан кунига 5 маротаба 5 кун давомида тавсия қилинади. Касалликнинг профилактикаси сифатида дори воситасини – 0,2 г дан кунига 4 маҳал 6-12 ҳафта ичиш тавсия этилади. Маҳаллий даволашда касаллик ўчоқларига анилин бўёқлари (Кастилияни суюқлиги, фукурцин) ёрдамида ишлов берилади ва

вирусга қарши 3% оксолин, 3-5% ли теброфен, зовиракс, ацикловир малҳамлари сурилади. Касаллик қайталанишини олдини олиш мақсадида беморга герпетик поливалентли вакцина қилинади. Вакцина елка тери ости соҳасига 0,1 – 0,2 мл дан ҳар 2-3 кунда юборилади. Бир вақтнинг ўзида bemorларга иммун тизимини кўтарувчи даво чоралари ўтказилади.

Белбоғсимон учук

Белбоғсимон учук (*Varicella zoster*) касаллигини нейротроп фильтранувчи вирус *Varicella zoster* келтириб чиқаради. Касаллик асосан 40-70 ёшли инсонларда ва кўпроқ эркакларда кузатилади. Касалликнинг келиб чиқишида эндоген ва экзоген омиллар таъсири, яъни организмнинг иммун тизими ҳолатининг сустлиги, соматик касалликлар, инфекция ўчоқларининг мавжудлиги, совқотиш ва бошқалар сабаб бўлади.

Касалликнинг бошланиши продромал ҳолат кўринишида кечади, bemorларда тана ҳароратининг кўтарилиши, ҳолсизлик, бош оғрифи, қусищ, кўнгил айнаши каби аломатлар билан бошланади. Инкубацион даврнинг давомийлиги ҳар хил бўлиб, тахминан 7-5 кунларни ташкил этади. Белбоғсимон темиратки касаллигининг қуидаги: абортив, буллёз, гангреноз, геморрагик, генерализацияланган клиник шакллари. Касаллик белгилари дастлабки кунлардан бошлаб тери юзаларида, нерв йўллари бўйлаб қизариш, бир оз шиш ва пуфакчали тошмалар пайдо бўлиши билан бошланади. Касалликнинг кечиши кучли оғриқ, ҳаракатнинг чегараланиши билан кечади. Ўчоқлар кўпинча юз, пешона, бошнинг сочли қисми, тана тери соҳалари, қўл ва оёқ соҳаларида, нерв йўналишлари бўйича жойлашади. Аввало эритематоз-доғли ва тугунчали-пилакчали тошмалар чизиқсимон-белбоғ шакларида ҳосил бўлади. Пуфакчалар гурух-гурух бўлиб, улар таркибидаги суюқлик аввало тиник, сўнг эса лойқалана бошлайди, пуфакчаларни ёрилиши натижасида эрозиялар ҳамда қора қўтиrlар ҳосил бўлади. Касаллик давомийлиги 1-3 хафтани ташкил этади (абортив клиник шаклида). Касалликни оғир кўринишдаги кечишида ярали ва ярали-некротик тошмалар ҳосил бўлади, яралар ўрнида кейинчалик қора қўтир ҳосил бўлади ва хасталик 1-1,5 ойларда тузала бошлайди.

Касалликнинг генерализациялашган (тарқоқ) клиник шаклида асосан йўлдош касаллиги бўлган bemorларда, яъни лимфолейкоз,

лимфома, ўсма касалликлари, ҳамда иммунсупрессив, цитостатик, кортикостероид дори воситалари ҳамда рентген нурларини қабул қилган bemorlarда кузатилади.

Гангреноз клиник шакли асосан кўп касал бўладиган кишиларда (қандли диабет, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси) ва кексаларда учрайди. Касалликнинг гангреноз клиник шаклида ўчоқлар таркибида геморагик суюқлик тутган пуфакчаларнинг бўлиши, битиши қийин ва узоқ вақт давом этадиган гангренали яраларнинг мавжудлиги билан намоён бўлади. Беморларда вируснинг нейротроплигидан далолат берадиган кучли оғриқлар пайдо бўлади. Касаллик ўчоқларида оғриқ, ачишиш, парестезия ҳолатлари кузатилади.

Гистопатологик текширув натижасида эпидермал хужайраларнинг ретикуляр ва балонланадиган дегенерализация ҳолати кузатилади. Дерманинг сўрғичсимон қаватида полиморф хужайралар инфильтрацияси ва кучли яллигланиш ҳолатлари кузатилади ҳамда қон томирларнинг кенгайиши аниқланади.

Белбоғсимон темиратки касаллигига диагноз қўйиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Касаллик белгилари бўлган эритематозшишли асосда гурухлашган пуфакчаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг нерв йўллари бўйлаб жойлашиши, оғриқнинг пайдо бўлиши касалликка ташхис қўйишга осонлик туғдиради. Оддий учук ва сарамас касалликларидан белбоғли темиратки касаллиги ўзига хос бўлган гурухлашган пуфакчаларнинг нерв йўллари бўйича пайдо бўлиши ва ирридиацияланувчи оғриқларнинг бўлиши билан ажralib туради.

Касалликнинг енгил кечишида ацикловир дори воситаси 800 мг дан кунига 5 маҳал 7-10 кун давомида ёки фамцикловир 250 мг дан кунига 3 маҳал 5-6 кун давомида ичиш тавсия қилинади. Касалликнинг оғир клиник кўринишда кечадиган ҳолатларда ацикловир препарати вена ичига 5-7,5 мг/кг дан ҳар 8 соатда 4-7 кун давомида тавсия этилади. Оғриқ кучайганда эса парацетамол 500 мг дан 3-4 маҳал кунига тавсия этилади. Беморларга В гурух витаминалари (B1, B5, B6, B12, C) мушак орасига кунига 1 маҳал 10 кун давомида тавсия этилади. Айрим ҳолатларда гамма глобулин дори воситаси тавсия этилади. Маҳаллий даволашда пуфакчаларни ёриб, эрозив ўчоқларни анилин бўёқлари билан ишлов бериш, сўнг эса вирусга қарши қўлланиладиган малҳамларни суртиш тавсия

қилинади. Малҳамлардан 1-2% ли оксалин, теброфен, bonafton, ацикловир, баъзан эса таркибида антибиотик ҳамда стероид гармонлари бўлган малҳамлардан (гиоксизон, лоринден С) фойдаланилади. Физиотерапия муолажалари сифатида УФО, Соллюкс лампалари қўлланилади.

Юқумли моллюскалар

Юқумли моллюска касаллигини *molitor huminis* номли фильтрланувчи вирус чақиради. Ушбу касаллик билан хасталанган bemorлардан касаллик соғлом инсонларга юқади ёки истеъмолда бўлган заарланган буюм-анжомлар орқали ҳам касалликни юқтириш мумкин. Касаллик билан асосан болалар хасталанадилар. Айrim ҳолатларда болалар муассасаларида ҳаттоки, касаллик эпидемияси ҳам кузатилади.

Касаллик юққандан сўнг инкубацион давр кузатилиб, унинг давомийлиги тахминан 2 ҳафтадан бир неча ойларни ташкил қиласди. Касалликнинг асосий тошма элементлари бўлиб, катталиги 1-8 мм гача бўлган табиий тери ранги кўринишида ёки марварид-қўнғир рангига бўлган, ярим-шарсимон кўринишили, кратерсимон чуқурчали ва таркибида сузмасимон суюқлик бўлган тугунчали тошмалар хосил бўлади. Суюқлик таркиби микроскоп ёрдамида текширилганда моллюска танаchalари, яъни дегенератив эпителий танаchalари ва овал ҳужайралар топилади. Беморларни субъектив шикоятлар безовта қилмайди. Тугунчалар сони дастлаб кам миқдорда бўлиб, кейинчалик тез орада тарқоқ, кўп миқдордаги кўриниш олади.

Болаларда касаллик тошмалари асосан юз соҳаларида (кўз атрофларида), бўйин, кўкрак, қўл соҳаларида жойлашадиган бўлса, катталарда эса бундай тошмалар жинсий аъзолар, чов, қорин соҳаларида жойлашади. Касаллик катталарга асосан жинсий алоқалар орқали юқади.

Касаллика ташхис қўйиш қийинчилик туғдирмайди. Пинцет ёрдамида тугунчали тошмалар босилгандан тошма марказидан оқиш сузмасимон мадда ажралиши кузатилади (моллюск танаchalари).

Касалликни даволаш учун тугунчали тошмалар ён соҳалари ноанатомик пинцет ёрдамида қисилади ва тугунча ичидан оқиш сузмасимон мадда ажралиб чиқишига эришилади. Сўнг эса тошма таркибий қисми Фолкман қошиқчаси билан қириб олинади, сўнг 2-

3% ли йод эритмаси билан артилади. Касалликни даволашда маҳаллий 3% ли оксолин, интерферон малҳамлари суртилади, баъзан эса диатермокоагуляция ва криотерапия усуллари қўлланилади.

Сўгаллар

Сўгаллар ҳам терининг вирусли касаллиги бўлиб, уларни Ророва туркумига мансуб фильтрланувчи вируслар қўзғатади. Касаллик қўзғатувчисининг хусусиятларига қараб акантаматоз, папиламатоз ва вакуола ҳосил қилувчи штаммлари қайд этилади. Сўгалларнинг қўйидаги клиник турлари тафовут этилади: оддий сўгаллар, яssi сўгаллар (ўсмирлар сўгаллари), ўткир учли кондиломалар, товон сўгаллари.

Сўгаллар катталиги бир неча миллиметрдан 1-2 см гача келадиган эпидермал тугунчали ўсмалардир. Касаллик юқумли бўлиб, соғлом одамларга беморлардан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлганларида ёки бемор истеъмолида бўлган буюмлар орқали юқади. Тери бутунлигининг, Ph мухитининг, сув-липид алмашинувининг бузилиши каби ҳолатлар сўгаллар пайдо бўлишига олиб келадиган омиллар бўлиб ҳисобланади. Терининг барча юқумли касалликларида кузатилганидек, сўгалларда ҳам инкубацион (бир неча ҳафтадан 2-3 ойгача), продромал, тошмалар пайдо бўлиши, сусайиши ва тузалиш каби даврлар кузатилади. Оддий сўгаллар яллиғланмаган тугунчалар кўринишида бўлиб, катталиги тарик, нўхот, мош катталигидек келадиган, зич, яrim шарсимон ёки яssi шаклли, нормал тери рангидан ёки қора рангда бўлади, улар юзлари гиперкератоз ҳолати ҳисобига нотекс бўлади. Сўгаллар асосан қўл панжаси орқа тери юзларида, кафт, бармоқлар, юз тери соҳаларида ва баданнинг бошқа жойларида қўпроқ учрайди. Жараён оғриқсиз кечади, лекин тирноқ атрофларида кузатиладиган ҳолатларда эса ишқаланиш, контакт туфайли оғриқлар пайдо бўлиши мумкин.

Касалликни даволашда психотерапия, гипноз усуллари ёрдамида даволаш яхши натижа беради. Электрокоагуляция, диатермокоагуляция, криотерапия, суюқ азот, уч хлор сирка кислотаси эритмалари билан куйдириш тавсия этилади. 2% ли оксолин, 1-3% ли “флоренал”, госсипал билан фовлер эритмаси (40% фенол, 60% трикреозол) ва интерферон, колхицин моддалари бор малҳамлар ишлатилади.

Ўсмирлар яssi сўгаллари тери юзасидан кўтарилиб турадиган, оч пушти ёки сарғимтири тусли, майда эпидермал тугунчали ўсмалар бўлиб, улар юзалари одатда силлиқ бўлади. Жараён асосан юз соҳасида (лунж, пешона) бўйин, қўл панжасининг орқа юзаларида учрайди.

Оёқ кафти сўгаллари асосан оёқ кафт, товон соҳаларида пайдо бўлади. Юриш натижасида bemорларда баъзан оғриқ кузатилади, сўгал тошмалари ранги жигарранг, сарғимтири бўлиб, юмалоқ, баъзан овал шаклда, катталиги тангадек келадиган терининг қалинлашиши бўлиб у қадоқقا ўхшаб кетади, bemорларда акантоз, папиламатоз, гиперкератоз ҳолатлари кузатилади. Пойабзалнинг нотўғри кийилиши, товоннинг ишқаланиши ва гипергидроз каби ҳолатлар оёқ кафти сўгалларига сабаб бўлади.

Кексалар сўгаллари bemорларда 40 ёшлардан кейин пайдо бўлиб, тошмалар тана, бўйин ва юз соҳаларида кулранг, жигарранг ёки қора, усти ёғ билан қопланган доғлар кўринишида вужудга келади. Сўгал касаллигини даволашда суюқ азот эритмаси (криотерапия) колхамин малҳами, солкодерм, чистотел каби эритмаларидан фойдаланилади.

Ўткир учли кондиломалар

Ўткир учли кондиломалар тери ва шиллиқ қаватларнинг доимий ишқаланадиган қисмларида пайдо бўладиган сўгалсимон ўсмалардир. Касаллик қўзғатувчиси Ропова гуруҳига мансуб папиламатоз, акантаматоз фильтрланувчи вирус бўлиб, оддий учук ва белбоғли темиратки касалликлари вирусларига ўхшаб кетади. Шахсий гигиенага қоидаларига риоя қилмаслик, сурункали носспецифик яллиғланиш касалликлари (кондидоз, хламидиоз) билан хасталанишлар ўткир учли кондиломанинг ривожланишига сабаб бўлади. Жинсий алоқалар вақтида касалликнинг юқиши эҳтимоли юқори бўлади. Касаллик билан асосан 20-40 ёшдаги инсонлар ва ундан катталар касалланади, болаларда касаллик кам учрайди.

Касалликни инкубацион даврининг давомийлиги 7-8 ҳафтадан 9-10 ойгача давом этади. Касаллик белгилари – ўткир учли кондиломалар асосан жинсий аъзолар, анус атрофида, қўлтиқ ости соҳаларида, аёлларда жинсий уятли лаблар ва қин қирраси, қўкрак бези ости соҳаларида учрайди. Ўчоқларда аввал пушти рангли

тугунчалар пайдо бўлади, кейинчалик улар бир-бири билан қўшилишиб гулкарар ёки хўрор тожисини эслатувчи юмшоқ, тугунчали ўсмаларни ҳосил қиласди. Тугунчали ўсмалар ингичка асосга (оёққа) жамланган бўлиб, юзаси намланиб турувчи кепаклар билан қопланади ва ундан кўланса ҳид келиб туради. Ўсмалар ишқаланиши натижасида эрозияланади, ачишиб, қичишиб туради.

Ўткир учли кондиломага диагноз қўйиш қийин эмас. Захм касаллигида ҳосил бўладиган сербар кондиломалар билан такқосланади. Захмдаги сербар кондиломалар текширилганда таркибида кўп микдорда оқиш трепонемалар топилади ҳамда серологик жараёнларнинг барчаси мусбат бўлади. Ўткир учли кандиломалар ингички оёқчасининг бўлиши, юмшоқ хамирсимон консистенцияли тузилиши билан ажralиб туради.

Касалликни даволашда диатермокоагуляция, криотерапия усулларини қўллаш тавсия этилади, трихлор уксус кислотаси, подафилиннинг 20 %ли спирли эритмаси, 10% ли кумуш нитрат эритмаси, солкодерм ва чистотель эритмаларидан фойдаланилади.

ТЕРИНИНГ БИРИКТИРУВЧИ ТҮҚИМА КАСАЛЛИКЛАРИ

Қизил югурик

Қизил югурик (*Erythematosus*) бириктирувчи түқима касаллуклари ичида алоҳида ўрин тутади. Ҳозирда ушбу касаллик асосида аутоаллергик ҳолати ётади, деб таъкидланади. Беморлар организмининг ўз оқсиллариға нисбатан аутоиммунологик комплексларни ҳосил қилиши, LE-хужайраларнинг шаклланиши мазкур фикрнинг тўғри эканлигини исботлайди.

1949 йилда Хазерик томонидан «ядрога қарши омил» деб аталувчи оқсил моддасининг кашф этилиши фанда катта бурилиш ясади. Бу модда соғлом ҳужайраларнинг ядроисига салбий таъсир этиб, уни парчалар ва хужайрадан ташқарига улоқтириб ташлар экан. Парчалангандан ядро бўлаклари бошқа макрофаг ҳужайралар томонидан ҳазм қилиниб, икки ва кўп ядроли ҳужайраларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлар экан. Бундай ҳужайралар LE (*Lupus Erythematosus*) ҳужайралар номини олди. Текшириладиган bemorлар қонида қизил югурик ҳужайраларининг аниқланиши муҳим диагностик аҳамият касб этади.

Қизил югурик касаллигига чалинган bemorларда эстерогенлар микдори ошиб кетиши маълум бўлди. Организмнинг аллерген ҳолати ва фотосенсибилизация даражаси эстрогенлар микдорига боғлиқ экан. Касалликнинг қиз болалар ва ёш аёлларда кўп учраши сабаби ҳам мана шунда, деб таъкидланади. Аёллар эркаклардан 8 марта кўпроқ касалланар экан. Қизил югурик касаллигининг ривожланишида оғанизмда яллиғланиш ўчоқларининг (тонзиллит, гайморит) мавжудлиги, антибиотиклар ва сульфаниламидларнинг тартибсиз равишда кўп микдорда қабул қилиниши, турли нурланишларнинг таъсир этиши ҳолатлари муҳим аҳамият касб этади. Касаллик шаклланишида ирсий мойиллик аутосом-доминант тури бўйича намоён бўлар экан.

Қизил югурикнинг ягона классификацияси йўқ, лекин касалликнинг сурункали, тарқоқ ва системали турлари тафовут этилади.

Сурункали қизил югурикнинг 4 та асосий турлари, жумладан, дискоид, диссиминалланган, Биеттанинг марказдан қочувчан эритемаси ва Капоши-Ирганганинг чуқур шакли тафовут этилади. Қизил югурикнинг чегараланган (дискоид, сурункали) ва тарқалган (диссеминация) турларида асосан тери соҳалари заарланади.

Касалликнинг дискоид клиник шаклида касаллик ўчоклари тананинг хоҳлаган тери соҳаларида жойлашиши мумкин, лекин кўпинча юз терисида, бошнинг сочли қисмида, кўкрак соҳасида бир ёки бир неча яллиғланган доғлар (эрitema) кўринишида пайдо бўлади. Мазкур доғ икки ёноқ соҳасида яққол кўриниб, буруннинг устида бир-бири билан туташади (капалак симптоми). Теридаги заарланган ўчокларда учта муҳим белги кузатилади: эритема, гиперкератоз, атрофия. Сўнгра яллиғланган доғлар маддаланади, теридан бўртиб чиқади ва тери мугуз қавати қалинлаша бошлайди (гиперкератоз). Ҳосил бўлган плакчаларнинг усти қалин, қийин кўчиб тушадиган қипик ва қатқалоқлар билан қопланади. Қипикларни кўчиришга уриниш кучли оғриққа сабаб бўлади (Бенье-Мешерский белгиси). Кўчирилган қипиклар остида ўткир учли тиканаксимон ўスマларни («аёллар пошнаси» белгиси) кўриш мумкин. Маълум вақт ўтгач қалин қипиклар билан қопланган плакчалар сўрила бошлайди. Бунда ўчокларнинг ўртасидаги тери юпқалаша бошлайди ва натижада чандиқли атрофия шаклланади. Шунинг учун Ю.К. Скрипкин қизил югурикнинг сурункали турларини чандиқли эритематоз, деб аташни таклиф этган. Заарланган ўчоклар терининг бир неча соҳаларида кузатилиши тарқалган қизил югурик диагнозини қўйишга асос бўлади.

Биеттанинг марказдан қочувчан эритемаси сурункали қизил югурикнинг кам учрайдиган тури бўлиб, касаллик белгиси думалоқ овал шаклда, аниқ чегарали, шишган эритематоз доғлар кўришида намоён бўлади, улар марказдан атрофга гиперкератоз ва атрофия кўринишларисиз тарқаладиган чегараланган ўчоклар сифатида намоён бўлади. Бундай ўчоклар юз соҳасида, пешонада, ёнокларда ассимитрик ҳолда жойлашади, bemорлар тарафидан салбий шикоятлар бўлмайди.

Диссиминалланган клиник шакли кўп миқдорда эритематосквамоз ўчоклар кўринишида намоён бўлиб, уларда айрим вақтларда фолликуляр гиперкератоз ва атрофияли чандиқлар кузатилади, айрим ҳолатларда эса кузатilmайди. Касаллик ўчоклари юз,

бошнинг сочли қисми, кўкрак ва орқа тери соҳаларида жойлашади. Айрим ҳолларда ўчоқлар аниқ кўринишларда, инфильтралланган, кўкиш-қизил рангларда қўл ва оёқ кафти соҳаларида жойлашади ва бундай ҳолатларди акроционоз белгилари қайд этилади. Касалликни дискоид ва марказдан қочувчи эритема каби клиник шакларидан фарқли ўлароқ диссиминалланган клиник шаклида умумий салбий белгилар (бўғинларда оғриқлар, субфебрил ҳароратнинг кўтарилиши, анемия, лейкопения) кузатилади.

Касалликнинг чукур клиник шаклида тери ости соҳаларида чукур, тўқ қизил рангли, қаттиқ консистенцияли, тери ости тўқима соҳаси билан бириккан тугун пайдо бўлиши билан таърифланади. Касаллик айрим ҳолларда оғир кечади. Касалликнинг ушбу клиник шакли ҳар хил УФ нурлари, радиацион нурлар, инфекциялар таъсирида ва лат ейишлар натижасида қизил югурикнинг оғир шакларидан бири бўлган системали шаклига ўтиб кетиши мумкин.

Системали ёки ўткир қизил югурикда касаллик белгилари бир вақтнинг ўзида ҳам тери, ҳам ички аъзоларда кузатилади. Баъзи bemорларнинг терисида умуман ўзгаришлар топилмасдан касалликнинг умумий белгилари ва ички аъзоларнинг заарланиши биринчи ўринга чиқиши мумкин. Умумий белгилардан асосан қуйидагилар кузатилади: ҳолсизлик, иштаҳанинг пасайиши, уйқусизлик, шунингдек, мушак, суяқ ва бўғимларда оғриқ, иситма кўтарилиши ва бошқалар. Касалликнинг кечишида ички аъзолардан буйрак аъзоси кўпинча заарланади, касаллик белгилари сийикда оқсил, цилиндр ва эритроцитларнинг пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Баъзан қизил югурик нефрити уремияга олиб келиб, ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, кўпинча юрак (эндокардит, миокардит, перикардит), ўпка (бронхопневмония, плеврит) ва лимфа тугунлари ҳам заарланиши, қонда анемия, лейкопения ҳолатлари кузатилади. Ўткир қизил югурик диагнозини тасдиқлашда LE-хужайраларининг топилиши муҳим диагностик аҳамиятга эга бўлади. Касалликнинг оқибати ёмон, касалликдан бутунлай тузалиб кетиш ҳолати жуда кам бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, болаларда қизил югурик касаллиги катталарга нисбатан кам учрайди, 10 ёшгача бўлган болаларда асосан касалликнинг сурункали клиник шакли учраб, касаллик билан асосан ўғил болалар хасталанадилар, касалликнинг диссиминалланган ёки системали турлари билан эса кўпинча қиз

болалар хасталанадилар. Болаларда сурункали қизил югурикни марказдан қочувчи эритема клиник шаклининг учраши кўпроқ қайд этилади.

Касаллик ташхиси асосан касалликнинг клиник белгилари (эритема, фолликуляр гиперкератоз ва чандиқли атрофия) ва лаборатор текширувлари (анемия, лейкопения, лимфопения, гипергаммаглобулинимия, юқори СОЭ кўрсаткичи ва LE- ҳужайраларининг топилиши) асосида қўйилади.

Қизил югурикни даволашда безгакка қарши дори воситалари, глюкокортикоидлар, цитостатиклар, витаминлар ишлатилади. Касалликнинг сурункали клиник шаклларида делагил, резохин, плаквенил каби безгакка қарши дори воситалари кўпроқ самара беради. Улар 7-10 кун мобайнида 1 таблеткадан 2-3 маҳал берилади, бундай даво курслари 2-3 маротаба такрорланади. Витаминлардан никотин кислотаси, пиридоксин гидрохлоридни касалликни даволашда нафли бўлиши қайд этилади. Қизил югурикнинг ўткир турларини даволашда кортикостероидларсиз (айниқса, преднизолон, кунига 60-80 мг гача) тасаввур этиб бўлмайди. Болаларга преднизолон 5-10 мг, урбазон 4-8 мг, дексаметазон 0,5-2 мг дан клиник самара олингунча берилиб, кейин уларнинг микдори камайтириб борилади. Болаларда қизил югурик касаллигининг клиник шаклларини қандай бўлмасин глюкокортикоид дори воситалари билан доволаш жараёни албатта калий препаратларининг белгиланиши ҳамда овқат маҳсулотларининг тавсия этилишида оқсил моддалар микдорининг қўпайтирилиши ва аксинча, углеводлар сонининг чекланиши тарзида олиб борилиши лозим. Гормонлар билан даволаш натижалари кам наф бергудек бўлса, у ҳолда улар цитостатик дори воситалари (метотрексат, азатиоприн) билан бир вақтнинг ўзида тавсия этилади.

Махаллий даво асосан иккинчи даражали жиҳатга эга бўлиб, яллиғланишга қарши бўлган малҳам ва кремларни тавсия этилиши тарзида олиб борилади. Касалликнинг дискоид клиник шаклларида ўчоқлар асосига дори воситалари инъекция тарзида юборилади. Бундай дори воситалари сифатида 5% ли гидрокортизон ва 10% ли хингамин, резохин ва акрихинлар қўлланилади.

Касалликни олдини олиш мақсадида ва профилактик чораларни ўtkазилиши борасида bemor болалар диспансер рўхатига олиниши лозим ҳамда уларга асосан касалликни келтириб чиқарувчи омиллар

бўлган УФ нурлари таъсиридан ҳимояланиш мақсадида кремлар тавсия этилади.

Чегараланган склеродермия

Склеродермия касаллиги биринчи түқима касалликлари қаторига кирадиган касаллик бўлиб, Sclerodermia сўзи «қаттиқ тери» деган маънони англатади. Тери касалликлари амалиётида асосан склеродермия касаллигининг чегараланган клиник шакли, яъни чегараланган склеродермия (ЧС) касаллиги алоҳида аҳамият касб этади. Касалликни патогенезида иммун тизими, модда алмашинуви, қон томирлар фаолиятининг бузилиши каби ҳолатлар муҳим роль ўйнайди.

Бриктирувчи тўқимада модда алмашинувининг бузилиши ҳолати, фибробластлар томонидан коллаген моддасининг кўп миқдорда ажратилиши ва уларнинг тери ва тери ости соҳаларда тўпланиши кўринишида намоён бўлади. Фибробластлар фаоллигига цитокинлар, ҳар хил ўсиш жараёнини жадалловчи омиллар, интерлейкинлар таъсир қўрсатади. Ушбу медиаторлар таъсири натижасида фибробластларнинг коллоген моддасини юқори даражада синтез қилувчи, маҳсус фибриноген тури шаклланади. Бундан ташқари склеродермия касаллигига интерстициал коллагеназа ферменти фаолиятининг пасайиши туфайли коллаген моддасининг деградацияниши ҳолати ҳам кузатилади.

Склеродермия касаллиги патогенезида микроциркуляция ҳолатининг бузилиши алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ҳолат бир тарафдан қон томирлар деворларини қон билан таъминланиши тўқима ва аъзоларда моддалар алмашинувининг бузилиши натижасидан юзага келса, иккинчи тарафдан эса қон таркиби сифатининг ўзгариши натижасида вужудга келади. Касалликда асосан майда артерия қон томирлари, артериолалар ва капиллярлар зарарланади. Қон томирлар эндотелий ҳужайралари томонидан пролиферация ва деструкциялар каби ўзгаришлар кузатилади, натижада периваскуляр фиброзлар юзага келади, қон томирлар девори тораяди, уларнинг йўллари беркилиб облитерация ҳолатлари вужудга келади.

Склеродермия касаллиги асосида аутоиммун ҳолатларига алоҳида ургу берилади, бунга сабаб организм ўз ҳужайралари ёки

оралиқ моддаларининг натив антигенларига нисбатан йўналтирилган иммунологик яллигланиш ҳолатлари ётади.

Слеродермия касаллигига ҳам ҳужайра ҳам қон иммун тизимлари томонидан ўзгаришлар кузатилади. Касаллик патогенезида Т-ҳужайра иммун тизимидағи ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилади, жумладан, уни Т-хелпер субпопуляция хили фаоллигининг ошиши, Т-супрессор субпопуляцияси фаоллигини ҳамда табиий киллер ҳужайралари фаоллигининг пасайиши ҳолатлари кузатилади. Гуморал иммун тизими томонидан эса В-лимфоцит ҳужайраларини меъёрий кўринишда ёки уларнинг юқори даражадаги миқдорларда бўлиши асосида қон зардобининг IgA, IgM, IgG каби иммуноглобулинлари миқдорининг ошиши ҳолати кузатилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, склеродермия касаллиги билан хасталанган 18-90 % bemорларда циркуляцияланадиган аутоантителолар кузатилади. Бу вақтда bemорлар организмида антинуклеар ва антигистонли антителолар аниқланади.

Беморлар организмида кечадиган турли неврологик, эндокрин, моддалар алмашинуви ва ирсий патологик ҳолатлар, ташки муҳитнинг салбий таъсири натижасида нафақат тери бриктирувчи тўқималари, қон томирлари томонидан, балки ички аъзолар томонидан ҳам патологик ўзгаришлар кузатилади.

Касалликнинг келиб чиқишида эндокрин тизимининг тутган ўрни муҳим ҳисобланади, bemор болаларда ТТГ миқдорининг ортиши ва унинг қон зардобидаги умумий ва боғланган T4 ва T3 фракциялари миқдорининг пасайиши кузатилади. T4 ва T3 фракциялари қон зардобидаги миқдорининг пасайиши ҳолати қалқонсимон безнинг гормонал активлигининг пасайганлигидан далолат беради. Касалликни келиб чиқишида стресс, миянинг лат ейиши, асаб тизими касалликлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Склеродермия касаллиги билан хасталанган bemорларда ёғлар алмашинувининг бузилиши ҳолати, яъни умумий липидлар миқдорининг камайиши ҳолати кузатилади.

Системали склеродермия касаллигидан фарқли ўлароқ, чегараланган склеродермия (ЧС) ўчоқли склеротик-яллигланишлар кўринишида фақат тери ёки унинг ости қаватларида кечиб, касалликда ички аъзолар патологик жараёнга жалб этилмайди. Шунинг учун ҳам чегараланган склеродермия касаллиги МКБ 10; L94 бўйича тери ва тери ости ёғ қавати тўқима касаллигига

киритилган. Тери касалликлари структурасида ЧС касаллигининг учраш частотаси 0, 3-1 % ни ташкил этади. Касалликни учраш ҳолати болаларда 3 %ни ташкил этади, касалликнинг системали шакли билан эса 20 %гача болалар касалланиши қайд этилади. Турли муаллифлар фикрига кўра болаларда ҳар 100 000 болалар ўртасида ЧС касаллиги билан хасталангандик ҳолати 0,4 ни ташкил этади.

Чегараланган склеродермия касаллиги турли ёшлардаги болаларда ҳаттоки, янги туғилган чақолоқларда ҳам учраши мумкин. Касалликнинг биринчи белгилари ҳеч қандай салбий шикоятсиз, умумий аҳволнинг ўзгаришилиз бошланади. Асосан касалликни учраш ҳолати болаларда 7-13 ёшларга тўғри келади. ЧС касаллиги билан хасталаниш 73,2% ҳолатларда мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда кузатилади.

Болаларда касалликнинг вужудга келишида респиратор инфекциялар, ҳар хил травмалар, руҳий-эмоционал зўриқишлиар, эмлашлар, гиперинсолация омилкор ҳолатлар ҳисобланади. Болаларда 80,6% ҳолатларда руҳий-эмоционал ҳолатлар кузатилади. Болаларда асосан касалликнинг чизиқли клиник шакли кўпроқ учрайди ва тезда тарқалишга, янги ўчоқлар кўринишида намоён бўлишга мойил бўлади. Касаллик турли хил йўлдош касалликлар билан кечади. Булар ичida ангина, вирусли риспиратор касалликлар, ошқозон-ичак тизими касалликларни, ўт йўллари дискнезияси, сурункали гастродуоденит, эутиреоз, атопик дерматит, витилиго касалликлари алоҳида аҳамият касб этади. Касалликнинг учраш ҳолати 3 ёшгача бўлган болаларда кам учрайди. Агарда шундай ҳолат кузатилса, у ҳолда касалликнинг кечиши прогноз нуқтаи назаридан яхши, деб баҳоланмайди.

Чегараланган склеродермия касаллигининг тўлақонли қабул қилинган таснифи йўқ. Ҳозирда С.И. Довжанский (1979) томонидан таклиф этилган классификация кўпроқ қўлланилади. Унга асосан ЧС плакчали (индуратив-атрофик, юзаки «сиренли» Gougerot, чукур тугунли, буллёз ва тарқоқ), чизиқли (“қилич билан чопилган” кўринишида, тасмасимон, йўлсимон, белбоқсимон), оқ доғлар касаллиги ва Пазине-Пъеринини идиопатик атрофодермия кўринишда кечадиган клиник шакллари тафовут этилади.

Плакчали клиник шакли. Чегараланган склеродермия касаллигининг плакчали клиник шакли думалоқ, овал шаклидаги

бир нечта ёки кўплаб доғли тошмаларнинг пайдо бўлиши билан бошланади. Вақт ўтиши билан касалликнинг бошида, шиш босқичида бу тошмалар пушти қизил рангда ёки сирен гули рангини эслатадиган кўринишда бўлади. Кейинчалик ушбу ўчоқлар диаметри ортиб боради, маркази эса қаттиқлашади, ўчоқлар ранги кам кўринарли бўлади, улар атрофи сирен рангидаги ҳалқалар билан ўралган бўлади. Ўчоқлар жойлашган ҳудудлар фил суюги кўринишини олади, улар силлиқ, бўлиб, қўл билан ушлаб кўрилганда йиғилмайди, ўчоқларда тер ва ёғ ажралиши кучли намоён бўлади, кўкимтири ҳалқалар йўқолади ва телеангииоэктазия ва пигментациялар кузатилади. Охир-оқибатда ўчоқнинг қаттиқлашган қисми юмшаб сўрила бошлайди, тери сатҳи папирос қофози кўринишида юпқалашади, улар яхши йиғилади, айрим ҳолатларда атрофия ҳолати кузатилади.

Юзнинг Ромберг гемиатрофияси 13-17 ёшларда бўлган болаларда кўпроқ учрайди. Аввалига сариқ, кўкиш кўринишда бўлган ўчоқлар хосил бўлади, аста-секин ўчоқлар қаттиқлаша бошлайди ва уларда атрофия ҳолати кузатилади, кейинчалик эса атрофик ўзгаришлар катталаша боради ва тери ости ёғ қаватини, мускулларни, оғир ҳолатларда эса юз суюкларини, оғиз бўшлиғи аъзоларини ҳам қамрайди. Жараён пешона, кам ҳолатларда эса бўйин, елка, тана ва ҳаттоки, юзнинг қарама-қарши тарафигача ўтиши мумкин. Юз соҳасининг аниқ кўринишдаги жароҳатланиши ўчоқлар соҳасини тезда юпқалашади, буришиши ва гиперпигментланиши тарзида бўлади. Айрим ҳудудлар пергамент қофози кўринишида бўлиб, уларда қон томирлар яққол кўриниб туради.

Чизиқли клиник шакли. Болаларда кўп ҳолатларда асосан касалликнинг чизиқли клиник шакли учрайди, касаллик ўчоқлари чизиқча шаклида вертикал кўринишда намоён бўлади. Чизиқли склеродермия касаллигига ўчоқлар асимметрик ҳолда қўл ва оёқларда, қовурғалар оралиғи нерв толалари бўйлаб чизиқ ёки йўл кўринишида жойлашади. Касалликнинг ушбу клиник шакли агарда юз соҳасида жойлашиши қайд этилса, у ҳолда жараён асосан бошнинг сочли қисмидан пешонани кесиб ўтиб, бурун эгари, ҳаттоки юқори лаб соҳасигача чуқур кўринишда, худди қилич билан чопилган кўринишда намоён бўлади. Атрофия ҳолати фақат тери соҳаси билан эмас, балки мушак ва сувук соҳаларигача тарқалади ва

юзнинг деформация ҳолатига олиб келади. Бемор болалар катта бўлган сари касалланган ҳудудлар ривожланишдан орқада қола бошлайди ва улар натижада ногиронликка мубтало бўладилар. Касалликнинг ушбу клиник шаклининг кечиши узоқ вақт давом этиб, у ўз фаоллигини тахминан 5 йиллар давомида саклаб қолади.

Склероатрофик лихен. Чегаралangan склеродермия касаллигининг яна бир клиник шакли склероатрофик лихен ҳисобланади. Касалликнинг бу шаклида тери соҳаларида катталиги диаметри 5 мм бўлган, оқ қор рангидаги, атрофи пушти сирен рангли, кейинчалик эса кулранг тусини оладиган ҳошия билан ўралган доғли тошмалар кузатилади. Доғли тошмалар маркази кейинчалик ботиқланади, айrim вақтларда комедонлар кузатилади, кейинчалик эса атрофия жараёни ривожланади. Касалликнинг ушбу тури асосан қиз болаларда ва ёш аёлларда кўпроқ учрайди ва ўчоқларнинг жойлашиши асосан бўйин, юқори кўкрак қафаси соҳаларида ва жинсий аъзоларда кузатилади.

Пазини-Пьеринини атрофодермияси. Касалликнинг яна бир клиник шакли Пазини-Пьеринини атрофодермияси унча кўп бўлмаган, жигарранг ва гулсафсар рангли катта ҳажмларда бўлган, ноаниқ чегарали доғли тошмаларнинг тошиши билан намоён бўлади. Касалликнинг бу шакли учун хос бўлган белги бу ўчоқларда қаттиқлашиш ҳолатининг узоқ вақт давомида бўлмаслигидир. Пазини-Пьеринини атрофодермияси плакчали склеродермиянинг атрофия тури бўлиб ҳисобланади. Алоҳида-алоҳида жойлашган ўчоқлар думалоқ овал шаклларида бўлиб, бир-бирлари билан қўшилганида чегаралари нотўғри шаклли кўринишларда бўлади. Бундай ўчоқлар маркази бироз чўккан шаклда, жигарранг ёки тўқ қизил рангларда бўлиб, уларда қон томирлар яққол кўриниб туради. Улар учун хос бўлган аломатлардан бири гиперпигментация ҳолатининг кузатилишидир. Ўчоқлар атрофидаги тери соҳалари ўзгармаган бўлади. Касалликнинг кечиши узоқ давом этиб, кўпайиб боради. Айrim ҳолатларда эса касаллик тўсатдан тўхтайди, кейинчалик ўчоқлардаги шиш ҳолати йўқолади, айrim ҳолатларда эса эпидермисни атрофияланиши кузатилади.

Давоси. Склеродермия касаллигининг давоси асосан касалликнинг ривожланишини тўхтатиш ёки секинлаштиришга, жараённи стабиллаштиришга, кейин эса клиник кўринишининг орқага қайтишига қаратилган бўлиши лозим. Шунинг учун даво чоралари

ўз вақтида тұлақонлиқда, патогенетик асосланған ҳолда күпкомпонентли йүналишда олиб бориши лозим. Даводан сүнг ижобий натижаларга әришиш учун давони касалликни клиник босқичларини инобатта олган ҳолда босқичма-босқич даво курслари тарзда үтказилиши мақсадта мувофиқ деб топилади. Касалликни фаол босқичида, тарқоқ күринишда ва яллиғланиш күринишларида кечадиган ҳолатларыда антибиотиклар пенициллин, тетрациклин, оксациллин, ампициллин, амоксициллин, пенициллинамин, макролидлар құлланилади. Жараённи тез тарқалишга ва ривожланишга мойил бўлган ҳолатларда эса корtekостероид дори воситалари тавсия этилади.

Касалликнинг шиши билан кечадиган босқичида гиалуронидаза, лиаза, ронидаза, лонгидаза каби фермент дори воситалари мушак орасига юборилади ёки маҳаллий электрофорез ёрдамида аппликация қилинади. Чегараланған склеродермияни қаттиқлашган босқичларыда эса асосан физиотерапевтик муолажалар-ультратовуш, массаж, ванналар, фонография, гидрокортизон, парафинли аппликациялар, балчиқ билан даволаш, даво гимнастикаси ва ҳ.к.лар үтказилади. Микроциркуляция жараёнларининг бузилиш ҳолатларини инобатта олган тарзда, касалликнинг барча клиник шаклларыда қон томирларини кенгайтирувчи дори воситалари (ксантинол никотинат, теоникол, компламин, никошпан, но-шпа, андекалин, пентоксифиллин, мильдронат, нифедипин) қўлланилади.

Касалликнинг комплекс давосида албатта В, А, Е, С витаминлари ва никотин кислотаси қўлланилади. Касалликни даво самарасини олишда трофик жараёнларни яхшилаш хусусияти бўлганлиги учун биостимуляторлар (алоэ, шишасимон тана, йўлдош экстракти, спленин) кенг қўлланилади. Иммунологик жараёнларни коррекция қилиш мақсадида турли иммуномодуляторлар (тималин, тактивин, тимоптин, иммуномодуллин) ва пироген дори воситалари тавсия этилади. Касалликни даволашда кальций моддасининг антогонистлари бўлмиш нифедипин, коринфар, стугерон, фенигидин, кальциград ретард кабиларни қўллаш натижасида кальций ионларининг миофибрillаларга кириши тўхтатилади, шу билан бирга эса миофибрillар АТФ зани камайтиради. Тўқима метаболизмини яхшилайдиган дори воситаларидан актовегин, медакассол, витаминлар ҳам кенг қўлланилади.

Сўнгги йилларда склеродермия касаллигининг давосида фотохимиотерапии (ФХТ) усули фотосенсибилизаторларни қўллаш орқали олиб борилмоқда, бунда УБН нурларини диапозони 320-400 нм ни ташкил этади. Касалликни даволашда бальнео- ва физиотерапия усулларининг аҳамияти катта. Жумладан, ультратовуш, Бернара диадинамик токлари, диатермия (маҳаллий), лидаза, калий йодид, ихтиол, трипсин, химотрипсинларни электрофорез ва фенофорез шаклида, парафин, озекерит аппликацияларини қўллаш, магнитли даво ва балчиқ билан даволаш, сероводород, йодобромли ва радонли ванналарни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Чегараланган склеродермия касаллигини даволашда маҳаллий даво усуллари ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Касалликни қаттиқлашган босқичида кечаётган ўчоқларига 5-10% ли вазоактив модда бўлган теоникол малҳамларини, 30-50% ли демиксидни, солкосерил, троксевазин, гепарин ёки гепароид, рептин каби малҳамларни қўллаш даво самарисини беради. Бундан ташқари таркибида протеолитик ферментлар (химопсин, трипсин) тутадиган малҳам ва кремлар, 20-30% ли диметилсульфоксид (ДМСО), 90% ли димексид, 0,05% ли дексаметазон эритмалар кенг қўлланилади.

Чегараланган склеродермия билан хасталанган bemor болалар диспансеризация шароитида мутахассислар қарамоғида уч босқичли даво чораларини, яъни стационар санатория курорт поликлиникаларда олишлари зарур. Bemor болалар диспансер назоратида шифокор педиатр, дерматолог ва невропатолог қаромоғида мунтазам равишда бўлишлари лозим.

Дерматомиозит

Терининг бириктирувчи тўқима касалликлари намояндаларидан яна бири дерматомиозит касаллиги ҳисобланади. Дерматомиозит касаллиги ўткир, яrim ўткир ва кўпинча сурункали кечадиган касаллик бўлиб, таянч тизими, силлиқ мушаклар ва тери соҳасининг яллиғланиши кўринишида кечади. Тахминан 25% ҳолатларда патологик жараён фақат мушак тизимларида чегараланади. Касаллик асосан 15 ёшгача бўлган болаларда кўпроқ учрайди. Қиз болалар ўғил болаларга нисбатан 2 баробар кўпроқ касалланадилар.

Касалликнинг келиб чиқишида ўткир инфекция ва вирусли касалликлар муҳим ўрин тутади. Касалликнинг сабаби сифатида

стресс ҳолатлар, гиперинсоляция, совук қотиши, кимёвий ва оқсил дори воситаларини нотўғри белгиланиши ҳолатлари муҳим аҳамият эга. Касалликнинг асосида касалликка нисбатан бўлган ирсий мойиллик ҳолати ҳам ётади, деган фикрлар мавжуд. Касалликнинг вужудга келишида хавфли ўсмаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқлик аниқланган.

Касаллик асосида иммунопатологик ҳолат ётади, бундай ҳолат беморларда мушак тўқимаси антигенларига нисбатан лимфоцитлар сенсибилизацияси ётишида намоён бўлади. Бундан ташқари мушакларда қон томирларининг яллиғланиши жараёнида иммункомплекслар ўрни аниқланган. Дерматомиозит касаллиги билан хасталанган bemорларда ушбу иммун комплекслар иммуноглобулин M ва G3d дан иборат кўринишда бўлиши қайд этилган.

Мушаклардаги яллиғланиш ўзгаришлари ўчоқли хусусиятга эга бўлиб, эозинофил, плазматик хужайралар, гистиоцитлар ва лимфоцитлардан иборат яллиғланган инфильтратлардан ташкил топади. Бундай кўринишдаги инфильтратлар мушаклараро бириктирувчи тўқимада, кичик қон томирлар атрофика, жумладан, мушакларда периваскуляр кўринишларда жойлашади. Натижада мушак толаларида вакуоли дистрофия ҳолати аниқланади, турли диаметрли кўп ядроли мушак толалари ва эндомизия ва перимизия фиброзининг кенгайиши кузатилади, охир-оқибатда мушак толалари атрофияланади.

Дерматомиозит касаллигининг кечиши продормал, манифест ва дистрофик кўринишлардаги давлардан иборат. Касаллик ўткир, яrim ўткир ва сурункали кўринишда кечади. Продормал даврида bemорларда умумий ҳолсизлик, суюқ, бўғимларда оғриқларнинг бўлиши, субфебрил ёки юқори даражадаги ҳарорат кўтарилиши кузатилади, кучли терлаш, бош айланиши, кўнгил айнаши каби белгилар намоён бўлади. Шундан кейин касаллик белгилари тери соҳаларида намоён бўлади. Бу белгилар шишган-эритеатоз кўринишидаги ўчоқлар шаклида бўлади. Ўчоқларнинг чегаралари нотўғри шаклда бўлиб, кейинчалик уларнинг асосида геморрагиялар, пуфакчали, пуфакли ва қаварчиқли тошмалар кузатилади. Касаллик белгилари асосан кўз атрофика “дерматомиозит кўзойнаклари”, бурун эгари ва ёноқ соҳаларида “капалаклар” кўринишларида жойлашади. Ўчоқлардаги қизариш ва шиш ҳолати йўқолиб бориши жараёнида уларнинг ўрнида гиперпигментация,

атрофия ва телеангиоэктомиялар пайдо бўлади. Бемор болалар кафттовон фаланглари устида ва фаланглар ораси проксимал қисмларида баъзан атрофик чандиқлар бўлади, тирноқ юзаси гиперемияланади, бармоқ ёстиқчалари териси атрофияланади, ялтироқ, шишган кўринишда, қизил, доимий қипиқланишлар (капилляритлар ҳисобига) кузатилади.

Касалликда асосан мушак аъзолари заарланганлиги учун мушакларда заифлик вужудга келиб унинг даражаси ортиб боради, бундай ҳолат бел соҳаси ва оёқ-қўлларда кўпроқ кузатилади, натижада bemорлар харакати чекланади, улар юра олмай қоладилар. Мушаклардаги ўзгаришлар чайнаш мушакларида, томоқ, ҳалқум ва бўйин мушакларида ҳам кузатилади, натижада bemорлар овқат маҳсулотларини чайнай олмайдилар, овқат луқмаларини ютиш қийинлашади, афония белгилари намоён бўлади, bemорлар каллаларини кўтара олмай қоладилар.

Тери соҳаларидаги клиник кўринишлар ички аъзоларнинг касалланиши кўринишида кечади, дерматомиозит касаллиги билан хасталangan bemор болаларда артрит, полисерозит каби ўзгаришлар ва ички аъзолар томонидан висцирал касалликлар кузатилади. Кўпинча миокардиодистрофия, плевропневмония, интерстициал нефрит, асад тизими тарафидан турли кўринишлардаги бузилишлар кузатилади, ҳароратнинг кўтарилиши, юрак фаолиятининг сустлашиши, қон айланишининг бузилиши каби ҳолатлар натижасида bemорлар ногирон бўлиб қоладилар, ҳатто ўлим ҳолати ҳам кузатилади.

Касалликка ташхис қўйилиши клиник белгилар ҳамда лаборатор текширувларга асосланади. Лаборатор текширувлар натижасида bemорларда қон зардоби ферментлари (алдолаза, кератинфосфатаза, лактодегирогеназа, ишқорий фосфатаза, трансаминаза) фаоллигининг ошиши, С-реактив оксили миқдорининг, кератин-кератинли коэффициент нисбатининг ўзгариши ҳамда кератиноурия каби кўрсаткичлар кузатилади. Мушакларнинг некрози натижасида қонда таурин кислотаси миқдорининг ошиши кузатилади. Дерматомиозит касаллиги билан хасталangan bemорларда лейкоцитоз, юқори СОЭ ва гипергаммаглобулинимия ҳолатлари қайд этилади.

Дерматомиозит касаллиги билан хасталangan bemор болаларни даволаш мақсадида касалликнинг кечиш даражасини, оғирлигини

инобатга олган ҳолда индивидуал олиб борилади. Касалликни даволашда глюокортикоид дори воситалари (преднизалон, гидрокортизон, триамциналон, урбазон) bemor болалар ҳар 1 кг тана оғирлигига нисбатан 10-5-2,5 мг микдорларида белгиланади ва терапевтик самарага эришилгандан кейин эса уларнинг миқдори аста-секин камайтирилади, бундай ҳолат текширувлар асосида олиб борилади. Даволаш жараёнида калий, кальций препаратлари, А,В,С,Е,Р витаминалари тавсия этилади. Беморларга мушак-пай соҳаларида бўлиши мумкин бўлган тортишишларни, контрактураларни олдини олиш мақсадида физиотерапия муолажалари ва даволаш физкультураси тавсия этилади.

ТЕРИНИНГ ПУФАКЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Чин ёки акантолитик пўрсилдоқ пуфакли яра

Чин ёки акантолитик пўрсилдоқ пуфакли яра касаллигининг келиб чиқиши борасида хилма-хил назариялар мавжуд бўлиб, улардан вирусли, инфекцион, невроген, эндокрин, модда алмашинувининг бузилиши каби назариялар муҳим ўрин тутади. Лекин замонавий текширув усуллари ёрдамида ўтказилган текширувлар (иммунофлюресцент) натижасида касалликнинг келиб чиқишида аутоиммун ҳолатининг ётиши исботланди ва аутоиммун назариясига асос солинди. Хусусан пўрсилдоқ пуфакли яра касаллиги билан хасталанган беморлар қон зардобида, касалликнинг фаол бўлган даврида, тери эпидермиси тиканаксимон қават ҳужайралари оралиғидаги кўприкчаларга (десмосомаларга) қарши бўлган антитаначалар микдорининг юқори бўлиши ҳамда бу антитаначаларнинг IgG синfigа мансуб эканлиги аниқланди. Антитаначалар микдори касаллик ҳолатига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, касаллик авж олган босқичда уларнинг микдори юқори ва аксинча сусайган, яъни ремиссия даврларида эса паст микдорда бўлади ёки улар умуман аниқланмайди. Касалликнинг кечишида барча патологик ўзгаришлар тери эпидермиси тиканаксимон қаватида «акантолизис» кўринишида бўлган гистологик ўзгаришнинг юзага келишига олиб келади. Акантолизис – бу эпидермис тиканаксимон қавати ҳужайралари оралиғидаги кўприкчаларни (десмосомаларни) цементловчи моддасининг емирилиши оқибатида, ўзаро боғлиқликнинг узилиши маъносини англатади. Акантолизис жараёни оқибатида пуфакли тошмалар ҳосил бўлиб, улар таркибидаги суюқликда алоҳида алоҳида циркуляцияланувчи, шакли ўзгарган акантолитик ҳужайралар кузатилади. Акантолитик ҳужайраларни илк бор 1948 йилда Тцанк исмли олим кашф этган. Ушбу ҳужайралар пуфакли тошмаларнинг ёрилиши натижасида ҳосил бўлган эрозиялардан олинган «мухрли» суртмаларни Романовский-Гимза усули ёрдамида бўяш орқали аниқланган. Акантолитик Тцанк ҳужайраларининг аниқланиши касалликнинг ташхис қўйиш меъзонларидан бири

бўлиб хизмат қиласи. Акантолизис жараёни пўрсилдоқ пуфакли яра касаллигига кузатилувчи Никольский белгисининг асосини белгилайди. Ушбу клиник белгига ёрилган пуфакли тошмалар атрофида ҳосил бўлган қобиқлар пинцет ёрдамида тортиб кўрилганда эпидермис қаватининг соғлом бўлган соҳаларида ҳам кўчиш ҳолати кузатилади. Никольский белгисининг ўзига хос шакллари бўлиб Асбо-Хансен ва Шеклаков («нок») белгилари ҳам ҳисобланади. Асбо-Хансен белгисига ёрилмаган пуфакли тошма қобиғини марказий қисми бармоқ билан босилганда пуфакли тошма чегараларининг кенгайиши ва ҳажмининг катталлашиши кузатилади. Шеклаков белгисига эса, bemor тана ҳолатининг ўзгариши оқибатида пуфакли тошма ичидаги суюқлик босими оғирлиги остида тошма ноксимон шаклни олади. Клиник белгиларининг намоён бўлишига қараб касалликнинг 4 хил: вульгар (оддий), вегетацияланувчи (ўсимтасимон), япроқсимон (қат-қат), себореяли (эритеатоз) клиник шакли тафовут этилади. Пўрсилдоқ пуфакли яра касаллиги асосан 2 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларда, кўпроқ кузатилади.

Оддий (вульгар) пўрсилдоқ яра касаллигининг клиник шакли касалликнинг бошқа шаклларига нисбатан кўпроқ учраб, 70% ҳолатларда кузатилади. Касалликнинг оддий пўрсилдоқ клиник шакли торпид кўринишида кечиб, кўпинча ёмон оқибатларга олиб келади. Касалликнинг ушбу клиник шаклида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватларида теридаги тошмалардан аввалроқ пуфакли тошмалар пайдо бўлади, бундай ҳолат касалликка эрта ва тўғри ташхис қўйиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Шиллиқ қаватлардаги пуфакли тошмалар кейинчалик тезда ёрилиб, узоқ вақт давомида битмайдиган, эрозияли яраларга айланади. Силлиқ тери юзлари соҳаларида эса ҳеч қандай сабабсиз тўсатдан бир камерали пуфакли тошмаларнинг ҳосил бўлиши кузатилади. Пуфакли тошмалар майда ёки йирик (баъзан диаметри 10 см гача) ҳажмларда бўлиб, улар нотекис ёки ноксимон кўринишида, овал шаклда, устидаги қобиғи тезда юмшоқлашиб бўшашган ҳолатларга келади. Тошмалар таркибида суюқлик аввал сероз, кейинчалик эса геморрагик ёки иккиласи инфекциялар қўшилиши натижасида йирингли кўриниш олади. Пуфакли тошмалар қобиғи 1-2 кун ичida ёрилиб, оч қизғиши рангли, сувланувчан эрозияларни ҳосил қиласи. Эрозияли ўчоқлар атрофида янги пуфакли тошмаларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг

чегаралари кенгайиши оқибатида кенг қамровли заарланган ўчоқлар юзага келади. Кейинчалик эса эрозияли тошма элементлари сероз-геморрагик ёки йириングли қатқалоқлар билан қопланади. Касаллик узоқ вақт давомида торpid равища кечиши мүмкін. Тошмалар аввал бошнинг сочли қисмларида, аёлларда сут безлари ости бурмалари соҳаларида кузатилиб, сўнгра эса беморлар бадан терисининг барча соҳаларига тарқалади. Оддий пўрсилдоқ пуфакли яра касаллиги хавфсиз ва хавфли кўринишларда кечади, хавфсиз кечишида касаллик ўз-ўзидан ёки стероид дори воситалари ёрдамида даволаниш натижасида эпидермис қавати ҳолати тикланиб, касалликнинг ремиссия кўринишига ўтиши кузатилади. Бунда беморларнинг умумий аҳволи ўзгармайди. Касалликни хавфли кўринишларда кечишида эса беморларнинг умумий аҳволи ўзгаради, уларда тез вақт ичида озиб кетиш, касалликни иккиламчи инфекциялар билан асоратлашиши, септик тана ҳароратининг кўтарилиши, буйрак, юрак ва ўпка аъзолари томонидан турли кўринишларда бўлган асоратлар кузатилади. Текширувлар натижасида ЭЧТ юқори бўлиши, эозинофилия ҳолати, натрий ва хлор ионлари миқдорининг ошиши, умумий оқсил, айниқса, гаммаглобулин ҳамда иммуноглобулинлар миқдорининг камайиши ҳолатлари қайд этилади.

Пуфакли тошмалар атрофи ва улардан узокда жойлашган, кўринарли соғлом тери соҳаларида Никольский белгиси мусбат кўринища бўлади, шунингдек, беморларда Асбо-Гансен ва Шеклаков белгилари кузатилади. Эрозияли ўчоқлар тубидан олинган «мухрсимон» суртмаларда акантолитик Тцанк ҳужайралари аниқланади. Терининг гистологик текширувлари натижасида, акантолиз жараёни туфайли эпидермиснинг ички қисмида пуфакли тошмаларни ҳосил бўлиши, уларни базал мембраннынг уст қисмида жойлашиши, дермада эса шиш ва периваскуляр маддаланиш белгиларининг ҳосил бўлиш ҳолатлари аниқланади. Бевосита иммунофлюоресценция текширув усули ўтказилганда эса эпидермис қаватининг ҳужайралараро соҳаларида катта миқдорда IgG ларнинг тўпланиш ҳолати кузатилади.

Вегетацияланувчи (ўсимтасимон) пўрсилдоқ пуфакли яра касаллигига ҳеч қандай сабабсиз, сероз ёки сероз-геморрагик суюқлик билан тўлган, юпқа, осон ёрилувчан қобиқли пуфакли тошмалар ҳосил бўлиши кузатилади. Тошмалар асосан табиий

бурмалар мавжуд бўлган соҳаларда (қўлтиқ ости, сут безлари ости, чов бурмаларида), жинсий аъзолар териси соҳаларида ва оғиз шиллиқ қаватининг силлиқ тери соҳаларига ўтиш қисмларида жойлашади. Ёрилган пуфакли тошмалар ўрнида атрофга кенгайишга мойил бўлган эрозиялар кузатилади, тахминан 4-6 кунлардан сўнг ушбу эрозиялар таркибида майда, бадбуй хидга эга бўлган ўсимталар (вегетациялар) ривожланади. Эрозияли ўчоқларнинг бирбирига қўшилиши натижасида диаметри 10-15 см ҳажмга етувчи вегетацияланувчи пилакчалар юзага келади, уларнинг атрофида йирингчали тошмалар кузатилади. Патологик жараён узок давом этган ҳолатларда вегетациялар устидаги экссудат қалин қатқалоқлар ҳосил қилиб, сўгалсимон кўринишга киради. Вегетацияланувчи пўрсиљдок яра касаллигида заарланган ўчоқлар тарқалишга мойил бўлмайди, баъзан терминал босқич ривожланганда эса (касаллик бошлангандан 2-3 йил ўтгандан кейин) оддий пурсиљдокқа ўхаш тошмалар пайдо бўлади. Заарланган ўчоқларга яқин бўлган соҳаларда Никольский белгиси мусбат кўринишда бўлиб, эрозиялар туби ва пуфаклар ичида ги суюкликларда эса акантолитик ҳужайралар аниқланади.

Япроқсимон (қат-қат) пўрсиљдок яра касаллигининг бошланғич клиник белгилари экзема, себореяли дерматит, токсидермия касалликларида кузатиладиган эритематоз-сквамоз каби ўзгаришларга ўхаш кўринишларда намоён бўлади. Касалликнинг бошланиши дастлаб қизарган-яллиғланган тери соҳалари асосида, юпқа қобигли юзаки жойлашган пуфаклар пайдо бўлиши билан бошланиб, қобиглар ёрилиши оқибатида оч қизғиши рангли эрозиялар юзага келади, тез орада эса экссудат қобиг қолдиқлари билан биргаликда қалин қатқалоқларни ҳосил қиласи. Қатқалоқ остида патологик жараён давом этиб, янги қатқалоқли қаватларни пайдо қиласи, натижада пуфакли тошмалар усти қат-қат жойлашган қатламасимон қатқалоқлар билан қопланади. Патологик жараён эритродермия кўринишида тарқалишга мойил бўлиб, касалликнинг кечишида юз, бошнинг сочли қисми, тирноқларнинг заарланиши ҳолатлари ҳам кузатилади. Никольский белгиси кескин мусбат кўринишда бўлади. Касалликнинг ушбу клиник турининг кечишида шиллиқ қаватлар камдан-кам ҳолатларда заарланади. Беморларни салбий шикоятлар безовта қиласи, уларда оғриқ, ачишиш ва қичишиш каби белгилар кузатилади. Болаларда

касалликнинг ушбу клиник тури оғир кечиб, катталардагига нисбатан хавфли натижалар билан тугалланади.

Себореяли (эритетатоз) пўрсилдоқ ёки Сенир-Ашер синдроми кўпгина ҳолларда яққол кўринишдаги пуфакли тошмаларнинг бўлмаслиги кўринишида кечади. Касаллик кўпинча юз териси соҳаларидан бошланиб, сўнgra бошнинг сочли қисми, бўйин, кўкрак ва кўкрак соҳаларига, қўлларга тарқалади. Юзниг ёноқ ва бурун усти териси соҳаларида, эритематоз-шишли асосда жойлашган қипик ва қатқалоқли тошмалар («капалак» белгиси) қизил югурик касаллигини, бошнинг сочли қисмидаги жойлашган тошмалар себореяли экземани эслатади. Кўкрак ва курак соҳаларидаги пуфакли тошмалар атрофи қизаришли ҳошиялар билан ўралган бўлиб, эрозияларнинг қалин, сероз-йирингли қатқалоқлар билан қопланганлиги япроқсимон пўрсилдоқ касаллиги клиник белгиларини эслатади. Пуфакларга яқин бўлган соҳаларда Никольский белгиси мусбат кўринишида бўлиб, қатқалоқлар остидаги эрозиялардан олинган суртмаларда акантолитик ҳужайралар топилади. Касалликнинг ушбу клиник тури билан оғиз ва жинсий аъзолар шиллиқ қаватлари камдан-кам ҳолларда заарланади. Себореяли пўрсилдоқ касаллигининг кечиши учун қичишиш, ачишиш ва оғриқ каби белгиларнинг кузатилиши хос бўлади.

Таққослов ташхиси. Чин пўрсилдоқ пуфакли яра касаллиги кўпгина унга ўхшашибўлган тери касалликлари билан таққосланади ва улардан бир қатор клиник, лаборатор ўзгаришлар бўлиши билан фарқланади.

Кўп шаклли экссудатив эритема касаллиги полиморф тошмалар тошиши билан кечиб, тошмалар асосан қўл-оёқларнинг ёзувчи юзларидаги жойлашади. Пуфакли тошмалар билан бир вақтда қаварчик ва тугунчали тошмалар кузатилиб, уларнинг марказий қисмидаги «қуш кўзи» ни эслатувчи ботиқлик мавжуд бўлади. Никольский белгиси манфий бўлиб, муҳксимон-суртмаларда текширувлар ўтказилганда эса акантолитик ҳужайралар топилмайди.

Учуқсимон Дюринг дерматити касаллигига гурух-гурух ҳолида жойлашган полиморф кўринишида бўлган экссудатив тошма элементларининг кузатилиши, bemорлар қон таҳлили ўтказилганда эозинофилия ҳолатининг мавжудлиги, Ядассон синамасининг мусбат бўлиши (50 % КJ малҳамига юқори сезувчанлик ҳолати) каби ўзгаришлар кузатилади. Токсiderмиянинг пуфакли клиник шаклида,

касаллик ўткир бошланиб, тана ҳароратининг юқори бўлиши ҳамда умумий ҳолсизлик ҳолатлари кузатилади. Тез тарқалувчи эритемали асосда сероз ёки геморрагик суюқлик билан тўлган, юпқа қобиқли пуфакли тошмалар пайдо бўлади. Касалликнинг кечишида Никольский белгиси мусбат кўринишда бўлади, лекин эрозиялар тубидан акантолитик ҳужайралар топилмайди.

Давоси. Чин пурсилдок пуфакли яра касаллиги турли клиник шаклларга эга бўлса ҳам келиб чиқишига кўра бир хил сабабларга эга, шунинг учун даволаш чораларида фарқланишлар бўлмайди. Касаллик ташхиси аниқлангандан сўнг даво чораларини эрта бошлаш муҳим аҳамият касб этади. Даволашда кенг қўлланилувчи глюкокортикоид препаратларини болаларга тавсия этилаётганда эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим. Бу вақтда дори воситасининг даволовчи ва минимал қувватловчи терапевтик дозаларини ҳисоблаш лозим. Преднизолон ёки урбазон дори воситаларининг бошланғич суткалик миқдори 5 ёшдан 15 ёшгacha бўлган болаларда 10-20 мг дан, дексаметазон дори воситасиники эса 2-3 мг дан ортмаслиги лозим. Глюкокортикоид дори воситалари билан бир вақтда анаболик стероид дори воситалари (неробол, ретаболил) ҳам тавсия этилади. Микроэлементлар миқдорини сақлаб туриш мақсадида кальций глюконат, панангин, калий оротат каби дори воситалари қўлланилади. Глюкокортикоидларнинг организм иммунитети ҳолатига ва иккиласми инфекциялар ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкинлиги туфайли комплекс даво чоралари ўтказилиши жараёнида антибиотик ва иммуностимулятор дори воситалари қўлланилади. Эпидермисда регенерация жараёнларини жадаллаштириш мақсадида витамин дори воситалари комплекслари: аевит, кальций пантотенат, рибофлавин ва фолат кислоталари тавсия этилади. Беморлар овқатланиш рационидан углеводлар, ош тузи чекланиб, оқсил, витаминлар ва микроэлементларга бой бўлган таомлар тавсия этилади. Маҳаллий даволашда эрозияларга Алибур суюқлиги, 1-2 %ли пиоктанин эритмалари, метилен кўки, бриллиант яшили, фукорцин, Кастилляни суюқликлари тавсия этилиб, қатқалоқлар ҳосил бўлгач эса, глюкокортикоид малҳамларидан лоринден, гиоксизон, дермазолон, целестодерм, адвантан, бетновейт, дермовейт каби дори воситалари тавсия этилади. Иккиласми инфекция қўшилган ҳолатларда эса даво жараёнида антибиотик малҳамлари қўлланилади.

Дюрингнинг учуқсимон дерматити

Ўткир яллиғланиш, полиморф тошмалар тошиши, қичишиш ва оғриқ билан кечадиган касалликни 1894 йилда илк бор Дюринг таърифлаб берган, кейинчалик эса касаллик ушбу олим номи билан Дюрингнинг герпетифор дерматити, деб номланган.

Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари номаълум, лекин унинг вужудга келишида асос қилиб олинадиган турли фикрлар мавжуд. Шулардан биттаси бу аллергик ҳолатнинг тутган ўрни бўлиб, бу ҳолатга кўра bemорларда йод, бром каби микроэлементларга нисбатан бўлган юқори сезувчанлик ҳолатининг кузатилиши, қонда эозинофилия ҳолати ва қон зардобида эса гистаминни парчаловчи омил фаоллигининг пасайиши ҳолатларининг қайд этилади. Инфекцион-аллергик тушунчасига кўра эса касалликни вужудга келишида кўп ҳолларда турли юқумли касалликлар, жумладан, грипп, скарлатина, зотилжам ва сувчечак каби касалликлар билан хасталангандикдан кейин касалликнинг вужудга келиши сабаб қилиб олинади. Аутоиммун тушунчалик бўйича Дюринг касаллиги келиб чиқишида иммун тизими механизмидаги ўзгаришлар муҳим ўрин тутади. Бунга асос қилиб, тўғридан-тўғри иммунофлюоресценция усули билан текширилганда тери эпидермис қаватининг базал мембранны остида, дерманинг сўрғичсимон қисми устида IgA ларга қарши бўлган кўп миқдорда аутоантитаначалар тўпланиши олинади. Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари орасида энтеропатия ҳолати аҳамияти қайд этилади, бунга асосан ичак фаолиятида сўрилиш жараёнининг бузилиши кузатилади, натижада эса организм турли хил бўлган оқсил қолдикларидан иборат ёпишқоқ моддаларга нисбатан юқори сезувчанлик ҳолатига эга бўлиб қолади.

Касалликни бошланишидан аввал bemорларда продромал ўзгаришлар кузатилади. Тана ҳароратининг субфебрил кўринишда кўтарилиши, ҳолсизлик, ич кетиши, артралгиялар кузатилади. Учуқсимон дерматит касаллиги ўткир полиморф тошмаларнинг тошиши билан бошланади. Бир вақтни ўзида ёки унча катта бўлмаган вақт орасида bemорларда унча катта бўлмаган эритематоз доғли асосларда пуфакчали, пуфакли, тугунчали, қаварчиқли ҳаттоки йирингчали тошмалар пайдо бўлади. Кейинчалик эса иккиламчи тошма элементлари эрозия, қипиқланиш ва қатқолоқлар кузатилади. Тошмалар гурух-гурух кўринишларда пайдо бўлади,

бундай ҳолат ҳам касалликни гурухланган ёки герпетiform номини олишга асос бўлган. Касалликнинг кечиши кўпинча bemорларда қичишиш, оғриқ ва ачишиш каби салбий белгилар билан кечади. Натижада ўчоқларда қашламалар, тирналишлар, қатқалоқлар ва қипиқланишлар кузатилиб касалликни полиморфизм кўринишининг янада кучайишига олиб келади. Болаларда касалликни кечишида йирик ва майда пуфакли клиник шакллари тафовут этилади. Мактаб ёшигача бўлган болаларда касаллик белгилари тарқоқ ҳолда йирик пуфакли тошмалар тарзида намоён бўлади. Шунингдек, болаларда болалик даврига хос бўлган касалликнинг майда пуфакли ва тугунча-пуфакчали шакллари ҳам кузатилади. Болаларда тошмалар ўзига хос кўринишда жойлашмайди, шунинг учун ҳам улар bemорлар юз, бадан, қўл ва оёқларида тери соҳаларига тарқоқ ҳолда жойлашади. Баъзан bemор болаларда пуфакли тошмалар гурух-гурух кўринишда бўлиб, жинсий аъзолар ёки йирик бурма соҳаларида жойлашади, уларнинг ишқаланиши натижасида сувланиш ҳамда эрозиялар ҳосил бўлиши ҳолати кузатилади. Беморлар тери соҳаларида диаметри 0,5-2,0 см бўлган пуфакли тошмаларнинг қобиғи қалин бўлиб, улар таркибидаги суюқлик аввал сероз, сўнgra эса лойқалашиш кўринишини олади. Пуфак ва пуфакчалар ёрилгандан сўнг улар эрозияларга айланади, уларнинг усти кейинчалик қалин қатқалоқлар билан қопланади, улар атрофга тарқалмайди ва катталашмайди. Қатқалоқлар остидаги эпителий тўқимаси тез вақт ичida тикланиб, улар ўрнида турғун гиперпигментланган иккиламчи доғ қолади. Кейинчалик гиперпигмент доғлар атрофида янги тошмалар юзага келиши мумкин. Дюорингнинг учуксимон дерматити касаллигини пуфакли тошма элементлари таркибидаги эозинофил ҳужайралари миқдори юқори даражада бўлиши қайд этилади. Беморлар қонининг умумий таҳлили натижасида ҳам переферик қон таркибида эозинофилия ҳолати кузатилади. Бундан ташқари bemорларда гипохром анемия, лейкоцитоз, ЭЧТ нинг юқори даражада бўлиши, диспротеинемия ва гипохолестеринемия каби ҳолатлар қайд этилади. Касалликка ташхис қўйилишида Ядассон синамасидан фойдаланилади, бунинг учун касалликни ремиссия даврида, bemорлар терисига 50% калий йодид малҳами суртилади, йод препаратларига нисбатан bemорларда юқори сезувчанлик ҳолати мавжудлиги туфайли бир неча кун ўтгандан сўнг ушбу соҳаларда қизариш ва касалликка хос булган

тошмаларнинг тошиши ҳолати кузатилади. Чин пўрсилдоқ яра касаллигидан фарқли ўлароқ ҳосил бўлган эрозиялар таркибида акантолитик хужайралар топилмайди, Никольский белгиси эса манфий кўринишда бўлади. Гистологик текширувлар натижасида пуфак ва пуфакчали тошмалар эпидермис остида, яъни субэпидермал кўринишларда жойлашади.

Касалликка ташхис қўйишида тошма элементларининг ўткир яллиғланганлиги, уларнинг полиморф кўринишда намоён бўлиши, учуксимон ҳолда жойлашиши, қонда эозинофилия ҳолатининг кузатилиши, пуфакли тошма элементлари тикибидаги суюқликда кўп миқдорда эозинофилларнинг топилиши, иммунофлюоресценция усули орқали текширилганда эпидермо-дермал чегара соҳаларида IgA ларнинг катта миқдори тўпланиш ҳолатининг кузатилиши ҳамда Ядассон синамасининг мусбат кўринишда бўлишига асосланади.

Дюрингнинг учуксимон дерматити касаллиги кўп шакли экссудатив эритема, токсидермиянинг пуфакли шакли, чин акантолитик пўрсилдоқ, туғма пуфакли эпидермолиз касалликлари билан таққосланади. Кўп шакли экссудатив эритема касаллигига учуксимон дерматит касаллигидан фарқли ўлароқ, bemorlarда тўқ қизил рангдаги доғлар кузатилиб, уларнинг марказий қисмида киндиксимон ботиқлик кузатилади, тошмалар эса гурухлашган ҳолда жойлашмайди, субъектив белгилар эса камроқ намоён бўлади, пуфакли тошмалар таркибидаги суюқликда эозинофил хужайралари аникланмайди, Ядассон синамаси эса манфий кўринишда бўлади. Токсидермиянинг пуфакли шаклида bemorlarning умумий аҳволлари оғирлашади, пуфаклар ичида суюқликларда эозинофил хужайралари топилмайди, анамнезида касаллик ривожланиши дори воситаларини қабул қилиши билан боғлиқ бўлади. Чин акантолитик пўрсилдоқ касаллигига Никольский, Асбо-Гансен, Шеклаков белгилари мусбат кўринишда бўлиб, эрозиялардан олинган суртмаларда эса акантолитик, яъни Тцанк хужайралари аникланади. Туғма пуфакли эпидермолизда касаллик эрта ёшдаги болаларда юзага келиб, тошмалар асосан механик жароҳатлардан сўнг пайдо бўлади, ирсий анамнезида эса қон-қариндош никоҳлари мавжуд бўлиши кузатилади.

Дюрингнинг учуксимон дерматити касаллигини даволашда сульфон гурухига мансуб дори воситаларини қўллаш яхши самара беради. Сульфон препаратлари ичida ДДС (диаминодифенил-

сульфон), авлосульфон, дапсон, сульфетрон кабилар касалликни даволашда кўпроқ қўлланилади. ДДС дори воситаси беморларга 0,05-0,1 гр. дан кунига 2 маҳал 5-7 кун давомида берилади, сўнг 1-3 кунлик танаффусдан кейин дори воситаси яна қайта тавсия этилади. Умумий, худди шундай 3-5 цикллик даводан сўнг беморларда касалликнинг кечишида ижобий натижалар кузатилади. Касалликни даволашда, шунингдек, гамма-глобулин дори воситаси ҳам қўлланилади, препарат 1,5-3,0 мл дан кунора беморларга 4-6 инъекция тарзида юборилади. Беморларни даволашда витамин дори воситалари (кальций пантотенат, пиридоксин, рибофлавин) ҳам тавсия этилади. Иккиламчи инфекциялар билан асоратланган ҳолларда эса, даво жараёнига антибиотик дори воситалари (макролидлар, ярим синтетик пенициллинлар) қўшилади. Ошқозоничак трактида юзага келадиган ўзгаришларни эътиборга олиб, озиқланиш рационидан ўсимлик оқсилилари, айниқса, бўғдой ва бошқа бошоқли ўсимликлардан тайёрланган овқатларни чеклаш тавсия этилади. Маҳаллий даво чоралари ўтказилишида анилин буёқлари, глюкокортикоидлар (лоринден, бетновейт, дермовейт, флуцинар, синафлан) ва антибиотик (эритромицин, стрептоцид, левомеколь) дори воситаларидан тайёрланган малҳамлар буюрилади. Касалликнинг оқибати яхши бўлиб, баъзан касаллик ўз-ўзидан ремиссия ҳолатига ўтиши ва клиник жиҳатидан соғайиб кетиши мумкин.

ГЕНОДЕРМАТОЗЛАР

Ихтиоз

Терининг ирсий касалларни орасида болаларда учрайдиган ихтиоз касаллиги муҳим ўрин тутади. “Ихтиоз” сўзи балиқ тангаси маъносини англатиб, унинг асосида мугузланиш жараёнинг генерализацияланган кўринишда бузилиши ҳолати ётади. Касаллик ўзига ўхшаш бўлган ўнлаб клиник касалларни ўз ичига олса ҳам, бироқ нозоологик жиҳатдан у ажралиб турадиган мустақил касаллик бўлиб ҳисобланади.

Касаликни наслдан-наслга аутосом-доминант ва аутосам-рецесив кўринишларда наслланиши қайд этилади. Бизнинг республикамизда ушбу генодерматознинг аутосом-рецессив шакли (ламеляр ихтиоз, қуруқ ихтиозсимон эритродермия) ғарбий европа мамлакатларига нисбатан кўпроқ учрайди (1:43076 ва 1:300000 аҳоли сонига тўғри келади.) Бундай ҳолат ушбу ҳудудда юқори инбридинг коэффициенти мавжудлиги билан тушунтирилади, чунки инбридинг, яъни қон-қариндошлиқ никоҳлари кам учрайдиган ҳолатларда аутосом-рецессив генларнинг сегрегациясига олиб келади. Маълумки, аутосом-рецессив шаклдаги ихтиоз ўзининг оғир кечиши, даво чораларига кам бўйсимиши ва асоратланиши билан алоҳида ажралиб турди. Ихтиоз касаллиги қуйидагича таснифланади: вульгар ихтиоз ва туғма ихтиоз. Туғма ихтиозга ўз навбатида эпидермолитик Брокнинг ихтиозсимон қуруқ эритродермияси ва ламилляр ихтиоз турлари киради.

Вульгар ихтиоз (*ichthyosis vulgaris*) аутосом-доминант кўринишидаги наслланишга эга бўлиб, касаллик белгилари болалар ҳаётининг 1-4 йилларида намоён бўлади ва 10 ёшгача бўлган вақт давомида максимал кўринишда ривожланади, бемор ҳаётининг охиригача давом этади. Касаллик йилнинг ёз ойларида енгил кўринишда кечади, bemor болалар балоғат ёшига етганларида касалликнинг кечиши анча яхшиланади. Жараён тарқалган шаклга эга бўлиб, терининг қуруқлиги, қалинлашиши (гиперкератоз), фолликуляр кератози кўринишлари сифатида намоён бўлади. Бундай

ҳолат тер ва ёғ безлари функциясининг яққол пасайишига ва бу безлар фаолиятининг бутунлай тўхташига олиб келади. Касаллик асосан қўл ва оёқларнинг ёзув соҳаларида (айниқса, тирсак ва тизза бўғимлари соҳасида), билаклар, бел, думғаза соҳаларида жойлашади. Болалик даврида жараён юз ва пешона териси соҳаларида ҳам кузатилиб, кейинчалик эса бу соҳалар тангачалардан тозаланади. Думба ва бўғим бурма соҳалари, қўлтиқ ости, чов соҳаси бурмаси ва жинсий аъзолар одатда заарланмайди.

Вульгар ихтиоз касаллиги белгилари тангачалар катталигига бўлиб, майда, юпқа ва оқ рангдаги кепакланиш кўринишидан то қалин катта тўқ рангдаги қипикларгacha бўлиши мумкин. Вульгар ихтиоз касаллиги қуидагича таснифланади (тери қуруқлигининг яққоллиги, мугуз пластинкалар ёки қипикларнинг тури ва тўпланишига кўра):

1. Ксеродермия (*xerodermia*) - бу ихтиознинг енгил тури бўлиб, терида қуруқлик ва кепакланиш ҳолати кузатилади.
2. Оддий ихтиоз (*ichthyosis simplex*) – қалин, қуруқ, қаттиқ ва силлиқ бўлмаган терига зич ёпишган пластинкасимон қипиклар билан характерланади.
3. Ялтироқ ихтиоз (*ichthyosis nitida*) - мугуз қават массаларини кўп микдорда оёқ ва қўлларда, соч фолликуларининг оғзида йигилиши билан характерланади.

Қипиклар ўзига хос садаф ранг ялтироқликка эга бўлади. Баъзида тошмалар чизиқсимон жойлашиб, илон териси кўринишини эслатади. Бу қипиклар қалинлашиб, яна мугузланади, ранги тўқ-кулранг кўринишида бўлиб, чукур ботиқ ҳосил қиласи (илонсимон ихтиоз – *ichthyosis serpentina*). Ва ниҳоят, энг оғир шакли *ichtyosis hystric* (*hystric* - жайра) - бунда терининг чегараланган соҳаларида, айниқса, оёқ ва қўллар ёзув соҳаларида мугузланишнинг қалин йигмалари тикан кўринишида бўлиб, тери сатҳидан 5-10 мм баландликда кўтарилиб туради ва жайра тиканларини эслатади. Жараён соч ва тукларнинг қуруқлашиши, юпқалашини ва сийраклашиши, тирноқ пластинкаларининг қалинлашиши, юпқалашини ёки синувчанлиги ортиши ҳолати кузатилади.

Ихтиознинг енгил турларида беморларнинг умумий ахволи қониқарли ҳолатда бўлиб деярли кам безовталанадилар, оғир шаклларида эса бемор болалар жисмоний ривожланишдан ортда қоладилар. Беморлар организмининг иммун тизими қаршилиги

пасаяди, улар турли касалликларга, жумладан, пиодермия, пневмония, отит касалликлари билан хасталанишга мойил бўлиб қоладилар ҳаттоки, летал ҳолати ҳам кузатилиши мумкин.

Одатда касаллик гиперкератоз – донадор қаватнинг қалинлашиши билан бирга кечади. Бироқ гиперкератоз ҳолати донадор қаватнинг юпқалашиши ёки умуман йўқлиги билан ҳам намоён бўлиши мумкин, бундай ҳолат оддий, яъни вульгар ихтиоз учун хос бўлади. Катта фолликуляр мугуз тиқинлар кузатилади. Бундай керотатик тиқинлар босими фолликулалар ва ёғ безлари пастки қисмининг атрофиясига олиб келади. Мальпигий қавти юпқалашади. Дермада кам микдорда лимбоцитлардан иборат периваскуляр инфильтратлар учрайди, чуқур қаватларида эса каллоген толаларининг гиалинизацияси кузатилади, тер безлари ва соchlарни кўтарувчи мушаклар атрофида эса аргирофил толаларнинг қуюқлашиши кузатилади. Вульгар ихтиознинг турли вариантларида морфологик ўзгаришлар бир-биридан сон жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан фарқ қиласи. Клиник ва морфологик жиҳатдан оддий (вульгар) ихтиознинг диагностикаси қийин эмас.

Ихтиознинг енгил шакли бўлган ксеродермияда ташхис қўйиш учун ёрдам берувчи қўшимча усул тери бўйлаб шпател юргизилганда унсмион оқ майда кепакланиш ҳолати яққол кўринади. Бундан ташқари қўл ва оёқлар ёзув соҳалари ва ёнбош териси соҳаларида ранги кулранг ёки оч пушти, бальзида кўкимтир тусланишда бўлган тўғноғич боши катталигидаги милиар тугунчалар кузатилади.

Ялтироқ ихтиознинг клиник шаклида қипиқлар маркази нисбатан тўқроқ, четлари нисбатан очрок рангда, сатҳи бироз кўтарилиган кўринишда бўлади. Бундай кўриниш ялтироқ ихтиозни соч темираткисидан (*lichen pilaris*) ажратишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Соch темираткисида ўчоқларда милиар усти ғадир–будур, оч қизғиши рангдаги папулалар кузатилади бундай кўринишдаги ҳолат кўпинча қўл ва оёқларнинг ёзув соҳаларида жойлашади, бундай папулалар учини кенгайган, соch фолликулалари оғзини зич ёпиб турувчи мугузланган қипиқлар ташкил этади. Тиканаксимон темираткида (*lichen spinulosus*) соch фолликулалари оғзида жойлашган, тери сатҳидан бир неча мм кўтарилиб турувчи, мугузланган тиканаклар ҳосил бўлади, улар таркибида эса синган ёки спиралсимон ўралган соch толалари кузатилади.

Насланиувчи вульгар ихтиозни орттирилган ихтиоз билан тақослаш ва ажрата олиш лозим, чунки касалликнинг бошланиш вақти ҳар доим ҳам ташхис қўйишда асосий мезон бўла олмайди. Баъзида наслланувчи оддий ихтиоз катта ёшдаги инсонларда пайдо бўлиши, орттирилгани (баъзида бластоматоз жараён билан бирга кечади) эса болаларда ривожланиши мумкин. Бластомоз кўринишдаги жараёнлардан (лимфогранулематоз, лимфосаркома ва бошқалар) ташқари орттирилган ихтиоз мохов ва алиментар бузилишлар натижасидаги бирламчи ва иккиламчи витамин А етишмасликлари билан ҳам бирга кечиши мумкин.

Туғма ихтиоз (*Ichthyosis congenita*) аутосом-рецессив кўринишда наслланади. Касаллик белгилари бемор бола туғилган заҳотиёқ аниқланади. Бироқ камдан-кам ҳолларда кечки шакли (*ichthyosis congenita tarda*) кузатилиши мумкин, бунда касаллик белгилари бемор бола туғилгандан кейин дастлабки ҳафта ёки ойлар ўтгандан сўнг намоён бўлади. Ихтиоз касаллигининг туғма ихтиоз шакли вульгар ихтиоз шаклига нисбатан оғир кечади, касалликни бу шаклида тери қалин мугуз тангачалар билан қопланиши, чуқур ёриқлар мавжуд бўлиши билан ажралиб туради, бироқ ихтиозсимон эритродермиядан фарқли ўлароқ, касалликни кечиш жараёнида эритема ҳолати кузатилмайди. Касалликнинг оғир шаклида (*ichthyosis congenital gravis*) бир неча кунлардан кейин иккиламчи инфекциянинг қўшилиши ҳамда тери озиқланиши ва нафас олиш ҳолатининг бузилиши натижасида ҳаттоки летал ҳолати кузатилиши мумкин.

Брокнинг туғма ихтиозсимон қуруқ эритродермиясининг (*erythrodermia congenital ichtyosiformis*) 2 клиник тури: буллез бўлмаган (“куруқ”) аутосом-рецессив ҳамда буллёз аутосом-доминант турлари тафовут қилинади. Буллёзиз шаклида жараён бутун тана бўйлаб тери сатҳининг гиперсмияланиши, қуруқ, бирмунча тарапглашган ва кўп миқдорда қипикланиш кўринишида кечади. Кўп миқдорда қипикланиш ҳолати қўл ва оёқ кафтларида, қўлтиқ ости соҳаларида ва тизза бурмаларида кузатилади. Қипиклар қалин, катта, кўп бурчакли, жигаррангда бўлиб, бутун пластлар кўринишида кўчиб туша бошлайди. Қўл ва оёқ кафтларида жараён кератодермияга хос кўринишда бўлади. Бурмалар соҳасида эса сўгалсимон ўсимталар ҳосил бўлиши мумкин. Касалликнинг бу турининг кечиши турлича кўринишда бўлади, жараён баъзида

генераллашган эритема ва қипиқланиш кўринишида кечиб, қарилек ёшларигача сақланиб туради. Кўпинча эритема ҳолати анча камайиши, ҳаттоқи йўқолиши мумкин, бироқ гиперкератоз ҳолати айниқса, тери бурмаларида кучая боради. Кўз қовоқлари соҳаси, бурун, лаб ва қулоқ супраларининг қаттиқлашиши натижасида касаллик аъзоларни деформацияси билан кечиши мумкин. Масалан, эктропион, яъни кўз қовоқларининг ташқарига қайтарилиши ҳолатлари қайд этилади. Туғма ихтиозсимон эритродермиянинг буллёз шакли (эпидермолитик ихтиоз) кучли яллиғланиш жараёни билан характерланади, (айниқса, тери бурмалари соҳаларида). Касаллик белгилари терининг таранглашиши, шишиши, қалинлашиши, терида пуфакларнинг ва экземалашган сувланувчан соҳаларнинг пайдо бўлиши билан намоён бўлади.

Гиперкератоз ҳолати bemor болалар ҳаётининг биринчи йилидан, кўпинча эса учинчи-тўртинчи йилларидан вужудга келади. Никольский белгиси мусбат кўринишда бўлади, эпидермиснинг юза қаватлари осонлик билан кўчади. Юз териси гиперемияланган, таранглашган, ялтироқ, кўп миқдорда қипиқланиш ҳолати кузатилиши билан намоён бўлади. Бошнинг сочли қисми тери соҳалари гиперемияланган кўринишда қипиқланади, бундай ҳолат худди ёғли себорея касаллиги билан хасталангандан беморларни эслатади. Бемор болалар тирноклари қалинлашади, деформацияланади, тирноқ ости гиперкератори кузатилиши мумкин. Касалликнинг кечиши ёш ўтган сайин bemorлар аҳволи яхшиланишга мойил бўлади, 3-4 ёшлардан сўнг пуфакли тошмаларнинг пайдо бўлиши камдан-кам ҳолатларда кузатилади, фақат қўл ва оёқ кафти соҳаларидагина кучсиз гиперкератоз ҳолати кузатилиши мумкин.

Касаллик гистопатологияси текширилганда донадор қават гипертрофияси, акантоз ва дермада яллиғланган кўринишдаги инфильтратлар кузатилади. Бундан ташқари яққол гиперкератоз ҳолати билан бирга алоҳида паракератоз оролчалари ҳам кузатилади. Касалликнинг буллёз турида акантоз билан бирга эпидермис малпигий қавати ҳужайраларининг донодар дегенерацияси кузатилади. Вульгар ихтиозда қўлтиқ ости, чов бурмалари, тирсак ва тизза бурмалари патологик жараёнга жалб этилмайди. Янги туғилган чақалоқларда ихтиозсимон эритродермияни туғма пуфакли эпидермолиздан (эритродермиянинг йўқлиги, пуфакли тошмаларни ўзгармаган тери фонида кузатилиши, тошмаларнинг шикастланган,

ишқаланган тери соҳаларида пайдо бўлиши) ва янги туғилган чақалоқлар юқумли чилла яралари (контагиоз касаллик бўлиб, касаллик ҳароратнинг кўтарилиши ва турли катталиқдаги пуфакларнинг шишган эриоматоз фонда пайдо бўлиши билан кечади) билан фарқлаш лозим.

Соч темираткиси (*lichen pilaris keratosis pilaris simplex*) наслдан-наслга ўтадиган касаллик бўлиб, бу ихтиоз касаллигининг abortiv шакли ҳисобланади. Касаллик белгилари болалик давридан бошлансада, хасталикнинг клиник белгилари ўсмирлик даврларида яққол намоён бўлади. Тирсак, бел, думба, сон териси соҳаларида майда, конуссимон, ўткир учли тугунчалар пайдо бўлиб, ранги нормал тери рангидаги, гурух-гурух бўлиб жойлашади. Бу тугунчалар учини мугузланган қипиқлар ташкил этиб, кенгайган фолликулалар оғзини тугунчалар қоплаб туради. Тошмалар сўрилгандан сўнг улар ўрнида билинар-билинмас чандиқлар қолади, натижада бундай соҳаларда соч фолликулалари ва ёғ безлари фаолияти тугайди.

Ихтиоз касаллигининг давоси bemor болалар ёши, касалликнинг клиник шакли, оғирлик даражасини инобатга олган ҳолда комплекс равишда олиб борилади. Хусусан Аевит дори воситаси bemor болаларга 6 ойгача-1 том/сут кунора сут билан эмизиш вақтида, 7-12 ой- 1 том/кун ҳар куни, 1-3 ёш- 1капс кунора, 3-6 ёш – 1 капс. ҳар куни, 6-14 ёш – 1 капс 1-2 капс ҳар куни 20 кун давомида. Аскорбин кислотаси 6 ойгача -0,025-0,05 маҳал 3маҳ/кун 7-12 ой- 0,05-0,075 мг x 3м/кун, 1-6 ёш – 0,075-0,1 мг x 3м/кун 7-14 ёш – 0,1-0,15 x 3 м/сут Парентерал (м/o; в/и) 6 ойгача-0,5 мл, 7-12 ой -0,75 мл, 1-3 ёш- 1-2 мл, 4-6 ёш-2-3 мл, 7-12 ёш – 3-6 мл, 7-12 ёш -3-6 мл. Рибофловин мононуклеотид 1% ли эритмаси 6 ойгача – 0,2 мл м/o, 7-12 ой -0,3 мл 4-6 ёш – 0,5-0,7 мл 7-14 ёш – 0,8-1,0 мл. Никотин кислотаси 1% эритмаси 6 ойгача – 0,1-0,2 мл, 4-12 ой -0,2-0,3 мл, 1-3 ёш - 0,5- 0,4 мл, 4-6 ёш – 0,5-0,5 мл, 7-14 ёш – 1 мл м/o1 м/кун. Даволаниш курси 10-12 инъекция. Трентал перорал таблеткада 10 мл -2-3 маҳ/сут овқатдан сўнг, 1 ёшгача бўлган болаларда 1/3-1/2 таб, 1 ёшдан катталарга- 1 таб 2-3 маҳал/кунига 1 ой мобайнида. Метионин 1 ёшгача 0,1 г, 2 ёш-0,2 г, 3 ёшдан 4 ёшгача-0,25 гдан, 5 ёшдан- 6 ёшгача-0,3 г гача, 7 ёшдан ва ундан юқори 0,5 г дан 3 м/кунига овқатдан 30 мин олдин. Даволаш курси 10 кун олиб борилади, сўнг дам олинади ва даволаш курси қайтарилади. Солкосерил (актовегин) 1 ёшгача- 1-2 мл м/o, 1-14 ёш – 2 мл/в/и, 1 м/кунига 10 инъекция.

Маҳалий: 2% ли салицил малҳами ва ланолин креми аевит билан (1 граммга: 1томчи) бирга суртилади.

Тұғма буллөз эпидермолиз

Тұғма буллөз эпидермолиз (ТБЭ) касаллиги териnung ирсий касалліктер түркүмінде кириб, касаллик белгилари бемор болалар туғилиши билан оқынади ва бириңчи бўлиб бу касаллик билан дастлаб туғриқхоналарда акушер-гениколог, микропедиаторлар ва маҳалла шароитларида эса педиаторлар тўқнашишади. Касалликни эрта даврларда аниқлаш мухим аҳамият касб этади, эрта даволаш ва индивидуал парвариш тадбирларини ўтказиш эса касалликнинг оғир, ногиронлик, летал ҳолатларгача етиб боришини олдини олиш имконини беради.

Ҳозирги кунда ТБЭ касаллиги атамаси асосида тери ва шиллик қаватларда пуфакли тошмалар билан кечадиган касаллик назарда тутилади. Касаллик белгилари бемор болалар туғилиши билан намоён бўлиб, асосан кўп лат ейишга учрайдиган тери соҳаларида кузатилади. Ҳар хил таснифларга кўра бу касаллик 16 тадан 29 гача аутосом-доминант ёки аутосом-рецессив насланиш билан кечадиган дерматозларни ўз ичига олади. ТБЭ касаллигининг оғир шакллари аутосом-рецессив ҳолда наслдан-наслга ўтади, ушбу касаллик билан хасталанган бемор ота-оналардан 25% га яқин ҳолатларда касал болалар туғилади. Шунинг учун ҳам бемор ота-оналар нафақат ўзларини даволанишлари учун, балки перинатал ва генетик ташхисот учун ҳам шифокорга мурожаат этишлари лозим.

ТБЭ касаллигининг кечиши этиологик нуқтаи назардан ҳар хил хромосомаларда кечадиган турли мутациян жарёнлар билан боғлиқ, деб таърифланади. Г.Н. Михеев (1999) фикрича, оддий БЭ касаллиги асосида генетик мутациялар 1,8 ва 16 хромосомаларда кечади. Юқорида таъкидланганидек, замонавий маълумотларга асосланиб ТБЭ барча шаклларини – оддий, чегараланган ва дистрофик каби З та гурухга бўлиш мумкин. Касалликнинг барча шаклларида базал мембрана соҳаси даражасида ирсий, асосланган таркибли ўзгаришлар кузатилади. Замонавий адабиётларда ТБЭнинг турли шаклларида терида кузатиладиган таркибий ўзгаришлар касалликнинг оддий шаклларида пуфаклар ҳосил бўлиши, базал эпителиоцит ҳужайраларининг цитолизи оқибатида юз беради, ушбу

ўзгаришлар электрон микроскопда текширилганда хужайралар цитоплазмасининг кескин шишиши ва ҳужайра қобиғининг ёрилиши кўринишларида намоён бўлади, деб таъкидланади. Пуфак қобиғи бўлиб ажралган эпидермис, унинг туби бўлиб эса заарланмаган базал мембрана хизмат қиласи. Касалликнинг чегараланган клиник шаклида пуфакларнинг ҳосил бўлиши базал мембраннынг оч ранг пластинкали қаватида ва тонофиалометларни қатламловчи базал эпителиоцитлар полудесмасомаларининг туғма тўлиқ ривожланмаганлиги билан тафовутланади. Пуфакларнинг тубини зич базал пластинка ташкил этади. ТБЭ дистрофик шаклида пуфаклар базал мембрана чегарасида ва дермада ҳосил бўлади, бу мустаҳкамловчи фибриллаларнинг охиригача ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Дерма пуфакларнинг туби бўлиб хизмат қиласи, шунинг оқибатида у ерда чандиклар ҳосил бўлади. Пуфакларнинг қайси қаватда жойлашиши электрон микроскоп ва антиген хариталари - иммунофлюорисценция усуллари орқали аниqlанади.

Ҳозирда кўпгина муаллифларнинг маълумотларига қараганда, ТБЭ патогенезида тўқима энзимлари ва ингибиторларининг туғма нуқсонли ҳолати ётади. Savolaine E.K. (1983) ТБЭ касаллигининг генерализацияланган шаклида терида, қон зардобида ва фибробласт културасида галактозилгидроксилизил глюкозилтрансферазанинг этишмаслигини таъкидлайди. Малумки, колхицин препарати коллаген синтезига тасир этади, ТБЭ касаллиги билан хасталанган bemорларда коллаген синтезининг 1,5-2,2 маротаба ошганлиги қайд этилади.

Ҳозирга вақтга келиб касалликнинг аниқ бир таснифи йўқ. ТПЭ касаллигини З та: оддий, чегарали ва дистрофик клиник тури тафовут этилади.

Оддий таркалган пуфакли эпидермолиз касаллигининг клиник тури кўпгина халқларда 50000:1 нисбатларида учрайди. Касаллик bemор болалар туғилиши билан ёки улар ҳаётининг биринчи ойларида намоён бўлади ва касаллик билан кўпинча ўғил болалар хасталанади. Пуфакли тошмалар босим таъсири кучли бўлган ва кўп шикастланаган тери соҳаларида (тирасак, тиза, билак, тавон, бел) жойлашади. Одатда биринчи пуфакли тошмалар оёқ тавони соҳасида, кейинчалик билак соҳаларида ҳосил бўлади, памперс ва кийимларнинг кўп ишқаланадиган соҳаларида пуфакли тошмалар 20–30 дақиқа ичидаги ҳосил бўлади. Пуфакли тошмалар ҳосил

бўлишига мойиллик чақалоқларнинг эмаклаб юриши бошлагандан сўнг яққол намоён бўлади. Иссик кунларда ҳам пуфакли тошмаларнинг тошиши кучаяди. Кассаликнинг рецессияси ва прогрессияси иссиқ ҳаммолларда ва саunalарда кузатилади. Пуфакли тошмалар ярим шарсимон шакли, қаттиқ эластик қобиқли (субэпидермал), сероз ёки сероз-геморрагик таркибли суюқликка эга бўлади. Пуфакли тошмалар атрофида гиперимик ҳалқа ҳосил бўлади, уларда Никольский белгиси манфий кўринишда намоён бўлади. Пуфакли тошмалар ҳосил бўлишининг биринчи соатларида ачишиш, оғриқ каби субъектив белгилар кучли намоён бўлади. Пуфакларнинг ёрилиши bemорларга енгиллик ва улар ҳажмини катталашишининг тўхташига олиб келади. Паталогик жараён бир неча кун ичida, одатда чандиксиз битади. Бу вақтда bemорлар қичишишларга шикоят қилиши мумкин. Эрозияларнинг битиши пайтида эса кепакланиш ва пигментацияланиш ҳолатлари кузатилади. Қайта шикастланаган соҳаларда қайтадан янги пуфаклар ҳосил бўлади. Оғиз шиллиқ қаватида пуфакли тошмалар 2-3% ҳолатларда кузатилади. Касалликни ушбу клиник шакли билан хасталанган bemорлар қўл ва оёқ кафтларида гипергидroz ҳолати кузатилади. Бемор болаларда тирноқлар шикастланмайди, лекин вақт ўтган сари тирноқ пластинкаларининг ўзгариши кузатилади (қийшайиши, қалинлашиши, хирадлашиши) ва қўл-оёқ кафтларининг кератози ҳолати ривожланади ва уларнинг вояга этиш даврларида эса қалинлашиши кучаяди. Қиши пайтларида ва ҳомиладорлик даврларида ремиссия ҳолати кузатилади.

Оддий пуфакли эпидермолизнинг кечки шакли билан асосан ўғил болалар касалланадилар (андротропия). Патологик ўчоқлар кўпинча қўл ва оёқ кафтларида жойлашади. Касалликнинг авж олиш даври bemорларни ўспиринлик даврларига тўғри келади, касалликни кўпроқ намоён бўлиши йилнинг ёз мавсумларида, bemорларнинг спорт турлари билан шуғулланадиган даврларига тўғри келади. Кузги ва қишки йил фаслларида эса касаллик белгилари иссиқ ҳаммоллар қабул қилиниши ёки қалин иссиқ оёқ кийимларни кийишлари натижасида юзага келиши мумкин. Пуфакли тошмалар бироз геперемия ҳолати ососида ҳосил бўлиб, тезда ёрилишга, эрозияларни ҳосил қилишга ва кейинчалик эса ўз-ўзидан изсиз битиб кетишга мойил бўлади. Лекин айrim маълумотларга қараганда пуфакларни киндиксимон кўринишдаги чандиклар билан битиб

кетиши қайд этилади. Адабиётларда касаллик кўп тошмалар тошиши билан бошланиш ҳолатларида bemor болаларнинг умумий аҳволлари қониқарли бўлиб, касаллик гипергидроз ва товон кератодемияси каби ўзгаришлар билан кечиши ҳақида маълумотлар берилган.

Оддий учуксимон пуфакли эпидермолизнинг клиник тури bemor бола туғилиши билан бошланади. Касаллик Дюрингнинг герпетиформ дерматозига ўхшаш кўринишда кечади. Тошмалар дастлаб терининг билак ва товон соҳаларига тошади, кейинчалик эса бутун тана тери соҳаларини заарлайди, bemor болалар умумий аҳволининг оғирлашиши (иштаҳасизлик, безовталик, уйқунинг бузилиши, тана ҳароратининг кўтарилиши) ҳолати кузатилади. Пуфакли тошмалар гиперемияланган тери асосида учуксимон кўринишда жойлашиб, улар таркиби сероз ёки сероз-геморагик суюқликлардан иборат бўлади. Патологик жараён одатда қичишиш ва безовталаниш каби салбий шикоятлар билан кечади. Пуфакли тошмалар тезда ёрилиб эрозиялар ҳосил қиласи, бундай эрозиялар терини катта ҳажмдаги қисмларини эгаллаши мумкин, шунинг учун ҳам бундай ҳолатларда иккиласми инфекцияларнинг кўшилиш ҳолати кузатилади. Касалликнинг 3-6 ойларида пуфакли тошмалар ҳалқасимон, фестонсимон, марказида пегментация худуди бўлиши кўринишларида намоён бўлади. Касаликни авж олиши бир неча ойлардан бир неча йилларгача давом этиши мумкин, кейинчалик эса bemорлар аҳволи яхшиланади, касалликни қайталаниши камаяди, тахминан 2-3 ёшларга келиб эса касалликнинг кечиши ёз мавсумийлигига ўтади. Bemor болалар пубертат ёшида пуфакли тошмалар тошмаслиги мумкин. Лекин bemорларда тирноклар дистрофияси, товон гиперкератози, тишларнинг жойлашиш аномалияси, тиш эмали дефекти, кариес каби ўзгаришлар кузатилади.

Летал чегаравий тарқоқ пуфакли эпидермолиз ТБЭ касаллигининг энг оғир шакли бўлиб, касалликнинг ушбу тури билан кўпинча ўғил болалар хасталанадилар. Касаллик белгилари bemor болалар туғилган пайтларидан ривожланади ва жараён бутун бадан терисига енгил эрозияланган пуфаклар тошиши билан кечади. Никольский белгиси кескин мусбат кўринишда бўлади, катта эрозияли ўчоқлар узоқ вақт давомида эпителизацияланмайди, улар таркибида грануляцияланган яралар пайдо бўлиши мумкин. Bemor

болалар умумий аҳволи оғир бўлиб, анемия ҳолати кучаяди. Бундай камқонликнинг келиб чиқиши суяқ илиги фаолияти етишмаслигидан, деб ҳисобланади. Бундай камқонлик ҳолати беморлар қон зардобининг темир моддасини боғловчи хусусияти камайиши натижасида келиб чиқади, деб таъкидланади. Шунга асосланиб хулоса қилинадики, трансферрин шикастланган жойлардан зардоб плазмалари билан биргаликда чиқиб кетади, шунинг учун катта ҳажм кўринишида кечётган патологик жараёнда bemорларда анемия ҳолати кузатилади, бу эса сурункали темирнинг чиқиб кетиши билан ифодаланади. Катта эрозив ўчоқлар сувсизланишига олиб келади, натижасида сув-электролитлар мувозанати бузилади ва иккиламчи инфекцияларнинг қўшилишига сабабчи бўлади. Тошмаларнинг қайта тошиши уларнинг эски жойларидан чиқиши мумкин, бундай ҳолатларда ўша ерларда терининг атрофияланиши ҳолати кузатилади. Шиллик қаватларда пуфаклар ҳосил бўлиши касалликнинг ушбу турига хос бўлиб, улар жуда тез эрозияланади. Пуфакли тошмалар томоқ, ҳалқум ошқозон, ўт қопи ва ҳаттоқи, бронхлар шиллик қаватларида ҳам кузатилади. Тирноқларда ва тишларда дистрофия ҳолатлари кузатилади. Касалликнинг ушбу тури билан хасталангандек болалар тез орада вафот этадилар.

Хавфсиз чегаравий тарқоқ атрофик ТБЭ касалигининг бошланиши ТБЭ нинг летал тарқоқ шакли билан бир хил бошланади. Касалликнинг хавфсиз кўринишида кечиши йиллар давомида касалликнинг клиник кўриниши яхшиланишида ва атрофик жараёнларнинг камайишида (атрофик алопеция, чов, қўлтиқ ости бурмаларида), bemор болаларнинг ўсишдан орқада қолмаслигига кузатилади. Касаллик белгилари енгилроқ кечади, анемия кам ҳолларда кузатилади. Оғиз шилик қаватидан ташқари бўлган шиллик қаватлар кам ҳолатларда заарланади. Касалликнинг бу шаклида тирноқлар дистрофияси, уларнинг тушиб кетиши хос бўлиб, bemорларда тиш эмалининг гипоплазияси, эрта кариес ҳолатлари кузатилади. Кўпчилик bemор болаларда қўл кафти, оёқ кафти юзларида кератоз ҳолати яққол намоён бўлади. Касаллик хавфсиз кечиб, касалликнинг ушбу шакли билан хасталангандек bemорлар катта ёшларгача узоқ умр кечирадилар.

Инверсланган атрофик чегаралангандек клиник шаклида касаллик аломатлари bemор болалар туғилиши билан намоён бўлиши касалликнинг бу шакли учун хос бўлиб, тошган тошмалар терининг

йирингли касаллиги тошмаларини эслатади. Тошмаларнинг ўзига хослиги улар асосан бўйин, қўлтиқ ости, чов ва перианал соҳаларда жойлашади. Бемор болалар ёши 3-5 ойликка етганда жараён ўз-ўзидан ремиссия ҳолатига ўтади. Вакт ўтган сари тошмалар кўпинча катта бурма соҳаларида жойлашади. Пуфакли тошмалар ёрилгандан сўнг улар узоқ вакт битмайдиган эрозиялар ҳосил қиласди, астасекинлик билан уларнинг ўрнини атрофияли ўзгаришлар эгаллай бошлайди. Касаллик учун хос бўлган оқ атрофик чизиқлар мактаб ёшидаги bemор болаларда кузатилиб, улар катта бурмалар, тананинг ён соҳаларида, қўл ва оёқларнинг проксимал қисмларида жойлашади. Оғиз шиллик қаватлари, томоқ, қизилўнгач ва тўғри ичак соҳалари ҳам касалликка жалб этилиши мумкин. Бошқа ТБЭ билан хасталанган bemорлар каби касалликнинг бу турида ҳам тишларнинг ва тирноқларнинг дистрофияси ҳолати кузатилади.

Ривожланувчи атрофик чегарали ТБЭ аломатлари билан туғма карлик ҳолати кузатилади, бу иккита патологик геннинг қўшилиши натижасида келиб чиқади ҳамда касаллик аутосом-рецессив ўтиш табиатига эга бўлади. Касаллик нисбатан хавфсиз кечади, bemорлар қаригунларича яшайдилар. Беморлар катта ёшга етганларида эски тошмалар ўрнини атрофик яралар эгаллайди, касалликни қайталаниши тирноқлар дистрофияси ва онихолизис ҳолатларига олиб келади. Касалликнинг хавфли асоратларидан бири шуки, пуфакли тошмалар тил шиллиғига тошиши мумкин, бундай ҳолатларда эса кейинчалик тил сўргичлари атрофияси вужудга келади.

Локализацияланган чегарали атрофик ТБЭ чегарали ТБЭ касаллигининг энг енгил шакли бўлиб, жараён тишлар эмали гипоплазияси ва тирноқлар дистрофияси билан кечади. Пуфакли тошмалар катта ёшларда тоша бошлайди, лекин тошмалар кам микдорда учрайди, жараён енгил кечади, чандиқланиш, мутилияция ҳолатлари кузатилмайди. Мактаб ёшидаги bemор болаларда тошмалар тизза, товон тери соҳаларида жойлашади. Касалликнинг мавсумий қўринишда кечиши яққол намоён бўлади.

Чандиқланувчи чегаравий ТБЭ шаклида битиш жараёни чандиқланиш билан кечиши, бармоқларнинг ўсиб кетиши ва контрактураси, бурун йўлларининг торайиши каби ҳолатлар кузатилади.

Дистрофик ТБЭ нинг клиник шакли bemор болалар туғилиши билан бошланади. Bemор болаларнинг биринчи ойларидан бошлаб

тери соҳалари тарқоқ кўринишида заарланади, кейинчалик эса пуфакли тошмалар кўп шикастланадиган жойларда, яъни билак, товон, тизза, бўйин, бел соҳаларида жойлашади. Пуфакли тошмалар таранг кўринишида бўлиб, улар таркиби сероз ёки сероз-геморрагик суюқликдан иборат бўлади. Улар ёрилгандан сўнг эрозиялар ҳосил бўлиб, уларнинг битиши секин кечади ва ўзидан кейин атрофик чандиқлар қолдиради, кейинчалик бундай ўчоқлар ўрнида аниқ чегарали, устида миелинсимон эпидермал кисталар ҳосил бўлади. Касалликда шиллик қаватлар заарланмайди, лекин барча bemорларда тирноқлар заарланиши, дистрофияси, кам ҳолларда эса уларнинг тушиб кетиши кузатилади. Бемор болаларда ақл заифлиги ҳолати кузатилмайди, лекин улар жисмоний жиҳатдан ўсишдан орқада қоладилар. Вақт ўтган сари пуфакли тошмалар пайдо бўлиши камая боради, тирноқлар дистрофияси, тирсак, тиза, болдир соҳаларидағи атрофик чандиқлар касалликни эслатиб туради.

ТБЭ нинг доминант дистрофик гиперпластик тури bemор болалар туғилиши билан бошланади, жараён кам пуфакли тошмалар кўринишида кечади. Пуфаклар регрессияга учраган жойларда гипертрофик чандиқлар ва сўгалсимон гиперкератозлар пайдо бўлади. Шиллик қаватлар кучли равишда ва тез-тез заарланади. Пуфакли тошмалар иккиламчи, чандиқли стенозлар ҳосил қиласиди натижада томоқ, ҳиқилдоқ, ҳалқум, кўз шохпардасининг хирадашиши, симбелфаронларга олиб келади.

ТБЭ нинг доминант дистрофик албопапулоид тури эрта болалик давларидан бошланади ва доминант дистрофик ТБЭ нинг атрофик вариантига ўхаш кўринишида кечади. Бемор болалар 8-10 ёшга етганда бадан тери соҳаси, оёқ ва қўлларда думалоқ, оқ рангли, тери сатҳидан кўтарилиб турувчи, қаварчиқсимон чандиқлар ҳосил бўлади, уларни катталиги 1-2 см атрофида бўлади. Уларнинг сони якка, бир неча ўнлаб бўлиши мумкин, Беморларнинг умумий аҳволи қониқарли бўлиб, касалликнинг прогнози хавфсиз бўлади.

ТБЭ нинг мутацияланувчи тарқоқ дистрофик тури дистрофик ТБЭнинг энг оғир шакли ҳисобланиб, касаллик наслдан-наслга аутосом-рецесив йўл орқали ўтади. Пуфакли тошмалар битган жойлардан яна чиқишига мойилик ҳолати кузатилади. Тирсак, тизза букув соҳаларида катта чандиқли ўчоқлар, билак ва товон соҳаларида контрактуралар ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин, синдактилия, бармоқ охирлари мутацияси кузатилади. Тирноқ

пластинкалари тўкилиши кузатилмайди, балки вақт ўтган сари улар тушиб кетади ва касалликка хос бўлган онихгрифоз каби дистрофик ўзгаришлар кузатилади. Бошнинг сочли қисми териси атрофияси натижасида соchlарниng сийраклашиши ва дистрофияси кузатилади. Кўп касалларда тишлар заарланади, уларда кариес, тишлар эмали дистрофияси, тишлар жойлашуви аномалияси каби ўзгаришлар кузатилади. Тахминан 20 % беморларда оғиз шиллик қаватлари заарланади, ҳалқум, тўғри ичак соҳаларида ҳам гемаррагик суюқликли пуфаклар ҳосил бўлиши мумкин. Оғиз бўшлиғида чандиқлар ҳосил бўлиши тил ҳаракатини чеклайди, тил сўрғичлари атрофияга учрайди, микростомия кузатилади. Ҳалқум соҳасининг заарланиши унинг йўли торайишига, овқат ўтишининг қийинлашишига олиб келади, тўғри ичакда қабзият ҳолати кузатилади, дефекация пайтида эса кескин оғриқлар кузатилади. Конъюнктиванинг заарланиши одатда беморларнинг болалик пайларида кузатилади, касаллик белгилари кўзнинг ачишиши ва очган пайтда оғриқ бўлиши билан кечади. Беморлар умумий ахволи ҳолсизлик билан белгиланади, тез чарчайдилар, субфибрилитет узоқ вақт давом этади. Доимий оғриқларнинг бўлиши бемор ҳаракатини чегаралайди, муттиляция ва контрактуралар беморларни кейинчалик ногиронликка олиб келади, улар ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожланишдан орқада қоладилар. Кўп беморларда гипохром анемия ҳолати яққол намоён бўлади. Болаликнинг биринчи йилларида шиллик қаватларда жойлашган пуфакли тошмалар қобиғи таъсири билан асфиксия ҳолати кузатилиб, кўпинча ўлим ҳолати учрайди. Аспирацион пневмония, дерматоген сепсис, 30 ёшлардан кейин эса беморларда онкологик ўスマлар ва системли амилоидозлар кузатилиши мумкин. Беморларда вақт ўтган сари терининг битиш қобилияти сусая бошлайди, айrim ўчоқли яралар бир неча ой ва йиллар давомида битмаслиги мумкин.

Муттиляцияланмайдиган тарқоқ дистрофик ТБЭ клиникаси бўйича касалликни олдингисига ўхшайди. Фарқи енгил кечади, шиллик қаватлар заарланмайди, катта ёшга келиб касалликнинг кечиши енгиллашади, яъни касаликни қайталаниши камайиб, ҳар қайталанганда кечиши енгиллашади, аммо чандиқланиш ҳолати муттиляцияларга олиб келмайди.

Дистрофик жойлашган ТБЭ нинг бу шакли бола туғилиши билан бошланади, пуфакли тошмалар асосан шикастланаган соҳаларда

пайдо бўлади. Беморларда жараён бутун ҳаёти давомида айнан шу жойлардан пуфаклар чиқиши билан намоён бўлади.

Пуфаклар таркиби сероз ёки сероз-геморрагик суюқликдан иборат бўлиб, биринчи маротаба пайдо бўлганда улар қобиғи қаттиқ бўлади ва перефериқ ўсиш ҳолати кузатилади. Бир оз вақт ўтгандан кейин эса пуфаклар қобиғи юпқалашади, лекин улар таркибидаги суюқликнинг сўрилиши кузатилмайди, Никольский ва Асбо-Ганзен белгилари кучсиз мусбат кўринишларда бўлади. Пуфаклардан кейин пайдо бўладиган эрозиялар узоқ вақт давомида сувланади ва секин битади. Касалликнинг биринчи йилларида тошмалар жуда кам тарқалган ҳам бўлиши мумкин ҳамда тез битувчан, ўзидан кейин кўринар-кўринмас атрофия ва гипопигментациялар қолдиради, лекин бу жойлардан қайта тошмалар тошиши кузатилмайди. Касалликнинг бошқача кўринишида, яъни панжанинг орқа томонида, тирсакда, тиззада тошган пуфакли тошмалар яна доимо қайтадан тошади, улар битганидан кейин эса яққол чандиқли атрофиялар кузатилади.

Қўл ва оёқ кафти соҳаларида чегараланган кератоз ҳолати кузатилиши мумкин. 100% ҳолларда гипертрофия кўринишида тирноқлар дистрофияси кузатилади, улар кулранг, яшил рангларда бўлади. Айрим тирноқ пластинкалари ўз-ўзидан тушиб кетади ва улар ўрнини эса дистрофик кўринишга эга тирноқлар эгалайди. Тишларнинг заарланиши кузатилмайди, оғиз шиллиқ қаватининг заарланиши кам ҳолларда учрайди, учраса ҳам енгил кўринишда кечади.

Локализацияланган дистрофик ТБЭ инверсион тури ўзига хос кўринища бўлиб, тошмаларни нафақат танада, оёқ, қўлларда, балки бурмаларда (бўйин, қўлтиқ ости, чов сохаси) ҳам жойлашиши билан ажралиб туради. Касаллик белгилари bemor болалар туғилиши билан бошланади, пуфакли тошмаларнинг ўрнида енгил атрофия ҳолати кузатилади, синдактилия ва контрактуралар эса кузатилмайди. Бурмаларда пуфакли тошмалар битгандан сўнг милиар кўринишдаги элементларни енгил атрофия фонида кузатиш мумкин. Шиллиқ қаватлар заарланмайди, лекин айрим муаллифлар тилнинг эрта заарланиши натижасида қисқаришини, функционал микростомия ва кейинчалик эса ҳалқумнинг структураси кузатилишини қайд этадилар. Ёш ўтган сари касалликнинг кечиши енгиллашади ва bemorларда узок ремиссия ҳолати кузатилади.

ТБЭ нинг ярали вегетацияланувчи дистрофик тури кам учрайди. Касалликни бу турининг фарқи шундаки, терида нафақат пуфакли тошмалар, балки яна вегитацияланувчи яралар ҳосил бўлади. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати, милклар, томоқ, орқа тешик атрофлари ва кўз шох пардалари дистрофияси каби ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Томоқнинг заарланиши овознинг бўғилишига олиб келади, тишлар деформацияланади. Оғиз шиллик қавати соҳаси жуда қаттиқ заарланиши натижасида яраланиш, чандикланиш ва томоқ стенози каби ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Касалликнинг кечиши гепатоспленомегалия, анемия, иккиламчи амилоидоз ҳолатлари кўринишида кечиши мумкин.

Дистрофик ТБЭ нинг доғли тури бемор болаларда эмизиклик даврларидан бошланади, уч ойлардан кейин бошнинг сочли қисмларидан соchlар тўкила бошлайди, кейинчалик кўп бўлмаган пуфакли тошмалар ҳосил бўлади ва улар чандикланади. Ёз ойларида беморларда кўп миқдорда пуфакли тошмалар пайдо бўлиши кузатилади. Бир вақтнинг ўзида тўрсимон дисхромия ривожланади, қўл ва оёқларнинг дистал қисмларida ва бадан тери соҳаларида депигментацияланган доғли ўчоқлар пайдо бўлади. Тирноқ пластинкалари дистрофияланади, бармоқлар учли кўринишда бўлади, акроцианоз ҳолати кузатилади. Бемор болалар ақлан заиф, жисмоний жиҳатдан ривожланмаган бўлиб, одатда узок яшамайдилар.

Энтеропатик акродерматит

Энтеропатик акродерматит (ЭА) касаллиги оғир, ирсий аутосом-рецессив касаллик бўлиб, касалликнинг илк аломатлари эрта болалик даврларидан бошланади. ЭА касаллигини биринчи бўлиб швед дерматологи T.Brandt 1936 йилда тўрт нафар бемор мисолида терининг ўзига хос заарланишини, овқатланиш жараёнида сўрилиш ҳолатининг бузилиши ҳамда беморлар аҳволининг умумий ўзгариши билан кечишини таърифлаб берган. 1942 йилда эса норвегиялик шифокорлар N.Danbolt ва K.Closs лар касалликни “Энтеропатик акродерматит” номи билан аташни таклиф қилишган. Ҳозирги кунда эса ушбу термин кенг қўлланилиб келинмоқда ва бу атама орқали тери соҳаларининг заарланиши ва ошқозон-ичак тизими фаолиятининг бузилиши ҳолати тушунилади.

ЭА касаллиги билан хасталанган бемор болаларнинг отоналари кўпгина ҳолатларда касаллик белгилари кузатилганда дастлаб турар жой манзили бўйича маҳаллий шифокор-педиатр мутахассисга мурожаат қилишади. Аммо бу касаллик умумий амалиёт шифокорлари ўртасида кам ўрганилган касаллик бўлиб, bemorlarning уларга мурожаат этиш даврида касаллик манзараси тўлиқ ривожланмаган, шаклланмаган бўлиши мумкин, шу сабабли касалликнинг тўғри талқин этилиши ва ташхис қўйилиши қийинчилик туғдиради. Касаллик ўткир ичак инфекцияси, диарея, экссудатив диатез, пиодермия ва бошқа шунга ўхшаш касалликлар кўринишида кечиши мумкин, натижада касаллик ташхиси нотўғри қўйилиши натижасида касалликнинг оғир кечиши ва ўлим ҳолатлари кузатилиши мумкин.

ЭА касаллиги келиб чиқиши ҳақида бир қанча фикрлар мавжуд бўлиб, улар ичida ачитқили замбуруғ ва паразитар касалликлар каби инфекцияларнинг ўрни алоҳида ўрин тутади. Бунга сабаб тери ва шиллиқ қаватлардан ва ичаклардан олинган суртмаларда *Candida* авлодига мансуб бўлган замбуруғларнинг топилиши асос қилиб олинади. Айрим муаллифлар фикрича касаллик асосида ҳазм қилиш йўли ферментатив фаоллигининг пасайиши ҳолати ётади. Кейинги вақтларда касаллик асосида ирсий мойиллик ҳолати ётишини ҳамда уни аутосом-рецессив кўринишида юзага чиқиши таъкидланади. Бу фикрга асосан қон-қариндош никоҳлардан туғилган болаларда касалликнинг учраши ҳолати кўп қайд этилиши ўз исботини топган. M. Amer ва ҳаммуаллифлари (1984), томонидан ўтказилган текширувлар натижасида ЭА касаллиги билан HLA-A28 антигенлари ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлиги аниқланиб, бундай ҳолат касалликнинг ирсий табиатга эга эканлигини акс эттиради, деб қайд этилади. Ҳозирги кунда касаллик патогенезида триптофан ва тирозин метаболизми ҳолатининг бузилиши ётади, деган фикрлар мавжуд бўлиб, бунга сабаб bemorlarда учрайдиган жигар дисфункцияси ҳолати, деб ҳисобланмоқда. Кўпгина олимлар эса ЭА касаллиги асосида муҳим ўринни рух микроэлементи алмашинувининг бузилиши ҳолати ва унинг организмда этишмаслиги сабаб бўлади, деб ҳисоблайдилар. E.Y. Moynahan ва P.M. Barnes лар (1973), ЭА касаллиги билан хасталанган bemorlar қон зардобида рух моддаси миқдорининг кам бўлишини ва даволаш жараёнида ушбу микроэлемент қабул қилинганда эса bemorlar

ахволи яхшиланишини илк бор кўрсатиб берганлар. Кейинги пайтда ЭА билан хасталанган bemорлар организмида рух микроэлементининг етишмаслиги асосида аутосом-рецессив кўринишда кечувчи ирсий мойиллик ҳолати ётиши ва натижада ичак абсорбцияси ҳолатининг бузилиши кузатилиши тасдиқланган. Ҳозирги кунда бу етишмасликни исботловчи ички механизм ҳолати аниқланган бўлиб, даставвал ошқозон ичак тракти шиллиқ қавати ферментатив фаоллигининг пасайиши кузатилади, яъни ингичка ичакда олигопептидаза ферментлари фаоллигининг етишмаслиги ёки учрамаслиги ҳолати кузатилади, бу эса ўз навбатида қонда микроэлементларнинг сўрилишига тўсқинлик қиласидан олигопептиднинг рух билан эримайдиган комплексининг ҳосил бўлишига олиб келади. Бошқа ҳолатларда эса ошқозон ости безини цинк боғловчи факторини ишлаб чиқишига ва унинг фаоллигига жавоб берувчи патологик геннинг ирсийланишига тахмин қилинади. Рух микроэлементини боғловчи факторнинг функционал аҳамияти рухнинг ингичка ичакдан қонга сўрилиш жараёнини енгиллаштиришдан иборат. Бу факторнинг аёллар кўкрак сутида бўлмаслиги ҳолати ҳам аниқланган бўлиб, унинг амалий жиҳатдан аҳамияти жуда катта. Она сути янги туғилган чақалоқларда туғма рух боғлаш факторининг етишмаслигини таъминлаш ва ЭА клиник манзараси ривожланишига тўсқинлик қилиш хусусиятига эга. Бундай ҳолат bemор болани сунъий овқатлантиришга ўтказиш даврида касалликнинг бирламчи белгиларининг намоён бўлиши билан исботланади.

Рух микроэлементининг биологик аҳамияти шундан иборатки, у кўпчилик фермент тизимлари фаолиятида иштирок этади. Ҳозирги кунда рух микроэлементи муҳим компонент бўлиб ҳисобланган 90 дан ортиқ ферментлар мавжуд. Рух нуклеин кислота метаболизми ва оқсил синтезида иштирок этади: ДНК ва РНК полимеразалар, тимидинкеназалар таркибида киради; Рибонуклеаза, НАДФ оксидазага ингибирловчи таъсир кўрсатади; макрофаглардаги АТФ азалар фаоллигини пасайтиради. Бундан ташқари рух фермент каби таъсир қилиб, РНКнинг фосфодиэстераза кўпригини бириктиради ҳамда ДНК структурасини стабиллаштириб биокимиёвий жараёнларни жадаллаштириши мумкин. Биокимёвий жараёнларда рух концентрацияси қисқа диапозонида ижобий, бу диопозондан ташқарида эса салбий таъсир кўрсатади. Рух хужайра циклининг

барча фазаларида зарур бўлиб, плазматик ва хужайралараро мембраналарни эркин радикал оксидланишдан ҳимоялайди, стабиллайди ҳамда фосфор-кальций алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади, ноорганик фосфор моддаси сўрилишини ошириб, суяқ тўқимаси метаболизми ва ўсишида иштирок этади. Рух гормон моддалари таъсирини оширади ва метаболизмида иштирок этади. Рух кўп миқдорда гипофизнинг олдинги бўлагидаги хромотофил хужайраларида аниқланган, шунинг учун гипофиз бошқа аъзо ва тўқималар орасида рух микроэлементини тутиши бўйича биринчи ўринда туради. Рух АКТГ га таъсир кўрсатиб, унинг фаоллик таъсирини узайтиради. Рух микроэлементи жинсий безларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади ва гипофизнинг тропик гормонлари таъсирини фаоллаштиради. Рух ионлари инсулин синтезида ҳам иштирок этиб, улар таъсирини узайтиради ҳамда ошқозон ости беziдаги в-хужайраларидан гормон ажралишига таъсир қиласи. Рухни фагоцитоз жараёнини фаоллаштириш йўли билан организмнинг инфекцияларга нисбатан бўлган тўсқинлигини ошириши аниқланган. Рух етишмаслиги хужайра мембраналарининг ностабиллигига, простогландинларнинг тез айланишига олиб келади ва лимфоцитлар пролиферациясини тормозлайди. ЭА билан оғриган беморларда полиморф ядроли лимфоцит ва моноцитлар хемотоксисининг бузилиши ҳамда организмда инсулин тизими ҳолатининг пасайиши аниқланган. Рух ичак шиллиқ қавати регенирациясини тезлаштиради ва энтероцитлар ишқорий ботиқлиги фаоллигини эса оширади.

K.Weismann ва H.Hoyer лар (1983) фикрича рух етишмаслиги тери ва соchlарнинг заарланишига олиб келади. Рух моддасини латент етишмовчилигига терининг қуруқлашиши ва ғадир-будирлиги ҳолати кузатилади. Рух моддасининг ўткир етишмаслигига эса экзематоз ва пруригиноз тошмалар, себороидлар, кафт ва бармоқлар букувчи бурмаларида яssi пufакчалар, паранихиялар, товон, панжа, аногенетал аъзолар ва юз териси экскориациялари ҳолати ривожланади. Сурункали етишмовчилигига эса теридаги ўзгаришлар пилакчали (панжа, товон, тизза, табиий ёриқлар соҳасида) ёки ёриқли экзема қўринишида, тарқоқ шакллари эса алопеция ҳамда тирноқлардаги чизиклар қўринишида намоён бўлади. Организмда рух моддасининг етишмовчилиги ҳомиладор аёлларда теротоген самарани юзага чақиради, тана вазнининг

пасайишига, болаларни ўсиш ва жинсий жиҳатидан ривожланишдан орқада қолишига олиб келади. Рух етишмовчилиги катталарга нисбатан болаларда кўпроқ учрайди, бу болалар ҳаётининг биринчи уч ойларида рухнинг кам миқдорда бўлишини англатади. Агар она организмида гипоцинкемия бўлса, эрта ёшда, ҳатто эмизикли даврда ҳам ЭА бошланишига сабаб бўлиши мумкин. Аниқланишича ҳомиладор аёл ёки эмизикли она қонида рух миқдори сезиларли пасайган бўлади. Ҳомиладор аёлларда ҳомила ҳисобига цинк миқдори ўртacha икки баробар пасайган бўлади, ҳомиладорликни 35 кунига келиб эса кам оқсиллик парҳез ҳисобига рух танқислиги ҳолати ривожланади. Рухнинг аъзо ва тўқималарда тўпланиши натижасида ҳомиладорликнинг охирги иккинчи ойида актив транспланцентар ҳаракати фаоллашишига тахмин қилинади. Ҳомиладорлик даврида рух микроэлементига талаб сезиларли даражада ортади ва у 37 мг ни ташкил қиласи. Аёллар кўкрак сути таркибида рух микроэлементи концентрацияси эмизиш вақти ва лактация даври ҳисобига ўзгаради, унинг миқдори аста-секин камаяди. Рух концентрацияси молозивада (офиз сути) кўп миқдорда учрайди. Аёл сутида лактациянинг биринчи даврида унинг миқдори ўртacha 3 гр/л. ни ташкил қиласи, сўнг 1,3–1,4 гр/л. гача пасаяди. Гипогалактияда рух миқдори кескин даражада пасаяди. Бунда лактоген гармон берилганда лактациянинг кучайиши ва бу микроэлемент миқдорининг ортиши ҳолати аниқланади. Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар организмда рух микроэлементининг аҳамияти жуда катта эканлигини, организмда ушбу модда миқдорининг танқислиги ҳолати эса ЭА патогенезининг асосий звеноси бўлишини кўрсатади.

Рух микроэлементи миқдорининг она организмида етишмаслиги сабабли она сутини қабул қилаётган болада касаллик ривожланиши ҳолати кузатилиши мумкин. Катта ёшдаги болаларда касалликнинг бошланиши ва авж олишига қонда рух миқдорини пасайтирувчи ҳар қандай патологик омиллар сабаб бўлиши мумкин. Энтеропатик акродерматит касаллигининг кечишида иккита давр кузатилади: ремиссия ва авж олиш даврлари, уларнинг ҳар бирининг кечиши, оғирлигининг, ўз вақтида ташхис қўйиш ва даво чораларининг адекватлигига боғлиқ. Бемор болалар пубертат ёшга етганда касалликнинг кечиши стабиллашади, айрим ҳолларда эса тўлиқ ремиссия ўтади. Касаллик клиникасида дерматит ҳолати табиий

тешиклар атрофика кузатилади, жараён сурункали диарея ҳолатида кечади, кўз ва оғиз шиллик қаватларининг заарланиши, соч ва тирноқларда эса дистрофик ўзгаришлар ҳамда алопеция ҳолатлари кузатилади. Айрим ҳолларда беморлар ўсиш ва ривожланишдан орқада қоладилар, уларда гипогонадизм, безовталик, трепор, мияча атакцияси ҳолатлари кузатилади. ЭА билан хасталангандан бемор болалар турли хил инфекциялар ва замбуруғлар билан заарланишга мойил бўладилар. Теридаги патологик жараён симметрик кўринишга эга бўлиб, асосан табиий тешиклар атрофика, жумладан, генетал аъзолар, анал тешиги, тизза, кафт бўғимлари ва думба соҳаларида жойлашади. Тошмалар эритематоз-шишли ўчоқлар асосида жойлашган пуфакчали ва йирингчали тошмалардан иборат бўлади. Ўчоқлар нотўғри шаклга ва аниқ чегарага эга бўлади. Табиий бурмалар тери соҳаларида, генетал шиллик қаватлари ва оғиз бурчакларида айрим ҳолларда тўқ-пушти рангли эрозиялар ҳосил бўлади, баъзида бу эрозиялар юзаки атрофия кўринишида битиб кетиши мумкин. Эрозияли ўчоқлардан суртма олиб текширилганда, кўп ҳолларда *Candida* оиласига мансуб замбуруғлар аниқланади. Бундан ташқари хейилит, эрозияли стоматит, тил папилламотози, блефарит, блефароконъюнктивит, ташқи отит, вульвит, парокератит каби клиник кўринишлар ҳам кузатилади. ЭА нинг энг кўп учрайдиган белгиларидан бири бу ошқозон-ичак йўли фаолиятининг бузилиши бўлиб, унда анорексия ва диарея ҳолатлари кузатилади. Беморлар ахлати сарфимтир—яшил рангли, ҳазм бўлмаган овқат қолдиқларидан иборат ва бадбўй хидли бўлади.

Касалликнинг кечишида кўпчилик bemорларда гипо ва анацидли гастрит ҳолатлари кузатилади. Тери ва соchlарнинг заарланиши касалликнинг асосий белгиси бўлиб ҳисобланади. Кўп ҳолларда терининг қуруқлашиши, сувсизланиши, қизариш, шишлар ҳосил бўлиши ва йирингчаларнинг пайдо бўлиши қайд этилади. Тирноқ пластинкалари дистрофияга учраб, лизис, яъни уқаланиб тушиш ҳолати кузатилади. Бошқа ҳолатларда эса тирноқларнинг қалинлашиши ва вертикал ҳамда горизонтал кўринишда чизиклар ҳосил бўлиши мумкин. Айрим муаллифлар касалликда ошқозон ости безининг вазифаси ва тузилишининг бузилиши ҳолатларини қайд этадилар. Бунга мисол қилиб летал ҳолатга олиб келувчи оғир ҳолларда патологоанатомик текширувларда ошқозон ости бези фибрози ҳолатининг кузатилиши асос қилиб олинади. Айрим

ҳолларда ЭА билан оғриган беморлар жигар аъзоси ўлчамининг катталашиши ва трансаминаза ферменти фаолиятининг фаоллаши аниқланади, баъзан эса беморларда тана ҳароратининг эрталаб ва кечқурун 38,5–39,5°C гача кўтарилиши қайд этилади.

Касаллик ташхиси қуйида қайд этиладиган асосий ва қўшимча диагностик мезонлар асосида қўйилади:

I. Асосий диагностик мезонлар (эрта ривожланувчи):

–Туғилгандан сўнг касаллик биринчи 2–10 ойлардан аста–секин бошланади.

–Терининг аниқ чегарали, симметрик жойлашган эритематоз ёки везикуло–буллёз ўчоқли заарланиши (оғиз атрофи, бурун, кўз атрофида, паронихи кўринишида, сўнг тизза кафт бўғимларида, йирик бўғимлар, сон ва думба соҳаларида) кузатилади.

–Блефарит, конъюнктивит, бурун йўлларида серроз–геморрагик қатқалоқларнинг қалинлашиши кузатилади

–Диарея II. Кўшимча диагностик мезонлар (кеч ривожланувчи):

–Терининг патологик заарланиши катта эрозив ўчоқларни ҳосил қиласи, қўшилишга мойил бўлади, экземага ўхаш кўринишда бўлади, серрозли–йирингли қобиқ ва қипиқли қатқалоқлардан иборат бўлади.

–Анемия

–Гипотрофия

–Психосоматик ривожланишдан орқада қолиш

–Алопеция

–Ониходистрофия, онихолизис

ЭА касаллиги 3 хил оғирликда кечади:

1. Енгил. Терининг заарланиши периорал ва перианал соҳаларда, қисман чов бурмалари ва можк соҳаларида пуфакча ва намланиш белгиларисиз аниқ чегарали эритемалар билан намоён бўлади. Беморларнинг умумий аҳқоли ўзгармайди, уйқу, иштаҳа ва кайфият бузилмайди. Диарея ҳолати енгил кечади ёки кузатилмайди, гипотрофия кузатилмайди, енгил даражадаги камқонлик қайд этилади.

2. Ўрта оғирликда. Терининг патологик заарланиши тарқоқ кўринишда бўлиб, юз, ёнбош, соннинг ташқи юзаси, панжа, товон, тизза тери соҳалари зарарланади ва парапаронихиялар кузатилади. Блефарит, конъюнктивит, иштаҳанинг пасайиши, уйқунинг бузилиши, умумий безовталик ҳолатлари кузатилади. I–даражали

гипотрофия ва камқонлик кузатилади. Яққол кўринишдаги диарея ҳолати қайд этилади. Иккиламчи инфекцияларнинг қўшилиш эҳтимоли бўлади.

3. Оғир. Терининг тўлиқ заарланиши қайд этилади. Беморларнинг умумий ахволи сезиларли даражада бузилади, иштаҳасизлик, безовталиқ, юзаки уйқу, адінамия ҳолати кузатилади. II–III даражали гипотрофия, анемия қайд этилади. Электролитларнинг йўқотилиши натижасида ичак атонияси ҳисобига ич келмайди. Иккиламчи инфекцияларнинг қўшилиши кузатилади.

ЭА касаллиги болалар экземаси, йирик бурмалар кандидози, туғма чин пўрсилдоқ яра, Голлопо акродерматити каби касалликлар билан таққосланади. Болалар экземасида кучли қичишиш ҳолати кузатилади, пуфакли кўринишда тошма элементлари бўлмайди, жараён перифациал соҳаларда жойлашиб, диарея, алопеция ҳолатлари кузатилмайди, аллерген сақловчи таомлар истеъмол қилганда эса касалликнинг кучайиши ва оғирлашиши ҳолати кузатилади. Кандидозли ўчоқларда тошма элементларни усти қиртишлаб кўрилганда тез кўчувчи оқиш карашлар ҳосил бўлади, эрозиялардан суртма олиб текширилганда эса ачитқили замбуруғ аниқланади. Туғма чин пўрсилдоқ яра касаллигида жароҳатланган соҳаларда пуфакли тошмалар ҳосил бўлиб, тошма элементлари перифациал кўринишда жойлашмайди ва турғун диарея ҳолати кузатилмайди. Голлопо акродерматитида касаллик белгилари панжаларнинг тирноқ фаланглари ва товон соҳаларининг заарланиши билан бошланади. Касаллик белгилари тарқалишга мойил бўлмайди, алопеция ва диарея ҳолатлари эса кузатилмайди.

1953 йилда C.Dillaha ЭА ни даволашда илк бор гидроксихинолиннинг голлоид унумларини қўллашни (дийодохин, энтеросептол) тавсия қилган. Бу дори воситалари қўлланганда касалликнинг кечиши сезиларли даражада яхшиланади. Ҳозирги кунда энтеросептолнинг таъсир механизми ЦСФ нинг асоси ҳисобланган пинолин кислота билан кимёвий боғлиқлигига, деб ҳисобланади. Касалликнинг ўткир кечиш даврида энтеросептолни касаллик оғирлик даражаси ва bemor боланинг индивидуал ҳолатидан келиб чиқиб кунига 0,75-1,5 г дозада тавсия қилинади. Теридаги патологик жараёнлар, диспептик ўзгаришларнинг йўқолиши ва бола умумий ахволининг яхшиланишига қараб дори

воситасининг кунлик дозаси аста-секин 0,125–1,5 гача пасайтирилиши мумкин. Л.А. Штейнлухт фикрига кўра катта дозадаги энтеросептол ўртача 3–4 ҳафта давомида қўлланилади, сўнг эса ушлаб турувчи дозагача камайтирилади. Замонавий даво жараёнларида бу гурӯҳ препаратлари яхши терапевтик самара беришига қарамай кам қўлланилади. Бунга сабаб жиддий ножўя асорат ва тасиротлар, яъни перифирик неврит, миелопатия, кўрув нервининг заарланиши, жигар ва буйрак функциясининг бузилиши, аллергик жараёнлар каби ножўя ҳолатлар юзага келади.

Е.Moyhan 1973 йилда илк бор ЭА касаллигини даволашда рух сульфат дорисини қўллашни таклиф қиласди. N.Threson, H.Reich, K.Weismanлар касалликни рух препарати билан даволаш усули энтеросептол билан даво усулидан устун эканлигини исботлаб беришган. Рух дори воситалари (аспартат, глюканат сульфат) ичида касалликни даволашда рух оксиди препарати кўпроқ қўлланилади. Ҳозирги кунда рух препаратининг оптимал дозаси ҳақида аниқ тўхтам йўқ, айрим муаллифлар 2 баробар дозада даволашни таклиф қилишса (соғлом одамга нисбатан нормада), бошқалар эса кунига 60 дан 100 мг/кг гача беришни, чақалоқларга эса ҳар 1 кг тана оғирлигига 1 мг дозада тавсия қилишади. П.Т. Зоиров ва ҳаммуаллифлари ЭА билан хасталангандек болаларни даволашда тана вазнига нисбатан 2 мг доза қўллашни, З.И.Новикова эса 6 ойгача – 0,03 г/; 6–12 ойгача – 0,03–0,045 г/; 1–3 ёшгача – 0,06–0,09 г/; 3–6 ёшгача – 0,075–0,09 г/; 6 ёш ва ундан катталарда эса – 0,09–0,15 г/ белгилашни тавсия этадилар. Аммо айрим ҳолларда bemorлар қон зардобида рух микдорининг сезиларли даражада пасайиши ҳолати кузатилмайди, лекин рух препаратларини қабул қилинганда ижобий терапевтик самара бир неча кундан сўнг кузатилади. ЭА ни асоратсиз кечиши ҳолатларида даволашда рух препаратларини қўллаш билан чегараланиш мумкин, оғир ҳолларда эса рух моддаси билан бирга умумқувватловчи (С, В витаминалари, оқсил препаратлари, г–глобулин) ва ферментатив моддаларни (дигистал, интестопан, панкреатин) қўллаб комплекс даво ўтказиш керак. Иккиласми инфекциялар қўшилганда эса кенг таъсир доирали антибиотиклар қўлланилади. Рух моддасини қабул қилишни тўхтатиш касалликнинг қайталанишга сабаб бўлади, шунинг учун ҳам ҳар қандай ҳолатларда ҳам рух препаратини қўллаш давомий бўлиши

лозим. Ушлаб турувчи дозани буюраётгандан бола ёшини инобатта олиш ҳамда интеркуррент касалликлар қўшилганда эса дори воситаси дозасини ошириш керак.

Гипотрофия ва анемия ҳолатлари кузатилганда апилак ва темир препаратлари (ферроплект, молтофер сиропи, феррум–лек, актиферрин, феркайл), иммунодефицит ва иккиламчи инфекциялар қўшилганда эса иммуномодулятор (иммуномодулин, тимоген) ва антибиотиклар қўшиб берилади.

Касаликнинг маҳаллий давоси сифатида 1% ли анилин бўёқларининг сувдаги эритмалари, индефферент малҳам ва пасталар, иккиламчи инфекция қўшилиши натижасида эса антибактериал малҳамлар тавсия қилинади. Аммо теридаги жараёнларни даволашни, айниқса, болаларда айрим қийинчилик юзага келади. Тузалиш жараёни чандиклар ҳосил бўлмасдан кечса ҳам, бироқ кўпинча эрозиялар инфекцияланиши ва секин эпителизация ҳоллари кузатилади. Чақалоқлик даврида болаларга талаб қилинадиган алоҳида эътибор маҳаллий даво учун қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда ушбу касаликнинг маҳаллий давосини рационлаштириш мақсадида ўзида ассоциат глалурон кислотаси ва рух моддаси сақлаган Куриозин препаратини (Гедеон Рихтер, Венгрия) қўллаш янгилик бўлиб ҳисобланади. Ушбу дори воситасини маҳаллий эритма ва малҳам шаклида қўллаш таклиф этилади. Куриозин эритмаси иккиламчи инфекция белгиларисиз намланган ёки қуруқ эрозиялар юзасига кунига 2–3 маҳал суртилади. Аввалига эрозиялар юзаси натрий хлориднинг физиологик эритмаси билан тозаланади. 1 кв. см. заарланган соҳага 1 томчи куриозин эритмаси қўлланилади. Эритма суртилгандан сўнг қуриши учун бемор болани 15–20 дақиқага йўргакланмаган ҳолда кийимсиз қолдирилади. Имконият бўлмаганда эса 1 қават стерил докали салфетка қўлланилади ва бола йўргакланади. Боғламнинг ёпишиши ҳолати кузатилмайди, лекин салфеткани хўллаш учун эритмадан кўпроқ ишлатилади. Иккиламчи инфекция белгиларисиз қуруқ эрозиялар юзасига дори воситаси кунига 2–3 маҳал юпқа қилиб суртилади. Суртма қўлланишидан олдин эрозиялар юзаси натрий хлориднинг физиологик эритмаси билан тозаланади. Дори воситасини қўллаб даволашдан ташқари ЭА билан хасталанган bemorларга рух микроэлементига бой овқат маҳсулотлари тавсия этилади. Рух

микроэлементи кўп миқдорда хлорофиллга бой бўлган ўсимликларда (нўхат, пиёз, қўзиқорин, ёнғоқ), гўшт ва сут маҳсулотларида бўлади. В гурух витаминларга бой маҳсулотлар ҳам кўп миқдорда рух микроэлементини сақлайди.

ЭА нинг клиник кўриниши бошланиши ва оғирлик даражаси бола туғилган муддатда она сутининг таркибидаги рух миқдорига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Бемор бола онасида, ҳомиладорлик ва эмизиклик даврида рух моддаси танқислиги қанчалик кўп кўкрак билан овқатлантириш вақти қанчалик қисқа бўлса ЭА касаллиги шунчалик эрта, ўткир клиник кўринишларда бошланади. Агар оналарда bemor бола туғилиш хавфи кузатиладиган бўлса, физиологик рух танқислиги ҳолатини олдини олиш мақсадида оналарга ҳомиладорлик ва эмизиклик даврларида қўшимча рух препаратлари тавсия қилинади. Оилаларда bemor болалар туғилишини олдини олиш учун профилактик чоратадбирлар ўтказиш мақсадида яқин қон-қариндошлар орасида турмуш қуриш яхши оқибатларга олиб келмаслигини, аёл организмининг қайта тикланиши учун туғруқлар орасида 2-3 йиллик интервал бўлиши кераклигини, қонда темир моддаси танқислиги мавжудлиги туфайли туғма патологиялар хавфининг бўлиш эҳтимоли ошганлиги учун анемия ҳолатларини даволаш зарурлиги ҳақида сухбатлар ўтказилиши лозим. Бемор болаларнинг оилавий анамнези шуни кўрсатадики, ЭА билан хасталанган болаларни туқсан барча оналарда ҳомиладорлик даври камқонликнинг II-III даражаси билан кечади. Кўпчилик аёллар камқонликни саломатликнинг пасайиши, деб ҳисобламайдилар, шунинг учун bemor бола туғилишига таъсир қилувчи патологияларни аниқлаш ва олдини олиш мақсадида нафақат ҳомиладорлик даврида, балки ундан олдин ҳам аёллар саломатлигини ҳар тарафлама тўлиқ текшириш керак. Бунинг учун ота-оналарга аёл организмини соғломлаштириб олиши учун ҳомиладорликни аввалдан режалаштириш зарурлиги ҳақидаги маълумотлар етказилиши зарур. ЭА касаллиги прогнозида HLA тизимларидаги антигенларни гистологик мос келишини, церулоплазмин ва гаптоглобулин фенотипларини, bemor бола туғилиши хавфи бўлган бўлажак ота-оналар қон гурухларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади ва ушбу маркерларни аниқлаш ташхис қўйиш жараёнига катта ёрдам беради.

Дарье касаллиги

Дарье (вегетацияланувчи фолликуляр дискеротоз) касаллиги наслдан-наслга аутосом – доминант йўл орқали ўтувчи дерматоз бўлиб, уни илк бор 1889 йилда Дарье таърифлаб берган. Касаллик белгилари асосан беморларда болалик даврларидан кузатилади. Касаллик патогензида А витаминининг мутаген кўринишдаги етиш-маслиги ҳолати ётади, деб таърифланади. Касаллик организмда мугузланиш жараёнининг бузилиши билан кечиб, беморларда дискератоз ҳолати кузатилади. Касаллик сурункали-қайталама кўринишда кечади, жараён кечишининг оғирлашиши ҳолати асосан йилнинг ёз ойларига тўғри келади. Касалликнинг фолликуляр, чегараланган (чизикли ёки зостериформ), изоляцияланган (сўгалсимон дискеротома) ва везикуло-буллёз турлари тафовут этилади.

Дарье касаллиги белгилари тариқ катталигидан нўхат катталигигача бўлган, қизғиши-сариқ, тўқ жигарранг кўринишларда бўлган, тугунчали тошмаларнинг тана тери сатҳларида симметрик, айrim ҳолларда эса ассимметрик кўринишда намоён бўлиши билан кузатилади. Тугунчали тошмаларнинг асосий қисми кирсимон кулранг кўринишда бўлган шоҳсимон қобиғ ва юзалари мустаҳкам ўрнашган қипиклар билан қопланган бўлади, улар кўчганда тошмалар сатҳи намланган ёки куруқ кўринишда бўлади ва маркази гирдоб шаклида чуқурлашади. Тугунчали тошмалар аввалига тарқоқ фолликуляр кўринишда, кейинчалик эса гуруҳ-гуруҳ шаклда намоён бўлади ва улар бир-бирлари билан қўшилишиб катта ҳажмдаги плакчаларни ҳосил қиласи. Бундай ўчоқлар юзаси сўгалсимон кўринишда бўлиб улар шикастланишга ва намланишга мойил бўлади ва бундай кўринишлар қўпинча себореяли экзема жараёнининг кечишини эслатади. Тери буралари соҳаларида жойлашган плакчали ўчоқларда пуфакчали ва пуфакли тошмалар пайдо бўлиши ва улар асосида эса кейинчалик ёриклар ва ўсишлар кузатилиши мумкин. Беморлар бошининг сочли қисмларида кўринарли даражада бўлган кўп қатламли қипикланиш-қазғоқланиш ҳолати кузатилади, кейинчалик эса соchlарнинг тушиб кетиши кузатилади, касалликни бундай кўринишда, оғир даражада кечиши себореяли экзема касаллигини эслатади. Кўл ва оёқ кафти бармоқлари ташқи юзаларида худди ўсмирлар сўгали кўринишида бўлган кулранг папилламатоз ўсимталар кўл ва оёқ кафти ички

юзаларида эса чизиқсимон ёки думалоқ-овал шаклидаги гиперкератоз ҳолати кузатилади, улар ўз навбатида майда чуқурчалар билан кетма-кетликда жойлашади. Оёқ ва қўл бармоқларида ониходистрофия ҳолати кузатилиб, улар онихографоз ва тирноқ ости гиперкератози кўринишларида бўлади. Оғиз ва жинсий аъзолар шиллик қаватларида оқиши-кулранг кўринишида бўлган, алоҳида-алоҳида жойлашган тугунчали тошмалар кузатилади, уларнинг кўриниши худди лейкоплакия ва лейкокератозларни эслатади. Дарье касаллиги ўпка, суюкларда фиброз ва кистоз ўзгаришлари, генитал гиперплазиялар, эндокрин бузилишлар ҳамда интеллектнинг сусайиши каби ўзгаришлар билан бирга кечади. Кўз тубида дегенератив ўзгаришлар ҳамда чандиқли ретинопатиялар кузатилиши мумкин.

Гистологик эпидермал оралиқларда ёриқ кўринишидаги бўшлиқлар, акантологик ҳужайралар, гиперкератоз, гипергранулёз жараёнлари кузатилади. Эпидермис мальпигий қаватида думалоқ танаачалардан ташкил топган дискератотик ўчоқлар, дермада эса қон томирлар атрофида полиморф кўринишида периваскуляр инфильтратлар кузатилади.

Касалликнинг таққослов ташхиси Хейли-Хейлининг оиласи ҳавфсиз кечадиган пуфакли яра касаллиги тури, қизил яssi темиратки, себореяли экзема, Левандовский-Лютцанинг верруцияланадиган дисплазияси ва Девержи касалликлари билан олиб борилади.

Касалликнинг давоси узоқ вақт давомида A, E витаминаларини қабул қилиш билан олиб борилади. A витамини кунига 100000 – 200000 МЕ 2-3 ой давомида белгиланади, 1 йилда шундай курслардан 2 марта ўтказилади. E витамини кунига 100 мг дан овқатдан кейин 2 ой давомида тавсия этилади. Никотин кислотаси кунига 0,05 г дан 3 маҳал 3-4 ҳафта давомида белгиланади. Маҳаллий даво чоралари умумий ванналар қабул қилиниши, салицил кислотасини 2-5 % ли малҳамларини қўллаш тарзида олиб борилади. Иккиламчи инфекциялар қўшилган ҳолатда антибактериал даво чоралари қўлланилади.

СОЧ ВА ЁҒ БЕЗЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўчоқли алопеция

Соч касаллуклари барча тери касалликларининг тахминан 4 %ни ташкил этади. Сочларнинг касалланиши билан кечадиган дерматологик касаллуклар ичида ўчоқли алопеция (ЎА) касаллиги кенг тарқалган бўлиб 1-3 %ни, болалар ўртасида учрайдиган тери касаллукларининг эса 4-8 %ни ташкил этади, умуман эса инсонлар ҳаёти давомида ушбу касалликнинг юзага келиш хавфи 1,7 %ни ташкил этади.

Ўчоқли алопеция касаллиги полиэтиологик характерга эга касаллик бўлиб, унинг вужудга келишида марказий ва вегетатив асаб тизимидағи, эндокрин тизимидағи функционал ўзгаришлар, қон томирлардаги ўзгаришлар, ҳужайра даражасидаги адренергик ва гормонал бузилишлар сабаб бўлади, улар эса ўз навбатида соч фолликулаларининг қон томир ва асаб толалари тузилмасида дистрофик жараёнларнинг вужудга келишига олиб келади.

Алопеция касаллигининг ривожланишида нейротрофик омилларнинг ўрни катта. Нейротрофик омиллар эпидермис ҳужайраларининг пролиферацияланиш жараёнини бошқаради, апоптоз ҳолатини, соч фолликулаларининг ривожланиш циклини ҳамда меланогенез жараёнини назорат қиласи. Асабий ва эмоционал ҳаяжонланиш нейровегетодистониянинг ривожланишига сабабчи бўлиб, ўз навбатида ушбу касалликда соч фолликулаларида чукур бузилишларнинг вужудга келишига олиб келади.

Касалликнинг кўпинча стресс ҳолатларидан сўнг вужудга келиши ҳолати кузатилади. Жумладан, бундай ҳолат болаларда алоҳида аҳамият касб этади. Қатор муаллифларнинг фикрларига кўра болаларда ЎА касаллигининг вужудга келишида атроф-мухит триггерлари таъсиридан бири бўлган стресс ҳолатининг таъсири 9,5% дан 80% гачани ташкил этади. Алопеция касаллигини вужудга келтирувчи омиллар текширилиб, таҳлил этилганда кучсиз асаб тизимиға эга bemорларда 76,3% ҳолатларда алопеция ўчоқлари кузатилиши қайд этилган. Бошқа кучга эга bemорларда эса бу

күрсаткич кам даражада кўринарли бўлганлиги аниқланган. Олинган маълумотларга кўра кучли ва оралиқ асаб тизимиға эга bemорларга қараганда, кучсиз асаб тизимиға эга bemорларда қисқа вақт ичида алоҳида жойлашган кичик алопеция ўчоқлари кўпайиб кетиши, кейинчалик эса улар катта ҳажмларни эгаллаши қайд этилади.

ЎА касаллигининг турли клиник шакллари билан хасталанган 97,3% bemор болаларнинг асаб тизимида полиморф кўринишдаги органо-функционал ўзгаришлар бўлиши аниқланган. Ўтказилган текширувлар асосида ЎА кечишида касалликнинг оғирлик даражаси билан вегетатив-трофик ва вегетатив-қон томирлардаги ўзгаришлар даражаси ўртасида узвий боғлиқлик борлиги кузатилди, бундан ташқари касалликнинг оғирлик даражаси билан церебрал ва цереброспинал соҳаларда органик бузилишлар бўлиши ҳам қайд этилди.

ЎА билан хасталанган bemорларда церебрал қон томирлар деворлари эластиклиги ҳолатининг пасайиши, дистония ҳолатининг кузатилиши ва бу вақтда гиптонус ҳолатининг ошиши қайд этилди. Веноз қон оқиши ҳолатининг бузилиши кейинчалик эса мия ичи босимининг ортишига, артериал қон томирларининг қон билан тўлишининг ўзгаришига, периферик қаршиликнинг кучайишига олиб келади. ЎА касаллиги патогенезида организмнинг гормонал, медиатор ва модуляция вазифасини бажарадиган, пептидергик сигнал тизимини ташкил этадиган опиат тизими вазифасининг етишмаслик ҳолати ҳам қайд этилади.

ЎА касаллиги патогенезида эндокрин тизими фаолиятининг бузилиши ҳолати алоҳида ўрин тутади. Бу борада буйрак усти бези, қалқонсимон бези ва гипotalamo-гипофизар тизими вазифаларининг бузилиши алоҳида аҳамият касб этади. Гипофиз ва қалқонсимон безларида функционал ўзгаришлар бўлиши қайд этилган, гипофиз бези орқали тиреотроп гормонининг ажralиши ўзгармаган ҳолда самотротроп гормони миқдорининг қон зардобида, трийодтиронин ва тироксин метаболизми миқдорининг эса тўқималарда пасайиб кетиши таъкидланади. ЎА касаллигининг кечишида буйрак усти бези глюкокортикоид ва андроген гормонлари фаолиятининг пасайишини, гипоталамус-гипофизар тизимида ўзгаришлар бўлишини, яъни гипофиз тропик гормонлари миқдорининг (лютеинлайдиган, фолликуллаларни жадаллайдиган гармонлар ва пролактиннинг) пасайиши билан кечиши қайд этилади.

Перефериқ қонда Т-лимфоцитлар миқдорининг пасайиши ЎА касаллиги патогенезида иммунологик омилларнинг иштироки ётишидан далолат беради, бу эса ушбу хужайраларнинг касалланган ўчокларда йиғилишига, натижада эса фолликуляр тузилмаларнинг бузилиши ҳолатига сабабчи бўлади. ЎА касаллигининг кечиши фаоллиги билан Т-лимфоцит ҳужайралар ўртасидаги боғлиқлик мавжуд бўлиб, касалликда қондаги табиий NK- киллер ҳужайралари миқдорининг пасайиши ва ҳужайра билан боғлиқ бўлган спонтан цитотоксик ҳолатининг ортиши кузатилади. ЎА касаллиги билан хасталangan беморларда иммунологик реактивликни ўрганилиши натижасида ҳужайра иммун тизими фаолиятининг пасайиши, жумладан, абсолют ва нисбий Т-лимфоцитлар миқдори, уларнинг фаоллигининг пасайиши ҳамда қон зардобида M иммуноглобулин миқдорининг ортиши ва G иммуноглобулин миқдорининг эса пасайиши ҳолатлари қайд этилади. Ўчоқли алопеция касаллигининг кечишида соч фолликулалари атрофида яллигланган инфильтратлар хосил бўлади. Улар CD8 ва CD4 лимфоцитлардан, макрофаглардан ва Лангерганс ҳужайраларидан иборат бўлади. Касалликни сурункали кечиши даврида эса Th1-лимфоцитларни миқдорининг ортиши кузатилади, бу ҳужайралар ўз навбатида соч фолликулалари атрофида инфильтратларни шакиллантиради. Т-хужайралардан иборат бундай инфильтратлар перефолликуляр ва фолликуляр антигенпрезентациялайдиган ҳужайралар билан қўшилишади, натижада соч пиёзчasi ҳужайраларини, сочнинг анаген ҳолатида ўсишини таъминланишидан маҳрум этадиган интерферон ишлаб чиқарилади. ЎА да иммунологик ҳолатнинг бузилиши, соч фолликуларининг турли қисмларида IgM, C3, IgA ва IgG ларнинг жойлашиши сабабчи бўлиб хизмат қиласи. Бундай ҳолат турли даражада кечаётган мураккаб патологик жараёнларда иммун кучларининг иштирок этиши натижасида бўлаётганлигидан дарак беради. Ҳужайра иммунитетининг камчил бўлиши, қон таркибида дисиммуноглобулинемия ҳолатининг кузатилиши ҳамда касалликнинг асосида аутоиммун компоненти ҳолати ётишидан далолат беради.

ЎА касаллиги патогенези асосида сурункали инфекциялар натижасида вужудга келадиган иммун механизмларнинг бузилиши ҳолати ётади, бу вақтда соч фолликулалари атрофида лимфоцитар ҳужайралардан иборат инфильтратлар пайдо бўлади, шу жумладан,

одатда қалқонсимон безга, буйрак усти бэзига ва ошқозон девори хужайраларига нисбатан циркуляцияланадиган антителоларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Соч фолликулалари атрофида, қон томирларда, базал мембрана остида IgA ларнинг жойлашганлиги, ўсиш қавати хужайралари цитоплазмасида, соч фолликулалари чегараларида ва қон томирларда IgG ларнинг майда доначалар кўринишида бўлиши, фибробластлар таркибида гомоген кўринишида IgG лар кузатилиши нафақат антителолар, балки иммун комплексларининг ҳосил бўлишидан далолат беради, натижада қон томирлар атрофидаги бундай тўпланмалар кейинчалик қон томирлар деворининг бузилишига, морфологик ўзгаришларга ҳамда коагуло ва реологик бузилишларга олиб келади.

ЎА билан хасталанган bemorlararda қоннинг реологик хусусиятлари бузилиши асосан эритроцитларнинг агрегацион хусусиятлари ошиши, қоннинг қуйилиши ва ивиши, эритроцитлар шаклининг бузилиши кабилар кўринишида намоён бўлади ҳамда қон қуйилиши ҳолатининг ошишига олиб келади.

ЎА касаллигининг вужудга келишида ўчоқли инфекцияларнинг (тишлар кариеси, синусит, гайморит, тонзиллит, ларингит, холицистит, гижжа инфекцияси ва ҳ.к.) мавжудлиги ҳолати ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Айрим муаллифлар ЎА касаллигининг вужудга келишида инфекцион сезгирикнинг ошиши ҳолати ётади, деган фикрни билдирадилар ва унинг асосида соч толалари қисмида аутоиммун жараёнлари ривожланади, деб таъкидлайдилар.

ЎА касаллиги патогенезида микроэлементларнинг аҳамияти муҳим бўлиб, касалликнинг асосида йод, мис, калий, рух ва темир микроэлементларининг етишмаслиги ҳолатлари ётиши таъкидланади. Айрим муаллифлар фикрига кўра бундай кўринишдаги касалликнинг кечиши bemorlar организмида йод микроэлементининг етишмаслиги билан боғлиқ, деб ҳисобланади.

ЎА касаллигининг гистологик кўриниши соч пиёзчаси атрофида лимфоцитар хужайраларининг тўпланиши сифатида намоён бўлади. Бундай инфильтратлар ЎА касаллигининг фаол босқичида кўринарли даражада, касалликни узоқ вақт давом этиши ҳолатларида эса кам зичликда бўлган лимфогистоцитар инфильтратлар тарзидаги кўринишларда бўлади, 90% ҳолатларда бу лимфоцитлар Т-хужайраларидан ташкил топади. Патологик жараённинг кечишида Лангерганс хужайралари ҳам иштирок этиб,

улар соч пиёзчасига ёпишиб турадиган соч матрикси ва сўрғичсимон соҳа орасида ҳамда перибульбар инфильтратларда касалликнинг эрта босқичида кўп миқдорда кузатилади.

Касалланган ўчоқлардан олинган биоптатларда анаген фазасининг IV босқичига ёки катаген ва телоген фазасига мос келувчи фолликулаларнинг кичрайиш ҳолати кузатилади. Бошланғич эпителийдаги телогеннинг кечки босқичидан пайдо бўладиган, – телоген циклининг узайиши бўлиши мумкин. Бундай жараён сўрғич мезинхимасидаги маҳсус бошқарув рецепторлари нормал фаолиятининг бузилиши натижасида бўлиши мумкин, натижада соч фолликуласининг телоген циклидан анаген циклига нормал ўтиши мумкин бўлмай қолади.

Қон томирлар деворидаги фиброз кўринишидаги склерозланишлар, эндотелий хужайраларининг яссиланиши, қон томирлар атрофидаги лимфогистацитар инфильтратли ўчоқлар, қон қуилиши синдромининг ошиши каби ҳолатлар ушбу худудда иммуноглобулинларнинг тўпланишига олиб келади.

ЎА касаллигининг даволанмаган шаклида апоптоз ҳолати юқори ўрин тутади, бунда соч фолликулалари некрози ҳамда қора рангли хужайра ҳосилаларининг пайдо бўлиши қайд эталади.

Агарда ЎА касаллиги асосида касалликка нисбатан мойиллик ҳолати ётишлиги маълум бўлса, бунда касаллик турли кўринишлардаги ташқи муҳит триggerлари билан ирсий омилларнинг биргаликдаги таъсиrlари натижасида вужудга келиши назарда тутилади. Касалликнинг мультифакториал табиати асосида генларнинг аддитив таъсиr этиш ҳолати ётади, бундай мойиллик ўзига хос бўлган чегара самарасига эга бўлиб, бундай чегарадан ташқарида эса меъёрий ривожланиш бўлмайди ва физиологик гомеостаз бузилиб, касаллик вужудга келади. Ўтказилган текширувлар натижасида оилаларда касалликнинг учраши ҳолати 4-24% пробандларда кузатилиши қайд этилади.

Ҳозирда амалий жиҳатдан Кулагин В.И. (1992) томонидан таклиф этилган тасниф касалликни таъриф этишда қулай ва ижро борасида тўғри натижга беради. Ушбу тасниф бўйича касалликнинг қуидаги клиник шакллари тафовут этилади: «*Alopecia areata*» – кам ўчоқлар кўринишида; «*Alopecia poliareata*» – кўп ўчоқлар кўринишида; «*Alopecia subtotalis* – субтотал шакли; «*Alopecia totalis*» – тотал шакли (бошда соч толаларининг бўлмаслиги) «*Alopecia*

subuniversalis» – бошда соч толаларининг бўлмаслиги ва жараённинг тери соҳаларининг бошқа қисмларига тарқалганлиги; «Alopecia universalis» - барча тери сатҳларида соchlарнинг бўлмаслиги. Касаллик З босқичда: прогрессив, стационар, регенератив (репаратив–соch толаларининг тикланиши) кечади.

Ўчоқли алопеция касаллиги белгилари bemорларда ўчоқларнинг бирдан пайдо бўлиши билан таърифланади. Жараёнга қош, соқол, мўйлов соҳалари ҳам жалб этилиши мумкин, оғир кечадиган ҳолатларда эса бошнинг сочли қисмининг барча соҳаларида соchlарнинг бутунлай тушиб кетиши кузатилади (тотал алопеция). Кўпинча алопеция касаллиги ўчоқлари атрофида аниқ чегара бўйлаб нормал соғлом соchlар кузатилади, касалликда бошнинг сочли қисми терисининг заарланиши ҳолати қайд этилади. Айрим ҳолатларда bemорлар алопеция ўчоқлари пайдо бўлишидан олдин ўчоқлар соҳасида зўриқиши, гиперстезия ва парестезия кабиларга шикоят қиласидилар. ЎА касаллиги исталган ёшда иккала жинс вакилларида пайдо бўлиб ривожланиши мумкин, лекин кўпинча касаллик билан ўсмирлар ёки ёшлар хасталанадилар. 70-80% ҳолатларда ўчоқларда соchlарнинг ўз-ўзидан тўсатдан ўсиб кетиши ҳолати кузатилади, лекин касалликни яна қайтадан қайталаниши ҳам кузатилиши мумкин. Беморларнинг деярли ярмидан ортифида кейинги 5 йиллар давомида янги ўчоқлар пайдо бўлади. Касалликнинг кечиши натижасини олдиндан айтиб бўлмайди. Алопеция ўчоқлари бирдан пайдо бўлиши ва бирдан тузалиб ҳам кетиши, яна қайтадан пайдо бўлиб, тузалиб яна қайталаниб туриши мумкин. Биринчи марта пайдо бўлган касаллик ўчоқлари ҳажми катталишиши ва йиллар давомида ўзгармасдан туриши ҳам мумкин.

ЎА касаллиги клиникаси турли кўринишларда бўлиб: локал, тасмасимон (офиазис), субтотал, тотал (бошнинг сочли қисмида соchlарнинг умуман бўлмаслиги), универсал (бошнинг сочли қисмида, қош, киприкларнинг бўлмаслиги ёки юнгли тукларнинг бўлмаслиги) кўринишларида кечади. Локал ёки чегараланган шакли думалоқ кўринишида бўлиб, ўчоқларда соchlарнинг тўкилиши билан намоён бўлади. Ўчоқлар бошнинг тахминан 40% сатҳини эгаллаши мумкин. Тасмасимон ёки офиазис шаклидаги ўчоқлар эса асосан бошнинг энса ва чакка қисмларида жойлашиб, тасма кўринишида бўлади. Касалликнинг бу шакли силлиқ тери соҳасига ўтишга мойил бўлиб, прогноз нуктаи назаридан ёмон кечади. Субтотал шакли

аввал майда ўчоқлар кўринишида бўлиб, кейинчалик уларнинг кўшилиши натижасида катта ўчоқлар ҳосил бўлиши билан таърифланади. Касалликнинг тотал шакли соchlарнинг бутун калла соҳаси сатҳида бўлмаслиги билан таърифланади ва бундай ҳолат киприкларнинг, қошларнинг эркакларда эса соқол-мўйловларнинг бўлмаслиги кўринишида кечади. Универсал клиник шаклида инсон бадани тери соҳаларида соchlарнинг умуман бўлмаслиги кузатилади. Ўчоқли алопециянинг тирноқларнинг заарланиши билан кечадиган шакли касалликнинг оғир кечадиган ҳолатларида кузатилади. ЎА касаллигининг клиник шакллари бир турдан иккинчисига ўтишга мойл бўлиб, бундай ҳолатларда касалликнинг кечиши ўткир тус олиши билан таърифланади.

Касалликнинг кечишида 3 та босқичнинг тафовут этилиши патологик жараённинг фаоллигини аниқлаш имконини беради. ЎА касаллигининг енгил кечишида бошнинг сочли қисмида думалоқ кўринишда, чегаралари аниқ бўлган ўчоқлар кузатилади. Касалликнинг фаол (прогредиент) босқичида ўчоқларда тери сатҳи бир оз қизарган ва шишган кўринишда бўлади, ўчоқлар чегараси соҳасида “қимиrlab қолган соchlар” худуди тафовут этилади, агарда улар тортиладиган бўлса, осонлик билан юлинади, бу ҳолат чегараси 0,5-1 см дан ошмаган кўринишда бўлади. Стационар босқичида “қимиrlab қолган соchlар худуди” аниқланмайди, регрессив босқичида эса алопеция ўчоқларида майнин соч юнгларининг (веллюс) ўсиши ҳолати кузатилиб, кейинчалик улар аста-секин йўғонлашиб боради ва пигментланади, яъни ранг олади.

ЎА касаллигини клиник ва патогенетик гетерогенлиги уларнинг турларида яъни оддий, атопик, прегипертензив, аралаш, атоиммун турларида ҳам ўз аксини топади. Оддий тури асосан енгил кўринишда кечиб, ягона ўчоқлар кўринишида намоён бўлиб, ўз-ўзидан тузалиб кетишга мойил бўлади. Касалликнинг атопик тури атопик конституция асосида кечиб, асосан болалик даврларидан бошланади, касаллик узоқ вақт давом этиб, кўпинча ўтказиладиган даволаш чораларига кам берилувчан бўлиши билан ажralиб туради. Прегипертензив тури асосан ёшларда кузатилиб, қон босими касаллиги билан биргаликда кечади, айrim ҳолатларда бу турининг кечиши дебочасида вегетатив қон дистонияси, церебрал томирлар тизими фаолиятининг бузилиши, ички мия босимининг кўтарилиши каби ҳолатлар ҳам кузатилиши мумкин. Атоиммун турининг

кечишида эса бошқа аутоиммун касалликлари, жумладан, эндокрин тизими касалликлари бўлиши қайд этилади.

ЎА касаллигидаги тирноқ пластиналарида ўзига хос дистрофик ўзгаришлар кузатилади. Бундай ўзгаришлар майда, нуктасимон ботиқликлар кўринишида, яъни “ангишвана” кўринишида ёки бўйламасига синган кўринишида бўлади. Бундай ўзгаришлар тирноқлар рангининг ўзгариши билан кечади. Маълумотларга кўра тирноқлардаги ўзгаришлар касалликнинг енгил шаклларида 20% ни, оғир шаклларида эса 94% ни ташкил этади. Ўчоқлар сони кам бўлган ҳолда тирноқларнинг касалланиши кузатилиши касалликнинг прогнози ёмон бўлишидан дарак беради.

Кам ҳолатларда ЎА касаллиги билан хасталанган беморларда касаллик билан кўзнинг ҳам касалланиши ўртасида боғлиқлик борлиги кузатилади. Жумладан, кўз қорачифининг пучайиши (эктопия), тўр пардасининг атрофияси, катарақта ва кўз туби қон томирларининг чигалланиши каби ҳолатлар бунга мисол бўлади.

Энса соҳасидаги ўчоқларда соchlарнинг ўсиши ёмон бўлиб, касаллик ўчоқлари қанчалик катта бўлса, касалликнинг ниҳояси шунчалик ёмон натижа билан тугалланади. 5-10% ҳолатларда касаллик тотал ёки универсал клиник шакллар кўриниши билан кечади. Касалликнинг тотал клиник шакли 10% ҳолатлардагини тузалиб кетиши мумкин. Агарда соч тушиши ҳолати балоғат ёшига етгунга қадар бўлган давр давомида бошланган бўлса ҳамда касалликнинг эрта бошланиш даврида тирноқ пластиналарида дистрофик ўзгаришлар кузатилса (балоғатга етгунга қадар), ремиссия ҳолатининг узоқ вақт кузатилмаслиги қайд этилса, беморларда касалликка нисбатан ирсий боғлиқлик ҳолати бўлса ёки қонқариндошларида ушбу касаллик кузатилган бўлса, нейроваскуляр, аутоиммун ва атопик касалликлар кузатилса, ЎА касаллигининг кечиш прогнози ёмон, деб баҳоланади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, болаларда ЎА касаллиги 1 ёшгacha деярли учрамайди. Асосан касаллик болаларда 4-5 ёшлик даврларда учрайди.

Касаллик ташхиси асосан касалликнинг фаол босқичида ўчоқларнинг аниқ чегаралари, уларда қизариш ва атрофида соchlарнинг ундов белгиси кўринишида бўлиши каби клиник белгиларига асосланиб қўйилади. Микроскопик текширувлар натижаси ўчоқлардан юлинган соchlарнинг проксимал қисмлари узилган арқон кўринишида (дистрофик соchlар) бўлади. Оқиши юнгли соchlарнинг

кузатилиши ЎА касаллигининг тузалаётганлигидан дарак беради. Айрим вақтларда касалланган ўчоқлар чегарасида ундов белгиси кўринишида соchlар кузатилса, бошқа чегарасида веллюс ҳолати кузатилади. Ташхис қўйишда ва касалликнинг прогноз қилинишида тирноқлар ҳолатини инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Тирноқ пластинкаларининг ангишвона кўринишида ботиклиги ва бўйламасига синганлиги ҳолатларига аҳамият бериш муҳим.

ЎА касаллиги билан хасталанган бемор болаларга қабул килинган анъанавий умумий ва маҳаллий даво чоралари қўлланилади. Даво чоралари ўтказилиши жараёни болалар ёши, касалликнинг клиник шакллари кечиши ҳолати, тури, оғирлик даражаси ва фаоллиги инобатга олинган ҳолда олиб борилади ва кузатилган ўзгаришлар индивидуал коррекция қилинади. Даво чоралари ўтказиш жараёни седатив (адаптол, валериана дамламаси, пион дамламаси), ангиопротекторлар (ксантинол никотинат, компламин, теоникол, пентоксифиллин, трентал), микроэлементлар (рух оксиди, мис сульфат, темир лактат, темир глицерофосфат), иммуномодуляторлар (иммуномодулин, тимален, тимоген), биоген стимуляторлар (алоэ экстрати, шишасимон тана,) ва витамин дори моддаларини (B1, B2, B6, B12, C, никотин кислотаси, A, E) ҳамда маҳаллий дори воситалари (қалампирнинг спиртли эритмаси,) ва физиотерапия усуllарини (дорсенвал, электрофорез, массаж) қўллаш орқали олиб борилади.

Монилетрикс, трихотеломания, себорея

Монилетрикс соч толасининг айланма қўринишдаги дистрофияси бўлиб, асосан аутосом-доминант йўли билан авлоддан-авлодга ўтадиган ирсий табиатга эга касалликдир. Касалликнинг бошланиши, яъни юзага чиқиши эрта болалик даврларидан бошланиб, баъзан 17 ёшгача давом этиши мумкин. Соch толаларининг дистрофик ўзгаришлари соch толаларини айланма қўринишда кенгайишининг торайиши билан алмашган қўринишда намоён бўлади. Соch толаларининг кенгайган қисмларида соchlарнинг ранги нисбатан оч рангда, аксинча торайган ерларида эса соch толаларнинг ранги тим қора рангларда бўлади, бунга сабаб соch толаларининг кенгайган қисмида ҳаво сақланиши кузатилади. Бу жойларда соch толалари курук, синувчан бўлади ёки соch толалари кенгайган жойларда синиб

тушиб кетади. Бошнинг сочли қисми тери юзаларида фолликуляр кератоз ҳолати кузатилади, соч толаларининг фолликуляр юаси инфильтралланган бўлиб, марказида шохсимон пробка ёки синган соч толалари кузатилади. Шуни таъкидлаш лозимки, жараён асосан фақат бошнинг сочли қисми соҳаси билан чекланади. Аммо жараён ўзини тери соҳаларининг бошқа ерларида тарқаган ҳолда ҳам намоён қилиши мумкин, масалан қўлтиқ ости, чов ва оёқ-қўл тери соҳаларида. Касалликда кузатиладиган тўқ қизил ранг кўринишидаги тугунчалар қизил фолликуляр кератоз касаллигини эслатади. Кейинчалак бу фолликулалардан соғлом соч толалари ўсиб чиқмайди. Касалликнинг кечиши катаракта ва ретинопатия каби кўз хасталиклари билан биргаликда кечиши мумкин. Монилетрикснинг олигофрения ва шизофрения касалликлари билан биргаликда кузатилиши ҳолатлари аниқланган бўлиб, касалликда тишлар ва тирноқлар дистрофияси ҳолати ҳам кузатилади.

Касаллик умр давомида кузатилиши, вақти-вақти билан ўз-ўзидан касаллик аломатлари яхшиланиши ҳолатлари, баъзи ҳолатларда спонтан равишда тузалиб кетиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Гистологик текширувларда соч фолликулаларида торайган қисмларни кенгайган қисмлар билан алмашланиб жойлашганлиги кузатилади.

Касаллик узоқ вақт давомида А ва Е витаминаларини истеъмол қилиш, маҳаллий малҳамлар суртиш, рентген нурлари билан даволаш билан олиб борилади. Касалликнинг прогнози яхши.

Трихотеломания касаллиги bemorlarни бошнинг сочли ёки тананинг бошқа соҳаларида мавжуд соч ва тукларни катта хоҳиш билан юлишлари билан кечади. Болаларда ушбу касаллик асосан, руҳий ва асабий бузилишлар, астено-невротик ёки ақлан ривожланишдан орқада қолиш ҳолатларида кузатилади. Беморлар қўли етиб юлинган соч ва тукли соҳаларда соchlарнинг сийраклашганлиги ёки бўлмаслиги ҳамда тери сатҳидан турли баландликда синган соchlар кузатилади. Касаллик ташхиси отоналаридан сўраб олинадиган анамнестик маълумотларга ва объектив кўрувлар асосида қўйилади.

Трихотеломания касаллиги гипносуггестотерапия, психотерапия кўринишида ва психотроп дори воситаларини психоневропатолог билан биргаликда тавсия этиш тарзида олиб борилади. Кўпинча bemorlarни соchlарни юлиш хоҳишидан чеклаш мақсадида соchlар

эпилин пластири билан эпилация қилинади. Касалликнинг прогнози яхши бўлиб, bemor болалар ёши катталашган сари соchlарини юлишга бўлган хоҳишлари камайиб, йўқолиб кетади.

Себорея - ёғ безлари фаолиятининг бузилиши (гиперфункцияси) натижасида келиб чиқадиган тери касаллиги бўлиб, “себорея” сўзи “ёғ оқиши” деган маънони билдиради. Касаллик асосида тери ёғ безларининг секретор функциясини бузилиши ётади, бундай ҳолат ёғларнинг кўп микдорда ажралиши кўринишида намоён бўлади. Касаллик белгилари кўпинча bemorларнинг балоғат ёшларида юзага келади, жараён асосан бошнинг сочли қисмида, лунж соҳаларида, кўкрак ҳамда тана орқа тери соҳаларида жойлашади. Касалликка эндокрин, асаб тизимлари ва ички аъзолар касалликлари сабаб бўлади.

Себорея касаллигининг ёғли клиник шакли инсон организмидаги андрогенлар микдорининг кўпайиб кетиши билан боғлиқ бўлиб, bemorлар тери юзалари худди ёғ суртиб қўйилганга ўхшаб ялтираб туради. Жараён бошнинг сочли қисмларида сарфимтир-жигарранг тангачалар кўринишиларида бўлиб, бундай тери асосида кўпинча себореяли экзема, ўчоқли алопеция, хуснбузар каби касалликлар ривожлана бошлиши мумкин. Ёғланиш жараёни сабабли, тери pH муҳитининг ўзгариши ҳисобига иккиласми инфекцияларнинг кўшиши, йирингли касалликларнинг ҳосил бўлиши кузатилади. Себорея касаллигининг қуруқ клиник шаклида тери ёғ безларидан кам микдорда ёғ ажралиши ҳолати кузатилади, натижада тери юзалари қуриб, пўст ташлай бошлайди, бошнинг сочли қисмларида майда, кепаксимон тангачалар, қипиқлар пайдо бўла бошлайди, соchlар хиралашади, мўртлашади ва тўкила бошлайди, bemorларни қичишиш каби салбий ҳолатлар безовта қилади.

Даво чораларига ўтказилишида витаминаларни кўллаш яхши самара беради, айниқса, улар ичида A, E, C ва B групҳ витамин (B_1 , B_2 , B_6 , B_{15}) дори воситалари кенг кўламда қўлланилади. Айрим ҳолларда касалликни тарқоқ кўринишида торpid кўринишдаги кечишида bemorларга улар организмининг гормонал фонини инобатга олган ҳолда гормонал дори воситалари (прегнин, тириодин ва бошқалар) тавсия қилинади. Маҳаллий даво чоралари ёғли себореяда резорцин (2-5 %), салицил кислотаси (2-3 %), борат кислотаси (2 %), олтингугурт (Видал “сути”) нинг спиртли эритмаларини қўллаш билан, қуруқ себореяда эса олтингугурт (5-10

%) ёки салицил (1,5 %) малҳамларини ҳамда таркибида А,Е ва F витаминалари сақлаган кремларни қўллаш орқали олиб борилади. Қазғоқланиш ҳолатини йўқотиш мақсадида беморларга кетоконозол (низорал) циклоторекс, цинк теротион (скин-кап) шампунларини қўллаш тавсия этилади.

Оддий ҳуснбузар

Оддий ҳуснбузар касаллиги инсонларда балоғат ёши даврларида кузатилади. Касаллик асосан эстроген ва андроген гормонлари нисбатининг ўзгариши ҳисобига, яни андрогенлар миқдорининг кўпайиши ва ёғ ажралиши жараёнининг кучайиши ҳисобига юзага келади. Аёлларга нисбатан эркакларда касаллик кўпроқ учрайди. Касалликнинг келиб чиқишида меъда-ичак аъзолари касалликлари, моддалар алмашинуви ва эндокрин тизими фаолиятининг бузилиши, гиповитаминозлар, қабзият ва бошқа омиллар сабаб бўлади. Касаллик ривожида ёғ безларининг кўп миқдорда ёғ маҳсулотини ажрата бошлиши (гиперфункция) кузатилади, бундай ҳолатларда нафақат ёғ безларидан ажralаётган секреция миқдори ошибгина қолмай, балки унинг таркиби ҳам ўзгаради. Натижада эркин ҳолатда бўлган ёғ кислоталарининг миқдори ошиб, терида ишқорий муҳит вужудга келади. Ёғларнинг чиқиш йўлларида ёғ маҳсулотининг йиғилиб қолиши ҳамда уларга стафилакокк, стрептококк, коринобактериялар ва бошқа инфекцион омилларнинг тушиши натижасида ўчоқларда яллиғланиш жараёни қўринарли даражада намоён бўлади. Яллиғланиш жараёнини кечиши bemor организмнинг индивидуал ҳолатига ва микроорганизмлар миқдорига ҳамда уларнинг вирулентлик даражасига боғлиқ бўлади.

Оддий ҳуснбузар касаллиги қўйидагича таснифланади: Клиник қўриниши жиҳатидан яллиғланишсиз кечадиган акне (очиқ ва ёпиқ комедонлар) қўринишида; яллиғланишли акне қўринишида (папула, пустулалар, тугунлар, кисталар); яллиғланган тугунчалар қўринишида (тошмалар диаметри 5 мм.); пустулалар қўринишида (диаметри 5 мм йирингли ўзакли яллиғланган тошмалар); тугунлар (диаметри 5 мм дан катта бўлган яллиғланган тошма элементлари). Кечиши жиҳатидан қўйидагича бўлинади: енгил кечиши (бир ва бир неча тугунчали ва йирингчали камедонлар пайдо бўлиши, лекин тугунларнинг кузатилмаслиги); ўрта оғирликда кечиши (бир

нечтадан, қўп миқдоргача тугунчалар ва пустулалар ҳосил бўлади ёки бир неча тугунлар ҳосил бўлиши); оғир кечиши (кўп миқдорда тугунчалар, пустулалар, тугунлар); ўрта оғирликда кечиши (конглобатли, фульминантли, инверстли ҳуснбузар).

Касалликнинг илк аломатлари терида қаттиқлашган қизғиш тугунчалар тарзида пайдо бўлади, улар асосан йириңгчалар шаклида, кейинчалик эса комедонлар кўринишида, яъни ёғ безлари чиқарув йўллари тирқишлигининг бекилиб қолиши ҳолати кўринишида намоён бўлади. Кейинчалик, яллиғланиш жараёни тугунчали, пустулали ёки папула-пустулали тошмаларнинг пайдо бўлиши билан кечади. Касалликнинг бундай клиник кўринишида кечишида тошмалар асосан чандиклар ҳосил қилмай йўқолади. Тошмаларнинг бир-бирига кўшилиши ва чуқурлашиши ҳисобига инфильтрация ёки абсцессланиш ҳолатлари вужудга келади, натижада эса жараён депигментли чандикланишларни қолдириш билан тугайди.

Касалликнинг шарсимон (*Acne conglobata*) клиник шаклида катта ҳажмли инфильтратлар ҳосил бўлиб, улар дерма қаватининг чуқур соҳаларида ва тери ости ёғ қаватларида жойлашган бўлади. Бундай тошмалар бир-бири билан қўшилишга мойил бўлиб, умумий инфильтратли ўчоқларни, яъни конглобатларни ҳосил қилади, улар марказида эса кейинчалик абсцесслар (абсцесланган ҳуснбузар) пайдо бўлади, бундай ўчоқлар ўзидан кейин чандиклар ҳосил қилади. Абсцесланган ўчоқлар bemорларнинг нафақат юз тери соҳаларида, балки кўкрак тери соҳаларида ҳам кузатилиши мумкин.

Молниенос ҳуснбузар (тез ҳосил бўлувчи ҳуснбузар) клиник шакли кам ҳолатларда учрайди ва у касалликнинг оғир кечувчи тури бўлиб, асосан балоғат ёшига етган ўғил болаларда кузатилади. Касаллик белгилари тана тери юзаларида бирдан пустула ва папулали тошмалар тарзида пайдо бўлади. Жойларда бундай тошмалар тез вақт ичидаги яраларга айланиб, ярали-некротик пиодермияни эслатадиган ўчоқлар ҳосил қилади. Беморлар тана ҳароратлари 38^0 даражагача кўтарилади, мушак ва бўғим соҳаларида оғриқлар, ҳолсизлик ҳолатлари ҳамда иштаҳанинг пасайиши каби ўзгаришлар кузатилади. Касалликнинг инверс, яъни клиник шакли аппокрин тер безларининг заарланиши ҳисобига ҳосил бўлади. Жараён асосан кўлтиқ ости ва оралиқ соҳаларида жойлашади, ўчоқларда оғриқли инфильтратлар ҳосил бўлади, кейинчалик эса улар ёрилиб, таркибидан йириңгли суюқлик ажрала бошлайди.

Хуснбузар касаллигини даволаш жараёнида беморларга углеводли ҳамда ёғли маҳсулотларни истеъмол қилиш тақиқланади. Даво чоралари комплекс равища олиб борилади, bemорларга антибиотиклар (тетрациклин гурухидаги дори воситалари 2 ҳафтадан 3-4 ой давомида қабул қилинади), стафилоанатоксин, стафилоантифагин, стафиловакцина, гаммаглобулин каби дори воситалари тавсия этилади. Даволаш жараёни А, Е, В2, В6, В12, В15 каби витаминалардан ҳам кенг кўламда қўллаш орқали олиб борилади. Маҳаллий даво чоралари салицил кислотасининг спиртли эритмалари, резорцин ҳамда спиртли ва эфирли лосьонларни, эритромицин, левомицетин каби дори воситалари эритмаларини суртиш орқали олиб борилади. Маҳаллий давода Зинерит лосьонини (эритромицин-рух брикмаси комплекси) қўллаш яхши даво самарасини беради.

Пушти ранг ҳуснбузар

Пушти ҳуснбузар касаллиги билан асосан 40 ёш ва ундан катта ёшдаги аёллар хасталанадилар. Касалликнинг учраши айниқса, ошқозон-ичак касалликлари билан хасталанган инсонларда кўпроқ қайд этилади. Пушти ҳуснбузар касаллиги патогенезида *demodex folliculorum* инфекцияси муҳим ўринни эгаллайди, лекин бу касалликни айнан шу кана келтириб чиқармайди, балки у касаллик кечишини кучайтиради, яллиғланиш жараёнини ҳамда қизариш ҳолатларининг юзага келишида омилкор бўлиб хизмат қиласди.

Тошмалар асосан bemорлар юз терисининг ёнок, бурун, пешона, даҳан соҳаларида пайдо бўлади, баъзан эса кўз шиллик қаватлари ҳам заарланади, натижада bemорларда конъюнктивит, кератит ва ёруғдан қўрқиш каби аломатлар намоён бўлади. Касаллик белгилари кучсиз, эритематоз доғлар ҳосил бўлиши билан бошланади, ўз навбатида bemорларни аччиқ, шўр овқат маҳсулотларини ҳамда алкоголли ичимликларни истеъмол қилишлари ҳисобига яллиғланиш жараёнининг кучайиши ҳолати кузатилади. Кейинчалик эритематоз доғлар турғун кўринишда бўлиб, бироз кўкимтир-қизғиши тусга киради (эритеатоз босқичи), телеангиоэктазиялар пайдо бўлади. Бундай яллиғланиш ҳолати баъзи bemорларда бир неча йиллар мобайнида давом этади, натижада ўчоқлар бир-бирлари билан қўшилишади, улар юзаларида кейинчалик тугунчалар, бундай тугунчалар марказида эса пустулалар ҳосил бўлади (папула-пустулёз

босқичи). Тугунчалар баъзан бир-бирлари қўшилиб патологик ўчоқлардаги тери рельефининг ўзгаришига, уларни ғадир-будур кўринишларда бўлишига олиб келади. Жараённинг кечиши буруннинг устки соҳасида жойлашган бўлса шишсимон юмшоқ консистенцияли мадда ҳосил бўлишига олиб келади, улар юзалари бинафша рангда бўлиб, юзалари сиқилганда ёғли массанинг чиқа бошлиши (ринофима ёки шишсимон бурун) кузатилади. Баъзан ўчоқлар диаскопия усули орқали текшириб кўрилганда “олма сарифи” белгисини эслатадиган сарғимтири-кўнғир ранг ҳосил қиласди.

Пушти ранг ҳуснбузар касаллигининг таққослов ташхиси қизил югурикнинг дискоид клиник шакли, перорал дерматит ва оддий ҳуснбузар касалликлари билан ўтказилади. Қизил югурик касаллигида пушти ҳуснбузар касаллигидан фарқли ўлароқ, ўчоқларда турли катталиқда бўлган эритематоз доғлар кузатилади, уларнинг чегаралари аниқ бўлиб, бир оз инфильтралланган, юзаларида эса қийин кўчувчан қипиклар ва атрофик ўчоқлар мавжуд бўлади. Пушти ранг ҳуснбузар касаллигини оддий ҳуснбузар касаллиги билан ҳам таққосланади. Оддий ҳуснбузар касаллиги асосан балоғат ёшидаги инсонларда кузатилади, асосан ёғ безларига бой бўлган тери юзаларида тугунчали тошмалар сўнг эса йирингчали тошмаларнинг ҳосил бўлиши уларнинг кучли яллигланиши, кўп микдорда комедонларнинг ҳосил бўлиши билан намоён бўлади, касалликнинг кечишида телеангилэктоzия каби ўзгаришлар кузатилмайди. Тошмаларни нафақат юз тери соҳаларида балки кўкрак ва елка соҳаларида ҳам кузатилиши қайд этилади. Перорал дерматит касаллиги клиник кўриниши худди пушти ҳуснбузар касаллигига ўхшаш бўлиб, кўп ҳолатларда касаллик аёлларда кузатилади. Касаллик белгилари асосан юз, оғиз атрофлари, ҳамда бурун қанотлари соҳаларида жойлашади. Ўчоқларда чегараланган эритематоз доғлар кузатилиб, уларни юзаларида 1-3 мм ли тугунчалар ҳосил бўлиши ҳолати қайд этилади. Тугунчалар марказида эса кейинчалик пустулалар ҳосил бўлиб, улар ёрилиши натижасида аввал серрозли-йирингли экссудатлар сўнг эса уларнинг юзаларида қипикларнинг ҳосил бўлиши ҳолати кузатилади.

Касалликни даволаш жараёни овқат маҳсулотларига нисбатан бўлган парҳез талабининг бажарилиши, антибиотик дори воситаларини қўллаш билан олиб борилади. Тетрациклин дори

воситаси гурухыга мансуб бўлган доксициклин антибиотиги кунига 100 мг дан ва узоқ вақт давомида тавсия этилади. Метронидазол дори воситаси эса кунига 500 мг дан 2-4 ҳафта давомида, роаккутан эса ҳар бир 1 кг тана вазни оғирлигига 0,1 мг дан 3-4 ой давомида қўлланилади. Маҳаллий даво спиртли эритмаларни, малҳамларни қўллаш орқали олиб борилади. Ўчоқларда демодекоз канаси топилган ҳолатларда эса “Ям” малҳами, спрегал аэрозоли, 20% ли бензилбензоат малҳами ҳамда гели, 1% ли метронидазол ёки метрогил желеларини суртиш тавсия этилади. Физиомуолажа турларидан криомассаж ва электроагуляция усуллари қўлланилади. Ринофима каби асоратлар кузатилганда эса bemорларда хирургик муолажалар ўтказилади.

ДИСХРОМИЯЛАР

Тери рангининг ўзгариши билан кечадиган касалликлар туркумiga дисхромиялар, деб аталади. Дисхромиялар намоён бўлишига қараб гипоромия ва гиперхромияларга бўлинади. Гипохромияларни бирламчи ва иккиламчи ҳиллари тафовут этилади. Бирламчи гипохромиялар ахромия, деб аталади, чунки улар ҳеч қандай яллиғланишсиз пайдо бўлади. Уларга альбинизм ва витилиго (пес) касалликлари киради. Иккиламчи гипохромиялар эса асосан турли касалликларда кузатиладиган яллиғланиш жараёнларидан сўнг пайдо бўлиб, уларга ёлғон лейкодермияларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Дисхромияда тери рангининг ўзгариши ҳолати қайд этилади, бунинг асосида эса меланогенез жараёнининг бузилиши ҳолати ётади. Тери, кўз қорачиги ва соchlарларга ранг берувчи меланин моддаси 3,4-дегидрооксифенилаланинга (ДОФО) маҳсус ҳужайра ферменти ДОФА-оксидазанинг таъсир этиши натижасида ҳосил бўлади. Меланин моддаси тирозиндан ҳосил бўлади, у эса тирозиназа ферментининг мис микроэлементи билан бирикмаси таъсири натижасида ҳамда ультрабинафша нурлари иштирокида ДОФА га, кейинчалик эса ДОФА-оксидаза таъсирида меланин моддасига айланади.

Витилиго

Дисхромиялар ичида асосий ўринни витилиго (пес) касаллиги эгаллайди, лекин шу кунга қадар касалликнинг сабаби етарли даражада ечилмай, муаммолигича қолиб келмоқда. Ҳозиргacha таклиф қилинган назариялар (нейроэндокрин, микроэлементлар ва витаминаларнинг этишмаслиги, ҳазм аъзолари фаолиятининг бузилиши, меланогенез жараёнида қатнашадиган ферментлар фаоллигининг сусайиши ва ирсий назариялар) касалликнинг тубмоҳиятини тушунтириб бера олмайди.

Касаллик қўпинча болалик ва ўсмирлик даврларидан бошланиб, сурункали кечади, жараён йиллаб, баъзан эса умрбод

давом этади. Витилиго касаллиги белгилари терининг маълум соҳаларида оқ доғлар (депигментацияланган) шаклида пайдо бўлади. Доғли тошмалар яллиғланмаган кўринишда бўлиб, уларнинг сони битта, иккита ёки тарқалган кўринишларда бўлади, баъзан эса жараён терининг барча соҳаларини эгаллаши мумкин. Доғли тошмалар кўпинча айлана, овалсимон, айрим ҳолатларда эса турли-туман кўринишлардаги шаклларда бўлиши мумкин. Касаллик ўчоқлари нўхат, тангалар ҳажмида, баъзан эса катта ҳажмларда бўлади, улар кейинчалик аста-секин катталашиб, бирбири билан қўшилишга ва катта ўчоқларни ҳосил қилишга мойил бўлади. Витилиго касаллигининг доғли тошмалари bemorlar терисининг барча соҳаларида кузатилади. Бундай тошмалар юз, тана, кўл, оёқ ва тананинг исталган соҳаларида жойлашган бўлади. Депигментация жараёнига учраган тери соҳаларида жойлашган соchlар сақланиб қолади, лекин улар рангининг ҳам йўқолиши ҳолати кузатилиши мумкин. Касаллик тошмалари жойлашган соҳаларида ультрабинафша нурларга нисбатан сезувчанлик ҳолатининг юқори бўлиши қайд этилади, шунинг учун ҳам касаллик ўчоқлари қизарган ва ҳатто шишган кўринишларда бўлиши мумкин. Доғли тошмалар одатда bemorlarни безовта қилмайди, лекин баъзи ҳолаталарда тошмалар пайдо бўлиши арафасида қичишиш, ачишиш каби салбий сезгилар пайдо бўлиши мумкин.

Витилигони кепаксимон темиратки, захм лейкодермаси ва мохов касалликларидан фарқлай билиш лозим. Кепаксимон темиратки касаллигида кузатиладиган доғли тошмалар яллиғланмаган кўринишда бўлади, тошмаларлар асосан тананинг юқори қисмларида (кўкрак, бўйин, елка, орқа, курак соҳалари) кузатилиб, уларнинг сатҳи кепаксимон ва унсимон қипиқлар билан қопланган бўлади. Балцер синамаси мусбат натижа беради. Захм лейкодермасида кузатиладиган доғли тошмалар ҳам яллиғланмаган кўринишда бўлиб, асосан кўкрак ва бўйин соҳаларида кузатилади, ўчоқларда тери рангининг бутунлай оқариб кетмаслиги, асосан гипопигментация ҳолати кузатилади. Захм касаллиги учун хос бўлган бошқа клиник белгилар кузатилиши ва серологик жараёнларнинг мусбатлиги ҳолати касалликни витилигодан ажратишга ёрдам беради. Мохов касаллиги тошмалари жойлашган соҳаларда тери

сезувчанлигининг йўқолиши ҳолати кузатилади, натижада bemорларда иссиқ-совуқни, оғриқни сезмай қолишлар ва термик куйишлар кузатилади. Мохов касаллиги учун хос бўлган тошма элементларидан лепромаларнинг пайдо бўлиши, ҳамда лепромин синамаси натижасининг мусбат кўринишларда бўлиши мохов касаллигини витилиго касаллигидан ажратади.

Витилиго касаллиги уч хил фаоллик кўринишида кечади. Касалликнинг биринчи даражали фаоллигига тошмалар кам сонли, оқ рангли, чегаралари аниқ, соғлом теридан яққол ажралиб туриши ҳолати кузатилади. Депигментланган доғли тошмалар атрофидаги тери соҳалари ҳолати ўзгармаган ёки бир оз қизарган кўринишда бўлади. Сўнгги 2-3 ойлар ичida янги доғларнинг пайдо бўлганлиги ва эски доғларнинг катталашаётганлиги ҳақида маълумотлар эса қайд этилмайди.

Иккинчи даражали фаолликда касалликнинг кечиши сутдек оқ доғлар билан бир қаторда гипопигментацияли доғларнинг пайдо бўлиши, улар чегараларининг ноаниқлиги, соғлом тери билан сезилар-сезилмас қўшилиб кетганлиги тарзида намоён бўлади. Касаллик ўчоқлари терининг турли соҳаларида турлича кўринишларда намоён бўлади, яъни баъзи бир соҳаларда депигментацияланган ўчоқларнинг пайдо бўлиши кузатилса, бошқа соҳаларда эса доғли тошмалар ҳажмининг кичрайётганлиги ҳолати кузатилади. Беморлар терисини механик тасиротларга учраши ҳолати эса ушбу соҳаларда янги доғли тошмаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Касалланган соҳаларда соч толалари рангининг оқориши ҳолати кузатилади.

Касалликнинг учинчи даражали фаоллигига депигментацияланган витилиго ўчоқлари bemорларда бир неча тери соҳаларини эгаллайди, улар де- ва гипопигментацияли доғли ўчоқлар кўринишида намоён бўлади. Доғли тошмалар бир-бири билан қўшилишга мойил бўлиб, улар турли шаклларга эга ўчоқларни ташкил этади, ўчоқлар атрофидаги соғлом тери соҳалари эса турлича кўринишларда бўлади, бундай ҳолат витилиго касаллиги ўчоқларини уч хил рангда кўринишига олиб келади., яъни депигментацияланган доғ ўчоқларининг гипопигментли ҳошия билан, гипопигментацияли доғли ўчоқларни эса гиперпигментли ҳошия билан ўралганлиги ҳолати қайд этилади. Кўпгина bemорлар

доғли ўчоқлар соҳасида қичишиш, ачишиш, санчиш ва оғриқни сезиш каби нохуш ҳолатларга шикоят қиладилар.

Болаларда витилиго касаллигининг давоси улар ёшини, физиологик, руҳий ҳолатларини, касалликнинг фаоллик даражаларини инобатга олган ҳолда комплекс усулда олиб борилади. Даволаш жараёни ўтказилиши билан бир вақтда бемор болалар йўлдош касалликларидан санация қилинади, овқатланиш жараёни ва bemor болаларнинг қарови талаб доираларига келтирилади.

Касалликни даволашда фурокумарин дори воситаларидан фойдаланилади, мазкур гурухга кирувчи бероксан, псоберан, псорален, аммифурин, меладинин, мелагенин, мелоноцил каби дори воситалари маҳсус талаб қоидаларга биноан ичишга ва доғли тошмаларга суртиш учун тавсия этилади. Фотосенсибилизацияловчи таъсир хусусиятига эга ушбу дори воситалари ультрабинафша нурларини (УБН) қабул қилишдан икки соат олдин, bemor болалар ёшини инобатга олган ҳолда кунига 1-2 мартадан буюрилади. Бир вақтнинг ўзида витилиго ўчоқларига ушбу препаратларнинг спиртли эритмалари 1:1,1:2,1:3 нисбатларда эритилган ҳолатларда суртилади. Тахминан 2-3 соатлардан кейин эса касалланган ўчоқларга УБН билан нурлатиш эритем дозаларида кунора олиб борилади. Бундай давонинг давомийлиги 20-30 кунни ташкил этади. Нурлатишнинг дастлабки босқичларида 1-4 биодоза берилиб, кейинчалик унинг миқдори аста-секин ошириб борилади ва ниҳоят 6-8 биодозагача етказилади. Фотосенсибилизатор дори воситаларининг тавсия этилиши вақтида bemor болаларда мавжуд бўлган ошқозон ва жигар касалликларини инобатга олиш лозим. Бу дори воситаларини bemorларга анацид ҳолатларда, ёш болаларга эса анацид ва гипоацид ҳолатларда бериш тавсия этилмайди. Шунингдек, З ёшгача бўлган bemor болаларга ушбу дори воситалари умуман қўлланилмайди.

Маълумки, меланоцит ҳамда меланосомалар фаоллиги организмда мавжуд қатор витаминларнинг миқдорига боғлиқ. Масалан, В гурух витаминларнинг етишмаслиги меланогенез жараёнини сусайтиради, РР ва С каби витаминлар эса озиқ-овқат моддаларининг ҳазм қилинишини яхшилайди, оксидланиш жараёнлари меъёрланишига ёрдам беради, шу тариқа заарланган тери соҳаларини керакли биоактив моддалар билан таъминлайди.

Витамин дори воситаларидан пиридоксин гидрохлорид, пиридоксальфосфат, аскорбин кислотаси ва РР витаминаларини касалликни даволашда қўллаш яхши самаралар беради. Ушбу дори воситаларининг тавсия этилишида бемор болаларнинг умумий ҳолати, уларнинг ёши ва уларда мавжуд бўлган йўлдош касалликларни инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Терининг меланин пигменти билан таъминланишида микроэлементларнинг роли бениҳоя катта, жумладан, меланогенез жараёнида темир, рух ва мис микроэлементларининг бевосита иштироки бунга мисол бўла олади. Шунинг учун ҳам ушбу микроэлементларни таркибида сақловчи доривор воситалари (ферроплекс, ферроградумет, феррамид, мис сульфат, рух оксиди каби моддалар) витилиго касаллигини даволашда кенг қўлланилади ва кутилган натижаларни беради. Ҳозирги кунда эса ушбу микроэлементларни сақловчи янги дори воситаларидан купир, пирацин ҳамда таркибида витаминалар ва микроэлементлар бўлган таксофит, минолад каби дорилар воситалари муваффакиятли равишда қўлланилиб келинмоқда.

Витилиго касаллигини, айниқса, болаларда ушбу касалликни даволашда ошқозон-ичак, жигар тизими фаолияти ҳолатини ва ундаги мавжуд касалликларни инобатга олиш зарур. Бу борада пепсидил, ацидин-пепсин, табиий ошқозон шираси, панкреатин, мезим-форте, панзинорм, хилак-форте, карсил, эссенциале, гепанорм каби дори воситаларини қўллаш яхши самаралар беради. Касалликни даволашда фермент дори воситалари ҳам муваффакиятли қўлланиб келинмоқда, бунинг натижасида беморларни дори воситаларига нисбатан сезувчанлик ҳолатининг ошиши, анацид ва гипоацид ҳолатларни олдини олиш, шунингдек, витилиго касаллигининг доғли ўчоқларидаги яллиғланиш белгилари ва нохуш сезгилар билан кечиши каби ҳолатларнинг олдини олиш имкони кенгаймоқда, демак, фермент дори воситалари касалликни даволашда асосий восита вазифасини ўтайди.

Витилиго касаллиги билан хасталангандан бемор болаларни комплекс даволашда гижжага қарши дориларни (декарис, комбатрин, вермокс), биологик стимулаторларни (алоэ, торфот, пирогенал) қўллаш депигментацияланган доғли ўчоқларнинг йўқолишига ёки кичрайишига олиб келади. Касаллик даво чораларисиз ҳам ўз-

ўзидан йўқолиб кетиши мумкин, аммо бундай ҳоллар жуда кам учрайди.

Пигмент сақламайдиган Блох-Сулцбергер синдроми

Пигмент сақламайдиган Блох-Сулцбергер синдроми ирсий касалликлар туркумига мансуб бўлиб, наслланиш йўли аниқланмаган дерматоз ҳисобланади. Касалликни илк бор 1925 йилда Leuchleuthner, кейинчалик эса Sulzberger лар ирсий касаллик сифатида таърифлаб берганлар. 1928 йилда эса бу касалликни Bloch системли синдром сифатида қайд этиб ўтган, шунинг учун ҳам бу касалликни номи ушбу муаллифлар номи билан ифодаланади. Касаллик билан асосан қиз болалар кўпроқ хасталанадилар, ўғил ва қиз болаларни касаллик билан хасталаниш нисбати 1:35 ни ташкил этади. Касаллик учун жавобгар бўлган ва X хромосомасида жойлашадиган мутант ген доминант кўринишида бўлиб, ўғил болалар ҳаётининг ўлим билан тугашига олиб келади, шунинг учун ҳам касаллик билан асосан қиз болалар хасталанади, деб қайд этилади. Касалликнинг келиб чиқишига ҳомиладорлик даврида вирусли касалликларнинг ўтказилиши асосий сабаб қилиб кўрсатилади.

Блох-Сулцбергер синдромининг клиник кечиши 4 та босқич, яъни пуфакли ёки пуфакчасимон, гипертрофик, пигментли ва атрофик босқичлар кўринишида кечади. Бемор бола туғилгандан сўнг биринчи кун ёки ҳафталар давомида тери соҳаларида қизариш ва шишлар кузатилиб, улар асосида кейинчалик тартибсиз равища пуфакчали ва пуфакли тошмалар пайдо бўлади, улар қизарган, инфильтралланган ва қаварчили кўринишда бўлган чизиқлар ва доғлар билан галма-гал жойлашган ўчоқлар кўринишида намоён бўлади. Касалликнинг бундай кўринишдаги ҳолати Дюринг дерматити, токсикодермия, буллёз эпидермолиз ва везикулопустулёз касалликларига ўхшашиб бўлади. Касалликнинг гипертрофик босқичида инфильтралланган ўчоқларда гиперкеротик ўзгаришлар плакчалар кўринишида бўлиб, улар лентикуляр тугунчали тошмалар билан алмашланиб туради. Касалликнинг учинчи босқичи, яъни пигментли босқичи тери рангининг кўринарли даражада ўзгариши билан кечади. Тери соҳаларида сарғиш-жигарранг ёки тўқ-кулранг кўринишида, нотўғри шаклли, аниқ чегарали кўплаб ўчоқлар

кузатилади. Беморлар териси кўриниши худди қирғоқдан қайтаётган тўлқинни эслатади. Тошмалар асосан юз тери соҳасидан бошқа барча тери соҳаларида жойлашади, юз тери соҳалари эса тошмалардан холи бўлади. Бундан ташқари bemor болаларда соч толалари, тирноклар ва тишларнинг дистрофияланиши ҳолатлари, бошининг сочли қисмларида эса псевдопелада кўринишида бўлган атрофик ўзгаришлар кузатилади.

Терида кузатиладиган патологик жараён bemor болалар умумий ҳолатларининг ўзгариши билан кечади. Беморларда қалтираш синдроми, спастик шоллик, тутқаноқ белгилари, кўз шох пардасининг кўчиши, катракта ва иридоциклит каби ўзгаришлар кузатилади.

Касаллик ташхиси асосан гистологик текширувлар асосида тасдиқланади. Касалликнинг ўткир яллигланиш билан кечадиган босқичида специфик бўлган полиморф-хужайрали инфильтрат ҳамда эпидермиснинг нотекис кўринишида бўлган акантоз ҳолати кузатилади. Гипертрофик босқичида акантоз жараёни кучли даражада намоён бўлиб, шох қавати қуюқ ва ёйилган кўринишида бўлади. Донадор қават бир қаватдан иборат бўлади, базал қават хужайраларида пигмент доначалари кузатилади. Дерманинг сўргичсимон қисмида қон томирлар атрофида инфильтратлар, майда пигмент доначалари кузатилади, улар асосан гистоцит ва қон томирлар эндотелий хужайраларида жойлашган бўлади. Гиперпигментация босқичида эса эпидермиснинг базал қаватида меланин пигментининг кескин камайиб кетганлиги ва унинг микдори эса дерманинг сўргичсимон қисмида ортиб кетганлиги ҳолати кузатилади. Шунинг учун ҳам бундай ҳолат касаллик номини пигмент сақламайдиган касаллик, деб аталишига асос бўлган.

Касалликнинг дастлабки, яъни ўткир яллигланиш билан кечадиган босқичида кальций дори воситалари, салицилатлар, глюкокортикоид дори воситалари тавсия этилади. Кейинчалик эса А,Е,В гурӯҳ витаминалари, фолат кислотаси, метионин, аскорбин кислоталари белгиланади. Маҳаллий - 0,5% ли мис сульфати, 2% ли амидопирин, 10% ли тиосульфат натрий эритмаларидан иборат хўллаб-қуригичлар, солкосерил, ируксол, виосент каби индеферент малҳамлар тавсия этилади.

ТЕРИ СИЛИ

Тери сили сил микобактерияси томонидан чақирилувчи терининг сурункали юқумли касаллиги бўлиб, касалликнинг клиник полиморфизмлиги маълум даражада организмнинг реактивлигига, умумий ҳолатига, микобактерияларнинг миқдори ва юқтириш хусусиятларига ҳамда терига кириш йўлларига боғлиқ.

Сил касаллигини қўзғатувчиси *Mycobacterium avium* авлодига тегишли сил таёқчаси бўлиб ҳисобланади. Инсонлар учун касаллик қўзғатувчисининг учта тури патогенлик хусусияти жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга, булар: инсонларга оид (*typus humania*), буқаларга оид (*typus bovinus*) ва қушларга оид (*typus avium*) турлариdir. Тери сили касаллиги ўчоқларида микобактерияларнинг энг кўп инсонларга оид турида, камроғи буқаларга оид турларида ва жуда кам ҳолларда эса қушларга оид турларида аниқланади.

Тери сили касаллиги билан жароҳатланиш механизми етарли даражада ўрганилмаган. Соғлом тери соҳаси микобактерияларининг ҳаётий фаолияти учун ноқулай муҳит ҳисобланади, лекин маълум шароитларда касалликнинг ривожланишига имкон яратади. Уларга организмнинг гормонал дисфункция ҳолати, асаб тизими патологияси, витаминалар дисбаланси, сув ва минерал моддалари алмашинувларининг бузилиши ҳолатлари, томирлар фаолиятининг бузилишлари (ичнинг қотиши, томир деворлари резистентлиги ва ўтказувчанлигининг ўзгариши), қониқарсиз ва паст даражада бўлган ижтимоий-иктисодий, майший яшаш шароитлари ва иқлим шароитлари (ультрабинафша нурларининг етишмаслиги), шунингдек, умумий юқумли касалликларининг (қизамиқ, қизилча, ВИЧ-инфекция) инсон организмининг химоявий реактив кучини заифлаштирувчи ва қабул қилишнинг кучайиши ҳолатлари киради.

Микобактерияларнинг ораганизмга тушиши экзоген ва эндоген йўллар орқали амалга ошади. Касаллик эндоген йўл орқали юққандага касалликни қўзғатувчиси терига шикастланган эпидермис орқали бевосита, касал инсон ёки ҳайвонлардан эса қандайдир предметлардан тушади. Шунга қарамасдан заарланишнинг эндоген йўли анча кўпроқ учрайди. Будай ҳолатларда касалликни

қўзғатувчиси бошқа аъзодаги ўчоқлардан тери соҳалариға гематоген ёки лимфоген йўллар орқали киради. Жараённинг тарқалиш кўлами қўшни аъзоларга (*per continuitatem*) сийдик, ахлат, балғамлар орқали аутоинокуляция бўлиш йўллари орқали ҳам амалга ошиши мумкин.

Тери соҳаларида лимфоцит хужайралари билан ўралган эпителиоид хужайралардан иборат инфекцион гранулемалар пайдо бўлади, бундай гранулемалар марказида микобактериялар казеоз, некроз ва катта лангерханс ҳужайралари мавжудлиги билан намоён бўлади.

Тери сили касаллиги 2 хил кўринишда яъни терининг ўчоқли сил (сил югуриги ёки люпоид сил, скрофулодерма ёки колликватив сил, терининг сўгалли сили, Базеннинг индуратив эритемаси ва тери ва шиллик қаватларининг ярали сили) ва терининг диссеминалланган сили (терининг лихеноид ёки милиар сили ва терининг папулонекротик сили) кўринишларида кечади.

Терининг ўчоқли сили

Сил югуриги ёки терининг люпоид сили (*Lupus vulgaris, seu tuberculosis cutis luposa*) тери силининг энг кўп учрайдиган шакли бўлиб, секин сурункали кечиши ва тўқималарнинг парчаланишга мойиллиги билан намаён бўлади. Касаллик белгилари кўпинча юзда тери соҳаларида, асосан бурунда (80 % ҳолатларда), ёнокларда, юқори лабларда, камроқ бўйин соҳаларида, танада, оёқ-қўлларда, кам ҳолатларда шиллик қаватларда жойлашади. Касаллик хамирсимон консистенцияли, юмшоқ, силлик, юзаси бироз ялтироқ, кейинчалик пўст ташловчи, сариқ-яшил тусли, жигарранг-қизил рангли, ўлчамлари тўноғич бошчасидан нўхат донасигача келадиган ҳажмларда, дермада жойлашган люпоид-бўртиқлар пайдо бўлиши билан бошланади. Тошмалар гурух-гурух бўлиб тошади, кейинчалик эса улар ўзаро бирлашади, атрофида эса турғун-гиперемик ҳудудлар пайдо бўлади. Витропрессия усули билан (буюм ойначаси билан босиб кўрилганда) текширилганда дўмбоқча ранги сарғаяди (“олма сарифи” феномени), дўмбоқча тугмасимон зонд билан текшириб кўрилганда зонд ўз оғирлиги билан дўмбоқча таркибиға чуқурлик қолдириб чўкади (Поспелов симптоми).

Дўмбоқчалар босқичма-босқич катталаша боради ва нотўғри шакли тошмаларни ҳосил қилиб бирикади, коллаген ва эластик

толаларнинг бузилиши натижасида чандиқли атрофиялар ҳосил бўлиши ҳамда фиброзланиш ҳолати кузатилади. Ҳосил бўлган чандиқлар текис, оқиш, папирос қофозини эслатадиган кўринишида бўлади. Жараённинг экссудатив кўринишларда кечишида турли шикастланишлар таъсирида дўмбоқчалар юмшоқ, четлари нотекис ва енгил қон оқувчи яраларга айланиши мумкин (ярали шакли). Шунингдек, касалликнинг шишсимон, веррукоз, лойқалантувчи каби шакллари ҳам кузатилиши мумкин.

Тери силининг чегараланган клиник шаклини таққослов ташхиси дўмбоқчали захм, моховнинг туберкулоид шакли, тери лейшманиози, актиномикоз, қизил югурикнинг дискоид шакллари билан ўтказилади. Дўмбоқчали захмда дўмбоқчали тошмалар зичлиги, улар жойлашувининг жамланганлиги (фокуслилиги), қўшилиб кетишга мойиллигининг йўқлиги, диаскопия ва зонд усуллари билан текширувлар ўтказилганда текширув натижаларининг манфийлиги, жараённинг нисбатан тез кечиши аниқланади. Моховнинг туберкулоид шаклида терининг жароҳатланган соҳасида оғриқ ва ҳароратни сезиш аломатларининг йўқлиги, тошмаларнинг полиморфлиги, тугунлар ва дўмбоқчаларнинг зич бўлган консистенцияси, қўнғир-зангсимон тус олиши, микроскоп остида кўрилганда эса Ганзен таёқчаларининг топилиши билан таърифланади. Тери лейшманиозининг туберкулоид шаклида ташхис асосан касалликнинг сўров натижалари аниқ йиғилиши, дўмбоқчали тошмаларни чандиқлар атрофида ва терининг очиқ қисмларида жойлашиши, лейшманиома атрофида лимфангитларнинг ҳосил бўлиши ҳамда касаллик қўзғатувчисининг аниқланиши катта аҳамият касб этади.

Касалликни даволашда бир вақтнинг ўзида D_2 витамини 30000-50.000 – 100.000 ТБ дан ва фтивазидни (ёки тубазидни) 0,3-0,5 г дан кунига 3 маротаба ичишга тавсия этилади. Даво курси учун дори воситаси 100-200 г. қилиб белгиланади. Шунингдек, стрептомицин антибиотиги ҳам инъекция тариқасида кунига 0,5-1,0 г дан белгиланади, жами даво курси учун дори воситаси 100 г. ни ташкил этади. Туберкулостатик таъсир этиш хусусиятига эга дори воситаларидан терапевтик самара кўрсатиши бўйича улар қўйидагича гурухларга бўлинади: 1- анча самарали: изониазид, рифампицин; 2 – ўрта самарали: этамбутол, стрептомицин, протионамид (этионамид), пиразинамид, канамицин, флорамицин (виомицин) ва 3 – мўътадил фаол таъсир кўрсатувчи ПАСК, тибон

(тиоацетазон) каби дори воситаларига бўлинади. Маҳаллий даволаш усулининг таъсир этиш хусусияти сил касаллигининг теридаги ўчоқлари тўқимасини бузишга асосланган бўлиб, бунинг учун 10-20-50% ли пирогалл суртмаси, 30% ли резорцин қоришмаси ва суюлтирилган азот моддалари кўлланилади. Шиллик қават люпомаларини сут кислотасининг 50% ли эритмаси билан куйдириб даволаш мумкин. Чегараланган жароҳатлар баъзан рентген нурлари билан ҳам даволанади, ҳатто бундай ўчоқлар оператив йўл билан олиб ташланади. Беморлар узоқ вақт давомида диспансер кузатуви остида бўлиши лозим.

Скрофулодерма ёки коллекватив сили (*Scrofuloderma, seu tuberculosis cutis colliquativa*) болалар ва ўсмирларда касалликнинг рўйхатга олинган хиллари орасида учраш частотаси бўйича иккинчи ўринда туради. Сил бактерияларининг гематоген йўл билан терига кириши оқибатида бирламчи скрофулодерма шаклланади ва шикастланган аъзолардан инфекцияларнинг ўтиши аниқланган ҳолда иккиласмчи скрофулодерма фарқланади. Тошмалар терининг чукур қаватларида зич кўринишда жойлашади, кам оғрийди, тугунлар ҳажми тез катталашувга мойил бўлиб, уларнинг диаметри 3-5 см. гача етади ва устида ётувчи тўқималар билан зич кўринишда бириккан ҳолда намоён бўлади. Кейинчалик тугунлар совук абсцесслар ҳосил қилиб юмшайди ва ёрилади, бундай яралардан оқма йўли орқали қонсимон ажралма билан биргаликда некрозланган тўқималар чиқади. Тугунлар жойлашган жойларда юмшоқ, чукур, четлари ва тубида заиф грануляциялар ва сарфиш қатламлар ҳосил бўлади. Яралар битиб кетгандан кейин эса касалликка хос бўлган “йиртилган” нотўғри шаклли чандиқлар, сўрғичсимон шаклдаги ўсимта ва уланмалари қолади. Касаллик жароҳатлари асосан бўйиннинг ён юзаларида, жағ ости ва усти соҳаларида, қўлтиқ ости ботиқларида, қулоқ чиганоғи яқинида, ўмров ости ва усти соҳаларида ҳамда бўғин соҳалари яқинида жойлашади.

Касаллик ташхиси тўғри йиғилган сўров маълумотларига, клиник симптоматикага, Пирке синамаси натижаларига, рентгенологик ва гистологик текширувларга асосланган ҳолда қўйилади. Таққослов ташхиси захм касаллигининг гуммоз шакли, актиномикознинг гуммоз шакли, Базен эритемаси ва сурункали ярали пиодермиялар билан ўтказилади.

Терининг сўгалсимон сили (*Tuberculosis verrucosa cutis*) асосан катталарда, хусусан эркакларда кўпроқ кузатилади. Касалликнинг

ушбу тури билан асосан сил касаллигининг фаол шакллари билан хасталанган bemорларга хизмат қилувчи шахслар ёки сил материали билан ишловчи ходимлар касалланадилар.

Жароҳатланиш одатда панжа ва бармоқлар орқа юзаларида, камроқ ҳолларда эса оёқ таги соҳаларида жойлашади. Касаллик белгилари зич, нўхот катталигидаги кўк-қизил рангли бўртмаларнинг (жасад бўртмаси) ҳосил бўлиши билан бошланади. У ўсиб ясси зич тошмаларга айланади, уларнинг юзасида сўгалсимон ўсимталар ва кўплаб шохсимон қаватлар пайдо бўлади. Сўгалсимон тери силининг 3 та худуди тафовут этилади. периферик (бинафша-қизил рангли худуди), ўрта (сўгалсимон зич тепаликлар, ёрилишлар, пўстлоқлар мавжуд бўлган худуди) ва марказий (терининг атрофик, нотекис, паст-баланд тубли худуди кабиларга бўлинади. Сўгалсимон ўсимталар ён тарафидан босиб кўрилганда уларнинг ёриқларида йирингли томчилар пайдо бўлади. Жарён тузалгандан кейин жароҳат ўчоқлари ўрнида чандиқли атрофиялар қолади, бу соҳаларда қизил югурикдан фарқли ўлароқ, янги элементлар ҳосил бўлмайди. Касалликнинг ташхиси касалликка хос бўлган клиник кўринишларга (ўчоқ периферияси бўйича бинафша-қизил ҳошия, 3 та зонанинг борлиги), жойлашиш ҳолатига, гистологик текширувлар натижаларига ва туберкулин синамасининг мусбатлигига асосланади.

Терининг сўгалсимон силининг давоси умуман тери силини даволашда қўлланиладиган анъанавий даво усуллари каби олиб борилади. Бундан ташқари маҳаллий давода касаллик ўчоқлари ўткир қошиқча билан қириб ташланади, диатермокоагуляция ва рентгенорадиотерапиялар ўтказилади.

Базенning индуратив эритемаси (*Erythema induratum Bazin*) билан 16-40 ёшлар оралиғида бўлган, сил касаллигининг бирор бир шакли билан оғриган аёллар хасталанади. Касалликнинг кечишига оёқларда қон айланиш жараёнининг бузилиши (акроцианоз, веналарнинг варикоз кенгайиши) натижасида вужудга келадиган тез-тез совук қотиш ҳолатлари сабабчи бўлади. Куз ва қиш мавсумларида асосан касаллик хуруж қилиши кузатилади.

Индуратив эритема касаллигига касаллик ўчоқлари зич, чуқур жойлашган бўлиб, секин катталашувчи тугунлар ёки ясси, кенг бўлган кўкиш-қизил инфильтратлар тарзида намоён бўлади. Тугунлар сони 2-4 тадан 10 тагача бўлиб, улар тери соҳаларида

чукур ҳолда жойлашади, бармоқлар ёрдамида пайпаслаб қўрилганда эса оғриқлар кузатилади. Ўчоқлар асосан болдир соҳаларида, кам ҳолатларда эса сон, думба, қўл соҳаларида симметрик қўринишда жойлашади. Баъзан касалликда оғиз шиллиқ қаватлари ва димоғларнинг жароҳатланиши кузатилади. Касаллик кечиши ўз ривожига эришгандан сўнг эса ўчоқлардаги тугунли тошмалар регрессияга учрай бошлайди, улар атрофида ҳалқасимон атрофия ва пигментацияланишлар қолади. Баъзан эса тугунлар юмшаб яраларга айланади (гетчинсон тури), бундай яралар оғриқли, суст кечувчан, юзаки бўлиб, тублари сариқ-яшил қобиғлар билан қопланган бўлади.

Даво жараёни сил касаллигини умумий даволаш каби олиб борилади. Бундан ташқари беморларга витаминларга, оқсил ва ёғ моддаларига бой овқат маҳсулотлари тавсия этилади, уларни ультрабинафша нурлари билан даволаш, гелиотерапия сеанслари белгиланади. Маҳаллий яраларга рух-желатинли бойламлар қўлланилади.

Тери ва шиллиқ қаватларнинг ярали сили (*Tuberculosis ulcerosa cutis et mucosae*) фаол сил касаллиги билан хасталангандан беморларда аутоинокуляция натижасида пайдо бўлади. Одатда касаллик белгиларининг жойлашуви табиий тешикларнинг шиллиқ қаватларида ва уларни ўраб турувчи тери соҳаларида (оғиз, бурун, анус) жойлашади. Тошмалар майда сарғиш-қизил дўмбокчалар қўринишида намоён бўлади ва улар тезда яраларга айланади, “Трел донлари” қўринишини намоён этувчи, суюқ йиринг қатламли, майда абсцесслар ва сарғиш қобиғлар билан қопланган, нотекис тубли, енгил қон оқувчи, юзаки, оғриқли яралар ҳосил қиласиди. Яралар кескин оғриқ бўлиши билан характерланади. Бактерисокопик тахлилда ўчоқларда микобактериялар миқдори кўп бўлиши аниқланади. Иммун тизимининг заифлашиши ва анэргия ҳолати сабабли беморларда туберкулин синамалари манфий натижалар беради. Касалликнинг ташхиси клиник белгиларига, ички аъзолар тарафидан фаол сил касаллининг, трел донлари мавжудлигига, кескин оғриқлар кузатилишига ва микобактерияларнинг аниқланишига асосланади.

Касалликни ушбу турининг давоси ҳам сил касаллигига қўлланиладиган умумий даволаш чораларига асосланган ҳолда олиб борилади. Маҳаллий даво ўтказилишида асосан ренгенотерапия усули қўлланилади, яъни 7 кун давомида 200-250 Р дан 2 сеанс даво

үтказилади, баъзан эса касалланган ўчоқлар оператив усул орқали олиб ташланади.

Терининг диссеминирланган сили

Терининг лихеноид ёки милиар сили (*tuberculosis cutis lichenoides, lichen scrofulosorum*) асосан сил касаллигининг ўпка, суж, лимфа туганлари билан оғриган заиф болаларда пайдо бўлади. Жараён сарғиш-жигарранг ёки нормал тери рангидаги бўлган милиар папулалар шаклида намоён бўлади. Юмшоқ консистенцияли тугунчалар марказида кўпинча кичик тангача шаклида бўлган шохли ўсимталар пайдо бўлади, айрим ҳолларда эса қизил ясси темиратки касаллиги тошмаларини эслатувчи ялтироқ юзали силлиқ тугунчалар ҳам кузатилиши мумкин. Касаллик белгилари кўпинча тана тери соҳаларини, кам ҳолатларда эса қўл-оёқ ва юз тери соҳаларини жароҳатлайди, тошмалар симметрик ва гуруҳланишга мойил кўринишда жойлашади, bemorlararda салбий шикоятлар кузатилмайди. Жараён изсиз кечади, лекин қайталаниши ҳам мумкин. Касалликка ташхис қўйилишида Пирке синамаси 100 % ҳолатларда мусбат бўлади.

Ушбу тери силининг давоси силнинг бошқа шаклларида қўлланиладиган даво воситалари каби ўтказилади. Маҳаллий даво сиртдан тозаловчи суртмаларни қўллаш орқали олиб борилади.

Терининг папулонекротик сили (*tuberculosis cutis papula-necrotica*) одатда болалик ва ўсмирлик ёшларида кузатилади. Жараён bemorlararda оёқ ва қўлларнинг ёзув соҳалардаги тери юзаларида, ҳамда тана ва юз тери соҳаларида жойлашиб ривожланади. Касаллик белгилари ғуж-ғуж бўлиб жойлашган, қўнғир-бинафша ранги, катталиги 2-3 мм. гача бўлган тугунчалар кўринишда намоён бўлади, улар марказида йириңгисимон некротик пўстлоқлар кузатилади. Кейинчалик эса тугунчалар ўрнида думалоқ, юзаки кўринишдаги ярачалар пайдо бўлади, улар битиб кетгандан сўнг эса бинафша ранг гардиш билан ўралган муҳксимон чандиқлар қолади. Ўчоқлар давомийлиги, яъни эволюцияси 4-8 ҳафтани ташкил этади. Касаллик одатда қайталаниб туради, бундай қайталанишлар асосан эрта баҳор ва қиши ойларига тўғри келади. Папуло-некротик сил касаллигининг бир нечта клиник турлари тафовут этилади: Акнит (*Acnitis*) – ташқаридан оддий хуснбузар касаллигининг пустулёз хилини эслатувчи шакли; Фолликулитик (*Folloculis*) – тана ва оёқ

териси соҳаларида фолликуляр жароҳатлар билан намоён бўлувчи чукур пустулёз шакли; Кахексиясимон (Acne cachecticorum) –кратер шакли кўринишидаги яралар билан кечадиган шакли. Касаллик белгилари чечакда кузатиладиган чандик, папула ва пустулаларга ўхшаш бўлган кўринишида ҳам кечиши мумкин.

Касалликка хос бўлган муҳрли чандикчаларнинг мавжудлиги, тошмаларнинг ўзига хос кўринишида жойлашиши, туберкулин синамалари натижаларининг мусбатлиги ва гистологик текширувлар натижалари ташхиснинг тўғри қўйилишига асос бўлади.

Касалликнинг ушбу клиник шаклини даволашда bemорларга ичиш учун ПАСК, фтивазид, А ва Д витаминалари, фитин, темир дори воситалари тавсия этилади.

Болаларда тери силини даволашда аввало даво чоралари ички аъзолар силини ва уни келтириб чиқарувчи патогенетик омилларни бартараф этишга йўналтирилган умумий даволашдан иборат бўлиб, у биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим. Болаларда тери силини даволаш учун стрептомицин сульфат стрептомицин, пантомицин кўринишларида қўлланилади. Стрептомицин дори воситаси болаларга кунига 2 марта м/о юборилиши тавсия этилади: 5 ёшгача – 1 кг тана вазнига 0,01-0,02 г дан; 5 ёшдан 8 ёшгача – 0,25-0,3 г дан, 8 ёшдан 14-ёшгача -0,3-0,5 г дан. Даво курси учун дори воситасининг умумий миқдори 20 дан 40 г гачани ташкил этади. Стрептомицин сил югуриги, скрофулодерма, ярали ва сўгалли тери сили каби силнинг клиник шаклларини даволашда ҳам яхши самара беради. Касалликнинг турғун шаклларига қарши даво чораларини ўтказишида стрептомицин дори воситаси билан бир вақтда изоникотин кислотасининг гидразидли дериватлари шаклидаги турлари - фтивазид, тубазид, метиазидлар тавсия этилади. 1 ёшгача бўлган болаларга фтивазид дори воситаси 1 кг тана оғирлигига кунига 0,02-0,03 г дан 3 марта; 2 ёшдан дан 3 ёшгача кунига 0,3-0,5 г дан 3 марта; 3 ёшдан 7 ёшгача – 0,4-0,7 г дан 3 марта ва 8 дан 15 ёшгача – кунига 0,5 г дан 1 г дан 3 марта тавсия этилади. Умумий даво курси учун дори воситасиниг миқдори 40 дан 250 г гачани ташкил этади.

ПАСК натрийли тузи 3 ёшгача болаларга 1 кг тана вазнига кунига 0,15-0,2 г дан 3-4 маротаба қабул қилиш учун, 3 дан 5 ёшгача – кунига 0,5-г.дан 4 маротаба, 5 ёшдан катта bemор болаларга эса кунига 6-8 г дан 4 маротаба тавсия этилади. Умумий даво курси

учун дори воситаси миқдори 200 дан 800 г гачани ташкил этади. Дори воситаси беморларга овқатдан бир соат кейин сут ёки ишқорий минерал сув билан ичиш тавсия этилади.

Д₂ витамиnidан фақат касалликнинг сил югуриги турини даволаш учун (ички аъзолар фаол сили бўлмаган bemорларда) фойдаланилади, чунки бу дори воситаси ўпка, суяқ, лимфатик тугунлари сили жараёнини фаоллаштириш хусусиятига эга. 10 ёшгача бўлган bemор болаларга ушбу дори воситаси кунига 15.000-25.000 МЕ дан 2-3 маротаба, 16 ёшгача эса – кунига 30.000-50.000 МЕ дан 2-3 марта тавсия этилади.

Болаларда сил касаллигини даволаш жараёни bemорларга тузсиз овқат маҳсулотлари, яъни парҳез овқатларни (айникса, ярали шаклларида) белгилаш, оқсил ва витаминлар миқдорини ошириш йўли билан олиб борилади. Физиотерапевтик муолажалардан гелиотерапия ва ультрабинафша нурларидан фойдаланиш тавсия этилади. Асосий даво курси ўтказилгандан кейин касаллик қайталанишига қарши даво чоралари йилига 2 ойдан, баҳор ва куз ойларида 3 йил давомида, касалликни диссеминалланган клиник шаклларини даволаш даври эса 5 йил давомида ўтказилади. Касаллик тузалганлиги тўғрисидаги хulosса гистологик текширувлардан сўнг аниқланади, bemорлар шифокор қўригидан йилига икки марта 5 йил давомида ўтишлари белгиланади, ушбу муддат тугагандан кейин эса bemорлар диспансер ҳисобидан чиқарилади ва соғлом, деб хulosса қилинади.

ВАСКУЛИТЛАР

Васкулит (син. тери ангиити) – тери қон томирларининг заарланиши билан кечадиган касаллик бўлиб, дерматозларнинг клиник ва патоморфологик симптоматикасида бошланғич ва етакчи звено бўлиб, турли хил катталиқда бўлган дермал ва гиподермал қон томирлар деворларининг носпецифик яллигланиши ҳолати ётади.

Васкулит касаллигининг келиб чиқишида аллергик омилларни, ирсий ҳолат, дори воситалари, юқумли касалликлар, токсик ва фармакологик омилларни, статик зўриқишилар, радиация ва турли даражадаги ҳароратларнинг таъсири муҳим ўрин тутади. Касалликнинг кечишида микроциркуляция жараёнининг бузилиши, томирлар деворларининг жароҳатланиши, баъзан гемопоэз ҳолатининг бузилиши натижасида қон томирлар ўтказувчанигининг ошиб кетиши ҳолатлари кузатилади.

Васкулит касаллиги ташхисотида кўпгина ҳолларда С.Т. Павлов ва О.К.Шапошниковлар томонидан 1965 йилда тавсия этилган таснифдан фойдаланилади, буларга: ангионеврозлар, ангиопатиялар, ангиоорганопатиялар, томирларда ҳосил бўладиган шишлар киради.

Тугунли эритема

Тугунли эритема касаллиги организмнинг сил, стрептококкли, кандидозли инфекциялар таъсирига нисбатан кузатиладиган гиперергик реакцияси натижасида пайдо бўлувчи, ўткир кечувчи дерматоз бўлиб ҳисобланади. Касаллик кўпинча кўп шакли экссудатив эритема билан бирга бўлган кўринишида кечади.

Кўкрак ёшидаги ва эрта болалик ёшидаги болаларда касалликнинг намоён бўлиши кўпинча ички аъзолар, лимфа тугунлари ва суяк тизими силининг қайталаниши натижасида вужудга келади, деб ҳисобланади. Болалик ва катта ёшдаги болаларда тугунли эритема касаллигини вужудга келиши асосан стрептококкли инфекцияларга (тонзиллит, фарингит, ревматизм) нисбатан, кам ҳолатларда эса инфекцион-токсик омилларга нисбатан бўлган аллергик реакциялар кўринишида кечади. Тугунли эритема касаллиги антибиотиклар,

йод, барбитурат ва бошқа турдаги дори воситалари таъсиrlарига нисбатан организмнинг юқори сезувчанлиги натижасида ҳам кечади.

Касаллик ўткир кечади, бўғинларда, мушакларда ревматик оғриқлар, ҳароратни 38-40⁰ гача кўтарилиши, бош оғриши, умумий ҳолсизлик каби кўринишларда бошланади. Теридаги патологик жараён болдиr ва билакларни ёзув соҳаларида симметрик кўринишда оғрийдиган тугунлар кўринишида намоён бўлади. Тугунли тошмалар яrim яssи ёки яssи шакл кўринишларда бўлиб, пайпаслаб кўрилганда оғриқ кузатилади, уларнинг сони кўп бўлмайди, катталиги ёнғиқ катталигигача, ранги тўқ қизил рангда бўлиб асосан тери ва тери ости ёғ қаватларида жойлашади. Тугунли тошмалар бир-бири билан қўшилишга ва яллиғланиб ярага айланишга мойил бўлмайди. Тугунли тошма элементлари тахминан 2-3 ҳафталардан сўнг регрессия ҳолатига ўтиб, сўрила бошлайди, тошмалар пушти, тўқ қизил ранги қўнғир-яшил ва сариқ рангларга ўтади ва охир-оқибатда улар ўрнида иккиласми доғлар ҳосил қилиб, касаллик ўтиб кетади.

Тугунли эритема касаллигини Базенning индуратив эритема касаллиги билан таққосланади. Базенни индуратив эритемаси касаллиги ўткир бўлмаган кўринишда бошланиши, сурункали кечиши, патологик жараённинг узоқ ва турғун кечиши, ўчоқларда инфильтратларнинг қаттиқ ва зич бўлиши, оғриқнинг бўлмаслиги, тўқималарнинг некрозга мойиллиги, ярага айланиши ва чандиқли ўзгаришлар бўлиш, ҳароратнинг кўтарилмаслиги билан таърифланади. Тошмалар қўкимтир-қизил, жигарранг ёки тўқ кулранг кўринишларда бўлади. Дори воситалари натижасида вужудга келадиган токсикодермия касаллигига кузатиладиган ўчоқларда оғриқларнинг бўлмаслиги, тошма элементларининг ўзига ҳос бўлмаган кўринишларда жойлашиши ва дори воситалари қабул қилинишидан сўнг бошланганлиги ушбу касалликни тугунли эритема касаллигидан фарқлашга асос бўлади.

Тугунли эритема касаллигига даво чораларини белгилашдан олдин ушбу касалликни системали характерга эга ёки фақат тери соҳаларининг заарланиши билан кечиши ҳолатини аниқлаш керак. Агарда касаллик системали кўринишда кечса, у ҳолда беморларни стационар ҳолатида доволаш тавсия этилади. Касаллик табиати инфекцион кўринишга эга бўлса у ҳолда кенг қамровли антибиотиклар (эритромицин, мономицин, олете́трин ва ҳ.о.) тавсия

этилади. Даво жараёни десенсибилизацияловчи дори воситаларини, салицилат препаратларини, витамин дори воситаларини (С, В₁, В₆, В₁₂, никотин кислотасини, рутин), безгакка қарши препаратларни, анальгетикларни қўллаш билан олиб борилади. Тарқоқ ва оғир, системали кўринишда кечадиган ҳолатларда эса гепарин препарати қўлланилади ва кортикостероид дори воситалари тавсия этилади. Махаллий даво воситаларининг ўтказилишида қуруқ иссиқликни қўллаш, 5-10 % ли ихтиол эритмаси билан компресс қилиш, УФО ва УВЧ терапиясини қўллаш тавсия этилади.

Терининг аллергик васкулити

Терининг аллергик васкулити касаллигини (Руитер касаллиги)-нинг вужудга келиши асосида асосан шамоллаш, организмда ўчоқли инфекцияларнинг мавжудлиги ҳолатлари ҳамда оёқларда қон айланиши жараёнининг бузилиши натижасида вужудга келадиган қўлмаклик ҳолатлари ётади. Касалликнинг ушбу тури билан қўпинча қиз болалар ва аёллар хасталанади.

Патологик жараён асосан оёқларда симметрик ҳолатда жойлашади ва полиморф кўринишда, яъни доғли, тугунчали, пуфакчали, йирингчали некротик ва яралি кўринишларда бўлади. Касалликнинг кечиши дармонсизлик, чарчоқ, бош оғриғи, бўғимлар шиши ва оғриғи каби кўринишларда намоён бўлади. Касалликнинг турли клиник шакллари ичида полиморф-тугунчали тури кўпроқ учрайди. Касалликнинг бундай кўринишда кечиши эритематоз ва геморрагик доғлар, зичланган шишли ўчоқлар, таранг қобиғли пуфакчалар ва ва кўп бўлмаган думолоқ ясси тугунчалар шаклида намоён бўлади. Натижада ўчоқларда сероз-геморрагик қобиғлар, эрозиялар, яралар иккиламчи доғланишлар пайдо бўлади, бундай ҳолат касаллик клиникаси кўринишини янада мураккаблаштиради. Кам ҳолатларда эса касалликнинг тугунчали-некротик хили кузатилади, касалликнинг бундай хилининг кечиши марказида некротик яралар бор тугунчалар кўринишида кечади, кейинчалик некротик ўзгаришлар ўрнида чечак касаллигига кузатиладиган чандиқларга ўхшаш чандиқлар ҳосил бўлади. Касалликнинг геморрагик клиник шакли, яъни Руитер касаллигига касаллик белгилари шишган доғли тошмалар шаклида бошланади, аста-секин шишган доғли тошмалар кейинчалик геморрагик тусни олади.

Беморларда қорин соҳаларида оғриқ ва гематурия ҳолатлари кузатилади. Касалликка ташхис қўйилишида гистологик ўзгаришларни инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Гистологик текширувлар натижасида артериола, венула ва капилляр қон томирлар деворида фибринойд некроз ва қон томирлар атрофи тўқима соҳаларида лимфоид инфильтрациялар кузатилади.

Касалликнинг давоси васкулитларнинг бошқа клиник турлари каби ўтказилади.

Шенлейн – Генох геморрагик васкулити

Шенлейн-Генох геморрагик васкулити инфекцион, токсик ва аутоиммун жараёнлар таъсири натижасида вужудга келувчи касаллик бўлиб, уни тез кечадиган, некротик клиник шакллари асосан болалар ўртасида кўпроқ учрайди. Касаллик тўсатдан бошланади, жараён полиморф кўринишидаги тошмалар тарзида намоён бўлади. Тошмалар геморрагик доғлар, петихиялар ва пурпуралар, тугунчалар, пуфакчалар, йирингчалар, пуфаклар кўринишида бўлади. Касалликнинг кечишида жараёнга оғиз ва жинсий аъзолар шиллиқ қаватлари жалб этилиши мумкин. Касаллик циклик нисбатан кўринишда кечади, касаллик белгиларининг пасайиши ва кейинчалик эса кўзғалиши ва оғирлашиши кўринишида кечади, айrim ҳолатларда эса янги-янги аъзолар патологик жараёнга жалб этилиши мумкин. Беморларда полиартрит, полисерозит, гломерулонефрит, диффуз миокардит, полиневрит каби ўзгаришлар юзага келади. Касалликни фаол тарздаги кўринишида септик турдаги ҳароратнинг кўтарилиши, вақти-вақти билан қорин соҳасида, бўғин ва мушакларда оғриклар бўлиши, bemорларнинг тезда озиб кетишлари, бурунларидан қон кетиши ҳолатлари кузатилади. Тери ва шиллиқ қаватлардаги геморрагик тошмалар пуфакли, ярали ва некротик кўринишдаги экхимозларга айланади. Бундай ҳолатларда касаллик ўлим билан тугайди.

Касалликни даволашда антибиотиклар, сульфаниламид, десенсибилизациялайдиган, антигистамин дори воситалари, рутин, фолат кислотаси, гемотрансфузиялар, кортикостероидлар, артралгия ҳолатларида эса аналгетиклар қўлланилади. Вегетатив қон айланиши ҳолатини яхшилаш мақсадида андекалин, депо-падутин, продектин, солкосерил, дипрофен, комполамин, никошпан, В₁, В₆, С, К

витаминлари қўлланилади. Касалликни оғир кўринишда кечишида эса глюкокортикоидлар тавсия этилади. Бундан ташқари касалликни оғир кўринишдаги кечишида хингамин дори воситалари (плаквенил, делагил, резохин), яллиғланишга қарши нестериод дори воситалари (напросин, реопирин, пирабутол, бруфен, волтарен, индоцид ва ҳ.к.) ҳам тавсия этилади.

Маҳаллий даво жараёни қандай касалликнинг кўринишда эканлигини инобатга олган ҳолда ўтказилади. Петихиали ва пурпурали кўринишдаги тошмалар бўлганда ацемин, дибунол, венорутон, солкосерил малҳамларидан фойдаланилади, ушбу малҳамлар қон томирлар эластиклигини ва зичлигини тиклайди. Касалликни эрозия ва ярали кўринишларда кечишида эса эпителізацияни тиклайдиган Вишневский, Микулич, солкосерил ва ируксол малҳамларидан фойдаланилади.

ЭРИТЕМАЛАР

Кўп шаклли экссудатив эритема

Кўп шаклли экссудатив эритема касаллиги асосан йил фасларида боғлиқ кўринишларда кечадиган дерматоз бўлиб, касалликда тери ва шиллиқ қаватларининг заарланиши кузатилади. Касаллик асосан 10 ёшдан 70 ёшгача бўлган инсонларда учрайди. Ҳозирда касаликнинг 2 та: идиопатик ва симптоматик клиник шакллари тафовут этилади. Касаликнинг келиб чиқишида инфекцион муҳитнинг аҳамияти катта, деб баҳоланади. Жумладан, идиопатик клиник шакли вируслар таъсирида вужудга келади, деб тахмин қилинса, симптоматик клиник шакли эса сезувчанликнинг ошиши ҳисобига намоён бўлиб, касаликнинг вужудга келишига инфекцион омиллар (микоплазма, пневмококк, стрептокок, стафилокок, сил, туляремия, мохов, бруцеллёз ва ҳ.к) ва дори воситалари (сульфоаниламилар, антибиотиклар, фенобарбитал, антипирин ва ҳ.к) таъсир кўрсатади. Болалик даврида касаликнинг ривожланишига бўғма, кўййутал каби касаликларга қарши эмлашларнинг ўтказилиши, ҳамда ревматизм касалигининг мавжудлиги омилкор сабаб бўлади. Патогенетик омиллардан яъна бири бўлиб гуморал ҳамда ҳужайра иммун тизими тарафидан танқислик ҳолатининг кузатилиши сабаб бўлади.

Касаллик bemорларда продромал ҳолат белгиларининг, яъни мушак, суяқ ва бўғимларда кучли оғриқларнинг пайдо бўлиши ҳамда тана ҳароратининг кўтарилиши (субфебрил) билан бошланади. Касаликнинг бошланғич даврига кўпинча янглишиб шамоллаш ёки ОРВИ, деб ташхис қўйилади. Беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиши ва бурун оқиши белгилари кузатилади, 3-4 кунлардан кейин эса bemорлар терисида симметрик ҳолда жойлашган ўткир яллиғланган, бир-бирига қўшилишга мойил бўлган тошмалар пайдо бўлади. Кейинчалик тошмалар марказидан сўрила бошлайди ва улар ўрнида кўкимтир- қизғиш, аниқ шаклли шишлар ҳосил бўлади. Оғиз шиллиқ қавати ва жинсий аъзолар соҳасида эса кўп микдорда эрозиялар, қатқалоқли яралар ҳосил

бўлади, кўз шиллиқ қаватлари томонидан эса яллиғланиш, шиш ва қизариш ҳолатлари кузатилади. Тошмалар асосан қўл ва оёқларнинг ёзув соҳаларида, устки соҳаларида жойлашган бўлиб, тахминан 2–5 ҳафталар мобайнида сақланиб туради. Касаллик 5–20 % беморларда вақти-вақти билан қайталаниб туради.

Касаллик везикуло-буллёз, уртикар ва эритематоз полиморф тошмаларнинг пайдо бўлиши билан бошланади. Касалликнинг оғир буллёз клиник шакли бир-бирига қўшилишга мойил бўлган катта ҳажмдаги пуфакларнинг яллиғланган асосда ҳосил бўлиши билан бошланади. Оғиз, бурун, кўз шиллиқ қаватлари ва гениталий соҳаларининг заарarlаниши Стивенс-Джонсон клиник шакли, деб ва Фиссент-Рандю эрозив эктодермози, деб номланади. Касаллик бирдан ҳароратнинг кескин кўтарилиши, ҳолсизлик, бош оғриши, оғиз соҳаларида оғриқ пайдо бўлиш билан бошланади. Шу заҳотиёқ лаб, тил, шиллиқ қаватларида пуфакчали тошмалар пайдо бўлади. Пуфакчалар тез ёрилиб, юзаларида қонталашиб турувчи эрозияларни ҳосил қиласди, сўлак оқиши ҳолатлари пайдо бўлади. Беморларда икки томонлама конъюнктивит, кератит, кейинчалик эса ринит ва бурундан қон кетиш ҳолатлари кузатилади. Баъзи ҳолатларда эса ички аъзоларнинг заарarlаниши кузатилади. Кейинчалик жараён чукурлашиб бориб, трахея, бронх, қизилўнгачларни заарлайди. Конъюнктивит, кератит, ирит, иридоциклит каби асоратлар bemорларни кўр бўлиб қолишлирга олиб келади. Касалликнинг плевропневмония, артрит, бронхит, менингит, миокардит каби асоратлари эса ўлим билан тугаши мумкин.

Кўп шаклли экссудатив эритема касаллигини токсик аллергик – эпидермал некроз, токсидермия, Дюрингни учуксимон дерматити касаллиги, буллёз пемфигоид касалликлари билан таққосланади. Лайелля синдироми касаллигига эса пуфакли тошмалар кўплиги, осон ёрилиши, тез тарқалиши, бир-бирига билан қўшилиб кетишга мойиллиги, ҳамда Асбо – Хансен сидромининг мусбат бўлиши билан ажralиб туради.

Токсикодермияда касаллигига полиморф тошмалар асосан қўл ва оёқларнинг букувчи соҳаларида юз, бадан ва кам ҳолатларда шиллиқ қаватларда кузатилади. Буллёз пемфигоид касаллиги болаларда кам ҳолатларда учрайди, касалликда тошмалар мономер буллёз тошмаларининг пайдо бўлиши билан ажralиб туради ҳамда базал мембрана соҳаларида иммуноглобулинларнинг тўпланиши аниқланади.

Дюрингнинг учуксимон дерматити йод ва галоген моддалариға нисбатан бўлган сезувчанлик ҳолатининг юқори бўлиши, пуфакли тошмаларда, қонда эзинофилия ҳолати кузатилиши, базал мембрана соҳасида ва дерманинг сўрғичсимон қаватларида иммуноглобулин IgA нинг тўпланиши билан кузатилади. Эпидермис қаватида хужайраларо шиш ва спонгиоз, дерма қаватида – периваскуляр полиморфхужайрали инфильтрат кузатилади. Буллёз тошма элементлари базал мембрана остида жойлашади.

Касалликни даволаш комплекс равища олиб борилади ва кенг спекторли таъсирга эга антибиотиклар, вирусостатистик дори воситалари белгиланади. Антигистамин препаратлари (тавсия, супрастин, анамрин, зодак), яллигланишга қарши дори воситалари (салицилатлар, напросин, аналгетиклар ва кальций препаратлари), оғир ҳолатларда эса глюкокортикоидлар ва анаболик гаромонлар қўлланилади.

Махаллий даво ўтказилишида нам-қуритувчи боғламлар, эпителизацияни кучайтирувчи малҳамлар (ируксол, солкосирил, линевит) қўлланилади.

Касаллик прогнози оддий кечувчи шаклида яхши, оғир шаклларида, яъни Стивенс-Дисансти синдромида эса ўлим билан тугаши мумкин.

Жибернинг пушти ранг темираткаси

Жибернинг пушти ранг темиратки касаллиги эритема-сквамоз тошмали дерматозлар туркумiga кирувчи тери касаллиги хисобланади. Касалликнинг келиб чиқишида стрептококли ва вирусли инфекцияларнинг ўрни муҳимлиги таъкидлаб ўтилади. Касалликнинг бошланиши продромал белгилар кўринишида кечиб, bemor оила аъзоларининг бир нечтасида ҳам учрашиши қайд этилиши мумкин. Антибиотик ҳамда сульфаниламид дори воситаларининг касалликни даволашда қўлланилиши ва улар натижасида юқори самара олиниши касалликнинг инфекцион табиатга эга эканлигидан далолат беради. Касаллик ривожланишида ОРВИ, ангина грипп каби касалликларнинг ўрни алоҳида таъкидланади. Бундан ташқари касалликнинг патогенетик омиллари сафига эндокрин касалликлари, сурункали инфекция ўчоқларининг мавжудлиги ҳолатини ҳамда ички аъзолардаги патологик ўзгаришларни киритиш мумкин.

Касалликнинг клиник белгилари қорин, кўкрак ва сон соҳаларида овал ёки думалоқ шаклга эга бўлган, катта ҳажмли ва аниқ чегарали марказида қипикланувчи эритематоз ўчоқлари мавжуд бўлган, «Она» деб аталадиган пилакчали ўчоқларнинг пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Тошма элементларининг пайдо бўлишидан олдин баъзан продромал ҳолат, ҳолсизлик, бош оғрифи, артравгия, тана ҳароратини кўтарилиши каби белгилар кузатилади. Она пилакчасининг пайдо бўлганидан тахминан 3-10 кунлар вақт ўтгач тана тери соҳасининг Лангер чизиги бўйлаб кўп микдорда пушти-қизил рангли, овал шаклга эга ва тери сатҳидан бир оз кўтарилиган доғли ва папулёз-доғли тошмалар пайдо бўла бошлайди. Тошмалар айниқса, кўп микдорда гавданинг ён соҳаларда, елка, орқа ва сон соҳаларида, баъзан эса бўйин ҳамда юз соҳаларида кузатилади. Пушти ранг темиратки касаллиги учун хос бўлган белгилардан бири бу овалсимон доғли тошмалар марказида қипикланиш ҳолатини, яъни папирос қофозини кўринишини эслатувчи белгиларнинг ҳосил бўлишидир.

Болаларда касаллик белгилари бошнинг сочли қисмида, оч пушти рангли доғлар шаклида намоён бўлиб, уларнинг юзаларида эса қипикланиш ҳолати кузатилади. Уларда касаллик атипик ҳолда, яъни қаварчиқсимон ҳамда везикуло-буллёз клиник шаклининг кузатилиши, кучли қичишиш ва парестезия аломатлари билан кечади.

Касалликни нотўғри даволаш ва парвариш қилиш натижасида кўпинча касаллик йиринглар ҳамда экзематизациялар билан асоратланади. Бундай ҳолатларда терининг катта бурмалари соҳаларида ҳамда кийимлар ишқаланиб таъсир қиласидиган соҳаларда кучли яллигланиш ва сувчираш аломатлари кузатилади. Касалликнинг авж олиши натижасида айрим пайтда эритродермия ҳолатларида кузатилиши мумкин.

Касалликка ташхис қўйиш асосан қийинчилик туғдирмайди, “Она” пилакчасимон ўчоғининг ҳосил бўлиши, марказида қипикланадиган розеолали доғларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг Лангер чизиги бўйлаб жойлашиши, продромал босқичнинг кузатилиши ва касалликнинг йил фаслларига боғлиқ ҳолда кечиши касалликка ташхис кутишга асос бўлади. Жибернинг пушти ранг темиратки касаллигини псориаз, юзаки дерматомикозлар, иккиламчи заҳм ва себорея касалликлари билан таққослов ташхиси ўтказилади.

Үчоқларда гистопатологик текширув ўтказилғанда носпецифик сурункали дерматитга ўхаш бўлган яллиғланган инфильтрат, эпидермисда спонгиоз, акантоз, паракератоз каби ўзгаришлар кузатилади.

Касалликни даволашда дастлаб, касалликнинг экссудация ҳолати билан кечишини, сурункали ўчоқли инфекцияларни, ОРВИ, бронхит, ангина ёки синусит каби касалликларнинг аникланганлигини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши лозим. Даволаш антибиотиклар, сульфаниламид дори воситалари, десенсибилизацияловчи, антигистамин дори воситаларини қўллаб олиб борилиши муҳим ҳисобланади. Беморларга пантотенат кислотаси 0,01 – 0,03 г дан кунига 3 маҳал ичиш ёки кальций пантотенатни 0,03-0,1 г кунига 2-3 маҳалдан 8-10 кун давомида ичиш тавсия этилади. Касалликнинг тарқоқ шаклларида эса кўпинча вена ичига натрий тиосульфатнинг 30 % ли эритмасини 2-5 мл дан кунора 10 кун давомида қўйиш тавсия этилади, аутогемотерапия ва стрептококкли вакцина қўлланилади. Маҳаллий даво сифатида кортикостероидли малҳамларни (флюцинар, лоринден, гиоксизон, дермовайт, синафлан) Унна креми билан 1:1 нисбатида аралаштириб суртиш тавсия этилади.

РЕТИКУЛЁЗ ВА ЛИПОИДОЗЛАР

Ретикулёз касаллиги асосида бирламчи ёки иккиламчи ретикулогистиоцитар пролиферация жараёнлари билан ёғ моддалари алмашинувининг бузилиши ҳолатлари ётади. Абт-Леттерер–Саве, Хенд-Шюллер-Крисчен ва Таратынов касалликлари гурӯхларини бирламчи ретикулогистиоцитар пролиферация жараёни, кейинчалик эса иккиламчи липидлар алмашинувининг бузилиши ҳолати таърифлайди. Гошева-Мимакн–Пик касаллиги билан намоён бўлувчи касалликларнинг иккинчи гурӯхи туғма табиатга эга бўлиб, эҳтимол ирсий липидлар алмашинувининг бузилишлари билан, кейинчалик эса (иккиламчи) ретикулогистиоцитар пролиферация жараёнининг ривожланиши билан таърифланади. Шунинг учун бундай касалликлар туркумини ретикулогистиоцитоз – липидоз, деб аталади.

Ҳақиқий ретикулогистиоцитоз ёки Абт-Леттерер–Саве касаллиги дастлаб 1924 й Letterer томонидан таърифланган. Бу касалликнинг синонимлари бўлиб диффуз ретикулоэндотелиоз, алекемик ретикулёз, гистиомоноцитар хавфли ўткир ретикулёз, нолипид ретикулёзлар ҳисобланади.

Касалликнинг этиологияси ва патогенези охиригача маълум эмас. Кўпинча касаллик асосида вирус ёки бактериал инфекциялар мухим ўрин тутади, деб тахмин қилинади. Чунки bemор болалар анамнезида кўргина ҳолатларда ангина, отит, сепсис ва шунга ухшаш бошқа инфекция ўчоқлари мавжудлиги аниqlанади. Касаллик патогенезида генетик мутацион омилларнинг мавжудлигига ҳам мухим аҳамият берилади.

Касаллик одатда кўкрак ёшида бўлган болаларда тана ҳароратининг тўсатдан 40° гача бўлган кўринишда кўтарилиши билан бошланади. Бошнинг сочли қисмида, кўкрак, курак, қорин соҳаларида кўплаб гемморрагик, қипиқланадиган лихеноид папулали ва петехиали тошмалар пайдо бўлади. Папулали тошмалар марказида нуктали чандиқчалар пайдо бўлиш билан бирга некроз ҳолати юзага келади, баъзан анча йирик чандиқларни қолдирадиган инфильтратив–шишсимон ҳосилалар кузатилади. Бемор болалар бармоқ тирнокларида онихия ва паронихия каби

ўзгаришлар кузатилади. Оғиз ва вульванинг шиллиқ қаватларида эса тез-тез эрозияли ўзгаришлар кузатилади ва қон қуилишлар пайдо бўлади.

Полиаденопатия ва гепатосplenомегалия каби ўзгаришлар касаллик учун хос белгилар бўлиб ҳисобланади. Баъзан беморларда отит ва мастоидит каби касалликлар кузатилади, бундай касалликларнинг кечиши даво чораларига нисбатан резистент ҳолатда бўлади, натижада беморлар бош суяги, қовурға, ўмров, курак, кўл-оёқлар, ва чаноқ суюклари жароҳатланади, жараён оғриқ ва юмшоқ тўқималар шиши каби белгилар билан кечади. Рентгенограмма текширувларида ўчоқларда деструкция, остеопороз, остеолизис, кистоз, характерли декальцификация зоналари ва периостит каби ўзгаришлар аниқланади. Бемор болаларнинг умумий ахволи тезда ёмонлашади, иштаҳлари йўқолади, тери юза қопламлари оқаради, тана вазнларининг ортиши, заифлик ҳолатлари кузатилади. Периферик қон таркиби текширилганда анизо- ва пойкилоцитоз, гипохром анемия, лейкопения ёки лейкоцитоз, нейтрофилез кузатилади ва лейкоцитар формулада миелоцитларнинг чапга силжиши ҳолати намоён бўлади, бир қатор беморларда моноцитоз ҳолати аниқланади. Миелограмма текширилганда у кўмик ҳужайралари полиморфизми билан таърифланади, баъзан эса ретикулогистиоцитар элементлари микдорининг ортганлиги қайд этилади.

Абт-Леттерер-Сиве касаллигига тошма элементларининг характери ва жойлашуви себореяли дерматит касаллигининг клиник белгилар билан анча ўхшаш кўринишда бўлади, шунга қарамасдан синчковлик билан кўрилганда петихиал элементлар, аввалги лихеноид папулалар ўрнида нуқтали чандиқчалар топилади, маълумки бундай ўзгаришлар себореяли дерматит касаллигига кузатилмайди. Бемор болалар умумий ҳолатининг кўриниши, бошқа аъзо ва тизимларнинг касалликка хос кўринишларда (полиаденопатия, суюк тўқимасининг деструктив ўзгаришлари, ўпка шикастланиши, отит ва мастоидит, гепатосplenомегалия, лаборатор текширув маълумотлари) шикастланиши ҳолати себореяли дерматит касаллигининг йўқлигини кўрсатади. Касалликка охирги, аниқ ташхис қўйишида гистологик текширув маълумотлари катта ёрдам беради. Гистологик текширувлар натижасида тери ўчоқларида гистиоцитларнинг тўпланиши аниқланади. Висцерал аъзоларда

нормал структураларнинг катта, рангпар ретикулогистиоцитар хужайраларнинг пролиферантлари билан алмашинуви ҳолати амалга ошади.

Касалликни даволашда глюкокортикоид дори воситаларини буюриш патогенетик жиҳатдан асоси бўлиб ҳисобланади, чунки бу дори воситалари ретикулогистиоцитар тизим функциясини пасайтиради, гемопоэзни стимуллайди, модда алмашинувини нормаллаштиради ва ҳ.к. Глюкокортикоид дори воситалари узоқ муддат, ҳатто касалликнинг клиник белгилари йўқолгунга қадар буюрилади. Препарат дозаси (преднизалонга ҳисоб қилинганда) бемор 1 кг тана вазнига кунига 1 мг гачани ташкил қилиши керак. Препаратнинг дозасини пасайтириш босқичма-босқич бир неча ой, баъзан эса йил давомида ремиссиягача давом этади. Касаллик интерекрент касалликларни (ОРВИ, сувчечак, қизамиқ, қизилча ва ҳ.к.) қўшилиши натижасида қайталанади, бу вақтда глюкокортикоид дори воситаларининг дозасини ошириш ва 3-4 ҳафта давомида антибиотиклар буюрилиши талаб қилинади. Гамма-глобулин, гемотрансфузия, шунингдек, суяқ тўқимаси шикастланган ўчоқларга рентгенотерапия муолажалари тавсия этилади. Аскорбин кислота, В грухчи витаминлари, айниқса, кальций препаратлари буюрилади.

Касалликни олдини олиш ҳомиладорлик даврларида аёлларни турли заарли экзоген таъсирлардан ҳимоя қилишга асосланади. Энг аввало ҳомиладорлик даврида ҳомилага ёмон таъсир қилувчи ретикулогистоцитар хужайраларнинг кўпайиши ва ўсишини назорат қилувчи регулятор механизmlарнинг бузилишига сабаб бўлувчи вирусли инфекциялар ва ионловчи нурланишлардан эҳтиёт бўлиш керак. Касалликнинг кечиши жараёнида висцерал аъзолар, суяқ тизими ва бошқа тўқималарнинг шикастланиши прогностик жиҳатдан ёмон натижা, деб боҳоланади. Касалликнинг фақат тери шаклидаги кечишида глюкокортикоидлардан фойдаланиб комплекс даволаш касалликни баъзан тузалишга олиб келади. Бемор болалар доимий равишда мутахассис қарамоғида диспансер кузатувларида бўлишлари керак.

Хенд-Шюллер-Крисчен касаллиги (липид гранулематоз) тарқалган ретикулогистоцитозни намоён этиб, у учун сурункали тўлқинсимон даврий ҳуружлар билан кечиши ушбу касалликнинг ўзига хос белгиси ҳисобланади. Касаллик бир йилдан бир неча йиларгагача давом этиши мумкин. Касаллик асосида липид

алмашинувининг бузилиши ҳолати ётади, натижада тахмин қилинишича, бирламчи ретикулёз ҳолати ривожланади. Шунингдек, касаллик патогенезида хужайра метаболизми бузилиши ҳолати ҳам муҳим роль ўйнайди.

Касаллик bemор болаларда кўпинча 2 дан 5 ёшгача бўлган вақт давомида бошланади. Беморларда аса-секин сирковланиш ривожланади, бола тез чарчаб қолади, улар жуда таъсиран бўлиб қоладилар, bemорлар иштаҳаси анорексиягача пасаяди, қоринда оғриқ, кўнгил айнаши, қабзият каби белгилар пайдо бўлади. Касалликни тафовут этилишида уч хил клиник белгиларга: биринчидан бош мия, умуртқа, чаноқ, қовурға, қўл-оёқ суякларидағи кўплаб деструктив ўзгаришларга, иккинчидан экзофтальм ҳолатига ва учинчидан эса қандсиз диабет каби белгиларга асосланилади.

Беморлар кунига 10-12 литргача сув ичиши ва чиқариши мумкин. Уларда қусиши аломатлари пайдо бўлади, тана вазни тўлиқ озиб кетишгача пасаяди, ўсиш жараёни секинлашади, bemорлар жисмоний ва руҳий жиҳатдан ривожланишдан ортда қола бошлайдилар. Теридағи ўзгаришлар 1/3 bemорларда аниқланади, бундай ҳолатларда bemорлар тери соҳаларида қуруқ, енгил қипиқланувчи, фолликуляр, қизил, кейинчалик эса сариқ ранги папулалар, петехиал элементлар, гемморрагик пўстлоқлар, нұктасимон чандиқчалар кузатилади.

Анемия, унча катта бўлмаган лейкоцитоз, моноцитоз каби ўзгаришлар аниқланади, баъзан қонда холестерин миқдори бирмунча ортганлиги кузатилади. Лимфа тугунлари чегараланган кўринишида ёки кўплаб тарқоқ кўринишида катталashiши кузатилиши мумкин, улар пункция қилинганда “кўпиксимон”(псевдоксантом) хужайралар аниқланади. Худди шундай хужайралар шикастланган суяк кўмигига ҳам топилади. Суяк нұқсонларини Палпатор текширув орқали бош мия суягига аниқлаш мумкин. Жағ суяклари деструктив жароҳатларида стоматит, гингивит каби яллиғланишларнинг ривожланиши, тишларнинг оғриқсиз тушиб кетиши ҳолатлари кузатилади. Bеморларда тарқалган интерстициал зотилжам кўринишида ўпкаларнинг жароҳатланиши кузатилади, натижада эмфизема касаллиги пайдо бўлиши мумкин. Баъзи bemорларда типик учликнинг бир ёки икки белгиси бўлмаслиги мумкин. Бу вақтларда Хенд-Шюллер-Крисчен касаллиги жараёни Абт-Латтерер-Сиве касаллиги каби маълумот беради, яъни СОЭ,

ретикуляр ва плазматик хужайралар фоизининг ортиши, эозинофилия, тромбоцитоз ҳолатлари кузатилиши қайд этилади.

Ҳақиқий ретикулогистоцитоз касаллигини даволашда асосан глюокортикоид дори воситаларидан фойдаланилади. Глюокортикоидлар 1 кг беморлар тана вазнига кунига 1-1,5 мг дан белгиланади (преднизалонга ҳисоб қилинганда). Касаллик клиникасининг яхшиланиш даражасига қараб препарат дозаси аста-секин камайтирилади. Касалликнинг қандсиз диабет кўринишида кечиши, буйрак беҳоллигида адиурекрин дори воситаси кукун ёки суртма кўринишида қўлланилади. Дори кукуни 3 ёшдан катта бўлган бемор болаларга енгил нафас олиш орқали бурун бўшлиғига 0,01-0,04 г дан киритилади. Дорининг суртма кўринишидаги ҳили эса бурун ичига кунига 2-3 марта 0,1- 0,4 гача дозада суртилади. Даво муолажаси сув алмашинуви жараёни меъёрий ҳолга келгунга қадар давомий ўтказилади, ундан кейин эса 2-3 ҳафтагача танаффус қилинади. Суяклар жароҳатланганда рентгенотерапия муолажаси ўтказилади. Даво муложалари ўтказилишида гемотрасфузия қилиш, эритроцитар массалар ва альбумин қуиши, В гурухи витаминлари, аскорбин кислотаси, кальций препаратларини кўллаш ва консерватив ортопедик даволаш усуллари қўлланилади.

Касаллик прогнози Абт-Леттерер-Сиве касаллигидагига қараганда анча яхши кўринишида бўлади. Касаллик бир неча йил давом этиб тўлиқ тузалиб кетиши мумкин, аммо 20-25 % ҳолларда оқибати ўлим билан тугаши мумкин.

Эозинофил гранулема касаллиги 1913 йил рус паталогоанатоми Н.И.Таратинов томонидан илк бор таърифлаб берилган. Касаллик билан кўпинча мактабгача ёки мактаб ёшидаги болалар касалланади, лекин касаллик ҳар қандай ёшда ҳам учраши мумкин. Унинг кечиши симптомсиз ёки суякларнинг кўплаб деструктив ўзгаришлари билан кечади. Эозенофил гранулема касаллиги баъзан узоқ вақт давомида аниқланмай қолади. Касалликнинг бошланишида кўпинча калла суюги ва пастки жағ соҳаларида шиш, оғриқ ва жароҳатлар аниқланади. Рентгенограмма текширувларида суюдаги нуқсонлар думалоқ ва овал шаклларида бўлиб, тез ўсишга ва серғовак бўлишга, бирикишга мойил ҳамда суюкларнинг синишга мойиллиги мавжудлигини акс эттиради. Касаллиқда ички аъзолар шикастланмайди, интоксикация кўринишлари кузатилмайди, тана ҳарорати субфебрил ёки нормал

кўринишларда бўлади. Периферик қон таркибида 20 % гача эозинофилия, СОЭ ортиши, гипохром анемия ва тромбоцитоз ҳолати кузатилади. Суяк кўмиги пунктатидаги гистологик текширувлар натижасида эозинофил полинуклеар ҳужайралар аниқланади.

Терининг шикастланиши кўп учрамайди ва марказда пўстлоқ билан қопланган яра-чака гемморагик папулалари билан характерланади. Улар юзда, бошнинг сочли қисмларида, гавдада, камроқ болдириларда жойлашади ва Хенд-Шюллер-Крисчен касаллигидаги тошмаларга ўхшаш кўринишда бўлади. Болаларнинг жисмоний ривожланиши Хенд-Шюллер-Крисчен касаллигидагидан камроқ бузилган бўлади.

Дифференциал ташхис асосан Таратинов ва Хенд –Шюллер-Крисчен касалликлари билан ўтказилади, лекин бундай таққослов ташхисининг ўтказилиниши анча мураккаб бўлиб, касалликни ўз-ўзидан тузалиб кетиши, хавфсиз кечиши эозинофил гранулема касаллигига ташхис қўйиш имконини беради.

Асосан даволаш жараёни гормонал дори воситалари иштирокида олиб борилади. Суяк тўқимаси деструктив ўчоқларининг рентгентерапияси яхши самара беради. Баъзан хирургик даволашдан (кюретаж) ҳам фойдаланилади.

Болалар диссеминирланган хавфсиз ретикулёзи асосан кўкрак ёшидан 3 ёшгacha бўлган вақт давомида кузатилади. Тана тери соҳаларида, кам ҳолатларда қўл-оёқларда ҳамда бошнинг сочли соҳаларида пушти-қизил, кўкимтири рангли, енгил пўст ташловчи лихеноид папулалар пайдо бўлади. Мацерацияланадиган соҳаларда, айниқса, букилувчи соҳаларда тошмалар эрозияланади ва ҳўлланади. Бемор болаларнинг умумий ахволи бузилмайди, тана ҳарорати меъёрида бўлади, лимфа тугунлари катталашмайди, ички аъзолар ва суяк тизими томонидан ўзгаришлар аниқланмайди. Касалликнинг прогнози яхши бўлиб, ўз-ўзидан тузалиб кетади.

Бирламчи гиперхолестеринемик ксантоматоз ирсий келиб чиқувчи аутосом-доминант липидозларга киради. Касаллик белгилари bemорларда болалик, баъзан эса болалар ҳаётининг биринчи йилида тирсак, тизза бўғимлари, ахилл пайлар, думба, панжа бармоқлари орқаси, камроқ ҳолатларда эса бошнинг сочли қисмларида турли ўлчамларда бўлган тугун ва тугунчали тошмалар кўринишида пайдо бўлиши билан бошланади. Бармоқ билан пайпаслаб кўрилганда бу тошмалар зич, кўзга кўринмайдиган,

яллиғланишсиз, яримшарсимон күринишига эга сариқ ёки сарғиш-күкимтириң рангларда бўлади, жараён асосан оғриқсиз кечади. Тошма элементлари айниқса, бўғим соҳаларида гуруҳланишига мойил бўлади. Баъзи беморларда оғиз шиллиқ қаватларида, ўпка илдизларида, жигарда ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Кўп ҳолатларда жуда тез равишда юрак-қон томир тизими тарафидан бузилишлар кузатилади, бунинг натижасида беморлар ёшлиқ чоғидан стенокардия, миокард инфаркти, вақти-вақти билан оқсоқланиш кабилар билан азият чекадилар. Конда эркин холестерин ва унинг эстерларининг таркиби ошиши кузатилади. Шунингдек, фосфолипидлар миқдорининг ҳам ошиши кузатилади, бу вақтда нейтрал ёғ таркиби нормал қолади. В- ва г- глобулинларнинг ортиши ҳисобига эса баъзан диспротеинемия ҳолати кузатилади.

Тери тошмаларининг типик кўриниши, зардоб химизмининг ўзига хос бўлган ўзгаришлари ташхис қўйилишида катта аҳамият касб этади. Касаллик ташхиси гистологик текширувлар натижасида тасдиқланади (тўқимада ксант билан кўп ксантом, кўпиксимон, ёғ билан тўлган ҳужайралар топилади).

Даво чоралари асосан модда алмашинувини нормаллаштиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бутун ҳаёти давомида беморлар ҳайвонлар ёғини чекловчи (баъзан истисно билан) парҳезга амал қилишлари лозим, овқат маҳсулотлари таркибida тўйинмаган ёғ кислоталари бўлган ўсимлик ёғларидан фойдаланиш тавсия этилади. В₆, В₁₅ витаминлари, аскорбин ва никотин кислотаси, гепарин, тиреодин, атромид, феноксап, цетамиfen, эсенциале, липамид, продектин каби дори воситалари белгиланади.

Касалликнинг прогнози нисбатан шубҳали бўлиб, кўпинча юрак-қон томир тизими шикастланиш даражасига боғлик бўлади. Болаларда бу касаллик туфайли вужудга келадиган миокрд инфарктидан ўлим ҳолатлари тавсифланмаган. Беморлар доимий диспансер кузатувида бўлишлари ва оғир жисмоний зўриқишилардан озод қилиниши керак.

Ретикулогистиоцитоз – липидоз ёки Гоше касаллиги липидлар алмашинувининг ирсий бузилиши билан кечадиган бўлиб, касаллик кам ҳолларда учрайди. Касаллик лимфа тугунларида, кўмиқ, жигар, талоқ ҳужайраларида цереброзидларнинг тўпланиши билан характерланади. Касалликни аутосом-рецессив тарзда ўтувчи ўткир

(болалар типи) ва геннинг тўлиқсиз пенетрантланиши билан кечувчи (доминант шаклида наслдан-наслга ўтувчи) сурункали шакллари (ювениил типи) фарқланади.

Касалликни ўткир шакли билан фақат кўкрак ёшидаги болалар касалланади. Касалликнинг кечиши бемор болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан ривожланишдан ортда қолиши билан характерланади. Баъзан қорин ҳажмининг сезиларли даражада катталашиши (спленогепамегалия натижасида), нафас етишмовчилиги симптомлари (цианоз, йўтал), бўғимлар шиши ва ҳаракат натижасида найсимон суюклар соҳасида кучавчан оғриқларнинг кузатилиши, остеопороз, декальцификация, терини ўзига хос бўлган жигарранг тусга кириши, шунингдек, юз ва панжа соҳаларида баъзан эса тананинг бошқа соҳаларида патихиал тошмалар кузатилади. Ҳамма bemорларда анемия, лейкопения, тромбоцитопения ҳолатлари аниқланади. Қон таркибида липид ва холестерин микдори ошмаган бўлади. Беморларда кўплаб неврологик симптомлар (мушаклар гипертонияси, тризм, опистотонус, қийин ютиш, ғилайлик, кўрлик, тоник ва клоник безгаклар), турли жойда эса фалажликлар кузатилади. Гоше касаллиги ташхиси думалоқ шаклли ва йирик ўлчамли, цереброзидлар билан тўла хужайралар аниқланиши асосида қўйилади. Касалликнинг кечиши тез, дистрофия ва қахексия алломатларининг ривожланиши билан намоён бўлади. Касаллик прогнози яхши эмас, ўлим ҳолатлари bemорлар ҳаётининг биринчи йилларида кузатилади, кўпинча bemор болалар касаллик бошлангандан 2-6 ой ўтгандан сўнг, одатда интеркуррент касалликларнинг қўшилиши оқибатида вафот этадилар.

Касалликнинг сурункали шакли ҳар қандай ёшдаги болаларда, лекин кўпроқ 5-8 ёшлардан кейин учрайди. Қорин соҳаси эрта катталашади (спленомегалия), оёқларда спонтан тарзда оғриқлар пайдо бўлади (рентгенологик: остеопороз ёки остеосклероз) соннинг хаспсимон “шишсимон” кўринишда деформацияси вужудга келади. Юз, бўйин, кафт ва оёқ ости тери соҳалари жигарранг, жигарранг-сариқ ёки бронза рангга киради, пигментация диффуз ҳолатга ўтиши ва шиллиқ қаватларни ҳам эгаллаши мумкин, бундан ташқари турли шакл кўринишларида бўлган қон қўйилиш чизиклари кузатилади. Бурун ва ичакдан қон кетиши ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин. Қон таркибида липидлар микдори норма даражасида, нордон фосфат

фаоллиги ва глобулинлар миқдори эса ортган миқдорларда бўлади. Бемор болаларнинг умумий аҳволлари узоқ вақт қониқарли бўлиб қолади, лекин босқичма-босқич жисмоний ривожланишдан ортда қоладилар, касалликнинг ҳамма кўринишлари ривожланиб боради, bemorларда анемизация даражаси ортади, иммунитет эса сусаяди. Касаллик прогнози bemor болалар ёшига қараб баҳоланади, bemor қанча ёш бўлса, прогнози шунчалик оғир бўлади.

Касалликнинг ушбу турини даволаш кам самара беради, чунки хужайра ичи соҳалари липидозларида алмашинувни тикловчи дори воситалари ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаган. Яққол ифодаланган спленомегалияда спленэктомия қилинади. Айрим ҳолатларда bemorларга 1 кг тана вазнига кунига 1 мг дозадан глюокортикоид дори воситалари белгиланади, гемопоэз стимуляторлари, қон трансфузиялари, плазмалар кенг қўлланилади.

Ниманн-Пик касаллиги мия, жигар, талоқ, буйрак усти безларида тўпланувчи фосфолипид сфимингомиелин алмашинувининг кам учрайдиган наслий касаллиги бўлиб ҳисобланади. Касаллик сфингомиelinаза ферментлари фаоллигини йўқотиши билан боғлиқ, деб ҳисобланади. Касаллик аутосом – рецессив шаклда наслланади.

Касаллик билан илк ёшдаги болалар касалланади. Касаллик кечиши хавфли бўлиб, касаллик бошлангандан 2-3 йил ўтгач, ўлим билан тугайди. Иштаҳанинг йўқолиши, қусиши аломатларининг кузатилиши, тана вазнининг камайиши, гепатосспленомегалия, лимфа тугунларининг катталашиши касалликнинг биринчи белгилари бўлиб ҳисобланади. Кейинчалик эса асцит, неврологик бузилишлар ривожланади, текширувларда баъзан кўз тубида олчаранг – қизил рангли дөглар аниқланади.

Тери соҳаларида кулранг, тўқ жигарранг, сояли рангга ўхшаш бўлган (меланин миқдори ортган) тошмалар кузатилади. Баъзан bemor болаларда тошмалар эритематоз ва папулёз кўришларда бўлади. Конда гипохром анемия, тромбоцитопения кузатилади, холестерин, сфингомиелин ва лицетинлар таркибининг ортиши кузатилади. Рентгенологик текширувларда суюкларда остеопороз ва остеомалация кўринишлари топилади. Талоқ, суюк кўмиги пунктатларида типик кўпиксимон Ниманн-Пик хужайраларининг аниқланиши касалликка ташхис қўйилишида муҳим аҳамият касб этади.

Даво чоралари глюокортикостероид дори воситалари, В, РР витаминлари, аскорбин кислотаси, метионин, липокайн каби дори воситаларининг қўлланиши билан олиб борилади. Лекин касалликни

даволаш кам самара беради. Касаллик оқибати тез ўлим билан тугайди ва болалар кўпи билан З ёшгача яшайдилар.

Невоксантоэндотелиома (ювенил қсанторганулематоз, Мак-Донаг касаллиги) касаллик тез ёки болалар туғилгандан сўнг бир неча ойлардан кейин, баъзан эса катта ёшли болаларда пайдо бўлади. Касалликнинг этиологияси ва патогенези ҳозиргача маълум эмас. Бу дерматоз ёш гистиоциотома, деб ҳисобланади. Касаллик дерма тубида яримшарсимон тугун ва тугунчаларнинг тўсатдан пайдо бўлиши билан характерланади, лекин улар тери сатхидан кўтарилимайди, зич, оғриқсиз, сарғиш-жигарранг тусли бўлади. Элементлар микдори якка сондан то 25-30 гача бўлиб, кўпинча қўл ва оёқларда, кам ҳолатларда юз, тана, бошнинг сочли қисмларида ҳам бўлиши мумкин, камдан-кам ҳолатларда эса шиллиқ қаватларда ҳам кузатилади.

Беморларнинг умумий аҳволи бузилмайди, болаларнинг психомотор ривожланиши азият чекмайди, касаллик яхши кечади, бир неча ойдан 2-3 йилгача муддатларда ўз-ўзидан тузалиб ҳам кетади. Тошма элементларининг аввалги ўринларида терининг юзаки атрофияси қолади. Даво чоралари асосан ўтказилмайди. Дермада рангпар, вакуолизацияланган, протоплазмага эга гистиоцитлардан ташкил топган инфильтратларда бўёққа бўялганда липидлар кўринади.

Лимфоцитома ҳамма ёшдаги болаларда учрайди. Касаллик белгилари яшил-кўкимтири ёки қизғиш рангли, юмшоқ консистенцияга эга, соғлом теридан кўтарилиб турадиган, чегараланган ягона тугунча ёки тугунчалар тўпламининг пайдо бўлиши билан характерланади. Кўпинча жараён юз (ёноқ, пешона, қулоқ юмшоғи) бўйин, бошнинг сочли қисмларида кам ҳолларда эса тана тери соҳаларида жойлашади. Баъзан лимфоцитома ўзаро бирикиб кетишга мойил бўлиб, инфильтратларнинг кўринишига эга бўлади. Беморларда субъектив шикоятлар бўлмайди.

Дерма соҳасида массив кўринишда бўлган инфильтрат кузатилади, улар таркиби етилган лимфоцитлар, ретикуляр ҳужайралардан ташкил топган бўлади.

Таққослов ташхиси невуслар, тери саркоидлари (ангиолюпоидлар), қизиқ югурик, сил қизил югуриги билан ўтказилади.

Чегараланган, якка лимфоцитомалар электрокоагуляция ёки хирургик йўл билан олиб ташланади.

МАСТОЦИТОЗ ЁКИ ПИГМЕНТЛИ ЭШАКЕМ КАСАЛЛИГИ

Мастоцитоз ёки пигментли эшакем касаллиги илк бор 1869 йилда Nettleship томонидан таърифланган. Касалликнинг батафсил клиник симптоматикси эса 1878 йил Saugstter томонидан таърифланган ва у пигментли доғларнинг уртикар кўринишда бўртиши симптомини таъкидлаган ҳолда касалликка “пигментли эшакеми” номининг берилишини таклиф қилган, “Мастоцитоз” атамаси тизимли (системали) касаллик маъносини билдиради, бу ном орқали янги пайдо бўлган булутсимон ҳужайраларни (мастоцитларни) нафақат терида соҳаларида, балки паренхиматоз аъзоларда жойлашиши ҳолати ҳам тушунилади. Жараён генетик асосланган бўлганлигига қарамасдан ирсийлик тури аниқланмаган. Тери ва ички аъзолардаги тизимли мастоцитар инфильтрациялар бўлиши пигментли эшакемини ҳозирги вақтда ретикулёзлар туркумiga киритилишга асос бўлади.

Пигментли эшакем касаллиги белгиларининг терида намоён бўлиши турлича, лекин кўпинча пигментли доғ ва папулёз тошмалар шаклида бўлади. Доғли тошмалар думалоқ ёки овал, чизиқли, пушти, тўқ қизил, оч ёки тўқ жигарранг тусли, чегаралари аниқ бўлиб, уларнинг диаметри 3 мм дан 5-8 мм гачани ташкил этади ва улар алоҳида жойлашган бўлади, айrim жойларда улар катта қисмларга нотўғри шакли контурлар билан бириккан бўлади. Доғлар тугунлар билан теридан бироз кўтарилган ҳолда бирикади, улар катталиги тарик донидан ясмиқ донигача, шакли думалоқ, кўпроқ овал, чўзилган чизиклар кўринишида бўлиб, ўзига хос тўқ жигаррангли кўринишларда бўлади. Тошмалар кўп микдорда гавдада, қўл-оёқларда, баъзан эса юз соҳасида, бошнинг сочли қисмида ва оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватида кузатилади. Беморларни кўпинча субъектив шикоятлар безовта қилмайди, лекин баъзан вақтинчалик енгил қичишиш бўлади. Бемор болалар артинганда, шунингдек, иссиқ ванна қабул қилингандан кейин тошмалар бўртади, уртикар кўринишда пушти ранг шишлар пайдо бўлади (Унна ёки Nettleship симптоми), бу ушбу дерматоз учун хос

бўлган патологик белги бўлиб ҳисобланади. Бўртиш симптоми асосида брадикинин моддасининг мастоцит, яъни булутсимон ҳужайраларидан озод бўлиши натижасида пайдо бўлади. Пигментли эшакемининг одатдаги кечишида bemorlarning умумий ҳолати деярли ўзгармайди. Кон таркибида эозинофилия (7% дан 14% гача), лимфоцитоз (33-18%) ва моноцитоз (9-12%) каби ўзгаришлар аниқланади. Сийдик таркибида эса баъзан гистамин миқдорининг ошганлиги аниқланади.

Пигментли эшакеми кам ҳолатларда тугунсимон тошмалар сифатида намоён бўлади (ксантелазмоидеа типи – mastocytose multinodulare urticaria pigmentosa xanthelasmoida). Улар катта бўлмаган, зич, сарғиш-жигарранг, силлиқ, енгил инфильтрацияланувчи ёки лихенифицирланувчи юзали кўринишларга эга бўлади. Пигментли эшакемининг буллёз, инфильтратив-эритродермик, шишисимон, атрофик ва телеангиоэтик варинатлари фавқулодда кам ҳолатларда учрайди. Тумороз инфильтратлар билан диссеминирланган мастоцитоз, тугунсимон – буллёз ва эритодермик шакллари мўл-кўл мастоцитар инфильтрация ва лимфоретикуляр гиперплазия билан бирга кечади (гепатосplenомегалия, лимфадекопатия, лейкемик реакция билан анемия, шунингдек, суяқ моддасининг сийраклашиши кўринишларида).

Тошма элементларининг ишқалашга уртикар кўринишда жавоб бериб бўртиши (Унна симптоми) касаллик ташхиси учун асосий белги бўлиб ҳисобланади. Таққослов ташхиси пигментация билан кузатилувчи эшакем касаллиги билан (*urtica cum pigmentation*), пигмент невуслар ва ксантомалар билан ўтказилади. Эшакем касаллигига асоратланган пигментация билан типик уртикар эффлоресценциялар, кескин қичишиш бўлади, механик таъсиранганда эса иккиласми пигмент доғли реакция кузатилмайди.

Пигмент невуслар анча тўйинган меланин ранги билан ажралиб туради, миқдор жиҳатдан анча кам, ишқалангандан кейин эса бўртмайди. Папулез ва тубероз ксантомалар ўзига хос сарғиш, тўқ сариқ тусларга, анча зич консистенцияга эга бўлиб, ишқалашларга бўртиш билан жавоб бермайди. Касалликнинг кечиши торpid, сурункали кечади, лекин бир қатор ҳолатларда (агар bemorlarда тизимли мастоцитар пролифератлар бўлмаса) касалликнинг спонтан тузалиш эҳтимоли бор.

Пигментли мастоцитоз асосан симптоматик давога асосланган. Касалликни даволашда антисеротонин, антибрадикинин ва антигистамин каби дори воситаларининг (фенкарол, перитол, сандостен, тавегил, диазолин, димедрол) биргаликда қўлланилиши самарали ҳисобланади. Бир қатор bemорларда касаллик яхшиланишига глюкоркортикоид гормонлар қўлланилиши орқали эришилади. Болаларда мастоцитознинг тугунли шаклини даволашда гистаглобулин дори воситасини қўллаш яхши натижа бериши қайд этилади. Касаллик профилактикасида bemорларга жисмоний ва термик жароҳатлардан эҳтитёт бўлиш тавсия этилади.

ФАКОМАТОЗЛАР

Ўсмалар ҳамда аномалияли ривожланишлар ўртасидаги ўринни эгаллаган касалликлар гурухига факомотозлар, деб айтилади. Юнон-часига “факома” нор ёки лентиго маъносини билдиради. Факамотоз иборасини биринчи марта 1921 йилда голландиялик офтальмолог ван дер Хове таклиф этган. Бу гурух касалликлари экто-мезодермал касалликларга мансуб бўлиб, бир вақтнинг ўзида асаб, суюк тизимлари, ички аъзолар фаолиятининг бузилиши билан кечади.

Бурнвел-Прингл (тубероз склероз) касаллиги ёғ безларининг ўсмасимон кўринишдаги аномалия ривожи бўлиб, асосан бемор болаларни туғилишидан бошлаб, кейинчалик эса 4-10 ёшлардан ривожланади, балоғат ёшига келиб эса касаллик тўлиқ шаклланади.

Касаллик белгилари асосан симметрик қўринишда юзнинг марказий кисмида, бурун соҳасида, пешона, ёноқ соҳаларида капалак шаклида жойлашади. Айрим пайтларда касаллик белгилари терининг бошқа соҳаларида, жумладан, тана, бошнинг сочли қисмларида ҳам кузатилиши мумкин. Касалликнинг кечиши бир вақтнинг ўзида асаб тизими томонидан ўзгаришлар билан кечади, bemorларда эпилептик тутқаноқлар, ақлий ривожланишдан орқада қолиш каби ҳолатлар кузатилади. Касалликнинг иккиламчи белгиларига люмбосокрал невуслари киради. Беморларда тирноқлар атрофлари ёки тирноқ ости соҳаларида ўсмалар, яъни фибромалар пайдо бўлади, аслини олганда бу ўсмалар коллоген тўқимасидан ташкил топган гамартомалар (яъни ўсмасимон ривожланиш аномалияси) бўлиб ҳисобланади. Беморларда тирноқлар дистрофияси, оғиз, бурун, кўз конъюнктиваси ва қизилўнгач шиллик қаватларида қаттиқ таркибли тугунча ва тугунлар кузатилади. 7 ёшгacha бўлган bemor болаларда қўл бармоқлари ва тизза бўғимларининг нотўғри шаклда катталashiши, кўкрак қафаси ва умуртқа поғонасини деформацияси ҳамда юқори танглай қўринишидаги ўзгаришлар кузатилади. Деярли 50% дан ортиқ bemor болаларда кўз соҳасида ўзгаришлар кузатилади, бу ўзгаришлар асосан кўрув нервининг глиомаси қўринишида бўлади. Касаллик белгилари вақт ўтиши билан ривожланиб боради, неврологик

ўзгаришлар натижасида ҳар хил кўринишлардаги фалажликлар, сўзлаш қобилиятининг бузилишлари каби ҳолатлар кузатилади. Асосан bemor болалар тутқаноқ хуружларидан вафот этадилар.

Касаллик ташхиси тери томонидан кузатиладиган клиник белгилар, кўз тубидаги ўзгаришлар, тутқаноқ белгилари ҳамда ақлан заифлик ҳолатлари кузатилиши асосида қўйилади.

Bеморлар асосан шифокор-невропатологлар томонидан тутқаноқка қарши дори воситаларини қўллаш орқали олиб борилади. Катта ўлчамдаги аденоамалар жарроҳлик усули билан ёки криодиструкция усуллари ёрдамида олиб ташланади.

Реклингаузен (нейрофибраматоз) касаллиги тана тери соҳаларида жойлашадиган, кўп сонли юмшоқ ўスマлар шаклида кечадиган касаллик бўлиб, тошмалар ҳажми нўхат катталигидан тухум катталигигача, ҳатто ундан катта гигант ҳажмларда намоён бўлади. Тошмалар асосан тана, қўл-оёқ, бўйин, юз ва бошнинг сочли қисмларида жойлашиши мумкин. Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари ва патогенези ҳозиргача аниқ эмас.

Болаларда касалликнинг ўスマсимон тошмалари кузатилмайди, лекин уларда касаллик белгилари сут-қаҳва аралашмаси ранги кўринишидаги пигментли доғлар кўринишида намоён бўлади, бундай тошмаларни “жигарли доғлар” деб аталади, доғларнинг бундай деб аталишига сабаб уларнинг ранги кесилган жигар рангида бўлади. Тошган тошмалар bemor болалар туғилишидан бошлаб пайдо бўлади, уларни кўпинча янглишиб туғма холлар, деб талқин этилади. 50% нейрофиброматоз касаллиги билан хасталанганди bemor болаларда кўз аъзоси томонидан ўзгаришлар кузатилади, улар кўрув нерви глиомаси, қон томирлар невриномаси, тўрсимон қаватда эса доғли тугунчалар, яъни факомалар кўринишида намоён бўлади. Юқорида қайд этилган ўзгаришлар кўрув нерви атрофиясига ва эшитив нервининг зарарланишига олиб келади, натижада кўриш ва эшитиш қобилиятининг пасайиши, ҳаттоки йўқолиши ҳолатлари кузатилади, bemor болаларда ақлан заифлик ва ривожланишдан орқада қолиш ҳолатлари қайд этилади. Уларда кўпинча депрессив ўзгаришлар, суюк ва таянч тизими тарафидан кифоз, сколиоз каби ўзгаришлар кузатилади.

Bемор болалар 10-15 ёшга етганда улар тери соҳаларида юмшоқ ўスマлар пайдо бўла бошлайди, уларнинг сони кўпайиб, ҳажми эса катталаша бошлайди. Бундан ташқари bemor болаларда ўзгаришлар

кузатилади, улар ўсувчан ёки чуқур невуслар кўринишида, ангиомиома ва липомо сифатида намоён бўлади.

Болаларда нейрофиброматоз касаллигига ташхис қўйишда қўйидаги ҳолатларни инобатга олиш лозим: агар беморларда 6 ва ундан ортиқ сут-қаҳва аралашмаси рангида бўлган доғли тошмалар кузатилса, бу майда пигментли доғлар кенглиги кўндалангига 1,5 мм дан катта бўлса, кўрув нервининг глиомаси кузатилса ва ушбу касалликни бемор кариндошларида кузатилиши ҳолати аниқланса, бу касаллик ташхисини қўйишга асос бўлади. Касалликнинг давоси асосан консерватив бўлиб, маҳсус даво чоралари йўқ. Мабодо катта ҳажмдаги фибромалар безовта қилса, у ҳолда улар жарроҳлик усули билан олиб ташланади.

Ҳалқасимон гранулёма касаллиги асосан болалар ўртасида учрайдиган касаллик бўлиб, касалликни илк бор 1902 йил Крокер таърифлаб берган. Ҳозирги кунга қадар касалликнинг аниқ сабаби ёритиб берилмаган. Шунга қарамасдан касаллик асосида ётадиган қатор сабаблар кўрсатиб ўтилади. Олдин касалликнинг сабаби асосида сил касаллиги ётади, деб ҳисобланиб келинган бўлса, кейинги пайтларда олиб борилган текширувлар натижасида ҳалқасимон гранулёма касаллиги асосида сил касаллиги ётмаслиги тўлиқ инкор этилди. Айрим муаллифлар касалликни ретикулёзлар вакили бўлган саркоидозларга тааллукли, деб ҳисоблайдилар. Касаллик асосида углевод алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган гипергликимия ҳолати ҳам ётади деган фикрлар мавжуд. Бунинг исботи сифатида ҳалқасимон гранулёма касаллиги билан хасталанган бемор болаларни даволашда ўтказилган диабетга қарши дово чоралари юқори самара берганлиги асос қилиб олинади. Касаллик белгиларини асосан тери соҳаларининг очиқ ерларида жойлашганлиги ушбу касалликнинг келиб чиқишида қуёш нурлари таъсири ҳам аҳамият касб этади, деб эътироф этилади.

Ҳалқасимон гранулёма касаллиги майда қаттиқ тугунчали тошмалар кўринишида бошланади, улар ҳалқа ва ярим ҳалқа шаклида гуруҳланишга мойил бўлиб, турли шакл ва кўринишларда намоён бўлади. Тугунчали тошмалар ранги тери рангида, оч пушти ранг ёки кулранг қизил рангларда бўлиб, марказий қисми яссиланган, чегаралари эса бироз кўтарилиб туради ва ҳалқа кўришида бўлади. Тошмалар асосан қўл ва оёқ кафтлари орқа юзаларида, бўғинлар атрофида, болаларда эса касаллик белгилари

юз, тана тери соҳаларида, думба соҳаларида кузатилади. Айрим ҳолларда болаларда гигант ҳалқали гранулёмалар кузатилади, бундай ўчоқлар думалоқ шаклда катта ҳажмларни эгаллайдиган плакчалар тарзида намоён бўлади. Касаллик белгилари бир неча ой ёки йиллар ўтгандан кейин даволанмаса ҳам ўз-ўзидан йўқолиб кетиши мумкин, тошмалар ўзидан кейин иккиламчи вақтингачалик доғлар қолдиради. Касаллик хавфсиз тугайди, асоратлар кузатилмайди.

Касалликни даволашда ўчоқлар жойлашган тери соҳаларига гидрокортизон суспензиясини кавлаб юборилади. Ўчоқларини хлорэтил билан музлатилиб, окклузион боғламлар қўйилиши тавсия этилади. Айрим ҳолларда маҳаллий даво сифатида ўчоқларга суюлтирилган азот ёки кўмир кислотаси музи билан ишлов берилади. Даво сифатида баъзи ҳолатларда перефирик ҳалқа ҳудудида кичик қирқишлигининг ўтказилиши касалликни даволашда самара беради. Албатта бундай даволаш усуллари умумий симптоматик даво ўтказилиши билан баргалиқда олиб борилиши лозим.

Липоид некробиоз касаллиги тўғрисида ilk бор 1929 йил Оппенгейм аҳборот берган. Касалликнинг аниқ сабаби ҳозиргacha аниқланмаган. Касаллик билан асосан катта ёшдаги инсонлар хасталанадилар, касаллик кўпроқ аёлларда учрайди. Касалликнинг юзага келишида қандли диабет касаллиги муҳим ўрин тутиши қайд этилади, бунинг тасдифи сифатида липоид некробиоз касаллиги билан хасталанган bemорларнинг деярли 60% да қандли диабет касаллиги мавжудлиги қайд этилади. Касалликнинг келиб чиқишида инфекция омилларининг ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Касалликнинг клиник кўриниши болдир, сон соҳаларида, айрим ҳолларда эса кафт юзаларида ва юз соҳаларида пушти-қизил, кўкимтир ранг, думалоқ ва овал шаклидаги плакчалар сифатида намоён бўлади, ўчоқлар пайпаслаб қўрилганда сатхлари силлиқ бўлиб, ялтираб туради. Ўчоқлар кўпинча симметрик ҳолда жойлашади, уларнинг сони унчалик кўп бўлмайди, кейинчалик плакчалар марказий қисми чўкиб, атрофияланади, айрим ҳолларда эса улар яраларга айланади. Ўчоқлар атрофи аниқ чегараланган, нотўғри контурга эга бўлиб, кўкимтир-сафсар ранг кўринишида бўлади. Ўчоқлар узоқ вақт давом этиб, кейинчалик атрофик чандиқлар ҳосил қилиб йўқолиб кетиши мумкин. Касаллик узоқ вақт давом этиб, сурункали-қайталама кўринишларда кечади.

Касаллик ташхиси гистологик текширувлар асосида қўйилади. Текширувларда коллоген толаларининг фибриноид дегенерацияланган ўчоқларида бўғдой қўринишида липид тўпламаларининг бўлиши касалликка хос бўлиб, уни тасдиқлайди.

Касалликка даво чораларининг ўтказилиши жараёнида албатта углевод алмашинувини меърига келтириш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Липоид некробиоз касаллиги ўчоқларига маҳаллий гидрокортизон суспензияси ёки инсулин юбориш усули қўлланилади. Беморларни даволашда узоқ вақт давомида А, Е витаминалари, аевит препаратлари тавсия этилади. Қон томирларини кенгайтирувчи дори воситаларидан компаламин, андекалин, никошпан, теоникол, депопадутинлар берилади. Маҳаллий даволашда эса глюкокортикоид малҳамлар тавсия этилади.

ТЕРИНИНГ ХАВФСИЗ ЎСМА КАСАЛЛИКЛАРИ

Маълумки тиббиётда 2 хил турдаги – хавфсиз ва хавфли ўсма касалликлари тафовут этилади. Болаларда ушбу касалликларнинг хавфсиз турини хавфли турига нисбатан 10 баробар кўпроқ учраши қайд этилади. Шунинг учун ҳам дарсликнинг ушбу бобида асосан болаларда учрайдиган терининг хавфсиз ўсма касаллиги тўғрисидаги маълумотлар ёритиб берилади.

Терининг хавфсиз ўсма касалликлари орасида невуслар асосий ўринни эгаллайди. Невуслар асосан эмбрионал даври ривожидаги камчилик сифатида шаклланиб, таркиби невус ҳужайраларидан ташкил топган бўлади. Болаларда касалликнинг таснифи морфологик кўринишларга асосланган ҳолда қон томирли, пигментли, гиперкератотик, аденоатоз, фибраматоз, цистаматоз (атераматоз) ва невоид касалликлари ва синдромларидан иборат бўлади.

Қон томирли невуслар болаларда учрайдиган терининг хавфсиз ўсмаси бўлиб, ривожланиш даражаси ва жойлашиш чукурлиги бўйича ясси ва тубероз-кавернали гемиангиома турлари тафовут этилади. Қон томирли невусларнинг ясси тури доғ кўринишида бўлиб, телеангиоэктазияларнинг бирикишидан ҳосил бўлади. Уларнинг хажми турли катталиқда, ҳамда шаклларда, ранглари эса тўқ қизил рангларда бўлиб, тери сатҳидан кўтарилиб туради. Ясси гемиангиомаларнинг юлдузсимон тури бўғдой ҳажмидаги тугунчалар кўринишида бўлиб, тўқ олхўри рангida, атрофга қон томирлардан ташкил топган нур сингари, яъни юлдуздан таралаётган нур кўринишида намоён бўлади, асосан бу гемиангиома болаларда юз соҳасида жойлашади. Қон томирли гемиангиомаларнинг яна бир намояндаси оловсимон невуслар ҳисобланиб, улар тангадан кафт ҳажмигача, кўкимтири-қизил рангли кўринишларда бўлиб, асосан ассимметрик ҳолда юз ва қўкрак соҳаларида жойлашган бўлади.

Тубероз-кавернали гемиангиомалар асосан қон томирларнинг ўсиб кетиши натижасида бўшликлар ҳосил бўлиши ва уларни тўлдириб турадиган вена қонидан ташкил топган бўлади. Асосан гемиангиоманинг бу тури қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан

икки баробар қўп учрайди. Бундай гемиангиомалар асосан юз, бошнинг сочли соҳаларида, айрим ҳолларда эса қўл-оёқларда ҳамда таналарда жойлашади. Уларнинг жойлашиши юзаки ва чуқур кўринишларда бўлади. Юзаки жойлашган гемиангиомалар тўқ-қизил рангли ёки кўкимтир-қўнғир рангли, алоҳида варикоз кўринишида кенгайган бўлиб, улар сатҳи тартибсиз жойлашган қон томирлар ва уларнинг чатишиши натижасида нотекис кўринища бўлади. Чуқур жойлашган ҳолатларда эса гемиангиомалар жойлашган тери сатҳлари оддий рангда бўлиб, айрим телеангиоэктазиялардан иборат бўлади.

Қон томирли ангиомаларнинг давоси касалликнинг клиник шаклига, жойлашишига ва бошқа касалликлар билан биргаликда келишига қараб олиб борилади. Масалан юлдузсимон ангиомалар нуқтасимон электрокоаугуляция орқали, тубероз-каверноз ангиомалар эса жарроҳлик йўли билан олиб ташланади. Ангиомаларни муз орқали, рентген ва радиоизотоп нурлари орқали даволаш усуллари ҳам қўлланилади.

Пигментли невуслар асосан болалар туғилиши билан пайдо бўлади. Улар тўқ жигарранг ёки қора ранг доғлар кўринишларида намоён бўлиб, асосан тери эпидермиси базал қаватида меланин моддасининг тўпланиши ҳисобига пайдо бўлади. Пигментли невусларнинг турли клиник шакллари бўлиб, улардан бири бу лентигодир. Лентиго бу аниқ чегараланган, турли ҳажмдаги доғлар бўлиб, улар сатҳи силлиқ ёки ғадир-будур бўлади ва тери соҳаларида тарқоқ кўринишларда жойлашади. Пигментли невусларнинг яна битта намояндаси бўлиб зангори ранг невуслар ҳисобланади. Зангори ранг невуслар думалоқ ёки овал шаклидаги тугунчалар бўлиб, таркиби қаттиқ эластик, кўриниши аниқ, яримсферик ҳолида тери сатҳиларидан кўтарилиб туради. Кўз, юқори жағ невуси ёки Ота невуси кўкимтир-қора ёки тўқ қора рангли пигментли доғ кўринишларида учламчи нервнинг биринчи ва иккинчи шохлари ҳудудида ассимметрик кўринишларда пайдо бўлади. Бу невус асосан туғма бўлиб, айрим ҳолларда эса эрта болалик ёки ўсмирилик даврларида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Жараённинг кечиши мобайнида bemor болалар кўз конъюктивасини, склераси, шох пардасининг меланинли доғланиш ҳолати кузатилади. Айрим ҳолларда лаблар, юмшоқ танглай, томоқ ва ҳалқум

соҳаларининг бир томонини тўқ жигарранг кўринишдаги доғланиши кузатилиши мумкин. Ота невуси бир умр сақланиб қолиши мумкин.

Невусларнинг гигант пигментли тури асосан эмбрионал жиҳатдан ривож топган. У нафақат пигмент доғлари кўринишида намоён бўлади, балки одатда уларнинг сатҳи сўгалсимон кўринишда ўсиб кетади, сатҳлари эса туклар билан ҳам қопланган бўлади, шунинг учун ҳам бундай невусларни гигант сочли невуслар, деб аталади. Айрим ҳолларда гигант пигментли невусли bemорларда гидроцефалия, тутқаноқ ва бошқа неврологик ўзгаришлар каби туғма етишмовчиликлар кузатилади. Невусларни “қоплон” синдроми деб аталадиган турининг белгилари болаларда туғилишлари биланоқ ёки улар туғилганларидан сўнг биринчи ойларда намоён бўлади. Ушбу синдром тана тери соҳаларида пигмент доғлар, сепкиллар кўринишида намоён бўлиб, туғма юрак етишмовчилиги ва ақлан заиф ривожланиш каби ўзгаришлар билан биргаликда кечади. Натижада bemор болалар ҳам ақлан ва ҳам жисмонан ўсишдан орқада қоладилар, bemор болалар 3-5 ёшларга етганларида уларда эшитиш қобилиятининг пасайиши, ҳаттоқи, умуман йўқолиб кар бўлиб қолиш ҳолати кузатилади. Бемор болалар болалик даврларида у ёки бу етишмовчиликлар натижасида вафот этадилар.

Сўрғичсимон (папилламатоз) невуслар аста-секин ўсадиган, сўрғичсимон кўринишга эга бўлиб, сатҳи ғадир-будир бўлади, жараён асосан бошнинг сочли, юз соҳаларида ва тананинг бошқа соҳаларида пайдо бўлиши мумкин. Касалликнинг гиперкератотик ёки сўгалсимон клиник шакли сатҳи сариқ-кулрангли ёки тўқ-қора рангли шоҳсимон қобиғлар билан қопланган сўрғичсимон ўсимталар кўринишида намоён бўлади. Уларнинг сатҳи ғадир-будир, бурамасимон, ёриқлардан иборат бўлади. Невусларнинг ушбу клиник тури айрим ҳолларда нерв толалари бўйлаб ассимметрик жойлашади. Жараённинг бошнинг сочли қисми соҳаларида жойлашиши натижасида веррикуоз невус сочли бўлади. Сўрғичсимон невусларнинг асосий қисми болаларда хавфсиз кечади, шунинг учун ҳам уларни болалар 1,5-ёшларга етганларда юқорида қайд этилган усуллар ёрдамида олиб ташлаш мумкин.

Аденомакистоз невуслар асосан ёғ безларининг гиперплазияси натижасида пайдо бўлади. Ёғли невус болалар туғилиши пайтиданоқ пайдо бўлиб, улар асосан bemор болалар бошининг сочли ва юз

соҳаларида жойлашади. Айрим ҳолларда эса невоид тузилмалар лаб ёки шиллик қаватларда майда, қаттиқ, оқ-сариқ рангли, бўғдой дони ҳажмида, кўпинча ўзаро қўшилган тугунчалар кўринишида намоён бўлади. Касалликни бундай кўриниши Фордайса касаллиги, деб номланади ва касаллик хавфсиз кечади. Аденоматоз невусларни даволашда кучсиз электр токлари ёрдамида куйдириш, муз билан даволаш ҳамда жарроҳлик усуллари ёрдамида олиб ташлаш усуллари қўлланилади.

Цистаматоз ёки атероматоз невуслар ёғ безларининг чиқарув йўлларида ҳосил бўлувчи невуслар бўлиб, уларнинг вакили бўлиб милиумлар ҳисобланади, милиумлар асосан якка ёки қўпчилик бўлиб пайдо бўладиган, оқ-сариқ рангли, катталиги кўкнори уруғи ёки тўғноғич боши ҳажмида бўлган, қаттиқ консистенцияли тугунчалар шаклида намоён бўлади. Жараён асосан юз, кўкрак тери соҳаларида ва тананинг орқа соҳаларида жойлашади. Атеромалар ҳам ёғ безларининг кистаси ҳисобланиб, улар асосан бошнинг сочли қисмларида, кўкрак ва орқа тери соҳаларида жайлашади. Атеромалар ҳажмининг катталиги билан ажралиб туради, яъни улар нўхат ҳажмидан ўрмон ёнғоғи катталигида ва ундан ҳам катта ҳажмларда бўлиши мумкин. Улар қаттиқ эластик консистенцияга эга бўлиб тери сатҳидан кўринарли даражада кўтарилиб туради. Атеромалар асосан болаларда уларнинг ўсмирлик даврларида кўпроқ учраши ҳолати қайд этилади, уларни кечиши себорея ва ҳуснбузар касалликлари белгилари билан биргаликдаги кўринишларда намоён бўлади. Атеромалар асосан жарроҳлик усуллари ёрдамида даволанади.

Кератоакантомалар катталиги эпителиал ўсимталарга мансуб бўлиб, асосан катта ёшлардаги инсонларда учрайди, лекин касаллик белгиларининг учраш ҳолати болалар орасида ҳам қайд этилади. Кератоакантома белгилари юзнинг ёнок, чакка ва бурун соҳаларида пушти-қўнғир ёки қизил-кулранг кўринишларда, қаттиқ консистенцияли, ҳажми тўғноғич боши ва нўхат катталигида, думалоқ ёки овал тугунчалар шакли кўринишлари билан намоён бўлади. Уларнинг марказий қисмлари кратер кўринишида ботиқликка эга бўлиб, улар таркиби ғовак шоҳсимон қипиқлардан иборат бўлади. Кератоакантомаларнинг қўл кафти, оёқ кафти соҳаларида жойлашиши уларни худди оддий сўгал билан

ўхшашликда бўлишини кўрсатади. Кератоакантомалар асосан жарроҳлик усуллари ёрдамида олиб ташланади.

Дермали кисталар болаларда учрайдиган хавфсиз эпидермал ўсмалар бўлиб, улар асосан эмбрионал даври ривожидаги етишмасликлар натижасида вужудга келади. Бу кисталар асосан думалоқ, овал шаклларида бўлиб, юмшоқ консистенцияли, хамирсимон юмшоқликка эга, асосан тери ости ёғ қаватларида жойлашади. Кисталар болаларда асосан кўз соҳасининг ташқи ва ички бурчакларида, чакка соҳаларида, қулоқ супураси атрофида, лаб-бурун ва бурун-ёноқ бурамалари соҳаларида жойлашиши билан намоён бўлади. Дермоид кисталар таркиби асосан терининг барча соҳалари ҳисобига ҳосил бўлганлиги сабабли уларнинг таркибидаrudементар кўринища бўлган ёғ, тер безлар ва соч фолликуларини учратиш мумкин, бу эса ўз навбатида касалликка тўғри ташхис қўйиш имконини беради. Дермоид кисталари асосан жарроҳлик усули орқали даволанади.

Бўғинолди гипертрофик невуслари болаларда қўл бармоқларида улар тугилганларидан сўнг биринчи йилларида, асосан ўғил болаларда учрайди. Қўл бармоқлари ёки кафт-бармоқ соҳаларида бўғинлар атрофида қаттиқ-эластик консистенцияли, қалинлашган, меъёрий тери ранги ёки тўқ-қизил ва қўнғирсимон рангли кисталар кузатилади. Айрим bemорларда папилламатоз ўсиб кетишлар кузатилади улар гиперкератоз кўринишида намоён бўлиб, худди сўгалларни эслатади. Касаллик торpid кечади. Бўғинолди гипертрофик невуслари давосида А ва Е витаминлари ичишга тавсия этилади. Маҳаллий 5-10% ли салицил кислоталарини таркибида сақлайдиган малҳам ҳамда Букки нурлари ва рентген даво усуллари қўлланилади.

ХЕЙЛИТЛАР

Сурункали аллергик дерматозларда кузатиладиган лаб териси ва шиллиқ қаватининг яллиғланиш ҳолатига хейлит, деб аталади. Касалликнинг клиник шакллари Машкилейсон А.Л. (1984) томонидан таклиф этилган тасниф орқали талқин этилади. Бунга асосан хейлитлар бирламчи ва симптоматик турларга бўлинади. Бирламчи хейлитларга эксфолиатив, гландуляр, контакт, метеорологик, актиник ва Мангоноттини аброзив хейлитлари киради. Симптоматик хейлитлар намояндаси бўлиб атопик, экзематоз, макрохейлит ва микотик хейлитлар ҳисобланади.

Эксфолиатив хейлит лаб қизил ҳошияси ўрта қисми ҳамда ички қисми соҳаси, яъни Клейн соҳасининг сурункали яллиғланиши бўлиб, унга яқин жойлашган лаб тери соҳалари эса жараёнга жалб этилмайди. Касаллик асосан қиз болалар ўртасида кўпроқ қайд этилади, bemorларда кўпинча вегетоневроз, ҳароратнинг юқори бўлиши билан кечадиган хасталикларда кузатилади. Касалликни қуруқ ҳамда экссудатив кўринишларда кечадиган клиник турлари тафовут этилади. Куруқ турида лаб қизил ҳошияси сатҳи қуруқ бўлиб, оқиш қипиклар билан қопланган бўлади, ушбу соҳаларда ёриқларни ва улар сатҳида эса қобиғларни кузатиш мумкин. Қипик ва қобиғларнинг кўчиши натижасида қизил рангли, ялтираб турадиган сатҳларни кўриш мумкин. Касалликнинг экссудатив турида эса лаб қизил ҳошиясининг ўрта қисми ҳамда Клейн ҳудудининг шишиб кетиши ва улар сатҳининг серозли ва йирингли қипик ва қобиғлар билан қопланиши қайд этилади. Ушбу қобиғ ва қазғоқларнинг кўчиб тушиши натижасида эса ҳўлланиб ва қонталашиб турадиган эрозияли ўчоқлар кузатилади. Бемор болаларни лаб соҳасида оғриқ безовта қиласди. Жараён сурункали-қайталама кўринишда кечиши мумкин.

Эксфолиатив хейлит касаллигини актиник хейлит, қизил яssi темиратки ва қизил югурик касалликларини лаб соҳаларида жойлашган ҳолатлари билан таққосланади. Бундай ҳолаталарда албатта bemor болалар касаллиги ҳақида тўғри йигилган маълумотлар катта аҳамият касб этади. Актиник хейлит ва қизил

югурик касалликларида лаб соҳаларида чегараланган инфильтрацияланиш ва гиперкератоз ҳолатлари кузатилади. Қизил ясси темиратки касаллигининг лаб соҳасидаги ўчоқларида эса гулсафсар, сиёхранг, ясси кўринишда бўлган лихеноид тугунчалар кузатилиб, уларда Уикхем белгиси мусбат бўлиши қайд этилади.

Касалликни даволаш антигистамин (фенкарол, супрастин, пиполфен, перитол, диазоли), гипосенсиблизациловчи (глюконат кальций, хлорид кальций, тиосульфат натрий), витамин (В₂, В₆, В₁₂, В₁₅), зарурат туғилганда эса седатив (валериана, пустирник, калий бром, натрий бром, бромкамфора) ва психотроп дори воситаларини (андаксин, мепробамат, элениум, тазепам, седуксен) тавсия этиш билан олиб борилади. Маҳаллий ўткир яллиғланиш билан кечадиган ҳолаталарда ўчоқларга 2% ли борий кислотаси, 1% ли резорцин эритмалари хўллаб қутиши мақсадида қўлланилади. Сўнг эса ўчоқларга глюокортикоид малҳамлари ёки кремларини (гидрокортизон, преднезалон, синафлан, лоренден) суртиш тавсия этилади. Инфильтрация ва гиперкератоз кўринишида кечадиган ҳолатларда эса 1-2% ли салицил кислотаси малҳамлари сўнг эса глюокортикоид малҳамлари ва кремларини суртиш белгиланади.

Гландуляр хейлит бу ички лаб соҳаси сўлак безларининг гиперплазияси кўринишида намоён бўлиб, болаларда балофат ёшига ўтиш даврида кузатилади. Касалликнинг бирламчи оддий (идиопатик) ва симптоматик клиник турлари тафовут этилади. Бирламчи оддий гландуляр хейлит ички лаб соҳаси сўлак безлари гиперплазияси, гипертрофияси кўринишида кечади, натижада лаб шиллиқ қаватлари донадор кўринишни олади, улар сатҳи эса нотекс бўлади. Сўлак безлари чиқарув қисмлари кенгайган бўлиб, улардан сўлак ажралиб турди, ажралган сўлак аввалига сўлак безлари атрофини, кейинчалик эса ички лаб шиллиқ қаватини ҳамда лаб ҳошияси ҳудудларини тилинишга олиб келади. Иккиламчи стрепто-стафилококкли инфекциялар қўшилиши натижасида жараён йирингли-яллиғланиш кўринишини олади, сўлак безлари катталашиб қаттиқ тугунчалар шаклини олади ва улардан сўлак билан биргаликда йиринг ажралиши кузатилади. Кейинчалик жараён бутун лаб соҳасини эгаллайди, натижада лаб соҳаси инфильтралланади, шишади, сатҳи серозли ва йирингли қобиғлар билан қопланади, қобиғлар остида эса эрозияланиш ҳолати кузатилади. Жараён экзематизация ва элефатиаз кўринишини олиши мумкин. Иккиламчи

гландуляр хейлит қизил ясси темиратки, қизил югурик ва Мелкерсон-Розентал синдромларида кузатилиши мумкин.

Гландуляр хейлит касаллигини даволашда асосан экзематизация ҳолатини бартараф этишга қаратиласди, бу борада беморларга антигистамин, гипосенсиблизацияловчи, кальций дори воситалари тавсия этилади. Махаллий гипертрофияланган сүлак безларини босқичма-босқич электрокаугуляция усули орқали даволанади, bemorlariga Букки нурлари билан даволаш тавсия этилади.

Экзематоз хейлит болаларда асосан экзема, атопик дерматит, нейродермит ва эшакем касалликлари кечишида кузатиласди. Касалликни ўткир ва сурункали турлари тафовут этилади. Ўткир экзематоз хейлит бутун лаб қизил ҳошияси қисмини, лаб терисининг шишиши, қизариши ва улар сатҳида майда пуфакли тошмаларнинг пайдо бўлиши билан кечади. Лаб ички соҳаларида эрозияли ўчоқлар кузатиласди, улар кўпинча юпқа серозли ва қонли пардалар билан қопланган бўлади. Касалликни сурункали кўринишда кечишида эса лаб қизил ҳошия қисми ва лаб териси соҳалари инфильтралланган, шишган бўлиб, улар сатҳи серозли қобиғлар ва қипиқлар билан қопланган бўлади, чуқур кўринишда бўлган ёриқлар кузатиласди. Чуқур ёриқлар кўпинча лаб бурчаклари соҳаларида сақланиб, серозли-йирингли қобиғлар билан қопланган бўлади, касалликнинг бундай кўриниши худди стрептококкли импетиго касаллигини эслатади.

Экзематоз хейлит касаллигининг клиник турларидан бири бўлиб контакт аллергик хейлит ҳисобланади. Касалликнинг бу тури асосан лаб соҳасига аллергик жиҳатидан таъсир этувчи омиллар натижасида (тиш ювиш воситалари, совунлар, лаб бўёқлари, ўсимликлар барглари) вужудга келади. Касаллик ўткир бошланиб, лаб қизил ҳошияси ва Клейн соҳасининг шишиши, қизариши кузатиласди, айрим ҳолатларда майда пуфакчали тошмалар ва эрозиялар кузатиласди. Лаб қизил ҳошияси худуди қипиқ ва қобиғлар билан қопланади, ёриқлар ҳам кузатилиши мумкин.

Экзематоз ва контакт аллергик хейлитларнинг давоси худди эксфолиатив хейлит касаллиги давоси каби олиб борилади.

Активик хейлит асосан беморларда, уларни узоқ вақт давомида очиқ ҳавода, қуёш нурлари, қаттиқ шамол, юқори ҳарорат таъсирида бўлганларида вужудга келади. Касаллик белгилари бутун лаб қизил ҳошияси соҳасининг қуруқ бўлиши, қипиқланиши ва ёрилиши

кўринишида (макрохейлия) намоён бўлади. Бундай ҳолатларда bemорларда овқатланиш, суюқлик ичиш вақтларида оғриклар безовта қиласди. Лаб соҳасидаги чуқур ёриқлар кўпинча қонаб, сатҳи қонли қобиғлар билан қопланиб туради. Касалликни даволашда асосан безгакка қарши дори воситалари (хлорохин, делагил, плаквинил), витаминлар (аскорбин кислотаси, аевит, В₂, В₁₅) тавсия этилади. Маҳаллий глюокортикоидли малҳамлар, кремлар, ируксол ва метилурацил малҳамлари суртилади. Активик хейлит касаллигини олдини олиш мақсадида қуёш нурларидан ҳимоя қилувчи дори воситалари (“Луч”, “Щит”, “Крем от загара”) тавсия этилади.

Микотик хейлит касаллигининг асосий сабаби *Candida albicans* синфига мансуб инфекция бўлиб, касаллик асосан оғиз бўшлиғи кандидози билан биргаликда ёки мустақил равиш ҳам кечиши мумкин. Касалликнинг келиб чиқишига болаларнинг нотўғри овқатланишлари, В₂ гиповитоминози, оксилил ва углеводлар алмашинувининг бузилиши, узоқ вақт антибиотик, глюокортикоид дори воситаларини қабул қилиши каби ҳолатлар сабаб бўлади. Касаллик белгилари лаб қизил ҳошияси соҳасининг бутунлай қизариши, шиши, қуриши, қипиқланиши ва юзаки ёриқларнинг пайдо бўлиши кўринишида кечади. Оғиз бурчаги соҳаларида усти оқиши, енгил кўчадиган, оғизсимон қопламалар билан қопланган эрозиялар кузатилади. Улардан олинган таркибий қисмлардан замбуруғларнинг топилиши касалликка осон ташхис қўйиш имконини беради.

Микотик хейлит касаллигининг давоси bemорларга ачитқили замбуруғларга қарши дори воситаларини (нистатин, леворин), маҳаллий эса анилин бўёқларини, декамин малҳамини тавсия этиш билан олиб борилади.

П БҮЛИМ

ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ

Захм

Захм (Syphilis) касаллиги сурункали юқумли касаллик бўлиб, асосан касаллик жинсий алоқалар орқали юқади ва узоқ вақт давомида bemорлар организмида тўлқинсимон кўринишда кечиши билан намоён бўлади. Захм касаллиги асосан жинсий йўллар орқали юққанлиги туфайли уни таносил касалликлари қаторига киритилади. Касаллик қўзғатувчиси рангиз (оқиши) трепонемаларни (Treponema pallidum) 1905 йил 3 март куни илк бор Шаудин ва Гоффманлар кашф этишган. Касаллик қўзғатувчисини оқиши трепонемалар, деб аталишига сабаб, ушбу трепонемаларни анилин бўёклари билан бўяб кўриш имкони йўқ, шунинг учун уларнинг оддий ёруғлиқдаги микроскоп остида қоронfilaштирилган майдонда кўриш мумкин. Микроскоп остида кузатилганда оқиши трепонемалар 8-14 тагача бир хил катталиқда бўлган гажаклардан иборат бўлиб, уларни тана узунлиги 7-9 мкм ни, эни эса 0,2-0,5 мкм ни ташкил этади. Рангиз спирохеталар ўзига хос бўлган ҳаракатланиш хусусияти эга бўлиб, бундай ҳаракатланиш бир вақтнинг ўзида олдинга ва орқага турткисимон кўринишларда, соат миллари ҳаракати кўринишларида, букилувчан, тўлқинсимон ва ўз ўқи атрофида айланадиган кўринишлардаги ҳаракатланиш хусусиятларидан иборат бўлиб, бундай ҳаракатлар бир вақтнинг ўзида бажарилади. Рангиз трепонемаларга хос бўлган бундай ҳаракатланиш хусусиятлари уларни бошқа трепонемалардан ажратишга имкон беради.

Рангиз трепонемалар қатъий анаэроб бўлиб, кислородли муҳитда, яъни ташқи муҳит шароитида, организмдан ташқари бўлган ҳолатларда, қуруқ сатҳли соҳаларда, ёруғлик таъсирида, юқори ҳароратлар таъсирида тезда нобуд бўладилар. Улар 60° гача қиздирилганда 15 дақиқа мобайнида, 100° гача қиздирилганда эса ўша заҳотиёқ нобуд бўлади. Таркибида оқиши трепонемалар бўлган суюқликлар, жихозлар, тиббий асбоб-ускуналар тиббий тозалагич

воситалари (фенол, сулема, формалин, симоб эритмалари ва кислоталар) таъсирида ҳам тезда нобуд бўладилар. Аксинча тирик тўқима, кислородсиз муҳит, паст ҳарорат, намлик, зах шароитлар ва қоронғулик уларнинг яшаси учун қулай муҳит бўлиб ҳисобланади. Бунга мисол тариқасида шуни қайд этиш лозимки, суюқлик таркибида рангсиз трепонемалар 12 соатгача, мурдалар танасида эса 48 соатгача, ишлов берилган (консервация қилинган) донорлар қонида эса улар 3-6 кунгача тирик сақланиб қолишлари ва патогенлик хусусиятини йўқотмасликлари мумкин. Рангсиз трепонемаларни сунъий озуқа шароитларида ўстириб кўпайтириш, ҳамда штаммларини олиш имконияти йўқлиги сабабли касалликка қарши зардобларни тайёрлашнинг ҳам имкони бўлмайди, демак захм касаллиги билан хасталанган bemорларда касалликка нисбатан турғун иммунитет ҳосил бўлмайди. Бундай ҳолат инсонларни захм касаллиги билан бир неча марта касалланишларига олиб келади. Натижада захм касаллигининг кечишида факат инфекцион иммунитет ҳосил бўлади, яъни юқтирилган захм касаллиги учун вактинчалик иммунитет ҳосил бўлади, касалликдан тузалиб кетилгандан кейин эса ушбу иммунитет йўқолади. Буни қуйидаги ҳолатларда, яъни суперинфекция ва реинфекция ҳолатларида кузатиш мумкин. Бемор захм билан касалланиш даврида янги захм касаллигини юқтириши мумкин, бошқача қилиб айтганда эски захм билан хасталанган bemорда янги юқтирилган захм белгилари қайтадан намоён бўлади, касалликнинг бундай кўринишда кечиши суперинфекция, деб аталади. Агарда захм билан хасталанган bemорлар тузалиб кетганларидан кейин ҳам яна захм касаллиги билан хасталанган бўлсалар, бундай ҳолат реинфекция, деб аталади. Юқоридагиларга асосланиб шуни қайд этиш мумкинки, захм касаллиги учун турғун иммунитет хос эмас экан.

Рангсиз трепонемалар асосан ўртасидан бўлинниб кўпаядилар, бироқ уларнинг жинсий йўллар орқали кўпайиши ҳолати ҳам қайд этилади. Электрон микроскоп орқали кузатилганда рангсиз спирохеталар уч қаватли қобиғ билан қопланган бўлиб, улар қобиғ, фибрилла ва цитоплазматик мемранадан иборат бўлади. Рангсиз трепонемалар ноқулай шароитларда (юқори ҳарорат, антибиотиклар таъсирида, антагонист микроорганизмлар таъсирида) цист ёки L-шакларини ҳосил қилиш хусусиятига эга бўладилар. Бундай ҳолатларда улар ўзларини вирулентлик хусусиятларини саклаб

қолган ҳолда, вақтингалик касаллик белгиларини намоён қилмайдилар. Бундай ҳолларда бемор организми билан спирохеталар ўртасида вақтингалик шартли «мувозанат» ҳосил бўлади. Аммо бемор организми қаршилик кўрсатиш қобилиятининг пасайиб бориши, бошқа касалликларнинг қўшилиши спирохеталарнинг қайтадан спиралсимон патоген шаклларга айланишига (реверсия деб аталади) шароит яратиб беради. Шунингдек, касаллик юққандан сўнг захм жараёни ҳеч қандай белгиларсиз узоқ муддат яширин кечиши мумкинлиги амалда исбот этилган. Шундай қилиб, захм касаллигини тўқинсимон кўринишида кечиши унинг қўзгатувчиси рангсиз трепонемаларнинг биологик хусусиятига боғлиқ экан.

Захм касаллиги ташхисини тасдиқлаш мақсадида касалликни эрта кечиш даврларида касалликка хос бўлган тошма элементларидан (қаттиқ яра, эрозияли тугунчалар, кенг кондиломалар) рангсиз спирохеталарга текширувлар ўтказилади. Бунинг учун тошма элементлари юзлари натрий хлорнинг изотоник эритмаси билан ҳўлланган докалар ёрдамида бир неча марта тозаланади ёки ушбу эритмалар ёрдамида бир-икки кун давомида ҳўлланади. Кейинчалик текширилаётган тошма элементи юзаси платинали ҳалқача ёки куракча ёрдамида тўқима суюқлигини (райцсерум) тошма юзасига силқиб чиққунча уқаланади. Тўқима суюқлиги пайдо бўлиши билан ундан олинган суюқлик томчиси предмет ойнасига қўйилади ва унга бир ёки икки томчи физиологик эритма томизилади ҳамда қоплагичли ойнача билан ёпилиб, қоронғилаштирилган майдонда микроскоп остида кузатилади. Агарда ушбу усул ўз самарасини бермаса, у ҳолда регионар лимфа тугунлари пунктати таркиби рангсиз трепонемаларга текширилади. Текширилаётган материалда рангсиз спирохеталарнинг топилиши касалликка захм касаллиги ташхисини қўйишга асос бўлади. Бордию дастлабки лаборатория текширувлирида трепонемалар топилмаса, изланиш бир неча бор такрорланади.

Захм касаллиги асосан bemor шахсдан соғлом инсонга жинсий алоқалар орқали юқади. Касалликнинг бундай юқиши йўли жинсий йўл, деб аталади. Бундан ташқари касалликни ножинсий юқиши йўллари ҳам мавжуд бўлиб, бундай йўл орқали юқиши асосан соғлом инсонларни bemor шахслар билан яқин майший алоқаларда бўлганларида, яъни ўпишганда, умумий жиҳозлардан фойдаланил-

ганды (қошиқлар, тиш тозалагичлари, сигареталар, лаб бүёклари) кузатилади. Касалликни ножинсий йўллар орқали юқиши ҳолатлари касбга алоқадор бўлган ҳолатларда (тиббий ходимларнинг эҳтиётсизлиги туфайли муолажа пайтида касаллик юқтиришлари) ҳам кузатилиши мумкин. Касалликни яна бир юқиши йўли бу қон орқали юқиши йўли бўлиб (гемотрансфузия), бундай ҳолат у ёки бу касаллик туфайли реципиентларга қон қўйиш эҳтиёжи туғилган ҳолатларда захм билан хасталанган bemorлар қонининг хато қўйилиши натижасида кузатилади. Шунингдек, bemor ҳомиладор аёл киндик веналари орқали касалликнинг ҳомилага, кейинчалик болаларда туғма захм касаллиги шаклланига сабаб бўлади. Захм касаллиги bemorлар аъзоларидан донорлик тарзида фойдаланилиши натижасида ҳам юқиши мумкин, касалликни бундай ўтиш йўли трансплантацон ўтиш йўли, деб аталади.

Захм касаллигининг юқиши албатта унинг учун қулай бўлган шарт-шароитлар мавжудлиги билан изоҳланади. Бунинг учун авваломбор тери ва шиллиқ қаватлар бутунлигининг бузилиши ҳолати, яъни кириш эшиклари бўлиши зарур. Иккинчи муҳим бўлган шарт-шароит бу албатта касаллик қўзғатувчисининг, яъни рангсиз спирохеталарнинг мавжуд бўлишидир. Ушбу шарт-шароитлар бўлмаса ёки кузатилмаса захм касаллиги юқмайди ва касаллик белгилари кузатилмайди.

Захмнинг умумий кечиши

Захм касаллиги юққанидан кейин касалликни қўзғатувчисига, унинг вирулентлик хусусиятига нисбатан bemor организми ўзига хос бўлган қўринишида жавоб реакциясини беради, бунинг натижасида касаллик белгилари айрим ҳолатларда кўринарли, яққол белгилар тарзида, айрим ҳолларда эса аксинча, кўринарсиз ёки яширин қўринишлар билан намоён бўлади. Касалликнинг бундай қўринишларда кечиши маълум қонуниятларга асосланган ҳолда бўлишини илк бор француз сифилидологи Ф. Рикор исботлаб берган. Ана шунга асосан захмнинг тўрт даври: инкубацион, бирламчи, иккиламчи ва учламчи даврлари фарқланади. Рикорнинг фикрича, юқорида санаб ўтилган даврларнинг навбатма-навбат тартиб билан алмашинуви шарт. Масалан, бирламчи захм белгилари кузатилган bemorда учламчи захм белгилари намоён бўлишидан аввал албатта,

иккиламчи захм симптомлари кузатилиши шарт. Мазкур қонунийт фақат орттирилган ва даволанмаган захмга тегишилидир.

Захм касаллигининг инкубацион даври рангиз трепонемаларнинг бемор организмига тушганидан то касалликнинг илк белгиси захм яраси (бирламчи сифиломани, захм қаттиқ яраси) пайдо бўлган даврни ўз ичига олади. У ўртача 3-4 ҳафтани ташкил этади. Ушбу даврнинг узайиб кетиши ҳолатлари агар беморлар жисмоний меҳнат, спорт билан шуғуллансалар, ёш бўлсалар у ёки бу касалликлар туфайли антибиотик дори воситаларини истеъмол қилган ҳолларда кузатилади. Кекса инкубацион даврнинг қисқариб 1-2 ҳафтагача бўлиши ҳолати асосан ёки ёш беморларда улар организмнинг қаршилик кўрсатиш қобилияти кескин пасайиб кетган пайтларда (қандли диабет, алкоголизм, ревматизм, сил касаллиги ва ҳоказо) кузатилади. Захм касаллиги инкубацион даврининг қисқариши ҳолати рангиз трепонемаларнинг даражаси ва микдорига, чўзилиб кетиши эса организмга юборилган антибиотиклар ва бошқа трепонемоцид дори воситаларига ҳам боғлиқ бўлади. Антибактериал моддалар бемор организмига қанчалик кўп юборилган бўлса, яширин давр ҳам шунчалик чўзилади. Агар касаллик юқиш хавфи аниқланган кундан бошлаб уч ой мобайнида захмга хос бўлган захм қаттиқ яраси белгиси ҳосил бўлмаса ҳамда классик серологик жараёнлар манфийлигича қолверса, у ҳолда, текширилаётган шахс соғлом, деб ҳисобланади.

Захм касаллиги қуйидагича таснифланади: бирламчи серонегатив захм (*syphilis I seronegativa*), бирламчи серопозитив захм (*syphilis I seropositive*), бирламчи яширин (бирламчи захм даврида даво чоралари ўтказилгандан кейинги ҳолат), иккиламчи янги захм (*syphilis II recens*), иккиламчи қайталама захм (*syphilis II recidiva*), иккиламчи яширин захм (*syphilis II latens*), учламчи фаол захм (*syphilis III activa*), учламчи яширин захм (*syphilis III latens*), яширин захм (*syphilis latens*) унинг ўзи эса эрта яширин захм (*syphilis latens praesox*) ва кеч яширин захмларга (*syphilis latens tarda*) бўлинади, эрта туғма захм (гўдаклик даврининг 2 ёшигача кузатиладиган захм касаллигининг барча кўринишларини ўз ичига олади ҳамда белгилари намоён бўлган эрта туғма захм ва белгисиз кечадиган эрта туғма захм турлари тафовут этилади), кеч туғма захм (2 ёшдан сўнг захм белгиларининг барча кўринишлари кузатилади ҳамда белгили кеч туғма захм ва яширин кеч туғма захм турлари тафовут этилади),

висцерал (ички аъзолар) захм, асаб тизими захми, орқа мия қуриши, прогрессив шоллик касалликлари тарзида тафовут этилади.

Бирламчи захм даври рангиз трепонемаларни тери ва шиллиқ қаватларга кирган жойларида бирламчи захм ярасининг пайдо бўлганидан бошлаб, то иккиламчи захм даври белгилари пайдо бўлгунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ўртacha бу даврининг давомийлиги 6-8 ҳафтани ташкил этади. Касалликка хос бўлган серологик жараёнларни (КСР) манфий ёки мусбат кўринишларда бўлишини инобатга олган ҳолда касалликни ушбу даврининг кечишида бирламчи сероманфий (*syphilis I seronegativa*) ва бирламчи серомусбат (*syphilis I seropositive*) босқичлари тафовут этилади. Қаттиқ яра пайдо бўлгандан сўнг тахминан 2-3 ҳафталар давомида серологик жараёнлар манфий натижалар кўрсатади, шунинг учун ҳам касалликнинг кечишини бу даврида бирламчи сероманфий захм, деб юритилади. Сўнгра эса серологик жараёнлар натижалари, жумладан, Вассерман жараёни ва унинг модификациялари (Кан, Закс Витебский, Колмер, цитохол) мусбат натижаларни беради, касалликни бундай кўринишда кечишини бирламчи серомусбат захм, деб юритилади. Касалликнинг бу даврида қаттиқ яра ҳосил бўлганда сўнг тахминан 1 ҳафталардан сўнг ярага яқин бўлган соҳа тери ости лимфа тугунларини катталашиши ҳолати (яъни регионар лимфаденит) кузатилади. Захмнинг бирламчи даври охирига келиб эса қаттиқ шанкрдан узоқда жойлашган тери ости лимфа тугунларининг ҳам катталашиш ҳолати кузатилади, аникрофи регионар лимфа тугунларигина эмас, балки бир неча гурух тери ости лимфа тугунлари ҳам катталашиши ҳолати кузатилади. Бундай белги касаллик учун хос бўлган ҳолат бўлиб, уни полиаденит, деб аталади. Бирламчи белгилар билан кечадиган захмдан сўнг ёки ушбу давр давомида касалликка қарши даво воситалари ўтказилган бўлса, ундай ҳолатда бирламчи яширин захм даври тафовут этилади.

Агарда бирламчи захм касаллиги даволанмаса, ёки уни кечиши тафовут этилмаса, у ҳолда беморлар тери ва шиллиқ қаватларида тарқоқ, тартибсиз кўринишда бўлган доғли, тугунчали, баъзан эса пуфакчали ва йирингли тошмалар пайдо бўлиш ҳолати кузатилади. Бундай ҳолат эса касалликнинг иккинчи даври иккиламчи захм даври бошланганлигидан дарак беради. Бундай тошмаларнинг пайдо бўлиши илк бор кузатилганлиги учун касалликнинг ушбу давр босқичи иккиламчи янги захм, деб номланади. Мазкур тошма

элементлари тахминан 2-3 ойлар мобайнида беморлар даволан-масалар ҳам ўз-ўзида ҳеч қандай из қолдирмай йўқолиб кетади. Бу вақтга келиб қаттиқ яралар (эрозияли ёки ярали) битиб кетади, регионар ёки полиаденит ҳолатлари эса орқага қайтади, бошқача қилиб айтилганда касаллик учун хос бўлган клиник белгилар йўқолиб кетади. Касалликнинг ушбу давридан бундай кўринишда кечиши иккиламчи яширин захм, деб номланади. Иккиламчи яширин захм тахминан 3-4 ой давом этади ва касалликка хос бўлган тошма элементларининг яна қайтадан намоён бўлиши кузатилади, захмнинг бундай кўринишда кечиши эса иккиламчи қайталама захм деб номланади. Захмнинг иккиламчи даври ўртacha 2-3 йил, баъзан эса 5-6 йиллар давом этиши мумкин. Шу орада касалликнинг кечиши бир неча марта қайталаниши мумкин. Лекин бу вақтга келиб касалликка хос бўлган тошма элементлари микдори камайиб боради, ҳажми эса катталашаверади уларнинг жойлашиши эса тери ёки шиллик қаватларнинг маълум соҳаларида гурӯҳ-гурӯҳ бўлиб жойлашади, бунда улар турли кўринишларда (ёй, ҳалқа, тақа ва ҳоказо) намоён бўлади.

Касаллик юққандан сўнг тахминан 3-5 йил ўтгандан сўнг захм касаллигининг кейинги даври – учламчи захм даври ривожланади. Учламчи захм касаллигининг бу даврида касалликнинг фаол ва яширин босқичлари тафовут этилади. Учламчи захмга алоқадор бўлган тошма элементлари дўмбоқчалар ва тугунлар шаклида намоён бўлади ва организмнинг муҳим аъзоларини тузулишининг бузилишига, вазифасини бажара олмаслигига олиб келади. Бу вақтга келиб захм касаллиги билан хасталангандан беморлар организми шу қадар заифлашиб кетадики, касалликни клиник белгилари энди на фақат тери ва шиллик қаватлар, балки ички аъзолар, асаб ва таянч тизимларининг шикастланишига, беморларни ногирон, майиб бўлиб қолишларига, ҳаттоки, ўлим ҳолатларигача олиб келади. Захм жараёнининг бир давра кечишидан иккинчисига ўтиш тезлиги организмнинг иммунобиологик қобилиятига, бемор организми билан захм касаллигини қўзғатувчиси ўртасида мавжуд бўлган муносабатларга, шунингдек, қатор ташқи ва ички омилларга боғлиқ бўлади. Бу омиллар ичида албатта беморнинг ёши, турмуш ва меҳнат шароитлари, уларда кузатилган бошқа йўлдош касалликларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Захмнинг бирламчи даври

Касаллик юққандан 3-4 ҳафта ўтгач (инкубацион даврдан сўнг) оқиш трепонема тушган жойда захм касаллигининг илк клиник белгиси, яъни захм яраси (қаттиқ яра, қаттиқ шанкр, *ulcus durum*, бирламчи сифилома) ҳосил бўлиши билан захмнинг бирламчи даври бошланади. Захмнинг бу даври ўртacha 6-8 ҳафта давом этади.

Кўп ҳолларда қаттиқ яralар жинсий аъзоларда ёки унга яқин худудларда учраб, касалликнинг жинсий йўл билан юққанлигини кўрсатади. Касаллик ножинсий йўл билан юққанда (лабларда, тилда, оғиз шиллиқ қаватларида, бодомча безларида, бўйинларда, пешонада, бармоқларда ёки оқиш спирохета тушган ҳар қандай бошқа жойдаларда) қаттиқ шанкрлар жинсий аъзолардан ташқарида жойлашади ва уларни экстрагенитал қаттиқ шанкрлар, деб аталади. Уларнинг сони кўп ҳолларда битта бўлиб, айrim ҳолларда эса иккита ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Яралар асосан тўғноғич катталигида ёки бир тийинлик танга катталигида бўлиб, улар яра ёки эрозиялар кўринишида бўлади. Улар думалоқ ёки овал шаклда, чегаралари аниқ, агар тери ёки шиллиқ пардалар бурмаларида жойлашган бўлса, тирқишимон кўринишларда бўлади. Қаттиқ шанкр ярасининг четлари текис, тери сатҳидан кўтарилиб турадиган бўлиб, тубига томон нишаб кўринишда, коса идишини эслатадиган кўринишда бўлади, ранги янги сўйилган мол гўшти рангидаган тўқ қизил рангда бўлиб, юзаси тўқима суюклиги билан (серум) намланиб, худди амиркон терисини эслатадиган кўринишида ялтираб туради. Қаттиқ яра таркибидан олинган тўқима суюклиги микроскопнинг қоронғилаштирилган майдонида текширилганда кўп микдорда рангиз трепонемаларни топиш мумкин бўлади. Бирламчи сифилома бармоқлар ёрдамида пайпаслаб кўрилганда, уларнинг асосида яра ҳажмидан катта бўлган тоғайсимон қаттиқликдаги оғриқсиз инфильтрат ҳолати сезилади, яранинг бундай хусусиятга эга эканлиги уни қаттиқ шанкр, деб номланишига асос бўлган. Қаттиқ шанкр кўп ҳолларда субъектив ўзгаришлар юзага келтирмайди, бунга сабаб захм инфекцияси яра ҳудудидаги нерв толаларини заарламайди.

Болаларда захм касаллиги клиник белгиларининг кечиши (агарда касаллик уларда орттирилган бўлса) катталарникидан унча фарқ қилмаган кўринишларда бўлади. Болаларда қаттиқ шанкр

асосан бош тери соҳасида, лабда, оғизда, бодомча безлари соҳаларида жойлашади, кичик ёшдаги болаларда қаттиқ яралар жинсий аъзолар атрофида деярли учрамайди. Айрим ҳолларда болаларда бодомча безлари соҳаларида қаттиқ яралар турлича кўринишларда намоён бўлади. Бундай ҳолларда бодомча безларида қаттиқ яралар овал шаклида, тўғри чегарали, қизил тубли, сатҳи думба ёғи кўринишида бўлган парда билан қопланган кўринишларда бўлади. Бундай ҳолатларда бодомча безлари қаттиқлашган, оғриқсиз ва bemор болалар умумий аҳволлари ўзгаришсиз бўлади.

Қаттиқ шанкрнинг бир нечта хиллари мавжуд бўлиб, улар шанкр-амигдалит (қаттиқ яранинг бодомча безларида жойлашиши), ҳасмол-шанкр (қаттиқ шанкрнинг қўл бармоқлари соҳасида жойлашиши) ва индуратив шиш (лимфа қон томирларидағи кўлмаклик натижасида жинсий аъзоларнинг шишиш ҳолати) кўринишларида кечади.

Шанкр амигдалитнинг кечишида бодомча безларининг бир томонлама ассиметрик кўринишда қаттиқлашиши ва катталашиши ҳолати кузатилади. Жараённинг кечишида ўткир яллиғланиш белгилари кузатилмайди, ўчоқлар кескин чегараланган кўринишларда бўлиб, bemорларни салбий шикоятлар (юқори ҳарорат, оғриқлар) безовта қилмайди, уларда суюқлик ва овқат истеъмоли вақтида, ютиш жараёнининг бироз қийинлашиши ҳолати кузатилади ҳолос. Бундай вақтда бодомча безлари сатҳидан олинган тўқима суюқлиги таркибида кўп миқдорда касаллик қўзғатувчиси рангсиз спирохеталар топилади. Шанкр амигдалитнинг кечиши жараёнида бодомча безидаги яллиғланиш ҳолати чегараланган бўлиб, атрофдаги шиллиқ пардалар ўзгармайди, bemорларда жағ ости лимфа тугунларининг бир томонлама катталашиши, яъни регионар аденит ҳолати кузатилади. Шанкр амигдалитнинг ўзига хос кўринишда кўринарсиз белгилар билан кечиши уни катарал ангина касаллигидан фарқ қилишга асос бўлади.

Ҳасмол-шанкр, яъни қаттиқ захм ярасининг қўл бармоқлари соҳаларида жойлашиши ҳолати кўпинча тиббиёт ходимлари орасида (лаборантларда, гинекологларда, стоматологларда, жарроҳларда, педиатр, ЛОР шифокорларида) учрайди. Бундай ҳолатларда ҳасмол-шанкр кўпинча bemорлар қўл бармоқларининг уч қисмида, тиноқлар атрофидаги тери соҳаларида жойлашади. Жараён кечиши бармоқларнинг шишиши, уларни кўкиш-қўнғир рангга кириши ва

оғриқсиз, айрим ҳолатларда эса бир оз оғриқ билан ўтиши кўринишида бўлиб, худди стрептококкли оддий ҳасмолни эслатади. Ҳасмол-шанкрнинг кечиши жараёнида қаттиқ оғриқ, ўткир яллиғланиш ҳолати, ҳароратнинг кўтарилемаслиги ва ҳаракатнинг чегараланиш ҳолатлари кузатилмаслиги ҳамда тирсак лимфа тугунларининг катталлашиши ҳолати бу касалликнинг аниқ табиатини англаб олишга ёрдам беради. Шунга қарамасдан, фақат клиник белгилар асосида ҳасмол-шанкр, деб хулоса чиқариш нотўғри бўлиб ҳисобланади ва албатта бундай ҳолатларда лаборатория натижаларини инобатга олиш лозим бўлади.

Индуратив шиш ҳолати бемор аёлларда одатда катта ва кичик уятли жинсий лаблар, эркакларда жинсий олат халтачаси соҳаларида, баъзан эса лаб соҳаларида кузатилади. Индуратив шиш ҳолатининг намоён бўлишига асосий сабаб бу қаттиқ шанкр асосида мавжуд бўлган инфильтратнинг лимфа қон томирларини эзиди қўйиши оқибатида лимфа қон томирларида қон айланиши ҳолатининг бузилиши, яъни кўлмаклик ҳолати кузатилади, натижада тарқоқ инфильтрат ҳолати кузатилиб, унинг ҳисобига юқоридаги аъзоларни бир неча маротабача катталлашиши ҳолати кузатилади. Шикастланган жойга қўл бармоғи билан босиб кўрилганда унинг ўрнида чуқурча ҳосил бўлмайди, bemorларни оғриқ, ҳаракатнинг чегараланиши каби салбий шикоятлар безовта қилмайди. Индуратив шиш жараёнининг кечишида регионар лимфа тугунларининг катталлашиши ҳолати кузатилади.

Юқорида қайд этилган захм қаттиқ ярасининг атипик кўринишлардаги кечишида касаллик тарихини аниқ йиғиш, заарланган жойлардан оқиш трепонемаларни топиш, bemorларни оғриқ, ҳаракатнинг шерикларини текшириш ва мусбат серологик жараёнлар натижалари bemorларга захм диагнозини қўйишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қаттиқ шанкрнинг кечиши жараёнида унинг юзасига иккиласми инфекциялар тушиши натижасида баланит, постит, баланопостит, фимоз, парофимоз, жинсий олат гангренаси ва фегеденизм ривожланиши мумкин. Қаттиқ яранинг баланит, баланопостит, фимоз, парофимоз каби асоратлари қаттиқ шанкр закар бошчасида ёки препуциал халтачанинг ички варағида жойлашганда учрайди. Бундай ҳолларда шанкр атрофи қизариб шиш пайдо бўлади, шанкр

юзасидан ажралаётган сероз суюқлик йириングлайди, бу эса ўз навбатида, оқиш трепонемани топишни қийинлаштиради.

Закар бошчасида жойлашган қаттиқ яра иккиламчи инфекциялар билан асоратланиши натижасида баланит ҳолати кузатилади, агар бундай ҳолат ўз вақтида даволанмаса, у ҳолда закар бошчасини ёпиб турган халтачанинг ички шиллик тарафи ҳам яллиғланиш, яъни баланопостит ҳолати кузатилади. Баланопоститда яллиғланиш жараёни кучли бўлганлиги сабабли закар бошчаси халтачасининг тешиги торайиб, закар бошчаси очилмайдиган ҳолга келиб қолади ва бундай ҳолат фимоз, деб аталади. Фимоз ҳолатида қаттиқ шанкр закар бошчасида ёки закар халтачасининг ички варагида жойлашганлиги сабабли уни кўриб бўлмайди. Фимоз ҳолатида закар бошчасини куч билан очишга ҳаракат қилиш натижасида парофимоз ҳолати юзага кеалади, уни эса кейинчалик асл ҳолига қайтариш қийин бўлади. Парофимоз ҳолати қаттиқ шанкрнинг ўзига хос асоратларидан бири бўлиб, йиринг закар бошчасини сиқиб қўяди, бу эса закар бошчасида қон айланишининг бузилишига олиб келади. Ўз вақтида даво чоралари ўтказилмаса закар боши тўқимасининг чиришига сабаб бўлиши мумкин.

Қаттиқ шанкрнинг кечиши жараёнида унга иккиламчи фузоспериллёз инфекциялари тушиши натижасида гангрена ва фагеденизм каби беморлар хаётига хавф соладиган асоратларни кузатиш мумкин. Гангрена жараёни бошланганда қаттиқ шанкр туби ириб, унда қора рангли чирик чиқинди ҳосил бўлади, усти эса кир қора рангли қобиғ билан қопланади. Қобиғ остида катта ярали сатҳ кузатилади, жараённинг кечиши ҳароратнинг кўтарилиши, бадан қақшаси, бош оғриши ва умумий ахволнинг оғирлаши каби ҳолатлар билан кечади. Фагеденизм ҳолатида ириш жараёни нафақат ичкарига, балки атроф тўқима соҳаларига ҳам кенгайиб тарқалиб боради, натижада жинсий олатнинг ҳатто узилиб тушиши, қисмларга ажралиши ҳолати кузатилиши мумкин. Яралар ўрнида кўпинча хунук кўринишларда бўлган чандиклар қолади. Қаттиқ шанкрнинг гангрена ва фагеденизм каби асоратлари асосан катта ёшдаги, иммунитети паст, сурункали касалликлар (қандли диабет, ревматизм, алкоголизм) билан хасталанган bemorларда кузатилади.

Захм касаллигининг кечишида қаттиқ шанкрни тафовут қилиш қийинчилик туғдирмайди, аммо айрим вақтларда (айниқса, асоратланган ҳолатларда) қаттиқ шанкрларни тафовут этишнинг

иложи бўлмайди, шунинг учун ҳам қаттиқ шанкрни бошқа касалликлар билан таққослай билиш лозим. Бундай касалликларга пуфакчали темиратки, қўтири эктимаси, эрозияли баланопостит, рак яралари киради.

Пуфакчали темиратки тошмалари тўп-тўп мошдек ёки ундан кичикроқ бўлган пуфакчалар шаклида пайдо бўлиб, уларнинг ёрилиши натижасида четлари арасимон кўринишда бўлган эрозияларга айланади. Бу эрозияларнинг туби тоза бўлиб, таркибидан сероз суюқлик ажралиб туради, жараён қичишиш ва ачишиш каби салбий шикоятлар билан кечади, чов лимфа тугунларининг катталлашиши ҳолати кузатилмайди.

Қўтири касаллиги тошмаларини йирингли ва йирингли яра кўринишларидаги асоратлари қўтири эктимаси тарзида намоён бўлади. Бундай яралар қора қўтири қобиф билан қопланган бўлиб, атрофидаги тери соҳаси яллиғланган кўринишда бўлади, яралар тубида қаттиқлик, яъни инфильтрация ҳолати сезилмайди. Бундан ташқари терининг бошқа соҳаларида қўтири касаллигининг клиник белгилари кузатилиши, bemорларни касалликка хос бўлган тунги қичишишлар безовта қилиши, лаборатор текширувлар натижасида эса касалликни қўзғатувчиси қўтири каналарининг топилиши захм қаттиқ ярасидан тафовут этишга асос бўлади.

Эрозив баланопостит закар бошчаси ва халтачасида нотўғри шаклдаги катта-кичик эрозиялар бўлиши билан таърифланади, уларнинг тубида қаттиқлик ва атрофида яллиғланиш бўлмайди. Касаллик асосан иммун тизими заиф бўлган ва гигиена талабларига риоя қилмайдиган инсонларда кузатилади. Касаллик белгиларининг кечиши регионар лимфа тугунлари катталашмаслиги билан кечади.

Захм қаттиқ шанкрини тери раки касаллиги яралари билан таққослаш муҳим аҳамият касб этади. Тери раки яралари асосан сезиларли даражада, улар туби ва чегараларининг қаттиқлашиши, унча кўринарли бўлмаган яллиғланиш кўринишида кечиши, юзаларининг қонаб туришга мойиллиги билан ҳамда узоқ вақт даво воситаларига берилувчан бўлмаслиги билан ажралиб туради. Жараённинг кечишида бир неча ойлардан сўнг лимфа қон томирларининг жалб этилиши ҳолати кузатилади. Касалликка таққослов ташхиси қўйилишида лаборатор ҳамда гистологик текширувлар натижалари муҳим ўрин тутади.

Шундай қилиб, бирламчи захм даврининг кечишида касалликка ташхис қўйилиши нафақат касалликнинг клиник белгиларини (бирламчи сифилома, регионар аденит) тафовут этиш, балки касалликни улардаги тўқима суюклиги таркибидан касаллик қўзғатувчиси рангиз трепонемаларининг топилиши муҳим ўрин тутади. Касалликка тўғри ташхис қўйилишида серологик жараёнлар мусбатлигини (серонегатив, серопозитив) инобатга олиш катта аҳамият касб этади.

Бирламчи захм даврининг энг муҳим клиник белгиларидан яна бири бу захм яраси пайдо бўлганидан 7-10 кун ўтгач, унга яқин жойлашган тери ости лимфа тугунларининг (чов соҳаси, кубитал, қўлтиқ ости, бўйин ва жағ ости лимфа тугунларининг) катталашиши ҳолатидир. Бундай ҳолат регионар склераденит, яъни яқин жойлашган лимфа тугунларининг катталашиши, деб аталади. Асосан лимфа тугунларининг катталиги нўхат катталигидан ўрмон ёнғоғи катталигигача бўлиб, улар сатҳидаги тери юзаларининг ранги ўзгармаган кўринишда бўлади. Лимфа тугунлари пайпаслаб кўрилганда улар қаттиқ консистенцияли, оғриқсиз бўлиб, бир-бири билан, ост ҳамда атроф тўқималар билан қўшилмаган кўринишларда бўлади.

Захм касаллигининг бирламчи даври учун яна бир муҳим клиник белги бу захм лимфангити, яъни лимфа қон томирларининг яллиғланиш ҳолатидир. Касалликнинг бу белгиси қаттиқ шанкр билан унга энг яқин жойлашган лимфа тугунлари орасидаги лимфа қон томирларининг арқонсимон кўринишида қаттиқлашиши, теридан бўртиб туриши кўринишида намоён бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган лимфаденит ва лимфангит ҳолатлари bemорларни безовта қилмайди.

Захмнинг иккиламчи даври

Захмнинг иккиламчи даври белгилари намоён бўлгунга қадар 7-10 кун олдин продормал (касаллик олди белгилари) ҳолати кузатилиди. Продормал ҳолат белгилари bemорларда умумий ҳолсизлик, ланжлик, бош оғриши, суяқ ва мушаклардаги кечқурунлари кузатиладиган оғриклар ва тана ҳароратининг кўтарилиши кўринишида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, касалликнинг кечиши худди грипп касаллигининг бошланиши кўринишида бўлади. Касал-

ликни продормал кечиши ҳолати асосан касалликни қўзғатувчиси рангсиз трепонемаларнинг беморлар қонида кўпайиб тарқалган вақтига тўғри келади. Продормал ҳолат тугагандан кейин эса иккиламчи захм тери ва шиллиқ қаватларда турли кўринишдаги тошмаларнинг тошиши билан бошланади. Иккиламчи захм даврининг бундай кўринишлардаги бошланиш ҳолати бемор организмининг касалликка нисбатан умумий жавоб реакцияси натижаси бўлиб ҳисбланади. Захмнинг бу даврида иккиламчи янги, иккиламчи яширин ва иккиламчи қайталама каби босқичлар тафовут қилинади. Иккиламчи захм даври касаллик юққандан сўнг 2,5-3 ойлар ўтгандан кейин бошланади, агарда беморлар ўз вақтида даволанмасалар у ҳолда ушбу давр ўртacha 2-3 йиллар давом этади.

Иккиламчи захм даврининг кечиши кўпинча доғли (розеола), тугунчали, баъзан эса пуфакча ва йирингчали тошмалар кўринишларида бўлади. Касаликнинг кечишида захм каллиги (алопецияси) ва захм пигментли тошмалари (лейкодерма) ҳам кузатилиши мумкин. Касаликнинг ушбу давридаги кечиши ҳолати нафақат тери ва шиллиқ қаватларда захмга хос бўлган тошмаларнинг пайдо бўлиши, балки ички аъзолар, суюк-таянч ва асад тизими фаолиятининг шикастланиши кўринишида намоён бўлади.

Иккиламчи захм даври янги босқичининг кечиши давомида кузатиладиган тошмалар майда ҳажмли, кўп микдорда бўлиб, тарқоқ ҳолда, бетартиб жойлашган бўлади, улар думалоқ овал шаклли, тўқ қизил ёки қизил рангли бўлиб, бир-бирлари билан қўшилмаган кўринишларда бўлади. Тошмаларнинг тошиши нохуш белгиларсиз кечиб, беморлар даволанмасалар ҳам улар ўз-ўзидан изсиз йўқолиб кетади. Иккиламчи янги захмнинг кечиши давомида қаттиқ яра ва унинг асоратлари ҳамда кўринарли даражада бўлган склероаденит ҳолатини кузатиш мумкин бўлади. Эрозияланган иккиламчи захм тошмалари сатҳларидан кўп микдорда касаллик қўзғатувчиси рангсиз трепонемалар топилади, шунинг учун ҳам бундай беморлар атрофдагилар учун эпидемиологик нуқтаи назардан хавфли ҳисбланадилар. Иккиламчи янги захмнинг кечиши даврида классик серологик жараёнлар (Вассерман жараёни ва унинг модификациялари) 100% гача, иккиламчи қайталама захмда эса 96-98% гача мусбат натижалар беради. Реагинлар микдори эса иккиламчи янги захмда жуда юқори (1:160, 1:320), иккиламчи қайталама захмда эса паст (1:30, 1:60) кўрсаткичларда бўлади. Махсус серологик жараён-

лардан иммунологик ёғдуланиш жараёни (РИФ)) иккиламчи захм даврининг барча кўринишларида кечишиларида, bemорларнинг барчасида 100 %гача мусбат кўрсаткичларда бўлади. Трепонемаларни ҳаракатсизлантиришга асосланган жараёнлар (РИБТ) эса иккиламчи янги захмнинг кечишида 40-60 %гача, қайталама захмнинг кечишида эса 70-90 %гача ҳолларда мусбат кўрсаткичларда бўлади. Захмнинг ушбу даври қайталама босқичида 50% гача бўлган ҳолатларда орқа мия суюқлигига патологик ўзгаришлар қайд этилади, лекин бундай ўзгаришлар клиник нуқтаи назардан яққол намоён бўлмайди.

Иккиламчи қайталама захмда тошмалар сони кам, ҳажми катта, ранги эса нисбатан оч рангларда, гурухланишга мойил бўлиб, асосан чов соҳаларида, жинсий аъзолар ва оғиз шиллиқ қаватларида ассимметрик кўринишларда жойлашади. Агарда иккиламчи янги захмнинг кечишида асосан розеолали тошмалар кузатилса, иккиламчи қайталама захмда эса асосан мономорф кўринишида тугунчали тошмалар кузатилади.

Иккиламчи янги захмнинг кечишида кузатиладиган доғли тошмалар, думалоқ ёки овал шаклларида, чегараланган, пушти қизил рангли бўлиб, улар бир-бири билан қўшилмаган, тери сатҳидан бўртиб чиқмайдиган кўринишларда бўлади, розеолалар бармоқ билан босиб кўрилганда йўқолиб, яна қайтадан пайдо бўлиш хусусиятига эга бўлади. Баъзан эса розеолали тошмалар ўзаро қўшилишиб (*roseola confluens*) ёки тери сатҳидан сезилар-сезилмас шаклда кўтарилиб туриши (*roseola elevata*) ҳам мумкин. Одатда доғли тошмалар сатҳи қипиқланмайди ва нохуш белгиларсиз кечади. Орадан тахминан 3-4 ҳафта вақт ўтгач розеолали тошмалар (агар bemорлар даволанмасалар ҳам) ўз-ўзидан изсиз йўқолиб кетади. Розеолали захм тошмаларини аллергик дерматит касаллиги (токсикодермиялар) тошмалари бўлган токсик розеолалардан, Жибернинг пушти ранг темираткасида кузатиладиган розеолали тошмалардан ҳамда тошмали ва қорин тифи касаллиги тошмаларидан фарқлай билиш лозим. Токсик розеолалар сифатсиз овқат маҳсулотларини истеъмол қилинишидан сўнг бошланиб, ўткир кечади, улар тўқ қизил рангли, бир-бири билан қўшилишга мойил бўлади, жараён қичишиш, ачишиш ва безовталаниш каби салбий шикоятлар билан кечади. Касаллик тўғрисида йигилган анамнестик маълумотлар ва серологик текширув натижалари

касаллика тўғри ташхис қўйиш имконини беради. Жибернинг пушти ранг темиратки касаллигида кузатиладиган розеолали тошмалар пушти-қизил ранг кўринишида бўлиб, улар сатҳи марказий қисмидан қипикланиб турди, жараён қичишиш каби салбий ҳолатлар билан кечади, тошмаларни ўзига хос кўринишларда бўкса соҳаларида жойлашиши, ҳамда катта ҳажмда бўлган она плакчали ўчоқларнинг бўлиши ушбу касаллик белгиларини захм касаллигидан таққослаш имконини беради. Тошмали ва қорин тифи касалликларида кузатиладиган розеолали тошмалар сони кам микдорда бўлиши, касалликни оғир ва кўринарли даража билан кечиши ушбу касалликни захм касаллигидан фарқлай олиш имконини беради.

Тугунчали захм тошмалари асосан иккиламчи захм даврининг қайталама босқичининг кечишида кузатилади. Тошма элементлари думалоқ овал шаклларида, аниқ чегарали кўринишларда бўлиб, пушти қизил, тўқ қизил рангларда бўлади. Касаллик тузалиб борган сайин тугунчали тошмалар сатҳи четларидан айлана ёқа кўринишида (Биетт ёқачаси) қипиклана бошлайди. Тошмалар тўмтоқ найча (зонд) билан босиб кўрилганда оғриқни сезиш ҳолати кузатилади (Ядассон белгиси). Катталиги жихатидан тугунчали захм тошмалари милиар (супурги уруғи дони катталигига), лентикуляр (тўғноғич боши ёки нўхат катталигига), нуммуляр (тангасимон) ва плакчали (бурдасимон кўринишларда) бўлиши мумкин. Ишқаланишга, босимга мойил бўлган соҳаларда (офиз шиллик қаватлари, жинсий аъзолар) жойлашган тугунчали захм тошмалари юзалари шилинишга мойил бўлиб ҳўлланиб турди, бундай тугунчали тошмалар сувчираган (эрозияланган) захм тугунчали тошмалари, деб аталади. Жинсий аъзолар ва анал соҳаларда жойлашган тугунчали захм тошмалари ишқаланиш ва босим таъсирида кенгайиб, ўсиб кетиши мумкин, тошмаларнинг бундай кўринишдаги кечиши кенг кондиломалар, деб аталади. Сувчираган ҳамда кенг кондиломали захм тошмалари юзаси кўп микдорда касалликни қўзғатувчиси рангсиз трепонемаларнинг тутганлиги учун бундай bemорлар атрофдагилар учун ҳамда эпидемиологик нуқтаи назардан юқумли бўлиб ҳисобланадилар.

Захм тугунчали тошмаларини қичимали темиратки, қизил яssi темиратки касаллиги тошмалари билан таққослай билиш зарур. Тугунчали тошма элементларини атрофга катталишиши, бир-бири

билин қўшилишга мойил бўлиши, учлик белгиларининг кузатилиши (стеарин доғи, терминал парда, майда нуқтали қонталашиш), тошмалар сатхининг марказий қисмини қипиқланиши ва касалликни қичишиш билан кечиши ҳолатининг кузатилиши қичимали темиратки касаллигини захм касаллигидан ажрата олишга имкон беради. Тугунчали тошмаларни полигонал ясси шаклларда бўлиши, уларга хос бўлган ялтироқлик хусусияти, марказий қисмларида киндиксимон чуқурчаларнинг бўлиши, атрофга кенгайиб плакчаларни ҳосил қилиши ва кучли даражадаги қичишиш билан кечиши қизил ясси темиратки касаллигига хос бўлиб, уларнинг бу хусусиятлари касалликни захм касаллигидан ажрата олиш имконини беради. Тугучали захм тошмаларининг қўл ва оёқ кафти соҳаларида жойлашиши ўзига хос кўринишларда намоён бўлади. Ушбу соҳаларда жойлашган тошмалар тери сатҳидан кўтарилиб турмайди, уларнинг ранги кўкимтир-қизил рангларда бўлиб, сатҳларида қаттиқ шоҳсимон қипиқлар тўпланиб туради, тошмалар пайпаслаб кўрилганда улар қаттиқ консистенция кўринишларида бўлади.

Иккиласми захм даврининг кечишида йирингчали тошмалар жуда кам учрайди. Улар асосан жисмоний жиҳатдан кучсиз бўлган беморларда, сурункали касалликлар ёки алькоголизм билан хасталанган беморларда қайд этилади. Айрим ҳолатларда йирингли захм тошмалари бошқа захм тошмалари билан биргаликда ёки кетма-кетликда намоён бўлиши мумкин. Йирингчали захмнинг захм импетигоси, ҳуснбузарсимон захм, чечаксимон захм, захм кўз яраси ва захм рупияси каби клиник турлари тафовут этилади. Захм импетигоси тугунча устида йирингчали қобиғ кўринишида намоён бўлади. Бундай тошмалар атрофга тарқалишга, кенгайишга ва бирбири билан қўшилишга мойил бўлмайди ҳамда салбий шикоятларсиз кечади. Ҳуснбузарсимон захм белгилари худди оддий ҳуснбузар касаллигини эслатади, лекин улар таркибида себорея белгилари, яъни комедонларнинг бўлмаслиги ҳамда тошмаларнинг себореяга хос бўлмаган тери соҳаларида жойлашиши қайд этилади. Чечаксимон йирингли захм тошмалари нўхат катталигидаги бўлиб, улар маркази тезда қобиғ билан қопланиб, чўккан кўриниш ҳолатида бўлади, тошмалар атрофи эса кўкиш-қизил рангли инфильтралланган ҳошия билан ўралган бўлади. Бундай ҳолат чечак касаллиги белгиларига ўхшаш кўринишда бўлади, лекин чечаксимон йирингли захм тошмалари сони унча кўп бўлмайди ва уларнинг кечиши

тахминан 5-7 ҳафталаргача давом этади. Чечак касаллигини ўткир, оғир кечиши, тошмаларнинг кўп миқдорда бўлиши ва улар атрофида қизил инфильтралланган ҳошияларнинг бўлмаслиги уларни чечаксимон захм касаллиги тошмаларидан ажратиш имконини беради. Захм кўз ярасининг сони 1 ёки 2 та бўлиб, асосан болдир, тана, бошнинг сочли қисми соҳаларида кузатилади. Касаллик белгилари чуқур йиринг кўринишида бўлиб, сатҳи катта миқдордаги кулранг қобиғлар билан қопланади, уни остида эса кейинчалик силлиқ чандиқ ҳосил қиласидиган яра ётади. Захм кўз яраси атрофи қизил мис рангли қаттиқ инфильтралланган ҳошия билан ўралган бўлади. Захм кўз яраси асосан болдир соҳасининг олд қисмида жойлашади. Тошмалар атрофида қизил инфильтралланган ҳошияларнинг бўлмаслиги ва серологик жараёнларнинг манфийлиги, захм кўз ярасини вульгар эктима касаллигидан тафовут этиш имконини беради. Захм рупияси йирингли тошма элементи қаватма-қават, конуссимон қобиғлар ҳосил қилиши тарзида намоён бўлиб, атрофга катталашишга ва катта яра ҳосил қилишга мойил бўлади. Захм кўз яраси, рупияли захм йирингли тошмаларининг пайдо бўлиши захм касаллигининг оғир кечишидан далолат беради.

Иккиламчи захм даврининг кечишида тошмалар нафақат тери соҳаларида, балки шиллиқ қаватларда ҳам кузатилади. Иккиламчи захм тошмалари асосан оғиз шиллиқ қаватида, томок, ҳалқум, лабларда, катта ва кичик уятли лаблар соҳаларида жойлашади. Шиллиқ қаватларда кузатиладиган захм тошмалари доғли, тугунчали ҳамда йирингли кўринишларда намоён бўлади. Доғли ёки розеолали захм тошмаларини шиллиқ қаватларда аниқлаш кўпинча қийинлик туғдиради, лекин уларни бодомча бези ҳамда юмшоқ танглай соҳаларида жойлашиши аниқ чегарали ва кўкимтир-қизил кўринишларда бўлиб, ҳеч қандай салбий шикоятларсиз кечади. Тошмаларнинг бундай кўринишда кечиши захмнинг катарал ангинаси, деб аталади ва у стрептококкли катарал ангина билан таққосланади. Тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий аҳволнинг ўзгариши, томок соҳасида оғриқ, ачишиш ва тарқоқ кўринишдаги яллиғланиш ҳолатининг кузатилмаслиги захм ангинасини стрептококли ангинадан фарқлаш имконини беради. Захм тугунчали тошмалари тўғноғич боши катталигига шиллиқ қаватларда кузатилади. Тугунчали тошмалар асосан шиллиқ қаватларда думалоқ овал шаклларида бўлиб, чегарали аниқ тўқ қизил ранг

ҳошиялар билан ўралган бўлади. Улар асосан оғиз шиллиқ қаватида, бодомча безлари ва халқум соҳаларида жайлашади. Овоз бойламлари соҳаларида тугунчали захм тошмаларининг жойлашиши натижасида беморларда овознинг бўғилиб қолиши, ҳатто бутунлай йўқолиши ҳолати кузатилиши мумкин. Шиллиқ қаватлардаги тугунчали захм тошмалари асосан салбий шикоятларсиз кечади, лекин айрим вақтларда уларнинг юзлари ишқаланиш, тилиниш натижасида эрозияланади ва иккиламчи инфекцияларнинг қўшилишига сабабчи бўлади, натижада оғриқ ҳолати юзага келиши мумкин, бундай тошмалар оқиш кўринишларда бўлиб, атрофи тўқ қизил ҳошиялар билан ўралган бўлади. Иккиламчи тугунчали захм тошмаларини тугунчали ангина, Венсен ангинаси, бўғма касаллуклари билан таққосланади. Ушбу касаллукларнинг барчаси учун касаллукларни ўткир ва оғир кўринишларда, клиник белгиларининг кўринарли даражада намоён бўлиши ва уларда серологик текширувлар натижаларининг манфий кўринишларда бўлиши захм касаллигидан фарқлаш имконини беради.

Иккиламчи захм даврининг кечишида захм каллиги (захм алопецияси) ҳолати ҳам кузатилиши мумкин, у майда ўчоқли, тарқоқ ва аралаш кўринишларда намойн бўлади. Касаллик белгилари бошнинг сочли соҳаларида 1-2 тийинлик ўчоқлар тарзида намоён бўлиб, мазкур соҳаларда яллигланиш белгиларисиз соч толаларининг худди қундузни куя еган кўринишида тўкилиши ҳолати кузатилади. Худди шундай ҳолат қош ва киприклар томонидан кузатилиши мумкин, киприкларнинг тўкилиши нарвонсимон кўринишида (Пинкус белгиси), қошларнинг тўкилиши эса майда ўчоқли кўринишларда (Фурнъенинг омнибус сифилиди) бўлиб, улар диагностик нуқтаи назардан дикқатга сазовор ҳисобланади. Умуман олганда захм алопецияси иккиламчи захм даврининг иккиламчи қайталама босқичи кечишида кўпроқ қайд этилади ва тўкилган сочли ўчоқлар ўрни бир неча ойлар мобайнида қайтадан янги соч толалари билан қопланади.

Иккиламчи захм касаллиги кечиши учун яна битта клиник белги захм лейкодермаси хос бўлиб, бу белги асосан иккиламчи қайталама захмда қайд этилади. Захм лейкодермаси аёлларда эркакларга нисбатан кўпроқ учрайди. Касаллик белгилари асосан бўйин, энса, кўкрак ва қўлтиқ соҳаларида оқимтир доғлар кўринишида намоён бўлади. Доғлар чегараланган, айлана шаклларида бўлиб, ҳар хил

катталиқда бўлади. Беморлар терисининг орқа бўйин соҳасида кузатиладиган захм лейкодермаси худди бўйинга тақилган маржонни эслатадиган кўринишда намоён бўлганлиги учун уларни «Венера маржонлари» деб аталади. Захм лейкодермаси ўчоқлари бир неча ойлардан кейин, жуда секинлик билан изсиз йўқолиб кетади. Захм лейкодермасининг сабаби нейродистрофик жараёнларда кузатиладиган орқа мия суюқлигидаги ўзгаришлар натижаси, деб қаралади.

Шундай қилиб, иккиламчи захм касаллиги ўзига хос бўлган клиник белгиларнинг турли-туман кўринишлари билан намоён бўлади. Касалликнинг кечиши нафақат тери ва шиллиқ қаватларда тошмаларнинг тошиши, балки ички аъзолар, суяқ-таянч, юрак-қон томир, эндокрин ва асад тизимлари фаолиятларини бузилиши каби ўзгаришлар билан кечади. Беморларда вақти-вақти билан умумий аҳволларининг ўзгариши, иштаҳа, кайфиятнинг бузилиши, суяқ ва бўғинларда кечқурунлари кузатиладиган оғриклар, бош оғриши каби ўзгаришлар кузатилади.

Захмнинг учламчи даври

Захмнинг учламчи даври касаллик юққандан сўнг 2-3 йиллар ўтгач ривожланади. Агарда бирламчи ва иккиламчи захм даврларида bemорларга даво чоралари ўтказилмаса ёки улар пала-партиш даволанса, турли сурункали касалликларга чалинган бўлса, спиртли ичимликларга ружу қилиниб, гиёҳвандлик дардига мубтало бўлган бўлса, ҳар хил жисмоний ва руҳий тасиротлар, касбга алоқадор заҳарланишлар кузатилган бўлса, бундай ҳолатлар кейинчалик учламчи захм касаллигининг шаклланишига олиб келади. Учламчи захм касаллигининг ривожланишида bemорлар ёши ҳам муҳим аҳамият касб этади, касалликнинг ривожланиши кўпинча кекса ёшдаги (50-60 ёш) инсонларда ва болаларда кузатилади.

Учламчи захм даври тошмалари (сифилидлар) тери ва шиллиқ қаватларнинг маълум соҳаларида жойлашиб, кам сонли, чегараланган кўринишларда нохуш сезгиларсиз кечади. Тошмалар пайпаслаб кўрилганда қаттиқ, чуқур жароҳатланиш ва яраларга айланиш кўринишида бўлади, шунинг учун учламчи захм жараёни кўпинчи чандиқланиш билан тугайди. Шуни таъкидлаш лозимки, учламчи захм тошмалари кам юқумли ёки бутунлай юқмайдиган

бўлиб, улар таркибида оқиши спирохеталар топилмайди ёки улар жуда кам миқдорда бўлади. Ушбу даврнинг кечишида асосан ички аъзолар ва асаб тизими заарланиши ҳолати кузатилади, шунинг учун ҳам учламчи захм ички аъзолар захми ва асаб системаси захми билан бирга кечади. Захмга хос бўлган классик серологик жараёнлар учламчи захмга йўлиқкан беморларнинг 50-60% да мусбат натижалар беради. РИБТ ва РИФ жараёнларининг натижалари эса асосан бу даврнинг кечишида барча беморларда мусбат кўринишларда бўлади. Учламчи захм даврининг кечиши 3-5 йиллар давом этиб, унда учламчи фаол ва учламчи яширин захм босқичлари тафовут этилади. Учламчи захмнинг фаол босқичи дўмбоқчали (юзаки тугунли) ва тугунли (тери ости гуммаси) тошмалар тарзида намоён бўлади.

Дўмбоқчали захм тошмалари яримшарсимон, ясси шаклларда, қизил мис ва кўкимтири рангларда бўлиб, катталиги кўпинча олча данагидек, таркиби қаттиқ, аниқ чегараланган бўлада. Улар атрофида ўткир яллиғланиш белгилари кузатилмайди. Дўмбоқчали захм белгилари динамикаси «қуруқ» ва яра ҳосил бўлиши кўринишларида ривожланади. Дўмбоқчаларнинг секин-аста кичрая бориб, сўрилиб кетиши натижасида улар жойлашган ерларда тери соҳаларининг юпқалашishi (атрофия) ҳолати кузатилиб, иккиламчи вақтинчалик доғланишлар қолади. Ноқулай шароитларда вужудга келган ҳолатларда эса дўмбоқчалар йиринглаб чирийди ва яралар ҳосил қиласи. Ҳосил бўлган яралар айлана ёки овал шаклларида бўлиб, қаттиқ таркибли, туви эса ўйдим-чуқур кўринишда, юзаси эса шиллиқли чириган масса билан қопланиб туради. Дўмбоқчали захмнинг гурух-гурух, ўрмаловчи, пакана (митти) ва майдончасимон хиллари тафовут этилади. Учламчи захм даври дўмбоқчалари табиатини аниклашда касаллик тарихи маълумотлари (беморларни захмнинг эрта даврлари белгиларини эслашлари, захм билан хасталанган bemorlar билан жинсий алоқада бўлганликларини тан олишлари) ва серологик жараёнлар натижалари муҳим амалий аҳамият касб этади. Айниқса, бу борада мазкур дўмбоқчаларни захмга алоқадор эканлигини аниклашда РИБ ва РИФ жараёнлари натижалари катта ёрдам беради.

Гуммали захм тери ости ёғ тўқимасида шаклланади. Тошма элементлари кўпинча болдириларнинг олд юзаси, тўш, чов ва сон соҳаларида жойлашиб, дастлаб катталиги ўрмон ёнғоғидек ва

яримшарсимон кўринишида бўлиб, уларнинг ҳажми аста-секин катталашиб боради. Тугунлар бир-бирлари ва атроф тўқималар билан қўшилиб кетмайди, жараён оғриқсиз кўринишда кечади. Юнон ёнғоғи ёки товуқ тухуми ҳажмигача катталашган тугунли тошмалар устидаги тери ранги қизариб, таркиби юмшай бошлайди, кейинчалик улар марказий қисми тешилиб, ундан қуюқ сарғиш суюқлик оқа бошлайди. Вақт ўтиши билан улар гумма яраларига айланади, гумма яраларининг туби анча чуқур бўлиб, улар тубини қоплаб олган елимсими суюқлик «гумма ўзаги» деб аталади. Гуммали захм жараёнининг кечиши охирида яра ўрнини бириктирувчи тўқима қоплайди, улар ўрнида эса ўз навбатида қаттиқ, марказга нисбатан тортилган юлдузсимон шаклли чандиклар ҳосил бўлади. Учlamчи захм даврининг кечишида кузатиладиган яна бир белги бу учlamчи захм эритемалари бўлиб, уларни Фурньенинг учlamчи розеоласи, деб аталади. Бу белги диаметри 6-12 см гача етадиган, ҳалқа шаклидаги оч алвон тусли доғлар бўлиб, улар сатҳи қипиқланмайди ва уларнинг кечишида нохуш сезгилар кузатилмайди. Доғлар кўпинча билак, бел, сон, думба ва жинсий аъзолар соҳаларида кузатилади. Айrim ҳолатларда фақат учlamчи розеолаларнинг учраши ҳолати захмнинг учlamчи даврини тасдиқловчи ягона белги бўлиб хизмат қиласи.

Шундай қилиб, учlamчи фаол захм ташхиси захмга алоқадор бўлган маълумотларни тўлиқ йифилганлиги (анамнез), текширилаётган bemорларда дўмбоқчали ва гуммали тошмаларнинг аниқланганлиги захмга хос бўлган маҳсус серологик жараёнларининг мусбат натижалари асосида қўйилади.

Яширин захм

Захм касаллиги белгисиз (симптомсиз) кўринишида кечиши яширин захм, деб аталади. Бундай ҳолатларда захм касаллигининг белгилари тери ва шиллиқ қаватларда, шунингдек, ички аъзолар ва асаб системасида кузатилмайди, бироқ bemорда захмга хос бўлган серологик жараёнлар натижалари мусбат кўринишларда бўлади. Демак, клиник белгилари намоён бўлмай серологик жараёнларнинг мусбатлиги ҳолатига асосланиб яширин захм ташхиси қўйилади.

Яширин захмнинг учраши ҳолатининг ошиб боришига жойларда қўйиладиган серологик жараёнлар сифатининг яхши

эмаслиги ҳолати, рангиз спирохеталарга етарли даражада ўлдирувчан таъсир этмайдиган дори воситаларининг кенг кўламда қўлланилиши, захм тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлмаган беморлар орасида ўз-ўзини даволашга (касалликни яшириш мақсадида) уринишнинг авж олиши, номутасадди тиббиёт ходимлари томонидан захм касаллигини даволашга уриниш, сифатсиз даволаш ва шунга ўхшаш захм жараёнининг яширин кечишига олиб келувчи бошқа омиллар сабаб бўлади.

Яширин захмнинг белгисиз ўтиш муддати бир неча ойдан бир неча йилгача чўзилади. Шунингдек, захм белгилари дастлаб юзага чиқиб, маълум муддатдан сўнг йўқолиши мумкин. Шунинг учун бирламчи ва иккиламчи яширин захм фарқланади. Бирламчи яширин захм, деганда рангпар трепонемалар тушгандан сўнг захмнинг ҳеч кандай белгилари кўринмасдан, фақатгина серологик реакцияларнинг мусбат натижалари асосида диагноз қўйилган яширин захмни тушуниш лозим. Захм белгиларидан баъзилари дастлаб юзага чиқиб, маълум муддат ичида йўқолиб кетгандан сўнг аниқланган яширин захм иккиламчи яширин захм, деб аталади. Касалликларнинг Ҳалқаро таснифига биноан, яширин захм эрта ва кеч яширин захмларга бўлинади. Шунингдек, аниқланмаган яширин захм фарқланади. Эрта яширин захм касаллик юққанидан то 2 йилгача бўлган даврни (бу тахминан бирламчи серопозитив захмнинг кечишидан то иккиламчи қайталама захм ва унинг кечишигача бўлган даврни) ўз ичига олади. Бу давр ўрта хисобда касаллик юққандан сўнг икки йилгача бўлган муддатни ташкил этади. Агарда бу муддат 2 йилдан ортиқ вақт давомига тўғри келса, у ҳолда яширин захмнинг кечишини кеч яширин, деб баҳоланади.

Эрта яширин захмни аниқлашда қуйидаги маълумотлар аскотади: а) касаллик тарихини чуқур ўрганиш, жумладан, охирги бир-икки йил ичида жинсий аъзолар соҳасида яра-чақалар пайдо бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш. Шунингдек, терида ҳар хил тошмалар пайдо бўлганлигини сўраб билиш. «Грипп», «қулоқ-томоқ оғриғи» ва шунга ўхшаш асл табиати аниқланмаган касалликларга қарши антибиотиклар қўлланилганлигини сўраб билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Теридаги бемор эслаган яра-чақалар ва тошмалар, сочнинг тўкилиши, турли-туман ноаниц касалликлар захм белгиларидан бўлиши мумкин. Антибиотиклар эса бу белгиларнинг тез кунда йўқолиб кетишига олиб келади, яъни манифест захмнинг

яширин захмга ўтишига сабаб бўлади. Бундай маълумотларни йиғиши яширин захм диагностикасини енгиллаштиради; б) bemornинг жинсий шеригини текширувдан ўтказиши. Кўпчилик ҳолларда эрта яширин захм тахмин қилинаётган bemorларнинг жинсий шериклари текширувдан ўтказилганда, уларда манифест (симптомли) захмнинг эрта белгилари аниқланади. Бу далил текширилаётган bemorgа эрта яширин захм, деб ташхис қўйишга ёрдам беради; в) захм белгиларининг қолдиқларини аниқлаш. Маълумки, бирламчи захм белгилари йўқола бориши жараёнида қаттиқ яра ўрнида чандиқ ёки терининг қаттиқлашганлиги ҳолатини аниқлаш мумкин. Шунингдек, катталашган лимфа тугунларидан баъзилари кичрайиб улгурмаган бўлиши эҳтимол кузатилади. Ана шу чандиқ ва пайпасланаётган лимфа тугунларини захмнинг қолдиқ белгилари, деб тахмин қилиш ва шу далилга асосланиб тегишли текширувлар ўтказиши ташхиснинг қўйилишини осонлаштиради; г) реагинлар миқдорини аниқлаш. Маълумки, яширин захмнинг эрта даврида қондаги спирохеталар миқдори юқори бўлади. Бу ҳол антитаначалар (реагинлар) миқдорининг максимал даражага чиқишига олиб келади. Демак, bemorлар қонидаги реагинлар (тўқима антитаначалари) миқдорини аниқлаш (улар миқдори 1:120, 1:160,. 1:320 ни ташкил этади) яширин захмнинг қайси даврда эканлигини билишга ёрдам беради; д) трепонемалар реакциясини аниқлаш. Маълумки, захм билан хасталанган bemorларни даволаш бошланган вақтда уларнинг ҳарорати кўтарилиб, суж ва бўғимлар қақшайди. Баъзан безгак тутиб, кўнгил айнийди, қайт қилиши мумкин. Шунингдек, уларнинг терисида тошмалар (доғлар) пайдо бўлиши мумкин. Герксгеймер – Лукашевич – Яриш жараёни, деб аталувчи бу ҳолат яширин захмнинг эрта давридан далолат беради. Агар трепонемалар реакцияси терида оз миқдорда бўлса-да тошмалар (доғлар) пайдо бўлишига олиб келса, бундай bemorларга эрта яширин захм, деб диагноз қўйилмайди. Чунки бу ҳол умуман яширин захм ҳисобланмайди. Тери ва шиллик қаватларда пайдо бўлган тошмалар манифестли (симптомли) захмдан дарак беради. Аниқроғи, бу доғлар иккиласми захм белгилари бўлиб ҳисобланади; е) эрта яширин захмда Вассерман жараёни ва иммунологик ёғдуланиш жараёнлари (ИЁЖ) ўта мусбат (4+) натижалар беради. Бироқ ТҲЧЖ (трепонемалар ҳаракатини чеклаш реакцияси) барча bemorларда ижобий натижалар беравермайди, яъни трепонемалар

ҳаракатини чеклаш даражаси 40-70% гача мусбат бўлиши мумкин ёки манфий натижалар беради; ё) яширин захм даврини даволаш жараёнида аниқлаш. Яширин захмда қондаги реагинлар миқдори даволаш курсининг охиридаёқ кескин пасайиб кетади. Даволаш курси тугамасдан ИЁЖ бутунлай манфий натижалар беради. Бундай ҳолат захм жараёни ҳали ёш эканлигидан (бирламчи ёки иккиламчи давр), яъни эрта яширин захмдан дарак беради; ж) эрта яширин захмда орқа мия суюқлигини (ликвор) текшириш мусбат натижалар бермайди. Борди-ю орқа мия суюқлигига маълум бир ўзгаришлар аниқланса, бу ўзгаришлар захмга қарши даволаш жараёнида қисқа муддат ичидаги йўқолади. Юқорида санаб ўтилган маълумотларни йиғиши ва аниқлаш эрта яширин захм жараёни қайси муддатда кечаётганлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса тегишли даво чораларини кўллашга ва аниқ клиник-серологик назорат олиб боришга ёрдам беради.

Кеч яширин захм касаллиги билан хасталангандан беморлар кўпинча тасодифан ҳолатларда аниқланади. Бундай bemорлар шифохоналарда даволанаётган bemорларни, профилактик тиббий кўриқдан ўтаётган шахсларни, ишга жойлашиш вақтида, ҳарбий хизматга чақириш вақтида тиббий кўриклардан ўтиш вақтида ва донорлик қонини топшириш пайтларида улар қонини захмга текшириш вақтида аниқланади. Кеч яширин захм ташхисининг қўйилишида қуйидаги маълумотларга асосланади: а) касаллик тарихининг ўзига хос хусусиятлари. Бундай bemорлар захмга қачон чалинганиклиарини билмайдилар, ҳатто касаллик муддатини тахмин қила олмасликлари мумкин. Шу сабабли бундай bemорлар захмга дучор бўлмаганликларини исботлашга ҳаракат қиласидилар. Дарҳақиқат, мазкур bemорларда захм белгилари кузатилмайди. Камдан-кам ҳолларда bemор захм дардига 3-4 йил аввал мубтало бўлганлигини, аммо бу тахминий фикр эканлигини билдиради. Чунки ўша пайтларда терида кузатилган яра-чақалар ёки доғлар ҳақиқатан ҳам захмга тегишли бўлганлигини исботлаш жуда мушкул бўлади; б) кеч яширин захмда Вассерман жараёнини қўйиш ўюли билан аниқланадиган реагинлар миқдори (Боас бўйича) кам бўлади (1:5, 1:10, 1:20 гача тенг). Бу далил қондаги спирохеталар миқдорининг камлигидан далолат беради. ИЁЖ ва ТҲЧЖ натижалари барча bemорларда ўта мусбат бўлади; в) трепонемалар реакцияси кузатилмайди. Бу ҳол қондаги трепонемалар

миқдорининг жуда камлигидан, яъни ҳақиқатан ҳам кеч яширин захм жараёни кечаётганлигидан гувоҳлик беради; г) орқа мия суюқлигига маълум ўзгаришлар кузатилади, жумладан, кеч захм менингити белгилари намоён бўлади.

Кеч яширин захм диагнозини қўйиш мураккаб ва масъулиятли вазифа бўлиб, ТҲЧЖ ва ИЁЖ ларнинг мусбат натижаларини иnobатга олмасдан туриб бундай ташхисни қўйиш хато ҳисобланади. Кеч яширин захм ташхиси тахмин қилинган bemорлар бошқа мутахассислар (терапевт, невропатолог, окулист, оториноларинголог, рентгенолог ва бошқалар) текширувларидан албатта ўтишлари лозим. Мазкур мутахассислар томонидан захмга алоқадор у ёки бу ўзгаришлар борлигини аниқланиши яширин захм диагнозининг ўзгаришига олиб келади. Бундай bemорларда аниқланган захм белгиларининг турига қараб (асаб захми ёки ички аъзолар захми) манифест захми ташхиси қўйилади.

Кеч яширин захм ташхиси bemорларда даволаш жараёнида тасдиқланиши лозим. Гап шундаки, классик серологик жараёнлар даволаш курсларининг охиридагина манфий натижалар беради, баъзан даволаш курсининг тугаганига қарамасдан КСР мусбатлигича қолиши мумкин. Кеч яширин захм, деб ташхис қўйилган bemорларнинг жинсий шерикларида ҳам одатда захмнинг кеч яширин тури аниқланади. Жинсий шерикларнинг маълум қисмида эса захмнинг белгилари умуман топилмайди. Бундай шахслар соғлом ҳисбланиб, уларга огоҳлантирувчи даво чоралари ўtkazilmайдi. Шуни таъкидлаш лозимки, кеч яширин захмiga қарши даво чораларини ўtkaziш аниқланган серомусбат реакцияларни манфийлаштиришга қаратилган эмас. Бундай bemорларни даволашда мутахассислар ички аъзолар захми ва асаб системаси захми ривожланишининг олдини олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар.

Агар на шифокор ва на bemор захм касаллигини кимдан, қачон, қандай шароитларда юққанлигини билмасалар, яъни аниқлай олмасалар, ундей ҳолларда захмга аниқланмаган яширин захм ташхиси қўйилади. Бундай ташхис илгари захмнинг тури аниқланмасдан туриб даволаш бошланган bemорларга ҳам қўйилади. Чунки сифатсиз даво натижасида захм белгилари йўқолади, бироқ организмда спирохеталар қолганлиги туфайли серологик реакциялар мусбат натижалар беради. Бундай ҳолларда спирохеталар қачон,

кимдан ва қандай шароитда юққанлигини аниқлаш имкони бўлмайди. Шу сабабли ҳам аниқланмаган яширин захм бошқача қилиб айтганда кўринмас захм ҳам деб аталади. Аниқланмаган яширин захм ташхиси қўйиш жуда масъулиятли вазифадир. Бундай ташхисни қўйищдан аввал серологик жараёнлар сохта мусбат натижалар бериши мумкинлигини ҳам доим ёдда тутиш лозим. КСР жумладан, Вассерман жараёни натижаларининг захмга алоқадор эмаслигини аниқлаш мақсадида ТХЧЖ (трепонемалар ҳаракатини чеклаш реакцияси) қўлланилади. Агар текширилаётган шахсда КСР билан бир қаторда ТХЧЖ ва ИЁЖ жараёнлари мусбат натижалар берса, у ҳолда мазкур жараёнлар натижаларини захмга алоқадор, деб ҳисоблаш лозим, яъни бундай шахсларга яширин захм ташхиси қўйилади.

Захмда қўлланиладиган серологик жараёнлар

Захм жараёнини аниқлаш мақсадида бир қанча серологик реакциялар қўйилади. Яширин кечаётган ёки кеч ривожланган захм ташхисотида текширилаётган bemor шахслар қон зардобини серологик кўрикдан ўтказишида бу жараёнлар муҳим амалий аҳамият касб этади. Рангсиз трепонемалар мураккаб антиген тузилишга эга эканлиги туфайли bemorлар қонида бир неча хил антитаналар ҳосил бўлади. Ана шу антитаналар захмнинг турли даврларида турлича намоён бўлади. Бу ҳол амалиётда бир вақтнинг ўзида бир неча хил серологик жараёнларни қўйишни тақозо этади.

Вассерман жараёни (ВЖ) бу комплементни боғлаб олиш хусусиятига асосланган жараён бўлиб, унда ёғларга қарши танаачалар (реагинлар) аниқланади. Замонавий иммунология, жумладан, серология фанининг тушунтириши бўйича ВЖ да рангсиз трепонемаларнинг ўзига қарши пайдо бўладиган антитаналар эмас, балки захмга дучор бўлган макроорганизмнинг ёғларига қарши ҳосил бўладиган антитаналар аниқланар экан, яъни бунда ёғлар гаптен (ярим антиген) вазифасини бажаради. Бундан шуни ҳулоса қилиш мумкинки, ВЖ етарли даражада сезувчан жараён эмас экан. Шунинг учун ҳам у бирламчи захмнинг дастлабки кунларида манфий кўрсаткичларда бўлади. Шунингдек, ВЖ кўрсаткичлари учламчи фаол захмда, асаб тизими захмида ва туғма захмда ҳам манфий натижалар бериши мумкин. ВЖ нинг яна бир камчилиги

шундан иборатки, у кам спецификалык хусусиятига эга. Захм касаллигига чалинмаган инсонларда ҳам ВЖ сохта мусбат (носпецифик) күрсаткичларни бериши мумкин. Масалан, мохов, безгак, хавфли ўсма ва бир қатор бошқа касалликларда ҳамда ҳомиладор аёлларда, гиёхвандларда, спиртли ичимликлар истеъмол қилинганидан сўнг ва бошқа ҳолатларда ҳам ВЖ сохта мусбат натижалар кўрсатади. ВЖ нинг сохта мусбат реакциясида реагинлар миқдори кам ($1:5$, $1:20$) бўлиб, уларнинг жавоби мусбат ($3+$), кам мусбат ($2+$) ва шубхали мусбат (+) кўринишларида бўлади.

Ҳақиқий захм жараёни кузатилган bemorларда ВЖ ўта мусбат ($4+$) жавоб беради. Оммавий серологик текширувлар пайтида $0,1$ - $0,15\%$ ҳолларда ВЖ ўзига хос бўлмаган мусбат натижалар беради. ВЖ нинг камчиликларини тузатиш мақсадида, айниқса, унинг сезувчанлигини ошириш учун мазкур жараён турли модификацияларда олиб борилади, масалан жараён совуқ муҳит шароитида (Колмер жараёни), бир пайтнинг ўзида чўкма жараёнлар кўринишида (Кан ва Закс- Витебский жараёнлари) олиб борилади. Чўкма жараёнларнинг иммунологик моҳияти ВЖ дан фарқ қилмайди, Кан ва Закс-Витебский жараёнлари қўйилганда антигенларнинг қуюқ эритмалари тайёрланади. Шу сабабли антигенлар ва реагинларнинг ўзаро жараёнларга киришиши оқибатида кўзга кўринадиган даражада чўкмалар ҳосил бўлади. Чўкмаларнинг ҳосил бўлиш дарajasiga қараб уларнинг жавоби ($4+),(3+),(2+),(1+$) белгилари билан ифода этилади.

Юқорида қайд этилиб ўтилган серологик жараёнлар биргаликда олинганда классик серологик жараёнлар (КСР), деб аталади. Вассерман, Кан ва Закс-Витебский жараёнларининг бир вақтда қўйилиши сохта-мусбат натижаларни олдини олишга ва серологик жараёнлар оқибатида йўл қўйиладиган ташхисий хатоларнинг камайишига олиб келади.

Трепонемалар ҳаракатини чеклаш жараёни ёки РХЧЖ (TRI-Treponema pallidum immunobilization) жараёни текширилаётган bemorлар қон зардобидаги трепонемалар ҳаракатини тўхтатишга (трепонемаларга қарши ҳосил бўлган маҳсус антитаналар ёки иммобилизинлар анаэроб шароитда комплементлар ёрдамида захм қўзғатувчилар ҳаракатини чеклашга) асосланган. Иммобилизинлар таъсирида ҳаракатланиш хусусиятини йўқотган рангиз трепонемалар микроскоп остида саналиб, уларнинг нисбий сони

фоизларда ифода этилади. Агар иммобилизация даражаси 51 дан 100% гача бўлса, жараён мусбат ҳисобланади, 31 дан 50% гача - кам мусбат, 21 дан 30% гача - тахминий мусбат, 0 дан 20% гача – манфий, деб ҳисобланади. РХЧЖ нинг ижобий жавоби бошқа серологик жараёнларнинг жавобларидан кечроқ кузатилади, шунинг учун ҳам РХЧЖ жараёни захм касаллигининг юқумли турларига ташхис қўйишларида кўпинча қўлланилмайди. Бироқ шуни тъкидлаш лозимки, захмнинг иккиламчи даврининг кечишида 85-100% ҳолларда РИБТ жараёнида ижобий натижалар кузатилади. Жумладан, иккиламчи янги захмда - 85%, иккиламчи қайталама захмда - 100%, айниқса, учламчи фаол захм, ички аъзолар захми ва туғма захмларнинг кечишида РИБТ кўрсаткичлари 98-100% ҳолларда мусбат натижалар беради. Бу ҳол КСР манфий натижалар берган bemорларда РИБТ нинг қийматини янада оширади. Захм диагностикасида қўлланиладиган серологик жараёнлар ичida РХЧЖ жараёни юқори жараён бўлиб ҳисобланади. Аммо бу жараён ҳам носпецифик мусбат жавоблар бериши мумкин. Кўпинча текширилаётган қон зардоби таркибидаги трепонемоид тъсир этувчи дори воситалари (пенициллин, тетрациклин, эритромицин) бўлганда носпецифик иммобилизация ҳолати кузатилиши мумкин. Бундай мураккаб ҳолларда қон зардобидаги IgM га мансуб антитаначаларни аниқлаш касалликнинг аник табиатини аниқлашга ёрдам беради. IgM - FTA - ABC деб номланган ана шу текширув усули (тест) текширилаётган организмда захм бор-йўклигини ишончли даражада аниқлаб беради.

Иммунологик ёғдуланиш жараёни ИЁЖ (FTA - test Fluorescent treponemal antibody) текширилаётган bemор қонида ёғдуланиш хусусиятига эга бўлган антитрепонемал қарши таначалар аниқлашга асосланган. Бундай антитаналар люминесцент микроскоп ёрдамида аниқланади. Агар зардоб таркибида антитрепонемал антитаналар бўлса, трепонемалар ёғдуланади, ана шу ёғдуланган спирохеталарнинг микдорига қараб жараённинг жавоби (1+) дан (4+) гача ифодаланади.

Демак, стандарт серологик жараёнлар bemорларга захм деб қўйилган клиник ташхисни тасдиқлаш, захмга қарши ўтказилган даво чоралари натижаларини аниқлаш ва назорат этиш, захмдан тузалганлик тўғрисидаги мезонларни аниқлаш учун қўйилади. Специфик трепонемал серологик жараёнлар (TPI ва FTA ва

бошқалар) эса КСР жавобининг ўзига хослигини аниқлаш мақсадида захмнинг кеч даврлари ташхисотида кузатилиши мумкин бўлган мураккаб ҳолатлар ечимини ечишда, айниқса, захмнинг яширин даврлар ташхисотида, жумладан, аниқланмаган яширин захмда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Оммавий профилактик тиббий текширувлар ўтказилганда серологик жараёнларнинг тез, яъни экспресс усули жуда қўл келади, чунки мазкур усул орқали жараёнлар натижалари қисқа вакт ичида олинса-да жараёнларнинг хусусийлик даражаси стандарт серологик жараёнлар билан текширилиши лозим. Экспресс усулнинг мусбат жавоби КСР нинг мусбат жавоби билан тасдиқлангандан кейингина захмга алоқадор, деб баҳоланади.

ТУҒМА ЗАХМ

Захм касаллиги нафақат bemорлар саломатлигига путур етказади (уларни майиб-мажруҳ бўлиб қолишларига, турли ногиронликларга дучор бўлишларига, ҳаттоқи ўлимларига ҳам сабабчи бўлади), балки уларнинг зурриётини ҳам заҳарлайди, яъни туғма захмнинг вужудга келишига олиб келади. Туғма захм касаллиги захм касаллиги билан хасталангандан bemор ҳомиладор аёллардан туғилган болаларда кузатилади. Касаллик белгилари bemор ҳомиладор аёлдан ҳомилага йўлдош қон айланиши йўли орқали ўтади. Ҳомиладорлик даврининг 3,5-4 ойларида, ҳомила қон айланиши жараёни бошлангандан кейин, касалликни қўзғатувчиси рангсиз трепонемалар киндик веналари орқали эмбол ҳолатида ёки лимфа бўшликлари орқали ҳомилага ўтади. Натижада йўлдошнинг асосан она тарафи захм инфекцияси таъсирига қўпроқ дучор бўлади, бундай ҳолда йўлдош қон томирлари тарафидан эндо-, мезо- ва периартрит каби ўзгаришлар юзага келади, натижада қон томирлар йўли беркилиб қолади (облитерацияланади), уларда қон айланиш жараёнининг бузилиши, кўлмаклик юзага келади ва охир-оқибатда йўлдош азоси паренхимаси катталашади, унинг тузилиши ўзгаради, ғадир-будур кўринишни олади.

Натижада йўлдош ҳажмини катталиги (нормал ҳолатларда ҳомила ҳажмига нисбатан 5:1, 6:1 нисбатларда бўлади) ҳомила ҳажмига нисбатан 3:1 ёки 2:1 нисбатларда бўлади, бундай шароитларда йўлдош ўз ҳаётийлигини йўқотади ва кўчиб тушади, яъни эрта ҳомила тушиши ҳолати кузатилади.

Болаларда кузатиладиган туғма захм белгиларининг ривожланиш даражаси бемор оналарнинг қачон захм касаллигини юқтирганликларига боғлиқ бўлади. Бемор онада кечётган захм жараёнини дастлабки 3 йили ҳомила учун жуда хавфли ҳисобланади, бироқ, касаллик юққандан 5-10 йил ўтгандан кейин туғилган болаларда ҳам туғма захм белгилари кузатилиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда касалликдан 10 ва ундан кўпроқ йиллар ўтгандан сўнг ҳомиладор бўлган бемор аёллардан туғилган болаларда туғма захм белгилари кузатилмайди, аммо уларда бир неча йиллардан сўнг (болалик ва ўсмирлик даври, етуклиқ ёши) касаллик белгилари намоён бўлиши мумкин.

Туғма захмнинг кечиши бемор аёл захмнинг қайси даврида ҳомиладор бўлганлигига боғлиқ, захмнинг бирламчи ва иккиламчи даврларида ҳомиладорликни ўтказган аёлларнинг аксариятидан туғилган болаларда туғма захм белгилари кузатилади. Айниқса, иккиламчи янги захмга дучор бўлган ҳомиладор аёллардан туғилган болаларнинг барчасида туғма захм белгилари намоён бўлади. Захмнинг учламчи даврида ҳомиладор бўлган аёллардан туғилган болаларда туғма захм белгилари кузатилмаслиги мумкин, чунки рангиз трепонемалар сонининг кескин камайиб кетиши, она организмининг қаршилик қўрсатиш қобилияти кучайиши ҳомилани захм инфекцияси ҳужумидан сақлаб колиши мумкин ёки бундай болаларда кеч туғма захм белгилари ривожланади.

Захм касаллиги билан хасталанган бемор ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши турли натижалар билан якун топади. Бундай ҳолатларда бола ташлаш, муддатидан олдин касал бола туғиш, ой-куни тўлган касал бола туғиш ёки соғлом бола туғишлар кузатилади. Ҳомиладорлик даврида ва унгача яхши даволанган аёллардан соғлом болалар туғилади.

Касалликларнинг 1975 йилда қайта кўриб чиқилган ҳалқаро таснифига биноан туғма захмнинг қуидаги клиник турлари тафовут этилади: 1. Эрта туғма захм (гўдаклик даврининг 2 ёшигача кузатиладиган барча кўринишларини ўз ичига олади): а) белгилари намоён бўладиган эрта туғма захм; б) белгисиз кечадиган эрта туғма захм. 2. Кеч туғма захм (2 ёшдан сўнг кузатиладиган туғма захмнинг барча кўринишлари): а) белгили кеч туғма захм; б) яширин кеч туғма захм.

Эрта туғма захм

Эрта туғма захм белгилари асосан гүдак ҳаётининг дастлабки икки ойлари давомида намоён бўлади, натижада бундай гүдаклар кўп яшамайдилар ёки улар ҳаётларининг биринчи соатлари ёки кунларидаёқ нобуд бўладилар. Туғма захм белгилари билан туғилган гүдакларнинг жуссалари жуда кичик, тери соҳалари қуруқ ва бужмайган кўринишларда бўлиб, уларда тери ости ёғ қавати қузатилмайди. Бемор гүдак болалар қўл ва оёқлари озғин, қалта, бурмалар билан қопланган бўлиб, юzlари заъфарон, нигоҳлари қари кишиларни эслатадиган кўринишларда бўлади. Бемор гүдаклар бош мия суюклари ҳажми уларнинг танасига нисбатан анча катта бўлиб, тери остидан кенгайган вена қон томирларининг бўртиб чиққанлиги ҳолати қузатилади. Бош мия сугарни ҳажмининг катта бўлиш ҳолати бу мия бўшлиқларида суюқлик тўпланганлиги сабабли юзага келади. Касаллик туфайли ички аъзолар томонидан юз берадиган ўзгаришлар bemor гүдакларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Эрта туғма захм белгилари bemor болаларда захм чилла яраси, тарқоқ ҳолдаги тугунчали маддаланиш, захм тумови кўринишларида ҳамда тугунчали, розеолали тошмаларнинг тошиши ва соchlарнинг тўкилиши каби белгилар билан кечади.

Захм чилла яраси ёки пуфаклари (*remphigus syphiliticus*) гүдаклар ҳаётининг дастлабки кунлари ва ҳафталаридаёқ пайдо бўлади ва шаклланади, пуфаклар катталиги нўхат, олча, баъзан гилосдек бўлиб, улар таркиби сероз, қон аралаш, айrim ҳолатларда эса йириングли суюқликлар билан тўлган бўлади. Пуфаклар қобиғлари қаттиқ, атрофлари қизил ҳошияли, қийин ёрилувчан бўлади, кейинчалик улар қуриб, қатқалоқларни ҳосил қиласди, айrim ҳолларда пуфаклар қобиғи йиртилиб улар таркибидаги яллиғланиш суюқлиги чиқади. Захм пуфакчалари асосан bemor болаларнинг қўл ёки оёқ кафти юзларида жойлашади ва улар таркибидаги суюқликларда кўп микдорда касаллик қўзғатувчиси бўлган рангсиз трепонемалар топилади. Захм пуфакли яраларини стафилококкли йириングли касалликларда пайдо бўладиган эпидемик пуфакли чилла яралардан фарқлай билиш лозим. Туғма захм пуфакли тошмалари остида қаттиқ маддаланиш ҳолати қузатилади, улар қобиғи мустаҳкам бўлиб осонликча ёрилмайди, пуфаклар бир-бири билан кўшилиб кетишга мойил бўлмайди. Баъзан эса пуфаклар пайдо

бўлгунга қадар яллиғланган кўринишдаги доғли ва тугунчали тошмалар ҳосил бўлади. Эпидемик чилла яра тошмалари эса баданнинг турли тери соҳаларида (орқа, курак, қўл-оёқлар) тарқалган кўринишда бўлади, тошмалар қобиглари юпқа, тез ёрилувчан бўлиб, бир-бири билан қўшилиб кетишга, атрофга тезда тарқалишга мойил бўлади, пуфаклар таркибида эса кўп микдорда стафилакокклар топилади.

Гоҳзингернинг тарқалган тугунчали маддаланиши захм касаллиги билан хасталанган bemor бола ҳаётининг 8-10 ҳафталарида пайдо бўлади. Жараён аввалига қўл ва оёқ кафти юзаларида тарқоқ кўринишдаги яллиғланган доғлар (эрите ма) шаклида бошланади, секин-аста улар инфильтрацияланиб маддалана бошлайди, бундай маддаланган ўчоқлар терининг юз соҳаси, оғиз атрофи, энса соҳаларида вужудга келади. Заарланган соҳаларда маддалаш жараёни кучайиб, терини таранглаштиради, ўчоқлар тўқ қизил ёки кўкимтири қизил тусга кириб, усти ялтирай бошлайди. Айниқса, юз соҳаларида лабларнинг қалинлашиши, шишиши, катталашиб таранглашиши ҳолати кузатилади. Шиш, қаттиқлашиш ҳолати bemor болаларни она сутини эмиш жараёнини қийинлаштиради, улар безовталарадилар, кўп йиғлайдилар натижада оғиз атрофида шуъласимон кўринишда бўлган чукур ёриқлар ҳосил бўлади. Яллиғланиш жараёнининг тугаши натижасида бу ёриқлар ўрнида нурсимон кўринишларда бўлган чандиқлар (Робинсон-Фурнье чандиқлари) ҳосил бўлади. Агар шундай маддаланган ўчоқлар қош, киприк ва бошнинг сочли соҳаларида жойлашган бўлса ундан ҳолатларда қошлар, киприклар ва соchlарнинг тўкилиши кузатилади.

Бемор болаларда тугунчали тошмалар ҳам пайдо бўлиши ҳолати кузатилади, тошмалар асосан қўл, оёқ, думба, юз, катта бурмалар соҳаларида учрайди. Бурмалар соҳасида жойлашган тугунчали тошмаларнинг юзлари ишқаланиш натижасида намланиши-эрозияланиши мумкин. Эрта туғма захм касаллигига розеолали тошмалар жуда кам ҳолатларда кузатилади, улар чегараланган, пушти-жигар рангларда бўлиб, кўринишлари пигментли доғларни эслатади, улар кўпинча юз, тана ва оёқ кафти соҳаларида намоён бўлиши мумкин.

Захм тумови ёки бурун шиллиқ қаватининг ялпи яллиғланиши ҳолати bemor болалар ҳаётининг биринчи соатлари ва кунларида, уларнинг туғруқхонадаги пайтларида ёки намоён бўлади ва жараён З

босқич кўринишида, яъни эритематоз, секретор ва яралар пайдо бўлиши босқичи кўринишларида кечади. Захм тумовининг бирламчи босқичи-эрitemатоз босқичида бурун шиллик қаватининг бироз қалинлашиши (гипертрофияси) – шишиши ҳолати кузатилади ва бундай ҳолат bemор болалар умумий ахволига таъсир этмайди. Иккинчи секретор босқич – бурун шиллик қаватининг кўринарли даражада шишиши ва кўп миқдорда йирингли ажратмаларнинг оқиши ҳолати билан кузатилади. Натижада bemор гўдак болаларда бурун билан нафас олиш жараёни қийинлашади, улар оғиз билан нафас олишга мажбур бўладилар, тез-тез безовталанадилар, йифлай бошлайдилар, бундай ҳолат кейинчалик bemор болаларнинг кўкракни эма олмай қолишлирга, озиб кетишлирга олиб келади. Захм тумовининг учинчи босқичи яралар пайдо бўлиши босқичида бурун тоғай ва суяқ қисми томонидан деструктив ўзгаришлар кузатилади, натижада буруннинг чўкиши ҳолати кузатилади, у эгар ёки эчки бурни кўринишини олади. Бурун шиллик қаватидан оқиб чиқаётган ажратмалар таркибида кўплаб миқдорда захм касаллигининг қўзғатувчиси – рангсиз трепонемалар топилади.

Эрта туғма захмнинг кечишида 80% ҳолатларда суякларда ўзгаришлар кузатилади, улар захм остеохондрити, периостити ва остеопериостити каби кўринишларда намоён бўлади. Эрта туғма захмда найсимон суякларда кузатиладиган ўзгаришлар захм остеохондритлари учун хос бўлиб, уларга қўйиладиган ташхис асосан рентгенологик текширувлар асосида қўйилада. Захм касаллиги туфайли вужудга келадиган найсимон суяклардаги ўзгаришлар асосан уларнинг метафизар қисмida оҳакланиш жараённинг бузилиши натижасида (уларнинг кенглиги 2-3 мм гача етади) вужудга келади, бундай ҳолатлатларда bemорларга I ва II даражадаги остеохондрит ташхиси қўйилади. Кейинчалик жараённинг авж олиши ва ривожи метафизар соҳада оҳакланиш жараённинг бутунлай йўқолишига (уларнинг кенглиги 4-5 мм гача етади), суяқ тузулмасини грануляцион тўқима билан алмашишига олиб келади, натижада ички метафизар синишларнинг вужудга келишига сабабчи бўлади, бундай ҳолат Парронинг ёлғон шоллиги белгиси, деб аталади. Парронинг ёлғон шоллиги белгиси бор bemор болалар қўлларини баданларига, оёқларини эса тоз-сон ва тизза соҳаларини буклаган ҳолда қимирламай қоладилар, сабаби уларнинг харакат қилиши метафизар соҳаларда қаттиқ оғриқларнинг юзага

келишига олиб келади. Шуни такидлаш лозимки, ёлғон шоллик ҳолати кузатиладиган ҳолатларда асаб тизими ўтказувчанлиги сақланиб қолади, шоллик белгиси эса метафизар соҳада вужудга келадиган оғриқ ҳисобига юзага келади. Захм остеохондрити нафақат найсимон сүяклар томонидан, балки бошқа сүякларда, жумладан, қовурға, курак, чанок ва бош сүякларда ҳам кузатилади. Натижада думбасимон калла, олимпия пешонаси, фалангит ва дактилит каби ўзгаришлар кузатилади.

Туғма захмнинг кечишида сезги аъзолари ичида қўпинча кўз захм касаллиги таъсирига учрайди, натижада беморлар кўзининг шохли ва қонли пардаларини яллиғланиши ҳолати, яъни хореоретинитлар кузатилади. Беморлар кўз тубида сарғиш рангли нуктасимон доғланишлар кузатилади, улар “туз ва мурч” аралашмаси кўринишида намоён бўлиб, кўриш қобилиятига таъсир ўтказмайди.

Туғма захм жараёнининг кечиши ички аъзоларда (жигар, қора талоқ, ўпка, буйрак) тарқоқ кўринишларда бўлган склеротик ўзгаришларга олиб келади. Бемор болалар туғилишлари билан узоқ яшамайдилар, уларда кузатиладиган интерстициал зотилжам касаллиги ўлим ҳолатига олиб келади. Асаб тизими тарафидан менингит, менингоэнцефалит, бош мия сувланиши каби ўзгаришлар кузатилади, гатижада bemor болаларда турли кўринишларда бўлган шолликлар, тутқоноклар, тортилишлар, безовталаниш ва қусиш аломатлари кузатилади.

Кеч туғма захм

Кеч туғма захм белгилари асосан 2-15 ёшларда бўлган bemor болаларда учрайди. Касалликнинг кечиши худди орттирилган учламчи захм клиник белгиларига ўхшаш кўринишда кечади, яъни bemor болалар тери ва шиллиқ қаватларида кеч туғма захм белгилари худди орттирилган учламчи захам белгилари сингари дўмбоқчали ва гуммали тошмалар тарзида кечади. Сүякларда гуммали периостит, остеопериостит ва остеомиелит кўринишидаги жараёнлар кузатилади. Ички аъзолар томонидан ҳам турли кўринишларда бўлган ўзгаришлар, жумладан, жигар ва талоқ аъзоларининг катталашиши, эндокардит ва аорта қон томири аневризмаси, бош миянинг заарланиши (менингит, менингоневрит, менингомиелит), орқа мия куриши ва ривожланган фалажлик

ҳолатлари кузатилиши мумкин. Бироқ кеч туғма захмга хос шундай белгилар борки, улар орттирилган учламчи захм касаллигининг кечишида умуман бўлмайди. Кеч туғма захмнинг бундай белгилари 3 та гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ белгилари ишончли белгилар бўлиб, уларни кузатилиши касаллик учун хос белги, деб баҳоланади. Иккинчи гуруҳ белгилар бу шубҳали ёки бекарор белгилар, деб аталади, уларни туғма захм касаллигига хос белги эканлиги серологик, ликворологик теширувлар асосида тасдиқланганда гина касаллик учун хос белги, деб баҳоланади. Учинчи гуруҳ белгилар дистрофик ўзгаришлар (стигмалар) бўлиб, улар турли касалликлар белгилари сифатида ҳам учрайди, шунинг учун ҳам уларнинг бир нечтасини бир вақтда биргаликда учраши ҳолати кузатилганда ҳамда захмга ўтказилган текширувлар натижаларининг мусбатлиги асосланган ҳолда захмга хос белги, деб ҳисобланади.

Кеч туғма захм учун хос бўлган ишончли белгилар Гетчинсон училиги сифатида намоён бўлиб, паренхиматоз кератит, захм карлиги ва Гетчинсон тишлари кўринишида кечади. Паренхиматоз кератит (кўз мугуз қаватининг заарланиши) кўз мугуз қаватининг хирадлашиши, ёруғликка қарай олмаслик, кўз ёшининг оқиши ва кўриш қобилиятининг пасайиши ҳолатлари кўринишларида кечади. Кўпинча паренхиматоз кератит бир тараф қўзда бошланади, кейинчалик эса иккинчи кўзга ўтади, вақт ўтиши билан беморларда кўриш қобилиятининг пасайиши, ҳатто кўр бўлиб қолиш ҳолати кузатилади. Кўз мугуз қаватининг заарланиши ирит, иридоциклит хориоретинит кўринишлардаги ўзгаришлар билан биргаликда кечиши мумкин. Гетчинсон тишлари бу юқориги ўрта кесув тишлари гипоплазияси ҳолатида намоён бўлади. Тишларнинг эркин кесув қирраси яримойсимон шаклда бўлиб, ўроқ кўринишини эслатади. Тишларнинг танаси, яъни милкка кириб турадиган қисми кенгайган ва қалинлашган бўлиб, сандон шаклида бўлади. Захм карлиги (лабиринтит) эшитув чиғаноғининг инфильтралланган кўринищдаги яллиғланиши ва эшитув асаб толасининг дегенерацияси натижасида вужудга келади. Бундай пайтларда беморларда қулоқларда шангиллаш, бош айланиши, эшитув қобилияти пасайиб бориши ва охир-оқибатда эса кар бўлиб қолиш ҳолатлари кузатилади. Одатда карлик ҳолати тўсатдан бошланади, агарда 4 ёшгача бўлган бемор болаларда карлик ҳолати ривожланган бўлса у ҳолда нафақат карлик, балки кар ва соқовлик ҳолати вужудга

келади. Юқорида қайд этилган кеч туғма захмнинг ишончли белгиларининг барчаси касалликнинг кечиши даврида бир вақтнинг ўзида учрамайди, күпинча Гетчинсон учлигининг фақат битта белгиси, баъзан эса иккита белгиси кузатилади.

Кеч туғма захм касаллигининг бекарор (шартсиз бўлган) белгилари қиличсимон болдир, Робинсон-Фурньенинг шўъласимон чандиқлари, думбасимон калла, эгарсимон бурун, куртаксимон тишлар тарзида намоён бўлади. Бироқ бу белгилар кеч туғма захм ташхисини тасдиқлай олмаса ҳам, лекин унинг қўйилишига тахмин қилишга асос бўлади. Бекарор белгилардан қиличсимон болдир белгиси эрта захмда кузатиладиган остеохондрит оқибати бўлиб, унинг кўриниши қилич кўринишида олд томонга қараб эгилган бўлади, унинг кечишида кечқурунлари оғриқлар кузатилади. Кеч туғма захмга хос бўлган асосий клиник белгилар бўлиб, Австидийский белгиси, «олимпия» пешонаси, калта жимжилок, қаттиқ танглайнинг баланд жойлашиши, ханжарсимон ўсимтанинг бўлмаслиги, Карабелли дўмбоқчалари, ғилайлик ва бошқа белгилар ҳисобланади.

Кеч туғма захмга ташхис қўйишда маҳсус серологик жараёнларнинг мусбат кўринишдаги жавоблари муҳим рол ўйнайди, айниқса, бу борада анамнестик маълумотлар олиш қийин бўлган ҳолларда ТҲЧЖ ва ИЁЖ ларнинг жавоблари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Кеч туғма захмнинг кечишида КСЖ лари 70-92% ҳолларда ва маҳсус серологик жараёнлар деярли барча ҳолларда мусбат натижалар беради. Шундай қилиб, кеч туғма захм ташхисини қўйиш жуда масъулиятли вазифа бўлиб, трепонемалар ҳаракатини чеклаш ва иммунологик ёғдуланиш жараёнларининг қўйилиши ва улар натижаларининг мусбат кўринишларда бўлиши касалликка ташхис қўйилиши ҳолатини енгиллаштиради.

Туғма захмга қарши курашиш умуман захм касаллигига қарши курашиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳомиладор аёллар орасида захм касаллигининг ўз вақтида аниқланиши ва даво чораларининг ўтказилиши, туғма захмнинг вужудга келиши ҳолатини олдини олишнинг асосий йўли бўлиб ҳисобланади. Даволаш муассасалирига, аёллар маслаҳатхоналарига мурожаат этадиган, умумий қўриклиардан ўтадиган аёлларда захм касаллигининг яширин ва аниқланмаган турларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, аҳолининг захм касаллигини юқтириш хавфи юқори

бўлган табақаларини (официантлар, хайдовчилар, меҳмонхона ходимлари) мунтазам равишида клиник ҳамда серологик текширувлардан ўтказилиб турилиши ҳолати ҳам захмга учраган беморларнинг фаол равишида аниқланишига имконият яратади. Болалар муассасалари (ясли, боғча ва болалар уйлари) ишчи-ходимларини, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, пишириш, сотиш билан шуғулланадиган ходимларни (ошпазлар, озиқ-овқат дўколари сотувчилари, кандолатчилик ширкатлари ишчилари) режа асосида клиник ва серологик текширувлардан мунтазам равишида ўтказилиб турилиши ҳам захмга йўлиқкан беморларнинг ўз вақтида аниқланишига олиб келади.

Туғма захмнинг олдини олишда аёллар маслаҳатхоналарининг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, соғлиқни саклаш вазирлигининг буйруғига биноан аёллар маслаҳатхонасига мурожаат этувчи барча ҳомиладор аёллар, ҳомиладорлик даврида камида икки марта (ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи яримларида) захмга текширилишлари лозим, жумладан, улардан Вассерман жараёнига қон олиниши лозим. Жинсий аъзоларнинг сурункали яллиғланиши билан кечадиган касалликлар бўйича даволанаётган бемор аёллар ҳамда ҳомиладорликни сунъий равишида тўхтатиш мақсадида (аборт) врача мурожаат этган аёлларнинг қони ҳам захмга текширилиши лозим. Бундан ташқари захм ташхиси билан даволанаётган ҳамда клиник ва серологик кузатувларда турадиган аёлларнинг барчаси ҳақидаги маълумотлар тегишли аёллар маслаҳатхоналарига берилиши керак. Бу тадбир улар ҳомиладор бўлган тақдирда тегишли текширувлар ўтказилишига ва профилактик даво чораларини олиб боришга имкон беради. Захм касаллиги аниқланган ҳомиладор аёллар тиббий ҳужжатлари улар яшаб турган жойилари бўйича туғруқхонага юборилиши керак.

Захмга текширилаётган ҳомиладор аёлларда Вассерман жараёни ва бошка классик серологик жараёнларнинг мусбат кўрсаткичларда бўлиши ҳолати уларда захм касаллиги бор, деган хulosани чиқариш учун кифоя қилмайди. Бундай ҳолларда Вассерман жараёнига сохта мусбат жавоб олиш эҳтимоли борлигини ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари ҳомиладор аёл тукқандан кейин 10-15 кун ичида ҳам Вассерман жараёни сохта мусбат жавоб бериши мумкинлигини инобатга олиш лозим, шунинг учун бундай аёлларда тукқанларидан сўнг 2-3 ҳафта ўтгач тақроран серологик текширувлар ўтказилиши

лозим. Мана шу даврлардан кейин ўтказилган серологик жараёнларнинг мусбат натижалари уларни захм касаллигига хос эканлигини кўрсатади. Қолаверса, КСЖ ларнинг хослик даражаси ТХЧЖ ёрдамида аниқланиши лозим. Кўлланмага биноан КСЖ нинг мусбат жавоби билан бирга ТХЧЖ ва ИЁЖ ларнинг мусбат натижалари ҳомиладор аёлларга захм ташхиси қўйишга асос бўлади.

Захмга дучор бўлган аёллардан туғилган барча болалар ҳам синчковлик билан клиник ва серологик текширувлардан ўтказилиши лозим. Тери ва шиллиқ қаватларида ҳамда ички аъзолар томонидан захм белгилари топилмаганлиги, рентгенологик текширувларда ўзгаришлар аниқланмаганлиги, серологик жараёнлар натижаларининг манфийлиги янги туғилган гўдаклар уларни соғломлигидан гувоҳлик беради.

Соғлом туғилган болаларда профилактик даво курсларини ўтказиш туғма захмнинг кеч белгилари пайдо бўлиш хавфининг олдини олади. Юқорида санаб ўтилган ҳамма профилактик даво чоралари туғма захм ривожланишини олдини олади.

Захм касаллигини даволаш

Захм билан хасталangan беморларда ўтказиладиган даво чоралари касалликни қўзгатувчиси рангиз трепонемаларни нобуд қилишга қаратилган. Шунинг учун ҳам бундай даво усувларини амалга ошириш учун қўлланиладиган дори воситалари маҳсус дори воситалари, деб аталади. Захмга учраган беморлар организмининг қаршилик кўрсатиш қобилиятини ошириш ва серологик жараёнлар жавобининг манфий бўлишини тезлаштириш мақсадида ўзига хос бўлмаган даво усувлари ҳам қўлланилади. Демак, захмга қарши маҳсус даво усувларининг ўтказилиши билан бир вақтда ўзига хос бўлмаган даво усувлари ўтказилиши юқори самарали натижалар олиш имконини беради. Огоҳлантирувчи (превентив) даво усули захмга йўлиққан беморлар билан жинсий ёки яқин майший алоқаларда бўлган шахсларда ўтказилади (бунда асосан антибиотик дори воситалари қўлланилади). Касалликни олдини оладиган ёки профилактик даво усувлари эса захм билан хасталangan бемор аёллардан туғилган болаларда ёки захм касаллиги билан хасталangan ҳомиладор аёллар учун ўтказилади (асосан пенициллин дори воситаси билан). Захм касаллигининг кеч даврларида кузатиладиган

диагностик ноаниқликларда асосан синов даво усули қўлланилади. Захм касаллигини махсус даволашда антибиотик, висмут ва йод дори воситаларидан фойдаланилади.

Захм касаллигини махсус даволашда антибиотик дори воситаларидан пенициллин, бициллин-1, бициллин-3, бициллин-5 лар, экмоновоциллин, эритромицин, тетрациклин, олетеңринлар кенг миқёсда қўлланилади. Агарда антибиотик пенициллин дори воситасининг ҳар бир мл бемор қонидаги миқдори 0,03 дан юқори бўлса, бу миқдор захмни даволашга қодир, деб ҳисобланади, яъни трепонемоцид таъсир этиш қобилиятига эга бўлади. Пенициллин дори воситаси таъсир этиш муддати узайтирилган бошқа дори воситалариға нисбатан беморлар томонидан яхши қабул қилинади, у камдан-кам ҳолларда асоратлар қолдиради. Шунга қарамасдан беморларнинг касаллик тарихида пенициллинга нисбатан кўнгилсиз воқеалар бўлган-бўлмаганлигини аниқлаб, белгилаб қўйиш лозим. Пенициллин дори воситасини дастлабки юборишдан 30 дақиқа аввал ҳар эҳтимолга қарши гистаминга қарши дориларидан бирортасини (димедрол, диазолин, супрастин) ичиш учун бериш лозим. Бундай ҳолат таъсир муддати узайтирилган антибиотикларни (бициллин-1, бициллин-3, бициллин-5, экмоновоциллин) юборишдан аввал ҳар сафар қўлланилиши лозим.

Захм касаллигини даволашда пенициллин дори воситасининг сувда эрийдиган турлари бўлган бензилпенициллиннинг натрийли ва калийли тузлари қўлланилади. Бу дори воситалари беморларга ҳар 3 соатда мушак орасига юборилади, чунки дорининг шифобахш миқдорини бир меъёрда сақлаб туриш лозим, акс ҳолда дори воситасининг қондаги миқдори камайиб кетиб, уни трепонемаларни ўлдириш қобилияти сусаяди, оқибатда даволаш жараёни муваффақиятсиз чиқади. Пенициллин дори воситасини узоқ вақт давом этадиган аналоглари беморларга икки босқичли усуллар ёрдамида юборилади. Бициллин-3 (бензилпенициллиннинг натрийли ёки калийли тузи), шунингдек, новокаин ва дibenзилэтилендиамин тузларидан иборат аралашмаси бўлиб, дори воситаси мушак орасига икки босқичли усул орқали ҳар 4 кунда бир марта юборилади. Икки босқичли усулнинг моҳияти шундан иборатки, юборилаётган дори воситасини қон томирлари ичига тушиб қолмаслиги учун дастлаб игнанинг ўзи санчилади (1-bosқич), игнадан қон чиқмаётганлигига ишонч ҳосил қилингандан кейин, унга шприц кийгизилади ва шун-

дан сўнг эса дори воситаси аста-секин, эҳтиётлик билан юборилади (2-босқич). Бициллин-1 (бензилпенициллиннинг дигензилэтапдиамин тузи) ва бициллин-5 (бензилпенициллиннинг 80% ли дигензилэтапдиамин тузи) ва 20 %ли новокаин тузлари аралашмаси бўлиб, мазкур дори воситалари мушак орасига ҳар 5 кунда 1 марта икки босқичли усул билан юборилади. Пенициллин ва уларнинг анаалогларини қўллаш оқибатида рўй берадиган ҳар хил асоратлар кузатилганда эритромицин антибиотиги ишлатилади. Эритромициннинг захм касаллигига нисбатан шифобахш таъсир кучи пенициллиннига нисбатан паст ҳисобланади, шунинг учун ҳам бу дори воситаси якка ҳолда захмни даволашда қўлланилмайди. Дори воситаси ҳар 6 соатда (кунига 4 марта) 0,5 г дан овқатдан кейин беморларга ичиш учун тавсия этилади. Пенициллин ва эритромицин дори воситаларига нисбатан сезувчанлик ошган пайтларда беморларга олаететрин, тетрациклин дори воситалари тавсия этилади ва бу антибиотиклар беморларга 0,5 г дан кунига 4 маҳалдан берилади.

Захм билан хасталанган беморларни даволаш жараёнида антибиотикларнинг дастлаб юборилиши вақтида уларда тана ҳароратининг кўтарилиш жараёни (Геркесгеймер жараёни), кўнгил айнаши, бош оғриғи, тана ва суюкларда оғриқлар, умумий ҳолсизлик каби белгилар кузатилади, бундай ҳолат 6-8 соат давом этиб, кейин ўз-ўзидан ўтиб кетади. Бундай ҳолат беморларни антибиотик дори воситалари билан даволашни давом эттиришга тўскىнлик қилмайди. Пенициллин, айниқса, таъсир муддати узайтирилган пенициллин препаратлари билан даволашда аллергияга алоқадор турли-туман асоратлар кузатилиши мумкин. Бундай ҳолларда пенициллин билан даволаш тўхтатилиб, дарҳол гистаминга қарши дори моддалари ва кальций препаратларини қўллаш лозим. Агарда захм касаллиги билан хасталанган беморларда бир вақтнинг ўзида аллергик касалликлар (бронхиал астма, эшакем), ички секреция безларининг касалликлари, ўткир ошқозон-ичак касалликлари, ривожланган сил жараёни, қон касалликлари, юрак-томирлар системасининг оғир турлари қайд этилса ундей ҳолатларда беморларга антибиотик дори воситалари тавсия этилмайди.

Захм касаллигини махсус даволашда висмут дори воситалари қўллаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу дори воситаларининг вакиллари сифатида бийохинол, бисмоверол, пентабисмоллар

қўлланилади. Бийохинол дори воситаси шафтоли мойида эритилган висмут, йод ва хинин аралашмаси бўлиб, таркибида 25% висмут, 56% йод ва 19% хинин моддаси бўлади. Дори воситаси мушак орасига, думбанинг юқори ташқи чорак қисмига узун игна ёрдамида икки босқичли усул ёрдамида юборилади, дори воситасини мушак орасига юборишдан аввал у иссиқ сувда иситилиб, яхшилаб чайқатилади. Висмут препарати ҳар куни 1 мл ҳисобида, кунора 2 мл дан ёки ҳафтасига 2 марта 3 мл дан юборилади, даво курсининг миқдори 40-50 мл ни ташкил этади. Шуни таъкидлаш лозимки, agarда ҳар 1 мл бийохинол дори воситасининг таркибида 0,02 г соф висмут бўлса, у ҳолда даво курси давомида bemorlar 1 г гача соф висмут қабул қиласидилар. Бисмоверол дори воситаси бу моновисмутин кислотанинг висмутли тузини шафтоли мойидаги аралашмаси бўлиб, 1 мл аралашмасида 0,05 г соф висмут бўлади. Дори воситаси ҳафтасига 1 марта 1,5 мл дан мушак орасига юборилади, даво курси давомида bemorlar 10-20 мл препарат юборилади. Пентабисмол дори воситаси таркибида 47,9% соф висмут бўлган сувда эрийдиган аралашма бўлиб, унинг ҳар 1 мл эритмаси таркибида 0,01 г соф висмут бўлади. Дори воситаси bemorlar 2 мл дан мушак орасига юборилади, даво курсининг миқдори 40-50 мл ни ташкил этади.

Агарда захм касаллиги билан хасталанган bemorларда оғиз шиллик қаватлари, буйрак жигар, сил, қанд касалликлари кузатиладиган бўлса, ундан ҳолларда висмут дори воситалари қўлланилмайди ва бундай ҳолатлар даволашга монелик қиласидиган ҳолатлар, деб ҳисобланади. Висмут дори воситаларининг қўлланилиши сабабли милкларда, айниқса, унинг чеккаларида висмут метали тузлари ийғилиши, натижасида ушбу соҳаларда кўкимтири кулранг ҳошиялар (висмут ҳошиялари) ҳосил бўлади. Милк соҳаларининг висмут натижасида заарланиши висмут гингвитлари, деб аталади. Оғиз бўшлиғи томонидан висмут препаратлари таъсирида висмутли стоматитлар ҳам учраши ҳолати қайд этилади. Висмут дори воситаларининг қўлланилиши натижасида bemorларда буйракларнинг заарланиши ҳолати, яъни нефропатия ҳолатлари ҳам кузатилади. Бундай ҳолатларда сийдик таркибида оқсиллар пайдо бўлиши ва альбуминурия ҳолати, баъзан эса цилиндрюрия ҳолати ҳам кузатилади. Сийдик таркибида висмут ҳужайраларининг нефропатиянинг захмга алоқадор эканлигини исботловчи далил

бўлиб топилиши (донадор цитоплазмали эпителий ҳужайралари) ҳисобланади.

Захмни даволашда йод дори воситаларидан (натрий йод, калий йод ва кальций йод) ҳам кенг қўлланилади. Йод препаратлари асосан учламчи захм даврида, ички аъзолар, асаб тизими захми ва кеч туғма захмларда қўлланилади. Йод дори воситалари серологик жараёнларнинг натижаларини тез манфийлаштришга, дўмбоқчали ва тугуныли тошмаларни, шунингдек, катта ҳажмдаги бошқа яллифланган маддали ўчоқларни сўрилишининг тезлашишига, тунги суюкларда кузатиладиган тунги оғриқларни пасайтиришга сабабчи бўлади. Бундан ташқари висмут дори воситалари билан даволанаётган bemорларда висмут тузларини организмдан тез чиқариб юбориш (элиминация дейилади) мақсадида ҳам йод препаратлари (даволаш курслари ўртасида, яъни танаффус пайтларида) қўлланилади. Йод дори воситаларининг намояндадари бўлмиш калий йод ва натрий йодларнинг 3-4-5%ли эритмалари bemорларга 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал овқатдан кейин сут билан ичишга тавсия этилади. Калций йод препарати эса 1-2 донадан кунига 3 маҳал овқатдан сўнг 1-1,5 ой мобайнида тавсия этилади. Шундай қилиб, захм билан хасталанган bemорларга ҳар даво курси давомида 60-80 г соф йод моддаси берилади. Агарда захм касаллиги билан хасталанган bemорларда йод моддаларига сезувчанлик ҳолатининг ошиши ва аллергия ҳолатлари кузатилса, уларда ривожланган ўпка сили, буйрак касалликлари (нефрит ва нефrozлар), қайта тикланмайдиган юрак-томирлар тизими касалликлари, қон яратадиган аъзолар касалликлари кузатилса ундей ҳолатларда йод дори воситалари bemорларга тавсия этилмайди ва бундай ҳолатлар йод препаратларини қўллашга монелик килувчи ҳолатлар, деб баҳоланади. Йод препаратлари қўлланилиши натижасида конъюнктивит, ринит, бронхит, ошқозон-ичак йўлларининг касалликлари, йод хуснбузари, йододерма каби асоратлар кузатилиши мумкин. Юқорида санаб ўтилган ҳолатларда йод билан даволашни вақтинча тўхтатиш лозим.

Захмга учраган bemорларни даволашда куйидаги даво усуллари қўлланилади. Бирламчи серонегатив, бирламчи серопозитив, иккиласми янги захм ва огоҳлантирувчи даво чоралари ўтказилаётганда, пенициллин дори воситаси 400 000 дан ҳар 3 соатда мушак орасига 14 кун мобайнида юборилади, жами даво

курси 44,8 млн ни ташкил этади. Иккиламчи қайталанган ва эрта яширин захм билан касалланган bemорларга эса пенициллин 400 000 дан суткасига 8 марта мушак орасига 28 кун давомида юборилади, жами даво курси 89,6 млн. ни ташкил этади.

Кеч яширин захмда (орттирилган ва туғма захмда) дастлаб бийохинол (2 мл дан кунора, 12-14 мл га етгунча) мушак орасига юборилади. Сўнгра пенициллин (200 000 дан ҳар 3 соатда мушак орасига юборилади, жами даво курси 40 млн.ни ташкил этади) билан даволанади. Даво охирида бийохинол препаратининг микдори 40-50 мл га етказилади. Орадан 1,5-2 ой ўтгач пенициллин-висмут даво курси такрорланади. Бундай bemорларни даволаш тугади, деб ҳисоблаш учун висмут препаратлари билан яна икки даво курси ўтказилиши лозим. Ҳар гал висмут дорисининг тури ўзгартирилиб (гоҳ бисмоверол, гоҳ пентобисмол) турилиши ва даво курслари ўртасида 1,5-2 ой давомида танаффус қилиниши керак. Учламчи захм билан оғриган bemорларни даволаш кеч яширин захмда бўлганидек олиб борилади. Бунда дастлаб юбориладиган бийохинол дори воситаси микдори 20 мл гача етказилиши лозим.

Эрта туғма захмга (белгили ва яширин) чалинган bemор болалар фақатгина пенициллин билан 30 кун давомида узлуксиз даволанадилар. Пенициллин дори воситаси 0-6 ойгача бўлган, захм билан хасталанган bemор болаларга ҳар 1 кг тана оғирлигига 100000 дан ҳисобланган ҳолда, ҳар 4 соат давомида мушак орасига 50000-100000 дан юборилади. 6 ойдан 1 ёшгача бўлган bemор болаларга ҳар 1 кг тана оғирлигига 75000 дан ҳар 4 соат давомида мушак орасига 100000-150000 дан юборилади. 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган bemор болаларга эса ҳар 1 кг тана оғирлигига 50000 дан ҳар 4 соат давомида мушак орасига 100000-200000 дан юборилади. Масалан, тана оғирлиги 6 кг бўлган 4 ойлик гўдакни даволаш учун пенициллин эритмаси суткасига 600 000 дан (100 000 дан ҳар 4 соатда) 30 кун давомида (жами 18 млн.) юборилиши керак. Пенициллин билан касалликни олдини оладиган даво (профилактик) 2 ҳафта давомида ўтказилади, бу вақтда препаратнинг кундалик микдори 1 кг тана оғирлигига 100 000 ни ташкил этади. Масалан, оғирлиги 5 кг бўлган бир ойлик чақалоққа кунига 500 000 дан, жами 7 млн. микдорида пенициллин юборилади. Огоҳлантирувчи (превентив) даво кўпинча 3 ёшгача бўлган болаларда ўтказилиб, пенициллиннинг даво микдори гўдакнинг ёшига қараб, 1 ёшгача

бўлган болаларга 1 кг тана вазнига нисбатан 500 000 дан, 1-5 ёшгача 400 000 ТБ, 6-10 ёшга – 300 000, 11–15 ёшга – 200 000, 15 ёшдан катта ўсмирларга 100 000 ни ташкил этади.

Захм касаллигига учраган беморларни даволашда маҳсус даво усуллари билан бир қаторда ўзига хос бўлмаган даво усуллари ҳам қўлланилади. Асосан бундай усуллар ёрдамида захмни даволаш унинг кеч даврларида (иккиламчи қайталама, эрта яширин захм, кеч яширин захм, учламчи захм, ички аъзолар ва асад системасининг захми) яхши самара беради. Захм касаллигини ўзига хос даволашда усуллар билан бўлмаган пироген (пирогенал, продигиозан), биоген стимулятор (алоэ, ФиБС, шишасимон тана, спленин), витамин (тиамин, пиридоксин, витамин С, витамин В12), иммун дорилари (декарис, натрий нуклеинат, метилурацил), давога мослашишни жадаллаштирувчи (адаптоген) дори воситалари (пантокрин, элеутерококк) кенг қўлланилади. Захмни серорезистент ҳолатида кечишида, серологик қайталаниш ҳоллатларида, орқа мия суюқлигига чуқур ўзгаришлар кузатилганда ўзига хос бўлмаган даво чораларини кенг кўламда қўллаш кутилган натижалар беради. Ҳозирги пайтда захм касаллиги муваффақиятли даволаниб келинмоқда, натижада унинг оғир турлари (кўриш нервининг атрофияси, орқа мия сухтаси, ривожланган фалажлик) кам ҳолатларда кузатилмоқда. Туғма захм касаллигининг учраш ҳолатлари ҳам камайиб бормоқда, касалликнинг эрта даврларида ўтказилган даво чоралари натижасида касалликнинг бутунлай тузалиб кетиши кузатилмоқда.

Захмга қарши даволангандан беморларда касаллик белгиларининг йўқолиши, серологик жараёнлар жавобининг манфийлашиши, беморларни захм касаллигидан халос бўлди дегани эмас, чунки захм белгилари маълум муддатдан сўнг яна қайта пайдо бўлиши, серологик жараёнлар натижалари қайта мусбат кўрсаткичлар бериши мумкин. Шунинг учун захм билан хасталанган беморларда даволангандик тўғрисидаги мезонни аниқлаш мухим аҳамият касб этади. Бунинг учун захм касаллиги бўйича даволангандан беморлар узоқ муддат мобайнида диспансер назоратида бўладилар, бундай диспансер кузатувлари 1 йилдан 5 йилгacha бўлган даврни ўз ичига олади. (Бирламчи серонегатив захм билан хасталанган ва даволангандан беморлар 1 йил давомида, бирламчи серопозитив, иккиламчи янги захм билан хасталанган ва даволангандан беморлар 3 йил давомида).

Иккиламчи қайталаңган, яширин ва учламчи захм, шунингдек, захмнинг бошқа кеч турлари билан хасталаңган ва даволанган bemорлар 5 йил давомида диспансер назоратида бўладилар. Захм касаллиги билан хасталаңган bemорларда классик серологик жараёнларнинг барчаси манфий жавоблар кўрсатмагунча, улар ҳар ойда 1 марта клиник ва серологик назоратдан ўтказилиб турадилар. Шундан сўнг, 1- йил давомида ҳар чорақда, диспансер назоратининг 2- ва 3- йилларида эса ҳар олти ойда бир марта клиник-серологик текширувдан ўтказилади. Назоратнинг кейинги йилларида эса bemорлар йилига бир марта клиник ва серологик текширувлардан ўтиб туришлари шарт. Агарда захм касаллиги билан хасталаңган bemорларга ўтказилган даво туфайли, бутун кузатув мобайнида захмнинг бирор белгилари пайдо бўлмаса, маҳсус даво ўтказилгандан сўнг ҳомиладор бўлган аёллардан туғилган болаларда захмнинг ҳам клиник, ҳам серологик белгилари кузатилмаса у ҳолда бундай bemорлар захм инфекциясидан ҳоли бўлган ва соғлом, деб баҳоланади.

Аммо баъзи bemорларда ўтказилаётган даво чораларига қарамасдан классик серологик жараёнлар мусбат жавоб бериши мумкин. Узлуксиз усул билан даволангандан сўнг бир йилдан ортиқ бўлган муддат мобайнида КСР жараёнлари натижаларининг ўта мусбат қолиш ҳоллари серорезистентлик захм, дейилади. Захм билан касалланган bemорларида серорезистентлик ҳоллари кузатилгандан қўшимча даво курслари буорилади. Бундай ҳолларда кўпинча, иккиламчи қайталама захмга учраган bemорларда ўтказиладиган даво чоралари такрорланади. Серорезистент захмда антибиотиклар ва висмут препаратлари йифиндисини ўз ичига олган 3 даво курси ўтказилса ҳам бўлади. Серорезистент захмга қарши танланган даво усусларидан қатъий назар, бу маҳсус давони носпецифик даво усуслари билан қўшиб ўтказилгани маъқул.

Захм хасталиги билан даволанган bemорларда даволангандик тўғрисидаги мезонни аниқлаш лозим. Ўтказилган даво чораларининг сифати (қўлланилган усулнинг тўғрилиги, дори миқдорининг етарли даражада бўлиши, препаратларни алмаштириб туриш тартиби, даво курслари орасидаги муддат ва бошқалар), тери ва шиллик қаватларда захмга алоқадор белгиларнинг йўқлиги, ички аъзо ва системаларда кузатиладиган специфик ўзгаришларнинг ҳозирги ҳолати, рентгенологик текширув натижалари, лаборатория (клиник,

серологик, ликворологик) текширувларининг натижалари ана шундай мезон бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли орттирилган ва туғма захм билан хасталангандан беморлар ҳисобдан чиқарилишларидан аввал, улар синчковлик билан ҳар томонлама текширувдан ўтказилишлари лозим. Бу борада педиатр, терапевт, невропатолог, окулист, кардиолог, отоларинголог, гинеколог каби мутахасисларнинг ҳам текширув натижалари муҳим аҳамият касб этади. Агарда клиник, серологик кузатувлар даврида захмнинг янги белгилари кузатилмаса, ички аъзолар, асаб ва суюк-таянч тизимлари тарафларидан маҳсус ўзгаришлар аниқланмаса, серологик ва ликворологик жараёнлар текширувларида манфий натижалар кузатилса, бундай ҳолатларда захм касаллиги билан хасталангандан беморлар соғлом, деб тан олинади ва ҳисобдан чиқариладилар.

СҮЗАК

Сүзак касаллиги юқумли таносил касаллиги бўлиб, сўзак сўзи юнонча «Gonorhoea» деб аталади, бу ерда gono-уруг, rhoea-эса оқиш маъноларини англатади. Касалликда асосан сийдик-таносил аъзоларининг заарланиши, баъзан эса тўғри ичак, кўз, оғиз шиллиқ қаватларининг ҳам заарланиши ҳолатлари кузатилади. Сузак касаллигини қўзғатувчиси бўлган гонококкларни 1879 йилда немис олими А. Нейссер кашф этган. Сўзак касаллиги таносил касалликлари ичидаги энг кўп учрайдиган касаллик бўлиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича йилига 200-250 млн. аҳоли ушбу хасталик билан касалланар экан.

Сўзак касаллигини қўзғатувчиси гонокок-диплококклар (юнонча diplos- жуфт демакдир) ловия шакли кўринишида жуфт-жуфт бўлиб жойлашадилар, уларнинг ботик томонлари бир-бирига қараб туради, катталиги энига 0,7-0,8 мк, буйига-1,25 мк ҳажмида бўлади. Гонококклар ҳаракатсиз кўринишдаги микроорганизмлар бўлиб, одатда споралар ҳосил қилмайди, улар инсон организмидан ташқаридаги шароитларга чидамсиз бўлади, лекин куримаган қалин йирингли оқмалар таркибида, вакуум ҳосил қилиб музлатилган шароитларда ва нам ички кийимларда, сочиқларда бир суткадан ортиқ вақт давомида ўз ҳаётийлигини сақланиб қолишлари мумкин. Гонококклар 40-45°C дан юқори ҳарорат ва дезинфекцияловчи эритмалар (1:100 нисбатдаги кумуш нитрат эритмаси, йод ва спиртлар) таъсирида тезда нобуд бўладилар. Гонококкларнинг ташқи қобиғи, цитоплазмаси ва мемранаси уч қаватдан иборат бўлиб, цитоплазмасида кўплаб рибосома доначалари, ядро киритмалари жойлашган бўлади. Гонококклар одатда ўзларининг яшаб кўпайишлари учун маълум бир озиқали муҳитларни танлайди, шу сабабли ҳам улар оддий муҳитларда ўсмайди. Уларнинг ўсишлари учун оқсил моддаси албатта бўлиши зарур, масалан, аэроб шароитларида 36-37°C да асцит бульони ва асцит улар учун энг яхши озиқали муҳит бўлиб ҳисобланади. Гонококклар асосан цилиндрсизмон эпителий хужайралари билан қопланган шиллиқ қаватли муҳитларда яшайди ва уларни заарлайди. Шу сабабли

сўзак жараёни сийдик чиқарув йўллари, бачадон бўйни, йўғон ичак пастки қисмлари, қиз болаларда қин, қин олди соҳалари, янги туғилган чақалоқларда эса кўз конъюнктиваси ва мугуз қаватларининг яллиғланишига (гонобленорея) олиб келади.

Касалликнинг асосий юқиши йўли жинсий йўл бўлиб ҳисобланади. Касалликни юқиши йўлларидан яна бири бу яқин турмиш тарзи алоқалари натижасида бўлиб, касаллик bemорлар фойдаланган буюм ва жиҳозлар орқали (чойшаб, сочиқ, ювениш воситалари ва бошқалар) ҳам юқади. Болаларга сўзак касаллиги катталардан улар билан бирга ётганларида, умумий ҳожатхоналардан, ванналардан ва ювениш анжомларидан фойдалангандарида (агар шу жойларда сўзак касаллигининг йирингли оқмалари ва томчилари бўлса) ҳам юқиши мумкин. Болаларга сўзак касаллиги уларнинг туғилиш вақтларида bemor оналаридан туғилиш йўллари орқали юқиши мумкин, бу вақтда сўзак инфекцияси асосан туғиладиган болалар кўз шиллиқ қаватларига тушиб касалликни (гонобленорея) юзага келтириши мумкин. Баъзан гонококкли инфекциянинг бутун организмга тарқалиш ҳолатлари ҳам (гоно-кокли сепсис) кузатилади.

Эркакларда сўзак касаллигининг 3 хил клиник турлари, яъни янги сўзак (ўткир, ўртacha ўткир, торпид), сурункали сўзак ва яширин (латент) сўзаклар тафовут этилади. Агар касал бўлиш муддати 2 ойдан ошмаган бўлса, янги сўзак деб аталади. Янги сўзак кечиши бўйича ўткир, ўртacha ўткир ва торпид хилларига бўлинади. Агарда касалликни шаклланганлигига 2 ойдан ортиқ вақт ўтган бўлса, у ҳолда сурункали сўзак, деб аталади. Бунда сўзак жараёнининг кечиши чукурлашади, жараён ўчоқли тус олади, ҳамда касалликнинг асоратлари кузатилади. Касалликни клиник белгилари кўпинча суст кўринишларда бўлиб, аҳён-аҳёнда қўзиб туради, жараён узоқ йиллар давом этиши мумкин. Касалликнинг яна бир клиник тури мавжуд бўлиб, уни яширин сўзак ёки гонококкларни ташувчанлик, деб аталади.

Сўзак касаллигига асосий патологик жараён, одатда касаллик қўзгатувчиси гонококкларни бирламчи кирган жойларидан бошланади. Шунга асосан, сийдик таносил аъзолари (генитал), экстрагенитал ва метастатик сўзаклар тафовут этилади. Метастатик сўзак генитал ва эстрагенитал сўзак касалликлари асоратлари бўлиб ҳисобланади. Гонококклар аксарият сийдик-таносил аъзолари

шиллиқ қаватларининг цилиндрик эпителийларини (уретра, бачадон бўйни, кўз шиллиқ қавати, тўғри ичак) заарлайди. Гонококклар тушган ерда улар ўша зоҳотёқ ҳужайра ворсинкаларига маҳкам ёпишиб оладилар, 3-4 кундан кейин улар субэпителиал бириткирувчи тўқималарга етиб борадилар ва яллиғланиш жараёнини юзага келтирадилар. Гонококклар тушган жойларга лейкоцит, лимфоцит ва плазматик ҳужайралар миграцияси бошланади ва уретрадан йирингли суюқлик ажралишига сабаб бўлади. Баъзан микроорганизмлар тухум ортиғига тушиб уни яллиғлантиради. Кўзғатувчи лимфоген йўл билан ҳам ўтиши мумкин. Жараённи гематоген йўл орқали диссеминацияланиши ахён-ахёнда қайд этилади. Бемор организмининг иммун ҳамда бактериоцид ҳимоя функцияси сусайганида эса гонококкли сепсис жараёни руй бериши мумкин. Аёлларда гонококклар аввал сийдик чиқариш каналини, бачадон бўйини, сўнгра эса бачадон ва бачадон найларини, ҳамда тухумдонларни заарлайди. Гонококклар ажратадиган гонотоксинлар туфайли bemorларда бош оғриши, иштаҳанинг йўқолиши, камқонлик ҳолатлари кузатилади, bemorларда бўғимлар, асаб тизими ҳамда бошқа аъзоларнинг ҳам заарланиши ҳолатлари кузатилади.

Сўзак касаллиги юққандан сўнг тахминан 3-5 кунлардан кейин хасталик ўткир сўзак уретрити кўринишида кечади. Сийдик чиқарув каналининг олд қисмида, ташқи чиқарув тешигининг шишиши, қизариши, қичишиши каби ҳолатлар кузатилади, уретрадан келаётган йиринг канал оғзида қотиб қолиши натижасида сийиш жараёнининг қийинлашиши ҳолати кузатилади. Bemorлар сийиш вақтида оғриқ, ачишиш ҳолати, эрекция вақтида эса оғриқларнинг кучайишига шикоят қиласидар. Сийдик чиқарув каналидан кўп микдорда сарғиш рангли йиринглар ажрала бошлайди, ғовак тана ушлаб кўрилганда унинг қаттиклашганлиги, босиб кўрилганда эса оғриқни сезиш ҳолатлари кузатилади. Яллиғланиш жараёнининг кучайиши оқибатида ажралаётган йирингли суюқлик қон аралаш бўлиб, сарғимтирижигарранг тусга киради. Ўткир сўзакнинг кечиши жараёнида юқорида қайд этилган жараёнлардан ташқари ҳароратнинг кўтарилиши, иштаҳанинг пасайиши, умумий қувватсизлик ҳолатлари ҳам кузатилади. Сўзак касаллигини кечиши жараёнида уретра каналининг олд қисми зааррланганми ёки уни орқа қисми ҳам жараёнга жалб этилинганми, ана шу ҳолатни аниқлаш мақсадида икки ликобчали синама ўтказилади. Бунинг учун

беморларни аввал биринчи ликобчага, кейин эса иккинчи ликобчага сийдирилади. Агарда уретра каналининг фақат олд қисми заараланган бўлса, у ҳолда йириングли масса сийиш вақтида сийдик оқими билан ювилиб биринчи ликобчага тушади ва у лойқаланган кўринишда бўлади, иккинчи ликобчадаги сийдикнинг кўриниши эса тиник ҳолда қолаверади. Агарда уретра каналининг орқа қисми ҳам заараланган бўлса, у ҳолда иккала ликобчалардаги сийдикнинг кўриниши лойқаланган бўлади (тотал уретрит).

Агарда сўзак касаллигига даво чоралари ўтказилмаган бўлса, у ҳолда касалликнинг учинчи ҳафталарига келиб bemorlar salbiy shikояtlari, yalliglaniш alomatlari, uretra kanalidan yiiringli aжralmalar ўз-ўзидан камаяди. Taxminan kасалликнинг 3-4 ҳафталари охирларига келиб, яллиғланиш жараёни uretra kanалининг олд қисмидан uning orқa қисмига ўтади, oқibatda total сўзак uretriti avж oлади. Natижада bemorlar tез-тез сиядилар, сийганларида оғриқни сезадилар, сийдик таркиби қон аралаш тус олади (терминал гематурия).

Сўзак касаллигини торпид кўринишдаги кечишида, uretra kanалининг олд қисми зааралanganда сийдик чиқарув kanali atrofida шиш, қизариш ҳолатлари унчалик намоён бўлмайди, aжralaётgan оқма миқдори кам, шилимшиқ, yiiringli бўлиб, uning aжralishi асосан фақат эрталабки пайтларда кузатилади холос. Bеморлар кўпинча сийишларидан олдин шу соҳаларда ачишиш, қичишиш каби ҳолатларга шикоят қиласилар. Сийдик чиқарув kanali orқa қисмининг ҳам яллиғланганлиги ҳолатини икки ликобчали синама орқали аникланади, бу вақтда ҳар иккала ликобчалардаги сийдик лойқаланган кўринишларда булади. Янги сўзакнинг кечиши нафақат ўткир сўзак uretriti, торпид сўзак uretritlari кўринишларида, балки ўртача ўткир uretriti кўринишларида ҳам кечади, бундай ҳолатларда касаллик белгилари юқорида айтилган ҳар иккала сўзак uretriti кечшининг оралиғида бўлган кўринишларида кечади.

Сўзак касаллиги билан хасталанган bemorlar ўз вақтида даволанмасалар ёки пала-партиш даволансалар, шунингдек, парҳез ва даво режимларига риоя қилмасалар у ҳолда касалликнинг кечиши ўткир сўзак кўринишидан сурункали сўзак кўринишига ўтади. Шуни таъкидлаш лозимки, сурункали сўзак ўзининг субъектив ва объектив белгилари билан худди торпид сўзакка ўхшаб кетади. Сурункали

сўзакка чалинган беморларнинг 60% да касаллик кам ифодаланган белгилар билан кечади. Баъзан эса сурункали сўзак касаллиги қўзғалиб турди, бундай ҳолат айниқса, bemорлар аччиқ, шўр таомлар истеъмол килгандаридан, спиртли ичимликлар ичганларидан ва жинсий алоқада пайтида кузатилади. Жараён қўзғалганда касалликнинг клиник кўринишлари худди ўткир ёки ўртacha ўткир сўзак кечишларига ўхшаб кетади. Касалликнинг сурункали кечган ҳолларидан экссудатив яллиғланишларга пролифератив ўзгаришлар ҳам қўшилади, натижада шиллиқ қаватлар остидаги инфильтратлар ўчоқ-ўчоқ бўлиб жойлашади. У жойлардаги лимфоид ва плазматик хужайралар билан бирга фибробластлар пайдо бўлади. Баъзан юмшоқ инфильтратли, баъзан эса қўшма тўқимали қаттиқ инфильтратлар вужудга келади.

Сўзак касаллигининг кечиши оқибатида кўпинча эркакларда касаллик асоратлари қолиши ҳолатлари кузатилади. Эркакларда сўзак касаллиги оқибатида уретра ёнидаги йўлчаларнинг яллиғланиши (парауретрит), закар бошчаси ва жинсий олат қалпоғи ички юзасининг яллиғланиши (баланопостит), купер безларининг заарланиши (куперит), простата безининг яллиғланиши (простатит), мояк ортигининг касалланиши (эпидидимит), уруғ пуфакчасининг заарланиши (везикулит), сийдик пуфагининг яллиғланиши (цистит), моякларнинг заарланиши (орхит) буйрак ва буйрак жомларининг йирингли яллиғланиши (пиелонефрит) каби асоратлар кузатилиши мумкин.

Сўзакнинг экстрагенитал асоратлари асосан метастаз йўли билан ривожланади ҳамда сўзакли сепсис, эндокардит, бўғимларнинг заарланиши, асад тизими ва терининг заарланиши кўринишларидан намоён бўлади. Янги сўзак касаллигида асоратлар кам ҳолларда кузатилади, сурункали сўзакда эса деярли барча ҳолларда у ёки бу турдаги асоратлар пайдо бўлади. Сўзак касаллиги асоратларини аниқлаш нафақат диагностик аҳамиятга эга бўлади, балки касаллик табиатини билиш, даволаш режасининг тўғри тузилишига ҳам имконият яратиб беради. Сўзак асоратлари кўпинча гонококкларнинг ўзидан вужудга келади, шу билан бир қаторда қўшилиб келадиган юқумли микроорганизмлар ва бошқа аллергик жараёнлар ҳам сўзак асоратларининг қисқа муддат ичida шаклланишига ва хилма-хил бўлишига сабабчи бўлиши мумкин.

Энг қўп учрайдиган сўзак асоратларидан бири бўлиб простата безининг яллиғланиши – простатитлар ҳисобланади. Простата безининг заарланиши одатда орқа уретрага ўтган гонококкларнинг без чиқарув йўлларига тушиши оқибатида шаклланади. Баъзан гонококклар лимфоген ва гематоген йўллар билан ҳам простата безига ўтиши мумкин. Сўзак простатитининг клиник белгилари худди уретра каналининг орқа қисми яллиғланганидек кўринишларда намоён бўлади, яъни беморлар аҳволи ёмонлашиб, дармонлари қурийди, иштахалари пасаяди, чов соҳаси оралиғида оғриқ, ичнинг дам бўлиши, қабзият ҳолатлари кузатилади. Беморлар тана ҳароратлари 38-39°C гача кўтарилади, кечалари тез-тез заҳар танг қилиб, икки ликобчали синамада сийдикнинг ҳар иккала қисмida лойқаланиш, чўқмаларида йиринг бўлиши ҳолати кузатилади. Касалликнинг кечиши даражасига қараб, ўткир ва сурункали простатитлар тафовут этилади. Касалликнинг табиати ва безнинг яллиғланиш даражасига қараб эса катарал, фолликуляр ва паренхиматоз простатитлар тафовут қилинади. Катарал простатитда яллиғланиш ўчоғи асосан без бўлмачаларининг чиқарув йўллари соҳаларида кузатилади. Простата бези пайпаслаб кўрилганда патологик ўзгаришлар деярли сезилмайди. Фақатгина без суюқлиги микроскоп остида текширилганда катта миқдорда лейкоцитлар борлиги аниқланади ва лецитин доначаларининг камайганлиги маълум бўлади. Фолликуляр простатитда эса без соҳасида билқиллайдиган оғрикли ўсмалар ёки чегараланган тугунларни пайпаслаб кўриш мумкин бўлади. Беморлар оралиқ соҳасида оғриқни сезиш, уруғ отилиш муддатининг тезлашганлиги, жинсий олатнинг суст тарангланиши, жинсий қоникиш сезгисининг пасайганлиги каби ҳолатларга шикоят қиласидар. Паренхиматоз простатитнинг кечишида эса юқорида санаб ўтилган жараёнлар кучайиши ва bemорлар шикоятларининг кўпайиши кузатилади. Беморлар сийганларида ачишиш, қичишиш, уретрадан шиллик-ирингли суюқликнинг аҳён-аҳёнда келиши ҳолатлари кузатилади ва улар кайфиятининг бузилиши ҳолатлари кузатилади. Жинсий ожизлик белгиларининг кўпайиши bemорларга уйқу бермайди. Без суюқлигига кўп миқдорда лейкоцитлар топилиши билан бирга лецитин доначаларининг кескин камайиб кетганлиги ҳолати ҳам аниқланади. Простатитнинг сўзакка алоқадор эканлигини исботлаш учун уретрал суюқликдан тайёрланган суртмаларда гонококкларни

топиш лозим, агарда бактериоскопик усуллар фойда бермаса, у ҳолда културал текширув усуллари ёрдам беради.

Аёллар сўзаги ўзининг клиник кўриниши ва кечиши жиҳатидан эркакларнидан бироз фарқ қиласи, бу ҳолат эркак ва аёллар сийдик-таносил аъзоларининг тузилишидаги тафовутларга боғлиқ бўлади. Аёллар сўзаги 75-80% ҳолатларда субъектив шикоятларсиз асимптом кўринишларда кечади. Уларда сўзак инфекцияси уретра, бартолин безлари, бачадон бўйни, шунингдек, тўғри ичакнинг бир йўла шикастланиши кўринишларида кечади.

Қиз болалар сўзаги

Қиз болаларда сўзак касаллигининг учраш ҳолати асосан 2-8 ёшларда кузатилади. Қиз болалар сўзак касаллигини ушбу касаллик билан хасталанган bemor оналаридан, қариндошларидан ёки ўзларига қарайдиган аёллардан, одатда ножинсий йўллар орқали юқтириб оладилар. Шахсий ва умумий санитария қоидалари бузилганда, шунингдек, сўзак касаллиги билан хасталанган bemorлар билан бир ўринда ётилганда, йирингли ажралмалар билан ифлосланган ванналар, ҳожатхона анжомлари, артиниш сочиқлари орқали ҳам касаллик юқиши мумкин. Касалликни қиз болаларга бундай йўллар орқали юқиши 85-95% ҳолатларда кузатилади. Сўзак касаллиги билан хасталанган bemor қиз болалар асосий қисмининг касалликни юқтириш манбалари бўлиб уларнинг оналари ҳисобланади. Қиз болаларнинг 80-93% да сўзак касаллиги ўтқир кечади. Аёллар сўзаги кечишидан фарқли ўлароқ, қиз болаларда касаллик асосан, сийдик-таносил аъзоларининг кўп қаватли яssi эпителийи билан қопланган соҳалари заарланади. Бачадон ва ортиқларининг заарланиши эса одатда кузатилмайди. Касалликнинг инкубацион даври қисқа, тахминан 3 кун давом этади, яллиғланиш жараёни кўп ўчокли бўлиб, bemorларнинг деярли 100% да қин ва қин даҳлизи, 85% да уретра канали, 50-82% да тўғри ичакнинг қуви қисмлари шиллиқ қаватларининг заарланиши ҳолати кузатилади.

Сўзак касаллиги жинсий аъзолар ва орқа чиқарув тешиги соҳаларида кузатиладиган оғриқ, ачишиш, қичишиш каби белгилар билан бошланиб, bemor қизларнинг умумий ҳароратлари кўтарилади, тез-тез сийиш, сийган вақтларида ачишиш ҳолатлари

безовта қиласи. Кичик жинсий лаблар терисида, қин даҳлизи, қиннинг девори, сийдик чиқариш найчаси ва тўғри ичакнинг пастки қисмларида яллиғланиш белгилари кузатилади. Бундан ташқари катта уятли лаблар ва оралиқ терисида ҳам қизариш, шишиш каби белгилар намоён бўлади. Жинсий ёриқдан оқсан йирингли суюқлик жинсий лаблар соҳасида қуриши натижасида сарғимтирижигар ранг қатқалоқлар ҳосил бўлади. Қин даҳлизида майда эрозиялар пайдо бўлиши мумкин. Баъзан ўткир яллиғланиш жараёни оқибатида қиннинг девори, уретранинг оғзида полипоз ўсимталарнинг ривожланганлигини кўриш мумкин.

Вульвовагинитга дучор бўлган қиз болаларнинг барчасида уретрит белгилари кузатилади, яъни уретра каналининг ташқи чиқарув тешиги қизариши, шишиши ва кенгайиши ҳолати кузатилади. Сийдик йўлининг пастки девори босиб кўрилганда ундан йирингли суюқлик ажралиши ҳолати қайд этилади. Қиз болалар тез-тез сийдик ажратиб турадилар, баъзан улар сийдикни тутиб тура олмайдилар. Сўзак 3-7 ёшли қиз болаларда бартолинит ва эндоцервицит каби асоратларни бериши мумкин, бундай ҳолларда бу безларнинг катталашганлигини, чиқарув йўллари соҳасида эса қизил нуқталарни яққол кўриш мумкин. Бачадон бўйни қизарган ва шишган кўринишларда бўлиб, унинг оғзидан йирингли суюқлик ажралиб туради, атрофика эса майда-майда эрозиялар кузатилади. Қиз болаларда сўзак касаллиги диагнозини қўйиш учун йирингли оқмалардан олинган суртмаларда албатта гонококклар топилиши лозим.

Сўзак касаллигига ташхис қўйилишида бактериоскопик ва бактериологик усуллар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бактериоскопик текширув усул орқали ташхис қўйилишида bemorlarни сийдик чиқарув йўлидан ажралаётган йирингли суюқликдан суртма тайёрлаб, уни Грамм усулида бўялади (гонококклар грамманфий тарзда бўялади) ва микроскоп остида текширилада, сўзак қўзғатувчиси диплококкларнинг топилиши касаллик ташхисини тасдиқлайди. Шунингдек, гонококкларнинг ҳужайра ичида жойлашганлиги, уларни жуфт-жуфт, ловиясимон шаклларда бўлиши ва бошқа белгилари орқали касалликнинг асл табиати аниқланади. Худди шундай текширувлар бактериологик усуллар ёрдамида ҳам олиб борилади, сунъий озуқа шароитларида ўзига хос кўринишларда сўзак касаллиги қўзғатувчиси колонияларининг пайдо бўлиши ҳолати касаллик ташхисини тасдиқлаб беради.

Сўзак касаллигини даволаш маҳсус ишлаб чиқилган услубий қўлланма асосида олиб борилади. Мазкур қўлланмага асосан касалликни даволашда антибиотиклар, сульфаниламилар, специфик ва носпецифик иммун дори воситалари, шунингдек, маҳаллий даво чоралари қўлланилади. Антибиотик дори воситаларидан пенициллин тузлари, левомицетин, тетрациклин, эритромицин, мономицин ва канамицинлар ишлатилади. Кўпинча пенициллин ва унинг узайтирилган таъсир этиш хусусиятига эга ҳосиллари қўлланилади. Бензилпенициллинлар 300 000 ТБ дан ҳар 4 соатда мушак орасига, Бициллин -1,3,5, лар 1 200 000 ТБ дан ҳар 48 соатда мушак орасига юборилади, жами даво курсининг ҳажми 3 000 000 млн. ТБ ташкил этади. Кейинги йилларда сўзакни даволашда цефалоспорин дори воситаларидан цепорин, цефамизин, кефзол, цефуроксим, цефолексин кабилардан ҳам фойдаланилмоқда. Сульфаниламид дори воситаларидан сульфомонометоксин, сульфадиметоксин, сульфатон ва бисептол-480 кабилар ҳам кенг қўлланилади. Иммунологик даво чоралари ўтказилаётганда гоновакцина, пирогенал, продигиозан, аутокон ва витаминлардан фойдаланилади. Янги ўткир, ўртача ўткир асоратсиз сўзак касалликларини даволашда фақат антибиотик дори воситаларидан фойдалинади. Янги торпид ва сурункали асоратсиз кечадиган сўзак билан хасталанган bemorlarни даволашда дастлаб иммун даво воситалари, сўнгра эса антибиотиклар тавсия этилади, бу вақтда антибиотиклардан пенициллин гуруҳи қўлланилади, жами даво курси 4,2-6 млн. ТБ қилиб белгиланади. Янги ва сурункали сўзак қолдирадиган асоратларни даволашда ҳам дастлаб иммун даво воситалари, сўнгра эса антибиотиклар қўлланилади. Аммо сўзакнинг бундай мураккаблашган турларида антибиотикларни танлашдан олдин уларга нисбатан гонококкларнинг сезувчанлиги ҳолатини аниқлаш лозим. Шу билан бирга сўзак асоратларининг турига қараб у ёки бу хил маҳаллий даво чоралари ҳам (уретрани ювиш, простата безини уқалаш, мояк халтаси-ёргоққа сүспензорий кийгизиш ва ҳоказо) ўтказилади. Сульфаниламид дори воситалари асосан сурункали асоратлар қолдирадиган сўзак касаллиги билан хасталанган bemorlarда антибиотикларга нисбатан чидамлилик ҳолати бўлганда ёки нохуш белгилар кузатилганда қўлланилади. Яширин сўзакда даво навбат билан иммун дори воситалари ва антибиотиклар билан ўтказилади, бундай ҳолларда бир вақтнинг ўзида икки турдаги антибиотикларни қўллаш мумкин.

Болаларда сўзак касаллигини даволаётганда, даво чоралари касалхона шароитларида олиб борилиши лозим. Қиз болаларнинг янги, асоратсиз сўзаги касаллигига антибиотик (пенициллин 500 000 ТБ дан) ҳар 3 соатда мушак орасига юборилади, жами даво курси 2 млн. ТБ ни ташкил этади. Янги асоратли ва сурункали сўзак касалликларини даволашда пенициллин дори воситасининг умумий миқдори 4 млн. ТБ гача, эритромицин дори воситасининг миқдори эса 6-8 млн. гача етказилади. Бироқ керакли натижа олиш мақсадида антибактериал давога қадар иммун даво чоралари (4 ёшдан катта бўлган қиз болаларда) ўтказилади. Қин ва тўғри ичак соҳалари 1-2-3% протаргол ёки колларгол эритмалари билан ювилади, бачадон бўйни соҳасига ихтиол малҳамининг 5-10%ли глицеринли эритмаси суртилади.

Сўзакка қарши даво чоралари ўтказилгандан 7-10 кун ўтгач, bemorlarda даволангандик ҳақидаги мезонлар аниқланади, буни аниқлаш учун провокация (касалликни сунъий қўзғатиш) усулларидан фойдаланилади. Касалликни сунъий қўзғатишнинг биологик (мушак орасига гоновакцинани юбориш, катта ёшдаги bemorlarга 0,5 млрд., болаларга эса 200 млн.- 300 млн. микроб танаачалари миқдорида), кимёвий (1-3% кумуш нитрат эритмаси маҳаллий қўлланилади), алиментар (ўткир ва шўр таомлар истеъмол қилиш), механик (уретрага бужлар киритиш), физик (турли иситувчи муолажалар ўтказиш) усуллари қўлланилади. Қўшма провокация усуллари ўтказилгандан сўнг 24, 48, 72 соат ўтгач, bemorlardan 3 марта суртмалар тайёрланиб, бактериоскопик текширувлардан ўтказилади. Шунингдек, сунъий озуқа шароитларида экиб ўстириш усуллари ҳам қўлланилади, простата безининг суюқлиги ҳолати текширилади ва уретроскопия қилинади. Агар суртмаларда, озиқли муҳитларда, жинсий безлар суюқлигига ва сийдик йўлларида касаллик белгилари кузатилмаса, уларда шунингдек, гонококклар топилмаса, текширилаётган bemorlar соғлом, деб топилади ва улар бутунлай даволанган, деб ҳисобланадилар.

Сўзаксиз вульвовагинитлар

Вагинитлар ичида гонококксиз вагинитлар 96 %ни ташкил этади. Вагинитнинг бундай хиллари билан асосан 2 ёшдан 8 ёшгacha бўлган қиз болалар улар генитал аъзолари тузилишининг ўзига хослиги туфайли (катта ва кичик уятли лабларни яхши ривожлан-

маганлиги, шиллик қаватларнинг текис бўлмаслиги ва қучсиз ишқорий табиатга эга бўлганлиги сабабли) кўпроқ касалланадилар. Е.Н.Туранованинг таснифи бўйича гонококксиз вульвовагинитлар инфекцион вагинитлар (бактериальные, трихомонадали, микотик, вирусли) ва инфекциясиз вагинитларга (анемия, юрак-қон томир касалликлари, моддалар алмашинуви, авитамиоз, неврозлар билан биргаликда кечадиган вагинитлар, гижжа инвазияси симптоми вагинитлари, термик, кимёвий ва механик тасиротлардан сўнг бўладиган вагинитлар, қинда бўладиган ўスマлар юзасидан вужудга келадиган вагинитлар)га бўлинади.

Инфекцион вагинитлар бактерияли, трихомонадли, микотик ва вирусли бўлиб, уларни қўзғатувчилари стрептококклар, стафилококклар, диплококклар, ичак таёқчаси, пневмококклар, Леффлер таёқчаси, шартли-патоген флоралар бўлиб ҳисобланади. Инфекцион вагинитларни вужудга келишига дисбактериоз ҳолатлари, глюкокортикоид дори воситалари билан узоқ вақт давомида даволаниш, нотўғри овқатланиш, гиповитаминоз ҳолатлари ва бошқа омиллар асосий ўрин тутади. Кўп миқдорда йирингли ажратмалар натижасида вужудга келадиган шиллик қаватлардаги қизариш ва шиш ҳолатлари айрим ҳолатларда аногенетал тери соҳаларининг яллиғланиш жараёнига жалб этилишига олиб келади. Гонококкли вагинитлардан фарқли ўлароқ, гококксиз вагинитларда уретра канали яллиғланиш жараёнига камроқ жалб этилади, жараённинг кечиши ўткир тарзда намоён бўлмайди, уларнинг кечиши циклик кўринишида бўлиб, қайталанишга мойил бўлади. Касалликни келтириб чиқарадиган сабабларига кўра касалликнинг клиник кўриниши ўзига хос кўринишларда намоён бўлади, масалан, скарлатина касаллигига кузатиладиган вагинитларда шиллик қаватлар тарқоқ қизарган ва шишган кўринишларда бўлиб, суюқ йирингли ажратмалар билан қопланган бўлади. Бундан ташқари шиллик қават юзаларида пайпаслаб кўрилганида оғрийдиган эрозиялар ва яралар пайдо бўлади. Дизентерия касаллигини қўзғалиш даврида узоқ вақт қайталаниш билан кечадиган дизентерияли вагинитлар кузатилади. Трихомонадали вагинитни қўзғатувчиси бўлиб қин трихомонадаси *trichomonas vaginalis* ҳисобланади. Янги туғилган қиз бола чақалоқлар туғилиш пайтида оналаридан, каттароқ ёшларда эса агар улар оналари билан бирга бир ўринда ётсалар касалликни юқтиришлари мумкин. Шахсий

гигіена жиҳозлари умумий тарзда ишлатилғанда ҳам касаллик юқиб қолиши мүмкін. Касалликнинг клиник күриниши бошқа гонококксиз вагинитларга жуда ўхшаш бўлади, яъни ташқи жинсий аъзолар соҳасида тарқоқ күринишда қизариш, шиш, кўп микдорда кўпиксимон, оқиш ёки яшил-сариқ рангли ажратмалар кузатилади, bemorlarни сийиш пайтларида қичишиш, ачишиш каби салбий ҳолатлар безовта қиласи. Жараёнга бачадон бўйни ва уретра канали жалб этилиши мүмкін. Касалликни ташхиси суртмаларда трихомонадаларнинг топилиши билан тасдиқланади. Трихомонадали вагинит касаллиги давоси метронидазол дори воситасини қўллаш орқали амалга оширилади: дори воситаси 7 ёшдан 10 ёшгacha бўлган болаларга кунига 0,25 г дан (2 марта қабулга), 10 ёшдан 15 ёшгacha – кунига 0,5 г дан 5-7 кун давомида тавсия этилади. Метронидазолни 0,75% ли гель кўринишдаги воситаси қин орасига кунига 1 маҳалдан кечқурунлари 5 кун давомида юборилади.

Микотик вагинитлар *Candida* синифига мансуб бўлган ачитқили замбуруғлар томонидан чақирилади. Касалликни вужудга келишига турли хил ўткир юқумли касалликлар, камқонлик, қандли диабет ва сурункали касалликлар сабаб бўлади. Касаллик белгилари қин ва қин олди соҳаларининг қизариши, кўп бўлмаган микдорда ажратмалар ажралиши ҳамда шиллик қаватларда осон кўчадиган оқ рангли пардаларнинг пайдо бўлиши кўринишида кечади. Беморларни кўринарли даражада бўлган қичишиш безовта қиласи. Шиллик қаватлардан олинган суртмаларни микроскопик текширишлар натижасида *Candida albicans* замбуруғлари топилади. Микотик вагинит касаллигига эса флукунозол дори воситаси болаларга 1 кг тана оғирлигига 1-2 мг дан 1 марта юборилади, маҳаллий эса клотримазол креми интравагинал кечқуриллари 7 кун давомида суртилади.

Вирусли вагинитлар асосан грипп ва қизамиқ касалликларидан сўнг кузатилади. Микроскопик текширувлар натижасида маълум бир кўринишда бўлган флора кузатилмайди, аммо касалликни клиник кўриниши сўзакли вульвовагинитни эслатади, жараён серозли-йирингли ажратмалар ажралиши ва кўпинча уретранинг патологик жараёнга жалб этилиши билан кечади. Герпетик вагинитлар асосан 2 турда бўлган оддий герпес вируслари таъсири натижасида вужудга келади. Клиник белгилари шиллик

қаватларнинг ўчоқли кўринишда қизариши ҳамда эрозия ва яраларнинг ҳосил бўлиши кўринишида кечади. Герпетик вагинитларда эса ацикловир дори воситаси 2 ёшгача бўлган болаларга катталарга белгиланадиган дори воситасини S қисми нисбатида тавсия этилади, 2 ёшдан кейин эса куни 200 мг дан 5 маҳал 5 кун давомида тавсия этилади. Маҳаллий эса 5% ли ацикловир малҳами ёки глицирризин кислотаси кунига 5 маҳалдан 5 кун давомида пуркалади.

Микоплазмали вагинитларни микоплазмалар чақиради. Микоплазмалар шартли-патоген табиатли флорага эга бўлиб, асосан хужайра ичида кўпайиб, цитопатоген таъсир кўрсатади ва ўткир ҳамда сурункали касалликларни чақиради. Улар ичида *Mycoplasma hominis*, *M. pneumoniae*, *Ureaplasma urealyticum*лар кўпроқ патогенлик таъсир этиш хусусиятига эга. Касалликнинг клиник кўриниши оз микдордаги ажратмаларнинг ажралиши, дизуритик белгиларнинг кузатилиши ва уретра лабини қизариши, терминал ҳалқа кузатилиши, қин шиллиқ қаватининг қизариши, цервикал каналдан эса шиллиқ ажратмаларнинг ажралиши кўринишида кечади.

Инфекцион вагинитларнинг давоси этиологик омилларга қаратилган бўлиб, антибиотикларни қўллашдан ҳамда бир вақтнинг ўзида маҳаллий даволарни ўтказилишидан иборат бўлади. Бу борада албатта йўлдош касалликларни даволаш ва организмни ҳимоя қилиш хусусиятини кўтариш муҳим аҳамият касб этади. Болалаларни болалар муассасаларига қабул қилинаётганда улар хар тарафлама текширувлардан ўтказилишлари лозим. Қиз болаларни bemor оналари билан контактда бўлишларини олдини олиш лозим. Қиз болалар алоҳида ётишлари, улар алоҳида ўзларининг сочиқлари, мочалкалари, тувакларига эга бўлишлари керак. Тавсия бўйича уларда сурункали ўчоқли инфекцияларни санация қилиш, гижжаларни ҳайдаш, йўлдош касалликларини эса даволаш лозим.

Ноинфекцион вагинитлар қиз болаларда қин ва қин олди соҳаларининг кучсиз қизариши, оз микдордаги шиллиқ-сероз кўринишида бўлган кул-ранг ажратмаларнинг ажралиши билан намоён бўлади, микроскопик текширувлар ўтказганилганда эса банал микрофлора, эпителий хужайралари ва лейкоцитлар аниқланади.

Гижжални вагинитлар асосан энтеробиозлар таъсирида келиб чиқиб, шиллиқ қаватларнинг яллиғланишига ва кучли қичишиш

ҳолатларига олиб келади. Бу вақтда гижжалар түғри ичакдан ўрмалаб келиб қин микрофлораси таркибига киради ва яллиғланиш жараёнини кучайтиради. Шу билан бирга перианал тери соҳалари ҳам яллиғланади, натижада кучли, айниқса, кечқурунлари кузатиладиган кучли қичишишлар кузатилади, охир-оқибатда bemor болалар ёмон ухлайдилар, безовталанадилар, хархаша қиладилар, уларда невротик ҳолатлар вужудга келади. Бундай ҳолларда 6-7 кун давомида bemor болалар ухлашларидан олдин тозаловчи клизмалар қилинади. Декарис (левамизол) дори воситаси bemor тана оғирлигига нисбатан 2,5 мг дан чизма асосида тавсия этилади. Шахсий гигиена қоидаларига эътибор берилиши назорат қилинади.

Термиқ, кимёвий ва механик таъсирлар натижасида вужудга келадиган вагинитлар асосан иссиқ муолажалар, қайноқ ванналар қабул қилинганда, ўткир таъсир этувчи дори воситалари ишлатилаганда, қин ичига ҳар хил бегона жисмларни киргизилганда вужудга келиб, касаллик белгилари узоқ вақт давомида йирингли ёки шиллиқли қўринишдаги қўлланса ҳидли ажратмалар тарзида намоён бўлади.

Ноинфекцион вагинитларнинг олдини олиш уларни келтириб чиқарадиган сабабларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида даволашдан иборат бўлади. Бу борада bemor болаларга қўлланиладиган муолажаларда эритмалар ҳароратини, уларнинг концентрациясини доимо назорат қилиш лозим бўлади.

ОРТТИРИЛГАН ИММУН ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ

Орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС) асосан жинсий йўл билан юқадиган, сурункали кечадиган, инфекцион табиатга эга касаллик бўлиб, касалликнинг ўзига хос томони шундаки, вақт ўтиши билан bemорларда иммун кучларининг пасайиши ва иммун танқислиги ҳолати вужудга келади, натижада касалликнинг клиник кўринишлари босқичма-босқич намоён бўлади. Илк бор bemорларда ОИТС ташхиси қўйилганига 30 йилдан ортиқ вақт ўтганлигига қарамасдан (1981) бугунги кунга келиб касаллик бутун дунё мамлакатлари ҳудудига кириб борди, инсонларни миллатидан, динидан, ирқидан қатъий назар ушбу касаллик билан хасталанишга мажбур этмоқда, натижада ОИТС билан касалланган bemорлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Статистик маълумотларга асосан 2011 йилга келиб бу касалликка чалинган инсонлар сони 34 млн. дан ортиб кетди, улардан 3,4 млн. ни 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. 2010 йилда дунё буйича 2,4 млн. инсон ОИВ ни юқтириб олганлиги ва буларнинг 250000 дан зиёдини болалар ташкил этиши қайд этилди. Ҳозирда ҳар куни ер шари бўйича 7000 инсон касалликни юқтириб олмоқда ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бормоқда. Касалликнинг асосан Африка, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Араб мамлакатлари аҳолиси орасида тез қўпайиб бораётганлиги қайд этилмоқда. Афсуски, bemорлар сонининг ортиши бизнинг республикамизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. 2011 йил маълумотларига кўра республикамизда ОИВ юқсан bemорлар сони 22529 тага етди, буларнинг деярли 20% ни болалар ташкил этди. 2011 йилнинг 11 ойи давомида 3315 та янги bemорлар аниқлангани қайд этилди. Бугунги кунга келиб дунё бўйича 21 миллиондан ортиқ аҳоли касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмдилар. Ҳар йили дунё бўйича 3000 бола ОИТС нинг қурбони бўлмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунга келиб, касалликка олиб келувчи сабаб ва касалликнинг табиати яхши ўрганилганлигига қарамасдан, касалликнинг давоси шу кунга қадар топилмай қолмоқда. Олиб борилган кенг кўламдаги профилактик чоратадбирлар натижасида охирги 3-4 йил ичida касалликнинг АҚШ ва

ғарб мамлакатларида камайиши, аксинча Африка, Ўрта Осиё ва МДҲ мамлакатлари ҳудудида эса беморлар сонининг кескин кўпайиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Кўзғатувчиси. 1981-1982 йилларда АҚШда Роберт Галло, Францияда Люк Монтанъелар томонидан ОИТС ни кўзғатувчиси бўлган ретровирус кашф этилди. Янги кашф этилган вирусга америкаликлар HTLV-III (Human T-lymphotropic virus: одам Т-лимфотроп вируси), францияликлар LAV (Lymphadenopathy associated virus: лимфоаденопатияга алоқадор вирус) деб ном беришди. 1986 йилда эса ОИТС ни кўзғатувчи вирусга умумлаштирилган HIV (human immunodeficiency virus), яъни одам иммунодефицит вируси (ОИВ), деб ном берилди. Ўтган вақт мобайнида бутун дунё олимлари томонидан бу касалликни ўрганиш учун катта илмий ишлар олиб борилди ва олиб борилмоқда. Бу илмий изланишлар натижасида касаллик кўзғатувчисининг хусусиятлари, юқиши йўллари, касалликнинг патогенези аниқланди, нисбатан самарали даволаш услублари амалиётга тақдим қилинди, энг муҳими касалликни олдини олишнинг самарали чоралари ишлаб чиқилди.

Хозирги пайтда орттирилган иммун танқислиги синдроми касаллиги вирусининг 2 хил ирсий турлари HIV-I, HIV-II борлиги аниқланган. HIV-I бутун дунёдаги, шу жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам тарқалган ОИТС нинг асосий кўзғатувчisi бўлиб, HIV-II вируси эса ғарбий Африка мамлакатларида кенг тарқалган ОИТС нинг кўзғатувчisi бўлиб ҳисобланади. ОИВ одам организимидан ташқарида тезда нобуд бўлади, шунинг учун ҳам касаллик майший алоқалар вақтида юқмайди. Маълумки, ретровируслар ДНК ни РНК қолипида (матрица) синтез қила олиш хусусиятига эга, ретровирус номи ҳам шундан келиб чиқкан. ОИТС касаллигини тарқатувчи ретровирус шарсимон шаклга эга бўлиб, диаметри 100 - 140 танометрга тенг.

ОИВ бактерицид эритмалар таъсирида, айникса, формалдегиднинг 0,5% ли эритмаси, лизолнинг 0,5% ли, хлорамин, эфир, ацетонларнинг 3% ли натрий, гипохлориднинг 0,2% ли эритмаларида ва 70% ли спирт таъсирида тезда нобуд бўлади. Турли-туман буюмлар таркибидаги ОИВ юқори ҳарорат таъсирида (57°C дан юқори) ҳам нобуд бўлади, аммо ретровирус қуритилган ҳолда 22°C да 4-6 кун мобайнида ўзининг вирулентлик хусусиятини

сақлаб қолиши мүмкін. Шунингдек, ОИТС құзғатувчиси радиоактив нурланишлар ва ультрабинафша нурларига бирмунча чидамли бўлади. Демак, беморларга ишлатилган асбоб-ускуналарни тегишли дизенфекция қилувчи эритмалар билан ишлов берилгандан ёки қайнатиб ювилгандан ОИВ дан тўлиқ тозаланади.

Юқиши йўллари. ОИТС касаллиги жинсий алоқалар, парэнтерал, гемотрансфузион ва бемор ҳомиладор оналардан йўлдош орқали ҳомилага (вертикал йўл) юқади. Ҳозирги кунда бутун дунё бўйича бу хасталикка чалинган беморларнинг 3/4 қисми касалликни жинсий йўли орқали юқтириб олганлиги қайд этилади. Демак, бу йўл касалликни юқтириб олишда асосий йўл бўлиб ҳисобланади. Илмий маълумотларга қараганда ОИТС касаллиги билан хасталанган беморлар организмидан ажралиб чиқаётган ҳар кандай суюқликда касаллик қўзғатувчиси топилган (сўлакда, терда, қўз ёшида, она сутида, спермада, қин суюқлигига), лекин бу суюқликлар таркибида ретровирусларнинг микдори бир хилда бўлмайди. Энг кўп вирус тутувчи суюқлик сперма суюқлиги, сўнг эса аёллар қин суюқлиги бўлиб ҳисобланади. Бу суюқликлар таркибидаги вируслар жинсий алоқалар вақтида эркаклардан аёлларга ва аёллардан эркакларга ўтади. Ҳозирги кунда эса касаллик ҳар қандай жинсий алоқалар вақтида юқиши ва касаллик беморлар жинсини танламаслиги исботланган.

Турли тиббий муолажалар вақтида касаллик қўғатувчи вирусини юқтириб олиш йўли парэнтерал йўл, деб аталади, бу йул билан касалликнинг юқиши 11-17% ни ташкил этиб, уларнинг кўпчилигини асосан наркоманлар ташкил этади. Бундай кўрсаткич турли мамлакатларда турлича кўринишларда бўлиб, бизнинг республикамиизда эса бу кўрсаткич 70% атрофида бўлиши қайд этилади. Агар ОИВ ни юқтирган беморга ишлатилган шприцлар, катетерлар, инфузия системалари ва бошқа асбоб-ускуналарга тегишли ишловлар берилмаса ёки санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмасдан такоран қўлланилса, ундаи ҳолатларда соғлом инсонларга ретровируси юқиши мүмкін. Шунинг учун ҳам бугунги кунга келиб республикамиз даволаш муассасалари ва дорихоналари етарлича микдорда бир марталик шприц, инфузион системалар ва катетерлар билан таъминланганлигини қайд этиб ўтиш мүмкін. Республикаизда касалликнинг юқишига наркоманлар орасида

шприцларни бир неча мартадан тегишли ишлов берилмасдан ишлатилиши асосий сабаб бўлиб ҳисобланади.

Қон ва қон препаратлари орқали касалликнинг юқиши ҳолати гемотрансфузион йўл, деб аталади, ушбу йул билан касалликнинг юқиши ўртacha 3-5% bemорларда кузатилади. Бу йул билан асосан гемофилия касаллиги билан хасталанган bemорлар навбатдаги қонни олаётган вақтларида юқтириб оладилар. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бутун дунё соғлиқни сақлаш уюшмасининг таклифига биноан ва ЎзР ССВ нинг буйруғига асосан инсонларга тўғридан-тўғри қон қўйилиши ҳолати тақиқланган. Faқат айrim ҳолатларда, маҳсус кўрсатмаларга мувофик, консервация қилинган, тегишли текширув босқичларидан ўтган донорлик қонларини қўйишга рухсат берилади.

Касалликни bemор ҳомиладор оналардан йўлдош орқали ҳомилага ўтиш йўли (вертикал йул) ҳам қайд этилади. Бутун дунё соғлиқни сақлаш уюшмасининг статистика маълумотларига қараганда ҳозирги кунда болаларда қайд этиладиган ОИТС нинг 1% туғма йўл, яъни вертикал йул орқали юқиши қайд этилади. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳомиладор bemор аёллар ҳомиладорлик даврида тегишли антиретровирус даво чораларини олиб юрган бўлсалар, бундай ҳолатларда, улардан туғиладиган болаларнинг соғлом бўлиш эҳтимоли 90% ортиши исботланган. Бундан кўриниб турибдики, туғрук ёшидаги аёлларни ҳомиладор бўлишларидан олдин ёки ҳомиладорликни ilk даврларидан ОИВ га текшириш катта амалий профилактик аҳамиятга эга бўлади.

Орттирилган иммун танқислиги синдроми касаллигига кўпинча ахолининг айrim табақалари дучор бўладилар, ахолининг бундай табақалари ОИТС га мойил бўлган гурӯҳлар, деб аталади. Жинсий шерикларини тез-тез ўзгартириб турадиган шахслар (гомосексуал ва гетеросексуал эркак ва аёллар), бесоқолбоз (гемосексуал) эркаклар (75%), гиёҳвандлар (11-17%), гемофилия касаллигига дучор бўлган bemорлар (1-5%), турли сабабларга кўра қон қўйиладиган bemорлар ва бошқа тоифадаги шахслар (1,4-20,2%) ҳамда ОИТС билан хасталанган bemорлардан ва ОИВ юқсан аёллардан туғилган болалар гурӯҳлари касалликка мойил бўлган гурӯҳлар, деб аталади.

Патогенези. Касалликни қўзғатувчи вирус қайси йул билан юқмасин, у албатта сўрилиб периферик қон тизимига ўтади, натижада Т-хелпер ҳужайралар сонининг камайишига ва иммун тизимининг аста-секин пасайиб боришига сабаб бўлади. Ҳозирги

кунда ОИВ bemорлар организмдаги СД4- рецепторлар тутувчи хужайраларни заарлай олиши ҳолати исботланган. Организмдаги бундай рецепторларни асосан Т-лимфоцитлардан Т-хелперлар хужайралари ва асаб тизими хужайралари тутади. ОИВ Т-хелпер хужайралар цитоплазмасига кириб, хужайра ядроининг хромосом аппаратига тизилган ҳолда ўз РНК сини жойлаштиради. Натижада РНК дан ДНК синтез бўлиши ҳолати кузатилади, бунинг асосида эса вирус оксиллари (танаачалари) синтез қилинади. Маълумотларга қараганда бир кунда Т-хелпер хужайралари ядроисида жойлашган вируслар сони миллион мартадан ортиқ микдорда бўлинар (репликация) экан. Бу дегани касалликни кўзғатувчи вируслар ўзига ўхшаш бўлган миллион дона янги вирусларнинг пайдо бўлишига ва уларни ташқарига чиқиб, бошқа Т-хелпер хужайраларни ва асаб хужайраларининг заарланишига сабаб бўлади. Бу жараён хужайралар нобуд бўлгунга қадар давом этади. Агар соғлом Т-хелпер хужайралар қон таркибида бир неча ойлар давомида яшайдиган бўлса, ОИВ билан заарланган ҳолатларда эса улар бир неча ҳафталар ичидаги нобуд бўлади. Патологик жараённинг шиддат билан кечиши оқибатида парчаланаётган Т-хелпер хужайралар сони янги ҳосил бўлаётган Т-хелперлардан бир неча юз баробар кўп бўлганлиги учун организмда Т-хелпер хужайралар сони камайиб боради ва иммунодефицит ҳолати юзага келади. Чунки Т-хелпер хужайралар организмда патоген микроорганизмларни, ўзгарган хужайраларни, бегона оксилларни фарқ қила оладиган ва бундай хабарларни тегишли Т- ва В- лимфоцитларга узатиб хужайра ва гуморал иммун тизимини таъминлаб турадиган ягона хужайра бўлиб ҳисобланади. Т-хелпер хужайралар сонининг камайиб кетиши ҳолати эса хужайра ва гуморал иммун тизими фаолиятининг издан чиқишига ва ниҳоят иммун тизими танқислиги ҳолатига олиб келади. Бунинг натижасида организмда микроорганизмлар (патоген, шартли патоген, сапрофит) сони мислсиз даражада ҳеч қандай тўсиқларсиз кўпая бошлайди ва оқибатда турли сурункали кечадиган, даво чораларига қийин бериладиган, тез-тез хуруж қилиб турадиган вирусли, бактериал, замбуруғли касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Бундан ташқари хужайралар устидан иммунологик назоратнинг камайиши ҳолати митоз вақтида пайдо бўлиши мумкин бўлган атипик хужайраларни сақланиб қолишига ва уларнинг кўпайиб турли ўсма касалликларнинг ривожланишига

йўл очиб беради. Маълум бўлишича меъёрий ҳолатларда бир дақиқа давомида инсон организмидаги митоз жараёнида 10 мингтагача атипик хужайралар пайдо булар экан, лекин иммун тизими тўғри фаолият кўрсатиб ишлаб турса, бу хужайраларни парчалаб, улардан организмни тозалаб туради. Бундай хужайралар устидан иммунологик кузатувнинг ОИТС да камайиши ҳолати болаларда, ёш йигит-қизларда турли ўсма касалликларининг кўпайишига олиб келади. Бундай жараён бир неча ойлар баъзида эса йиллар мобайнида давом этади, bemорлар эса бу вақт ичида ўзларини соғлом ҳис қиласидар, касаллик белгилари кўринарли бўлмаганлиги учун улар даволаш муассасаларига мурожаат қиласидар, шунинг учун бу bemорлар атрофдагилар учун касаллик манбаи бўлиб хизмат қиласидар. Бундан кўриниб турибдики, ОИВ юқтириб олган bemорларни эрта аниқлаш ва антиретровирусли даво чораларини бошлаш касалликнинг профилактикасида катта аҳамият касб этади.

Клиник кечиши босқичлари. ОИТС касаллигининг ўзига хос аниқ маҳсус белгилари йўқ. Касалликнинг клиник кечиши кўпинча босқичма-босқич кўринишида ўтади, яъни касалликни қўзғалиш ва сусайиш даврлари навбатма-навбат алмасиниб, bemорлар ахволи оғирлашиб боради. Касаллик юққандан кейин яширин, яъни инкубацион даврининг кечиши ҳолати кузатилади, бу давр тахминан 4-6 ҳафталар давом этади. Шундан сўнг Жаҳон соғликни саклаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан таклиф этилган касалликнинг 5 босқичи кўринишида намоён бўлади. Касалликнинг биринчи босқичи бошланғич босқич, деб аталади ва ушбу босқич ўрта ҳисобда 3-14 кун давом этади, касалликни бу босқичдаги клиник белгилар худди юқумли мононуклеоз касаллиги белгиларини эслатади, яъни bemорда тана ҳароратини субфибрил даражада кўтарилиши, бош оғриши, мушакларда ва бўғимларда оғрикларнинг бўлиши ҳамда енгил ич кетиш ҳолатлари кузатилади. Тери соҳаларида оч пушти рангли, юмалок ёки овал шаклида бўлган, катталиги жимжалок тирноғидек келадиган доғли тошмаларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Бу белгилар bemорлар даволанмасалар ҳам ўз-ўзидан йўқолиб кетади ва касалликнинг иккинчи босқичи бошланади.

Касалликнинг иккинчини босқичи белгисиз босқич, деб аталади ва унинг кечиши 5 ойдан 5-6 йилгача давом этиши мумкин. Бу босқичда bemорларни касалликнинг ҳеч қандай клиник белгилари

безовта килмайди, беморлар ўзларини соғлом ҳис қиласылар, шифокорларга мурожаат килишмайди. Эпидемиологик нұктаи назардан беморлар атрофдагилар учун хавф түғдирмасаларда, лекин ўз жинсий жуфтлари учун хавфли ҳисобланадилар ҳамда узоқ йиллар мобайнида касаллик манбаи бўлиб қоладилар. Шунинг учун ҳам касалликни бу босқичида бўлган фохишалар ва гемосексуалистлар атрофдагилар учун эпидемиологик жиҳатидан ўта хафли бўлиб ҳисобланадилар. Касалликнинг бу босқичида беморлар организми касалликни қўзғатувчиси бўлган вирусларга қарши антителолар ҳосил қиласи, уларнинг қондаги миқдори маълум бир даражага етганда (аноним сўровлар, профлактик ва донор текширувлари ҳамда беморлар жинсий жуфтлари сифатида текширувлар вақтида) тегишли лаборатория текширувлари орқали касалликни аниқлаш имкони бўлади.

Касалликнинг учинчи босқичи тарқалган лимфаденопатия босқичи, деб аталади. Бу босқичнинг кечиши бир неча ойлардан то уч йилгача давом этади ва переферик тери ости лимфа тугунларининг катталашиши билан намоён бўлади. ОИВ касаллигига хос бўлган лимфаденопатия ҳолати бел соҳасидан юқорида жойлашган лимфа безларининг катталашиши бўлиб ҳисобланади. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг кўрсатмасига биноан агарда бел соҳасидан юқорида жойлашган икки ва ундан ортиқ лимфа тугунларининг (қўлтиқ ости, тирсак, жағ ости, бўйин орти, бўйин олди, энса соҳалари) катталашиши кузатилса ва улар сабабсиз пайдо бўлган бўлса (сурункали сил, гаймарит, отит, тонзиллит ва бошқа инфекцион касалликлар сабабларисиз) ҳамда улар 2 ойдан ошиқ бўлган муддат давомида сақланиб турса, у ҳолда бундай белгиларни ОИВ белгиси сифатида қабул қилинади ва беморларни тегишли текширувдан ўтказилиши (қон иммунограммаси, ИФА) шарт, деб хулоса қилинади.

Касалликнинг тўртинчи босқичи ОИТС га алоқадор бўлган белгилар босқичи деб аталади, бу босқичнинг кечиши ҳам 3 йилгача давом этиши мумкин. Бу босқичга келиб ОИВ ни юқтириб олган беморларда иммун тизими қудрати сезиларли даражада тушиб кетади, шунинг учун ҳам беморларда иммун танқислиги ҳолати вужудга келади ва энди унинг асосида клиник белгилар намоён бўла бошлайди. Беморлар ўзларида ҳолсизликни сеза бошлайдилар, вақт ўтиши билан бундай ҳолат кучайиб боради, улар кўп терлайдилар,

мушак ва бўғим соҳаларида оғриқлар кузатилади, вақти-вақти билан bemorlarda йўтал хуруж қиласи, ич кетиши ҳолати кузатилади, улар озиб кетадилар, bemorlar тез-тез турли-туман вирусли, бактериал, замбуруғли касалликлар билан (кандидоз, сўгаллар, оддий учук, белбоғсимон учук, юқумли моллюскалар, эпидермофития, руброфития, чуқур сурункали кечадиган ярални пиодермитлар) хасталана бошлайдилар. Тери соҳаларида ва шиллик қаватларида турли ўсма касалликларининг ривожланиши ҳолати кузатилади, ички аъзолар томонидан кузатиладиган патологик ўзгаришлар йифиндиси натижасида bemorlar аҳволи оғирлаша бошлайди.

Касалликнинг охирги бешинчи босқичи орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС) касалликнинг охирги марраси бўлиб ҳисобланади ва у асосан ўлим билан тугайди. Бу даврга келиб иммунологик кўрсаткичлар кескин даражада пасайиб кетади, илгари пайдо бўлган ва ривожланган касалликлар белгилари зўрайиб, bemorlarни ҳолдан тойдиради, улар организмида касалликдан заарланмаган бирорта аъзолари қолмайди, натижада bemorlar аҳволи оғирлашади, уларда кузатиладиган касалликнинг клиник белгилари ранг-баранглиги билан ажралиб туради, яъни бир қолип кўринишида бўлмайди.

Клиник турлари. ОИТС касаллигининг клиник белгиларини шартли равишда тўрт гурухга, яъни ўпка, неврологик, ошқозон-ичак ва иситма билан ўтадиган турларга бўлиб ўрганилади.

Касалликни ўпка турида bemorlarни зотилжам касаллигининг клиник белгилари кўпроқ безовта қиласи, уларнинг тана ҳарорати $38-42^{\circ}\text{C}$ даражага кўтарилиб, йўтал, нафас қисиши, кўкрак соҳасида оғриқлар безовта қиласи, вақт ўтиши билан bemorlar тезда озиб кетадилар, уларнинг умумий аҳволлари оғирлаша бошлайди. Баъзи bemorlarда қисқа муддатли аҳволлари яхшиланиши ҳолати кузатилади, лекин касалликнинг навбатдаги қўзғалиши олдингисидан кўра оғирроқ ўтади. Ҳозирги кунда bemorlarда ўпка яллиғланишига олиб келиши мумкин булган 170 дан ортиқ микроорганизмлар аниқланган бўлиб, улардан 65-70% ни пневмоцистлар ташкил этади, шунинг учун ҳам касалликнинг бу турини «Пневмоцистли пневмония» деб аталади. Баъзи ҳолларда ўпканинг яллиғланиши ҳолати Капоши саркомасининг ўпка тури билан биргаликда кечади.

ОИВ касаллигининг ҳар қандай босқичларида ҳам асаб тизими томонидан у ёки бу даражада ўзгаришларни кузатиш мумкин, касалликни ОИТС босқичида эса бу ўзгаришлар янада кучайган ҳолда намоён бўлади, баъзида эса беморларни ўлим ҳолатига олиб келадиган асосий сабаблар бўлиб ҳисобланади. Бунга сабаб ОИВ асаб ҳужайраларини тўғидан-тўғри заарлайди, шунинг учун ҳам bemorлардан олинган биопсия тўқималари текшириб кўрилганда 90-95% ҳолларда асаб ҳужайраларида у ёки бу даражадаги ўзгаришлар аниқланади. ОИВ тўғидан-тўғри мия асаб тўқималарининг морфологиясига салбий таъсири кўрсатиши натижасида 60% га яқин bemorларда деменция ҳолати белгиларини кузатиш мумкин бўлади. Деменция ҳолати кузатилган bemorларда бош мия томография қилиб кўрилганда мия тўқималарининг тарқалган кўринишдаги атрофияси аниқланади. Беморларда асаб тизимининг заарланиши клиник белгилари ранг-баранг кўринишларда (менингит, энцефалит, энцефалопатия, миелопатия, миянинг ўчоқли заарланиши, парез, орқа миянинг заарланиши ҳисобига атаксия, полимиозит) намоён бўлади. Бу ўзгаришларнинг келиб чиқишига турли оппортунистик инфекциялар (токсоплазмоз, криптококкоз, гистоплазмоз, микобактериоз, герпетик ёки цитомегаловирус) ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Касалликнинг ошқозон-ичак турида bemorларни асосан тез-тез қайталаниб турувчи ва клиник жиҳатдан кучайиб борувчи ич кетиши (диарея) ҳолати безовта қиласи, натижада bemorлар қисқа муддат ичидан озиб кетадилар, уларда интоксикация ва сувсизланиш белгилари кундан-кунга ортиб боради. Ич кетиш ҳолати сувсимон бўлиб, кунига 8-10 ва ундан кўп марта такрорланиб туради, натижада шу йўл билан bemorлар кунига 10-15 литргача суюқлик йўқотадилар. Баъзида bemorлар ахлати йирингли, шишимшиқ ва қон аралашган бўлиб, ундан қўланса ҳид келиб туради. Касалликнинг кечиши давомида ошқозон ва ичакларда яралар пайдо бўлиши, ошқозон-ичак йўлларидан қон кетиши кузатилади, гепатит, холецистит каби ҳолатларнинг ривожланиши қайд этилади, bemorларни ичаклар бўйлаб кучли сиқиб оғришлар безовта қиласи. Диарея ҳолатининг келиб чиқишига ичакда бўладиган мислсиз дисбактериози ҳолати (кокцидиялар, лямблиялар, шигеллалар, салмонеллалар, микобактерия ҳисобидан) сабабчи бўлади, бундай ўзгаришлар турли ичак ўсма касалликлари, асосан Капоши саркомаси ҳисобига янада оғирлашиши мумкин.

ОИТС ни истма турининг кечишида беморларни узоқ вақт давом этадиган тана ҳароратининг кўтарилиши ҳолати безовта қиласди. Беморлар тана ҳарорати $37\text{-}42^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади, натижада уларда тинканинг қуриши, озиб кетиш ҳолатлари кузатилади. Бу белгилар вақт ўтган сари оғирлашиб боради. Ҳозирги кунда bemорларда узоқ давом этадиган иситманинг кўтарилиши сабаби маълум эмас, лекин бунга атипик ҳужайраларнинг парчаланиши сабаб бўлиши мумкин, деган фикрлар мавжуд, чунки ОИТС bemорлари организмида етарлича атипик ҳужайралар мавжуд бўлиб, уларнинг парчаланиши жараёнида кўплаб пироген моддалари ажралиб чиқади, бу эса ўз навбатида bemорлар тана ҳароратини муттасил равища гипертермия ҳолатида ушлаб туриши мумкин.

Юқорида қайд этилган ОИТС касаллигининг босқичма-босқич кечиши шартли бўлиб, ҳар бир bemорда индивидуал ўтиши мумкин. Айрим bemорларда касалликнинг баъзи босқичлари тушиб қолиши ёки касаллик тўғридан-тўғри охирги босқич, яъни ОИТС босқичидан ҳам бошланиши мумкин. ОИТС ни клиник шакллари ҳам шартли бўлиб кўпчилик bemорларда бу белгилар биргаликда келади ва bemорлар умумий аҳволларини янада оғирлаштиради.

ОИВ bemорларнинг ёши, турли ички ва ташқи омиллар таъсиридан, яшаш шароитларидан келиб чиқсан ҳолда турлича кечиши мумкин. Касалликни юқтириб олган bemор болалар ўртacha 8-9 йил умр кўришади. Болаларда ОИВ касаллиги уч хил тезлик кўринишларида, яъни ўрта тезликда, секин ва жуда тез кўринишларда кечиши билан ажралиб туради. Касалликни ўрта тезликда кечиши 60-75% bemор болаларда кузатилади. Касалликнинг бундай кечишида bemор болаларда касалликнинг клиник белгилари секин-аста ойлар, йиллар мобайнида зўрайиб боради ва bemорлар ўртacha 5-6 йил умр кўришлари мумкин. Иккинчи гуруҳга 5-10% bemор болалар кириб, уларда касаллик жуда секинлик билан ривожланади, натижада бундай bemор болалар бир неча ўн йиллаб умр кўришади. Учинчи гуруҳ bemор болаларда касалликнинг клиник кўринишлари жуда тез ривожланиб, бир неча ойлар ичida уларнинг ҳаёти ўлим билан тугайди, бундай bemор болалар умумий bemорларнинг 20% ни ташкил қиласди.

ОИТС да тери ва шиллиқ қаватларнинг заарланиши. Юқорида қайд этиб ўтилганидек ОИВ касаллиги секинлик билан bemорлар организмнинг барча тўқима ва аъзоларини заарлайди ва

бу турли-туман касалликнинг клиник белгилари кўринишида намоён булади. Касаллик тери ва шиллиқ қаватларда ҳам ўзига хос ўзгаришларга олиб келиши мумкин, лекин бу ўзгаришлар ҳозирга қадар атрофлича тўлиқ ўрганилмаган. Браун-Фалко (1994) маълумотларига караганда ОИВ касаллигининг дастлабки босқичларида bemорларда ўртача 2,5 та дерматологик белгиларни учратиш мумкин, касалликнинг кечки босқичларида эса бу кўрсаткич 3,7 тага ортади. Касалликни дастлабки босқичларида касаллик белгилари тери соҳаларида вақти-вақти билан кўпайиб, йўқолиб туради, лекин касаллик кечиши муддатининг ортиб бориши билан унинг белгилари кучайиб боради, тарқоқ тус олади натижада касалликнинг охирги босқичи ОИТС босқичида эса жараён кескин авж олиб, тери касалликларини атипик кўринишларда, оғир кечишига сабаб бўлади. Баъзи ҳолларда эса бу касалликлар bemорларни ўлимга олиб келадиган асосий сабаб бўлиши ҳам мумкин.

ОИВ юқтириб олган инсонларда тери ва шиллиқ қаватларда кузатиладиган ўзгаришлар турлича кўринишларда намоён бўлади. ИТВ касаллигига дучор бўлган bemорларда, айниқса, унинг охирги даврларида тери ва шиллиқ қаватларда турли-туман ўсма касалликлари белгилари (Капоши саркомаси, лимфомалар, карциономалар, Бэркие ўсмаси) пайдо бўлади. Ушбу ўсма касалликлари белгилари сон жиҳатидан турли-туман бўлиб, уларнинг клиник турлари касалликнинг оғир-енгиллигини белгилайди. Улар орасида Капоши саркомаси касаллиги алоҳида ўрин тутади. Маълумки, ёши кексайган, организмининг иммун тизими қуввати пасайган инсонларда Капоши саркомаси илгари ҳам учраб турган, бироқ ИТВ касаллигига дучор бўлган bemорларда мазкур дарднинг ўзига хос кўринишда кечиши маълум бўлди. ИТВ билан хасталангандарда Капоши саркомаси асосан ёшларда, ҳали 30-35 га кирмаган bemорларда кузатилади, касаллик белгилари bemорлар танасининг барча жойларида, кўпинча қўл-оёқ, жинсий аъзолар ва ички аъзоларни зарарлайди, тугунли тошмалар сони кўп, қаттиқ консистенцияларда бўлиб, тезда яраларга айланади, ўスマлар оғиз ва қорин бўшликларида ҳам учраши мумкин, жараён оғир кечади, нур билан даволаш усуслари bemорлар аҳволини оғирлаштиради, жараён тез орада асосан лимфа тугунларига ва ички аъзоларга тарқалишга мойил бўлади, касаллик белгилари болаларда, ҳатто гўдакларда ҳам

учрайди ва оқибатда ўлим билан тугайди, тери соҳаларидаги тошмалар ярим шар шаклларида, қизгиш-жигарранг ёки қизғишиёнранг, қаттиқ-эластик тугунча, дўмбоқча ва тугунлар кўринишида бўлади улар асосан тананинг устки ярмида кўпроқ жойлашадилар. Тошмаларнинг оғиз шиллиқ қаватларида учраши 30% дан ортиқ bemорларда кузатилади, асосан улар юмшоқ танглай, баъзан эса тил ва милк соҳаларида жойлашади.

ОИВ юқсан bemорларда терининг турли юқумли касалликлари, жумладан, терининг вирусли касалликлари (оддий учук, белбоғсимон учук, сўгаллар, юқумли моллюскалар, шиллиқ қаватлар папилломалари, Капоши экземаси), терининг сурункали йирингли касалликлари (фолликулитлар, фурункулёз, карбонкул, сурункали яраги пиодермиялар) ҳамда терининг замбуруғли касалликларининг (кандинозлар, аспергиллез, криптококкоз, токсоплазмоз) учраши ҳолатилари қайд этилади. Ушбу гуруҳ касалликларини ОИВ bemорларда ўзига хос кўринишларда кечиши ҳолати кузатилади. ОИВ касаллигининг кечишида терининг носпецифик касалликлари бўлмиш эмлашдан сўнг пайдо бўладиган экзема касаллиги, тери қичишиши, атопик дерматит, эшакем ва қичима касалликларининг учраши ҳолатлари ҳам қайд этилади. ОИВ юқсан bemорларда юқорида санаб ўтилган касалликлар қўп учрайди ва улар ўзига хос кўринишларда кечади (тарқоқ, катта ҳажмларда ўчоқлар кўринишларида, чукур, асоратли, давомий ва салбий шикоятларнинг кўринарли бўлиши, даволаш чораларига қийин берилувчан, торpid кўринишларда) ва уларга хос бўлган белгиларига қараб ОИТС га шубҳа қилинади ва тегишли текширувлар ўтказилади.

ОИВ юқтирган bemорларда оддий учук касаллигининг учраши ҳолати 33% дан ортиқ ҳолатларда кузатилиб, асосан касаллик белгилари табиий тешиклар соҳаларидан ташқари (оғиз, бурун тешиклари атрофи, аногенетал соҳалари) қўл, оёқ, елка тери соҳаларida, бошнинг сочли қисмларида, оғиз шиллиқ қаватларида қўплаб пайдо бўлади ва касалликнинг пуфакчали тошмалари қизариб шишган тери сатхиларида жойлашади. Тошмалар тўда-тўда пуфакчалар кўринишларида бўлиб, мош, нўхат баъзида эса ундан ҳам катта ҳажмларда бўлиши мумкин. Ўчоқларда жараён қўп ҳолларда иккиламчи инфекциялар билан асоратланади, оқибатда касалликнинг янада тарқоқ ва оғир ўтишига сабаб булади. Пуфакчали тошмалар ёрилган жойларда эрозиялар, сўнг яралар

пайдо бўлиб, улар оғриқлар билан кечади. Эрозиялар юзасидан муҳр услубида суртма таёrlаб микроскоп остида кўрилганида Тцанк хужайраларини топиш мумкин. Оғиз атрофидаги эрозияли ва ярали юзалар бир-бири билан қўшилиб катта юзаларни ҳосил қиласди ва улар қалин, серозли-йирингли қора қўтириб қобиғлар билан қопланади. Худди шундай тошмалар аногенетал соҳаларда ҳам учрайди, эрозиялар, яралар туби ва четлари нотекис ва оғриқли бўлади. Баъзи bemорларда ички аъзоларнинг вирусли заарланиши ҳолатини ҳам кузатиш мумкин. Ушбу касалликни даволаш кутилган натижалар бермайди, касаллик ойлаб давом этиши мумкин ва қисқа муддатлар ичида сабабсиз яна қайталанади, баъзида эса касаллик умуман ремиссия ҳолатисиз кечади.

ОИВ юқтирган bemорларда белбоғсимон учук касаллиги даставвал биргина нерв сигментини, кейинчалик эса бир нечта нерв сигментларининг заарланиши кўринишида кечади. Бундай ҳолатларда жараёнга кундан-кун янги сегментлар қўшилиб, заарланган тери соҳалари ҳажми кенгайиб боради, натижада касаллик кучли оғриқлар кўринишида кечади. Кўпинча bemорларда белбоғсимон учук касаллигининг қайталаниши ҳолати қайд этилади, иммун тизими сезиларли даражада пасайиб кетган bemорларда эса касалликнинг некротик ёки бошқа асоратланган кўринишилардаги клиник шакллари ривожланиб боради, охир-оқибатда эса бунда ҳолат bemорлар ўлимига ҳам сабаб бўлади. Белбоғсимон учук касаллигини bemорларда қайталаниш кўринишида кечиши касалликни охирги ОИТС босқичига ўтганлигидан далолат беради.

ОИВ ни юқтирган bemорларда сўгал касаллиги тошмалари бутун бадан тери соҳалари бўйлаб тарқоқ кўринишиларда, асосан қўл, оёқ бармоқлари тери юзаларида, юз соҳаларида кўп микдорда ва зич ҳолатларда жойлашади. Тугунчали тошмалар ҳажми мош ва нўхат катталигига ва ундан ҳам катта ҳажмда бўлиб, улар бир-бирлари билан қўшилишга мойил бўладилар. Оғиз ва анагенетал соҳаларда эса ўткир учли гипертрофик папулалар кўринишида намоён бўлади ва кўп ҳолатларда улар иккиламчи инфекциялар билан асоратланадилар, натижада bemорларда ноқулайлик ҳисси (дискамфоркт) юзага келади. Бундай ҳолларда тошмалар жарроҳлик йўллари орқали олиб ташланади, ёки паст частотали электр токлари ёрдамида (электрокагуляция) куйдирилиб даволанади.

Юкумли моллюска касаллиги ОИВ касаллигининг белгиси сифатида катталарда кўпроқ анагенитал соҳаларда жойлашади. Вақт ўтиши билан папулали тошмалар ҳажми катталаша бошлайди ва бир-бирлари билан қўшилиб катта ўчоқларни ҳосил қиласди. Улар қандай йўл билан олиб ташланмасин қайтадан янги тошмалар тарзida пайдо бўлаверади ва кўпинча йирингли асоратлар қолдиради.

Цитомегаловирус ОИВ касаллигига ички аъзолар ва тўқималарни заарлайдиган асосий инфекциялардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу инфекция тери ва шиллик қаватларда камдан-кам ҳолатларда ўзгаришларни келтириб чакиради, агарда ушбу соҳаларда ўзгаришлар кузатилса, у ҳолда улар петихия, пурпурা ва везикуло-буллёз каби тошмалар сифатида намоён бўлади. Тошмаларнинг тошиш жойлари, сони, тарқоқлиги турлича кўринишларда бўлиши мумкин. Цитомегаловирус инфекцияси орқали тери соҳаларининг заарланиши ва уни ошқозон-ичак тизимидағи ўзгаришлар билан, шу жумладан, диарея ҳолати билан бирга кечиши касалликнинг хавфли кўринишларда кечишидан далолат беради.

ОИВ юқтирган bemорларда терининг замбуруғли касалликлари кечиши ҳолатини билиш ва талқин этиш катта аҳамият касб этади. ОИВ касаллиги билан хасталанган bemорларда асосан кандидоз, эпидермофития, руброфития ва ранг-баранг темиратки каби терининг замбуруғли касалликлари бошқа замбуруғли касалликларга нисбатан кўп учрайди. Касалликнинг кечки босқичларида барча юқорида қайд этилган дерматомикозлар атрофга тез тарқалишга, бир-бирлари билан қўшилишиб турли шакллардаги катта ўчоқларни ҳосил килишга мойил бўлиши билан ажралиб туради. Баъзи bemорларда бир пайтнинг ўзида бир нечта замбуруғли касалликларнинг биргаликда учраши ҳолати кузатилиши мумкин. Бундай ҳолатларда кўпинча тирноқларнинг ҳам заарланиши кайд килинади. Бундай bemорларни даволаш жараёнида системли фунгицид дори воситаларининг қўлланилиши хар доим ҳам ижобий натижалар бермайди.

Руброфития касаллигининг кечиши одатда учрамайдиган тарзда, яъни кўп шаклли экссудатив эритема, себореяли дерматит ёки оёқ ҳамда қўл кафтлари кератодермиялари кўринишларида намоён бўлиши мумкин. Руброфития касаллигини силлиқ тери соҳалари бўйлаб тезда тарқалиши ҳолати ва намоён бўлиши кўпинча

себореяли дерматит касаллигини эслатади. Касалликка ташхис қўйилишида касаллик белгиларининг оёқ панжалари соҳаларидан бошланганлиги ва юқорига қараб тарқалганлиги ҳолатига этибор бериш лозим. Якуний клиник ташхис албатта тегишли лаборатория тахлиллари ўтказилганидан кейин қўйилади.

Ранг-баранг темиратки касаллигининг доғли тошмалари ОИВ юқтирган bemорларда уларни бутун бадан тери соҳалари бўйлаб кенг тарқалган кўринишларда бўлади. Тошмаларнинг нафақат бўйин, кўкрак тери соҳаларида, балки оёқ тери соҳаларида ҳам учраши ҳолати қайд этилади, уларнинг катталиги 5 тийинлик танга ҳажмидек ёки ундан ҳам катта бўлиб, бир-бирлари билан қўшилишга мойил бўлиши ҳолати кузатилади, ўчоқларда енгил яллиғланиш белгилари пайдо бўлади, комплекс даво чоралари ўтказилиши узоқ вақт давом этади. Касаллик кўп ҳолларда қайта хуруж қиласди. Бундай ҳолатларда ОИВ ни ўтказиб юбормаслик учун перефериқ лимфа тугунлари пайпаслаб кўрилади, агарда уларни катталашганлиги аниқланса, ундей ҳолатларда bemорлар қони ИФА ёрдамида ОИВ га текширилади.

Тери ва ва шиллик қаватлар кандидози касаллиги ОИВ юқтириб олган bemорларда жадаллик билан ривожланади, касалликни кўпроқ эркак жинсига мансуб ёшлар орасида учраши ҳолати қайд этилади. Касаллик ўчоқларининг кўпинча оғиз шиллик қаватлари, аногенитал соҳаларда учраши ҳолати кузатилади, улар бир-бирлари билан қўшилишга, узоқ вақт мобайнида битмайдиган эрозия ва яраларга айланишга мойил бўлади, ўчоқларда кучли оғриқлар пайдо бўлади. Оғиз шиллик қавати соҳаларидан жараён томоқ ва қизилўнгач шиллик қаватларигача тарқалиб, bemорларда ютиниш ҳолатини қийинлаштиради ва кўкрак орти соҳаларида оғриқлар пайдо бўлишига сабабчи бўлади. Кўп bemорларда оғиз атрофида, чов соҳаларида ва тирноқларда кандидозли касалликка хос бўлган ўзгаришлар кузатилади, баъзида эса бундай ўзгаришлар ички аъзолар (висцерал) кандидози билан бирга учрайди. Касалликнинг бундай кўринишларда кечиши кўпгина bemорларда тана ҳароратининг субфибрил кўринишларда кўтарилишига, енгил диспепсия ҳолатларига олиб келади, натижада bemорларда озиб кетиш ҳолати кузатилади.

ОИВ юқтирган bemорларда бактериал касалликлар асосан тери ва шиллик қаватларнинг стафилакоккли ва стрептококкли касаллик-

лари кўринишида кечиб, улар фолликулитлар, фрункуллар, карбонкуллар, флегмоналар, абецесслар ва сурункали ярали пиодермитлар кўринишида намоён бўлади. Вақт ўтиши билан ушбу касалликлар белгиларини тери соҳалари бўйлаб тарқалиши, чуқурлашиши ҳолати кузатилади, натижада bemорларнинг умумий аҳволи оғирлашиб боради. Бундай ҳолатларда пиодермия касаллигининг аралаш, чуқур клиник шаклларининг ривожланиши ҳолати кузатилади. Беморларда перефериқ лимфа тугунлари катталашади, доимий субфебрил ҳарорат кузатилади, иштаҳанинг пасайиши, озиб кетиш, яъни каҳексия ҳолатлари ривожланади, bemорларда психосоматик ўзгаришлар пайдо бўлади. Тавсия этилган комплекс даво чоралари (антибиотиклар, иммуностимулаторлар, поливитаминалар, қон ва қон препратлари, специфик иммуностимулаторлар) узоқ вақтдан сўнг вақтинчалик натижалар беради. Бир неча ойлардан кейин касалликни яна қайта хуруж қилиши ҳолатлари кузатилади, охироқибатда bemорлар ҳаёти ўлим билан тугайди.

ОИВ юқтирган bemорларга жинсий алоқалар орқали юқадиган касалликлар (ЖАОЮК) юққанида, бу касалликларнинг кечишида ўзига хос хусусиятлар кузатилади. Ушбу касалликлар орасида захм касаллигининг ўзига хос ўрни бор. Жумладан, захм касаллиги юққанда касаллик инкубацион даврининг икки ҳафтагача қисқариши, қаттиқ шанкрнинг кўпинча ярали кўринишларда намоён бўлиши, ҳажмининг катта бўлиши, сонининг бир нечтагача бўлиши, иккиламчи инфекциялар билан асоратланиши ҳолатлари кузатилади. Бундан ташқари қаттиқ шанкрнинг битиши ҳолатининг бир неча ойларгача чўзилиб кетиши кузатилади ёки яра битиб улгурмасданоқ иккиламчи захм даври белгилари пайдо бўлади. Захмнинг иккиламчи даври ОИВ юқтирган bemорларда кўплаб катта ҳажмдаги папулали ва пустулали тошмаларнинг пайдо бўлиши тарзида намоён бўлади, жараён қўл ва оёқ кафтлари соҳаларини кўпроқ заарланиши билан кечади, баъзи bemорларда эса захм кератодермиялари ҳам ривожланиши ҳолати кузатилади. Аногенитал соҳаларда кўпинча тошмалар бир-бирлари қўшилишга мойил бўлиб, кенг кондиломаларни ҳосил қиласидилар. Кўлтиқ ости ва қўл кафти соҳаларида гиперпигментланган доғли тошмалар кузатилади. Bеморларга захмга қарши тўлик даво чоралари белгиланганлигига қарамасдан кучайиб бораётган иммун тизими танқислиги сабабли bemорларда қисқа

вактда ичида асаб тизими захми (нейрозахм) белгилари юзага келади.

Терининг паразитар касалликлари ичида ОИВ юқтирган беморларда, асосан қўтирилган касаллигининг учраши ҳолати кўпроқ қайд этилади. Бундай беморларда қўтирилган касаллиги атипик кўринишларда кечади, яъни касаллик тошмалари кўп сонли, катта ҳажмларда бўлиб, асосан тери бурмалари, тизза, тирсак соҳалари юзаларида қалин, қора қутирилган қобиғлар билан қопланган папулали ва пустулали тошмаларнинг жойлашиши билан намоён бўлади. Тошмалар кун сайин кўпайиб боради ва улар иккиламчи инфекциялар билан асоратланадилар, жараён беморларда қаттиқ қичишиш ҳолати билан кечади.

ОИВ инфекциясини касалликнинг турли босқичларида аниқлаш осон вазифа эмас, шунинг учун ҳам шифокорлар касалликнинг ҳар бир босқичини клиник ва лаборатор диагностик белгиларидан хабардор бўлишлари лозим. Касаллик бугунги кунга келиб кишилик жамиятининг ҳар бир бўғимиға кириб бораётганлиги натижасида йилдан-йилга беморлар сонининг ортиб бориши ҳолати давом этмоқда. Бундан ташқари касалликнинг клиник белгиларини рангбаранглиги ва бир қолипга тушмаслиги ҳолати бундай беморларни турли соҳа шифокор мутахассисларига мурожаат килишларига олиб келади, шунинг учун ҳам ҳар бир шифокор қаерда ва кандай йўналишда ишлашидан қатъий назар ОИТС ҳақида етарлича назарий ва амалий билимларга эга бўлиши шарт.

ОИВ инфекцияси ташхисоти дастури З та асосий бўлимни, яъни касалликнинг тарихи, касалликнинг клиник белгилари таҳлили ва текшириш услубларини ўз ичига олади. Касаллик тарихи бўлими ўрганилаётганда шубҳа қилинаётган беморларни журъат гурухига мансублиги (фоҳиша, бесоқолбоз, гиёҳванд, гемофилия кассаллигининг мавжудлиги, ҳар хил инсонлар билан тартибсиз жинсий алоқаларда бўлиш, ОИВ кенг тарқалган мамлакатларда узоқ муддатли сафарларда бўлганлиги, турли сабаблар билан қон ёки қон препаратларини қабул қилганлиги) ҳолатлари назарда тутилади ва таҳлил этилади. Касалликнинг клиник белгиларини таҳлил қилиш бўлимида эса касаллик қандай кўринишларда намоён бўлмасин, уларнинг барчасида ОИВ га шубҳа тутдирувчи ўзига хос бўлган умумлаштирувчи томонлари мавжуд бўлади. Буларга касаллик белгиларининг кучайиб бориши, беморлар умумий ахволларининг

оғирлашуви, турли касаллик белгиларининг биргалиқда келиши, даво чораларининг самара бермаслиги ҳолатлари киради. Мутахассис шифокор узоқ муддат давом этиб келаётган лимфоаденопатия ҳолатига, сабабсиз давом этиб келаётган тана ҳароратининг кўтарилишига, bemорларни кундан-кунга озиб боришларига, уларда сурункали ич кетиши ҳолатлари, оғир зотилжам касалликларининг кузатилишига, оғирлашиб борувчи марказий асаб тизими касалликларининг кузатилишига ва ёш йигит-қизларда турли ўсма касалликларининг (жумладан, Капоши саркомаси) нинг учраши ҳолатларига катта эътибор қаратишлари лозим ва бундай bemорлар албатта ОИВ га текширилиши керак.

Ташхисоти. Текшириш услублари бўлимида ОИВ касаллиги ташхисининг тасдиқланиши барча ижтимоий касалликлар сингари лаборатория текширувлари орқали амалга оширилади. Шу мақсадда касаликнинг турли босқичларида қўйидаги текширувлар амалга оширилади:

а) қон иммунограммаси текшируви. Бунда ёрдамчи лимфоцит ҳужайралар (хелперлар) сони кескин камайиб кетади, бироқ лимфоцитларнинг умумий сони меъёрий чегарада бўлиши мумкин. Лимфоцитлар умумий сонининг камайиши (лимфоцитопения) касаликнинг муддати ортиши билан кузатилади. Бунда лимфоцитларнинг 1 мл қондаги сони 500 тагача камайиши мумкин (бундай ҳолат соғлом кишиларда 1200-1700 донача бўлади). Маълумки, Т-хелперлар сонининг Т-супрессорларга нисбати меъёрда (иммунитетни тартибга соловчи кўрсаткич) 1,8-2,4 га teng бўлиб, ОИВ юқтириб олган bemорларда эса бу кўрсаткич аста-секин 0,2-0,4 гача тушиб қолади.

б). ОИВ га оммавий текширувларда иммунофермент анализи (ИФА) усули кенг қўлланилиб, етарли даражада сезгир серологик таҳлил усули ҳисобланади (1 мл қон таркибида бир молекула қарши танача бўлганда ҳам ушбу жараён мусбат натижада беради). Иммунофермент усули ОИТС га чалинган bemорларнинг 82% да ижобий, 16% да тахминий, 2% ида манфий натижалар беради, шунга қарамасдан бу усул барча шубҳа қилинган bemорларда ўтказилади ва мусбат натижалар чиққан ҳолатларда эса кейинги текшириш усуллари ўтказилади.

в) иммуноблотинг усули ОИВ юқтирган bemорлар ва ОИТС bemорлари учун ўта хос (специфик) бўлган текшириш усули бўлиб

ҳисобланади, бу текшириш усули натижаларининг мусбат чиқиши, текширилаётган шахсда ОИВ борлигидан далолат беради. ИФА жараёни мусбат натижалар берган шахсларгагина қўйилади, чунки уни оммавий текширувларда қўллаш жуда қимматга тушади ва фақатгина маҳсус лабораторияларда, марказлаштирилган ҳолатларда, кўрсатмаларга биноан ўтказилади;

г) қўп занжирли текшириш усули (ПЦР-полимеразная цепная реакция) ҳам ОИВ учун хос жараён ҳисобланиб, касаллик ташхисини вирус ДНКси даражасида тасдиқлайди. Ушбу жараён ҳам кўрсатмаларга биноан маҳсус лабораторияларда қўйилади.

д) вирус идентификацияси усули ОИТС марказида ўтказилади ва беморлар қонидан ёки организмдан ажralаётган бошқа суюқликлардан ОИВ ни топишга қаратилган текшириш усули бўлиб ҳисобланади.

Ретровирусларга нисбатан ҳосил бўладиган қарши танаchalар касаллик юққандан сўнг асосан 6-8 ҳафта ўтгач қонда пайдо бўлади, лекин бу жараён 3-6 ойларгача чўзилиши мумкин. Шу сабабли шубҳа қилинаётган шахсларда ИФА усули манфий натижалар берса ҳам касаллик юқмаган, деган хulosага келиш хато ҳисобланади, яъни бундай ҳолатларда қарши танаchalар етарли миқдорда ҳосил бўлиб улгурмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ИФА усулини 2 марта 3 ой фарқ билан қўллаш лозим. Ҳозирги пайтда республикамиизда иш олиб бораётган барча ОИТС лабораторияларида аҳоли орасида ВИЧ касаллигини аниқлаш учун ИФА усули қўлланилади. Айниқса, захмга дучор бўлган ҳомиладор аёллар, қон берувчи донорлар, гиёҳвандлар, силга учраган беморлар, таносил касаллигига чалинган беморлар ва алоҳида ижтимоий табақага кирувчи шахсларга тушунтириш ишларини олиб бориб, ОИВ га уларнинг розилиги билан текширилиши лозим.

Давоси. Ҳозирги кунда бу касалликни самарали даволаш усуллари йўқ. Касалликка қарши олиб бориладиган даво чоралари қанча эрта бошланса, у шунча самарали бўлади, яъни беморлар ўн йиллаб яшаш имконига эга бўлади, бундан ташқари шундай беморлар орқали касаллик тарқалиши ҳолатининг олди олинади. Қўлланилаётган даво чоралари касалликни бир босқичидан иккинчисига ўтиш муддатини анча сусайтиради. ОИВ юқтирган ёки ОИТС беморларини замонавий даволаш ва қўриладиган чораларни шартли равищада этиологик (касалликни қўзғатувчисига қарши),

патогенетик (бузилган иммунитетни коррекция қилишга қаратилган чоралар) ва симптоматик (оппортунист инфекцияларга ва неопластик жароёнларга қаратилан) гурухларга бўлиш мумкин. Биринчи гурухга асосан вирусларга қарши замонавий антибиотикларнинг қўлланилиши (рибаверин, ацикловир, азидотимидин, фоскарнет, интерферон ва унинг индукторлари) киради. Антибиотиклар касаллик босқичи, клиник шаклини ҳисобга олган ҳолда ОИТС маркази томонидан ишлаб чиқилган маҳсус схемалар бўйича bemорларга берилади. Иккинчи гурухга турли иммуно-модуляторлар ва иммуностимуляторлар (левомизол, изопринозин, тимозин, тимопентин, импрег, индометацин, циклоспорин А, интерферон ва унинг индукторлари, тактивин, тимоцитлар, суяк кўмиги, тимус фрагментлари ва х.о.) киради. Симптоматик даво оппортунист инфекцияларнинг турига мос равишда, кенг таъсир қилувчи антибиотиклар, антимикотиклар, цитостатикларни бошқа услублар билан биргаликда ўтказилади. Комплекс олиб бориладиган даво натижаларида касалликнинг клиник белгилари камаяди, bemорларнинг умумий аҳволларида сезиларли ижобий силжишлар кузатилади.

Демак, бугунги кунда ОИТС ни мукаммал даволаш чоралари йўқ экан, унинг олдини олиш чораларини кучайтириш зарур. Бу мақсадда барча ўрта ва олий таълим муассасалари ўқув режаларига жинсий йўллар орқали юқадиган касалликлар, уларнинг оқибати ва олдини олиш йўллари ҳақида ўқув соатлари ажратилиши, касаллик ҳақидаги маълумотларни умумий тарғибот воситалари (телевидение, радио, рўзномалар) орқали тушунтириб бериш ва олиб бориш лозим, бу йўналишда тиббий ёрдам қўламини ошириш касалликка вақтида тўғри ташхис қўйиш ва аниқлаш мақсадида аноним текшириш муассасалари сонини ва иш сифатини ошириш ҳамда тўғри турмуш тарзини тарғиб қилиш лозим. Юқорида кўрсатилган омилларни мамлакат миқёсида мукаммал равишда амалга ошириш нафақат ОИТС касаллиги, балки барча жинсий алоқалар орқали юқадиган касалликлар сонининг кескин камайишига олиб келади.

БОЛАЛАРДА ТЕРИ ВА ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАР БИЛАН КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ТАШКИЛИЙ ИШЛАР

Мамлакатимизда болалар соғлигини сақлаш ва тарбиялаш давлат даражасидаги асосий вазифа қилиб белгилаб қўйилган. Соғломлаштириш тадбирларининг ўтказилишида диспансер хизмати мухим ўринни эгаллайди. Болалар дерматовенерологи томонидан бемор болаларга кўрсатиладиган ёрдам уларнинг ёшига мос равишда анатомо-физиологик ҳолатларини инобатга олган ҳолда белгилаб берилади. Бемор болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат асосан болалар маслаҳатхоналарида, поликлиника ёки тери-таносил диспансерлари шароитларида кўрсатилади. Болалар дерматовенерологлари томонидан кўрсатиладиган даволаш ва профилактик чоралар акушер-гинеколог, педиатр, инфекционист, диетолог ва бошқа мутахассис шифокорлар ёрдамида комплекс ҳолда олиб борилади.

Диспансер шароитида тери касалликлари билан хасталангандан бемор болаларга кўрсатиладиган ташкилий ва даволаш-профилактик чоралар қуидагилардан иборат бўлади: bemor болаларни ҳар тарафлама клиник-лаборатор усуслар орқали теширувлардан ўтказиш; йўлдош касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни даволаш мақсадида бошқа мутахассис тиббий ходимларни жалб этиш; замонавий даво усусларининг ўтказилиши билан бир вақтда уларга қўшимча равишда физиотерапия, диетотерапия, санатор-курорт даволаш усусларини кўллаш; bemor болаларни майший яшаш шароитларини нафакат уй, балки мактабгача бўлган муассасаларда ва мактабларда ўрганиш лозим; клиник жиҳатидан касалликдан тузалган bemor болаларга диспансер шароитларида уларни қайталанишига қарши даво чораларини, профилактик ва реабилитация тадбирларини амалга ошириш лозим. Болалар дерматологи томонидан диспансеризация қилиниши лозим бўлган bemor болалар биринчи ойларидан бошлаб ўтказиладиган профилактик кўрувлар вақтида аниқланади, бу билан эса касалликларнинг сурункали кечиши ҳолатларининг олди олинади.

Шу мақсадда тери-таносил диспансерлари, аёллар маслаҳатхоналари ва болалар консультациялар тизими асосида умумлаштирилган диспансеризация усули олиб борилади. Оналар ва болалар саломатлигини сақлаш муассасалари билан тери-таносил касалликлари диспансерлари ўртасида узвий боғлиқликда олиб бориладиган ишлар нафакат атопик дерматит, псoriasis, экзема каби сурункали дерматозларни олдини олишда ва даволашда, балки ирсий тери касалликларини ҳам олдини олишда мухим ахамият касб этади.

Диспансер шароитида болалар дерматовенерологарининг яна мухим вазифаларидан бири юқумли тери касалликлари ва венерик касалликлари билан курашиш ҳисобланади. Беморларни рўйхатга олиш албатта шошилинч ахборот варағини тўлдириш орқали амалга оширилади. Албатта статистик рўйхатга микроспория, трихофития, фавус, қўтирилган, чақолоқлик даври пиодермияси, тери силининг барча турлари, бирламчи захм (серонегатив, серопозитив, яширин), иккиласмачи захм (янги, рецидив, латент), учламчи захм (фаол ва яширин), кўкрак эмиш даври туғма захми, эрта ва кеч туғма захм, висцерал захм, асаб тизими захми (эрта нейрозахм, орқа мия куриши ва прогрессив шоллик ҳолатларини аниқлаш билан), янги ва сурункали сўзак, ОИТС касаллиги билан хасталанган bemor болалар олиниши лозим. Аввал диспансер рўйхатида бўлган, сурункали дерматозлар билан хасталанган bemorлар тўлиқ тузалганларидан сўнг ва 3 йилдан кам бўлмаган вақт давомида даводан сўнг ижбий натижали кузатувларидан кейин рўйхатдан чиқариладилар. Захм касаллиги билан хасталанган bemor болалар даводан сўнг 2 йилдан 5 йилгача, туғма захм касаллиги билан хасталанган bemor болалар эса 10-15 йил вақт давомида клиник-серологик назоратда бўладилар. Микроспория, трихофития ва фавус касаллиги бўйича даволанган bemor болалар клиник ва лаборатор назоратда 2 ойдан 6 ойгача вақт давомида бўладилар. Касалликларнинг тури қандай бўлишидан қатъий назар касалхонада bemor болаларни даволаш бепул амалга оширилади. Диспансер шароитида асосий эътиборни болалар ва ўсмир болалар ўртасида санитария ва гигиена қоидаларини тушунтириш ишларига, маънавий-тозалик тарбия ишларига, ота ва оналар ҳамда болалар муассасалари хизматчиларини гигиена қоидаларига ўқитиш ишларига қаратилади. Болаларда тери ва таносил касалликлари учраши ҳолати билан курашишда нафакат

дерматолог ва венерологлар, балки бошқа тиббий ходимлар, жумладан, педиатр ва акушер-гинеколог мутахассислар асосий ўрин тутадилар. Умумий амалий тибиёт тизимидағи шифокорларни сұзак ва захм касалликларини аниклаш ва олдини олиш ишига жалб этиш мақсадида методик йиғилишлар, семинарлар, сайёр маъruzалар ўқиши, конференциялар ўтказиш каби тадбирлар ўтказилади. Туман тери-таносил касалликларида фаолият қўрсатувчи болалар дерматовенерологлари иши шаҳар ва вилоят тери-таносил диспансерлари томонидан назорат қилиб турилади ва улар ўз навбатида республика тери-таносил касалликлари илмий-амалий ва даволаш марказлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Диспансер ишининг самарали олиб борилиши, болаларни даволаш бўйича амалиётга тиббиёт ютуқларининг жорий этилиши, доимий равишда педиатрия, акушерлик ва геникология ҳамда дерматовенерология соҳалари бўйича мавжуд уюшмалар ўртасида доимий ижодий ишларнинг олиб борилиши болаларда учрайдиган тери ва таносил касалликларини даволаш самарадорлигини юқори даражага кўтаришга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Адхам Ваисов. Тери ва таносил касалликлари (Дарслик) Тошкент, 2004. – 316 б.
2. Арифов С.С. Клиническая дерматология и венерология (Атлас) Ташкент, 2008. – 346 с.
3. Ахмедов К.Р. Белые пятна на коже (Научно-популярное издание) Ташкент, Изд-во « Fan va tehnologiya». 2012. – 408 с.
4. Беренбейн Б.А., Студницин А.А. и др. Дифференциальная диагностика кожных болезней. Москва, 1989. – 672 с.
5. Арифов С.С., Абидова З.М. Терининг замбуруғли касалликлари. (Монография). Тошкент, 2004. – 135.
6. Вопросы детской дерматологии (Сб. научн. трудов. под ред. Ф.А. Зверковой). Ленинград, 1990. – 102.
7. Кожа (строение, функция, общая патология и терапия) Москва, 1982. – 238 с.
8. Кубанова А.А. Кожные болезни (Иллюстрированный справочник) ГЭОТАР МЕДИЦИНА Москва. 1999. – 184 с.
9. Машкиллейсон А.Л. Частная дерматология. Москва, 1965. – 522 с.
10. Мордовцев В.Н., Мордовцева В.В., Мордовцева В.В. Наследственные болезни и пороки развития кожи. Москва, Наука, 2004. – 174 с.
11. Монахов К.Н., Монахова А.П., Монахова Л.А., Якубовский А.В. Справочник семейного врача. Кожные и венерические болезни. Москва-Санкт-Петербург. 2005. – 160 с.
12. Нисевич Н.И., Учайкин В.Ф. Инфекционные болезни у детей: Учебник. Москва, Медицина, 1990. – 624 с.
13. Попхристов П. Кожные болезни в детском возрасте. София, 1963. – 823 с.
14. Сиразитдинова В.Ф., Джагарян А.Д., Маннанов А.М. Герпесвируснә инфекции у детей. (Монография). Ташкент, 2014. – 160.
15. Сифилис: от висмута до экстенциллина (монография для врачей). / Под.редакцией проф. А.Ш. Ваисова. Ташкент, 2012. – 244 с.


16. Скрипкин Ю.К., Машкиллейсон А.Л., Шарапова Г.Я. Кожные и венерические болезни: Учебник. Москва, Медицина. 1995. – 464 с.
17. Студеникин М.Я., Соколова Т.С. Аллергические болезни у детей. Москва, 1986. – 286 с.
18. Студницин А.А., Стоянов Б.Г., Шарапова Г.Я. Кожные болезни у детей. Москва, 1971. – 376.
19. Шадыев Х.К., Сиразитдинова В.Ф., Дмитриев Г.А. Инфекции, передаваемые половым путем у детей. Москва, 2011. – 392 с.
20. Штейнлухт Л.А., Зверькова Ф.А. Болезни кожи детей грудного возраста. Ленинград, 1979. – 174.
21. Burden A. D.: Management of psoriasis in childhood. Clin Exp Dermatol. 1999; 24 : 341-345 p.
22. Epidermolysis Bullosa: Basic and clinical aspects. / Ed A.N. Lin, D.M. Carter. N.Y.: Springer. 1992. – 302 p.
23. Hurwitz S.: Clinical Pediatric Dermatology, pp. 105—117, 2nd ed. Saunders, Philadelphia (1993)
24. Meinking T. L., Taplin D.: Infestations. In: Schachner L. A., Hansen R. C. (eds.) Pediatric Dermatology, 2nd ed., pp. 1347—1367. Churchill Livingstone, New York (1995)
25. Textbook of pediatric dermatology. / Ed. R. Ruis-Maldanado, L.C. Parish, J.M. Beare. Philadelphia: Grune & Stratton, 1989. – 863 p.
26. Rajka G. Atopic dermatitis. London. Saundere. 1975. IX. – 165 p.

МАВЗУЛАР БҮЙИЧА ФОТОСУРАТЛАР





1,2,3,4-суратлар: 76-91 бетлар. Мавзу: Янги туғилған чақалоқларнинг тери касалліктері (себореялы дерматит, ёғли кисталар, Лейнер-Муссуниң дескваматив эритротермиясы).





5,6,7,8-суратлар: 94-100 бетлар. Мавзу: Страфилококкли пиодермиялар (фурункул, фурункулөз, везикулопустулез, страфилококкли буллөз импетиго).





9,10,11,12,13,14-суратлар: 101-103 бетлар. Мавзу: Стрептококкли пиодермиялар (стрептококкли импетиго, ангуляр стоматит, юзаки ҳасмол).



15, 16-суратлар: 104-105 бетлар. Мавзу: Арадаш пиодермиялар (суункали-ярали ва суункали-ярали вегетацияланувчи пиодермия).





17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24 -суратлар: 109-112 бетлар. Мавзу: Дерматитлар (таъсиrotли аллергик дерматит, токсiderмия, сульфаниламид эритемаси, Лайелл синдроми).




25, 26, 27, 28 -суратлар: 113-117 бетлар. Мавзу: Экзема (микробли экзема, нуммуляр экзема, дисгидротик ва варикоз экзема).






29, 30, 31, 32 -суратлар: 122-124 бетлар.
Мавзу: Эшакеми (үткір эшакеми, уртикар дермографизм).





33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40 -суратлар: 127-135 бетлар. Мавзу:Атопик дерматит (эксудатив, эритематоз-сквамоз, лихеноид, пруригиноз клиник шакллари).







51



52


41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52 -суратлар: 137-152 бетлар.
Мавзу: Псориаз, Қызил ясси темиратки.



53



54



55




56



53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62 -суратлар:
153-2176 бетлар. Мавзу: Терининг замбуруғли касалликлари (ранг-баранг
темирадки, микроспория, маддали-йирингловчи трихофития, чов
эпидермофитияси, оёқ кафти микози, бурмалар кандидози, сурункали
тарқоқ гранулематоз кандидози).




63, 64 -суратлар: 178-182 бетлар.
Мавзу: Терининг паразитар касаллуклари (Күтири).





65, 66, 67, 68, 69, 70 -суратлар: 194-202 бетлар. Мавзу: терининг вирусли касаллуклари (генитал учук, белбогсимон учук, юқумли моллюск, сўгаллар, ўткир учли кондиломалар).



71, 72 -суратлар: 203-213 бетлар. Мавзу: Склеродермия.




73, 74 -суратлар: 217-226 бетлар. Мавзу: Терининг пуфакли касаллуклари (учуксимон Дюринг дерматити).





75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82 -суратлар: 227-254 бетлар. Мавзу: Генодерматозлар (ихтиоз, энтеропатик акродерматит, туғма буллёз эпидермолиз).



83, 84-суратлар: 255-263 бетлар. Мавзу: Ўчоқли аlopеция.



85, 86-суратлар: 277-271 бетлар. Мавзу: Витилиго.



87, 88, 89, 90-суратлар: 331-336 бетлар. Мавзу:Захм (бирламчи сифилома, регионар лимфаденит).



91, 92-суратлар: 371-380 бетлар. Мавзу: Сўзак

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Гипоаллергик пархез қуидаги қайси тери касалликларида тавсия этилади:

- А. Захмда.
- Б. Пуфакли дерматозларда.
- В. Склеродермияда.
- Г. Экземада, атопик дерматитда.
- Д. Ҳамма жавоблар түғри.

2. Чеклаш синдроми (синдром отмены) түғисида дарак берувчи омиллар:

- А. Анарексия.
- Б. Холсизлик.
- В. Гипотония.
- Г. Миалгия.
- Д. Барча жавоблар түғри.

3. Гиперкератоз – бу эпидермиснинг қайси қаватининг қалинлашиши?

- А. Ялтироқ қаватни.
- Б. Базал қаватни.
- В. Тиканаксимон қаватни.
- Г. Донадор қаватни.
- Д. Мугуз қаватни.

4. Эпидермис гипертрофияси қайси қаватнинг қалинлашиши билан кечади?

- А. Мугуз қаватни.
- Б. Донадор қаватни.
- В. Базал қаватни.
- Г. Тиканаксимон қаватни.
- Д. Базал қаватдан ташқари ҳамма қаватларни.

5. Глюкокортикоид гармонларни маҳаллий қўлланганда қандай асоратлар кузатилмайди?

- А. Тери атрофияси.
- Б. Пиодермия.
- В. Келоид чандик.

Г. Гиперкератоз.

Д. Тұғри жавоб йўқ.

6. Қаварчиқ ҳосил бўлишида қандай ҳолат кузатилади?

А. Дерманинг инфильтрацияси.

Б. Дермани сўрғичсимон қаватининг шишиши.

В. Қон томирларининг кенгайиши.

Г. Акантоз.

Д. Тұғри жавоб Б ва В.

7. Морфологик тошмаларга баҳо беришда нималарга аҳамият берилади?

А. Ранги ва ўлчамига.

Б. Шакли ва конфигурациясига.

В. Консистенциясига.

Г. Сатҳи, чегараси, таркибий қисми ва қопламига.

Д. Барча жавоблар тұғри.

8. Дискератоз - бу:

А. Айрим ҳужайралар мугузланишининг бузилиши.

Б. Ҳужайра гурухлари мугузланишининг бузилиши.

В. Бутун эпителий қаватининг мугузланишини бузилиши.

Г. Ҳар қандай ҳолатларда меъёрий мугузланишдан четга чиқилиши.

Д. Тұғри жавоблар А ва Б.

9. Акантолиз бу:

А. Тикансимон қаватнинг ҳужайралараро кўприкларининг бузилиши.

Б. Сероз суюқликнинг йиғилиши.

В. Дерма оралиғида ҳосил бўлувчи пуфаклар.

Г. Ҳужайралараро боғларни йўқотган ва пуфак суклигига сузиг юрган эпидермал ҳужайраларнинг дегенератив ўзгариши.

Д. Барча жавоблар тұғри.

10. Гранулёз бу қайси қаватнинг қалинлашиши?

А. Ялтироқ қаватни.

Б. Тикансимон қаватни.

В. Донадор қаватни.

Г. Базал қаватни.

Д. Мугуз қаватни.

11. Бирламчи бўшлиқли тошма элементларига киради:

А. Доф.

Б. Тугунча.

В. Думбоқча.

Г. Қаварчиқ.

Д. Тугун.

12. Лихинификация қуидагича таърифланади – бу терининг:

А. Қаттиқлашиши

Б. Рангининг ўзгариши

В. Терининг қалинлашиши

Г. Тери тузилиши кўринишини кучайиши

Д. Ҳамма жавоблар тўғри

13. Апокрин тер bezлар қуидаги кўринишдаги тузилишга эга:

А. Найсимон.

Б. Альвеолар.

В. Араш.

Г. Безнинг тузилиши унинг жойлашишига боғлиқ.

Д. Безнинг тузилиши унинг жойлашишига боғлиқ эмас.

14. Дерма қаватлари бўлиб ҳисобланади:

А. Базал қават.

Б. Сўргичсимон қават.

В. Ялтироқ қават.

Г. Тўрсимон қават.

Д. Тўғри жавоблар Б ва Г лар.

15. Терининг бактериоцидлик фаолиятини қуидагилар таъминлайди:

А. Терини ўз мугуз қаватини тозалаши ҳисобига.

Б. Терини стерилизациялаш хусусияти ҳисобига.

В. Тери юзасининг кислотали муҳити ҳисобига.

Г. Тери ёғ ва тер bezлари секретининг йуналиши ҳисобига.

Д. Ҳамма жавоблар тўғри.

16. Базал қават ҳужайраларига кирмайди, қуидагилардан ташқари:

А. Гистиоцитлар.

Б. Меланоцитлар.

В. Лангерганс ҳужайралари.

Г. Эпидермацитлар.

Д. Кератиноцитлар.

17. Қаварчиқ ҳосил бўлишида қандай ҳолат кузатилади?

- А. Дерма инфильтрацияси.
- Б. Дерма сўрғичсимон қаватининг шишиши.
- В. Қон томирларни торайиши.
- Г. Акантоз.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

18. Морфологик тошмаларга баҳо беришда нималарга аҳамият бериш лозим?

- А. Рангига ва ўлчамига.
- Б. Шакли ва конфигурациясига.
- В. Консистенциясига.
- Г. Сатҳи, чегараси, таркибий қисми ва қопламига.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

19. Спонгиоз бу:

- А. Хужайралараро бўшлиққа суюқликни йиғилиши.
- Б. Эпителиал ҳужайраларни силжиши.
- В. Хужайралараро кўприкчаларнинг чўзилиши ва ҳужайралараро боғларнинг бузилиши.
- Г. Микровезикулаларни ҳосил бўлиши.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

20. Фақат эпидермис бутунлигининг бузилишидан сўнг ҳосил бўлувчи иккиласмачи тошмалар:

- А. Эрозия.
- Б. Яра.
- В. Юзаки ёриқ.
- Г. Чандик.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

21. Акантолиз бу:

- А. Тикансимон қаватнинг ҳужайралараро кўприкларининг бузилиши.

- Б. Сероз суюқликнинг йиғилиши.
- В. Дерма оралиғида пуфакларнинг пайдо бўлиши.
- Г. Ҳужайралараро боғларни йўқотган ва пуфак суюқлигида сузуб юрган эпидермал ҳужайраларнинг дегенератив ўзгариши.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

22. Гранулез бу терининг қайси қаватининг қалинлашиши хисобланади?

- А. Эпидермисни.

- Б. Тикансимон қаватни.
- В. Донадор қаватни.
- Г. Базал қаватни.
- Д. Мугуз қаватни.

23. Бирламчи бўшлиқли морфологик тошма элементларига киради:

- А. Доғ.
- Б. Тугунча ва тугун.
- В. Думбоқча.
- Г. Қаварчик.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

24. Лихенификация қуйидагича таърифланади – бу терининг:

- А. Қаттиклишиши.
- Б. Пигментацияланиши.
- В. Терининг калинлишиши.
- Г. Тери расмини кўринишини кучайиши.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

25. Тери қандай моддалар алмашинуvida иштирок этади?

- А. Углевод, ёғ ва оқсил моддаларини.
- Б. Меланин моддасини.
- В. Витаминаларни.
- Г. Сув ва тузларни.
- Д. Барча юкорида қайд этилган ҳолатларда.

26. Апокрин тер безлар қуйидаги кўринишдаги тузилишга эга:

- А. Найсимон.
- Б. Альвеолар.
- В. Аралаш.
- Г. Безнинг тузилиши унинг жойлашишига боғлик.
- Д. Безнинг тузилиши унинг жойлашишига боғлик эмас.

27. Малҳамлар нима мақсадда қўлланилади:

- А. Тери юзаларини кимёвий, механик тасиротлардан ҳимоялаш мақсадида.
- Б. Терини юмшатиш ва қичишишни камайтириш мақсадида.
- В. Дори воситалар ўтказиб бериш мақсадида.
- Г. Тери юзаларини иккиламчи қопламалардан тозалаш мақсадида.

Д. Ҳамма жавоблар түғри.

28. Дерма қаватининг қисми бўлиб ҳисобланади:

А. Базал қават.

Б. Сўрғичсимон қават.

В. Гиподерма.

Г. Тканаксимон қават.

Д. Тўғри жавоблар йўқ.

29. Терининг бактериоцидлик фаолиятини қуидагилар таъминлайди:

А. Терининг ўз мугуз қаватини тозалаши ҳисобига.

Б. Терининг стерилизациялаш хусусияти ҳисобига.

В. Тери юзасининг кислотали жараёни ҳисобига.

Г. Терининг ёғ ва тер безлари ажратмалари ҳисобига.

Д. Ҳамма жавоблар түғри.

30. Базал қават ҳужайраларига кирмайди, қуидагилардан ташқари:

А. Кератиноцитлар (эпидермацитлар).

Б. Меланоцитлар.

В. Лангерганс ҳужайралари.

Г. Меркель ҳужайралари.

Д. Гистиоцитлар.

31. Терининг ташқи қавати:

А. Эпидермис.

Б. Дерма.

В. Эктодерма.

Г. Гиподерма.

Д. Мезодерма.

32. Эпидермиснинг қайси қаватида ҳужайралар ядросиз?:

А. Шохсимон қаватида.

Б. Базал қаватида.

В. Сўрғичсимон қаватида.

Г. Тикансимон қаватида.

Д. Донадор қаватида.

33. Намланган тери юзаларига қуидаги маҳаллий муолажалар ўтказилади:

А. Малҳамлар.

Б. Намлаш усули.

В. Упалар.

Г. Кремлар.

Д. Анилин бўёклари.

34. Тери ортиқларига киради:

А. Меланоцитлар.

Б. Кератиноцитлар.

В. Тирноқлар.

Г. Ёғ безлари.

Д. Тер безлари.

35. Мальпиги қаватига киради:

А. Тикансимон қават.

Б. Донадор қават.

В. Шохсимон қават.

Г. Базал қават.

Д. Ялтироқ қават.

36. Эпидермиснинг ўсувчи қаватлари:

А. Тикансимон қават.

Б. Ялтироқ қават.

В. Донадор қават.

Г. Базал қават.

Д. Барча саналган қаватлар.

37. Псориазнинг прогрессив босқичида қайси дори воситалари тавсия килинмайди?

А. Антигистамин дори воситалари.

Б. В12 витамини ва уфо.

В. Натрий гипосульфити.

Г. Маҳаллий гормонал малҳамлари.

Д. Фермент дори воситалари.

38. Қизия яssi темираткида касаллигига касалликка хос бўлган тошмалардан ташқари қайси тошма элементлари кузатилмайди?

А. Қизил-бинафша рангли, яssi, полигонал кўринишда бўлган тугунчали тошмалар.

Б. Кўпроқ юз тери соҳасида қаварчили тошмалар.

В. Юзаси ялтироқ кўринишига эга бўлган тугунчали тошмалар.

Г. Сатҳида уикхем тўри мавжуд бўлган тугунчали тошмалар.

Д. Киндиксимон ботиқликка эга тугунчали тошмалар.

39. Атопик дерматит касаллигининг кечишида қуийдагилар тафовут этилади:

А. Беморлар вазни

- Б. Икки босқичда кечиши жараёнининг фаоллигига боғлиқлиги.
- В. Ёшга қараб уч босқичда, эволюцион динамикада кечиши.
- Г. Асоратланишига қараб тўрт босқичга бўлиниши.
- Д. Босқичма-босқич кўринишида кечиши кузатилмайди.

40. Контакт аллергик дерматитдан оддий дерматит нимаси билан фарқланади?

А. Маҳаллий таъсирлантирилганда терининг ўткир яллиғланиши билан.

Б. Маҳаллий таъсирлантирилган жойдан ташқари тери соҳасининг ҳам ўткир яллиғланиши.

В. Аниқ чегараси билан.

Г. Ноаниқ чегараси билан.

Д. Тўғри жавоб А ва В лар.

41. Оддий контакт дерматитга қуидагилардан ташқари хос эмас:

А. Аниқ чегараланиш.

Б. Фақат тасиротланган тери соҳаларининг яллиғланиши.

В. Оғриши.

Г. Гиперимияланиши.

Д. Шишиши.

42. Витилиго касаллигини комплекс даволашда қўлланилмайди:

А. Фотосенсибилизацияловчи даво.

Б. Оқ симоб суртмасини тери юзаларига суртиш.

В. Психоэмоционал ҳолат ва вегетатив нерв системасининг бузилишини меъёрлашга қаратилган даво.

Г. Терига таъсир этувчи физик ва кимёвий салбий омилларни бартараф этишга қаратилган даво.

Д. Аутоаллергик жараённинг кучайишига қаратилган даво.

43. Микробли экзема касаллигини ҳўлланган ва пуфакчали кўринишда кечишида қуидаги маҳаллий даво воситаларининг қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади:

А. Нитрофунгин.

Б. 1 %ли резорцин ҳўллаб қуритгичи, 0,25 % рух-сульфат эритмаси.

В. 10 %ли олтингугуртнинг вазелинли малҳами.

Г. Кетанол малҳами.

Д. Формалин малҳами.

44. Атопик дерматит касаллиги патогенезида қуидагилардан ташқари аҳамиятга эга әмас:

А. В-адренэргик рецепторлар блокадаси, мембранодеструктив жараёнлар.

Б. Иммунодефицит ҳолати.

В. Озиқ - овқат маҳсулотларига нисбатан аллергия.

Г. С3-комплмент компоненти ингибиторига нисбатан туғма дефектларнинг мавжудлиги.

Д. Микроб антигенларига нисбатан аллергия.

45. Дарьенинг фолликуляр дискератозида заарланади:

А. Бош, юз, бадан юқори қисми себореяли ҳудудлари.

Б. Құл ва оёқ кафти юзалари.

В. Құлтиқ, чов, бурун лаб учбурчаги бурмалари соҳалари.

Г. Тирноклар (ониходистрофия, тирнок ости гиперкератози).

Д. Сочлар (тўкилиши ва полиозис).

46. Псориазнинг стационар босқичида қуидагилардан ташқари кузатилмайди?

А. Тошмалар сатхининг бутунлай қулранг оқиш қипиқлар билан қопланиши.

Б. Тошмалар атрофика вороновнинг «псевдострофик» ва пильнова ҳалқаларининг кузатилиши.

В. Янги тошмалар ҳосил бўлмаслиги.

Г. Тошмаларнинг атрофга қараб катталашмаслиги.

Д. Тошмаларнинг тўқ қизил рангда бўлиши.

47. Себореяли дерматит касаллиги ўчоқларида қуидаги ҳолатлар кузатилмайди:

А. Қипиқланиш, қазғоқланиш.

Б. Лихенификацияланиш.

В. Пигментацияланиш.

Г. Тугунли тошмалар.

Д. Билак ва тизза букламалари соҳаларининг заарланиши.

48. Наслдан – наслга ўтувчи дерматозларга кирмайди:

А. Эпидемик чилла яра.

Б. Туғма буллёз эпидермолиз.

В. Хавфсиз кечадиган оиласвий хейли-хейли пўрсилдоғи.

Г. Пуфакли ихтиозсимон эритродермия.

Д. Базен чечаги.

49. Капоши саркомасини даволашда қўлланилмайди:

А. Веноз етишмовчилигини олдини олувчи дори воситаларини қўллаш, дапсон, қўрғошин дори воситалари.

Б. Комплекс химиотерапия жараёнида проспидин дори воситаси.

В. Комплекс химиотерапияда винкристин, винбластин дори воситалари

Г. Леакардин

Д. Реаферон

50. Ҳалқасимон гранулема касаллигини таърафлашга тўғри келмайди:

А. Салбий шикоятлар бўлмайди.

Б. Тошмалар ҳалқасимон кўринишда жойлашади.

В. Тошмалар бирдан йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Г. Сурункали инфекцион ўчоқлар билан алоқадор бўлади.

Д. Ўзидан сўнг чандиқли ўзгаришлар қолдиради.

51. Псориаз ксаллигининг регрессив босқичига тааллукли бўлмаган белгиларни кўрсатинг:

А. Изоморф реакциясининг кузатилиши.

Б. Тошмалар атрофида воронов «псевдоатрофик» ҳалқасининг кузатилиши.

В. Тошма элементларини атрофга қараб катталашиши.

Г. Янги тошмаларнинг қайта пайдо бўлиши.

Д. Тошма элементларнинг рангизланиши.

52. Пуфакли дерматозларнинг қайси бирида глютен моддасига нисбатан сезувчанлик ҳолати ортиши кузатилади?

А. Ҳомиладорлар герпесида.

Б. Дюрингни герпетиформ дерматитида.

В. Орттирилган буллёз эпидермолизда.

Г. Эритоз пўрсилдоқда.

Д. Стивенс-Джонсен синдромида.

53. Дерматомиозит касаллигига мушаклардаги ўзгаришларга кирмайди.

А. Мушаклар атрофияси.

Б. Фиброзли миозит ҳолати.

В. Фиброз контрактуралар.

Г. Кальцинозлар.

Д. Амилоидозлар.

54. Системли склеродермиядан дарак берувчи белгилар:

А. Иштаҳанинг бузилиши ва тана вазнининг тушиб кетиши.

Б. Тез ҳолдан тойиш ва холсизлик.

В. Йирик ва майда бўғимларда вақти-вақти билан оғриқнинг кузатилиши, мушакларни кечки пайтларда зирқираб оғриши.

Г. Барча тавоблар тўғри.

Д. Тўғри жавоб йўқ.

55. Атопик дерматит касаллигининг кечишида қўйидаги босқичлар тафовут этилади:

А. Мавсумий кечиш босқичи.

Б. Икки босқичда кечиш жараёнининг фаолликка боғлиқлиги.

В. Ёшга қараб уч босқичда эволюцион динамикада кечиши.

Г. Асоратланишига кўра тўрт босқичга бўлиниши.

Д. Босқичма-босқич кўринишида кечиши кузатилмайди.

56. Контакт аллергик бўлмаган дерматит нимаси билан таърифланади?

А. Маҳаллий таъсиrlантирилганда терининг сурункали кўринищдаги яллиғланиши билан.

Б. Маҳаллий таъсиrlантирилган жойдан ташқари тери соҳасининг ҳам ўткир яллиғланиши билан.

В. Аниқ чегараси билан.

Г. Ноаниқ чегараси билан.

Д. Тўғри жавоб А ва В лар.

57. Оддий контакт дерматитга қўйидагилардан ташқари хос эмас:

А. Аниқ чегараланиш.

Б. Фақат тасиротланган тери соҳаларини яллиғланиши.

В. Қаварчиқланиши.

Г. Гиперемияланиши.

Д. Оғриқни сезмаслик ҳолати.

58. Витилиго касаллигини комплекс даволашда қўлланилади:

А. Фотосенсибилизацияловчи даво.

Б. Аутоаллергик жараённи кучайишига қаратилган даво.

В. Психоэмоционал ҳолат ва вегетатив нерв системасининг бузилиши тузатишга қаратилган даво.

Г. Терига таъсир этувчи физик ва кимёвий салбий омилларни бартараф этишга қаратилган даво.

Д. Оқ симоб суртмасини тери юзаларига суртиш.

59. Псориазнинг стационар босқичида қуидагилар кузатилиди?

А. Тошмалар сатхининг бутунлай кулранг оқиш қипиқлар билан қопланиши.

Б. Тошмалар атрофида Воронованинг «псевдоатрофик» ва Пильнова ҳалқаларининг кузатилиши.

В. Янги тошмалар ҳосил бўлмаслиги.

Г. Тошмаларни атрофга қараб катталашмаслиги.

Д. Тошмаларни тўқ қизил ранг кўринишларда бўлиш.

60. Буллёз дерматозларнинг қайси бирида bemорларда глютен моддасига нисбатан сезувчанлик ҳолати ортиши кузатилиди?

А. Ҳомиладорлар герпесида.

Б. Дюрингнинг герпетиформ дерматитида.

В. Туғма буллёз эпидермолизда.

Г. Эритематоз пурсилдоқда.

Д. Стивенс-джонсен синдромида.

61. Эпидермиснинг донадор қаватида жойлашган акантолиз ҳисобига қайси тери касаллиги аникланади?

А. Ҳомиладорлар герпесида.

Б. Баргимон пурсилдоқда.

В. Орттирилган буллёз эпидермолизда.

Г. Пренибитал буллёз эпидермолизда.

Д. Левер буллёз касаллигига.

62. Токсикодермияга таъриф беринг:

А. Терининг ўткир яллиғланиш жараёни.

Б. Жараённи кенг, эритродермия кўринишгача таркалиши.

В. Беморлар умумий ҳолатининг ёмонлашиши.

Г. Аллерген тасироти бартараф қилинганда регресс босқичини кузатилиши.

Д. Барча жавоблар тўғри.

63. «Архипелаг оролчалари» симптоми кузатиладиган дерматозни кўрсатинг:

А. Псориаз.

Б. Экзема.

В. Мохов.

Г. Лейшманиоз.

Д. Кўтири.

64. Аллергик дерматит касаллигига таълуқли касалликни айтинг:

- А. Қизил югурик.
- Б. Токсикодермия.
- В. Дерматомикозлар.
- Г. Псориаз.
- Д. Дюорингнинг учуксимон дерматити.

65. Тери юзаларида қаварчиқли тошмалар тошиши билан кузатиладиган тери касаллигини аникланг:

- А. Эшакем.
- Б. Атопик дерматит.
- В. Дюриннинг учуксимон дерматити.
- Г. Артифициал дерматит.
- Д. Псориаз.

66. Оқ дермаграфизм кузатиладиган терининг аллергик касаллигини аникланг:

- А. Диффуз нейродермит.
- Б. Экзема.
- В. Ўткир эшакеми.
- Г. Псориаз.
- Д. Қизил яssi темираткиси.

67. Атопик дерматит касаллигини даволашда қуйидаги дори воситалари қўлланилмайди:

- А. Антигистамин дори воситалари.
- Б. Дезинтоксиацион дори воситалари.
- В. Цитостатиклар.
- Г. Седатив дори воситалари.
- Д. Овқат ҳазм қилиш ферментлари.

68. Псориатик учликда қандай гистоморфологик ўзгаришлар кузатилади:

- А. Гиперкератоз, паракератоз, акантоз, папилломатоз.
- Б. Акантолизис, акантоз, папилломатоз.
- В. Гранулез, паракератоз, папилломатоз.
- Г. Спонгиоз, балонирующая дегенерация, акантоз.
- Д. Паракератоз, акантоз, спонгиоз.

69. Тугунчалар юзасига ёғ суртилгандан ўргимчак инига ўхшаш манзаранинг кузатилиши қайси симптомга хос:

- А. Уикхем симптоми.

- Б. Никольский симптоми.
- В. Бенье-Мещерский симптоми.
- Г. Горчаков – Арди симптоми.
- Д. Асбо – Ганзен симптоми.

70. Микробли экземанинг клиник шакли бўлиб ҳисобланади:

- А. Варикозли.
- Б. Тез ярага айланувчи.
- В. Сикозли.
- Г. Эритематозли.
- Д. Нумуляр.

71. Экземанинг клиник шакллари бўлиб ҳисобланади:

- А. Артифициал.
- Б. Себореяли.
- В. Микробли.
- Г. Пуфакли.
- Д. Болалар.

72. Лайелла синдромини даволашда қуйидаги дori воситаларидан фойдаланилади:

- А. Антибиотиклар.
- Б. Дезинтоксикацион дori воситалари.
- В. Сийдик ҳайдовчи дori воситалари.
- Г. Безгакка қарши дori воситалари.
- Д. Гармонлар.

73. Аллергик касалликларни даволашда қуйидаги дori воситалари қўлланилади:

- А. Антигистамин.
- Б. Антибиотиклар.
- В. Десенсибилизаторлар.
- Г. Безгакка қарши дori воситалари.
- Д. Седатив дori воситалари.

74. Болалар қичимаси касалликларида асосан қуйидаги тошмалар кузатилади:

- А. Папула.
- Б. Везикула.
- В. Серопапула.
- Г. Тугун.
- Д. Думбоқча.

75. Атопик дерматит касаллигининг асосий диагностик мезонлари бўлиб ҳисобланади:

- А. Ирсий мойиллик.
- Б. Қичишиш.
- В. Тошмаларнинг ўзига хос жойлашуви.
- Г. Пустулаларнинг пайдо бўлиши.
- Д. Жараённинг чандиқланиш билан тугаши.

76. Псориазнинг қўйдаги атипик клиник шакллари фарқланади:

- А. Эритродермик.
- Б. Артропатик.
- В. Пустулёз.
- Г. Экзематоз.
- Д. Сикозиформ.

77. Изоморф реакция кўйидаги касалликларда кузатилади:

- А. Қизил яssi темиратки.
- Б. Ранг-баранг темиратки.
- В. Витилиго.
- Г. Белбоғсимон темиратки.
- Д. Псориаз.

78. Псориазда тошмалар кўпроқ жойлашадиган соҳалар:

- А. Бошнинг сочли қисмида.
- Б. Кўл ва оёқнинг букувчи соҳаларида.
- В. Тана бўйлаб.
- Г. Кўл ва оёқнинг ёзув соҳаларида.
- Д. Шиллик қаватларда.

79. Дюрингнинг учуксимон дерматити билан касалланган беморларни текширилганда аниқланади:

- А. Пуфак тубидан ва сероз суюқлигидан муҳрлаш йўли билан суртма олиб текширилганда эозинофилия аниқланади.
- Б. Дермо-эпидермаль соҳада иммуноглобулин а тўпланиши.
- В. Пуфакларни субэпидермаль жойлашиши.
- Г. Эпидермисни тиканаксимон қаватида иммуноглобулин g тўпланиши.
- Д. Пуфак сероз суюқлигига аконталитик ҳужайраларнинг аниқланиши.

80. Дюрингнинг учуксимон дерматити учун хос эмас:

- А. Эрозиялар атрофга кенгайишга ва қўшилишга мойил.

Б. Никольский симптоми мусбат.

В. Пуфакчалар эритематоз – шишган асосда жойлашди ҳамда интенсив қичишиш кузатилади.

Г. Юмшоқ қобиғли пуфаклар.

Д. Таранг қобиғли пуфакчалар.

81. Дюрингни учуксимон дерматитининг комплекс давосида ишлатилади:

А. Десенсеблизацияловчи дори воситалари.

Б. Антигистамин дори воситалари.

В. Цефалоспоринлар.

Г. Сульфон, сульфаниламид, антиоксидант дори воситалари.

Д. Фунгицид дори воситалари.

82. Тошмаларни аногенитал соҳада, қўл ва оёқларнинг дистал юзаларида жойлашиши, диарея қайси касаллик учун хос:

А. Энтеропатик акродерматит.

Б. Атопик дерматит.

В. Нейродерматит.

Г. Экзема.

Д. Туғма буллез эпидермолиз.

83. Никольский симптомининг манфийлиги туғма буллез эпидермолизнинг қайси клиник шакли учун хос:

А. ТБЭ оддий клиник шакли

Б. ТБЭ летал чегараланган клиник шакли

В. ТБЭ дистрофик локал клиник шакли

Г. ТБЭ муттиляцияланувчи клиник шакли

Д. ТБЭ полидиспластик клиник шакли

84. Дюрингнинг учуксимон дерматитида қандай тошмалар кузатилади:

А. Полиморф тошмалар (эрitem асосида папуло-везикулез тошма элементлари).

Б. Мономорф тошма элементлари.

В. Везикулез тошма элементлари.

Г. Папулез тошма элементлари.

Д. Хамма жавоблар тўғри.

85. Оддий пўрсилдоқнинг бирламчи клиник белгилари кўпроқ кузатилади:

А. Оғиз шиллиқ қаватида.

Б. Бошнинг сочли соҳасида.

В. Йирик бурмаларда.

Г. Тана юзаси бўйлаб.

Д. Барча юқорида кўрсатилган соҳаларда.

86. Никольский симптоми мусбатлиги қайси касаллик учун

хос:

А. Вульгар пўрсилдоқ.

Б. Атопик дерматит.

В. Себореяли дерматит.

Г. Буллёз стрептодермия.

Д. Ноакантолитик пўрсилдоқ.

87. LE-қандай ҳужайра:

А. тиканаксимон ҳужайра қавати ҳужайралараро кўприкчалар орқали боғланган.

Б. Атипик ретикуляр ҳужайра.

В. Ўзида фагоцитар ядро сакловчи нейтрофил лейкоцит.

Г. Эндотолиал ҳужайра вакуолизациялашган цитоплазма билан бирга.

Д. Ўзида меланин тутувчи йирик полиморф ҳужайра.

88. Дерматомиозитларни даволашда қўлланиладиган асосий воситалар:

А. Антибиотиклар.

Б. Иммуномодуляторлар.

В. Кортикостероидлар.

Г. Ангиопротекторлар.

Д. Ферментлар.

89. Системали склеродермиянинг бошлангич босқичи учун характерли эмас:

А. Диффуз шиш ва тери қопламасининг қалинлашиши.

Б. Никобсимон юз.

В. Невралгия, парестезия.

Г. Кўкимтир ҳошияси булган қаттиқлашган бурдали тошманинг хосил бўлиши.

Д. Висцеропатия.

90. Қизил югурикнинг дискоид клиник шаклининг патогномоник симптоми бўлиб ҳисобланади:

А. Инфильтратив эритема.

Б. Фолликуляр гиперкератоз.

В. Чандикли атрофия.

Г. Кўп шаклли экссудатив эритема.

Д. Яллиғланган тери юзаларида майда везикулаларнинг пайдо бўлиши.

91. Дерматомиозитнинг қуийдаги клиник босқичлари тафовут қилинади:

А. Продромал.

Б. Манифест.

В. Дистрофик.

Г. Ўткир.

Д. Ярим ўткир.

92. Склеродермияни даволашда қуийдаги дори воситалари қўлланилади:

А. Лидаза.

Б. Шишасимон танача.

В. Пенициллин.

Г. ДДС.

Д. Ҳамма жавоблар тўғри.

93. ВИЧ инфекциясининг юқмайдиган йўлини кўрсатинг:

А. Трансфузион йўл билан.

Б. Трансмиссив йўл билан.

В. Касал онадан болага.

Г. Инъекцион йўл билан.

Д. Жинсий йўл билан.

94. ОИТС касаллиги билан биргаликда кузатилиши мумкин:

А. Ички азоларнинг оппортунистик инфекциялари.

Б. Нерв тизими заарланиши.

В. Саркома капоши касаллиги.

Г. Тилнинг сочли лейкоплакияси.

Д. Барча жавоблар тўғри.

95. Стрептококкли импетиго учун хос бўлмаган жавобни аниқланг:

А. Тери юзасида фликтеналарнинг ҳосил бўлиши.

Б. Сарғимтири катқалоқларнинг пайдо бўлиши.

В. Тез тарқалиши.

Г. Яллиғланган тугунлар.

Д. Фликтеналар атрофиясининг ҳосил бўлиши.

96. Стрептококкли импетигода маҳаллий даво сифатида тавсия қилинмайды:

- А. Анилин бўёқлар суртмаси қўллаш.
- Б. Стероид гармонли суртмаларни қўллаш.
- В. Фликтеналарни очиш.
- Г. Антибиотикли қоришмаларни қўллаш.
- Д. Антибиотикли малҳамлар қўллаш.

97. Оддий пуфакли темиратки касаллигига хос бўлмаган жавобни кўрсатинг.

- А. Эритема.
- Б. Шиш.
- В. Пуфакчалар гурӯҳи.
- Г. Тугунлар.
- Д. Эрозия.

98. Оддий пуфакли темиратки касаллиги клиникаси учун хос эмас:

- А. Доғли ва қаварчиқли тошмалар.
- Б. Пуфакчали тошмалар.
- В. Тошмалар атрофида гиперемик ҳалқаларнинг ҳосил бўлиши.
- Г. Чегараланган гурухли тошмаларнинг кузатилиши.
- Д. Қайталанишга мойиллик.

99. Белбоғсимон темиратки касаллигига физиотерапептик даво қўлланилиши лозим бўлган ҳолатни кўрсатинг:

- А. Касалликнинг бошида.
- Б. Ўткир босқичида.
- В. Тузалиб кетгандан сўнг.
- Г. Неврологик асоратлар кузатилганда.
- Д. Ундей ҳолат бўлмайди.

100. Оддий учук ва белбоғсимон темиратки касаллигига қўлланиладиган вирусга карши дори воситаларини кўрсатинг:

- А. Интерферон.
- Б. Бонафтон ва метисазон.
- В. Герпетик вакцина.
- Г. Заверакс.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

101. Вирусларга карши дори воситаларига кирмайди:

- А. Триоксазин.
- Б. Метисазон.

В. Оксалин.

Г. Ацикловир.

Д. Бонафтон.

102. Белбоғсимон темиратки касаллиги учун хос бўлмаган белгини кўрсатинг:

А. Кучли оғриқнинг кузатилиши.

Б. Умумий аҳволнинг оғирлашиши.

В. Доимо бутун тана бўйлаб диссеминацияланган тошмалар мавжудлиги.

Г. Тошмаларнинг ғуч-ғуч бўлиб, ассиметрик кўринишида жойлашиши.

Д. Рецидивларнинг кузатилмаслиги.

103. Белбоғсимон темиратки касаллиги учун хос бўлмаган клиник вариант:

А. Везикулёз.

Б. Буллёз.

В. Интертригенизацияланган.

Г. Гангреноз.

Д. Уртикар.

104. Сил югуруги касаллигига хос:

А. Яра чандикланишининг марказдан бошланиши.

Б. Яра чандикланишининг перифериядан бошланиши.

В. Чандикнинг шиллик, майин ва рангиз бўлиши.

Г. Чандикнинг дағал, қўпол ва ғадир-будур бўлиш ва рангининг ўзгариши.

Д. Тўғри жавоб Ава В.

105. Липомани тўмтоқ зонд билан босиб кўрилганда қандай ҳолат кузатилади?

А. Кучли оғриқ ҳосил бўлиши.

Б. Оғриқнинг кузатилмаслиги.

В. Оғриқ ўчоқларининг катта- кичиклигига боғлиқ бўлиши.

Г. Оғриқни жараённинг босқичига боғлиқ бўлиш.

Д. Қон кетиши ҳолатининг кузатилиши.

106. Сил югуригининг дифференциал диагнози қўйидаги қайси касалликлар билан утказилади?

А. Думбоқчали захм билан.

Б. Кичик тугунчали саркаидоз билан.

В. Туберкулоид мохов билан.

Г. Туберкулоид лейшманиоз билан.

Д. Барча жавоблар тўғри.

107. «Шер» никоби белгиси учун хос булмаган ҳолат:

А. Тери ва тери ости ёғ қаватининг чуқур инфильтрати.

Б. Юзда чуқур бурмаларнинг ҳосил бўлиши.

В. Бурун, лаб, қулоқ, супраларининг кўринарли даражада қипикланиши.

Г. Қулоқ супраси ва бурун қанотларининг атрофияси.

Д. Кошларнинг тўкилиши.

108. Мохов қўзғатувчиси илк бор лабаратория шароитида қандай аниқланган?

А. Бурун шиллиқ қаватидан олинган суртмадан.

Б. Инфильтрат юзасидан олинган суртмадан.

В. Инфильтратнинг функционал материалидан.

Г. Гистологик препаратлардан.

Д. Кон текширувидан.

109. Моховсимон моховда кузатилади:

А. Дўмбоқчали тошмалар.

Б. Сезувчанлик ҳолатининг бузилиши.

В. Тошмаларнинг яраларга айланиши.

Г. Тугунли тошмалар.

Д. Барча жавоблар тўғри.

110. Кўтири касаллиги учун хос бўлган тошмаларни кўрсатинг:

А. Чандиқлар.

Б. Петехиялар.

В. Тугунчали ва пуфакчали тошмалар.

Г. Қаварчиқлар.

Д. Полигонал кўринишидаги тугунчалар.

111. Шанқрли пиодермияда ўтказилиши лозим бўлмаган тадбирни белгиланг:

А. Яра юзасидан рангиз трепонемага текширув ўтказиш.

Б. РИБТ.

В. РИФ.

Г. КСР.

Д. Барча жавоблар тўғри.

112. Страфилакоккли импетиго учун хос.

А. Тери соҳасида майда, марказидан соч чиқувчи пустулаларнинг ҳосил бўлиши.

- Б. Пустуланинг атрофида гиперемик ҳалқанинг мавжудлиги.
- В. Тўғри жавоб йўқ.
- Г. Кучсиз оғриқнинг кузатилиши.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

113. Фурункулёзни даволашда қўлланилмайди:

- А. Флуцинар малҳами.
- Б. Тоза дегот.
- В. Антибиотикили малҳамлар.
- Г. Фукорцин эритмаси.
- Д. Анилин бўёклари.

114. Гидраденит касаллигига кузатиладиган яллиғланиш жараёни қандай безларни қамраб олади?

- А. Апокрин тер безларини.
- Б. Эккрин тер безларини.
- В. Ёғ тер безлари.
- Г. Барча жавоблар тўғри.
- Д. Тўғри жавоблар йўқ.

115. Фурункулнинг инфильтрация босқичида қўлланилади:

- А. Анилин бўёклари билан боғлаш.
- Б. «Кўк лампа» билан иситиш.
- В. Тоза ихтиол билан боғлаш.
- Г. Вишневский малҳами билан боғлаш.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

116. Ёрилган фурункулда қўлланилади:

- А. УВЧ.
- Б. Анилин бўёклари билан боғлаш.
- В. Тоза ихтиол билан боғлаш.
- Г. Гипертоник эритма билан боғлаш.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

117. Фурункулёз касаллигига қўлланиладиган текшириш усули:

- А. Қонда канд миқдори аниқланади.
- Б. Қонда билирубин миқдори аниқланади.
- В. Сийдик таркибида креатинин миқдори аниқланади.
- Г. Ахлат таркиби гелментларга текширилади.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

118. Карбункул касаллигига қўлланилади:

- А. Антибиотиклар.

- Б. Риванол эритмаси билан боғлаш.
- В. Иссиқлик муолажасини қўллаш.
- Г. Тоза ихтиол малҳами билан боғлаш.
- Д. Тўғри жавоб а ва г.

119. Псевдофурункулёзда яллиғланиш жараёни қандай соҳаларни қамраб олади?

- А. Эккрин тери безларини.
- Б. Апокрин тери безларини.
- В. Соч фолликуларини.
- Г. Ҳамма жавоблар тўғри.

120. Стрептококкли бичилишда маҳаллий bemорларга нима буюрилади?

- А. Ҳар кунги ҳамом.
- Б. Фунгицид малҳамлари.
- В. Спиртли боғламлар.
- Г. Кортикостероид малҳамлари.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

121. Эпидемик чилла яра қандай даволанади?

- А. Антибиотиклар ёрдамида.
- Б. Тоза ихтиол билан.
- В. Спиртли эритмалар билан.
- Г. УВЧ.
- Д. УФО.

122. Болаларда учрайдиган кўп микдордаги абцесслар қандай даволанади?

- А. Дерматологик компресслар қўлланилади.
- Б. Абсцеслар очилади.
- В. Анилин бўёқлар билан ишлов берилади.
- Г. Маҳаллий оксалин малҳами қўлланилади.
- Д. Тўғри жавоблар Б ва В.

123. Тери лейшманиози касаллигининг кеч яраланувчи клиник шаклининг инкубацион даври қанча вақтни ташкил этади?

- А. 10-20 кун.
- Б. 1-1,5 ой.
- В. 2-3 ой.
- Г. 3 ойдан 1 йилгача.
- Д. 2 йилдан куп.

124. Тери лейшманиозининг кеч яраланувчи турида лим-фангитлар:

- А. Тарқалган бўлади.
- Б. Регионар кўринишда бўлади.
- В. Кўп микдорда учрайди.
- Г. Кузатилмайди.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

125. Кеч яраланувчи тери лейшманиозида ўчоқлардаги яранинг кўриниши қуидагича бўлади:

- А. Яранинг чети ва туби қора струп билан қопланган бўлади.
- Б. Четлари қайрилган, туби эса тоза бўлади.
- В. Яра четлари валиксимон кўринишда, туби эса қатқалоқлар билан қопланган бўлади.
- Г. Хамма жавоб тўғри.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

126. Демодекоз касаллигини даволаш жараёнида қўлланилмайди:

- А. Яллиғланишга қарши дори воситалари.
- Б. Гармонал малҳамлари.
- В. Антипаразитар дори воситалари.
- Г. Фунгицид дори воситалари.
- Д. Мавжуд бўлган касалликларни даволаш.

127. Стрептококкли имептиго учун хос бўлмаган жавобни аниқланг

- А. Тери юзасида фликтеналарни ҳосил бўлиши.
- Б. Сарғимтирик қатқалоқларнинг пайдо бўлиши.
- В. Жараённинг тез тарқалиши.
- Г. Яллиғланган тугунлар бўлиши.
- Д. Фиктеналар ҳосил бўлиши.

128. Оддий пуфакли темиратки касаллиги клиникаси учун хос эмас:

- А. Доғ ва қаварчиклар.
- Б. Пуфакчалар.
- В. Тошмалар атрофида гиперемик ҳалқанинг ҳосил бўлиши.
- Г. Чегараланган соҳада гурухли тошмаларни кузатилиши.
- Д. Қайталанишга мойилликни ҳолатининг бўлиши.

129. Белбоғсимон темиратки учун хос:

- А. Эритема.

Б. Шиш.

В. Яра.

Г. Некроз.

Д. Барча жавоблар тўғри.

130. Вирусларга қарши қўлланиладиган дори воситаларига кирмайди:

А. Триоксазин.

Б. Метисазон.

В. Оксалин.

Г. Госсипол.

Д. Бонафтон.

131. Белбоғсимон темиратки касаллиги учун хос бўлмаган белгини кўрсатинг.

А. Кучли оғриқнинг кузатилиши.

Б. Умумий ахволнинг оғирлашиши.

В. Бутун тана бўйлаб диссеминацияланган тошмаларнинг жойлашиши.

Г. Тошмаларнинг гуж-ғуж бўлиб жойлашиши.

Д. Касаллик қайталаниш эҳтимолининг бўлиши.

132. Мохов касаллигини қўзғатувчиси қайси соҳаларда аниқланмайди?

А. Бурун шиллиқ қаватидан олинган суртмадан.

Б. Инфильтрат юзасидан олинган суртмаларда.

В. Инфильтратнинг функционал материалидан.

Г. Гистологик препаратлар таркибидан.

Д. Барча жавоблар тўғри.

133. Силсимон моховда асосан шикастланадиган соҳаларни белгиланг.

А. Тери.

Б. Ошқозон-ичак тизими.

В. Нафас олиш тизими.

Г. Харокат- таянч тизими.

Д. Тўғри жавоб йўқ.

134. Қўтири учун хос бўлган тошмаларни белгиланг.

А. Лентикуляр тугунчалар.

Б. Геморрагиялар.

В. Пуфакчали ва тугунчали тошмалар.

Г. Қаварчиқли тошмалар.

Д. Полигонал папулалар.

135. Шанкрли пиодермия нимадан бошланади?

А. Доғли тошмалардан.

Б. Пуфакчалардан.

В. Пустулалардан.

Г. Эрозиялардан.

Д. Тугунлардан.

136. Гидраденит касаллигига қозатыладын яллигланиш жараёни қандай безларни қамраб олади?

А. Апокрин тер безларини.

Б. Эккрин тер безларини.

В. Терининг ёғ безларини.

Г. Барча жавоблар түғри.

Д. Түғри жавоблар йүқ.

137. Фурункулнинг инфильтрация босқичида қўлланилади.

А. Анилин бўёклари билан боғлаш.

Б. «Кўк лампа» билан иситиш.

В. Тоза ихтиол билан боғлаш.

Г. Вишневский малҳами билан боғлаш.

Д. Барча жавоблар түғри.

138. Стрептококкли бичилиш касаллигига беморларга нима буюримайди?

А. Ҳар кунги хамом.

Б. Кортикостероидлар.

В. Анилин бўёклари билан ишлов бериш.

Г. Антибиотикили малҳамларни қўллаш.

Д. Ҳамма жавоблар түғри.

139. Эпидемик чилла яра қандай даволанади?

А. Антибиотиклар ёрдамида.

Б. Тоза ихтиол малҳами билан.

В. Дипроспан дори воситаси билан.

Г. УВЧ билан.

Д. УФО билан.

140. Тери лейшманиози кеч яраланувчан турининг инкубацион даври:

А. 10-20 кун.

Б. 1-1,5 ой.

В. 2-3 ой.

Г. З ойдан 1 йилгача.

Д. 10 йилдан ортиқ.

141. Кеч яраланувчи тери лейшманиозида яраланиш ҳолати қўйидаги кўринишда бўлади:

А. Юзаки.

Б. Чукур.

В. Чегараси юмолоқ, овал шаклида.

Г. Чегараси нотекис.

Д. А ва Г жавоблар тўғри.

142. Демодекоз касаллигининг давосига кирмайди:

А. Яллиганишга қарши дори воситалари.

Б. Гармонал малҳамлар.

В. Антипаразитар дори воситалари.

Г. Сенсибилизация ҳолатини яхшиловчи дори воситалари.

Д. Тўғри жавоб йўқ.

143. Қўтир касаллигининг қўзғатувчиси бўлиб ҳисобланади:

А. Mollitor hominis.

Б. Epidermophyton pedium.

В. Acarus scabiei.

Г. Leishmania tropica.

Д. Malassezia furfur.

144. Қўтирда қўйидаги белги кузатилади:

А. Пильнов белгиси.

Б. Бенье белгиси.

В. Уикхем белгиси.

Г. Горчаков-Арди белгиси.

Д. Ауспитц белгиси.

145. Касалликнинг қайси шакли белбоғсимон

темираткининг клиник шаклларига кирмайди:

А. Буллез.

Б. Геморрагик.

В. Гангреноз.

Г. Тез-тез қайталаниб турувчи.

Д. Абортив.

146. Лейшманиоз қўзғатувчиси:

А. Кох таёқчаси.

Б. Ганзена таёқчаси.

В. Боровский таначаси.

Г. Оқиши трепонема.

Д. Коринобактерия.

147. Мохов қуидаги касаллик гурухига киради:

А. Дерматофития.

Б. Генодерматоз.

В. Инфекцион дерматоз.

Г. Вирус дерматози.

Д. Паразитар дерматоз.

148. Моховнинг белгилари:

А. Тугун, дўмбоқча, доғ.

Б. Заарланган соҳада тер ажралишининг кучайиши.

В. Пуфаклар.

Г. Менингоэнцефалит.

Д. Эктропион.

149. Фолликулит қачон чуқур ҳисобланади:

А. Соч фолликуласининг тепаси заарланганда.

Б. Соч фолликуласини 2/3 қисми заарланса.

В. Соч фолликуласининг кириш қисми.

Г. Соч фолликуласининг пиёзчаси.

Д. Соч фолликуласининг атрофдаги тўқимаси.

150. Гидраденит – қуидаги соҳани йирингли яллиғланиши:

А. Эккрин тер безларининг.

Б. Апокрин тер безларининг.

В. Соч фолликуласининг.

Г. Ёғ безларининг.

Д. Тирноқ думбоқчасининг.

151. Эккрин тер безлари оғиз қисмининг стафилококкли яллиғланиши:

А. Остиофолликулит.

Б. Сохтаципқон (псевдофурункулез).

В. Гидраденит.

Г. Хуснбузар.

Д. Везикулопустулез.

152. Стрептодермиялар гурухига киради:

А. Буллёз импетиго.

Б. Юзаки хасмол.

В. Оддий темиратки.

Г. Везикулопустулёз.

Д. Сохта чипқон (псевдофурункулез).

153. Гидраденит кузатиладиган соҳа:

А. Кўлтиқ ости.

Б. Сўргичлар атрофи (кўкрак безлари).

В. Бошнинг сочли қисми.

Г. Анус атроф соҳалари.

Д. Кулоқ супраси.

154. Страфилодермиялар гуруҳларига киради:

А. Оддий темиратки.

Б. Фурункулёз.

В. Гидраденит.

Г. Буллёз импетиго.

Д. Карбункул.

155. Қўйидагилардан қайси бири терининг вирусли касаллиги бўлиб ҳисобланади:

А. Ўткир учли кондиломалар.

Б. Юқумли моллюска.

В. Мохов.

Г. Оддий учук.

Д. Кўтири.

156. Кўтири касаллиги учун терида қўйидаги тошмаларнинг мавжудлиги хос:

А. Чандик.

Б. Тугунча.

В. Пуфакча.

Г. Пуфак.

Д. Экскориациялар.

157. Битлашнинг клиник шаклларига мансуб:

А. Бош бити.

Б. Бўйин бити.

В. Кийим бити.

Г. Қовуқ бити.

Д. Кўлтиқ ости бити.

158. Лейшманиознинг қишлоқ типи хусусиятлари:

А. Манбаи бемор инсон.

Б. Қисқа инкубацион давр (1-4 ҳафта).

В. Дўмбоқчанинг кенг тарқалиши.

Г. Узоқ инкубацион давр (1 йилгача).

Д. 3-6 ойида давомида тузалиш.

159. Қайси касалликларда терида гипопигментация кузатилади:

- А. Иккиламчи захм.
- Б. Ранг-баранг темиратки.
- В. Витилиго.
- Г. Эшакем.
- Д. Қўтириш.

160. Шаҳар типи лейшманиози учун хос хусусиятлар:

- А. Узоқ яширин давр (2-3 ойдан 1-2 йилгача).
- Б. Йирингли лимфаденит.
- В. Йирингли полиаденит.
- Г. Секин ривожланиш.
- Д. 1 йил ва ундан узоқ вақтда тузалиш.

161. Бошнинг сочли қисми микроспорияси қандай шароитларда даволанади?

- А. Амбулатор.
- Б. Касалхонада.
- В. Ота- онанинг хоҳиши бўйича уй шароитида.
- Г. Даволанмайди.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

162. Бошнинг сочли қисми микроспорияси касаллиги билан хасталанган bemor бола даволангандага сўнг қанча вақт ўтгач мактабга ўқишга чиқиши мумкин?

- А. Текширув натижаси 1 марта манфий чиққандан сўнг.
- Б. Текширув натижаси 2 марта манфий чиққандан сўнг.
- В. Текширув натижаси 3 марта манфий чиққандан сўнг.
- Г. Текширув натижаси 6 марта манфий чиққандан сўнг.
- Д. Даво тугатиши билан.

163. Кандидозга қарши қўлланиладиган маҳаллий даво воситасини белгиланг:

- А. Лакокортен малҳами.
- Б. Оксалин малҳами.
- В. Леворин малҳами.
- Г. Бонафтон, оксалин ёки теброфен малҳами.
- Д. Клотримазол малҳами.

164. Зааралланган соч толаси трихофитиясининг микроскопик кўринишини таърифланг:

- А. Эндотрикс.

Б. Эктотрикс.

В. Занжирсимон спораларнинг жойлашиши.

Г. Спораларнинг турли хил ҳолатда жойлашиши.

Д. Тўғри жавоб Б ва В лар.

165. Микозларнинг маҳаллий давосига кирмайди:

А. Микосептин.

Б. Ламизил.

В. Микозалон.

Г. Преднизолон.

Д. Клотримазол.

166. Ранг-баранг темиратикига хос бўлган белгиларни кўрсатинг:

А. Касалликни сурункали кечиши.

Б. Доғли тошмаларнинг кузатилиши.

В. Яширин қипикланиш ҳолатининг кузатилиши.

Г. Тошмаларни турли рангларда бўлиши.

Д. Барча жавоблар тўғри.

167. Бошнинг сочли қисми трихофитияси учун хос бўлган белгилар:

А. Соch толаларининг илдизида қора муфтанинг ҳосил бўлиши.

Б. Соch толаларининг илдизида оқ муфтанинг ҳосил бўлиши.

В. Ўчоклар чегарасининг текис бўлиши.

Г. Соchlар танасининг ингичкалашиб кетиши.

Д. Соchlар рангининг ўзгариши.

168. Микроспория касаллигини юқиши йўлларини кўрсатинг:

А. Боғчаларда.

Б. Мушук ва кучуклар билан контактда бўлгандан сўнг.

В. Сартарошхоналарда.

Г. Мактабларда.

Д. Барча жавоблар тўғри.

169. Микроспория касаллигига соchlарнинг заарланишига нима хос эмас?

А. Соchlарини 1-3 мм баландликда синиши.

Б. Соch толаларининг 5-8 мм баландликда синиши.

В. Соch толаларнинг илдизида оқиш муфтанинг ҳосил бўлиши.

Г. Вуд лампаси билан ёритилганда яшил ранг кўринишида товланиши.

Д. Кўплаб майда ўчоқларнинг ҳосил бўлиши.

170. Фавуснинг скутулар кўриниши учун хос бўлмаган белгини кўрсатинг:

- А. Фавусли шитоклар.
- Б. Чандиқли атрофия.
- В. Эритемани кузатилиши.
- Г. Сочларининг тўкилиши.
- Д. Сочларнинг синиши.

171. Микоз касаллигини умумий даволашда қўлланилмайди:

- А. Цефазолин.
- Б. Гризофульвин.
- В. Нистатин.
- Г. Леворин.
- Д. Амфотерицин В.

172. Кандидознинг клиник кўринишларини белгиланг:

- А. Шиллиқ қаватлар кандидози.
- Б. Тери бурмалари кандидози.
- В. Ички аъзолар кандидози.
- Г. Сурункали кенг тарқалган грануламатоз кандидози.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

173. Зоофил замбуруғлар тури орқали чақирилади:

- А. Микроспория.
- Б. Юзаки трихофития.
- В. Чуқур трихофития.
- Г. Ранг-баранг темиратики.
- Д. Тўғри жавоб А ва В лар.

174. 5 ёшли болада бош соҳаси трихофитияси аниқланган.

Касалликни юқиши ўчоғи бўлиб нима ҳисобланади?

- А. Уй қора моллари.
- Б. Ёши катта аёллар.
- В. Ёши катта эркаклар.
- Г. Мушуклар.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

175. Инфильтрацияланувчан - иирингли трихофития касаллиги учун хос бўлган клиник белгиларни кўрсатинг:

- А. Инфильтрация ва шиш.
- Б. Фоликуляр абсцесслар.

В. Йирингли қатқалоқлар.

Г. Оғриқнинг кузатилиши.

Д. Барча жавоблар тўғри.

176. Сурункали тарқалган грануламатоз кандидози касаллигига қайси дори воситаси кўлланилмайди?

А. Сибазон.

Б. Низорал.

В. Нистатин ва леворин.

Г. Амфотерицин В.

Д. Дюфликан.

177. Трихомикозларни чақиравчи антропофил замбуруғла-рига кирмайди:

А. Зангдор микроспориум.

Б. Шонлейн трихофитони.

В. Ментагрифутис трихофитони.

Г. Танзуранс трихофитони.

Д. Виолацеум трихофитони.

178. 4 ёшли болада микроспориум аниқланганда қандай профилактик чора-тадбирлар ўтказилмайди

А. Боланинг кийимлари, ўйинчоклари, чойшаблари дезинфекция қилинади.

Б. Бола ҳар куни чўмилтириб турилади.

В. Болалар боғчасида камерали дезинфекция ўтказилади ва нам дезинфекцияловчи воситалар билан тозаланади.

Г. Болалар боғчасида профилактик кўрув ўтказилади.

Д. Болалар боғчасида профилактик даво чоралари ўтказилади.

179. Оёқ-кафт микози турига кирмайди:

А. Дисгидротик.

Б. Панжалараро.

В. Сквамоз.

Г. Юзаки.

Д. Интертригиноз.

180. Бошнинг сочли қисми трихофитияси касаллигига трихофитиянинг зоофил турини унинг антропофил туридан микроскоп остидаги фарқи

А. Эндотрикс кўринишида спораларнинг кузатилиши.

Б. Эктотрикс кўринишида спораларнинг мавжудлиги.

В. Соч толаларида мицелияларнинг кузатилиши.

Г. Тўғри жавоб А ва Б.

Д. Тўғри жавоб йўқ.

181. Қизил трихофитон билан чақириладиган микозларнинг клиник кўринишларига кирмайди:

- А. Гиперкератотик ўзгаришлар.
- Б. Гранулематоз ва буллёз.
- В. Интертригеноз.
- Г. Катта бурмаларнинг шикастланиши.
- Д. Тирноқларнинг заарланиши.

182. Дерматомикозларга кирмайди:

- А. Актиномикоз.
- Б. Фавус.
- В. Трихофития.
- Г. Микроспория.
- Д. Руброфития.

183. Вуд чироғи ёрдамида текширилганда ёғдуланиш хусусиятига эга дерматофитларга нималар киради?

- А. Соч толасини заарлайдиган дерматофитларнинг барчаси.
- Б. Микроспориялар.
- В. Трихофитиялар.
- Г. Ит микроспоруми.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

184. Қора моллардан юқтириш мумкин бўлган замбуруғлар:

- А. Трихофитон рубрум.
- Б. Шонлейн трихофитони.
- В. Трихофитон веррикозум.
- Г. Микроспорум гипсеум.
- Д. Трихофитон ментографитес.

185. Бошнинг сочли қисми замбуруғли касалликларидан қайси бирида соч толаларининг 5-8 мм баланликда синиши ҳолати кузатилади?

- А. Юзаки трихофитияда.
- Б. Микросполияда.
- В. Фавусда.
- Г. Йирингли- инфильтратив трихофитияда.
- Д. Алопецияда.

186. Ранг-баранг темиратики касаллигига хос бўлган белгиларни кўрсатинг

- А. Сурункали кечиши.

Б. Доғли тошмаларнинг кузатилиши.

В. Қипиқланишни кузатилиши.

Г. Тарқоқ күринишда бўлиши.

Д. Барча жавоблар тўғри.

187. Терининг замбуруғли касалликларини келтириб чиқарувчи омилларга кирмайди:

А. Трихофитонлар.

Б. Эпидермофитонлар

В. Ганзен таёқчалари

Г. Ачитқисимон замбуруғлар

Д. Микроспорумлар

188. 5 ёшли бола бош соҳаси трихофитияси касаллиги билан хасталанган, касалликни юқиши ўчоғи бўлиб нима хисобланган?

А. Бошқа bemор болалар.

Б. Ёши катта аёллар.

В. Ёши катта эркаклар.

Г. Мушуклар.

Д. Барча жавоблар нотўғри.

189. Сурункали тарқалган кандидозда қайси дори воситалари қўлланилади?

А. Дифлюкан.

Б. Низорал.

В. Нистатин ва леворин малҳамлари.

Г. Амфотерицин В.

Д. Барча жавоблар тўғри.

190. Кандидозларнинг қандай клиник шакллари мавжуд?

А. Катта бурмалар кандадози.

Б. Кичик бурмалар кандидози.

В. Шиллиқ қаватлар кандидози.

Г. Тирноқ атрофи соҳаси ва тирноқлар кандидози.

Д. Барча жавоблар тўғри.

191. Фавуснинг клиник шакилларига кирмайди:

А. Скутуляр.

Б. Гангреноз ва флегманозли.

В. Сквамозли.

Г. Импетигинозли.

Д. Птеригоидли.

192. Оёқ – кафт юзаси микозининг турига кирмайди:

А. Дисгидротик.

Б. Панжаларапо.

В. Сквамоз.

Г. Юзаки.

Д. Интертригиноз.

193. Трихомикозларга кирмайди:

А. Актиномикозлар.

Б. Фавус.

В. Трихофитиялар.

Г. Микроспориялар.

Д. Зангдар микроспорум чақирадиган микроспориялар.

194. Антропофил замбуруғлар чақирадиган касалликларга кирмайди:

А. Микроспориялар.

Б. Юзаки трихофитиялар.

В. Чуқур трихофитиялар.

Г. Фавус.

Д. Рубромикоз.

195. 5-8 мм тери сатхидан баландликда сочларининг синиши кузатилади:

А. Юзаки трихофитияда.

Б. Микросполияда.

В. Фавусда.

Г. Йирингли- инфильтратив трихиофитияда.

Д. Аллопецияда.

196. Замбуруғларни бактриоскопик текширув ўтказиш учун олинган материал нима ёрдамида ишлов берилади:

А. Спирт.

Б. Изотоник эритма.

В. Кислота.

Г. Грамм бўйича бўялади.

Д. Ишқор.

197. Терининг қандай замбуруғли касаллиги учун сочнинг 5-8 мм баландликда синиши хос:

А. Трихофития.

Б. Микроспория.

В. Эритразма.

Г. Кандидоз.

Д. Рубромикоз

198. Кандида замбуруғлари заарламайдыган соҳа:

- А. Сочлар.
- Б. Тери юзалари.
- В. Тирноклар.
- Г. Ички аъзолар.
- Д. Шиллик қаватлар.

199. Ранг-баранг темиратки касаллигига ташхис қўйишида қўйидаги диагностика усуллари қўлланилади:

- А. Бальцернинг йодли синамаси.
- Б. Ядасон синамаси.
- В. Минор синамаси.
- Г. Бенье симптоми.
- Д. Люминесцент чироқларидан фойдаланиш.

200. Фақат антропофил йўл билан юқувчи замбуруғли касалликларини кўрсатинг:

- А. Микроспория.
- Б. Трихофитиянинг инфильтратив-йирингли клиник шакли.
- В. Юзаки трихофития.
- Г. Сурункали трихофития.
- Д. Фавус.

201. Зооантропофил йўл билан юқувчи замбуруғли касалликларни кўрсатинг:

- А. Юзаки трихофития.
- Б. Микроспория.
- В. Бошнинг сочли қисмининг инфильтратив-йирингли трихофитияси.
- Г. Силлиқ терининг инфильтратив-йирингли клиник шакли.
- Д. Ранг - баранг темиратки.

202. Захм склероденитида нима кузатилади?

- А. Тери сатҳларининг қуриб шохланиши.
- Б. Тери ости лимфа тугунлари катталашиши.
- В. Тери ости ёғ қаватининг шиши.
- Г. Мушакларнинг қаттиқлашиши.
- Д. Ўзгаришларнинг бўлмаслиги.

203. Шанкр амигдалит, деб нимага айтилади?

- А. Бодомча безининг эрозияси.
- Б. Бодомча безини йирингли яраси.
- В. Бодомча бези бир тарафлама катталашиши, оғриқсиз бўлиши.

Г. Бодомча безининг кичиклашиши.

Д. Ўзгаришларнинг бўлмаслиги.

204. Иккиламчи янги захмда тошмалар қандай кўринишларда жойлашади?

А. Тошмаларни чегараланган кўринишда жойлашиши.

Б. Тарқоқ кўринишда тартибсиз жойлашиши.

В. Симметрик кўринишда жойлашиши.

Г. Тошмаларнинг кузатилмаслиги.

Д. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб чекланган ҳолда жойлашиши.

205. Эрта туғма захм учун хос бўлган патогномик белгиларни кўрсатинг:

А. Терида дўмбоғли тошмаларни ҳосил бўлиши.

Б. Лабиринтли карлик.

В. Тери соҳасида тугунли тошмалар ҳосил бўлиши.

Г. Ханжарсимон болдир.

Д. Дюбуа белгиси.

206. Кеч туғма захм учун хос бўлган патогномик симптомларини белгиланг:

А. Бош мия суяги тузилишининг ўзгариши.

Б. Тишларини бочка шаклида кўриниши.

В. Гетчинсон тишлари.

Г. Тишларни бир-биридан узоқ масофада жойлашиши.

Д. Бўри танглайи.

207. Аёл киши иккиламчи янги захмни ўтказган, тўлиқ даволанган. Аёл назоратдан олингандан кейин бир йилдан сўнг ҳомиладор бўлган. Лозим бўлган чора- тадбирлар нималардан иборат?

А. Даво чоралари ўтказилмайди, чунки давони тўлиқ олиб бўлган.

Б. Даво чоралари ўтказилмайди, чунки аёл назоратда турмаган.

В. Клинико- серологик назоратда бўлиши лозим.

Г. Профилактик чора- тадбирларни кўриш лозим эмас.

Д. Даво чоралари олиб борилиши лозим.

208. Захм касаллигига қўлланиладиган сезувчалиги юқори бўлган серологик тестни белгиланг.

А. РИФ 200.

Б. РИФ- абс.

В. Колмер реакцияси.

Г. RW.

Д. Манту реакцияси.

209. Захм инкубацион даврининг узайиши қачон кузатилади?

А. Инфекцион касалликлар билан бирга келганда.

Б. Қаттиқ шанкр биполяр кўринишда жойлашганда.

В. Йўлдош касалликларни антибиотик дори воситалари билан даволаганда.

Г. Йўлдош касалликларни сульфаниламид дори воситалари билан даволаганда.

Д. Вирусларга қарши дори воситалар билан даволанганда.

210. Эрта түғма захм учун хос бўлган патогномик симптомлар:

А. Тери соҳаларидаги йирингли тошмалар.

Б. Захм чилла яраси.

В. Захм алопецияси.

Г. Захм эритемаси.

Д. Гаше белгиси.

211. Бирламчи захмда регионар склероденит белгиси қаттиқ шанкр пайдо бўлганидан сўнг қанча вақтдан кейин пайдо бўлади?

А. 3-5 кун.

Б. 5-8 кун.

В. 8-10 кун.

Г. 10-12 кун.

Д. 15-20 кун.

212. Захмнинг иккиламчи даври ўртacha қанча вақт ўтгандан сўнг бошланади?

А. 1-2 ҳафта.

Б. 2-3 ой.

В. 4-5 ой.

Г. 5-6 ой.

Д. 3-4 ҳафта.

213. Эрта түғма захмда асосан қайси аъзо зарарланади?

А. Ошқозон.

Б. Жигар.

В. Буйрак.

Г. Мия.

Д. Қора талоқ.

214. Қаттиқ шанкрнинг типик турларига кирмайди

Е. а) қов соҳаси шанкри

А. Индуратив шиш.

Б. Шанкр хасмол.

В. Шанкр амигдалит.

Г. Индуратив шиш.

215. Шанкр- панариций нима?

А. Бармоқдаги эрозия ёки яра.

Б. Бармоқ фалангасининг дефектсиз шишиб кетиши.

В. Бармоқ фалангасининг дефектсиз яллиғланиб шишиб кетиши.

Г. Бармоқлар контрактураси.

Д. Бармоқнинг синиши.

216. Эрта тұғма захм остеохондрити белгилари қачон юзага чиқады?

А. Бемор бола ҳаётининг 2-3 ойларида.

Б. Бемор бола ҳаётининг 5-6 ҳафтада.

В. Ҳомиладорликнинг 5-6 ойларида.

Г. Бемор бола ҳаётининг 6-7 ойларида.

Д. Ҳомиладорликнинг 3-4 ҳафтада.

217. Оқиши трепонема узунлиги неччига тең?

А. 1-2 мкм.

Б. 4-14 мкм.

В. 20-25 мкм.

Г. 30-33 мкм.

Д. 40-45 мкм.

218. Захм касаллиги билан хасталанган bemor билан жинсий алоқада бўлингандан сўнг қанча вақт ўтгач қаттиқ яра пайдо бўлади?

А. 1 ҳафта.

Б. 2 ҳафта.

В. 3-4 ҳафта.

Г. 6-7 ҳафта.

Д. 8-9 ҳафта.

219. Учламчи захм чандиқлари қандай кўринишга эга бўлади?

А. Тортилган.

Б. Юлдузсимон.

В. Юзаки.

Г. Ясси.

Д. Атрофик.

220. РИБТ жараёни қайси мақсадларда қўлланилади?

А. Бирламчи захм ташхисини аниқлашда.

Б. Иккиламчи янги захм ташхисини аниқлашда.

В. Яширин захм ташхисини аниқлаш мақсадида.

Г. Даво чораларини белгилаш мақсадида.

Д. Беморни руйхатга олиш мақсадида.

221. Бирламчи сифиломадан сўнг регионар лимфа тугунларининг катталашиши қанча вақт ўтгандан кейин кузатилади?

А. 1-2 кундан сўнг.

Б. 5-7 кундан сўнг.

В. 9-12 кундан сўнг.

Г. 13-16 кундан сўнг.

Д. 21-25 кундан сўнг.

222. Қаттиқ шанкр асоратларига кирмайди:

А. Фимоз.

Б. Парофимоз.

В. Гангренизация.

Г. Лимфаденит.

Д. Фагединизация.

223. Захмнинг эритематоз ангинаси учун хос:

А. Чегаралари аниқ эритема.

Б. Чегаралари ноаниқ эритема.

В. Бодомчи безларининг шишиши.

Г. Томоқда ўткир оғриқнинг кузатилиши.

Д. Юқори ҳароратнинг бўлиши.

224. Захмнинг иккиламчи даври бошланиши қача вақтдан сўнг кузатилади?

А. Касаллик юққандан сўнг 2-3 ой ўтгач.

Б. Касаллик юққандан сўнг 4-5 ой ўтгач.

В. Касаллик юққандан сўнг 6-7 ой ўтгач.

Г. Касаллик юққандан сўнг 8-9 ой ўтгач.

Д. Касаллик юққандан сўнг 2-3 ҳафта ўтгач.

225. Шанкр амигдалит, деб нимага айтилади?

А. Бодомча безининг эрозияси.

- Б. Бодомча безининг яраси.
- В. Бодомча безининг инфильтрацияси.
- Г. Бодомча безининг перфорацияланиши.
- Д. Бодомча безининг атрофияланиши.

226. Кеч туғма захм үчун хос бўлган патогномик белгиларни кўрсатинг

- А. Захм чилла яраси.
- Б. Тишларнинг бочка шаклида кўриниши.
- В. Гетчинсон тишлари.
- Г. Захм ринити.
- Д. Гоҳзенгернинг тарқоқ ҳолдаги тугунчали инфильтрацияси.

227. Кеч яширин захм үчун хос бўлган белгиларни кўрсатинг.

- А. Қаттиқ шанкр.
- Б. Захм белгиларининг кузатилмаслиги.
- В. Регионар аденит.
- Г. Гуммали захм тошмалари.
- Д. Дўмбоқчали захм тошмалари.

228. Пирогенал дори воситасини қўллаш қачон тавсия этилмайди?

- А. Ҳомиладорлик даврида.
- Б. Псориаз касаллигига.
- В. Ошқозон яраси касаллигига.
- Г. Экзема касаллигига.
- Д. Пиодермия касаллигига.

229. Иккиламчи захм үчун хос эмас:

- А. Ўткир яллиғланиш ҳолати.
- Б. Оёқ ва кафт соҳаларининг заарланиши.
- В. Яллиғланиш ҳолатининг кузатилмаслиги.
- Г. Полиаденит ҳолати.
- Д. Тошмаларда қичишиш ҳолатининг бўлмаслиги.

230. Эрта туғма захмнинг патогномик белгиларини кўрсатинг:

- А. Баданда турли хил тошмаларни тошиши.
- Б. Баданда папулёз тошмаларни тошиши.
- В. Захм ринити.
- Г. Захм аллопецияси.
- Д. Гетченсон тишлари.

231. Эрта туғма захм белгилари асосан неча ёшда намоён бўлади?

- А. 0 ёшдан-2 ёшгача.
- Б. 2 ёшдан- 3 ёшгача.
- В. 3 ёшдан-4 ёшгача.
- Г. 4 ёшдан- 5 ёшгача.
- Д. 6 ёшдан-7 ёшгача.

232. Кеч туғма захмни патогномик белгиси бўлиб ҳисобланади:

- А. Қаттиқ танглай гуммаси.
- Б. Паренхиматоз кератит.
- В. Дўмбоқчали тошмалар тошиши.
- Г. Розеолали тошмалар тошиши.
- Д. Захм ринити.

233. Эрта туғма захмга хос бўлган патогномик белгини кўрсатинг:

- А. Тугунли тошмалар.
- Б. Доғли тошмалар.
- В. Гохзингернинг диффуз тугунчали инфильтрацияси.
- Г. Диффуз аллопеция.
- Д. Максус паронихия.

234. Эрта туғма захм қасаллиги билан хасталанган бемор болаларда захм остеохондрити белгилари қачон намоён бўлади?

- А. Бемор бола ҳаётнинг биринчи 3 ойларида.
- Б. 5-6 ойларида.
- В. 6-7 ойларида.
- Г. 8-9 ойларида.
- Д. 10-12 ойларида.

235. Оқиш трепонема қачон топилган?

- А. 1890 й.
- Б. 1895 й.
- В. 1905 й.
- Г. 1910 й.
- Д. 1900 й.

236. Захм қасаллиги билан хасталанган бемор билан жинсий алоқа қилингандан кейин қанча вақт ўтгандан сўнг захм қаттиқ яраси пайдо бўлади?

- А. 1 хафтадан сўнг.

- Б. 2 ҳафтадан сүнг.
- В. 3-4 ҳафтадан сүнг.
- Г. 6-7 ҳафтадан сүнг.
- Д. 8-9 ҳафтадан сүнг.

237. Эрта туғма захмни текшириш мақсадида бола ҳаёти-нинг 3 ойлик даврида узун найсимон сұяклар рентгенографияси үтказиладими?

- А. Ҳа.
- Б. Йўқ.
- В. Врач тавсиясига кўра кейинроқ үтказилади.
- Г. Бемор бола ота-онаси розилигига қараб үтказилади.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

238. Бемор иккиламчи қайталама захмга гумон қилинаяпти, КСР кучсиз мусбат кўринишида, bemorga касалликни тасдиқлаш мақсадида яна қандай қўшимча текширувлар үтказилиши керак?

- А. Колмер жараёни.
- Б. Цитохол жараёни.
- В. РИБТ.
- Г. Микрореакция.
- Д. RW ни кардиолипин антигени билан.

239. РИБТ жараёни асосан қайси мақсадларда қўлланилади?

- А. Бирламчи захм ташхисини аниқлашда.
- Б. Иккиламчи янги захм ташхисини аниқлашда.
- В. Яширин захм ташхисини аниқлашда.
- Г. Давони назорат қилиш мақсадида.
- Д. Беморни руйхатга олиш мақсадида.

240. Эрта туғма захмда тери соҳаларида қуидаги тошмалар кузатилади.

- А. Чегараланган инфильтрация ўчоқлари.
- Б. Ангионевротик шишлар.
- В. Қаварчиқли тошмалар.
- Г. Гуммали тошмалар.
- Д. Дўмбоқчали тошмалар.

241. Бирламчи сифиломадан сўнг регионар лимфотугунларининг катталашиши қанча вақт ўтгандан кейин кузатилади?

- А. 1-2 кундан сўнг.
- Б. 5-7 кундан сўнг.

- Б. 10-12 кундан сўнг.
- Г. 15-16 кундан сўнг.
- Д. 21 кундан сўнг.

242. Қаттиқ шанкр асоратларига кирмайди:

- А. Фимоз.
- Б. Парофимоз.
- В. Гангренизация.
- Г. Лимфаденит.
- Д. Фагединизация.

243. Бирламчи захмда яширин даври узаяди:

- А. Инфекция қўшилиши.
- Б. Вирусга қарши препаратларни қабул қилиш.
- В. Антибиотикларни қабул қилиш.
- Г. Сурункали инфекцион касалликларнинг қўшилиши.
- Д. Ҳаммаси.

244. Қачон захмда регионар лимфадинит кузатилади:

- А. Қаттиқ шанкр ривожлангунча.
- Б. Қаттиқ шанкр билан биргаликда ривожланади.
- В. Қаттиқ шанкрдан сўнг 1 ҳафтадан кейин ривожланади.
- Г. Қаттиқ шанкрдан сўнг 1 ойдан сўнг ривожланади.
- Д. Ривожланиши қаттиқ шанкрга боғлиқ эмас.

245. Захмда Вассерман реакцияси қачон мусбат бўлади:

- А. Зааралангдан кейин 5-7 куни.
- Б. Қаттиқ шанкр пайдо бўлгандан сўнг 2-3 ҳафтадан сўнг.
- В. Қаттиқ шанкр пайдо бўлгандан сўнг 5-6 ҳафтадан сўнг.
- Г. Қаттиқ шанкрдан 1 ҳафтадан сўнг.
- Д. Зааралангдан сўнг бирдан бошланади.

246. Иккиламчи янги захмдаги терида намоён бўлувчи тошмалар:

- А. Пуфак.
- Б. Қаварчик.
- В. Қобиқ.
- Г. Розеола, папула.
- Д. Яра.

247. Иккиламчи қайталама захмдаги терида намоён бўлувчи тошмалар:

- А. Қаттиқ шанкр.
- Б. Тугун.

В. Дўмбоқча.

Г. Юмшоқ шанкр.

Д. Товон папулалар, розеола, лейкодерма.

248. Иккиламчи захмнинг кечиши даври:

А. 1 ой.

Б. 1 йил.

В. 10 йил.

Г. 2-3 йил.

Д. 7 йил.

249. Сифилитик остеохондрит қайси ёшгача учрайди:

А. 6 ойгача.

Б. 3 ойгача.

В. 1 ёшгача.

Г. 2 ёшгача.

Д. 3 ёшгача.

250. Эрта туғма захмнинг асосий белгиларини аниқланг:

А. Қиличсимон болдир.

Б. Гетчинсон тишлари.

В. Захм чилла яраси.

Г. Вулгар пўрсилдоқ пуфакли яра.

Д. Юкумли чилла яраси.

251. Эрта туғма захмнинг лаборатор мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади:

А. Пуфак суюқлигида спирохетларнинг топилиши.

Б. Пуфак суюқлигида стафилококларнинг топилиши.

В. Пуфак суюқлигида стрептококлар топилиши.

Г. Пуфак суюқлигида гонококлар топилиши.

Д. Пуфак суюқлигида лейшманинг топилиши.

252. Бирламчи захмда қандай даво ўтказилади:

А. Носпецифик.

Б. Синама.

В. Превентив.

Г. Специфик.

Д. Профилактик.

253. Пенициллиннинг дюрант препаратлари қўйидаги усул-да юборилади:

А. Бир лаҳзалик усул билан мушак орасига.

Б. Бир лаҳзалик усул билан вена ичига.

- В. Бир лаҳзалик усул билан тери остига.
- Г. Икки лаҳзалик усул билан мушак орасига.
- Д. Икки лаҳзалик усул билан тери остига.

254. Профилактик мақсадда ҳомиладорлик даврида ҳомиладор аёлларнинг серологик текшируви ўтказилади:

- А. Бир марта.
- Б. Икки марта.
- В. Уч марта.
- Г. Тўрт марта.
- Д. Беш марта.

255. Атипик қаттиқ шанкрга киради:

- А. Шанкр-панариций.
- Б. Шанкр-амигдалит.
- В. Индуратив шиш.
- Г. Эрозив шанкр.
- Д. Яралы шанкр.

256. Қаттиқ яра асоратлари бўлиб ҳисобланади:

- А. Баланит, баланопостит.
- Б. Фимоз, парафимоз.
- В. Фагеденизм.
- Г. Индуратив шиш.
- Д. Регионарсклераденит.

257. Бирламчи захмнинг клиник шакллари:

- А. Бирламчи серонегатив.
- Б. Бирламчи янги захм.
- В. Бирламчи серопозитив захм.
- Г. Бирламчи фаол захм.
- Д. Бирламчи яширин захм.

258. Захм тугунчаларнинг турлари:

- А. Сербар кандиломалар.
- Б. Псориазсимон.
- В. Лентикуляр.
- Г. Учуқсимон.
- Д. Ўткир учли кондиломалар.

259. Иккиламчи захмга хос булган розеолалар:

- А. Киндиксимон ботиқли.
- Б. Қўшилмаган.
- В. Йирик.

Г. Тўқ буялган.

Д. Кўп микдорда.

260. Гуммаларнинг асосий жойлашган соҳалари:

А. Қўл.

Б. Қаттиқ танглай.

В. Бурун тоғайлари.

Г. Болдир.

Д. Тиш.

261. Туғма захмда қандай ҳолларда профилактик даво ўтказилади:

А. Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида, специфик даво чораларини олган ҳомиладор аёлларда ўтказилади.

Б. Захм билан оғриган, специфик даволанган лекин профилактик даво олмаган аёллардан туғилган болаларда ўтказилади.

В. Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида специфик даводан сўнг тутгунича ўтказилади.

Г. Захм bemорлари билан майший алоқада бўлган шахсларда.

Д. Захм bemорлари билан жинсий алоқада бўлган шахсларда.

262. Эрта туғма захмнинг клиник белгилари:

А. Робинсон-фурнъе чандиқлари.

Б. Гохзингернинг диффуз тутгунчали маддаланиши.

В. Қўл ва оёқ кафтларидағи пуфаклар асосида маддаланишнинг кузатилиши.

Г. Гетчинсон учлиги.

Д. Ринит.

263. Кеч туғма захмнинг ишончли белгилари:

А. Гетчинсон тишлари.

Б. Қиличсимон болдир.

В. Паренхиматоз кератит.

Г. Эгарсимон бурун.

Д. Захм лабиринтит.

264. Захмда превентив даво кимга ўтказилади:

А. Захмнинг специфик давосини олган шахсларга.

Б. Яширин захм билан касалланган bemорларга, 2 йилгача муддатда.

В. Захм билан касалланган bemор билан майший мулоқотда бўлган шахсларга, 2 ойгача бўлган муддатда.

Г. Захм билан касалланган bemор билан жинсий мулоқотда бўлган шахсларга, 2 ойгача бўлган муддатда.

Д. Захм билан касалланган бемор билан майший ва жинсий мулоқотда бўлган шахсларга, 2 ойгача бўлган муддатда.

265. Беморда венеролог томонидан захм ташхиси тасдиқлангандан сўнг қандай муолажалар ўтказилади:

- А. Майший алоқада бўлган шахсларни текшириш.
- Б. Узоқ қариндошларни текшириш.
- В. Жинсий алоқада бўлган шахсларни текшириш.
- Г. Кўни-кўшниларни текшириш.
- Д. Касаллик манбанини аниқлаш.

266. Захмни пенициллин препаратлари билан даволаш қўйидагиларни эътиборга олиб тавсия этилади:

- А. Спирохеталар пенициллинга сезгир.
- Б. Гематоэнцефалик тўсиқдан ўта олмайди.
- В. Гематоэнцефалик тўсиқдан ўта олади.
- Г. Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан захмни даволаш учун текширилган ва тасдиқланган.
- Д. Аллергик реакцияларни чакирмайди.

267. Сўзак касаллигини қўзғатувчиси қайси гуруҳларга мансуб?

- А. Граммманфий диплококкларга.
- Б. Граммусбат диплококкларга.
- В. Грамм ўзгарувчан диплококкларга.
- Г. Граммманфий коккобациллаларга.
- Д. Граммусбат коккобациллаларга.

268. Тотал уретроскопия қандай ҳолларда ўтказилмайди?

- А. Сурункали простатитда.
- Б. Ўткир простатитда.
- В. Литтеритларда.
- Г. Сурункали уретритларда.
- Д. Импотенцияда.

269. Ўткир ва ўткир ости сўзакда қандай даво чоралари тавсия этилади?

- А. Гоновакцина.
- Б. Маҳаллий даво.
- В. Антибиотиклар.
- Г. Трихопол.
- Д. Пирогенал.

270. Гоновакцинани болаларда неча ёшдан бошлаб қўллаш мумкин?

- А. 1ёшдан ошганда.

- Б. 2 ёшдан ошганда.
- В. 3 ёшдан ошганда.
- Г. 4 ойдан ошганда.
- Д. 5 ойдан ошганда.

271. Қиз болаларда трихомонадалар билан чақирилган вульвовагинитга хос бўлган клиник белгиларини кўрсатинг?

- А. Пешоб ажралишининг камайиши.
- Б. Ташқи жинси аъзолар соҳасида кучли оғриқлар бўлиши.
- В. Ажралмаларнинг кузатилмаслиги.
- Г. Ташқи жинсий аъзолар атрофияси.
- Д. Оғизсимон ажралмаларнинг бўлиши.

272. Аёлларда сўзак касаллигига бактериологик текширувлар учун қайси соҳалардан суртмалар олинади?

- А. Уретрадан.
- Б. Парауретрал ва бартолиев безларидан.
- В. Тўғри ичакдан.
- Г. Қиндан.
- Д. Цервикал каналдан.

273. Гонобленнорея белгиларига кирмайдиган ҳолатларни кўрсатинг.

- А. Кўзнинг атрофияланиши.
- Б. Экзофталм.
- В. Кўздан йиринг оқиши, ёргуликдан кўрқиши.
- Г. Конъюнктивани гиперемияси.
- Д. кўз мугуз қаватида яраларнинг пайдо бўлиши.

274. Сўзак касаллигига маҳаллий даво қачон қўлланилади?

- А. Антибиотикларга сезувчанлик ҳолати юқори бўлганда.
- Б. Рецидивлар кузатилганда.
- В. Сўзакни торпид кўринишида кечганида.
- Г. Касалликни сурункали-қайталама кечишида.
- Д. Барча жавоблар тўғри.

275. З ёшли қиз болага клиник кўрув ва микроскопик текширувлар асосида сўзак этиологияли ўткир вульвовагинит ташхиси куйилди. Ташхисни асослаш учун қандай чоратъдирларни ўтказиш лозим?

- А. Суртмалар микроскопияси асосида бактериологик текширувларни Грамм усулида ўтказиш.
- Б. Текширув ўтказиш шарт эмас.
- В. Вагиноскопия қилинади.
- Г. Суртмани сахоролитик хусусиятини аниқлаш.

Д. Ота- онасини сузак касаллигига текшириш.

276. Қиз болаларда ўткир сўзак касаллигига хос бўлган шикоятларни ва клиник белгилларни кўрсатинг?

А. Оғриқ билан кузатилувчи пешобнинг ажралиши.

Б. Жинсий аъзолар соҳасида кучли қичишиш ҳолатининг бўлиши.

В. Йириングли ажралмаларнинг кузатилиши.

Г. Ташқи жинсий азолар соҳаси гиперемияси.

Д. Барча жавоблар тўғри.

277. Ачитқисимон замбуруғлар билан чақирилган уретритларни қандай дори воситалари ёрдамида даволанади?

А. Канамицин.

Б. Цепорин.

В. Полимиксин.

Г. Пенициллин.

Д. Нистатин.

278. Ҳомиладор аёл сўзак касаллиги билан хасталанган.

Бемор аёлга қандай дори воситаси қўлланилмайди?

А. Бензилпенициллин.

Б. Эритромицин.

В. Левомицетин.

Г. Тетрациклин.

Д. Сульфаниламидлар.

279. Сўзак билан касаллинган қиз болага даводан сўнг қанча вақт ўтгандан сўнг боғчага қатнашишга рухsat этилади?

А. Даво тугаши билан дарҳол.

Б. Даводан кейин 1 ой ўтгач.

В. Давони тугатиб, текширувлар ўтказилгач.

Г. Иккита стаканли синамадан сўнг.

Д. Битта провокация ва битта экиб текширилгандан сўнг.

280. 2 ёшли қиз болага ўткир сўзакли вульвовагинит ташхиси билан даво ўтказилди, bemorga провокация учун қандай усул қўулланилади?

А. Кимиёвий.

Б. Алиментар.

В. Биологик.

Г. Механик.

Д. Термик.

281. Туғруқдан сўнг сўзак касаллигига уретранинг маҳаллий давоси қайси даврда бошланади?

- А. Туғруқдан сўнг дарҳол.
- Б. Туғруқдан 3 кун ўтгач.
- В. Туғруқдан 5 кун ўтгач.
- Г. Туғруқдан 7-10 кун ўтгач.
- Д. Туғруқдан 15-20 кун ўтгач.

282. Онада сурункали сўзак, эндоцервицит, проктит ташхиси қўйилган. Оилада унинг 3 та боласи (3 ёшли қиз бола, иккита 4 ва 9 ёшли ўғил болалар) бор. Оилада яна кимлар текширувlarдан ўтказилиши лозим?

- А. Ҳамма болаларни.
- Б. 3 ёшли қиз боласини.
- В. 9 ёш ўғил боласини.
- Г. 4 ёшли ўғил боласини.
- Д. Болаларни текширувлардан ўтказиш шарт эмас.

283. Уретритлар маҳаллий давосида қўлланилмайди:

- А. Инстилляциялар.
- Б. Микроклизмалар.
- В. Бужлар.
- Г. Тампонадалар.
- Д. Массажлар.

284. Янги туғилган чакалокқларда гонобленорея ҳолати профилактикаси қандай ўтказилади?

- А. Оқ симоб эритмасини бола туғилиши билан қўзига томизилади.
- Б. 1% ли танин эритмасини бола туғилгандан сўнг қўзига томизилади.
- В. 2% ли резорцин эритмасини бола туғилиши билан қўзига томизилади.
- Г. Фурациллин эритмасини бола туғилиши билан қўзига томизилади.
- Д. 30% ли сулфацил натрий эритмасини бола туғилиши билан қўзига томизилади.

285. Сўзак касаллигининг асосий юқиши йўллари:

- А. Маиший.
- Б. Ҳаво-томчи орқали.
- В. Трансфузион.

Г. Жинсий.

Д. Алиментар.

286. Ўткир сўзак уретритини махсус даволаш усулини аниқланг:

А. Витаминлар.

Б. Антиоксидантлар.

В. Гормонлар.

Г. Антибиотиклар.

Д. Противопротозой препаратлари

287. Сўзак қўзғатувчиси:

А. Гонококк.

Б. Спирохета.

В. Стрептококк.

Г. Стафилококк.

Д. Ичак таёқчаси.

288. Трихомониазни асосий юқиши йўли:

А. Маишний.

Б. Ҳаво-томчи.

В. Трансфузион.

Г. Жинсий.

Д. Алиментар.

289. Ўткир хламидияли уретритнинг давоси ўтказилади:

А. Сульфаниламидалар билан.

Б. Пенциллин билан.

В. Цефалоспоринларни IV чи авлоди билан.

Г. Макролидлар билан

Д. Цефалоспоринларни III чи авлоди билан

290. ОИТС қўзғатувчини аниқланг:

А. Ретровирус.

Б. Хламидия.

В. Микоплазма.

Г. Вирус.

Д. Нейротроп вируси.

291. ОИТС га хос Капоши саркомасида учрайдиган клиник белгилари(нотўғри жавобни топинг):

А. Кўшилишга мойил бўлган кулранг тугунчаларнинг пайдо бўлиши.

Б. Саркома билан биргаликда ички аъзоларда ўзгаришларнинг кечиши.

В. Белдан юқоридаги лимфотугунларнинг катталашиши.

Г. Ички аъзолар шикастланиши.

Д. Белдан пастдаги лимфотугунлар катталашиши.

292. ОИТС касаллигига майил гурухларига киради (нотўғри жавобни топинг):

А. Наркоманлар.

Б. Фоҳишалар.

В. Гомосексуалистлар.

Г. Гемофилия касаллиги билан касалланган bemорлар.

Д. Спортсменлар.

293. Гоноккокли уретритларни даволаш усулларини аниқланг:

А. Микроклизмалар.

Б. Криотерапия.

В. Инстилляция.

Г. Антибактериалерапия.

Д. Гонококкли вакцина.

294. Уретритлар маҳалий давосига киради:

А. Микроклизмалар.

Б. Криотерапия.

В. Инстилляциялар.

Г. Бужда массаж ўтказиш.

Д. Томпонада.

295. ОИТС нинг клиник турларини аниқланг:

А. Системали.

Б. Паренхематоз.

В. Неврологик-асаб.

Г. Ошқозон-ичак.

Д. Иситмали.

296. ИТВ (ВИЧ) инфекциясининг юқиши йўллари :

А. Вертикаль.

Б. Жинсий.

В. Гемотрансфузия орқали.

Г. Она сути орқали.

Д. Ҳашоратлар чақиши орқали.

297. ОИТС касаллигига оид (ассоциированный) касалликларни аникланг:

- А. Капоши саркомаси.
- Б. Терининг замбуруғли касалликлари.
- В. Терининг вирусли касалликлари.
- Г. Атопик дерматити.
- Д. Псориаз.

298. Пиодермияни қайси тuri болаларда учрамайди?

- А. Везикулопустулёз пиококкли пемфигоид бола ҳаётининг дастлабки ойларида.
- Б. Күплаб жойлашган абсцесслар (псевдофурункулез) бола ҳаётининг 3-7 ойлларида.

В. Қулоқ супраси орқасида, бурмаларда интертригиноз импетигонинг бўлиши, бола ҳаётининг 3 ойликларида 8-10 ойликларида.

Г. Стрептококкли импетиго боланинг ҳаётининг 6 ойликларида.

Д. Бола ҳаётининг дастлабки йилларида тез-тез фурункулларнинг пайдо бўлиши.

299. Болаларда бичилиш қайси ҳолларда кузатилмайди?

- А. Атопик дерматитда.
- Б. Гўдаклар себореяли дерматитида.
- В. Болага яхши қаров бўлмаганда.
- Г. Адипонекрозда.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

300. Атопик дерматит касаллигини илк белгилари болаларда қачон юзага чиқади?

- А. Бемор бола туғилиши билан.
- Б. Бола ҳаётининг 2-3-ойларидан сўнг.
- В. Бола ҳаётининг 1 ёшлигидан сўнг.
- Г. Болани мактабгача ёшда бўлганлигида.
- Д. Ҳамма ёшларда бир хилда юзага чиқади.

301. Строфулус билан хасталанган bemor bolalarda қандай текшируv usullari kerak emas?

- А. Гижжага ва лямблияга нажас текшируви.
- Б. Биокимёвий гепатограмма.
- В. Плетезмограмма.
- Г. С-ректиv оқсилига қон таҳлили.
- Д. Дисбактериозга нажас текшируви.

302. Янги туғилган чақалоқлар склеремаси ҳолатига характерли эмас:

- А. Умумий ахволи оғирлиги.
- Б. Тана ҳароратининг пастлиги.
- В. Нафаснинг секинлашганлиги.
- Г. Ҳароратни баландлиги, безовталаниш, тахикардия.
- Д. Брадикардия.

303. Сеттон невуси бу:

- А. Переневоид лейкодерма.
- Б. Анемик невус.
- В. Яллигланишдан сўнги иккиламчи ахромия.
- Г. Ҳаворанг невус.
- Д. Силлиқ невус.

304. Янги туғилган чақалоқларда кузатиладиган милиум, гнейс, себореяли дерматит, сут безларини бўртиши ва физиологик сариқликларда тавсия этиладиган кўрсатмалар:

- А. Гепатопротекторлар.
- Б. Сульфаниламид дори воситалари.
- В. Хлоралгидрат.
- Г. Кофеин.
- Д. Преднизолон.

305. Мастоцитоз билан оғриган bemor болаларга қайси дори воситалари мумкин эмас(чунки улар пуфаклар пайдо бўлишига сабабчи бўлиши мумкин)?

- А. Кодеин (йўталга карши), седатив микстура (кодеин билан).
- Б. Мембрана стабилизаторлари.
- В. Антигистамин дорилар.
- Г. Пантотенат кальций.
- Д. Резерпин.

306. Оддий аллергик эшакеми касаллигига қайси дори воситаларини қўллаш мумкин эмас?

- А. В1 витаминини.
- Б. Мембрана стабилизаторини.
- В. Антигистамин дори воситаларини.
- Г. Рутин.
- Д. Кальций каналлари блокаторлари.

307. Болаларда терининг йирингли касалликларини кўпроқ чақиради:

- А. Гноерод кокклар(стафилококклар, стрептококклар).

- Б. Пневмококклар.
- В. Сил таёқчалари.
- Г. Ичак таёқчалари.
- Д. Вулгар протейлар.

308. Атопик дерматит касаллиги диагнозини қўйишида аниқланадиган кўрсаткични белгиланг?

- А. Тери патоморфологияси ўтказиш.
- Б. Қон зардобида Ig M ни аниқлаш.
- В. Фагоцитар активликни аниқлаш.
- Г. Иммунорегулятор индексни аниқлаш.
- Д. Ташхис учун лаборатор тахлилларини ўтказиш шарт эмас.

309. Атопик дерматит касаллигига ташхис қўйилишида ойлавий маълумотлар нега керак?

А. Агар бемор қариндошлар орасида бу касаллик билан хасталанмаганлар булса, атопик дерматит касаллиги ташхисини инкор этиш.

- Б. Бемор генетик ҳолатига баҳо бериш.
- В. Атопик дерматит касаллигини атопик шаклини аниқлаш.
- Г. Клиник тахминни аниқлаш.
- Д. Атроф-муҳит омиларининг тутган ўрнини аниқлаш.

310. Галопа–Сименсни дистрофик буллёз эпидермолизи билан хасталанган bemor боланинг онаси қуйида келтирилганларнинг қайси бирини бажариши шарт эмас?

А. Мебелларни шундай жойлаштириш керакки, бола уларнинг кирраларига урилиши керак эмас.

- Б. Оёқ кийимларига юмшоқ патаклар қўйиши.
- В. Овқат маҳсулотларини яхшлаб юмшатиб бериш.
- Г. Бола кейим кийиши жараёнида терини ноқулай тасиротлардан сақлаш.

Д. Ҳар куни иссиқ ванналар қабул қилиш.

311. Янги туғилган чақалоқларда учрайдиган қайси касалликлар стафилакокклар иштироқи билан боғлиқ?

- А. Ирсий пурсилдок.
- Б. Юқумли чилла яра.
- В. Захм чилла яраси.
- Г. Вакцина шаклии пустулёз.
- Д. Криста-сименс синдроми.

312. Юқумли чилла яра бу:

- А. Папула-эрозияли стрептодермия.

Б. Пиококли пемфигус.

В. Перипорит, остиоперипорит стафилакокклар чақируви инфекция.

Г. Пуфакчали темиратки.

Д. Остиофоликуллит.

313. Лейнер касаллиги патогенезида иштирок этмайди:

А. Иммунологик бузилишлар.

Б. Қонда опсоник зардобининг пасайтириш.

В. С 5-чи компонентнинг етишмаслиги.

Г. Рух моддасини етишмаслиги.

Д. Фагоцитоз ҳолатининг бузилиши.

314. Болаларда учрайдиган пигментли эшакеми касаллиги бу:

А. Болалар қичимаси.

Б. Мастоцидозни I – тури.

В. Ирсий эшекемини с3 комплемент ингибиторининг етишмаслиги.

Г. Холинергик эшакеми.

Д. Уртикар ўткир эшакеми геморрагик компонентининг кучайиши.

315. Болалар неонатал даврида буллёз дерматозлардан қайси бирлари учрамайди?

А. Пигмент ушламаслик.

Б. Пемфигоид левера.

В. Транзитор пустулёз, меланоз.

Г. Сифилитик пўрсилдоқ яра.

Д. Янги түғилган чақалоқларда буллёз шаклдаги токсик эритема.

316. Пиодермиянинг қайси тури гўдаклик даврида учрамайди?

А. Везикулопустулез.

Б. Псевдофурункулез.

В. Интертригиноз импетиго.

Г. Стрептококкли импетиго.

Д. Гидроаденитлар.

317. Болаларда бичилиш касаллиги қайси ҳолларда кузатилмайди?

А. Атопик дерматитда.

Б. Гўдаклар себореяли дерматитида.

В. Болаларга яхши қаров бўлмаганлигида.

Г. Адипонекрозда.

Д. Кўпол тагликларни қўллаш натижасида.

318. Атопик дерматит касаллигининг илк белгилари қачон юзага чиқади?

А. Бола туғилиши билан.

Б. Бола туғилгандан сўнг 2- 3- ойликларида.

В. 1 ёшдан сўнг.

Г. Мактабгача бўлган ёшда.

Д. Ҳамма ёшда бир хил учрайди.

319. Янги туғилган чақалоқлар склеремаси ҳолатига хос эмас:

А. Умумий ахволи оғирлашиши.

Б. Тана ҳароратининг паст бўлиши.

В. Нафас олиш жараёнининг секинлашиши.

Г. Тана ҳароратининг баландлиги, безовталаниш, тахикардия ҳолати.

Д. Брадикардия ҳолатининг кузатилиши.

320. Атопик дерматит касаллиги билан бирга келмайдиган касалликни кўрсатинг.

А. Капоши саркомаси.

Б. Поллиноз.

В. Бронхиал астма.

Г. Ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги.

Д. Невростения.

321. Мастоцитоз касаллиги билан хасталанган бемор болаларга қайси дори воситаларини тавсия этиш мумкин эмас?

А. Кодеин дори воситасини.

Б. Мембрана стабилизаторларини.

В. Антигистамин дори воситаларини.

Г. Пантотенат кальцийни.

Д. Резерпинни.

322. Атопик дерматит касаллигига эндоген инфекция манбай бўлиши мумкин бўлган ҳолатни кўрсатинг.

А. Тери.

Б. Асад тизими.

В. Сийдик ҳайдовчи ва жинсий аъзолар.

Г. Нафас олиш аъзолари.

Д. Барча жавоблар тўғри.

323. Болаларда учрайдиган йирингли касалликларни кўпроқ чақиради.

А. Гноерод кокклар (стафилококклар, стрептококклар).

Б. Пневмококклар.

В. Кўк таёқчалари.

Г. Ичак таёқчаси.

Д. Вульгар протейлар.

324. Янги туғилган чақалоқларда қайси касалликлар стафилакокклар ёрдамида чақирилади?

А. Туғма пуфакли эпидермолиз.

Б. Юқумли чилла яра.

В. Захм чилла яраси.

Г. Вакцинаформали пустулёз.

Д. Криста-сименс синдроми.

325. Юқумли чилла яра бу:

А. Перипорит, остиоперипорит стафилакокклар чақирувчи инфекция.

Б. Туғма пуфакли эпидермолиз.

В. Папула-эрозияли стрептодермия.

Г. Пуфакчали темиратки.

Д. Остиофоликуллит.

326. Болаларга гармонал малҳам дори воситалари узоқ вақт давомида қўлланилганда келиб чиқадиган ўзгаришларга кирмайди:

А. Анаболик жараёнларнинг кучайиши.

Б. Терининг аутофлора фаоллигига ўзгаришларнинг бўлиши.

В. Иммунореактивлик ҳолати пасайиши.

Г. Тери юзаларида пиококкли ва микотик ўзгаришли ўчоқларнинг пайдо бўлиши.

Д. Буйрак усти бези глюкокортикоидларни ишлаб чиқариш вазифасининг пасайиши.

327. Болаларда учраши мумкин бўлган аутосом- рецисив генодерматозларга киради:

А. Риттернинг эксфолиатив дерматити.

Б. Миллиар кристаллик.

В. Пигментли эшакемининг буллёз шакли.

Г. Энтеропатик акродерматит.

Д. Лайела синдроми.

328. Янги туғилган чақалоқларда тұғма ихтиоз касаллиги асортланмайды:

А. Пневмония.

Б. Сепсис.

В. Гипотрофия.

Г. Тери ости ёғ қавати абсцесси.

Д. Анафилактик шок.

329. Пигмент ушламаслик (Брок-Сульсбергер) синдроми-нинг кечишида кетма- кетликка хос эмас:

А. Эритематоз- везикулөз тшмалар.

Б. Гипертрофик ҳолат.

В. Пигментланиш.

Г. Дисхромия босқичли депигментация.

Д. Ўсмалар.

330. Адипонекрознинг шаклланиш сабаби:

А. Туғилиш пайтида етказилған жароҳат.

Б. Гүдакни хаддан ташқари ўраб-чирмаш.

В. Киндик жароҳати ўз вақтида битмаслиги.

Г. Қон зардоби комплементи тақчиллиги.

Д. Терининг күп миқдорда ёғ моддаларини ажратиб чиқариши.

331. Лейнернинг күчиб тушувчи эритродермиясида мұхим патогенетик ахамиятта молик бўлган ҳолат:

А. Қонда иммуноглобулинлар миқдорининг ошиши.

Б. Она сути таркибида ва гүдак қонида биотин миқдорининг камайиши.

В. Сепсис ҳолати.

Г. Мис моддаси алмашинувининг бузилиши.

Д. Қонда темир миқдорининг ошиши.

332. «Лануго» бу нима:

А. Бирламчи ҳомила соchlари.

Б. Дистрофик соchlар.

В. Телаген соchlар.

Г. Депигмент соchlар.

Д. Ҳамма жавоблар түғри.

333. Бичилиш жойлашади:

А. Йирик бурмаларда.

Б. Бошнинг соchlи соҳасида.

В. Юз соҳасида.

Г. Қўл ва оёқ кафт юзаларида.

Д. Киндик соҳасида.

334. Лейнер – Муссуни дескваматив эритродермияси қайси ёшда учрайди:

А. Янги туғилган чақалоқларда.

Б. 1 - 3-ёшда.

В. 3 - 7 ёшда.

Г. Пубертат даврда.

Д. Қарияларда.

335. Таглик (пеленочный) дерматитига олиб келувчи сабаблар, тўғри жавобларни кўрсатинг:

А. Ацидозда сийдик таркибида аммиак миқдорининг ошиши.

Б. Ишқорий реакцияда ахлатда аммиак миқдорининг ортиши.

В. Таркибида синтетик моддалар, хлор, кучли ишқорлар сақловчи кир ювиш воситалари билан тагликларни ювиш.

Г. Тилларанг стафилакокк.

Д. Тез-тез чўмилтириш.

336. Янги туғилган чақалоқларда қайси ҳолатлар гормональ криз билан боғлиқ:

А. Янги туғилган чақалоқлар ҳуснбузари.

Б. Омфалит.

В. Гнейс.

Г. Сут безларининг қаттиқлашиши.

Д. Атопик дерматит.

337. Ўз-ўзидан сўрилмайдиган физиологик ҳолат бўлиб ҳисобланмайди:

А. Янги туғилган чақалоқлар сариқлиги.

Б. Телеангиэкзазия, муғул доғлари.

В. Бичилиш.

Г. Себореяли дерматит.

Д. Склерема.

338. Энтеропатик акродерматит учун хос симптом:

А. Перианаль дерматит.

Б. Диарея.

В. Алопеция.

Г. Ақлий ривожланишдан орқада қолиш.

Д. Фолликуляр гиперкератоз.

339. Вульгар ихтиозни клиник шакли учун хос:

- А. Қурук тангачаларнинг пайдо бўлиши.
- Б. Фолликуляр гиперкератознинг бўлмаслиги.
- В. Тери ва соchlарнинг қуруқлиги.
- Г. Кулранг тусдаги йирик пластинкасимон қипикланиш.
- Д. Қўл-оёқ кафти гиперкератози.

340. Эпидермис қаватларининг тузилиш кетма-кетлигини аниқланг:

- А. Базал.
- Б. Ялтироқ.
- В. Донадор.
- Г. Шоҳсимон.
- Д. Тикансимон.

341. Чуқур пустуланинг кечиш босқичлари кетма-кетлигини аниқланг:

- А. Пустула.
- Б. Йирингли қора қўтири.
- В. Чандик.
- Г. Яра.
- Д. Инфильтрат.

342. Экзематоз жараённинг кечиш босқичлари кетма-кетлигини аниқланг:

- А. Везикулёз.
- Б. Эритематоз.
- В. Папулёз.
- Г. Сувланиш босқичи.
- Д. Қатқалоқларнинг пайдо бўлиш босқичи.

343. Лайелла синдромининг босқичлари кетма-кетлигини аниқланг:

- А. Тузалиш.
- Б. Эруптив.
- В. Терминал.
- Г. Бошланғич.

344. Токсикодермиянинг кечиш кетма-кетлигини аниқланг:

- А. Аллергенларнинг организмга кириши.
- Б. Сенсибилизациянинг пайдо бўлиши.
- В. Яллиғланган тошмаларнинг пайдо бўлиши.
- Г. Антиген антитело комплекси ҳосил бўлиши.

Д. Биологик актив моддаларнинг ажралиши.

345. Атопик дерматит касаллигининг экссудатив клиник шакли тошмалари кетма-кетлигини аниқланг:

- А. Папула.
- Б. Везикула.
- В. Эритема.
- Г. Қора қўтириш.
- Д. Қипиқланиш.

346. Атопик дерматит касаллигининг клиник турлари классификацияси бўйича кетма-кетлигини аниқланг:

- А. Лихеноид.
- Б. Эритематоз-сквамоз.
- В. Проригиноз.
- Г. Эксудатив.
- Д. Эритематозли-сквамозли клиник шаклининг лихенизация билан кечиши.

347. Болалар қичимаси касаллигининг клиника ва тошмаларнинг пайдо бўлиш ва сўрилиши жиҳатидан кетма-кетлигини аниқланг:

- А. Озиқ-овқат сенсибилизацияси.
- Б. Пигментация.
- В. Геморрагик қатқалоқли эрозия.
- Г. Серопапуланинг пайдо бўлиши.

348. Буллёз импетиго касаллигини маҳаллий даволаш кетма-кетлигини кўрсатинг:

- А. Антибактериал малҳамини суриш.
- Б. Спирт эритмаси билан ишлов бериш.
- В. Йириңчаларни ёриш.
- Г. Метилен кўкини суриш.

349. Чипқон касаллигининг босқичлари кетма-кетлигини кўрсатинг:

- А. Тузалиш.
- Б. Эксудация.
- В. Маддаланиш.

350. Юқумли чилла яра касаллигининг ривожланиш босқичлари кетма-кетлигини кўрсатинг:

- А. Эрозив тошмаларнинг пайдо бўлиши.
- Б. Сероз-йирингли қатқалоқларнинг пайдо бўлиши.

В. Қатқалокларнинг қўчиб тушиши ва вақтинчалик доғларнинг пайдо бўлиши.

Г. Эритеманинг ҳосил бўлиши.

Д. Юмшоқ қобиқли пуфакларнинг пайдо бўлиши.

351. Йирик бурмалар эпидермофитиясида ҳосил бўлувчи тошмалар кетма-кетлигини аниқланг:

А. Эрозия.

Б. Пуфакчалар.

В. Эритема.

Г. Қатқалоқлар.

Д. Пигментация.

352. Бошнинг сочли қисмининг инфильтратив-йирингли клиник шаклини маҳаллий даволашда қўлланиладиган дори воситалари қўлланилиши кетма-кетлигини аниқланг:

А. 20 % ихтиол малҳамларини боғлаш.

Б. Сочларни эпиляция қилиш.

В. 2 % ли йодли эритма ёрдамида ишлов бериш.

Г. Боғловни ечиш.

353. Белбоғсимон темиратки касаллигида тошмалар ҳосил бўлиши кетма-кетлигини белгиланг:

А. Пуфакча.

Б. Эритема.

В. Иккиламчи пигментация.

Г. Қатқалоқ.

Д. Эрозия.

354. Қўтир клиник белгилари ривожланишининг кетма-кетлигини белгиланг:

А. Жуфт-жуфт жойлашган тугунча-пуфакчаларнинг ҳосил бўлиши.

Б. Маиший алоқа орқали заарланиш.

В. Тирналган ва шилинган соҳаларнинг пайдо бўлиши.

Г. Қора-қўтирларнинг пайдо бўлиши.

Д. Қўтир канаси йўлларининг ҳосил бўлиши.

355. Псoriатик учлик кетма-кетлигини аниқланг:

А. «Қонли шудринг».

Б. «Стеарин доғи».

В. «Терминал парда».

356. Псoriаз тугунчалар эволюциясини кўрсатинг:

А. Ўткир яллиғланиш характеристига эга бўлган майда тугунчалар.

Б. Бир-бирига қўшилган тугунчалар-пилакчалар кўриниши.

В. Лентикуляр папулалар юзлари кумуш ва оқ рангдаги қипиқлар билан қопланган.

Г. Вороновнинг псевдоатрофик ҳошияси.

Д. Гипопигментли доғлар.

357. Псориаз касаллигининг кечишида босқичлар кетма-кетлигини аниқланг:

А. Стационар.

Б. Прогрессив.

В. Регрессив.

358. Лейшманиоз касаллигида тошмаларнинг ривожланиш эволюциясини белгиланг:

А. Чандик.

Б. Дўмбоқча.

В. Яра.

Г. Грануляция.

359. Мохов касаллигида тошмаларнинг ривожланиш кетма-кетлигини кўрсатинг.

А. Инфильтрациялашган доғ.

Б. Яраланиш.

В. Лепромалар, леприidlар.

Г. Чегараси аниқ бўлмаган қизғиш доғ.

360. Қишлоқ типи лейшманиозининг юқиши йўллар кетма-кетлигини айтинг:

А. Одам.

Б. Кемиувчилар.

В. Чивин.

361. Қизил югуригининг дискоид шакли клиник кечиши кетма-кетлиги:

А. Инфильтратланган эритеманинг шаклланиши.

Б. Эритемани устида шоҳсимон қипиқнинг пайдо бўлиши.

В. Плакча марказида чандиқли атрофиянинг пайдо бўлиши.

362. Диффуз склеродермия ривожланиш босқичи:

А. Атрофия босқичи.

Б. Шиш босқичи.

В. Қаттиқлашиш босқичи.

363. Бенье-Мещерский симптоми кетма-кетлигини ўтказиш:

А. Қирганда оғриқ бўлиши.

Б. Буюм ойналасини қўлга олиш.

В. Буюм ойналаси ёрдамида қириш.

364. Янги туғилган чақалоқларда физиологик сариқликнинг ривожланиш кетма-кетлигини кўрсатинг:

А. Йўлдош қон айланишидан ўпка қон айланишига ўтиши.

Б. Феталь гемоглобин парчаланишининг кучайиши.

В. Феталь гемоглобин парчаланишининг кучайиши.

Г. Глюкоронилтрансферраза ферменти активлигининг пасайиши.

Д. Тери юзалари сарғайиши.

365. Бичилишда маҳаллий даволаш кетма-кетлигини кўрсатинг (сувланишда):

А. Атрофдаги терини дезинфияловчи эритмалар билан ишлов бериш.

Б. Намлаш усулини қўллаш.

В. Анилин буёқлари билан ўчоқ юзаларига ишлов бериш.

Г. Рух малҳамини қўллаш.

Д. Стериль ўсимлик ёғи билан артиш.

366. ЭА патогенези босқичларидаги кетма-кетликни белгиланг:

А. Туғма рух боғловчи омилнинг етишмовчилиги.

Б. Цинк етишмовчилиги ҳолати.

В. Рух ўзлаштирилишининг бузилиши.

Г. Дерматит, алопеция, диарея.

367. ТБЭ пуфак пайдо бўлиш механизми кетма-кетлигини кўрсатинг:

А. Пуфак.

Б. Акантолизис.

В. Механик травма.

368. Терининг ирсий касалликларини даволаш ва назорат қилиш кетма-кетлигини кўрсатинг:

А. Иккиламчи профилактика.

Б. Амбулатор даво.

В. Стационар даво.

Г. Реабилитацион даво.

369. Оддий пўрсилдоқда тошмалар кетма-кетлигини кўрсатинг:

А. Эрозия.

- Б. Пуфак.
- В. Қатқалоқ.
- Г. Пигментация.

370. Дюрингнинг учуқсимон дерматитида Ядассон синамасини ўтказиш кетма-кетлигини кўрсатинг:

А. 50% ли калий йодид 3-4 қаватли докали салфеткага суртилади.

Б. 50% ли калий йодид малҳами суртилган салфетка елка соҳасидаги соғлом терига ёпиштирилади.

В. 50% ли калий йодид малҳами шпатель ёрдамида суртилади.

Г. Синама мусбат бўлганда 24-48 соатдан сўнг аппликация соҳасида тошма элементлари пайдо бўлади.

371. Никольский синамасини ўтказиш кетма-кетлигини кўрсатинг:

А. Пинцет ёрдамида эпидермис қолдиғи ушлаб соғлом терига томон тортилади.

Б. Никольский синамаси мусбат бўлганда эрозиядан ташқари соғлом тери соҳасида ҳам эпидермисни кўчиши кузатилади.

В. Ёрилган пуфакни эпидермис қолдиғи билан топилади.

372. Захмнинг клиник шаклларининг кетма-кетлигини кўрсатинг:

- А. Бирламчи серонегатив захм.
- Б. Иккиламчи захм.
- В. Учламчи захм.
- Г. Бирламчи серопозитив захм.
- Д. Вецирал захм.

373. Бирламчи захмда кузатилади (кетма-кетлигини кўрсатинг):

- А. Регионар склераденит
- Б. Қаттиқ шанқр пайда бўлиши
- В. Вассерман реакцияси манфий
- Г. Вассермана реакцияси мусбат
- Д. Полиаденит

374. Иккиламчи захмда кузатилади (кетма-кетлигини кўрсатинг):

А. Чарчаш, адинамия, бош оғриғи, тана температурасининг кўтарилиши.

Б. Тана бўйлаб разеолоз тошмалар тошиши, қўшилишга мойил эмас.

В. Пигментли сифилид ва алопеция пайдо бўлади.

Г. Тана бўйлаб папулёз тошмалар пайдо бўлади, қўшилишга мойил эмас.

Д. Ички органларнинг заарланиши.

375. Захмнинг иккиламчи шиклида даврлар кетма-кетлигини белгиланг:

А. Қайталанувчи.

Б. Латент.

В. Янги.

376. Учламчи захмда гумма тошмасининг ривожланиш кетма-кетлигини тўғри белгиланг:

А. Юлдузсимон чандик.

Б. Яра.

В. Кўкимтир-қизил тугун.

Г. Гуммоз ўзакнинг ажралиши.

377. Иккиламчи қайталама захмда тошмалар учраш даражаси кетма-кетлигини белгиланг (кўпдан кам томонга):

А. Доғли сифилилар.

Б. Папулез сифилилар.

В. Сифилитик лейкодерма.

Г. Пустулез сифилилар.

Д. Диффуз алопеция.

378. Захм ринити босқичининг кетма-кетлиги:

А. Катарал.

Б. Ярали-деструктив.

В. Секретор.

379. Диффуз тугунчали маддаланиш кечиши кетма-кетлигини белгиланг:

А. Чандиклар ҳосил бўлиши.

Б. Оғиз атрофида маддаланишнинг кузатилиши.

В. Нурсимон чуқур ёриқларнинг ҳосил бўлиши.

Г. Эритеманинг ҳосил бўлиши.

380. Парро сохта фалажи ривожланишидаги ўзгаришларнинг тўғри кетма-кетлигини белгиланг:

А. Суяклар метафизида оқиш спирохеталарнинг тўпланиши.

Б. Метафизда моддалар алмашинувининг бузилиши.

В. Суяк тўқимасининг грануляцион тўқимага алмашиниши.

Г. Метафиз соҳасида суяклар мустаҳкамлигининг камайиши.

Д. Суякнинг бўғим ичи синиши.

381. Захм билан касалланган bemорларни даволаш тартиби кетма-кетлигини белгиланг:

- А. Беморларнинг клиник ва серологик назорати.
- Б. Мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш.
- В. Специфик давони олиб бориш.
- Г. Ташхисни қўйиш.
- Д. Назоратдан ўчириш.

382. Гонобленореяга шубҳа қилинганда текшириш кетма-кетлигини аниқланг:

- А. Боланинг кўз юзаларидан суртма олиниб, бактериологик экма ўтказиш.
- Б. Онанинг гениталия соҳасидан суртма олиниб бактериологик экма ўтказиш.
- В. Боланинг қўз шиллик қаватини текшириш.

383. ОИТС касаллигининг кечиши босқичлари кетма-кетлигини айтинг:

- А. Белгисиз.
- Б. Бошланғич.
- В. Лимфоаденопатия.
- Г. ОИТС.
- Д. ОИТС ассоциацияланган комплекс.

384. ИТВ (ВИЧ) нинг ривожланиши кетма-кетлигини аниқланг:

- А. Иммунодефецит ҳолати клиникаси.
- Б. ИРИ кўрсаткичининг пасайиши.
- В. ОИТС вирусининг одам организмига кириши.
- Г. Вируснинг қонга тушиши ва хелперлар ядросига ўтиши.
- Д. Вируснинг репликацияси ва хелперлар парчаланиши.

385. ОИТС касаллигининг текширув усуулларининг кетма-кетлигини аниқланг:

- А. Қоннинг иммунограммаси.
- Б. ИФА.
- В. Иммуноблотинг усули.
- Г. Вирус идентификацияси.

386. Тери қаватлари мос келишини аниқланг:

- А. Дерма қаватлари:
- В. Эпидермис қаватлари:

- а) донадор қават
- б) тўрсимон қавқат
- в) сўрғичсимон қават
- г) базал қават

А. А-б,в Б-а,г.
Б. А-б,г Б-а,в.
В. А-а,в Б-б,г.
Г. А-б,а Б-в,г.
Д. А-г,в Б-а,б.

387. Тошмаларнинг мос келишини аниқланг:

А. Экссудатив тошмалар:

В. Инфильтратив тошмалар:

- а) доғ
- б) пуфакча
- в) пустула
- г) тугунча
- д) дўмбоқ
- е) қаварчиқ

А. А-б,г,е В-а,в,д.
Б. А-а,в,е В-б,г,д.
В. А-б,в,е В-а,г,д.
Г. А-б,в,д В-а,г,е.
Д. А-д,в,е В-а,г,б.

388. Тошма элемент турларининг мос келишини аниқланг:

А. Доғли:

В. Тугунчали:

- а). петехия
 - б). пурпурা
 - в). лентикула
 - г). миляр
 - д). вибецес
 - е). гипертрофик
- А. А-б,б,д В-а,г,е.
Б. А-е,б,д В-а,г,б.
В. А-б,г,д В-а,в,е.
Г. А-б,б,а В-д,г,е.
Д. А-б,б,е В-а,г,д.

389. Бир-бирига мослигини аниқланг:

- А. Микробли экзема.
Б. Себореяли экзема.
а) ўчоқлар аниқ чегарали
б) ўчоқлар чегаралари аниқ эмас
в) ўчоқлар бошнинг сочли қисми бошланади
г) ўчоқлар кўпинча қўл ва оёқ соҳаларида жойлашади
д) асосий тошмалари йирингчали ва намланиш билан кечади.
е) себореяли қатқалоқлар, қуруқ ҳолда кечади.
- А. А-б,г,д В-а,в,е.
Б. А-а,в,д В-б,г,е.
В. А-а,г,е В-б,в,д.
Г. А-в,г,д В-б,а,е.
Д. А-а,г,д В-б,в,е.

390. Бир-бирига мослигини аниқланг:

- А. Себореяли экзема:
Б. Себореяли дерматит:
а) касалликнинг бошланиши 2-3 ҳафталик давридан
б) касалликнинг бошланиши 2-3 ойлик давридан
в) думба соҳасидан
г) бошнинг сочли қисмидан
д) диспепсик аломатлар кузатилади.
е) диспепсик аломатлар кузатилмайди.
- А. А-а,г,е В-б,в,д.
Б. А-б,г,е В-а,в,д.
В. А-б,в,е В-а,г,д.
Г. А-б,г,д В-а,в,е.
Д. А-б,г,а В-е,в,д.

391. Касаллик белгиларининг бир-бирига мослигини аниқланг:

- А. Оддий дерматит.
Б. Контакт аллергик дерматит.
а) шартсиз таассуротлар натижасида ҳосил бўлади.
б) шартли таассуротлар натижасида ҳосил бўлади.
в) ўчоқлар аниқ чегарали.
г) ўчоқлар чегаралари аниқ эмас.
д) bemorni қичишиш безовта қиласди.
е) терига тасирот тўхташи билан яллиғланиш камая бошлайди.

А. А-а,в,е В-б,г,д.

Б. А-б,в,е В-а,г,д.

В. А-а,г,е В-б,в,д.

Г. А-а,в,д В-б,г,е.

Д. А-а,в,г В-б,е,д.

392. Бир-бирига мослигини аникланг:

А. Атопик дерматит касаллигининг асосий диагностик мезонлари:

Б. Атопик дерматит касаллигининг қўшимча диагностик мезонлари

а) инфраорбитал чизиқлари.

б) оқ дермаграфизм.

в) фаслга боғлиқлиги.

г) оилавий анамнез.

д) бўйин олд қисмидаги чизиқлари.

е) ўчоқларниң типик морфологияси ва жойлашуви.

А. А-а,г,е В-в,б,д.

Б. А-в,б,е В-а,г,д.

В. А-в,г,е В-а,б,д.

Г. А-в,г,д В-а,б,е.

Д. А-в,г,е В-а,б,д.

393. Бир-бирига мослигини аникланг:

А. Атопик дерматитнинг лихеноид клиник шакли.

Б. Болалар қичимаси.

а) тери эластиклигининг пасайиши.

б) серопапула.

в) гиперкератоз.

г) қаварчик.

д) гиперпигментация.

е) везикула.

А. А-а,в,д В-б,г,е.

Б. А-б,в,д В-а,г,е.

В. А-а,г,д В-б,в,е.

Г. А-а,в,е В-б,г,д.

Д. А-а,б,д В-в,г,е.

394. Бир-бирига мослигини аникланг:

А. Атопик дерматитнинг экссудатив клиник шакли

В. Ўткир экзема.

- а) ирсий мойиллик.
 - б) ирсий мойилликнинг бўлмаслиги.
 - в) сурункали-қайталама кечиши.
 - г) асосан ўткир сувланиш билан кечиши.
- А. А-б,в В-а,г.
 - Б. А-г,в В-б,а.
 - В.А-а,б В-в,г.
 - Г. А-а,в В-б,г.
 - Д.А-а,г В-б,в.

395. Мослигини аниқланг:

- А. Стрептодермитлар:
 - Б. Страфилодермитлар:
 - а) фолликулалар заарланади.
 - в) фолликулалар заарланмайди.
 - с) жараён ён атрофга тез тарқалади.
 - д) жараён чуқур жойлашади.
 - е) қўпроқ болалар заарланади.
 - ж) қўпроқ катталар заарланади.
- А. А-в,с,е Б-а,д,ж.
 - Б. А-а,с,е Б-в,д,ж.
 - В.А-в,д,е Б-а,с,ж.
 - Г. А-в,с,ж Б-а,д,е.
 - Д.А-в,ж,е Б-а,д,с.

396. Этиологик омилини ҳисобга олган ҳолда мос келишини кўрсатинг:

- А. Страфилококкли пиодермитлар:
 - Б. Стрептококкли пиодермитлар:
 - В. Арапаш пиодермитлар:
 - а) фолликулитлар.
 - в) вульгар импетиго.
 - с) сикоз.
 - д) сурункали ярали пиодермия.
 - е) турниол (юзаки хасмол).
 - ж) оддий темиратки.
- А. А-е,с Б-а,ж В-д,в.
 - Б. А-а,е Б-с,ж В-д,в.
 - В.А-а,с Б-е,в В-д,ж.
 - Г. А-а,д Б-е,ж В-с,в.

Д. А-а,с Б-е,ж В-д,в.

397. Чипқон касаллигининг босқичларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий даволашнинг кетма-кетлигини қўрсатинг:

А. Инфильтратив:

Б. Эксудатив :

а) Ёриш.

б) Вишневский линементини қўллаш.

в) гипертоник эритма ёрдамида дренаж қўйиш.

г) йод ёрдамида ишлов бериш.

А. А-а,г Б-б,в.

Б. А-б,г Б-а,в.

В. А-б,в Б-а,г.

Г. А-в,г Б-а,б.

Д. А-б,а Б-г,в.

398. Белгиларнинг мослигини аниқланг:

А. Кератомикозлар.

Б. Дерматомикозлар:

а) трихофития.

б) микроспория.

в) эритразма.

г) ранг-баранг темиратка.

д) тугунли трихоспория.

е) рубромикоз.

А. А-е,г,д Б-а,б,в.

Б. А-в,г,е Б-а,б,д.

В. А-в,б,д Б-а,г,е.

Г. А-в,г,д Б-а,б,е.

Д. А-а,г,д Б-в,б,е.

399. Белгиларнинг мослигини аниқланг:

А. Эритразма.

Б. Йирик бурмалар эпидермофитияси

а) яллиғланиш кучли.

б) яллиғланиш кам.

в) экссудация кузатилиши мумкин.

г) экссудатив тошмалар йўқ.

д) қичишиш кучли.

е) қичишиш кам.

А. А-в,г,е Б-а,б,д.

- Б. А-д,г,е Б-а,в,б.
- В. А-б,в,е Б-а,г,д.
- Г. А-б,г,е Б-а,в,д.
- Д. А-б,г,а Б-е,в,д.

400. Замбуруғли касалликлар люминесцент диагностикаси учун хосликни анықланг:

- А. Ранг-баранг темиратки.
- Б. Эритразма.
- В. Микроспория.
- Г. Рубромикоз.
- а) яшил ёғдуланиш
- б) қүнғир- жигарранг ёғдуланиш
- в) қизил ёғдуланиш
- г) ранг тарқатмайды
- А. А-б Б-в В-а Г-г.
- Б. А-в Б-б В-а Г-г.
- В. А-а Б-в В-б Г-г.
- Г. А-г Б-в В-а Г-б.
- Д. А-б Б-г В-а Г-в.

401. Касаллик кўзғатувчиларининг касалликларга мос келишини белгиланг:

- А. Фильтровчи дерматотроп вирус
- Б. Кана
- В. Парова оиласига мансуб вирус
- Г. Бит
- Д. нейротроп вирус
- а) педикулез
- б) белбоғсимон темиратки
- в) қўтириш
- г) оддий учук
- д) сўгаллар
- А. А-в Б-г В-д Г-а Д-д.
- Б. А-д Б-в В-г Г-а Д-д.
- В. А-г Б-в В-д Г-а Д-б.
- Г. А-а Б-в В-д Г-г Д-д.
- Д. А-д Б-в В-д Г-а Д-г.

402. Белгиларниң касалликларга мос келишини белгиланг:

- А. Белбоғсимон темиратки.

Б. Қўтириш.

В. Оддий учук.

а) тугунча-пуфакчали тошмалар жуфт-жуфт қўринишида жойлашади.

б) гурух-гурух қўринишидаги пуфакчалар табиий тешиклар атрофида жойлашади.

в) тошмалар нерв сегменти бўйлаб жойлашади.

А. А-в Б-а В-б.

Б. А-а Б-в В-б.

В. А-б Б-а В-в.

Г. А-в Б-б В-а.

Д. А-д Б-а В-б.

403. Дори воситалари ва даво чораларининг касалликларга мос келишини белгиланг:

А. Битлаш.

Б. Оддий учук.

В. Юқумли моллюск.

Г. Қўтириш.

Д. Ўткир учли кондиломалар.

а) Демъянович усули

б) пинцет билан сузмасимон суюқликни механик равища олиб ташлаш ва йоднинг 5% ли спиртли эритмасини суртиш

в) Антибит шампуни

г) Зовиракс малҳами

д) Солкодерм эритмаси

А. А-г Б-в В-б Г-а Д-д.

Б. А-б Б-г В-в Г-а Д-д.

В. А-а Б-г В-б Г-в Д-д.

Г. А-д Б-г В-б Г-а Д-в.

Д. А-в Б-г В-б Г-а Д-д.

404. Псориатик феноменлар билан гистоморфологик белгиларнинг бир-бирига мослигини аниқланг:

А. “Стеарин доғи” феномени.

Б. “Терминал парда” феномени.

С. “Конли шудринг” феномени.

а) гиперкератоз

в) папилломатоз

с) акантоз

- А. А-а В-с С-в.
- Б. А-с В-а С-в.
- В. А-в В-с С-а.
- Г. А-а В-в С-с.
- Д. А-а В-г С-в.

405. Псориаз босқичларига белгиларнинг мослигини аниқланг:

- А. Псориазнинг прогрессив босқичи.
- Б. Псориаз стационар босқичи.
- С. Псориазнинг регрессив босқичи.
- а) Вороновнинг псевдоатрофик ҳошияси
- в) тугунчалар юзаси кумушранг –оқ қипиклар билан қопланган
- с) Янги тугунчали тошмаларнинг тошиши
- А. А-в В-с С-а.
- Б. А-а В-в С-с.
- В. А-г В-в С-а.
- Г. А-с В-в С-а.
- Д. А-с В-д С-а.

406. Кассаликларга белгиларнинг мослигини аниқланг:

- А. Псориаз.
- Б. Қизил яssi темиратки.
- а) кўл ва оёқларнинг букувчи соҳаларининг елка - болдири буғимларининг юзаларида жойлашган
- в) кўл ва оёқларнинг ёзувчи соҳаларида
- с) тугунчалар кумуш ва оқ рангдаги қипиклар билан қопланган
- д) тугунчалар марказида киндиксимон ботиқ мавжуд
- е) Уикхем симптоми“+”
- ж) Ауспитц учлиги симп “+”

- А. А-а,с,ж В-в,д,е.
- Б. А-д,с,ж В-а,в,е.
- В. А-в,с,ж В-а,д,е.
- Г. А-е,с,ж В-а,д,в.
- Д. А-в,а,ж В-с,д,е.

407. Мослигини аниқланг:

- А. Боровский касаллиги.
- Б. Мохов.
- В. Сил.
- 1) лепрома

2) лейшманиома

3) люпома

А. А-3 Б-1 В-2.

Б. А-1 Б-2 В-3.

В. А-2 Б-3 В-1.

Г. А-2 Б-4 В-3.

Д. А-2 Б-1 В-3.

408. Мослигини аниқланг:

А. Лейшманиознинг қишлоқ тури.

Б. Лейшманиознинг шахар тури.

1) қисқа яширин давр

2) узоқ яширин давр

3) кўзгатувчиси Leishmania tropica major

4) кўзгатувчиси Leishmania tropica minor

А. А-2,3 Б-1,4.

Б. А-1,3 Б-2,4.

В. А-4,3 Б-2,1.

Г. А-1,2 Б-3,4.

Д. А-1,4 Б-2,3.

409. Мосликни аниқланг:

А. Витилиго.

В. Мохов.

1) сезувчанликнинг бузилиши

2) сезувчанликнинг бузилмаслиги

3) гистамин синамаси мусбат

4) гистамин синамаси манфий

5) тер ажралиши бузилмаган

6) тер ажралиши бузилган

А. А-2,3,5 Б-1,4,6.

Б. А-1,3,5 Б-2,4,6.

В. А-4,3,5 Б-2,4,6.

Г. А-6,3,5 Б-1,4,2.

Д. А-2,4,5 Б-1,3,6.

410. Қизил югурикнинг дискоид клиник шакли клиник

манзараси мослигини аниқланг:

А. Чандиқли атрофия зонаси.

Б. Гиперкератоз.

В. Қизариш.

- а) марказга яқин
- б) марказда
- в) периферия бүйлаб

- А. А-б Б-а В-в.
- Б. А-а Б-б В-в.
- В. А-в Б-а В-в.
- Г. А-в Б-а В-б.
- Д. А-в Б-а В-д.

411. Склеродермия касаллигига клиник босқичлари мослигини аниқланг:

- А. Бошланғич босқичи.
- Б. Қаттиқлашиш босқичи.
- В. Атрофия босқичи.

а) тери юзалари каттиқлашади, бурмаларга олиниши кийин бўлиб, сарғиш тус олади ва юзаларидаги сочлар тўкилади

б) думолоқ шаклидаги плакча қизил-кўкиш рангда тери шишган, қаватсимон консистенцияга эга

- в) тери пергамент кўринишида, сиёхранг ҳалқа йўқолади
- А. А-а Б-б В-в.
- Б. А-в Б-а В-б.
- В. А-б Б-в В-а.
- Г. А-б Б-г В-в.
- Д. А-б Б-а В-в.

412. Мослигини аниқланг:

- А. Склеродермия.
- Б. Қизил югурик.

а) пилакчалар думалоқ шаклда ва пушти рангда, усти қалинлашган кўкиш ҳалкали

б) Артралгия, астено-вегетатив белгилар, субфибрилитет, анемия, ЭЧТ ошиши, лейкопения

- А. А-б Б-а.
- Б. А-а В-б.
- В. А-а Б-б.
- Г. А-г Б-б.
- Д. А-а Б-г.

413. Белгиларнинг мослигини аниқланг:

- А. Адипонекроз.

В. Сохта чипқон.

- а) инфильтрат юзасидаги тери ўзгаришсиз
- в) ўчоқ юзасида яллиғланиш белгилари мавжуд
- с) маҳаллий ҳарорат ошиши кузатилади
- д) ажралган суюқлик стерил
- е) ажралаётган суюқликдан стафилакокклар аниқланади
- г). маҳаллий ҳарорат ошиши кузатилмайди

А. А-в,д,г В-а,с,е.

Б. А-с,д,г В-в,а,е.

В. А-е,д,г В-в,с,а.

Г. А-а,д,г В-в,с,е.

Д. А-а,в,г В-д,с,е.

414. Белгиларнинг мослигини аниқланг:

А. Себореяли экзема.

В. Себореяли дерматит.

- а) терини заарланиши думба соҳасидан бошланади
- в) терининг заарланиши бошнинг сочли соҳасидан бошланади
- с) янги туғилган чақалоқлар ҳаётининг биринчи ойларида
- е) касаллик қусиши ва ич кетиш белгилари билан кечади
- ж) кучли қичишишга шикоят қиласиди

А. А-а,д,ж В-в,с,е.

Б. А-в,д,ж В-а,с,е.

В. А-с,д,ж В-а,в,е.

Г. А-е,д,ж В-а,с,в.

Д. А-в,д,а В-ж,с,е.

415. Белгиларнинг мослигини аниқланг:

А. Склерема.

В. Склеродема.

а) кўл ва оёқ кафтлари, ёрғоқ заарланади

в) кураклар, сон ва думба соҳалари симметрик равишда заарланади

с) қаттиқлашган-шишган асосни босиб кўрилганда узоқ муддат боттиқлик сақланиб туради

д) қаттиқлашган терини босиб кўрилганда боттиқлик бўлмайди

А. А-в,д В-а,с.

Б. А-а,д В-в,с.

В. А-с,д В-а,в.

Г. А-в,а В-д,с.

Д. А-в,с В-а,д.

416. Белгилар мослигини аниқланг:

А) Буллөз эпидермолиз.

В) Захм чилла яраси.

а) пифаклар жароҳатга мойил бўлган соҳаларда жойлашиши

в) пифаклар кўл-оёқ кафтида жойлашади

с) пифаклар таркиби стерил

д) пифаклар таркибидаги суюқликда оқ трепонема аниқланади

е) пифаклар таркиби сероз-геморрагик

ж) серологик реакциялар мусбат

А. А-в,с,е В-а,д,ж.

Б. А-д,с,е В-в,а,ж.

В. А-а,с,е В-в,д,ж.

Г. А-ж,с,е В-в,д,а.

Д. А-а,в,е В-с,д,ж.

417. Белгилар мослигини аниқланг:

А. Энтеропатик акродерматит.

Б. Буллөз эпидермолиз.

а) перианаль дерматит

в) пифаклар жароҳатга мойил бўлган соҳаларда жойлашиши

с) пифаклар таркиби сероз-геморрагик

д) алопеция

е) эритематоз ва везикуло-буллөз тошмалар

ж) битган эрозиялар ўрнида атрофик чандиқ қолади

А. А-а,д,е В-в,с,ж.

Б. А-в,д,е В-а,с,ж.

В. А-с,д,е В-в,а,ж.

Г. А-ж,д,е В-в,с,а.

Д. А-а,д,в В-е,с,ж.

418. Белгиларнинг мослигини аниқланг:

А. Чандиқли эритематоз:

Б. Сенер-Ашер синдроми:

а) Бенье-Мещерский симптоми “+”

в) фолликуляр гиперкератоз кузатилади

с) қат-қат жойлашган сарғимтирир қатқалоқларнинг бўлиши

д) пифак сероз суюқлигига аконталитик ҳужайраларнинг аниқланиши

А. А-с,в В-а,д.

Б. А-а,в В-с,д.

В. А-д,в В-с,а.

Г. А-а,с В-в,д.

Д. А-а,д В-с,в.

419. Белгиларнинг мослигини аниқланг:

А. Дюринг учуксимон дерматити.

В. Оддий пўрсилдоқ.

а) мономорф пуфакли тошма элементлари.

в) чин полиморфизм.

с) Никольский ва Асбо-Ганзен симптоми мусбат.

д) пуфак тубидан ва сероз суюқлигидан муҳирлаш йули билан суртма олиб текширилганда эозинофилия аниқланади.

е) пуфак сероз суюқлигига аконталитик хужайраларни аниқланиши.

ж) дермо-эпидермаль соҳада иммуноглобулин А тўпланиши.

А. А-а,д,ж В-в,с,е.

Б. А-с,д,ж В-а,в,е.

В. А-е,д,ж В-а,с,в.

Г. А-в,д,ж В-а,с,е.

Д. А-в,с,ж В-а,д,е.

420. Белгиларнинг мослигини аниқланг:

А. Себореали экзема.

В. Себореали пўрсилдоқ.

а) Никольский симптоми мусбат

в) Никольский симптоми манфий

с) гистоморфологияси – акантолизис

д) гистоморфологияси – акантоз, паракератоз

А. А-в,д В-а,с

Б. А-а,д В-в,с

В. А-с,д В-а,в

Г. А-в,а В-д,с

Д. А-в,с В-а,д

421. Мослигини кўрсатинг:

А. Бирламчи серонегатив захм.

Б. Бирламчи серопозитив захм.

а) регионар аденит

б) полиаденит

в) мусбат РВ

г) манфий РВ

А. А-б,г Б-а,в.

Б. А-в,г Б-б,а.

В. А-а,б Б-г,в.

Г. А-а,в Б-б,г.

Д. А-а,г Б-б,в.

422. Захмда қайси факторлар яширин даврининг узайишига олиб келади. Мослигини аниқланг:

А. Қисқариши.

Б. Узайиши.

а) антибиотик қабул қилиш

б) иммунитетни пасайиши

в) алкоголизм

г) иммуномодуляторни қабул қилиш

А. А-а,в Б-б,г.

Б. А-б,в Б-а,г.

В. А-г,в Б-а,б.

Г. А-б,а Б-в,г.

Д. А-б,г Б-а,в.

423. Мослигини аниқланг:

А. Иккиламчи янги захм.

Б. Иккиламчи қайталама захм.

1) тошмаларнинг чегарали бўлиши

2) тошмалар қўшилишга хос эмас

3) қаттиқ шанкр қолдиқлари

4) тошмалар кам миқдорда

5) тошмалар қўшилишга мойил

6) майда ва кўп тошмалар

А. А-4,3,6 Б-1,2,5.

Б. А-2,3,5 Б-1,4,6.

В. А-2,4,6 Б-1,3,5.

Г. А-2,3,6 Б-1,4,5.

Д. А-1,3,6 Б-2,4,5.

424. Мослигини аниқланг:

А. Иккиламчи захм.

Б. Учламчи захм.

1) дўмбоқча

2) полиаденит

3) сохта лейкодерма

4) яра ва чандиклар

5) тугун

6) диффуз алопеция

А. А-2,3,6 Б-1,4,5.

Б. А-1,3,6 Б-2,4,5.

В. А-2,4,6 Б-1,3,5.

Г. А-2,3,5 Б-1,4,6.

Д. А-2,5,6 Б-1,4,3.

425. Мослигини аниқланг:

А. Эрта яширин захм.

Б. Кеч яширин захм.

1) касаллик юққанига 2 йилдан ошмаган

2) касаллик юққанига 2 йилдан ошган

3) реагинлар титри баланд (1:120, 1:360) ута мусбат КСР

4) КСР кўрсаткичлари кескин мусбат бўлганда, реагинлар титрининг пастлиги (1:5, 1:10, 1:20)

5) пенициллин терапиясининг бошланишида қайталаниш реакцияси кузатилади

6) пенициллин терапиясининг бошланишида қайталаниш реакцияси кузатилмайди

А. А-2,3,5 Б-1,4,6.

Б. А-1,4,5 Б-3,2,6.

В. А-1,3,5 Б-3,4,6.

Г. А-2,3,5 Б-3,4,6.

Д. А-1,3,5 Б-3,2,6.

426. Белгилар мослигини аниқланг:

А. Юқумли чилла яраси.

В. Захм чилла яраси.

а) қўл ва оёқ кафтининг заарланиши хос эмас.

в) қўл ва оёқ кафтининг заарланиши хос.

с) пуфак суюқлигига стафилококклар топилиши.

д) пуфак суюқлигига трепонемаларни топилиши.

е) Никольский симптоми мусбат.

ж) серологик реакциялар мусбат.

А. А-а,с,е В-в,д,ж.

Б. А-в,с,е В-а,д,ж.

В. А-д,с,е В-в,а,ж.

Г. А-ж,с,е В-в,д,а.

Д. А-а,д,е В-в,с,ж.

427. Белгилар мослигини аниқланг:

А. Эрта туғма захм.

Б. Кеч туғма захм.

а) захм чилла яраси.

в) захм ринити.

с) Гохзингернинг диффуз тугунчали маддаланиши.

д) Гетчинсон учлиги.

е) эгарсимон бурун.

ж) қиличсимон болдир.

А. А-а,е,с В-д,в,ж.

Б. А-ж,в,с В-д,е,а.

В. А-е,в,с В-д,а,ж.

Г. А-а,в,с В-д,е,ж.

Д. А-д,в,с В-а,е,ж.

428. Белгилар мослигини аниқланг:

А. Кеч туғма захмнинг бекарор белгилари.

Б. Кеч туғма захмнинг ишончли белгилари.

а) Гетчинсон тишлари

в) олимпия пешонаси

с) қиличсимон болдир

д) Робинсон-Фурнъе чандиқлари

е) паренхиматоз кератит

ж) захм лабиринтии

А. А-в,е,д В-а,с,ж.

Б. А-ж,с,д В-а,е,в.

В. А-е,с,д В-а,в,ж.

Г. А-а,с,д В-в,е,ж.

Д. А-в,с,д В-а,е,ж.

429. Даволаш турларининг мослигини аниқланг:

А. Специфик даво.

Б. Синама даво.

В. Профилактик даво.

Г. Превентив даво.

а) ҳомиладор аёлларга специфик даводан сўнг ўтказилади

б) захм шубҳа қилинган шахсларга ўтказилади

в) касаллик ташхиси аниқ бўлган беморларга

г) бемор билан муроқотда бўлиб, 2 ойгача касаллик тасдиқланмаган шахсларга

А. А-б Б-в В-а Г-г.

Б. А-в Б-б В-а Г-г.

В. А-в Б-б В-а Г-г.

Г. А-а Б-б В-в Г-г.

Д. А-г Б-б В-а Г-в.

430. Захмнинг турли даврларига даволаниш давомийлиги мослигини аниқланг:

А. Пенициллин билан даволаш, 14 кун давомида.

Б. Пенициллин билан даволаш, 28 кун давомида.

а) захмнинг эрта даврлари

б) захмнинг кеч даврлари

А. А-б Б-г.

Б. А-г Б-а.

В. А-б В-а.

Г. А-а Б-б.

Д. А-б Б-а.

431. Сўзак инфекциясининг асорати, белгиларнинг бир-бирига мослигини аниқланг:

А. Эркакларда.

Б. Аёлларда.

а) барталанит

б) простатит

в) орхит

г) сальпингоофарит

д) эндометрит

е) везикулит

А. А-а, в, е Б-б, г, д.

Б. А-б, в, е Б-а, г, д.

В. А-г, в, е Б-а, б, д.

Г. А-д, в, е Б-а, г, б.

Д. А-б, г, е Б-а, в, д.

432. Касалликларнинг бир-бирига мослигини аниқланг:

А. Капоши саркомаси.

В. ОИТС касалигига оид бўлган Капоши саркомаси.

а) касаллик ёшларда кузатилади.

б) касаллик қарияларда кузатилади.

- в) касаллик оғир кечади.
 - г) касаллик нисбатан енгил кечади.
 - д) полиаденит (белдан юқоридаги).
 - е) полиаденит күзатылмайды.
- А. А-б, г, е В-а, в, д.
 - Б. А-а, г, е В-б, в, д.
 - В. А-в, г, е В-а, б, д.
 - Г. А-д, г, е В-а, в, б.
 - Д. А-б, в, е В-а, г, д

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

Терининг тузилиши

Вазиятли масала №1.

Педиатр кўригига мурожаат қилган бемор бола бошининг сочли қисмида ва юз терисида сариқ–яшил ранг қатқалоқли тошмалар кузатилади.

1. Бу тошмалар кайси тошма элементларидан сўнг пайдо бўлган?
2. Бу тошмалар қатқалоқлари қандай характерга эга?
3. Бундан ташқари қатқалоқларнинг қандай турлари тафовут этилади?

Вазиятли масала №2.

Бемор боланинг сон тери соҳасида кўп микдорда, катталиги 0,2 дан 0,4 см диаметрда бўлган, думалоқ шаклли эрозиялар кузатилади. Улар таркибидан сероз суюқлик ажралади.

1. Эрозия қайси тошмалар қаторига киради?
2. Эрозияга таъриф беринг.
3. Эрозия қандай қилиб орқага қайтади?

Вазиятли масала №3.

Бемор терисидан гистологик текшириш мақсадида биопсия олингандан беморда паракератоз ҳолати аникланди.

1. Терининг бу ҳолатига таъриф беринг.
2. Терида қандай морфологик элемент ҳосил бўлган?

Вазиятли масала №4.

14 ёшли bemорда тез-тез бирламчи бўшлиқсиз экссудатив тошма элементлари пайдо бўлиб, йўқолиб туради.

1. Тошма элементини номини айтинг.
2. Тошма элементига таъриф беринг.
3. Қайси тери кассаликларида бундай тошма элементлари ҳосил бўлади?

Терининг ўлка касалликлари

Вазиятли масала №5.

Шифокор қабулига Нукус шаҳрида яшайдиган 43 ёшли bemор мурожаат қилди. Кўрув вақтида bemорнинг пешона, қош-қовоқ, ёноқ

ва қўлларининг букувчи соҳаларида маддалар ва тугунли тошмалар кузатилмоқда. Юз мимикаси бузилган. Қошларининг латерал қисмлари тўкилган. Лаборатор текширилганда бурун шиллиқ қаватидан Ганзен таёкчалари топилган.

1. Сизнинг ташхисингиз?
2. Сизнинг тактикангиз?
3. Профилактика йўллари?

Вазиятли масала №6.

Бемор юз ва бўйин соҳаларидаги тошмаларга шикоят қилиб шифокорга мурожаат қилди. Анамнезида: bemor 1 ой олдин Туркманистонда бўлган. Курув вақтида: бир нечта яралар кузатилмоқда. Яраларнинг четлари нотекис, туби грануляцион қобиғ билан қопланган, донадор кўринишга эга, яра тубидан кўп микдорда йирингли ажралмалар чиқмоқда. Яралар атрофида лимфангит ҳолати кузатилмоқда.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?
2. Қандай текширув усулларини ўтказиш лозим?

Вазиятли масала №7.

Бемор Б., 20 ёшда, шифокорга юз, кўкрак, қўл ва оёқларининг ёзув соҳаларига оқ доғлар тошишига шикоят қилиб келди. Дастребки тошмалар 2 йил аввал bemornинг қаттиқ қўрқувидан сўнг пайдо бўлган. Объектив кўрилганда: ўчоқларда ҳар-хил ҳажм ва шаклга эга бўлган, аниқ чегарали, оқ сут рангидаги депигментланган доғлар кузатилиб, улар атрофи эса гиперпигментланган ҳошия билан ўралган. Доғлар тошмалар соҳасида тери консистенцияси, унинг намлиги ва сезирлиги соғлом тери соҳаларига нисбатан ўзгармаган кўринишида.

1. Сизнинг ташхисингиз?
2. Ниманинг ҳисобига депигментли доғлар пайдо бўлган?
3. Бу касалликда асосан қайси микроэлементлар етишмовчилиги кузатилади?
4. Сизнинг даволаш тактикангиз?

Аллергик дерматитлар

Вазиятли масала №8

Ўпка яллиғланиши касаллиги сабабли bemor болага пенициллин антибиотиги укол тарзида буюрилган. Кечга бориб бутун бадан тери юзаси бўйлаб эритематоз тошмалар пайдо бўлган, жараён ачишиш

ва қичишиш билан кечган. Тошмаларнинг кўпайиб, тарқалиши ҳолати кузатилган. Дермографизм турғун қизил ранг кўринишда бўлиб, bemорни субъектив кучли қичишиш безовта қилган.

1. Беморга клиник ташхис куйинг.
2. Даво тактикангизни белгиланг.

Вазиятли масала №9

Она чақалоги билан шифокор қабулига мурожаат қилди. Боланинг думба, чов бурмаларида аниқ чегараланган қизариш ҳолати кузатилади.

1. Сизнинг дастлабки ташхисингиз?
2. Касалликнинг келиб чиқиш сабаби нима?
3. Сизнинг даво тактикангиз қандай?

Вазиятли масала №10

Шифокор қабулига 43 ёшли bemор юз соҳасида оғриққа, ачишиш, шиш, қичишиш каби шикоятлар билан мурожаат килди. Касаллик белгилари 2 соат олдин кўзга, конъюнктивит касаллиги туфайли альбуцид эритмаси томизлгандан сўнг бошланган. Объектив: жараён тарқоқ ҳолда юз, кўз атрофи тери соҳаларида жойлашганлиги билан намоён бўлмоқда, ўчоқларда эритема асосида кўп микдорда папуло-везикулали тошмалар кузатилади.

1. Сизнинг дастлабки ташхисингиз?
2. Қайси клиник белгиларга асосланиб ташхис қўйдингиз?
3. Даво чораларини белгиланг.

Атопик дерматит. Нейродермит

Вазиятли масала №11

Шифокорга 10 ёшли қиз бола кучли қичишиш ва уйқунинг бузилишига шикоят билан мурожаат қилган, онасининг сўзига кўра касаллик боланинг 1 ёшлигидан бошланган. Касаллик сурункали-қайталама кечган, асосан куз ва қиши ойларида касалликнинг қўзғалиши ҳолати қайд этилган. Объектив кўрувда: патологик жараён юз, бўйин, кўкрак, қорин, бел, тизза ва тирсак бўғимларининг букувчи юзаларида жойлашган бўлиб, тугунчали тошмалар, қатқалоқлар, экскориациялар ва лихенификация кўринишида намоён бўлади. Дермографизм: тери оқ, барқарор кўринишида. Юз терисининг рангпарлиги, орбиталарни кўкариши, инфраорбитал бурамаларнинг мавжудлиги. Кафт юзаларида носпецифик дерматит ҳолатининг кузатилиши қайд этилади.

1. Касалликни тўлиқ клиник ташхисини, даврини ва клиник шаклини аниқланг.

2. Даво чораларини белгиланг.

Вазиятли масала №12

Шифокор қабулига 40 ёшли аёл бўйиннинг орқа соҳаларида тери юзаларининг қалинлашиши ва қичишиши каби шикоятлар билан мурожаат қилди. Касаллик аломатлари тахминан 3 йил аввал қаттиқ сиқилиш эвазига пайдо бўлган. Кўрилганда: бўйиннинг орқа соҳаларида яғирланиш ўчоқлари кузатилади, уларнинг юзаларида милиар тугунчалар кузатилиши қайд этилади. Кучли қичишиш эвазига тугунчалар юзалари шилинган ва геморрагик қатқалоқлар билан қопланган. Субъектив: шикояти кучли қичишишга. Дермографизм: оқ, турғун кўринишида.

1. Сизнинг ташхисингиз?

2. Даво чораларини белгиланг.

Болалар қичимаси. Эшакем

Вазиятли масала №13

Врач кўрувига 36 ёшдаги аёл бутун тери юзаларида тошмалар тошишига, қўл, кўкрак ва бўйин соҳаларида шишларнинг пайдо бўлиши, нафас олиш жараёнини қийинлашуви каби шикоятлар билан мурожаат қилди. Тошмалар 2 соат аввал ари чақкан заҳотиёқ пайдо бўлган. Клиник жиҳатидан касаллик белгилари бутун тери бўйлаб қаварчиқли тошмаларнинг тошиши билан намоён бўлган. Дермографизм: қизил, турғун, уртикар кўринишида. Субъектив: кучли қичишишга шикоят қиласи.

1. Сизнинг ташхисингиз?

2. Биринчи тиббий ёрдам тактикаси нимадан иборат?

3. Даво тактикангиз нимадан иборат?

Вазиятли масала №14

Шифокор қабулига 3 ёшли фарзанди билан она қўл ва оёқларнинг ташқи юзаларида тошмалар тошишига ва кучли қичишиш каби шикоятлар билан мурожаат қилди:. Касаллик аломатлари бронхопневмония ташхиси сабабли bemorга антибиотиклар тавсия этилгани туфайли (ичак дисбактериоз ҳисобига) пайдо бўлган. Кўрилганда: қўл ва оёқларнинг ташқи юзаларида тугунчали, пуфакчали тошмалар кузатилади, баъзи тугунчалар юзаларида пуфакчаларнинг бўлиши қайд этилади. Пуфакчалар таркиби серозли суюқликдан

иборат. Жойларда кучли қичишишлар эвазига экскориациялар ва эрозиялар пайдо бўлган. Субъектив: bemorni кучли қичишиш ҳолати безовта қиласи. Дермографизм: ок, нотурғун.

1. Сизнинг ташхисингиз?
2. Даво чораларини белгиланг.

Терининг йирингли кассаликлари. Оддий хуснбузар. Вазиятли масала № 15.

Туғруқхонада 3 кунлик чақалоқда танаси бўйлаб майда пуфакчали тошмалар пайдо бўлган. Пуфакчалар таркибидаги суюқлик серозли-йирингли бўлиб, атрофлари қизарган кўринишда. Кўл ва оёқ кафт юзаларида эса тошмалар кузатилмайди. Тана ҳарорати 37,8 С ташкил этади.

1. Беморга ташхис қўйинг.
2. Қайси касаллик билан таққослов ташхисини ўтказиш мумкин?
3. Касалликни кўзғатувчиси нима.
4. Даволаш тактикасини белгиланг.

Вазиятли масала № 16.

3 ойлик боланинг елка, думба ва энса соҳаларида кўп микдорда тугунли ва тугунчали тошмалар кузатилади. Тошмалар каттик консистенцияли, чегаралари аниқ, катталиги нўхат катталигидек бўлиб, айримлари юмшоқ, марказида флюктуация ҳолати кузатилади. Тана ҳарорати субфебрил.

1. Беморга ташхис қўйинг.
2. Қайси касалликлар билан таққослов ташхисини ўтказиш мумкин?
3. Сизнинг даволаш тактикангиз қандай?.

Вазиятли масала № 17.

Бир ҳафта олдин 4 ёшли боланинг юз ва қўл тери соҳаларида йирингчали тошмалар пайдо бўлган, тошмалар сони барган сари кўпая борган. Объектив кўрувда: юз, елка ва қўл бармоқлари соҳаларида пуфакчали тошмалар кузатилади, улар таркиби серозли-йирингли суюқликдан иборат бўлиб, атрофида яллиғланган ҳошиялар қайд этилади. Пуфакчали тошмаларнинг ёрилиши натижасида эрозиялар ҳосил бўлган, айримларининг қуриши хисобига эса «асалсимон қатқалоқлари» белгиси кузатилади.

1. Беморга ташхис қўйинг.

2. Касаллик пиодермияларнинг қайси клиник турига мансуб?

3. Касалликда кузатиладиган тошма элементлари қандай номланади?

4. Сизнинг даволаш тактикангиз қандай?

Вазиятли масала №18

9 ёшли боланинг чап бурун, оғиз бурмалари соҳаларида катталиги 2x3см диаметрда бўлган тугунли тошма кузатилади. Шу соҳалар тери юзалари қизарган, тошмалар марказида йириングли таркиб кузатилади. Бемор ўзини 2 кун давомида хасталанган, деб таъкидламоқда.

1. Беморга ташхис қўйинг.

2. Касалликни кечиши қайси босқичда?

3. Даволаш чорасини белгиланг.

Вазиятли масала № 19.

Шифокор қабулига 23 ёшли bemor мурожаат қилди. Шикоятлари: бурун лаб учбурчаги соҳасида ачишиш ва қичишиш безовта қилади. Анамнезда: хасталаниши 2 ой олдин бошланган, жараён аввал юқори лаб соҳасидан марказида соchlар кузатиладиган йирингчалар шаклида бошланган, кейинчалик эса йирингчали тошмалар тезда қуриб қобиқлана бошлаган. Борган сари заарланган ўчоқлар ҳажми катталашиб борган. Шифокорга мурожаат этилганда bemорга дезинфекцияловчи эритмалар ва малҳамлар тавсия этилган, лекин даво чоралари самара бермаган. Беморда йўлдош касалликлардан сурункали ринит, холецистит касалликлари қайд этилади. Объектив кўрувда: бурун лаб соҳаси учбурчагида кизариш, йирингчалар ҳамда йириングли сариқ рангли қатқалоқлар кузатилади. Беморни салбий шикоятлари вақти-вақти билан қичишиш, безовтала нишдан шикоят қилади.

1. Сизнинг клиник ташхисингиз?

2. Ташхис қўйишда қандай текширувлардан фойданилади?

3. Даво ва профилактика чораларини белгиланг.

Терининг ирсий касалликлари

Вазиятли масала №20.

Шифокор кўрувига 5-ёшли қиз бола танасининг қўл ва оёқ соҳаларида пуфакли тошмаларнинг пайдо бўлиши, уларни чандиқлар ҳосил қилиб битиши, тирноқларининг қалинланиши, гипергидроз ҳолати ва тишларининг дистрофиясига шикоят қилади. Объектив кўрувда: қўл ва оёқ кафтларида гиперкератоз ҳолати,

тирсак ва тиззаларнинг букув соҳаларида эса серозли таркибга эга пуфакли тошмалар кузатилади. Никольский белгиси текширилганда сохта мусбат натижа кузатилади. Анамнезда: ота ва онаси яқин қариндош эканлиги қайд этилган.

1. Сизнинг клиник ташхисингиз?
2. Даво тактикангиз қандай?
3. Профилактика чораларини белгиланг.

Вазиятли масала №21.

Бемор Р. 10 ёшда, шифокор кўрувига терининг қуриши, қипиқланиши, баҳор ва куз ойларида эса қазғоқ ва қобиқларнинг ҳосил бўлиши юзасидан мурожаат қилди. Беморга вульгар ихтиоз ташхиси кўйилди.

1. Сизнинг даволаш тактикангиз?

Вазиятли масала №22.

5 ойлик бола энтеропатик акродерматит ташхиси билан даво чораларини олмоқда.

1. Сизнинг даволаш тактикангиз?

Вазиятли масала №23.

Бола туғилгандан сўнг терининг қуриши, қалин қобиқларни ҳосил бўлиши, айрим соҳаларда эса чукур ёриқлар ҳосил бўлиши, оғиз атрофлари соҳаларининг эса торайиши ҳолати кузатилмоқда

1. Сизнинг дастлабки ташхисингиз?

Вазиятли масала №24.

Шифокор ҳузурида З ёшли бола кўрилмоқда. Онасининг сўзига кўра 5 ой олдин боланинг орқа чиқарув тешиги атрофида, чов соҳаларида, кўл бармоқлирида тошмалар пайдо бўлган. Охирги вақтларда соч, киприк ва қошларнинг тўқилиши ҳолати кузатилган. Кўрувда: чов соҳасида шиш, инфильтрация, пушти рангли тери юзаларида эса эрозияли ўчоклар кузатилмоқда. Сочлар, киприклар ва қошлар сийраклашган, бола гипотрофик кўринишда. Анамнезида: bemor ота-онаси қон-қариндош эканлиги қайд этилади.

1. Сизнинг ташхисингиз?
2. Даволаш тактикангиз?

Вазиятли масала №25.

9 ёшли bemor бола даволаниш учун касалхонага ётқизилди. Анамнезда: куз ва қиши ойларида bemor қўл ва оёқларининг ташки юзаларида ва қорин соҳаларида қипиқлар ва қора қўтирлар пайдо

бўлиши аниқланди. Кўрувда: беморнинг тери соҳалари қуруқ. Салбий шикоятлари йўқ.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

Вазиятли масала №26

2 ойлик болага она сути берилиши тўхтатилгандан сўнг табиий тешиклар атрофларида (офиз, анус атрофи соҳаларида) қизариш ва эррозияларнинг пайдо бўлиши кузатилган. Анамнезда: бемор ота ва онасининг қон-қариндош эканлиги аниқланди.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Қандай текширувлар ўтказилиниши лозим?

Вазиятли масала №27.

1 ҳафтали bemor болани шифокор кўрувига олиб келинганда, болада гипотрофиянинг 2 даражали ҳолати кузатилмокда, Курувда: bemor бола тери юзалари қалин қатқалоқлар билан қопланган, жойларда чуқур ёриқлар кузатилади.

1. Сизнинг ташхисингиз?

Вазиятли масала №28.

2 ёшли Г. исмли ўғил болани шифокор кўригига лат ейиш туфайли пуфакли тошмаларнинг пайдо бўлиши шикояти билан олиб келинган: Кўрилганда: bemor бола бошининг сочли қисмда, думба, товон, тирсак, тизза соҳаларида ва оғиз шиллиқ қавати ва жинсий соҳаларда турли хил катталикда бўлган, таркиби сероз суюклиги билан тўлган пуфакли тошмалар кузатилади. Никольский симптоми манфий кўринишида. Тишлар, соchlар ва тирноқлар ўзгармаган. Субъектив: қичишиш ва ачишиш. Анамнезида: bemor ота ва онаси қариндош.

1. Сизнинг ташхисингиз?

Вазиятли масала №29.

Касалхонага 9 ойлик bemor болани табиий тешиклар атрофига тошмалар тошиши муносабати билан олиб келинди. Бемор бола онасининг сўзига кўра касаллик аломатлари 1 ой аввал болани кўкрак эмизишдан чиқарилгандан сўнг бошланганлиги таъкидланади. Курилганда: Оғиз ва анус атрофи соҳаларида гиперемияланиш асосида эрозиялар, пуфакчали, пуфакли тошмалар ва енгил қипиқланишлар кузатилади. Болада кунига 5-6 маротаба ич кетиши аломатлари кузатилиши эвазига тана вазнини йўқотилиши ҳамда соч ва қошларнинг тўкилиши ҳолатлари кузатилмокда. Анамнезда: bemor ота ва онаси қон-қариндош.

1. Сизнинг ташхисингиз?
2. Қандай текширувлар ўтказилиши лозим?

Терининг замбуругли касалларни

Вазиятли масала №30.

Болалар боғчасига қатновчи З ёшли болага бошнинг сочли қисми микроспорияси ташхиси қўйилди. Касаллик ўчоқларидан микроспориум канис топилди.

1. Сизнинг тактикангиз, тутган йўлингиз?
2. Қандай эпидемиологик ишларни олиб бориш керак?

Вазиятли масала №31.

5 ёшли бемор болани шифокор кўригига олиб келинганда билак соҳаси тери юзаларида аниқ чегарали, катталиги 1×1 ва 2×2 см да бўлган 2 та касаллик ўчоқлари аниқланди. Кузатилганда: ўчоқлар эритематоз доғлар кўринишида бўлиб, чегаралари бир оз кўтарилиган ҳалқасимон шаклда, марказларида эса енгил қипиқланиш ҳолати кузатилади.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз қандай?
2. Ташхисни қандай йўл билан тасдиқлайсиз?

Вазиятли масала №32

Бошнинг сочли қисми юзаки трихофитияси касаллиги билан хасталанган 7 ёшли бемор бола бир неча кун давомида гризофулвин дори воситасини истеъмол қилган натижада бемор болада бош оғриғи, кўнгил айнаши, ич кетиши аломатлари ҳамда қоннинг умумий таҳлилида лейкопения, эозинофилия, лимфопения каби ўзгаришлар кузатилди.

1. Сизнинг тактикангиз?

Вазиятли масала №33

Боғча болаларини кузатуви вактида бир болада бошининг сочли қисми соҳасида соchlарнинг тўкилган ўчоқлари аниқланди. Кўрувда: касаллик ўчоғида соч толаларининг турли хил баландликларда синиши ҳолати қайд этилади. Соч толаларини микроскопик текширилганда улар ичидаги касаллик қўзгатувчи замбуруғ Achorion Shonlein топилди.

1. Беморга қандай ташхис қўясиз?
2. Бемор ва унинг атрофидагиларга нисбатан қандай йўл тутасиз?
3. Касаллик манбаи бўлиб нима ҳисобланади?

Вазиятли масала №34.

38 ёшли бемор шифокор кўригига қўйидаги шикоятлар билан мурожаат қилди. Уни бадан ҳароратининг 37,6 С кўтарилиши, бош оғриғига, ҳолсизлик ва бошнинг сочли қисмида йирингли тугуларнинг пайдо бўлиши безовта қиласди. Анамнезда: бемор бир неча йиллар давомида подачи бўлиб ишлаб келган, қора моллар билан доимий равишда контакда бўлган. Молларнинг баъзи бирларида тери соҳаларида юнглари тўкилган ўчоқлар қайд этилади. Ветеренар-шифокор томонидан касалланган моллар кўрилиб, уларга темиратки ташхиси қўйилган. Кўрилганда: бемор бошининг сочли қисмларида аниқ чегарага эга бўлган, йирингли қатқалоқлар билан қопланган бир нечта касаллик ўчоқлари қайд этилади. Йирингли қатқалоқлар олиб ташланганда эса ҳар бир соч фолликулаларидан йирингларнинг ажралиб туриши ҳолати кузатилади. Ўчоқлар кўриниши «асалари уяси» (Керион Цельси) белгиси кўринишида бўлиб, жағ ости лимфа тугулари катталашиши ва салбий оғрикли бўлиши ҳолати кузатилади.

1. Сизнинг ташминий ташхисингиз?
2. Тўғри ташхис қуиши борасида сизнинг тутган йўлингиз?
3. Қандай касалликлар билан таққослов ташхисини ўтказасиз?

Вазиятли масала №35.

26 ёшли бемор дерматолог кўригига қўйидаги шикоятлар билан мурожаат қилди: оёқ кафти ва бармоқлари орасига тошмалар тошишади ва қичишади. Микроскопик текширувлар натижасида ўчоқлардан касалликни қўзғатувчи замбуруғ *Epidermophiton mentagrophites interdigitale varum* топилди. Анамнезда: касаллик белгилари 2 ҳафта аввал бемор бассейнда чўмилганидан сўнг пайдо бўлган.

1. Сизнинг ташхисингиз?
2. Сизни тутган тактикангиз?
3. Қандай касалликлар билан таққослов ташхиси ўтказиш лозим?

Терининг вирусли ва паразитар касалликлари

Вазиятли масала №36.

14 ёшли қиз болада дисменорея ҳолати кузатилади. Хайз цикли бошланиши вақтида чап томонлама катта уятли жинсий лаблар соҳасида эритематоз ҳолати асосида гурух-гурух, бир-бирига яқин

жойлашган, қўшилишга мойил бўлган, катталиги 0,2-0,2 см диаметргача бўлган, таркиби серозли суюқликдан иборат пуфакчали тошмалар пайдо бўлган. Субъектив: шикоятлари қичишишга ва ачишишга.

1. Клиник ташхисни қўйинг.

2. Қайси касалликлар билан таққослов ташхисини ўтказиш лозим?

3. Касалликни қўзғатувчисини айтинг.

4. Сизнинг даво тактикангиз?

Вазиятли масала №37.

Оилада 2 фарзанд. Фарзанднинг кенжаси сувчечак билан касалланган, 7 кундан сўнг эса фарзанднинг каттасида чап томонлама қовурғалараро нерв йўллари бўйлаб дам-бадам кузатиладиган оғриқлар пайдо бўлган. Кейинчалик эса ушбу соҳада гиперимияланган асосда катталиги $0,5 \times 0,5$ см келадиган, гурух-гуруҳ бўлиб жойлашган, пуфакчали тошмалар пайдо бўлган. Пуфакчали тошмалар қобиқлари таранглашган, киндиксимон ботиқлик кўринишида бўлиб, таркиби лойқаланган кўринишда. Беморда ҳолсизлик, тана ҳароратининг кўтарилиши каби ҳолатлар кузатилди.

1. Клиник ташхис қўйинг.

2. Касаллик кузгатувчисини айтинг.

3. Даво чораларини белгиланг.

Вазиятли масала №38.

Бемор боланинг юз соҳасида катталиги мошдай келадиган, юзаси ялтироқ, маркази ботик кўринишда бўлган тугунчали тошмалар кузатилади. Тугунчали тошмалар анатомик пинцент билан сиқиб кўрилганда, ичидан сузмага ўхшаш таркиб ажралиб чиқмоқда.

1. Касалликка ташхис қўйинг.

2. Даво чораларини белгиланг.

Вазиятли масала №39.

Шифокор қабулига 11 ёшли қизчанинг юз соҳасида кузатилаётган шиш ва оғриқлар туфайли олиб келишди. Анамнезда: тана ҳароратининг кўтарилиши билан биргаликда бош оғриғи, юз териси соҳасида эса қизариш ва шиш ҳолатлари кузатилган. 2-3 кун ўтгач эса ўша соҳаларда оғрувучан пуфакчали тошмалар пайдо бўлган. Бемор қизда илгарилари тез-тез юқори нафас йўллари касалликлари қайд этилиб туринган. Кўрилганда: юз териси

соҳасининг ўнг томонлама гиперимияланганлиги, шишганлиги ҳолати кузатилади. Шундай ҳолат асосида, таркибида сероз суюқлиқдан иборат, гурух-гурух, зич жойлашган пуфакчали тошмалар қайд этилади. Баъзи соҳаларида эса пуфакчали тошмалар бир-бирига қўшилишиб катта ўчоқларни ҳосил қилган. Пуфакчали тошмаларнинг эса ярми ёрилиб, эрозияларни ҳосил қилади. Беморнинг ўнг кўз қовоқлари шишган. Юз тери соҳасининг чап томонлама заарланиши камроқ кузатилади. Субъектив: қаттиқ оғриқ ва ачишиш кузатилади.

1. Сизнинг дастлабки ташхисингиз?

2. Қайси касалликлар билан таққослов ташхисини ўтказиш лозим?

3. Сизнинг даво тактикангиз қандай?

Вазиятли масала №40.

Шифокор қабулига 9 ойлик фарзанди билан ота-она мурожаат этдилар. Бемор онасининг сўзига кўра фарзандининг қўл бармоқлари оралиғида, қорин ва товон соҳаларида тошмаларнинг пайдо бўлиши, ҳамда уларни тунги қичишиш билан кечиши ҳолати қайд этилади. Объектив: юқорида қайд этилган соҳаларда жуфт-жуфт жойлашган, майда, тугунчали ва пуфакчали тошмалар кузатилади. Бундан ташқари жойларда тирналиш излари ҳам кузатилади. Бемор онасида ҳам худди шундай тошмалар борлиги қайд этилади.

1. Сизнинг ташхисингиз?

2. Қайси касалликлар билан таққослов ташхисини ўтказиш лозим?

3. Сизнинг тактикангиз?

Вазиятли масала №41.

Бемор П. 39 ёш, касаллик белгилари 1 ҳафта олдин бошланган. Бемор қўл ва бадан тери юзаларида тошмалар тошишига ва қичишишга шикоят қилади. Бемор «пруриго» ташхиси билан консультацияга юборилган. Объектив: билакларнинг букув соҳалари ва тирсак бўғимларини ёзув соҳаларида папула ва везикулали тошмаларнинг кўпроқ жойлашганлиги ҳолатини кўриш мумкин. Бундан ташқари қўлтик ости, кўкрак кафаси ён юзаларида, думба ва соннинг ички юзаларида ҳам тошмалар жойлашганлиги қайд этилади. Кўпинча тугунчали тошмалар марказида геморрагик катқалоқлар кузатилади. Жинсий олат соҳасида ҳам худди шундай

тошмалар кузатилади, улар жойлашган соҳалар пушти қизғиши рангда бўлиб, бироз шиш ҳолати қайд этилади. Қорин ва думба соҳаларида жуфт-жуфт нуқтасимон жойлашган геморрагик қатқалоқларни кўриш мумкин.

1. Сизнинг дастлабки ташхисингиз?

2. Ташхисни тасдиқлаш мақсадида қандай текширувларни ўтказиш лозим?

3. Касаллик учун хос бўлган патогномик белгиларни кўрсатинг.

4. Сизнинг тактикангиз?

5. Даволаш режасини белгиланг

Вазиятли масала №42.

Шифокор қабулига 30 ёшли аёл тошмаларни тошиши ва қичишиш билан мурожаат қилди. Анамнезда: тошмалар 4 кун олдин пайдо бўлган, жараён қичишиш билан кечган, қичишиш аломатининг асосан тунда кучайиши ҳолати қайд этилган. Объектив: бармоқлар орасида, қорин, сон ва жинсий аъзолар соҳасида жуфт-жуфт жойлашган папула-везикулали тошмалар ташкил этади. Қўл тирсакларининг ташқи қисмида майда, нуқтали қора қўтириш тангачалар кузатилмокда.

1. Сизнинг дастлабки ташхисингиз?

2. Ташхисни тасдиқлаш мақсадида қандай текширувлар ўтказиш лозим?

Псориаз. Қизил яssi темиратки

Амалий масала №43.

Бемор қўл ва оёқлари ёзув юзаларида, тарқоқ, тўқ пушти рангда бўлган папулали тошмалар кузатилади, тошмалар катталиги 1x1 см диметрда, юзлари оқиш қипиклар билан қопланган бўлиб, улар тугунчаларнинг ўрта қисмини эгаллаган. Баъзи тугунчали тошмалар атрофида қизил рангли гардиш кузатилади. Субъектив: қичишиш кузатилади. Тошмалар қиртишлаб кўрилганда ялтирок сатҳ, нам юза ва кейинчалик эса нўхтасимон қон чиқиши ҳолати кузатилади.

1. Сизнинг ташхисингиз?

2. Кўйган ташхисингизни асослаб беринг.

Амалий масала №44.

Бемор 12 ёшда, 3 йилдан бери псориаз касаллиги билан хасталаниб келади. Касаллик асосан қиш фаслларида қайталанади. Охирги қўзғалиши 1 ой аввал бошланган бўлиб, амбулатор равишда

даволаниб келади. Кўрувда: тошмалар тарқоқ бўлиб, 5x10 см гача катталикда бўлган пилакчалардан иборат, улар тўқ пушти рангда, юзаларида қипиқланиш ҳолати кузатилади. «Псориатик учлик» синамаси манфий. Тошмалар 1 ойдан бери ўзгаришсиз сақланмоқда.

1. Псориаз шаклининг ва турини аниқланг.
2. Даво тактикасини белгиланг.

Амалий масала №45.

Бемор 27 ёшда. Кўл ва оёқларининг букув соҳаларида тошмалар тошишига шикоят қиласди. Обектив: жойларда мономорф тугунчали тошмалар кузатилиб, улар яssi, полигонал шаклга эга ва юзалари ялтироқ кўринишларда. Оғиз бўшлиғи ва катта уятли лабларнинг ички юзаларида бир оз кўтарилган, оқиш рангдаги тошмалар кузатилади. Субъектив: тошмалар бор соҳаларда кучли қичишиш, шиллиқ қаватлардаги тошмаларда эса ачишиш ҳолатлари кузатилади.

1. Сизнинг ташхисингиз?
2. Даво тактикаси қандай?

Қизил югурик. Склеродермия. Дерматомиозит Вазиятли масала №46.

8 ёшдаги bemornинг пешона соҳасида чизиқсимон, катталиги 5x1 см да бўлган, фил суяги рангидаги, қуруқлашган, дарахтсимон кўринишида, қаттиқлашган, тери манзараси яссилашган паталогик касаллик ўчоги кузатилади.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?
2. Беморни текшириш режасини кўрсатинг.

Вазиятли масала №47.

Шифокор кўрувига 44 ёшдаги, агросаноат бирлашмаси ишчиси Ю. исмли аёл заарланган ўчоқларда ачишишга ва игнасимон санчиш билан мурожаат қилди. Юз соҳасида ўчоқлар «капалак» белгиси кўринишида наиён бўлади. Анамнезда: bemor касалликнинг ривожланишини вақти-вақти билан совук қотиш ва узоқ вақт қуёш нурлари остида бўлганлиги билан боғлайди. Сурункали ангина хасталиги туфайли бир неча марта сульфаниламид дори воситаларини қабул қилган. Тошмалар уч ой аввал юз соҳасида пайдо бўлган, жараён аста-секин зўрайиб борган. Шу кунга қадар bemor текширувлардан ўтмаган, яллигланишга карши малҳамларни қўллаб даволанганди холос. Объектив: юзнинг

ёноқ ва бурун усти соҳаларида «капалак» шакли кўринишида эритемали ўчоқ кузатилади. Ўчоқ шунингдек, даҳан ва лаб соҳаларида ҳам жойлашган бўлиб, аниқ чегарали кўринишга эга. Тошмалар қизил-пушти рангда бўлиб, усти қалин мугуз қатқалоклар билан қопланган. Тошмалар соч фолликулларига боғлиқ бўлиб (фолликуляр гиперкератоз), ўчоқлар мадда ва пилакчалардан иборат. Ўчоқлар атрофида телеангидазия, марказида эса чандиқланиш аломатлари кузатилади.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Якуний ташхис қўйиш учун қандай қўшимча текширувлар ўтказилиши лозим?

Вазиятли масала №48.

Шифокор кўригига 38 ёшдаги Ж. исмли ўқитувчи бемор аёл қорин соҳасидаги касаллик ўчоқлари, терининг совуқлиги ва таранглашишига шикоят билан мурожаат қилди. Анамнезда: касалликни бошланишини бемор совуқ қотиши ва тез-тез ангина билан касалланганлиги билан боғлади. Навбатдаги совуқ қотишдан сўнг уч ҳафта ўтгач, қорин соҳасида кўкимтир-қизил рангдаги айлана шаклида пилакчали ўчоқлар пайдо бўлган. Заараланган ўчоқ шишган ва хамирсимон қаттиклиқда бўлиб, бир неча ҳафтадан сўнг ушбу ўчоқ дарахтсимон кўринишда қаттиқлашиб, оч сиёҳ рангга кирган. Бемор даволанмаган. Йўлдош касалликлари – қалқонсимон без касаллиги туфайли шифокор-эндокринолог, сурункали тонзиллит касаллиги туфайли эса ЛОР-шифокори ҳисобида туради. Объектив: қорин соҳасида кафт ҳажми катталигига бўлган, силлик, ялтироқ, қаттиқлашган касаллик ўчоги кузатилади. Ўчоқ ранги сарғимтир-пушти рангда бўлиб, атрофида ўзига хос бинафша ранг ҳалқа мавжуд, шакли нотўғри-овал шаклда, маркази эса бироз чукурлашган. Пайпаслаб кўрилганда ўчоқ дарахтсимон кўринишда қаттиқлашган, остидаги тўқималарга зич ёпишган, бурмаларга йиғилмайди, кўриниш манзараси силлиқлашган, соч толалари кузатилмайди.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Дерматозни қайси касалликлар билан таққослаш лозим?

Вазиятли масала №49.

45 ёшдаги Д. исмли бемор шифокор-дерматолог томонидан кўрилганда унга «қизил югурик» ташхиси қўйилган. Бемор барча текширувлардан тўлиқ ўтган ва касаллик ташхиси тасдиқланган.

1. Беморга қандай текширувлар ўтказиш лозим?
2. Даво чораларини белгилашда сизнинг тактикангиз?

Вазиятли масала №50.

Бемор М., 14 ёшда, шифокорга пешона ва бошнинг сочли қисмларида тери қаттиқлашишига шикоят қилган. Объектив: юқорида қайд этилган соҳаларда чизиқсимон шаклдаги, фил сужиги рангидан, бурмалар ҳосил қилмайдиган, қаттиқлашган ўчоқ кузатилади. Онасининг сўзига кўра касаллик бир йил аввал бошланган, bemor ҳеч қаерда текширилмаган ва даволанмаган.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

Вазиятли масала №51.

23 ёшли bemor мушакларида кучайиб борувчи ҳолсизликка, жумладан, қўл ва оёқларнинг проксимал қисмларида мушакларининг заарланишига шикоят қилиб шифохонага мурожаат қилган. Ён-атрофидагиларнинг ёрдамисиз ўрнидан тура олмайди. Ютиниши қийинлашган. Объектив: периорбитал соҳаларда шиш ва кўз қовоқларининг сиёхранг қўриниши эритемаси кузатилади. Терининг қуёш нурларига таъсирчанлиги кучайган.

1. Сизнинг ташхисингиз?
2. Беморга теширувларни белгилашдаги сизнинг тактикангиз?

Янги туғилган чақалоқлар тери касалликлари

Вазиятли масала №52.

Туғруқхонада беш кунлик чақалоқда елка, думба соҳаларида ҳажми 1-3 см ли тугунли тошмалар пайдо бўлган. Пайпаслаб кўрилганда тугунли тошмалар қаттиқлашган, устидаги тери юзалари оч пушти рангда. Атроф тери юзалари ўзгаришсиз. Туғруқ жараёни асбоб-анжомлар ёрдамида ўтказилган ва жараён оғир кечган. Бола 4500 гр. вазнда туғилган.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?
2. Қандай касалликлар билан таққослов ташхисини ўтказиш лозим?
3. Қандай муолажаларни ўтказиш керак?

Вазиятли масала №53.

Бемор бола 3 ҳафталик, ота-онаси теридаги қаттиқлашишга шикоят қилиб олиб келишган. Анамнезида: бола чала туғилган, қаттиқлашишлар бола ҳаётининг 2-ҳафтасида совуқ қотишидан сўнг пайдо бўлган. Объектив: корин ва қўл соҳаларида тери

қаттиқлашган, хамирсимон күринишида, шишган, таранглашган. Бармоқ билан босиб күрилганда из қолдиради. Ўчоқлар чегараси – оч жигаррангда.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Қандай касалликлар билан таққослов ташхисини ўтказиш лозим?

3. Қандай муолажаларни ўтказиш керак?

Вазиятли масала №54.

Шифокор күригига 6 ойлик чақалоқ билан онаси мурожаат этди. Шикоятлари: тери бурма соҳаларидағи қизаришлар. Касаллик 2 кун аввал бошланган. Бу белгилар билан бир вақтда беморда тез-тез ич кетиши ҳолати кузатилади. Объектив: бўйин, қўлтиқ ости, чов, сон ва бошқа бурмали соҳаларида сувланиш жараёни кучли намоён бўлиб, гиперемия ҳолати кузатилади, бошнинг сочли қисмида эса ёғли қатқалоқлар қайд этилади. Субъектив: bemor шикоятлари оғриққа, ачишишга. Бемор паратрофик күринишида.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?

2. Қандай касалликлар билан таққослов ташхисини ўтказиш лозим?

3. Қандай муолажаларни ўтказиш лозим?

Чин акантолитик пўрсилдоқ.

Дюрингнинг учуқсимон дерматити

Вазиятли масала №55.

Шифокор дерматовенеролог ҳузурига 50 ёшли аёл қуйидаги шикоятлар билан мурожаат қилди: кўкрак, қорин, бел, қўл ва оёқ соҳаларига тошмалар тошиши, кучсиз қичишиш ва ачишиш. Анамнезда: тошмалар 2 ҳафта аввал пуфакли тошмалар күринишида тошиб, сўнг эса ўз-ўзидан ёрилган ва битмаган эрозияли ўчоқлар пайдо бўлган, бундай ўчоқлар атрофида янги тошмаларнинг кузатилиши қайд этилган. Объектив: теридаги патологик жараён яrim ўткир яллиғланиш күринишида бўлиб, уларни жойлашиши тарқоқ ва симметрик күринишига эга. Асосий тошма элементлари пуфаклар, эрозиялар геморрагик қатқалоқлар бўлиб хизмат қилади. Пуфакли тошмалар қобиглари юпқа, тез ёрилувчан, таркиби сероз ёки сероз-геморрагик суюқликлар билан тўлган. Эрозиялар чегаралари эса аниқ бўлиб, оч-қизғиши тубли күринишларда намоён бўлади.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?
2. Қандай лаборатор текширув усулларини ўтказиш лозим?
3. Қайси клиник усуллар ташхисни асослайди?

Вазиятли масала №56.

17 ёшли беморнинг юз, ёноқ тери соҳаларида қичишиш ва ачишиш аъломатлари билан кечувчи тошмалар пайдо бўлган. Тошмалар аста-секин бошнинг сочли қисми, бўйин, кўкрак соҳаларига тарқалган. Объектив: теридаги ўчоқлар қалин, сарғимтири катқалоқлар билан қопланган, баъзи соҳаларда оч-қизфиш тубли эрозиялар кузатилади.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?
2. Кандай касалликлар билан таққослов ташхисини ўтказиш лозим?
3. Қайси белгилар ва текширув усуллари сизнинг қўйган ташхисингизни асослайди?

Вазиятли масала №57.

7 ёшли бемор бола кўкрак, қорин, курак, бел, қўл-оёқ соҳаларига тошмалар тошишига шикоят қилиб шифокорга мурожаат этган. Тери юзаларидаги касаллик белгилари полиморф экссудатив кўринишида, гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган пуфакли, пуфакчали, қаварчиқли тошмалардан иборат. Пуфакли ва пуфакчали тошмалар қобиги қалин бўлиб, таркибида серозли суюқликлар кузатилади. Субъектив: ўчоқларда оғриқ ва кучсиз қичишиш безовта қиласди.

1. Сизнинг тахминий ташхисингиз?
2. Қайси белгилар ва лаборатор текширувлар сиз қўйган ташхисни асослайди?
3. Даволаш тактикангиз?

Захм. Захмнинг умумий кечиши, серодиагностикаси.

Бирламчи захм

Вазиятли масала №58.

Бемор 30 ёшда, тана вазни 60 кг ни ташкил этади. Икки хафта илгари пастки лабининг қизил ҳошияси соҳасида жимжилоқ тирноғи катталигидек келадиган, янги-сўйилган гўшт ранги кўринишида бўлган эрозияли яра ҳосил бўлган. Пайпаслаб кўрилганда эрозия тубида қаттиқ мадда қайд этилади. Жағ ости лимфа тугунлари катталашган, қаттиқ-эластик консистенцияга эга. Вассерман жараёни манфий.

1. Тахминий ташхисни қўйинг.

2. Ташхисни тасдиқлаш мақсадида, қўшимча қандай чораларни кўллаш лозим?

3. Даво чораларини белгиланг.

Вазиятли масала №59.

Маслаҳат поликлиникаси жарроҳи қабулига 16 яшар А. исмли бемор жинсий аъзолар соҳасида кучли оғриққа ва сийиш вақтида кийналаётганлиги сабабли мурожаат қилди. Анамнезда: 45 кун аввал номаълум аёл билан жинсий алоқада бўлганлиги, 10 кун аввал эса закар халтачасининг ички юзасида яра пайдо бўлганлиги аниқланди. Кўрувда: закар бошчаси ва халтачасининг териси қизарган ва шишган. Закар халтачаси тешиги торайган ва шунинг ҳисобига бемор сийишга қийналмокда. Чов соҳасидаги лимфа тугунлари ёнғоқ ҳажмигача катталашган, оғриқсиз, атрофдаги тўқималар билан қўшилмаган.

1. Тахминий ташхисингиз?

2. Ташхисни тасдиқлаш мақсадида, қўшимча қандай чораларни кўллаш лозим?

3. Жарроҳнинг кейинги тактикаси қандай?

Вазиятли масала №60.

ЛОР шифокори қабулига 25 ёшли аёл мурожаат қилди. Бемор кўрилганда: бодомча безининг бир томонлама пушти ранг кўринишида катталашганли ҳолати кузатилади, яллиғланиш ҳолати кузатилмайди, ўчоқлар чегараси аниқ, bemor юtingan вақтида оғриқ кузатилмайди. Бодомча бези шпател билан пайпаслаб кўрилганда қаттиқлик аъломати сезилади. Бўйин ва жағ ости лимфа тугунлари ловиядан то ёнғоқ ҳажмигача катталашган, ҳаракатчан, атроф тўқималари билан бирикмаган ва оғриқсиз кўринишида.

1. Тахминий ташхисни қўйинг.

2. Ташхисни тасдиқлаш мақсадида қўшимча қандай текширув-ларни ўтказиш лозим?

3. ЛОР шифокорининг кейинги тактикаси қандай?

Иккиламчи, учламчи ва яширин захм

Вазиятли масала №61.

Педиатр кўрувида bemor бола бошининг сочли қисми ва юз териси соҳаларида сарик-яшил тусли қатқалоқли ўчоқлар кузатилади.

1. Ўчоқлар қандай тошмалар ҳисобига ҳосил бўлган?

2. Қатқалоқлар қандай хусусиятга эга?
3. Яна қандай қатқалоқлар кузатилиши мүмкін?

Вазиятли масала №62.

Боланинг сон териси соҳасида диаметри 0,2 см дан 0,4 см гача ўлчамда бўлган кўплаб юмалоқ чегарали эрозиялар кузатилади.

1. Эрозиялар қандай тошма элементларига киради?
2. Эрозияга таъриф беринг.
3. Эрозиялар қандай битади?

Вазиятли масала №63.

Беморнинг тери биоптатида гистологик паракератоз аниқланди.

1. Паракератозда теридаги кузатиладиган ўзгаришларини таърифлаб беринг.

2. Бундай ҳолда терида қандай морфологик элементлар юзага келади?

Вазиятли масала №64.

14 ёшли bemor бола терисида даврий равишда бирламчи бўшлиқли экссудатив тошмаларнинг тошиши кузатилади. Тошмаларнинг бир-бири билан бирлашиши ва уларнинг тезда сўрилиб кетиши хусусияти хос.

1. Тошма элементи номини айтинг.
2. Қуйидаги тошма элементини таърифлаб беринг.
3. Қуйидаги тошма элементи яна терининг қандай касалликларида кузатилади?

Туғма захм. Захмни даволаш ва профилактикаси

Вазиятли масала №65.

2 ҳафтали янги туғилган чақалоқ текширилганда кафт ва товон соҳаларида инфильтратланган асосда яримшарсимон кўринишга эга, таркибида аввал тиник, сўнг эса лойка ранг кўринишда суюқлик тутган пуфакли тошмалар кузатилади. Пуфакли тошмалар алоҳида жойлашган бўлиб, бир-бири билан қўшилишга мойил эмас, тошмалар ёрилиши натижасида тез қонашга мойил бўлган эрозив ўчоқлар ҳосил қилмоқда. Беморнинг умумий аҳволи қониқарли.

1. Қандай касаллик ҳақида фикр юритиш мүмкін?
2. Ташхисни тасдиқлаш мақсадида қандай текширувлар ўтказилиши керак?
3. Қандай касалликлар билан таққослаш зарур?

Вазиятли масала №66.

Офтальмолог күригига шифокор-дерматовенеролог томонидан 16 ёшли қиз бола паренхиматоз кератит ташхиси билан жүннатилди. Текширувлар натижасыда беморда қиличсимион болдир белгиси аниқланган.

1. Сиз қандай касаллик ҳакида уйлайсиз?

2. Ташхисни асослаш мақсадида қандай қўшимча текширувларни ўтказиш зарур?

3. Сизнинг клиник ташхисингиз?

4. Қандай касалликлар билан таққослов ташхиси ўтказилади?

Вазиятли масала №67.

Ҳомиладорликнинг 27-28 ҳафталарида бўлган аёл захм касаллигини юқтирган. Ҳомила натижаси қандай бўлишини таърифланг.

1. Бола соғлом туғилади.

2. Эрта бола тушиши ҳолати кузатилади.

3. Кеч бола тушиши ҳолати кузатилади.

4. Бола эрта туғма захм аломатлари билан туғилади.

5. Бола туғма захм клиник белгиларисиз туғилади.

Вазиатли масала №68.

Аёл кишининг ёши 25 да, вазни 45 кг. Ҳомиладорлигидан 16 ҳафта олдин захм касаллиги билан хасталанган, ҳозирда диспансер назорати остида турибди.

1. Ҳомиладор аёлга ҳомиладорлик даврида даво ўтказилиши лозимми?

2. Қандай даво чоралари ўтказилади?

3. Даволаш схемаси қандай тарзда ўтказилиши керак?

Вазиатли масала №69.

Захм касаллиги билан хасталанган бемор билан жинсий алоқада бўлгандан сўнг 2 ҳафта вақт ўтди.

1. Жинсий алоқада бўлган шахсга нисбатан шифокор ёндашуви қандай бўлиши лозим?

2. Даволаш схемаси қандай олиб борилади?

Вазиятли масала №70.

5 ойлик Г. исмли бола. Кеч туғма захм бўйича даволанаяпти.

1. Пенициллин микдорини ҳисобланг.

2. Даво давомийлиги қанча вақтни ташкил этади?

Сўзак. Қиз болалар сўзаги. Гонобленорея.

Даво ва профилактикаси

Вазиятли масала №71.

Тұғруқхонада янги туғилған чақалоқнинг чап күзи шиллиқ қаватларидан 2 кун давомида серозли-йириングли оқмалар ажралиши кузатилған, әртасига йириңгі ажралиши күпайған ҳамда ўнг күзда ҳам худи шундай ўзгаришлар пайдо бўлған. Кўрик маҳалида бемор бола қовоқлари шишган, кўз скелераси қизарган, томирлари кенгайған, кўз олмасини ён соҳалари босиб қўрилғандага йириңгли оқмалар чиқиши кузатилади. Бола инжиқ, безовталангандаги, уйқуси бузилған.

1. Сизнинг ташхисингиз?

2. Ташхисни тасдиқлаш мақсадида қандай текширув усулларини ўтказиш керак?

3. Касаллик кўзгатувчисини айтинг.

4. Сизнинг даво тактикангиз?

Вазиятли масала №72.

Шифокор қабулига 32 ёшли уйланған эркак шахс мурожаат этди. Бемор сийганда ачишиш ва оғриқларга шикоят қиласиди. Бемор ўзини 3-4 кундан бери касал, деб ҳисоблайди. Касаллик белгилари илк бор эрталаб сийганда ачишиш ҳамда уретрадан йириңгли ажралмалар ажралиши ва сийищдан олдин оғриқ пайдо бўлиши билан намоён бўлған. Бемор мустақил ҳолда ўзига марганцовкадан ванночка қиласиди, шу сабабли уретрадан ажралмаларнинг ажралиши камайған, лекин эрталаб оз миқдорда йириңгли ажралмаларни ажралиб турганлиги сабабли шифокор-венерологга мурожаат киласиди. Бемор сўзига кўра 15 кун аввал маст ҳолатда бегона аёл билан жинсий алоқада бўлған. Бошқа жинсий алоқаларни инкор этади.

1. Сизнинг ташхисингиз?

2. Қандай текширувлар ўтказилиши лозим ва қайси инфекциялар юзасидан?

3. Провакация усулидан фойдаланиш зарурми?

4. Қуйидаги ҳолатда шифокор-венерологнинг иш ҳажми қандай?

Вазиятли масала №73

Венеролог кўригига 19 ёшли қиз бола жинсий азоларидан ажралаётган йириңгли ажралмалар ва сийиш вақтида кузатиладиган оғриқлар билан мурожаат килди:. Касаллик аломатлари 2 кун аввал пайдо бўлған. Бемор ўз касаллигини 10 кун аввал жинсий жиҳатидан зўрланганлиги билан боғлайди. Кўрик вақтида уретра дахлизи

соҳаси гиперемияланган, шишган, яшил- саргимтирир йирингли ажралма кузатилмоқда, худди шундай ажралмалар цервикал каналидан ҳам ажралаётганилиги қайд этилмоқда. Лимфа тугунлари катталашмаган, тана ҳарорати меъёрида. Бемор турмиш қурмаган.

1. Сизнинг ташхисингиз?
2. Беморга нисбатан текширувлар режасини тузинг.
3. Даво тактикасини белгиланг.

Гонококксиз уретритлар

Вазиятли масала №74

Шифокор-терапевтга 35 ёшли эркак киши тизза бўғимларидағи шишга, оғриққа, кўзидан оз микдорда серозли ажралмалар оқишига, ёруғликка қаролмаслик ва ёруғликдан қўрқиши каби шикоятлар билан мурожаат килди. Бемор сўзига кўра шифокорга мурожаат қилишдан бир ҳафта олдин сийдик йулларидан ажралмалар ажралиши ва тез-тез сийиш ҳолатлари кузатилган .

1. Сизнинг дастлабки ташхисингиз?
2. Ташхиснинг тасдиқланиши учун қандай текширувларни ўтказиш керак?
3. Шифокор тактикаси қандай бўлиши лозим?

Вазиятли масала № 75

29 ёшли аёlda ҳимояланмаган жинсий алоқадан сўнг 7 кун ўтгач ноҳуш ҳидли, саргимтири-яшил, қўпиксимон ажралмалар ажралиши, қичишиш, ачишиш каби ҳолатлар кузатилди.

1. Сизнинг дастлабки ташхисингиз?
2. Қайдай касалликлар билан таққослов ташхисини ўтказиш лозим?
3. Даво тактикангиз қандай?

Вазиятли масала № 76

Гинеколог қабулига 42 ёшли аёл жинсий аъзолар соҳасидан ажралмаларнинг ажралиши, қичишиши юзасидан мурожаат қилди. Вагиноскопияда: шиллиқ қаватларда гиперемия, оқ гард билан қопланганлиги, ушоқсимон, сузмасимон кўринишдаги ажралмаларни ажралиши ҳолати кузатилади. Микроскопик текширувларда эса кўп микдорда ғуж-ғуж бўлиб жойлашган, юмалоқ кўринишдаги ачитқисимон ҳужайралар ва псевдомицелиялар кузатилади.

1. Сизнинг ташхисингиз?
2. Даво тактикасини белгиланг.

Орттирилган иммун танқислиги синдроми

Вазиятли масала №77

Шифокор қабулига 35 ёшли бемор ҳолсизлик, сүякларда оғриқ, йўтал, болдирининг олд тери соҳаси юзаларида тошмаларни пайдо бўлиши шикоятлар билан мурожаат қилди:. Кўрув маҳалида: bemornинг умумий аҳволи ўртacha оғирликда, озгин, қўлтик ости, тирсак, бўйин, чов соҳаси лимфа тугунлари ёнгоқ катталигигача катталашган, ҳаракатчан, оғриқсиз. Ўпкада дағал нафас олиш кузатилади. Иккала болдирининг олдинги юзаларида тугунчали тошмалар тошган бўлиб, уларнинг катталиги 10-15 тийинлик тангадек бўлиб, юзлари силлиқ кўринишларда, баъзи тошмалар бир-бири билан қўшилишиб қўқимтир-қизғиш пилакчаларни ҳосил қиласди.

1. Дастребки ташхисни қўйинг.

2. Ташхисни асослаш мақсадида қандай текширувларни ўказиш керак?

Вазиятли масала №78

Бемор 38 ёнда, охириги 3 ой ичида крупоз зотилжами ташхиси билан касалхонанинг пульмонология бўлимида ётиб даволанган. Антибиотикларни қўллаб даволангандан сўнг ҳам ўпкадаги ўзгаришлар кучайиб борган, тана ҳарорати эса субфебриль қўрсаткичларда бўлиб келган. Бемор тобора ҳолсизланиб бормоқда, озид кетмоқда, полиаденит ҳолати кузатилмоқда. Конда лейкопения қайд этилади.

1. Қандай ташхис хақида ўйлаш мумкин?

2. Касалликни аниқлаш усувлари қўрсатинг.

Вазиятли масала №79

Бемор Ж. 45 ёнда, ҳолсизликка ва ич кетишига шикоят қиласди. Кўрув маҳалида bemor озгин, полиаденит ҳолати кузатилмоқда. Ичак йўллари бўйлаб оғриқ ва вақти-вақти билан тана ҳароратининг кўтарилиб туриши қайд этилмоқда.

1. Сизнинг ташхисингиз?

2. Ташхисни аниқлаш усувлари?

Вазиятли масала №80

Бемор В. 60 ёнда, шифокорга қўйидаги шикоятлар билан мурожаат қиласди: қўл ва оёқ соҳаларига тошмалар тошиши ва оғриқларга. Кўрув маҳалида: қўл ва оёқ кафтлари бармоклари

ораларида ранги қизғиш-күкимтири бўлган думбоқчали тошмалар кузатилади. Кон иммунограммасида - ИРИ кўрсаткичининг пасайиш холати кузатилади (СД4/СД8=0,6)

1. Дастребки ташхис қандай?
2. Сизнинг тактикангиз нималардан иборат?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ ЖАВОБЛАРИ ЭТАЛОНИ

№	Жавоб	№	Жавоб	№	Жавоб	№	Жавоб
1.	г	2.	д	3.	д	4.	д
5.	г	6.	д	7.	д	8.	д
9.	д	10.	в	11.	г	12.	д
13.	а	14.	д	15.	д	16.	а
17.	б	18.	д	19.	д	20.	д
21.	д	22.	в	23.	д	24.	д
25.	д	26.	а	27.	д	28.	б
29.	д	30.	д	31.	а	32.	а
33.	б	34.	в, б, г	35.	а, б, г	36.	а, в, г
37.	б	38.	б	39.	в	40.	д
41.	в	42.	б	43.	б	44.	б
45.	б	46.	б	47.	г	48.	а
49.	а	50.	д	51.	а	52.	д
53.	г	54.	д	55.	в	56.	в
57.	д	58.	а,б,в,г	59.	а,в,г,д	60.	в
61.	д	62.	д	63.	б	64.	б
65.	а	66.	а	67.	в	68.	а
69.	а	70.	а, в, д	71.	б, в, д	72.	б, в, д
73.	а, в, д	74.	а, б, в	75.	а, б, в	76.	а, б, в
77.	а, в, д	78.	а, в, г	79.	а, б, в	80.	а, б, г
81.	а, б, г	82.	а	83.	а	84.	а
85.	а	86.	а	87.	а	88.	в
89.	д	90.	а, б, в	91.	а, б, в	92.	а, б, в
93.	б	94.	д	95.	г	96.	б
97.	г	98.	а	99.	г	100.	д
101.	а	102.	в	103.	д	104.	д
105.	б	106.	д	107.	в	108.	г
109.	д	110.	в	111.	д	112.	д
113.	а	114.	а	115.	в	116.	г
117.	а	118.	д	119.	а	120.	а
121.	а	122.	д	123.	г	124.	б
125.	в	126.	б	127.	г	128.	а
129.	д	130.	а	131.	в	132.	б
133.	а	134.	в	135.	б	136.	а
137.	в	138.	а	139.	а	140.	г
141.	д	142.	б	143.	в	144.	г
145.	г	146.	в	147.	в	148.	а
149.	б	150.	б	151.	д	152.	а, б, в
153.	а, б, в	154.	б, в, д	155.	а, б, г	156.	б, в, д
157.	а, в, г	158.	б, в, д	159.	а, б, в	160.	а, г, д
161.	б	162.	в	163.	в	164.	д

165.	г	166.	д	167.	а	168.	д
169.	а	170.	в	171.	а	172.	д
173.	д	174.	г	175.	д	176.	а
177.	б	178.	б	179.	б	180.	б
181.	б	182.	а	183.	г	184.	б
185.	б	186.	д	187.	в	188.	г
189.	д	190.	д	191.	б	192.	б
193.	а	194.	б	195.	б	196.	д
197.	б	198.	а	199.	а, г, д	200.	в, г, д
201.	б, в, г	202.	б	203.	в	204.	в
205.	б	206.	б	207.	в	208.	б
209.	в	210.	б	211.	б	212.	б
213.	б	214.	а	215.	а	216.	а
217.	б	218.	в	219.	а	220.	в
221.	б	222.	г	223.	а	224.	б
225.	в	226.	в	227.	б	228.	а
229.	а	230.	в	231.	а	232.	б
233.	в	234.	а	235.	в	236.	в
237.	а	238.	в	239.	в	240.	д
241.	б	242.	г	243.	в	244.	в
245.	б	246.	г	247.	д	248.	г
249.	б	250.	в	251.	а	252.	г
253.	г	254.	б	255.	а, б, в	256.	а, б, в
257.	а, в, д	258.	а, б, в	259.	б, г, д	260.	б, в, г
261.	а, б, в	262.	б, в, д	263.	а, в, д	264.	в, г, д
265.	а, в, д	266.	а, в, г	267.	а	268.	б
269.	в	270.	в	271.	д	272.	г
273.	б	274.	д	275.	а	276.	д
277.	д	278.	г	279.	б	280.	а
281.	а	282.	а	283.	б	284.	д
285.	г	286.	г	287.	а	288.	г
289.	г	290.	а	291.	д	292.	д
293.	в, г, д	294.	в, г, д	295.	в, г, д	296.	а, б, в
297.	а, б, в	298.	д	299.	г	300.	б
301.	в	302.	г	303.	а	304.	а
305.	а	306.	а	307.	а	308.	г
309.	б	310.	б	311.	б	312.	в
313.	г	314.	б	315.	б	316.	д
317.	г	318.	б	319.	г	320.	а
321.	а	322.	г	323.	а	324.	б
325.	а	326.	а	327.	г	328.	д
329.	д	330.	а	331.	в	332.	а
333.	а	334.	а	335.	а, б, в	336.	а, в, г
337.	в, г, д	338.	а, б, в	339.	а, б, в	340.	а, д, в, б, г
341.	д, а, г, б, в	342.	б, в, а, г, д	343.	д, г, б, в, а	344.	а, б, д, г, а
345.	в, а, б, г, д	346.	г, б, д, а, в	347.	а, г, в, б	348.	б, в, г, а
349.	в, б, а	350.	г, д, а, б	351.	в, б, а, г, д	352.	г, б, в, а
353.	б, а, д, г, в	354.	б, а, д, в, г	355.	б, в, а	356.	а, в, б, г, д

357.	а, в	358.	б, в, г, а	359.	г, а, в, б	360.	б, в, а
361.	а, б, в	362.	б, в, а	363.	б, в, а	364.	а, б, г, в, д
365.	а, б, в, г, д	366.	а, в, б, г	367.	в, б, а	368.	в, б, г, а
369.	б, а, в, г	370.	в, а, б, г	371.	в, а, б	372.	а, г, б, в, д
373.	б, а, в, г, д	374.	а, б, г, д, в	375.	в, б, а	376.	в, б, г, а
377.	а, б, д, в, г	378.	а, в, б	379.	г, б, в, а	380.	а, б, в, г, д
381.	г, в, б, а, д	382.	а, б, в	383.	б, а, в, д, г	384.	в, г, д, б, а
385.	а, б, в, г	386.	а	387.	в	388.	а
389.	д	390.	б	391.	а	392.	в
393.	а	394.	г	395.	а	396.	д
397.	б	398.	г	399.	г	400.	а
401.	в	402.	а	403.	д	404.	а
405.	г	406.	в	407.	д	408.	б
409.	а	410.	а	411.	д	412.	в
413.	г	414.	в	415.	а	416.	в
417.	а	418.	б	419.	г	420.	а
421.	д	422.	б	423.	г	424.	а
425.	в	426.	а	427.	г	428.	д
429.	б	430.	д	431.	в	432.	а

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР ЖАВОБЛАРИ ЭТАЛОНИ

№	Терининг тузилиши
Вазиятли масала №1.	1.Бу қатқалоқлар бирламчи экссудатив тошмаларнинг қуриши натижасида пайдо бўлади. 2. Бу сариқ-яшил рангли қатқалоқлар йириңчаларнинг ёрилиб қуриши ҳисобига пайдо бўлади. 3.Бундан ташқари қатқалоқлар геморрагик, серозли ва аралаш кўринишларида (серозли-йириңгли, йириңгли-геморрагик) ҳам бўлиши мумкин.
Вазиятли масала № 2.	1. Эрозия иккиласми тошма элементларига қаторига киради. 2. Эрозия – бу терининг юзаки дефекти бўлиб, жойлашиши бўйича эпидермисни базал қаватигача етиб бориши мумкин. 3. Эрозия ўзидан сўнг чандик колдирмайди, у қобиқ ҳосил қиласди, қобиқ қуриб тушгандан сўнг эса вактинчалик гипо ёки гиперпигментация қолдиради.
Вазиятли масала № 3.	1. Паракератоз-бу эпидермисни шоҳ қаватида мугузланишнинг ошиб кетишидир. 2.Паракератоз натижасида терида қипиқланиш ҳолати кузатилади.
Вазиятли масала № 4.	1.Қаварчиқ–urtica. 2.Қаварчиқ – бирламчи экссудатив тошма элементи бўлиб, у дерманинг сўргичсимон қавати шишиши ҳисобига пайдо бўлади. 3.Қаварчиқ эшакем, болалар қичимаси, қўтирилган экссудатив эритема кассаликларида кузатилади.
Терининг ўлка касалликлари	
Вазиятли масала № 5.	1. Моховнинг моховсимон тури. 2. Беморни бошқалардан ажратилади ва даволаниш учун маҳсус даволаш масканларига-моховхоналарга юборилади. Бемор билан узоқ вақт мобайнида яқин майший алоқада бўлган шахслар текширилади ва лепрамин синамаси ўтказилади. 3. Аҳолини моддий, майший яшаш шароитини юқори даражага кўтариш ва санитар ҳолатини яхшилаш лозим.
Вазиятли масала № 6.	1. Тери лейшманиозининг қишлоқ ёки ўткир яллигланадиган клиник тури. 2. Заарланган ўчоклардан Боровский таначаларига текшириш ўтказиш лозим.
Вазиятли масала № 7	1. Витилиго, тарқалган клиник шакли. 2. Депигментли доғлар меланин пигментини синтезининг бузилишини ёки етишмаслиги ҳисобига пайдо бўлган. 3. Темир, мис ва рух микроэлементлари етишмаслиги кузатилади Беморга гепатопротектор, витамин, иммуномодулятор дори воситалари, про- ва эубиотиклар, микроэлемент ва моддалар алмашувини яхшилайдиган препаратлар тавсия этилади.

	Маҳаллий фуранокумарин дори воситаларининг спиртли эритмалари суртилиб, УБН қўлланилади.
Аллергик дерматит	
Вазиятли масала № 8	1. Токсiderмия. 2. Беморга ётоқ режими тавсия этилади. Пенициллин дори воситаси тўхтатилиб, ўрнига бошка гурухга мансуб антибиотик буюрилади. Антигистамин, десенсибилизирловчи (супрастин, тавегил, кальция глюконат), сийдик ҳайдовчи дори воситалари (лазикс) ва гемодез тавсия этилади. Жараённинг кечиши оғирлашган ҳолатда эса гормонал дори воситаси буюрилади. Маҳаллий: кортикостероид малҳамлар (Лоринден С, флуцинар, целестодерм В) суртилиши амалга оширилади.
Вазиятли масала № 9	1. Контакт аллергик дерматит («пеленочный дерматит»). 2. Пелиёнкаларга, подгузникларга нисбатан чақалоқнинг сенсибилизацияси ошганлиги. 3. Антигистамин и десенсибилизацияловчи дори воситалари тавсия этилади. маҳаллий: кортикостероид малҳамлар суртилади.
Вазиятли масала № 10	1. Контакт аллергик дерматит. 2. Беморга касаллик ташхиси bemor шикоятлари, anamnesis morbi ҳамда клиник белгиларига асосланган ҳолда қўйилади. Альбуцид эритмасини кўзга томизишни тўхтатиш. Антигистамин, десенсибилизацияловчи (супрастин, тавегил, кальция глюконат), сийдик ҳайдовчи дори воситаларини (лазикс) ва гемодез, буюрилади. Жараён кечиши оғирлашган ҳолатда эса гормонал даво буюрилади. маҳаллий: кортикостероид малҳамларини (Лоринден С, флуцинар, целестодерм В) суртиш тавсия этилади.
Атопик дерматит. Нейродермит.	
Вазиятли масала № 11	1. Атопик дерматит. Болалик даври. Лихеноид клиник шакли. 2. Пархез. 2% Супрастин эритмаси 1,0 мл дан м/о ҳар куни 2 маҳал, гемодез эритмаси 200,0 мл дан в/и томчилатиб қуйиш № 2 марта, 30%тиосулфат натрий эритмаси 6,0 мл дан в/и ҳар куни 1 маҳалдан, фаол кўмир дори воситаси ичишга 1(0,25) таб. дан кунига 3 маҳалдан, пустирни димламаси S чой қошиғидан кунига 3 маҳал. Маҳаллий: 3% ксероформ малҳами + целестодерм V малҳами кунига 2 маҳалдан суртилади.
Вазиятли масала № 12	1. Чегараланган нейродермит. 2. Пархез. Диазолин 1 (0,05) донадан кунига 2 маҳалдан, 5% тиосулфат натрий эритмаси 1 ч/қ дан кунига 3 маҳалдан ичишга, адаптол 1 т дан 3 маҳалдан кунига ичишга, В1 ва В6 витаминларини 1 мл дан м/и м/о кунора жами № 10 тадан. Маҳаллий: Лоринден А малҳамини кунига 2 маҳалдан суртилади.
Болалар қичимаси. Эшакем	
Вазиятли масала № 13	1. Ўткир эшакем. Квинке шиши 2. Преднизолон 30 мг дан м/о га; димедрол 1% - 2,0 мл дан м/о га; кальция хлорид 10% - 10,0 мл дан в/и; фуросемид – 2,0 мл дан

	м/о юбориш буюрилади. Маҳаллий: ари чаққан жойга 0,5% новокаин эритмаси билан ишлов берилади. Антигистамин, десенсибилизацияловчи дори воситаларни (супрастин, тавегил, кальций глюконат тавсия этилади) ҳамда гемодез тавсия этилади..
Вазиятли масала № 14	1. Болалар қичимаси. 2. Пархез. Диазолин 1 (0,05) донадан кунига 2 маҳал, 5% тиосульфат натрий эритмаси 1 ч/қ дан кунига 3 маҳал, фаол кўмир 1 (0,25) донадан кунига 1 маҳал кечқурилари, пустирник димламаси 3 томчидан кунига 3 маҳалдан, хилак-форте 20 томчидан кунига 3 маҳалдан. Маҳаллий: целестодерм V малҳамини кунига 2 маҳалдан суртилади.
Терининг йирингли кассаликлари. Оддий хуснбузар.	
Вазиятли масала № 15	1. Янги туғилган чақолоқлар эпидемик чилла яраси. 2. Такқослов ташхисининг захм чилла яраси, түфма буллёз эпидермолиз касалликлари билан ўтказилади. 3. Кўзғатувчиси – тилларанг стафилококк. 4. Бемор бола изоляция қилинади, сўнг эса антибактериал умумий даво чоралари ўтказилади ва маҳаллий антисептик дори воситалари билан ишлов берилади
Вазиятли масала № 16	1. Фингер псевдофурункулёзи. 2. Такқослов ташхисини фурункулёз ва фолликулит касалликлари билан ўтказилади. 3. Бемор бола изоляция қилинади, сўнг эса антибактериал умумий даво ўтказилади ва маҳаллий антисептик дори воситалари билан ишлов берилади.
Вазиятли масала № 17	1. Стрептококкли импетиго. 2. Касаллик пиодармияларни стрептококкли турига киради. 3. Тошма элементи фликтене деб номланади. 4. Бемор бола изоляция қилинади, сўнг эса антибактериал умумий даво ўтказилади
Вазиятли масала № 18	1. Фурункул. 2. Фурункулни инфильтратив босқичидан йирингли босқичга ўтиш ҳолати. Беморга кенг қамровли антибиотиклардан иборат даво чоралари белгиланади, жараённи қайталанишини олдини олиш мақсадида антистафилококкли гамма-глобулин, антистафилококкли анатоксинлар буюрилади. маҳаллий: ихтиолни нонли малҳами буюрилади.
Вазиятли масала № 19	1. Сикоз. 2. Бактериоскопик ва бактериологик текширувлар ўтказилади. 3. Беморга кенг қамровли антибиотиклардан иборат даво чоралари белгиланади, маҳаллий эса антибактериал малҳамлар, антисептик эритмалар ёрдамида ишлов берилади. Касаллик қайталанишини олдини олиш мақсадида bemорга аутогемотерапия

	ва антистафилококкли гамма-глобулин, антистафилококкли анатоксинлар тавсия этилади.
Терининг ирсий касалликлари	
Вазиятли масала №20.	<p>1.Түфма оддий пуфакли эпидермолиз, тарқоқ клиник шакли.</p> <p>2.Актовиген м/о, в/и, аевит, аскорбин кислотаси, апилак рибофлавин мононуклеотид м/о ва ичишга. Маҳаллий: фурациллин, натрий хлорнинг изотоник эритмалари, метилин кўки ва Кастилляни суюқликлари, Куриозин гели ёрдамида ишлов беришлар.</p> <p>3.Касалликни олдини олиш мақсадида генетик маслаҳатхоналардан ва “Оила ва никоҳ” хоналаридан ирсий касалликлар тўғрисидаги керакли тавсияларни олиш. Ҳомиладорлик даврида аёллар тўғри овқатланишлари ва вақти вақти билан поливитаминаларни истеъмол қилиб туришлари лозим.</p>
Вазиятли масала № 21	1. Актовиген м/о, в/и, аевит, аскорбин кислотаси, апилак рибофлавин мононуклеотид м/о ва ичишга. Маҳаллий: фурациллин, натрий хлорнинг изотоник эритмалари, метилин кўки ва Кастилляни суюқликлари, Куриозин гели ёрдамида ишлов бериш ва б.
Вазиятли масала № 22	1.Рух оксидини 0,02 дан овқатланишдан 20 дақиқа олдин сут билан биргаликда ичиш тавсия этилади, клиник натижаларга тўлиқ эришилгандан кейин дори воситасининг дозаси камайтирилади. Аевит 1 томчидан кунора ичишга 3 ҳафта давомида, аскорбин кистотаси 1 ой давомида, В1 витамини м/о га № 10 та, панкреатин, бифидум бактеринлар 3 ҳафта давомида ичишга.
Вазиятли масала № 23	Түфма ихтиоз.
Вазиятли масала № 24	<p>1.Вулгар ихтиоз.</p> <p>2. Актовегин м/о № 10 та инъекция, аевит 1 томчидан кун ора 3 ҳафта давомида ичишга, аскобин кистотасини 1 ой давомида, В1 витамини м/о га № 10 та, никотин к-таси м/о га № 12 та, трентал 1 ой, метионин 10 кундан иборат 3 та даво курси. Маҳаллий: 2% салицил малҳами, ланолин креми А витамини билан суртишга.</p>
Вазиятли масала № 25	1.Вулгар ихтиоз
Вазиятли масала № 26	<p>1.Энтеропатик акродерматит.</p> <p>2. Бемор қони рух микроэлементига теширилади</p>
Вазиятли масала № 27	1.Түфма ихтиоз

Вазиятли масала № 28	1.Оддий, тарқалган туғма пуфакли эпидермолиз.
Вазиятли масала № 29	1.Энтеропатик акродерматит. 2.Рух оксиди дори воситаси 0,02 дан овқатланишда 20 дақықа олдин сут билан биргалиқда ичиш тавсия этилади, клиник натижаларга түлиқ әришилгандан кейин дори воситасини дозаси камайтирилади. Аевит 1 томчидан 3 ҳафта давомида кун ора ичишга, аскорбин кистотасини 1 ой давомида, В1 витамини м/о га № 10 та, панкреатин, бифидум бактеринни 3 ҳафта давомида ичишга тавсия этилади.
Терининг замбуругли касалликлари	
Вазиятли масала №30.	1.Бемор бола изоляция қилинади. Унга маҳсус даво чораларини ўтказиш мақсадида шифохонанинг микологик бўлимга ётқизилади. 2.Касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида bemor бола, оила аъзолари ва у билан контакда бўлган боғчадаги бошқа болалар текширувлардан ўтказилади. Касаллик белгилари аниқланган болалар лаборатор шароитида текширувлардан ўтказилади ва стационар шароитида даволанади.
Вазиятли масала №31	1.Силлиқ терининг юзаки трихофитияси. 2.Ташхисни тасдиқлаш мақсадида ўчоғлар юзасидаги қипиқлардан касалликни қўзғатувчисига текширув ўтказиш ва касалликни қўзғатувчи замбуруғни топиш зарур.
Вазиятли масала №32	1. Гризофульвин дори воситасини ичиш вақтинчалик тўхтатилади ёки унинг дозаси камайтирилади. Сўнг эса bemorга дезинтоксикацияланадиган даво чоралари (гепатопротекторлар, В гурух витаминлари) тавсия этилади.
Вазиятли масала №33	1.Бошнинг сочли қисми фавуси. 2.Беморни касалхонанинг микология бўлимига ётқизилади ва гризофульвин форте дори воситаси билан даволанади. маҳаллий: замбуруғга қарши қўлланиладиган малҳамлар ёрдамида даво ўтказилиниши тавсия этилади. Касаллик тўғрисидаги ахборотномани зудлик билан турар жой СЭС га бериш лозим, bemor билан контактда бўлган шахслар эса текширувлардан ўтказилиши лозим. 3.Касаллик манбай бўлиб bemor шахс хисобланади. Касалликнинг юқиши тўғридан-тўғри bemor одамдан ёки bemor истеъмолида бўлган анжомлар орқали амалга ошади.
Вазиятли масала №34	1.Трихофитиянинг инфильтратив- йирингли клиник шакли. 2.Жароҳатланган тери юзаларидан қиринди олиниб микроскопик текширувлар ўтказилади. 3.Касалликни трихофитиянинг бошқа клиник шакллари, терининг йирингли касалликлари ва микроспориянинг инфильтратив- йирингли клиник шакли билан таққосланади.

Вазиятли масала № 35	<p>1. Оёқ кафти юзаси эпидермафитияси.</p> <p>2. Клиник белгиларни ҳисобга олган ҳолда қандай клиник шакли эканлигини (сквамоз, интертригиноз, дисгидротик) аниқлаб олиш керак ва замбуруғға қарши даво чораларини ўтказиш зарур.</p> <p>3. Таққослов ташхисини экземанинг интертригиноз клиник шакли ва катта бурамалар кандидози касалликлари билан ўтказилиши керак.</p>
Терининг вирусли ва паразитар касалликлари	
Вазиятли масала № 36	<p>1. Генитал герпес.</p> <p>2. Шунга ўхшаш тошмалар билан кечадиган бирламчи ва иккиламчи захм тошмалари, кандидозли тошмалар, Дюрингни герпетифор дерматити тошмалари билан таққослов ташхиси ўтказилади.</p> <p>3. Оддий учук вируси.</p> <p>4. Беморга вирусга қарши дори воситалари (заверакс, неовир, ацикловир, ремантадин), витаминлар, иммунстимуляторлари тавсия этилади. маҳаллий: вирусга қарши малҳамлар, лейкоцитар интерферон, анилин бўёклари билан ишлов берилади.</p>
Вазиятли масала №37.	<p>1. Белбоғсимон (ёки ўраб олувчи) учук.</p> <p>2. Нейротроп філтрловчи вирус.</p> <p>3. Беморга вирусга қарши дори воситалари (заверакс, неовир, ацикловир, ремантадин), витаминлар, иммунстимуляторлари тавсия этилади. маҳаллий: вирусга қарши малҳамлар, лейкоцитар интерферон, анилин бўёклари қўлланилади.</p>
Вазиятли масала №38.	<p>1. Юқумли моллюск.</p> <p>2. Умумий даво сифатида витаминлар, иммунстимулятор дори воситалари буюрилади. Маҳаллий: тугунчали тошмалар анатомик пинцент билан сиқиб ташланади, ёки ўткир учли Фолькман қошикчаси билан қириб олинади ва уларнинг ўрнига 2-3% ли йод димламаси суртилади.</p>
Вазиятли масала № 39	<p>1. Юз нерв соҳасини ўраб олувчи темиратки.</p> <p>2. Оддий учуксимон темиратки билан таққослов ташхиси ўтказилади.</p> <p>3. Беморга умумий вирусга қарши дори воситалари (заверакс, неовир, ацикловир, ремантадин), витаминлар, иммуномодуляторлар тавсия этилади. Маҳаллий: лейкоцитар интерферон, анилин бўёклари, вирусга қарши малҳамлар буюрилади</p>
Вазиятли масала №40.	<p>1. Кўтири.</p> <p>2. Болалар кичимаси, аллергодерматитлар билан таққослов ташхиси ўтказилади.</p> <p>3. Зудлик билан туман СЭС га ҳабарнома жўнатиш лозим. Беморни маҳсус шифохонага даволаниш учун юбориш ҳамда эпидемиологик чора-тадбирларни ўтказиш лозим.</p>

Вазиятли масала №41.	<p>1. Кўтири.</p> <p>2. Тошмалардан ва кана йўлларидан қўтири канасини аниқлаш учун микроскопик текширувлар ўтказиш лозим.</p> <p>3. Горчаков-Арди симптоми: қўл тирсакларининг ташки соҳаларида нуқта кўринишида бўлган қора қўтири ва тангачаларнинг учраши.</p> <p>4. Туман СЭС га зудлик билан хабарнома жўнатиш лозим, даволаниш учун эса беморни маҳсус шифохонага юбориш, касаллик тарқалишини олдини олиш чора-тадбирларини ўтказиш керак.</p> <p>5. Беморга 33 % ли олтингугурт малҳами ёки 20% ли бензил-бензоатнинг сувли-совунли эмульсиясини 4-5 кун давомида кунига 2 маҳалдан суртиш тавсия этилади. Бемор кийимлари ва ўрин-кўрпалари дезинфекция қилиниши керак.</p>
----------------------------	---

Вазиятли масала № 42	<p>1.Кўтири.</p> <p>2.Тошмалардан ва кана йўлларидан қўтири канасини аниқлаш учун микроскопик текширувлар ўтказиш лозим.</p>
----------------------------	--

Псориаз. Қизил яssi темиратки

Вазиятли масала № 43	<p>1. Псориаз, прогрессив босқичи.</p> <p>2.Беморда мономорф тугунчали тошмалар кузатилиб, уларнинг юзалари оқиши қипиқлар билан копланган, атрофида эса қизил гардишлар кузатилади. Қиртишлаб кўрилганда «псориатик учлик» белгилари мусбат кўринишда.</p>
Вазиятли масала № 44	<p>1.Псориаз, стационар босқичи. Куз-қишиқи тури.</p> <p>2.Антигистамин, седатив, гипосенсибилизацияловчи, витамин дори воситалари тавсия этилади. Маҳаллий: кератолитик, стероид малҳамлар суриш ва УБН кўллаш буюрилади</p>
Вазиятли масала №45.	<p>1. Қизил яssi темиратка, прогрессив босқичи.</p> <p>2.Умумий даво: антигистамин, гипосенсибилизацияловчи, иммун, тинчлантирувчи, витамин дори воситалари, баъзи ҳолларда эса антибиотиклар тавсия этилади. Маҳаллий: индиферент ва кортикостероид малҳамлар буюрилади.</p>

Қизил югурик. Склеродермия. Дерматомиозит

Вазиятли масала № 46	<p>1.Склеродермия. Чизиқли клиник шакли.</p> <p>2.Бемор шикоятлари, анамнестик маълумотлари, объектив кўрувлар ва дерматологик текширувлар ўтказилади.</p>
Вазиятли масала № 47	<p>1.Чандиқланувчи эритематознинг дискоид клиник шакли.</p> <p>2.Қон таҳлилини ўтказиш лозим (анемия, лейкопения, лимфопения, гипергаммаглобулинемия, юқори ЭЧТ, ЛЕ-хужайраларининг топилиши).</p>
Вазиятли масала №48.	<p>1.Ўчоқли склеродермия, пилакчали клиник шакли.</p> <p>2.Тарқоқ склеродермия, дерматомиозит ва Рейно касалликлари билан таққослов ташхисини ўтказиш мумкин.</p>
Вазиятли масала №49.	<p>1. Ташхис қўйиш мақсадида bemорда қон таҳлилларини ўтказиш лозим (анемия, лейкопения, лимфопения, гипергаммаглобулинемия, юқори ЭЧТ, ЛЕ-хужайраларига текширувлар).</p>

	2.Касалликни даволашда безгакка қарши, стероид, яллиғланишга қарши витамин дори воситалари тавсия этилади. Маҳаллий: глюкокортикоид малҳамлар ва кремлари қўлланилади.
Вазиятли масала № 50	1. Ўчоқли склеродермия, чизиқли клиник шакли.
Вазиятли масала № 51	1.Дерматомиозит. 2.Қон зардоби ферментлари фаоллигини, С-реактив оқсил концентрациясини, креатин-кинин коэффициенти ўзгаришларини аниқлаш лозим. Қонда лекоцитоз, ЭЧТ нинг тезлашиши, гипергаммаглобулинемияни аниқлаш.
Янги туғилган чақалоқларнинг тери касалликлари	
Вазиятли масала № 52	1.Адипонекроз. 2.Склерема, склередема, ТОЁК абсцесси. 3.Даво чоралари ўтказилмайди.
Вазиятли масала № 53	1.Склередема. 2.Адипонекроз, склерема. 3.Бемор болага астасекинлик билан иситиш муолажаларини ўтказиш лозим, гемотрансфузия, гамма-глобулин тавсия этиш, аевит, антибиотик ва преднизолон дори воситалари тавсия этилади.
Вазиятли масала № 54	1.Себореяли дерматит. 2. Лейнернинг дескваматив эритродермияси, туғма ихтиоз билан. 3. Антибиотиклар, плазма, альбумин, витаминлар, фермент дори воситалари ва эубиотиклар тавсия этилади. маҳаллий: анилин бўёқлари, гормонал ва антибактериал дори воситалари буюрилади.
Чин акантолитик пўрсилдоқ. Дюрингни учуксимон дерматити	
Вазиятли масала № 55	1.Чин.пўрсилдоқ. 2. Эрозиялар тубидан «мухрли-суртмаларни» олиб, акантолитик Тцанк хужайраларини аниқлаш, иммунофлюоресценция усули орқали G- иммуноглобулин миқдори ортишини аниқлаш, гистологик акантолизи ҳолатига баҳо бериш лозим. 3. Никольский, Асбо-Гансен, Шеклаков белгиларини аниқлаш.
Вазиятли масала № 56.	1.Себореяли пўрсилдоқ (Сенир-Ашер синдроми). 2.Дискоидли қизил югуриқ, себореяли экзема. 3.Акантолитик ҳужайраларни топилиши, Никольский белгиси мусбат қўринишда бўлиши.
Вазиятли масала № 57.	1.Учуксимон Дюринг дерматити. 2.Қонда эозинофилия, пуфаклар таркибидаги суюқликда эозинофилларнинг аниқланиши, мусбат Ядассон синамаси, қонда иммуноглобулин А миқдорининг ошиши. 3. Тизм бўйича сульфон дори воситалари (ДДС, дапсон, авлосульфон, сульфетрон) буюрилади.
Захм. Захмнинг умумий кечиши, серодиагностикаси. Бирламчи захм.	
Вазиятли масала № 58	1.Бирламчи серонегатив захм. 2.Эрозия ажралмасидан, қоронfilaштирилган майдонда бактериоскопик усулда оқ трепонемага текшириш. 3.Ташхис тасдиқланган ҳолда bemорга пенициллин антибиотигини 400000 ТБ дан ҳар 3 соатда м/о белгиланади. Даво курсига жами 44800000 ТБ антибиотик белгиланади.

Вазиятли масала № 59	1. Бирламчи захм. Фимоз. 2. Эрозия ажралмасидан, бактериоскопик усул орқали оқ трепонеманинг борлигини аниқлаш. Қонни КСР га текшириш. 3. Беморни шифокор-венеролог кўриги ва маслаҳатига юбориш.
Вазиятли масала № 60	1. Бирламчи захм даври. Атипик шанкр амигдалит. 2. Бодомча бези ажралмасидан оқ трепонемага текширув ўтказиш. Қонни КСР га текшириш. 3. Беморни Венеролог кўриги ва маслаҳатига юбориш.
Вазиятли масала № 61	1.Бирламчи йирингчали тошма элементларини экссудатли таркибининг қуриши оқибатида ўчоқлар юзага келган. 2.Тошмалар йирингчали тошма элементларини йирингли таркибини қуриши оқибатида сарғиши-яшил ранг тусини олган. 3.Қатқалоқлар, шунингдек, сероз, геморрагик ва аралаш (серозлийирингли, йирингли ҳамда геморрагик) кўринишларда ҳам бўлиши мумкин.
Иккиламчи, учламчи ва яширин захм	
Вазиятли масала № 62	1.Эрозиялар бу иккиламчи тошма элементларидир. 2.Эрозия-бу терининг юзаки нуқсони бўлиб, эпидермиснинг базал қаватигача заарлайди. 3.Эрозиялар чандиқсиз битади. Орқага қайтиш даврида эрозиялар юзаси қатқалоқлар билан қопланади, сўнг эса улар қуриб тушиб кетади ва улар ўрнида вақтингчалик гипо- ёки гиперпигментациялар қолади.
Вазиятли масала № 63.	1.Паракератоз – бу эпидермис мугуз қавати шоҳланишининг ошиши,бунда мугуз қавт таркибида ядро тутувчи, парчаланмаган кератиноцитлар аниқланади. 2. Паракератозда bemor терисида қипиқланиш ҳолати юзага келади.
Вазиятли масала № 64.	1. Қаварчик – urtica. 2. Қаварчиқ – бу дерма сўрғичсимон қаватининг ўткир шиши натижасидир. 3. Қаварчиқ эшакем,болалар қичимаси,кўтири, мономорфли экссудатив эритема касалликлари учун хос тошмадир.
Туғма захм. Захмни даволаш ва профилактикаси	
Вазиятли масала № 65.	1. Эрта туғма захм. Захм чилла яраси. 2. Пуфаклар таркибидан оқиш трепонемаларга текшириш, қонда РВ ва РИФ реакцияларини ўтказиш. 3. Таққослов ташхисини янги туғилган чақолоқлар юқумли чилла яраси касаллиги билан ўтказилади.
Вазиятли масала № 66.	1.Кеч туғма захм, рахит, пероностит, кератит. 2.Қонни РВ, РИФ, РИТ, ПЦР ларга текшириш, кўз шиллиқ қаватидан оқиш трепонемаларни топиш, болдири суягини рентгенография қилиш, кўз тубини текшириш. 3.Кеч туғма захм 4.Фогтя-Коянаги –Харада синдроми ва суюкларда рахитга хос ўзгаришлар билан таққослов ўтказилади.

Вазиятли масала № 67.	Бола эрта туғма захм белгилари билан туғилади, баъзан белгилар бола хаётининг 2-3 ойларида намоён бўлади.
Вазиятли масала № 68.	1.Ха. 2. Профилактик даво чоралари ўтказилади. 3.Сувда эрувчи пенициллин дори воситасини 400 000 тб дан кунига 8 маротабадан м/o 14 кун давомида юборилади.
Вазиятли масала № 69.	1. Огоҳлантирувчи даво чораси ўтказилиши зарур. 2. Кўйдаги даволаш схемаларини биттасидан фойдаланилади: - пенициллиннинг натрий ёки калий тузларини – 400 000 тб кунига 8 маротаба (ҳар 3 соатда) м/o га 14 кун давомида юборилади, жами даво курси 44 800 000 тб ни ташкил этади; - пенициллиннинг новокайнли тузи 600 000 тб кунига 2 маротаба (ҳар 12 соатда) м/o га 14 кун давомида юборилади, жами даво курси 16 800 000 тб ни ташкил этади. - экстенциллин ёки ретарпен антибиотигини 2400.000 т/б дан м/o га 1 марта икки босқичли усул орқали юборилади.
Вазиятли масала № 70.	1.Пенициллиннинг (натрий ва калий тузлари) кунлик миқдори 1 кг тана вазнига нисбатан 100 000 тб дан деб ҳисобланади ва пенициллиннинг сувда эрувчанлигини 6 та бир хил қисмга бўлинади, пенициллиннинг новокайнли тузи эса 2 қисмга бўлинади. 2. Даво чоралари давомийлиги 4 ҳафтани ташкил этади.
Сўзак. Қиз болалар сўзаги. Гонобленорея.	
Вазиятли масала № 71.	1. Гонобленорея. 2. а). Кўздан ажralаётган серозли- йирингли суюқликдан суртма олиб, Грамм усулида бўяш ва бактериоскопик текширувлар ўтказиш лозим. б). Онасини уретра, цервикал канали ва қинидан суртмалар олиб тайёрлаб, бактериоскопик текширувлар ўтказилади. 3. Ҳужайра ичи диплококклари (яъни гонококклар). 4. Шифокор-венеролог билан маслаҳатлашган ҳолда bemор болани тери-таносил касалликлари диспансерига ўтказиш лозим.
Вазиятли масала № 72.	1. Сўзак, трихоманиаз, кандидоз, хламидия, микоплазма ва носспецифик уретритлар ҳакида ўйлаш мумкин. 2. а). Уретрадан ажralаётган серозли-йирингли суюқликдан суртма олиб, Грамм усулида бўяш ва бактериоскопик текширувлар ўтказиш. б). ПЦР ёрдамида барча жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларга текшириш. 3. Уретрадан чиқаётган ажralма миқдори кам бўлганлиги сабабли алиментар провакацияни ўтказиш зарур. 4. Беморни ЖАОЮК га текшириш. Барча оила аъзоларини текшириш. Жинсий шеригини топиш ва текшириш зарур.
Вазиятли масала № 73.	1. Сўзак, трихоманиаз, кандидоз, хламидия, микоплазма, кандидоз ва носспецифик уретритлар ҳакида ўйлаш мумкин. 2. Уретра деворидан, вагина ва цервикал каналдан суртмалар олиб, бактероскопия усулида текширувлар ўтказиш.

	3. Касаллик манбаи аниқланмаганлиги сабабли беморга специфик даво ўтказилгандан сўнг, захмга қарши огоҳлантирувчи даво ҳам ўтказиш зарур.
Гонококксиз уретритлар	
Вазиятли масала № 74.	1. Рейтер касаллиги. 2. Цитологик текширувлар, серологик текширув усуллари (ИФА, РНИФ). 3. Ташхисни тасдиқлаш мақсадида bemor шифокор- дерматовенерологга кўрув учун юборилиши лозим.
Вазиятли масала № 75.	1. Вульвовагинит трихомониаз этиологияли. 2. Бошқа таносил касалликлари билан (сўзак, хламидиоз, уреаплазмоз, кандидоз; носпецифик яллиғланишли инфекциялар, гормонал бузилишлар) таққослов ташхиси ўтказилади. 3. Этиотроп даво (метронидазол, тинидазол буюрилади ва стимуляцияловчи препаратлар ҳамда маҳаллий даво) тавсия этилади.
Вазиятли масала № 76.	1. Кандидозли вульвовагинит. 2. Ачитқили замбуруғларга қарши қўлланиладиган дори воситалари (нистатин, леворин, флунол, фунгикейр, клотrimазоллар) буюрилади.
Орттириилган иммун танқислиги синдроми	
Вазиятли масала № 77.	1. ИТВ (ВИЧ)-инфекцияси, тарқалган лимфаденопатия босқичи, Капоши саркомаси. 2. Иммунофермент текшируви, иммуноблотинг текшируви, полимераз занжир реакцияси текшируви, иммунограмма, умумий қон текшируви, кўкрак қафаси рентгенограммаси каби текширувлар ўтказилиши керак.
Вазиятли масала № 78.	1. ИТВ(ВИЧ)-инфекцияси, ўпка тури, пневмоцистли зотилжам.. 2. ИТВ(ВИЧ)-инфекциясига тўлиқ комплекс текширувлар (иммунофермент анализ, иммуноблотинг, полимераз занжир реакцияси, иммунограмма, балғам таркибини бактериологик текшируви) ўтказилади.
Вазиятли масала № 79.	1. ИТВ(ВИЧ)-инфекцияси, тарқалган лимфаденопатия босқичи, ошқозон-ичак тури. 2. ИТВ(ВИЧ)-инфекциясига тўлиқ комплекс текширувлар (иммунофермент анализ, иммуноблотинг, полимераз занжир реакцияси, иммунограмма, балғам таркибини бактериологик текшируви) ўтказилади
Вазиятли масала № 80.	1. ИТВ(ВИЧ)-инфекцияси, Капоши саркомаси. 2. ИТВ(ВИЧ)-инфекциясига тўлиқ комплекс текширувлар (иммунофермент анализ, иммуноблотинг, полимераз занжир реакцияси, иммунограмма) онколог кўриги ҳамда биопсия текшируви ўтказилади

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Кисқарма сўзлар рўйхати.....	5
I БЎЛИМ. ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИ	6
Дерматовенерология фанининг.....	6
ривожланиш тарихи	6
Ўзбек дерматовенерологиясининг тарихи	9
Болалар дерматовенерологиясининг тарихи.....	12
УМУМИЙ ҚИСМ.....	14
Меъёр терининг тузилиши (прф Турсунов Э.Т.).....	14
Терининг эмбриогенези	14
Тери анатомияси ва гистологияси	18
Терининг физиологик вазифалари	27
Терининг патогистологик ўзгаришлари	33
Болалар терисининг ўзига хос хусусиятлари.....	34
Тери касалликларининг умумий <u>симптоматикаси</u>	36
Бирламчи морфологик тошмалар.....	37
Иккиламчи морфологик тошмалар	40
Тери касалликларига ташхис қўйилишида <u>кулланиладиган маҳсус диагностик усуллар</u>.....	43
Тери касалликларини даволаш усуллари	52
Умумий даволаш усуллари.....	52
Маҳаллий даволаш усуллари.....	64
МАҲСУС ҚИСМ.....	76
Янги туғилган чақалоқлар тери <u>касалликлари</u>	76
Терининг йирингли <u>касалликлари</u>	92
Умумий маълумотлар	92
Стафилококкли пиодермиялар	94
Стрептококкли пиодермиялар	101
Аралаш пиодермиялар	104
Терининг йирингли касалликларини даволаш.....	106

Терининг аллергик касалліктери	109
Дерматитлар	109
Экзема	113
Нейродермит	118
Эшакем	122
Болалар қичимаси	125
Атопик дерматит	127
Терининг пролифератив касалліктери.....	137
Псориаз	137
Қызыл ясси темиратки	147
Парапсориаз	150
 ТЕРИНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ.....	153
Умумий маълумотлар	153
Кератомикозлар	155
Дерматофитиялар	158
Кандидозлар	170
 ТЕРИНИНГ ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРИ	177
Кўтири	178
Битлаш	181
Тери лейшманиози	183
Мохов	188
ТЕРИНИНГ ВИРУСЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ. (доц. Ходжаева С.М., асс. Сиразитдинова В.Ф.)	194
Оддий учук	194
Белбоғсимон учук	197
Юқумли моллюскалар	199
Сўгаллар	200
Ўткир учли кондиломалар	201
 ТЕРИНИНГ БИРИКТИРУВЧИ ТЎҚИМА КАСАЛЛИКЛАРИ... 203	203
Қызыл югурик	203
Чегараланган склеродермия	207
Дерматомиозит	213
 ТЕРИНИНГ ПУФАКЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ..... 217	217
Чин ёки акантолитик пўрсилдоқ пуфакли яра	217
Дюрингнинг учуксимон дерматити	223
 ГЕНОДЕРМАТОЗЛАР	227

Ихтиоз	227
Туғма буллёз эпидермолиз	233
Энтеропатик акродерматит.....	242
Дарье касаллиги.....	253
СОЧ ВА ЁҒ БЕЗЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ.....	255
Ўчоқли алопеция	255
Монилетрикс, трихотеломания, себорея	263
Оддий ҳуснбузар	266
Пушти ранг ҳуснбузар	268
ДИСХРОМИЯЛАР.....	271
Витилиго	271
Пигмент сақламайдиган Блох-Сульцбергер синдроми	276
ТЕРИ СИЛИ.....	278
Терининг ўчоқли сили	279
Терининг диссеминирланган сили.....	284
ВАСКУЛИТЛАР.....	287
Тугунли эритема	287
Терининг аллергик васкулити	289
Шенлейн – Генох геморрагик васкулити	290
ЭРИТЕМАЛАР	292
Кўп шакли экссудатив эритема	292
Жибернинг пушти ранг темираткиси	294
РЕТИКУЛЁЗ ВА ЛИПОИДОЗЛАР	297
МАСТОЦИТОЗ ЁКИ ПИГМЕНТЛИ ЭШАКЕМ КАСАЛЛИГИ.	307
ФАКОМАТОЗЛАР	310
ТЕРИНИНГ ХАВФСИЗ ЎСМА КАСАЛЛИКЛАРИ	315
ХЕЙЛИТЛАР	320
П БЎЛИМ. ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ	324
Захм. (проф. Шодиев X.Қ., доц. Ахмедов Қ.Р.)	324
Захмнинг умумий кечиши	327
Захмнинг бирламчи даври	331
Захмнинг иккиламчи даври	336
Захмнинг учламчи даври	343
Яширин захм	345

Захмда қўлланиладиган серологик жараёнлар.....	350
ТУҒМА ЗАХМ.....	353
Эрта туғма захм	355
Кеч туғма захм	358
Захм касаллигини даволаш	362
 СЎЗАК	371
Қиз болалар сўзаги	377
Сўзаксиз вульвовагинитлар	380
 ОРТТИРИЛГАН ИММУН ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ (ОИТС). (проф. Абдуллаев М.И.)	385
 БОЛАЛАРДА ТЕРИ ВА ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАР БИЛАН КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ТАШКИЛИЙ ИШЛАР	405
 Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	408
 Мавзулар бўйича фотосуратлар	410
Тест саволлари	425
Вазиятли масалалар.....	513
Тест саволлари жавоблари эталони	538

Қайдалар учун

Қайдалар учун

А.М. МАННАНОВ, Қ.Н. ХАИТОВ

БОЛАЛАР ТЕРИ ВА ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ

Дарслик

*Мұхаррір Н. Артиқова
Бадий мұхаррір М. Одилов
Компьютерда сағиғаловчы У. Рахматов*

Нашр. лиц. АI № 174.
Босишга рухсат 27.06.2016-йилда берилди.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Offset қофози №2. «Times» гарнитураси.
Шартли б.т. 33,75. Нашр ҳисоб т. 35.
Адади 300 дона. 23-buyurtma.

“IQTISOD-MOLIYA” нашриёти
100084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли. 7.

“HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO‘JIZASI”
босмахонасида чоп этилди.
100000, Тошкент, Амир Темур 60^{“A”}.